Қозоқбой ЙЎЛДОШ

ОЧҚИЧСЎЗ

Қозоқбой ЙЎЛДОШ

ОЧҚИЧСЎЗ

JIZZAX DPU
INV № 149768
AXBOROT RESURS MARKAZI

"ТАФАККУР" НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК: 821.512.133.09
КБК: 83.3(5Ў)
83.3(5Ў)
Й 69
Йўлдош, Қозоқбой.
Очқич сўз [Матн]: монография / Қозоқбой Йўлдош. – Тошкент : Тафаккур нашриёти, 2019. – 688 б.

ISBN: 978-9943-24-204-3

© Қозоқбой ЙЎЛДОШ, 2019.
© "Тафаккур" нашриёти, 2019.

МУНДАРИЖА

Сўзбошиларга сўзбоши 5

СЎЗБОШИЛАР

Маънавият сабоқлари 9
Покиза туйғулар куйчиси 14
Туйғулар туғёни 23
Кайфият манзаралари 25
"Куздаги кўклам" чечаклари 34
Изтироб чақинлари 38
Мангу эзгулик "илинж"и 52
Дардчил туйғу ва безовта руҳ 57
Кўнгил тўлқинлари 75
Ўзликни англаш қўналғалари 82
Исёнкор туйғулар куйчиси 87
Улкан туйғуларнинг мўъжаз сувратлари 101
Тушунилиш эҳтиёжи 109
Ҳайратнинг илк мевалари 123
Туйғуланган тафаккур ёғдуси 127
Кечаги кун – сабоқ 140
Изтироблар комидаги ҳаёт тасвири 144
Излаб топиш завқи 164
Армон 173
Азобда тобланган қисматлар 186
Кўнгил ҳолати ифодаси 212
Муҳрланган лаҳзалар тоти 218
Мангулик манзиллари 226
Авжланиш эҳтиёжи 233
Кўнгил қўрғонига бўйлаб 250
Сувратланган туйғулар 259
Висолсиз айрилиқ тоти 268
Ташна кўнгил изҳорлари 306
Умиднинг хазонсиз фасллари 313
Миллий руҳият булоғи 320
Эзгулик истаги 329

Порлоқ ҳайратлар чақини ... 335
Иккинчи умр манзиллари ... 352
Туйғуларнинг инжа тасвири ... 365
Ойдин сатрлар ... 371
Ҳаётнинг маъноси ... 378
Кайфият сувратлари ... 381
Ҳикмат ва бадиият уйғунлиги ... 386
Бедов руҳ ... 392
Оғриқли ўйларнинг поэтик манзараси ... 401
Ҳаракатдаги кайфият манзаралари ... 410
Чигал руҳиятнинг бетакрор тасвири ... 416
Бадиий камолот йўли ... 426
Йирик туйғулар ифодаси ... 439
Одамийлик дарёси қарқини ... 446
Кўнгилдаги излар тасвири ... 462
Зулм чангалидаги тақдирлар ... 477
Умид ёғдуси ... 486
Қардошнинг меҳрли назари ... 491
Кўнгил осмонига қўйилган нарвон ... 498
Энадарё тўлқинлари ... 502

СЎНГСЎЗЛАР

Ёнар сўз алангаси ... 507
Умиднинг улғайиши ... 514
Киноя бағридаги умид ... 524
Моҳият реаллиги ифодаси ... 554
Миллий хотиранинг бадиий ифодаси ... 578
Ёлқинли туйғулар тасвири ... 599
Майин исён оҳанглари ... 608
Ҳужжат ҳақиқатидан тасвир ҳақиқатига ... 617
Туйғу ва тафаккур уйғунлашуви ... 639
Миллий руҳ сувратлари ... 653
Отамаконнинг поэтик манзаралари ... 683

СЎЗБОШИЛАРГА СЎЗБОШИ

Азиз ўқирман! Қўлингиздаги китоб сиз шу вақтга қадар ўқиган бошқа китобларга мутлақо ўхшамайдиган битикдир. Бундай дейилаётганига сабаб шуки, китоб фақат сўзбоши ва сўнгсўзлардан иборат. Ўзбек адабиёти тажрибасида бундай китоб бўлган эмас, бошқа эллар адабиётида ҳам борми-йўқми, очиғи, аниқ билмайман. Лекин билгич бир одамнинг: ***"Дунёда бундай китоб бор-йўқлигининг нима аҳамияти бор? Йўқ бўлса, сиз биринчи бўласиз, бор бўлса, ўзбек адабиётида биринчи бўласиз. Бу китоб ҳар бир ўқирманга, аввало, қайси китобни ўқиш кераклиги ҳақида йўналиш беради. Иккинчидан, бирор китобни ўқиш асносида ундаги муҳимни номуҳимдан ажратишга ўргатади. Қолаверса, асар муаллифининг услубини илғашга, адибларни бир-биридан фарқлашга кўмаклашади. Мана шу саналганларнинг ўзиёқ китобингизнинг яшашига ва албатта, ўз ўқирманларига эга бўлишига асосдир. Қолганини ҳаёт кўрсатади"***, – деган далдаси сабаб ушбу битик дунёга келди.

Китобнинг сўзбошили бўлиши – туркий ёзма адабиёт учун бобомерос белги. "Қутадғу билиг" ва "Девону луғотит турк"дан тортиб мумтоз адабиётимиздаги деярли барча илмий, тарихий ва эпик асарлару шеърий девонлар гоҳ "Муқаддима", гоҳ "Дебоча" йўсинида аталган "сабаби таълиф", яъни ўзига хос сўзбошига эга бўлган. Чунки туркийлар бадиий ижод соҳасида ҳам олдин юрар йўлини белгилаб, мақсад-муддаосини аниқлаб олиб, сўнг иш кўради. Сўзбошиларда, бугунги тил билан айтганда, ижодкорнинг концепцияси баён этилади. Абдулла Қоди-

рийнинг икки романида ҳам отамерос шу анъанага амал қилингани кўзга ташланади.

Муаллифнинг мақсадидан кўра ҳукмрон мафкуранинг йўриғи муҳим саналадиган совет даврида китоблар сўзбошиларсиз битила бошланди. Тўғри, совет даврида ҳам сўзбоши тугаллай йитиб кетмаганди. Лекин уч жиҳатдан олдинги сўзбошилардан фарқ қиларди. Биринчидан, китобларга сўзбоши камдан кам ёзиларди. Иккинчидан, кам сонли сўзбошилар ҳам олдин бўлганидай муаллифнинг ўзи томонидан эмас, балки кўпроқ бошқа бир обрўлироқ киши томонидан битиларди. Учинчидан, уларнинг кўпчилигида асарнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришдан кўра асарнинг ғоявий жиҳатдан хатарсиз эканига кафолат бериш, мафкуравий тойинишлар йўқлигини кўрсатиш етакчилик қилиб, кўпроқ "оқ йўл" характерида бўларди.

Эгаманлик даврига келиб, санъаткор шахси ва унинг ижодий ниятига эътибор кучайиб, адиблар турли бадиий тажрибалар қилишдан чўчимайдиган бўлгач, миллий тафаккур йўсинида ҳам эсселашиш юз берди. Эндиликда кўпчилик ёзувчи-шоирлар ўз китобларини сўзбошилар билан бостира бошлашди. Фақат бу сўзбошилар ҳам мумтоз адабиётда бўлгани янглиғ муаллиф томонидан эмас, балки асосан бошқа ёзувчи ёки синчилар томонидан битилиши устувор анъанага айланди.

Маълумки, ижод эркинлиги, аввало, турли экспериментлар қилиш ҳурлигидир. Эндиликда ижодкорлар ўқирманлар савиясига мослашиш эмас, балки бадиий ниятларини тушунтириш орқали уларни ўз эстетик даражаларига чиқаришга интила бошладилар. Адабиётда бор гапни боридай айтишдан кўра тасвир орқали ишора қилиш йўли билан ўқирманни адабий истеъмолчидан ижодий кечимнинг иштирокчиси мақомига кўтаришга уриниш етакчилик қиляпти. Бу ҳол ижодкордаги ***тушунилиш*** билан

ўқирмандаги ***тушуниш*** истагини уйғунлаштириш заруриятини юзага келтириб, сўзбошиларга эҳтиёжни кучайтирди.

Мендан кўпинча: *"Нега сўзбошини мунча кўп ёзасиз?* – деб сўраб қолишади. *–Муаллифларнинг ўзлари илтимос қилишадими?"* – дея қўшиб ҳам қўйишади. Аввало, бировнинг битганига унинг ўзи илтимос қилмаса, сўз ёзиб бўладими? Адабиёт тарихида бунақаси бўлганмикин ҳеч? Бошқа томондан, синчининг асл юмуши тушунилиши керак бўлган битикнинг ўзгаларга ҳам англанилиши лозим бўлган жиҳатларини кўрсатиб беришдан иборат эмасми? Фақат бу юмуш китоб чиққандан кейин тақриз шаклида эмас, балки асарнинг ўзи билан бирга сўзбоши тарзида бажарилади, холос. Бугун синчилар жуда сусайиб кетди, улар чиқаётган асарларга бефарқ турибдилар дейдиган кишилар ҳозирда сўзбошилар миқдори кескин кўпайганини ҳам ҳисобга олсалар тузук бўларди.

Қўлингиздаги "Сўзбошилар" китоби икки қисмдан иборат. Биринчи қисмдан сўзбошилар ўрин олган бўлса, иккинчи бўлим сўнгсўзларни ўз ичига олади. Айтиш керакки, китобдаги сўнгсўзлар ҳам аслида сўзбоши сифатида ёзилган. Улар жанр нуқтаи назаридан бирор ўзига хосликка эга эмас. Фақат ё муаллиф, ёки ноширнинг қандайдир мулоҳазаси сабаб сўзбоши китобнинг охирига олинган бўлади. Демак, улар чоп этилган ўрнига кўра "сўнгсўз"га айланган. Лекин сўзбоши ҳам, сўнгсўз ҳам битикнинг моҳиятини англашга очқич вазифасини бажаради. Шунинг учун қўлингиздаги китобни "Очқичсўз" деб номлашни маъқул кўрдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, китобга кирган барча сўзбошилар ҳам чоп этилган деб аниқ айтолмайман. Баъзан қўлёзма эгалари сўзбоши ёздириб олгач, умуман, кўринмай кетишади ва билмай қоламанки, мен сўзбоши ёзган китоб босилиб чиқдими

ёки йўқми? Лекин китобдаги битикларнинг бари мавжуд қўлёзмалар асосида яратилган ва уларнинг бирортаси учун ҳам хижолатлик эмасман. Шунингдек, айрим сўзбошилар чоп этилганда, менинг ихтиёримсиз ҳажми қисқарган, сарлавҳаси ўзгартирилган бўлиши ҳам мумкин. Яна бир жиҳатни уқтулашни истардимки, китобдаги кўпчилик сўзбошилар тадқиқот кўринишида бўлгани учун бирмунча батафсил, яъни билдирилган ҳар бир фикр мисолларга таяниб, асослашга уринилган. Уларда бирор шоир ёки ёзувчи ижодига хос бўлган етакчи қирраларни аниқлаш ва унинг намоён бўлиш йўсинини кўрсатиб беришга интилинган.

Китобдаги ҳар бир битик бирор ижодкор китобининг олди ё ортида келганидан қатъи назар, текширилган асарнинг тушунилиши учун ўқирман кўлида очқич бўлишига умид қиламиз.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
2017 йил 4 август

СЎЗБОШИЛАР

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Жамиятнинг одамийлик даражаси унда яшайдиган кишиларнинг инсонийлик даражасига мувофиқ бўлади. Чунки ҳар қандай жамият ўзаро ижтимоий муносабатларга киришган одамлар мажмуидан иборатдир. Бирга кун кечирадиган одамлар маънавияти нечоғли баркамол бўлса, жамиятнинг сиёсий тузуми ҳам, ҳуқуқий тартиботи ҳам, иқтисодий тараққиёти ҳам ўшанчалик мукаммал бўлади. Қарийб бир аср мобайнида мажбурий эътиқод сифатида тиқиштириб келинган марксизм-ленинизм эса одамларни эзгу хислатларга эга қилиш учун аввало адолатли жамият барпо этиш керак, деб ўргатганди. Яъни бу таълимотга кўра олдин яхши жамият қуриб олиб, одамларни ўша жамият қўйнида яхшилаш лозим эди. Марксчиларнинг мўлжалига қараганда, социализм айни шундай жамият бўлиши кўзда тутилганди. Бошидан эзгу фазилатли одамларга таяниб иш кўрмаган бундай тузум кишиларга яхши фазилатлар бахш эта олмадигина эмас, сал бўлмаса, бутун жамият аъзоларини маънавиятдан маҳрум қилаёзди.

Одамларнинг маънавиятини юксалтирмай туриб, улар яшайдиган жамиятни юксалтириш, маънавиятни соғломлаштирмай туриб, жамиятнинг соғломлигини таъминлаш, кишиларда эзгу ахлоқий фазилатлар шакллантирмай туриб, адолатли жамият қуриш мумкин эмаслиги англаб етилганлиги учун ҳам мамлакатимизда маънавият муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Барча эзгу хислатлар сингари маънавият ҳам ҳар бир кишида

ёшликдан шакллантирилса, унинг табиатига айланиб, турғунлик касб этади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда умумтаълим мактабларида эстетик йўналишдаги фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, бой маънавият бой эстетик олам демакдир. Оламнинг гўзаллигини пайқамайдиган, бадиий ижод ҳодисаларини англай олмайдиган, ундан завқлана билмайдиган кишида ҳиссиёт ўткир, туйғулар ингичка бўлмайди. Ҳиссиёти суст одамда руҳий безовталик, ўз-ўзини тафтиш қилиш туйғуси шаклланмайди. Руҳияти безовта бўлмаган шахснинг қалб кўзи етарлича очилмайди. Қалб кўзининг очиқ эмаслиги кишида маънавий мезонларнинг тўғри таркиб топмаганлигидан далолатдир.

Адабиёт ўқитишнинг алоҳида эътиборга лойиқлиги сабаби унинг фақат билим берадиган воситагина бўлиб қолмай, биринчи навбатда, ёш бўғинларнинг маънавиятини таркиб топдиришга йўналтирилганидадир. Сабоқлар ва ундан ташқарида ўтказиладиган тадбирлар воситасида ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда мумтоз адабиёт намуналаридан фойдаланиш алоҳида мавқега эга. Чунки миллий маънавиятимиз қатламлари, аввало, кўп асрлик адабиётимиз намуналарида бўй кўрсатган. Даҳриёна мафкура туфайли кўп чекловларга йўлиққан исломий маънавият мумтоз адабиётимизда ёрқин намоён бўлган. Бу адабиётнинг етук намуналари қатларида асл туркий руҳият муҳрлаб қўйилган. Ана шу асарлардаги маънавий қадриятларни ўзлаштирмай туриб миллатимиз жаҳон айвонида мустақил этнос сифатида умр кечиролмайди. Негаки, этник-психологик ўзига хосликнинг илдизлари ҳам мумтоз адабиётга бориб тақалади.

Юксак туркий маънавиятга эришмоқ, ўзни танимоқ, ўзликни англамоқ учун ҳам мумтоз адабиёт намуналари пухта ўрганилиб, ундаги эзгу ахлоқий жиҳатлар кишиларнинг руҳиятига сингдирили-

ши лозим. Маънавий-ахлоқий илдизини билмаган одам ўзини билмайди, ўзини билмаган киши замонини танимайди. Замонини билмаган кимса ватанга фақат макон деб қарайди ва унга бефарқ бўлади. Ватанга, миллатга бефарқлик манқуртликнинг нишонасидир. Ёшларимиз мумтоз адабиёт намуналаридан қанчалик йироқ бўлишса, уларнинг маънавияти шунчалик қашшоқ, ўзлари инсоний етукликдан шунчалик узоқ бўладилар ва аксинча. Мумтоз адабиёт намуналарини ўқиш, идрок этиш, англаш ва ундан завқлана билиш фақат таълимий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, улкан ижтимоий қимматга ҳам эгалигининг сабаби шунда.

Таниқли навоийшунос олим, профессор Абдуқодир Ҳайитметов домла қаламига мансуб "Адабий меросимиз уфқлари" китоби шунинг учун ҳам катта маърифий аҳамиятга эгадир. Мумтоз адабиёт намуналарини шунчаки ўқиб кетаверган билан мурод ҳосил бўлмайди. Миллатимизнинг жуда бой ва ғоят қадимий адабиётини англаш кишидан маълум даражадаги назарий тайёргарликни талаб қилади. Ана шундай ҳозирликкина бугунги кишилар билан кўҳна адабиётимиз ўртасидаги замоний, ифодавий, руҳий, фикрий бегоналикни бартараф қила олади. Кўпгина ёшларимизнинг мумтоз адабиёт намуналарига бефарқлигининг асосий сабаби уларни англамасликда, бинобарин, таъсирлана олмасликдадир.

Бадиий ҳодисадан таъсирланиб, уни ўз шахсияти иқлимига кўчириш учун аввал эстетик яратиқ тафаккур маҳсулига айлантирилиши, яъни тушуниб олиниши лозим бўлади. Англанмаган бадиият воқеликка айланмаган имконият кабидир. "Адабий меросимиз уфқлари" китоби мумтоз бадиий ҳодисаларни англатиш йўллари тадқиқ этилганлиги билан диққатга сазовор. Асарлар оша яшаб келаётган мумтоз адабиёт комил инсон руҳининг гўзал ифодаси бўлганлиги боис ҳам дунёни бадиий идрок этиш,

англаш, ифодалаш, руҳият мавжларини образли акс эттириш, анъанавий бадиий тимсоллар тизими ичида ҳаракатланиш, қолипга тушган тасвир воситалари орқали оригиналлик юзага келтириш, асарнинг етакчи ифода маромини белгилаш сингари бир қатор жиҳатлари билан замонавий адабиётдан жиддийгина фарқ қилади. Ана шу фарқлар нималардан иборатлиги ва бунинг сабаблари юзасидан муайян тушунчаларга эга бўлмай туриб мумтоз адабиёт жозибасидан баҳраманд бўлиш қийин.

Назарий билимлар ёрдамида туюқ, мувашшаҳ, таърих ва бошқа поэтик жанрлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаган китобхон бу хилдаги асарлардан етарлича лаззатлана олмаслиги табиийдир. Шеърий санъатлар табиатини билмаслик ҳам мумтоз назмдаги фавқулодда бадиий кашфиётлардан ҳайратланмасликка олиб келади. Машҳур олим, шу вақтга қадар асосан академик тадқиқотлар билан шуғулланиб келган профессор Абдуқодир Ҳайитметов ушбу китобида мумтоз адабиётни мавҳумлик, тушунарсизлик кўкидан ерга – бугунги ўқувчиларнинг ёнига туширишга ва уларнинг қўлига бадиий матнни идрок этиш калитини тутқазишга уринган.

"Адабий меросимиз уфқлари" рисоласини синчиклаб ўқиб чиққан китобхонлар эндиликда мумтоз адабиёт намуналаридан лаззатланибгина қолмай, бу лаззатнинг манбаси қаерда эканлигини англаш имконига ҳам эга бўладилар. Бу ҳол бадиий асардан олинадиган завқнинг даражасини янада оширади, унинг китобхон маънавиятини шакллантиришдаги салмоғини сезиларли даражада орттиради.

Тўрт қисмдан иборат ушбу китобнинг "Адабий мерос ва замон" деб номланган биринчи бўлими миллий адабиётшунослигимиз илдизларининг нечоғлик узоқ тарихий қатламларга етиб борганлигини кўрсатувчи "Адабиётшунослигимизнинг гўзал ибтидоси" тарзида аталган мақола билан бошлана-

ди. Биринчи бўлимдан ўрин олган мақолаларнинг барчаси мумтоз адабиётимизнинг бирор муҳим назарий қирраси ёки машҳур адабий сиймолар тўғрисидаги мухтасар маълумотларни қизиқарли йўсинда баён этишга қаратилган. Иккинчи қисм "Истеъдоднинг олмос қирралари" тарзида номланган. Унда туркий миллатларнинг фахри ҳазрат Алишер Навоий ижодининг турли қирралари маърифий жиҳатдан ғоят қизиқарли ва англашиларли йўсинда тадқиқ этилган. Қисм сўнгида буюк мутафаккирнинг бир қатор ғазаллари бадиий таҳлил этиб берилганлиги мақолалар қимматини янада оширган. Рисоланинг "Қомусий маълумотлар" деб аталган учинчи бўлимида "Алишер Навоий" қомуси учун ёзилган мақолалардан намуналар берилган.

Китобнинг "Қайдлар. Хотиралар" шаклида номланган тўртинчи бўлимидаги мақолалар, бир қарашда, асарнинг умумий йўналишига уйғун эмасдай туюлса-да, аслида инсоннинг маънавий иқлимида бадиий адабиёт туфайли рўй берган гўзал ўзгаришлар тасвирига бағишлангани билан рисоланинг умумий руҳига сингишиб кетган.

Маърифий жиҳатдан ғоят қимматли, педагогик томондан жуда ибратли, методик нуқтаи назардан ўта фойдали ушбу китоб ўқувчи ва адабиёт ўқитувчиларининг, барча адабиёт ихлосмандларининг меҳрини қозонади, деб ўйлаймиз. Китобхонларнинг миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан чанқов бостиришларини осонлаштиришга хизмат қиладиган "Адабий меросимиз уфқлари"асари ўқувчилар учун маънавиятдан берилган унутилмас сабоқларга айланади, деб умид қиламиз.

1997 йил 14 феврал

ПОКИЗА ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

Ҳар қандай миллатнинг маънавий тараққиёт даражаси ўша миллат аёллари камолотининг юксаклиги билан ўлчанса, тўғри бўлади. Шу маънода, ўзбек адабиёти тарихи аёл ижодкорларга бойлиги жиҳатидан ўзига хос ҳодиса эканлигини таъкидлаш жоиз. Миллат аёлларининг маънавий олами юксак, тафаккур уфқи кенг бўлган жойдагина шоира ва адибалар туғилади. Улар якка-ёлғиз тасодифий ҳодиса эмас, балки муайян эстетик қонуниятнинг намоён бўлиши тарзида, мустаҳкам ижодий силсила сифатида вужудга келишади. Халқимизнинг яқин бир аср нари-берисидаги тарихида фожиалар нечоғлик кўп бўлмасин, улар ўзбекларга хос бўлган табиий бир хислатни йиттиролмади: миллатимиз талантларга бойлигича қолаверди! Айниқса, иқтидорли адиба, шоира ва олималар кўплиги жиҳатидан миллатимиз асло қисилмаган.

Анбар отин, Нозимахоним, Ҳакима каби ижодкорларнинг ёш замондоши, XX аср бошларида қўлига қалам тутган ва бу қаламдан ўтган юзйилликнинг олтмишинчи йиллари ярмига қадар бадиий сўз тўкилиб туришига эришган шоира Мутриба (1894-1964) ўзбекнинг иқтидорли ижодкорларидан бири эди. Жуда кўп инсоний фазилатлар соҳибаси, дардчил ва таъсирчан қалб эгаси Саломат Парда қизи Мутриба маснавийларидан бирида фахр билан битганидай турфа эзгу сифатларни ўзида мужассамлаштирган зот эди:

Бериб эрди Худовондо нек ном,
Манга илму амал, ҳам бахту анжом.

Саодатлик саховат феълу хўйи,
Ширин тил, хуш такаллум, хўб рўйи.
Жамийки илму хунарда моҳир эрдим,
Яна ҳам шеърхону шоир эрдим...

Бундай фазилатлар эгаси ҳамма замонларда ҳам ўзгаларга қараганда қийналиброқ яшайди. Шўролар даврида эса Мутрибанинг турмуши ўта мураккаб бўлганлиги изоҳларсиз ҳам равшандир. Аввало, шоира ижодида сўфиёна йўналиш, Хақ жамоли, жалоли ва камолидан ҳайратланиш ҳамда уни куйлаш устувор бўлганлиги, "чиркин ўтмишдан" нафратланиш ахлоқ даражасига кўтарилган даврда ҳам мумтоз адабий жанрларга, улардаги тимсолий тизимларга содиқ қолганлиги, коммунистик мафкуранинг югурдаги бўлишга интилмагани ва асарларида замонни шарафлаш юксак рутбага чиқарилмаганидан ижодкор сифатида эътибордан четда қолди. Шоира синфий курашу ижтимоий зиддиятларни тасвирлашга бегона эди. Ва бу бегоналик Мутриба шахсиятига ҳамиша ўз салбий таъсирини ўтказиб келди. Ҳукмрон тузум шоиранинг, лоақал она сифатида бахтиёр бўлишига ҳам имкон бермади. Мутрибанинг кейинги турмуш йўлдоши шоир Қорақул "босмачи"ларга хайрихоҳликда айбланиб, йўқ қилинган. Шу сабаб шоиранинг биринчи турмушидан бино бўлган биттаю-битта ўғли Абдулла ўзини "халқ душмани"нинг оиласидан, яъни онасидан тортиброқ юришга мажбур бўлди. Акс ҳолда, комсомол ва ҳарбий соҳаларда йирик лавозимлар эгаси бўлган Абдулла Умаровнинг бошига ҳам ўгай отасининг кунлари тушиши мумкин эди. Гарчи табиатан шокира бўлган Мутриба шеърларидан бирида:

Ўғлим Абдуллажон бир дона гавҳар
Ҳама ишда эрур донаю беҳтар.
Келинойим-болам яктойи даврон
Жаҳонда йўқ анга монанд бир инсон

дея ўғлию келинидан хурсандлигини баён этса-да, ягона ўғилнинг умр бўйи онадан айро яшаши бир ўзбек аёли сифатида таъсирчан юрак эгаси Мутрибага осон кечмаганини тасаввур этиш мумкин.

1962 йили Мутрибанинг "Ҳакима ва Мутриба" отлиқ мўъжазгина китобчаси чоп этилди. Унда шоирнинг ўн бир шеъри босилди. Албатта, бу шеърлар Мутриба ижоди хақида равшан тасаввур бера олмаган.

Мутриба ижодига хос хусусиятларни тўғри белгиламоқ учун бу ижод озиқланган эстетик манбаларни аниқламоқ лозимдир. Шоира асарлари, уларнинг тимсоллар тизими Мутрибага таъсир кўрсатган адиблар шеърият осмонининг сўнмас юлдузлари бўлмиш Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр ҳазратлари ҳамда бевосита устози Ҳакималар эканини кўрсатади. Бу таъсир мавзу ёхуд тимсол яратиш ёки сўз қўллаш борасидагина бўлмай, дунёни англаш ва уни бадиий акс эттириш тамойилларини белгилашда ҳам сезилади. Мутриба ёзади:

Киши билгайму йўл бир раҳнамосиз,
Очилмас ғунча булбулсиз, навосиз...

Раҳнамоларни тўғри танлай билишлик шоирага ижоднинг йўлидан қоқилмай юра олиш ва авлодларга эстетик мерос бўлиб қолишга арзигулик кўркам асарлар яратиш имконини берди.

Мутрибанинг Аллоҳ, олам, одам ҳақидаги ўйлари унинг шеърларига кўчган. У гоҳ ҳайратни, гоҳ чексиз қувончни, гоҳ адоқсиз ғамни, гоҳо холис ҳаётий хулосаларни шеърга солади. Шоиранинг тахаллуси бўлмиш "мутриб" сўзи чолғувчи, ашулачи маъноларини англатганидек, кўчма маънода Зуҳра сайёрасини ҳам билдиради. Сўз жилоларини, унинг маъно имкониятларини жуда пухта эгаллаган шоира асарларида тахаллусига ҳар икки маънони ҳам юклай олади. Ўрни келганда айтиш керакки, бу тахаллусда

ижод қилган кишилар аввал ҳам бўлган. Манбаларда 17 асрда Самарқандда яшаб ўтган туркий шоир Мутриб ҳақида маълумотлар берилади. Лекин Мутриба ижоди отдошларни бирор жиҳатдан такрорламайди. Шоира дунё ҳодисаларига ўз кўзи билан қарайди, улардан ўзига хос хулосалар чиқаради ва туйғуларни ўз сўзи билан ифода этади: ***"Ўтар элдек югуриб бу замона, Қолур бул шеърларим мандин нишона"***.

Мутриба шеъриятни кўнгил эрмаги эмас, балки ҳаёт маъноси ҳисоблайди. Ижодкорнинг бундай хулосага келиши ва шу ақидага амал қилиши маънавий баркамоллик нишонасидир. Шоира ўтар дунё ташвишларидан баланд туради, ўткинчи ҳодисалар учун боқий фазилатларни қурбон этмайди.

Мутриба мумтоз адабий анъаналарни пухта билади. Ҳар бир шеърий турга хос хусусиятлардан атрофлича хабардор ва ўз ижодида ҳам айни шу рангинликни намойиш қилади. Шоира ғазал, мухаммас, маснавий, мураббаъ, мусаддас сингари бир қатор мураккаб жанрларда бадийяти юқори асарлар битган. Мумтоз адабий анъаналарига ҳамиша содиқ бўлсада, шоира шеърий шаклларга, бадиий мавзуга қотиб қолган ўзгармас тушунчалар тарзида ёндашмайди. Ҳар шаклга ҳам замонавий руҳиятни, янги туйғуларни сингдириш мумкин деб ҳисоблайди ва буни ўз ижоди мисолида кўрсатиб ҳам беради.

Мутриба ўтмиш салафлари сингари олам ҳодисаларига сўфиёна кенглик билан қарайди:

Ранжимоқ беҳудадур дунё ғамидин, эй кўнгул,
Гина қилмоқ бахт ишига оқила лозим дагул.
...Улар бир гавҳар эрур, ҳар дам ғанимат бил ани,
Мутриба, ғамлар абасдур, асли сўз маъниси бул...

Юқоридаги сатрлар йигирма икки яшар ёшгина жувон томонидан яратилганига ақл бовар қилмайди. Чунки ғазалда кўп ҳаёт синовларидан ўтган таж-

INV № 149768

рибали кишиларга хос умумлашмалар, ҳикматомуз хулосалар дилбар бадиий либосда ифодаланган. "Ақл ёшда эмас, бошда" деганларидек, навжувон шоира гўзал бадиий топилмалар яратишни жуда эрта бошлаган эди. Ғазалларида исломий шокиралик, қаноат, ҳаётга файласуфона ёндашув акс этади. Шоира асарлари оҳангининг мусиқийлиги, тасвир рангинлиги, ифода самимияти билан ўзига хосдир.

Мутриба ёрга муҳаббат, ошиқона интиқлик, маъшуқа талпинишлари сингари нозик интим ҳолатларни жонли, жозибали, юқумли ва ишонарли тарзда бера олади:

Қўйғил қадамингни бошим узра,
Охир қара кўз ёшим узра.
Гар бўлса манда неча минг нон,
Айларман ани йўлингда эҳсон.

Ошиқнинг инжиқликларига кўниккан маъшуқа дил изҳори жуда ўйноқи, дил тортар, енгил оҳангларда берилади. Агар биз аввал мурожаат қилган ғазал ўқувчини ўйлатса, маснавийда ўқувчини ўйлар гирдобига тортиш, ғамга тўлдирувчи эзгинлик йўқ экани кўзга ташланади.

Мутриба доимий мавзулардаги асарларида мумтоз адабиёт анъаналарига содиқ эканлиги, бадиий тажрибаларга оғишмай амал қилиш сезилса, кундалик ҳодисалар таъсирида туғилган, замоннинг нуқси кўпроқ урган битикларида бадиий қолипларга кўпда риоя этавермайди. Чунончи, каттақўрғонликлар шеваси вакилларига махсус бўлган "келдийиз", "айтдийиз", "балам" сингари сўз шаклларидан бемалол фойдаланаверади. Чунки бугунги воқелик, бугунги туйғу бугунги тилни тақозо этишини туяди ва ўша туйдиги ҳолатни битикларда акс эттиради. Айни вақда, Мутриба мумтоз адабий тажрибаларни ҳам ўрни-ўрнида дадиллик ила ислоҳ қилишдан чўчимайди. Мумтоз адабиёт учун бевафо ёр образи

жуда кўҳна тимсол ҳисобланади. Шоира вафосиз ёр тимсолини жуда жонли, ишонарли ва ўзига хос тарзда, замонавий йўсинда тасвирлайди.

Мутриба шеъриятининг лирик қаҳрамони – ор-номуси кучли, ҳаё пардасига маҳкам ўралган гўзал маъшуқа. Бу гўзалнинг интилишлари, ўлчов билмас изтиробу муҳаббати иффат пардаси ҳимоясида. У маҳбубига интилади, бу йўлда ҳар недан кечишга, қурбонлар беришга, ғурурини топтатишгада рози. Лекин асло номуси, уяти, иффатини эмас. Шу боис шоиранинг: "***Очмангиз дафтарки ойини муҳаббат бу эмас, Оқил одам фош этарму дилдаги асрорини***" мисраларида туйғулари элга ошкор бўлишни истамайдиган уятчан ўзбек аёли табиати акс этган дейиш мумкин. Маъшуқа ўта эҳтиёткор, иззатталаб, шу боис ғазал матнидан уфуриб турган бесабр туғёнлар ошиқнинг бепарволигидан изза тортаётган аёл руҳияти янада ажиб манзара касб этади, таъсири ортиб боради:

Манингдек бўлмасин ҳеч ким бировнинг маҳви дийдори,
Хаёлимдан нари кетмас ўшал барнонинг кирдори

матлаъли ғазалида айни шу ҳолат жуда ишонарли тасвирланган. Ошиқнинг беэътиборлигидан малолланган, айни дамда ўз малолидан чўчиб кетган аёл қалби манзараси гўзал чизилган. Шоира шеърида ошиқнинг портретини ҳам, руҳиятини ҳам мавҳум, ноаниқ ташбиҳлар орқали, умуман, ифода этмайди. Унинг ёри ўзига хос жисмоний қиёфага эга бўлгани сингари шу хилдаги руҳоний сифатларга ҳам соҳибдир. Ғоят анъанавий, ўта кўп ишлатилган шакл ёрдамида замонавий мазмунни ифода эта билиш, жонли одамни тасвирлай олиш учун катта маҳорат керак бўлади.

Мутриба азалий туйғулар мусаввири бўлса-да, ўзи яшаган давр руҳидан мутлақо четда турди,

унинг муаммоларини қаламга олмади дейиш бир ёқламалик бўлар эди. Аслида азалий туйғулар ҳам муайян ижтимоий- маиший шароит таъсирида пайдо бўлади. Бир жамиятда яшаб туриб ундан тамомила четда бўлиш мумкин эмас. Шу боис элининг оқилона фарзанди, кайвони бибиси бўлган Мутриба ҳам фақат ўз туйғулари билан ўралашиб қолиши, ўз ҳиссиётлари билан андармон бўлиши мумкин эмас эди. Қуйидаги мисралар ана шу дахлдорлик мевасидир:"***Мутриба бўлди ношод, эл дардини этиб ёд, Қачон келур бахтли кун, қачон бўлурмиз озод?!***"

Шоиранинг қисматни ўзгартишга доир шеърлари жанговарлик касб этади. Тасвир услуби ўзгаради. Нозик ифода, назокатли майин тасвир ўрнини чақириқ, даъват эгаллайди. Ватанни озод, юртини обод, фарзандларини шод кўрмоқ истаган аёлнинг, онанинг фарёди устувор бўлади:

Мустабидлар даври ўтди, энди даврон бизники,
Битди ҳасрат, кетди кулфат шоду ҳандон бизники.
...Ётма ғафлат уйқусида, жумла эл, кўзингни оч,
Мажлисаройи жаҳон, шаъми шабистон бизники.

Келтирилган сатрларда миллат тақдирини ўйлаган, элни ғафлат уйқусидан уйғотмоқ илинжида уринаётган безовта қалб эгаси бўлмиш мунаввар инсон туйғулари акс этган. Бугун шоиранинг сиёсий жиҳатдан узоқни кўра олмагани хусусида гапириш мумкин. Чунки у ҳам минглаб алданганлар каби Ўктабр тўнтаришини озодлик келтирувчи ижтимоий ҳодиса деб ҳисоблаганди.

Мутриба инсоний туйғуларни ғоят нозик ва ингичка ҳис этгани учун ҳам ўз ижодий умри давомида ўнлаб марсиялар яратди. Қизиқки, халқ поэтик ижодининг бир кўриниши бўлган бу шеърий шаклда Мутрибачалик кўп ва хўп ёзган шоир ҳозирча маълум эмас. Шоира бировлар бошига келган бахт-

сизликларни ифодалаганда ҳам худди ўз туйғуларини баён этгандаги каби ҳолатга тушади. Ҳиссиёт самимийлиги марсиялар таъсирчанлигини оширади. Марсия битишда Мутриба туйғуси баъзан шеърий андозаларга сиғмай ҳам қолади. Мухаммас шаклида ёзила бошлаган марсия мусаддасда давом этиши ва мураббаъ шаклида якунланиши ҳоллари ҳам учрайди. Туйғулар жунбуши, ҳиссиётлар пўртанаси руҳий мувозанати талаб этувчи шакл консерватизмини, дахлсизлигини бузади. Шунинг натижасида бўлса керак айрим марсияларда вазн сакталиги, ихтиёрсиз қайтариқлар, шоира услубига характерли бўлмаган ўринсизроқ ифодалар учрайди.

Шоира марсияларида инсон ғаминнинг авж нуқталари кучли самимият билан куйланади: ***"Оҳ урсам дуд димоғимдан самога сиғмагай, Нолишимдан нола айлаб най навога сиғмагай"***. Асл шеърият ғам тасвири борасидагина ўз моҳиятини тўла намоён қилади. Чунки чинакам шеър қувончнинг эмас қайғунинг ҳосиласидир.

Инжа туйғулар, нозик ишоралар, эрка ҳолатлар куйчиси бўлмиш Мутриба услуби марсияда тамомила ўзгариб кетади. Унинг кўзларидан ёш ўрнига қон оқади. Биров ҳақидаги оҳу зор шахсий фожиа тусини олади. Шунинг учун ҳам марсиялар таъсирчан, халқона, ифодаси нишонга бехато тегадиган. Шоира халқ шеъриятини ҳам, руҳиятини ҳам яхши билади. Деярли барча йўқловлар ўз адресатига эга. Бу ҳол тасвирни конкретлаштиради, ифодаларга йиғноқлик бахш этади. Шу билан бирга, анчагина марсияларда такрор борлигини қайд этиш жоиздир. Ҳолатлар, вазиятлар қайтарлиши образлар ва ифодалар такрорига ҳам олиб келганки, бу ҳолат шоира шеърияти таъсир кучининг бир қадар пасайишига сабаб бўлган.

Шоиранинг "Бул ўтар дунёга чандон кўшку айвон арзимас" мухаммас-йўқлови ўзга марсиялардан

умумий руҳи, йўналиши жиҳатидан тамомила фарқ қилади. Унда ўзни унутиб фарёд чекиш, исён йўқ. Содир бўлган бахтсизлик асносида ҳаётга фалсафий назар ташлаш, маҳзун ўйларга берилиш, қаноатга чорловчи хулосалар чиқариш руҳи устувор:

Эй, кўнгул айтиб худо зикрин жигарни риша қил,
Ёди ҳақ бирла бўлубон, охират андиша қил,
Журму исёнингга ҳар доим надомат пеша қил,
Ҳар не берса Ҳақ санга, шукр эт, қаноат пеша қил,
Қил ибодат Тангрига, бир кун кетар жон арзимас.

Ушбу мисраларда Яссавий ва Сўфи Оллоёр таъсири ҳам, Машрабнинг фалсафий мушоҳадалари излари ҳам, ёшлигидан Аллоҳ, олам, одам, ҳақида адоқсиз ўйлар сурувчи Мутриба шахсияти ҳам акс этган дейиш мумкин.

Жамият тўлиғича даҳрийлар ҳукмида қолган, Аллоҳнинг қудрати ҳақида асар битмоқ у ёқда турсин, юзга фотиҳа тортмоқ айб саналган советлар замонида Мутрибанинг шундай сатрлар битганлиги унинг ҳам номи сингари имони ҳам саломат аёл эканидан далолатдир: ***"Ижобат сандину мандин муножот, Илоҳий, зулжалолу жумла ҳожот!"***

Бу йил иқтидорли ва имонли шоира Саломат Парда қизи Мутрибанинг туғилганига 105, вафотига 35 йил тўлади. Ўзини таниш ва англаш йўлига астойдил кирган миллат аҳли учун Мутриба ижодини чуқурроқ, тўлиқроқ ўрганиш ҳаётий эҳтиёждирки, ўқиганингиз мақола ана шу эҳтиёжни қондириш йўлидаги кичик бир қадам.

1998 йил апрел

ТУЙҒУЛАР ТУҒЁНИ

Ҳаёт Шодмоннинг китоби қўлёзмаси унинг ўз сезими, ўз кўзи ва ўз сўзи бор ижодкор эканини кўрсатади. Ҳаётнинг ёзган шеърлари шундан далолатки, у ўқиб шоир бўлган эмас. Ижод унинг кўнглида, томирларида, туйғуларида. Шунинг учун ҳам шоирнинг битганларида зўриқиш, чираниш ва шеъриятнинг энг зўр кушандаси – силлиқ ялтироқлик йўқ. У туйиб куяди, куйиб суяди, суйиб ўртанади, ёниб ёзади. Шу боис Ҳаётнинг:

Дунёда бор ғамнинг изтироблари,
Шоирнинг бир ингроқ ҳолига етмас.

сатрларида самимият бор. У ўзини:"***...мен бир даъвогар сўзга. Шеърият эшигин излаган...***", – дейди. Шуниси қувончлики, Ҳаёт Шодмон шеъриятнинг эшиги ташқарида эмас, кўнглида эканлигини билади. Шу боис ўз туйғуларини текшириш ва тасниф этишга зўр беради. Ҳаётнинг ёзганларига хос бир жиҳат уларнинг самимийлигидир. У йиғласа чиндан бўзлайди, қувонса ҳам астойдил шодланади.

Ҳаёт Шодмонни, гарчи у илк китобини чиқараётган бўлса-да, ёш шоир деб бўлмайди. У – шаклланган ижодкор. Шоирнинг "***Қоғозга қон бўлиб оққан сатрдан Қийналар садақа қилинмаган жон***", "***Меҳр ҳам қуп-қуруқ чўнтагин ковлаб Узатмоқ истайди бир чақа – шафқат***", "***Орзуси йўқ кўзларнинг охирати куяди***", "***Кўзларнинг қорасида яшар Висол, Лек оёғин узолмайди, ердан, беҳол... ...Юрагига қайтди кўнгил ўксиб-ўксиб, Кўкрагини ғижимлади, оғриб кўкси***" каби образли ифодалари фикримизни далиллайди.

Ҳаёт Шодмон шеърларидаги асли зоминлик бўлган кишиларгагина хос халқона оҳанг, тафаккур ва тасаввур тарзининг намоён бўлиши ҳам унинг ижодига умид билан қараш имконини беради. Маълумки, томири чуқур кетган оғочнинг умри узун, меваси мўл ва тотли бўлади. Ҳаётга, одамга, оламга:

Менга шундай туғён керакки,
Эҳтирос бўлмасин асло бетайин.
Менга шундай вулқон керакки,
Ҳақиқатдан қўрқиб кетайин

деб юзланган шоирнинг туйғулари узоқ вақт сўнмасдан гуриллаб туришига тилакдошмиз.

2001 йил октябр.

КАЙФИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

Бадиий сўз мафкурага хизматкорликдан қутулиб, ёлғон айтиш заруратидан халос бўлгач, санъаткор ўзини тадқиқ этиш, ўз руҳий дунёсини ўрганиш ва тасвирлаш имконига эга бўлади. Бу ҳол адабиётда хилма-хил, баъзан тушуниш мушкул бўлган бадиий ҳодисаларни юзага келтиради. Негаки, дунёдаги бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган миллиардлаб одамлар руҳиятини англашнинг ягона ва ўзгармас йўли бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, асосий сифати ўзгага ўхшамаслик ва бировни такрорламаслик бўлган бадиий сўз эркин бўлгач, унинг турфалиги, серқиёфалиги янада кучаяди.

Ўзбек миллати эстетик тафаккур тараққиётининг шундай босқичига келдики, эндиликда оммавийлик бадиий адабиётнинг савиясини белгилайдиган асосий ўлчов бўлмай қолди. Бундай шароит хилма-хил адабий оқимларни юзага келтирди, айни хилма-хил ва ўзига хос адабиётнинг мавжудлиги эса эстетик плюрализмга сабаб бўлди. Бутун дунё адабиётида бўлгани каби ўзбек адабиётида ҳам инсоннинг руҳий оламини тадқиқ этишга уриниш кучайиб бормоқда. Олмон авангард шеъриятининг тадқиқотчиси Казимир Эдшмид "Поэзияда экспрессионизм" асарида: ***"...дунё фақат руҳонийдир ва уни ҳодисалар орқали англаш мумкин эмас"***, – деб ёзади.

Экспериментал поэзия ёрлиғи билан дунёга келаётган шеърият аслида шоирларнинг руҳоният борасидаги изланишлари мевасидир. Олам титроқлари ва руҳият инжаликларини тамомила ўзига хос тарзда акс эттирадиган кўплаб шеърлар ва ифодада оригиналликка астойдил ҳавасманд шоирлар пайдо

бўлди. "Туйғулар ранги" шеърлар китоби – айни шу тоифадаги шоир қаламига мансуб. Унинг муаллифи Турсун Али учун шоирлик касб эмас, кўнгил ҳолатидир. У – озурда кўнглининг турфа ҳолатларини, кайфияти манзараларини ўзгаларга-да юқадиган йўсинда сувратлантиришга уринадиган ижодкор.

Боғ-роғларга бурканган, сўлим Қувада туғилиб ўсган Турсун Али анчадан буён шеър ёзади. Унинг биринчи шеъри – "Юлдузча" иккинчи синф ўқувчиси эканлигида республика болалар газетасида босилган. Бўлажак шоирнинг илк ўқувчиси ва маслаҳатчиси онаси Қундузхон опа эди. Опа гарчи адабиётга доир махсус билимга эга бўлмаса-да, ўзбекнинг таъсирчан ва мунгли бир аёли сифатида нималарнидир пичирлаб юрадиган тўнғичига шеърда уйқашлик, оҳангдошлик, мусиқа бўлиши лозимлиги ҳақида ибтидоий сабоқни берганди. Турсун Али шеърият деб аталмиш серғалва оламга Абдулла Орифнинг фатвоси билан кириб келган. Машҳур шоир роса чорак аср олдин ёш қисматдошига битган "оқ йўл"ида: "***Турсуналининг шеъриятдаги ростгўйлиги, самимийлиги ва тинимсиз изланаётганлиги кўриниб турибди***", – деб ёзганди. Шундан бери ўтган йигирма беш йил борлиққа ўзига хос нигоҳ билан қарайдиган шоир учун, чиндан ҳам, "тинимсиз изланишлар" даври бўлди. Еттита шеърий тўплам чиқарди, битта драматик достон ёзди, қатор таржималар қилди. Энг муҳими, унинг шеърий нигоҳи ўткирлашиб, қалами қайралиб, туйғулари қуюқлашиб борди.

Турсун Али – манзара чизишга моҳир ижодкор. Унинг шеърларида манзара шундай рангларда акс эттириладики, манзаралигининг ўзи билан поэзияга айланади. Турсун Али сувратлантирган манзаралар табиатнинг қотиб қолган кўринишлари эмас, ҳаракатдаги руҳий ҳолатлардир. Ҳолат эса ҳар қачон поэзиядир. Чунки унинг замирида қалб бор. Турсун Али шеърлари – кичик, аммо яхлит поэтик манза-

ралар. Шу қадар яхлитки, уларга дахл қилиш: парча олиш ёки мисол келтиришнинг имкони йўқ. Бу хил шеърларда энг яхши парча ҳам асарни бўлаклайди, бутуннинг тасаввурини беролмайди. Шоирнинг тилаги ҳам, эҳтимол, парчалаб бўлмас яхлит инсоний кайфиятни суратлантирмоқдир.

Турсун Али донолик даъво қилмайди, ўқувчига руҳият ва абадиятдан сабоқ бермайди, уни юксаклардаги нурли манзилларга чорламайди. Шеърларида ўз кўнглини тафтиш қилишга уринади, юрагида кечаётган ҳолатлар манзарасини чизади. Шоир борлиқни яқиндан кўради ва ичдан туяди. Унинг назарида шудгорланган ер, бепоён саҳро, куртаклар, ғунчалар, майсалар, денгизлар, сойлар – ҳаммаси жонли ва ҳаммаси куйлайди. Турсун Али учун табиат отадай, онадай, фарзанддай, ёрдай, суҳбатдошдай, баъзан уларданда яқин ва ростгўй дилдошлардир. Ҳамма гап уларни кўра, эшита олиш ва тушуна билишда:

Куйлар заминни ёриб,
тилиб,
қуёшга интилган майсалар.
Афсус, бизлар
уларни баъзида англай олмасмиз,
тинглай олмасмиз.

"Эй, бепоён саҳро" деб бошланадиган шеъри Турсун Али ижодининг манбалари ҳақида энг тўғри тасаввур уйғотадиган битик дейиш мумкин. Чунки унда шоирни мувозанатдан чиқарган, қўлига қалам тутқазган омиллар ҳақидаги чин сўз жуда таъсирчан йўсинда айтилади:

Эй бепоён саҳро,
севаман сенинг
бешик-бешик барханларингни.

Кўзларимни қуюнларга тўлдирган
довулларингни...
Зотан бағрингда
қофияга,
вазнга,
оҳангга солинмаган
сирли қўшиқлар бор
ҳофизини кутган.

Қуйидаги шеърда эса киши танини жунжиктирувчи куз манзараси ҳеч қандай зўриқишларсиз, сокинлик билан руҳиятни ифодалашга хизмат қилдирилган:

Куз кечаси
мени уйғотиб юборди
деразам ортидаги
ёлғиз дарахтнинг
синиқ товуши.

Оғочнинг ёлғизлигини, унинг товушидаги синиқликни шунчалар чуқур англаган қалб одамни янада теран англашга қодирдир. Оғочнинг сингандаги товушини эмас, балки ***синиқ*** овозини тинглаш ва ўзгаларга эшиттириш ўзига хос истеъдодни талаб қилади. Шеърдаги манзаралар ташқи дунёники эмас, шоир ички оламиники, руҳиники. Табиат Турсун Али учун восита эмас, балки ўзликдир. Тасвирнинг манбаидир. Бу ҳолат қуйидаги мисраларда ёрқин акс этган:

Мусофирлик кўчасида
менинг ҳам бағрим
анорзор каби
гуллади қип-қизил

Турсун Али шеърларида табиат ва воқеалар манзараси, кўпинча, қалб, туйғу ҳамда руҳият манзарасига дўнгани акс этади. Қалб – боғ, аммо у озорлар

оғушида, ҳижрон исканжасида бўлгани боис унда ўсган дарахтлар афтодаҳол:

Дарахтлар ястаниб қалбим боғида
сарғайиб, сўлишиб ўсишар озғин.

Дарахтларнинг сарғайган, сўлғин ва айнан, "озғин" эканлиги қалб фожиасининг даражасини англатади. Турсун Али оғочга нисбатан "озғин"дан кўра, "нимжон" ёки "жонсиз" ташбиҳи кўпроқ мос келишини билади. Аммо айнан, "озғин" сўзи оғочни кўпроқ шахслантиришини ҳисобга олиб шу ифодани қўллайди.

Шоир ўз руҳини шунчалар ўрганганки, у вужудини руҳидан айириб, сиртдан кузата билади:

Мен ёняпман
заминни куйдирар товоним.
Куйдирар қўлларим тутган нарсани.
Мен ёняпман
Вужудим ичинда ловиллаб.

Шеърдаги ёнаётган "мен" вужуд эмас. У кўнгилдир. Инсон руҳиятидаги товланишлар камалак нурларидан сержилороқдир. Турсун Али – ана шу жилвалар илдизини қидирадиган, топадиган ва келтириб тасвирлайдиган ижодкор. Табиатнинг ҳар бир ҳолати – ўткинчи. Аммо лаҳзалик ўткинчи ҳолатни абадиятга муҳрлаш чинакам ижодкоргагина берилган имконият. Баъзан бундай ўткинчи ҳолатлар таъсирчан тасаввурларда ўчмас излар қолдиради. Шоир буни жуда чиройли беради:

Кеча кун бўйи йиғлаган осмон
бугун
табассум қилар.
Кеча отин қамчилаган
асов шамол
бугун ҳолдан тойган.

Олам бугун
ҳеч ғам кўрмаган
келинчакдай масрур.
Менинг юрагимда эса
кечаги булутли,
шамолли,
ёмғирли кун
чизиб кетди ўз сувратин.

Бу мисраларда ўзини ўрганаётган одамнинг чигал ҳиссиёти нақадар рангин ифода этилган. Олам ва унинг ҳодисалари – муваққат, ўзгарувчан. Руҳият хотираси – эса жуда мустаҳкам. Эҳтимол, бу яхшидир, эҳтимол – ёмон. Лекин одам ўз туйғуларининг жилваларинида кузатиш босқичига етиб келди. Рости гап, бу битикларни биз ўзимиз кўниккан маънодаги "баланд" поэзия намуналаридан санай олмаймиз. Уларда юксак ва бетакрор фикр, туйғулар пўртанаси, майин оҳанг йўқ. Аммо гоҳ ёркин, гоҳ тунд ҳиссий манзара тасвири бор. Ва у оғриқли руҳий ҳолат пайдо қилади. Табиатдаги ҳар бир ўзгариш шоир руҳиятида чуқур из қолдиради. ***"Момоқалдироқ садосида чақмоқ шуъласи – югурик қиличда қолди менинг кўнглим"***, – дейди шоир. Момоқалдироқнинг садоси ҳам, чақмоқнинг қиличдай югурик шуъласи ҳам оний эди. Ўтди-кетди, лекин шоир туфайли унинг кўнгиллардаги суврати қолди. Бу сувpат ўзга кўнгилларга ҳам кўчди.

Турсун Али қаламга олган туйғулар – самимияти, оҳори, табиийлиги билан диққатга молик. Шоир, одатда, сўзни зўрламайди, образни ясамайди, туйғуларнинг табиий оқимини яхши кўради. Шунинг учун ҳам шеърларида тутилмаган ташбиҳлар, ялт этиб шеърхон шуурини банд этишга қодир образлар кўп учрайди: ***"Юрагимда портлар сукунат", "...далага сингаман нурдай бетовуш", "Ўйноқлар атрбўй саболар", "Кўнглим тоғларига суялиб", "... оқ яктакли кундуз", "Осмонга ўрлайди оппоқ ҳай-***

қирик", "Товушимни ейди оч совуқ", "...эй олисдаги, яқиним", "Тушда кўриб оёқларнинг бўсасин, Ётишар чўзилиб йўлаклар" "Бутоқларда барглар ёнғини" сингари образлар шоирнинг ўзгача нигоҳи, оригинал ифода тарзини кўрсатади.

Турсун Али сўзга зуғум ўтказишни истамаган, ифодаларни қофияга мослаштиргиси, шеърга мусиқани ташқаридан зўрлаб киритгиси келмаган ўринларда ***шеърга ўхшаган насрда*** ёзишга уринади. Лекин у сўз ташийдиган маънодан ҳам кўра унда ифодалаётган кайфиятга кўпроқ эътибор қаратгани, оламни ҳаяжонли идрок этгани боис, аслида, ***насрга ўхшаш шеърда*** ёзаётган бўлиб чиқади. Унинг сочмаларида ҳам ички мусиқийлик, сўзларнинг бир-бирини тақозо этиши, туйғу суратланиши сингари жиҳатлар устуворки, булар чин шеъриятдан далолатдир. Шоир туйғулар кўламини бериш мақсадида баъзан шеърдан насрга ўтади, қофияни, мусиқийликни ўйламайди. Лекин барибир бундай шеърларида ҳам ички бир оҳанг сақланиб қолаверади. Фақат бу оҳангда ранг ҳам бордай таассурот уйғонади. Бу хил битикларда на назм ва на имло қоидаларига риоя қилинади. Шеърнинг композицияси фақат ижодкор белгилаган тартибларга бўйсунади. Шоир мувозанатдан чиққан руҳиятини суврат-лантиришнигина муҳим ҳисоблайди:

Ой мунча нурсиз? Ёниб турган оловнинг юзин кул босган янглиғ хира. Бир сўзнинг ишқида вужудим ёнмоқдадир чирсиллаб. Ой бўлса сўник кўзларини қайгадир тиккан. Ҳей ой, кел, ёлвораман. Ёнаётган вужудимдан олгин аланга. Сўнг ёрит дунёнинг зулмат кечаларини.

Турсун Али шеърларида инсон руҳияти чексиз зиддиятлар, адоқсиз эврилишлар оғушида акслантирилади. Шоир тасвирида юрак қуёшдан баландроқ тафтга эга:

Қуёшга қарайману
ёнаётган қуёш қаршисида
жунжикиб кетаман.
...Қуёш бўлса ёнмоқда
оқ аланга сочиб дунёга.
Руҳим кенгликларига эса
қор ёғмоқда.

Шеърдаги бу тасвирлар ҳаётий чинлик маъносида тўқима, лекин туйғулар реаллиги маъносида айни ҳақиқатдир. Шоир сезгиларданда баланд сезимлар ҳақида ёзишни хуш кўради. ***"Санчилар қулоғимга сил япроқлар видоси"*** мисраси – шоирнинг оламни образли кўриш иқтидори баландлигидан далолат.

Дунёни боридай кўриш ва ҳамма кўргандай тасвирлаш шоирлик эмас. Турсун Али ҳаммага кўриниб турган нарсаларнинг бошқалардан яширин жиҳатини очишга интилади. ***"Қариган япроқлар чўмилар юлдузлар кўз ёши – шабнамда", "Қишлоқ қоровули – итлар сукунатни қопар асабий", "Куз оқшоми. Мени ғам дарёсига итқитиб юборди Узоқларга кетаётган қадрдон турналарнинг тилидан тўкилган мунглар"*** каби сатрлардаги руҳий ҳолат, эҳтимол, кўпчилигимизнинг кўнглимиздан кечгандир, лекин уларни шеърга айлантириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айниқса, шоирнинг ўзгача қараши:

Йўл олис.
Елиб бораётган автода
ёнма-ён ўтирсакда,
орамиз йўлданда олис

шеърида ёркин намоён бўлган. Қофиясиз, оҳангу мусиқасиз шу ўн сўздан иборат тўртгина қатор – тугал бир шеър. Чунки унда тугал руҳий ҳолат, инсоний кечинманинг яхлит манзараси, сезимлар чигаллигининг аниқ суврати бор.

Турсун Али – дунёни рамзли кўришга мойил шоир. Унинг кузу қишни ёқтирмаганлиги, ҳатто ёмон кўрганлиги ифодаланган шеърларида ҳам шундай рамз бор. Аслида, шоир бу фасллардан эмас, балки кузу қишнинг кўнгилларга киришидан, у ерда ҳукмрон бўлишидан ёзғиради. Шоир назарида куз ва қиш инсоний фожиаларни эсга соладиган, ифодалайдиган воситалар:

Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
ёлғиз ўғли ташлаб кетган онани.
Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
бошига туҳмат тоши ёғилган отани.
Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
эри хиёнат кўчасига кириб кетган жувонни.
Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
тўшакка михланган бемор инсонни.
Кеч куз. Дарахтларга тикилмоқ бунчалар оғир...

Ҳамиша кўриб юрганимиз ҳодиса замиридан шунчалар фожеий маъно топиш ва уни ҳеч қандай даъвату насиҳатларсиз табиий ҳамда таъсирчан тасвирлаш учун чинакам иқтидор зарур. Бу хил асарлар Турсун Али ижодида, хусусан, ушбу китобда анчагина. Айни шу хилдаги битиклар унинг ижодий қиёфасини тайин этади дейиш муболаға бўлмас.

Ҳар тўкисда бир айб деганларидай, Турсун Алининг бутун ижодида ҳам, "Туйғулар ранги" китобида ҳам меъёрига етмаган ифодалар, бир қадар зуғум ўтказилган сўзлар, етилмайроқ қолган шеърлар учрайди. Айниқса, ижтимоий йўналишдаги шеърларида бу хил нуқсонлар хийла кўп. "Учинчи хона" драматик достонида ҳам етарлича пишитилмаган ўринлар анчагина. Лекин шоир доимий изланишда. Муҳими, бу изланишлар китоблар саҳифасида, ҳадсиз-ҳисобсиз ахборотлар орасидагина эмас, балки қалб кенгликларида бормоқдаки, бу ҳол кайфият сувратларининг тоза ва ёркин чизилишига имкон беради деб умид қиламиз.

2001 йил

"КУЗДАГИ КЎКЛАМ" ЧЕЧАКЛАРИ

Одам ҳамиша ижтимоий муносабатлар оғушида яшайди. Ҳақиқий ёзувчи фаол инсон ва ҳақгўй ижодкор бўлгани учун ҳам ана шу муносабатларни ўз битикларида акс эттиришга маҳкум. Шунинг учун адибларнинг фикрлари, қарашлари ҳамиша эътиборга молик, маърифий ва ижтимоий юки салмоқли бўлади. Истеъдодли шоир ва таниқли публицист Абдухолиқ Абдураззоқовнинг "Кузлаги кўклам" китобида шу жиҳатлар ёрқин намоён бўлган. Китобда шоирнинг публицистикаси публицистнинг шеърлари билан аралаш келган ва бир ўзбек зиёлисининг ҳаёт йўли мисолида ўзбекнинг узоқ ўтмиши, кечаги куни, бугуни ҳамда эртаси ҳақидаги кузатишлар, ўйлар, сезимлар баён этилган. Муаллиф китобга ўзи, юрти, юртдошлари, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ўрни ҳақида ўйлайдиган одамнинг ўзига хос бир ҳисоботи, босиб ўтилган тириклик йўли ҳақидаги ўйлари тарзида тартиб беради. Китобнинг архитектоникаси ҳам шунга мувофиқ қурилган. Бу ҳол унинг ўқимишлилигини оширган.

Китоб истиқлолда яшаётган ва у ҳақда тинимсиз ўйлаётган кишининг дил изҳорларидир. Муаллиф бугунга қуруқ маддоҳлик қилмагани каби, кечаги кунни ҳам ёппасига инкор қилиш йўлини тутмайди. У эгаманлик туйғусининг бир киши, бир авлод, бир миллат қалбида қандай пайдо бўлиб, улғайгани ва қай тарзда реалликка айлаганини ўз ҳаёти мисолида кўрсатишга ҳаракат қилган. Айтиш керакки, китоб муаллифи бу ишнинг уддасидан чиққан. Унинг Ўзбекистоннинг учинчи уйғониши ёки бастакор Анор Назаров ҳақидаги мақолалари тасвир самимияти ҳамда мантиқий изчиллиги билан хотирага михланиб қоладиган битиклардир. Қўлёзмада му-

аллифнинг болалик, талабалик, йигитлик чоғларида кечирганлари борасидаги кузатишлари бугуннинг фонида жонли ифодалангани учун кўпчиликка қизиқ ҳамда ўқишли чиққан.

Одатда, публицистик асарларда фикр етакчилик қилиб, муаллифнинг ҳиссиётлари унчалик очиқ баён этилмайди ва ўқувчиларнинг туйғуларига таъсир кўрсатишга етарлича эътибор берилмайди. Абдухолиқ Абдураззоқовнинг китобида эса бошқача манзара намоён бўлади. Муаллиф публицистик мақолаларига шеърни усталик билан сингдириб юборган. Чунки унинг шеърлари шунчаки кўнгил розлари бўлмай, ҳамиша ижтимоий муносабатдир. Бу ҳол ўқувчини худди халқ достонларини ўқиётгандагидай ҳолатга солади ва унинг ҳам тафаккурига, ҳам ҳиссиётига бирваракайига таъсир кўрсатади. "***Тоғ қуламас сербар қирлар тиргак бўлиб тиралса***" сингари ҳам ҳикматли, ҳам товушларнинг гўзал аллитерациясига қурилган тасвирлар асарга ўзгача тароват бахш этган. Ёки бошқа бир мақолада ишлатилган: "***Қаровсиз боғда бойқушлар қишлайди, ишланмаган далада юмронлар яйрайди***" йўсиндаги ифодалар муаллифнинг халқ ижодидан нечоғлик асарланганлигини кўрсатиш жиҳатидан ҳам, ҳаётни бадиий акс эттириш маҳоратига эгалиги томонидан ҳам эътиборга лойиқдир. Бу унсурлар асарнинг ўқишлилиги, таъсирчанлигини сезиларли оширган. Муаллифнинг фикрлари асосли, туйғулари чин бўлгани учун ҳам битганлари ортиқча зўриқишларсиз равон ўқилади.

Бизга, бир ўқувчи сифатида, китобдан ўрин олган шеърлар, айниқса, маъқул бўлганини таъкидлашимиз жоиз. Китобда муаллифнинг поэтик иқтидори ёрқин намоён бўлган дейиш мумкин. Китобдаги "***Қалбинг яшнатмаса райҳоннинг иси, Дардкашлик келмайди сенинг қўлингдан***", "***Паришон ҳаётга исёнми чора?! Оловли вужудга чорами***

гаврон?!" сингари мисралар Абдухолиқ Абдураззоқовнинг оламни шеърий идрок этиш салоҳияти нечоғлик баланд эканидан далолатдир. Муаллиф шеърларидан бирида: "***Юрагимда соғинч отлиғ дарё оқар***", – дейди. Соғинчдай мавҳум туйғуни шу қадар маҳорат билан моддийлаштира олиш учун кишида тийрак поэтик назар бўлиши зарур. Муаллифнинг шеърий иқтидори, айниқса, "***Ҳавас қилиб ой тутарди жом, Тўкиларди ундан нур – бода***", "***Ойнинг ипак нурларидан Сенга сиртмоқ ясарман. Саодатли бир кунингда шу сиртмоққа осарман***", "***Опажоним, айрилиқнинг айрисига осилай***", "***Қуллик тирик қолса, Мен ўлдим***" сингари поэтик кашфиётларида тўлиқ намоён бўлган.

Муаллиф бир шеърида : "***Йилларга йўл билан қайта билмадим, Фақат хотиралар унга қайтарди***", – дейди. Чиндан ҳам одамзот кечаги куни ва аждодлари билан фақат хотиралар орқалигина боғлана олади. Хотирасиз киши инсонлик қиёфасидан маҳрум бўлгани каби кечаги куни ҳақида ўйламаган кимса эртанги куни қандай бўлиши тўғрисида бош қотиришга ҳам қодир эмас. Шу маънода Абдухолиқ Абдураззоқовнинг китоби кечаги кунга қайтиб туриб, унинг юксакликларидан эртанинг маънавий контурларини белгилаш йўлидаги дадил ва фойдали қадамдир дейиш мумкин.

Қўлингиздаги китоб "Кузданги кўклам" тарзида рамзий номланган. Маълумки, миллий шеъриятимизда инсон умрини фаслларга ажратиб аташ тажрибаси бор. Шундан улги олиб бўлса керак, Абдухолиқ Абдураззоқов ҳам ўз умрининг эллигинчи довонини, шоирона тарзда, кузга, унинг истиқлолдан кейинги йилларини эса, кузда пайдо бўлган кўкламга қиёс қилади. Ўз тириклигини миллат ҳаётидан айри кўрмаган шахснинг тазарру ва бадиий иқрорлари миллатнинг ҳар бир вакили учун қизиқарлидир. Ушбу китобга кирган битиклар чин-

дан ҳам умрининг кузида кўкламга дуч келган одам бўстонида очилган бадиий чечаклардир. Умид қиламизки, бу чечаклар ифори Сизни узоқ вақт тарк этмагай.

2002 йил март

ИЗТИРОБ ЧАҚИНЛАРИ

Уруш ва уруш одамлари ҳақида ҳар бир даврда ўзига хос йўсинда ёзилади. Дунё адабиётидаги каби, ўзбек адабиётида ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари тўғрисида ёзилган асарлар афғон урушига борганлар ҳақидаги битикларга мутлақо ўхшамайди. Жаҳоний муҳораба иштирокчилари урушни бу қадар улкан фожиа сифатида англамаганлар. Ва бу – табиий. Фожиани англаш учун ҳам интеллектуал-руҳий савия ўша фожиа кўлами даражасига кўтарилиши керак бўлади. Ватан уруши қатнашчилари мушоҳада кишиларидан кўра кўпроқ интизомли ижрочилар бўлиб, бу ҳолат уларнинг ўйлари, ҳиссиётларида ҳам акс этарди. Фашистлар ҳам, коммунистлар ҳам ўзлари ишонган ғояларга хизмат қилганликлари учун улар ҳақидаги асарларда изтироб тасвири камроқ, жанг манзаралари кўпроқ бўлган. Улар урушни ҳаётий зарурат ҳисоблашиб, қурол ёрдамида адолат ўрнатиш мумкинлигига астойдил ишонишган.

Бугунги одам – мураккаб. Бугунги ўқувчи – ўйчил. Бугунги ёзувчи – синчков. Шунинг учун ҳам бугун қонли жараённинг мураккаб табиатли қатнашчилари ҳақида жўн ёзиб бўлмай қолди. Бугун нафақат жаҳон урушлари, балки узоқ ўтмишда бўлиб ўтган маҳаллий сўғишларга ҳам адоқсиз фожиа, ўнгланмас адолатсизлик тарзида ёндашиш қарор топмоқда. Бугун ҳар қандай урушнинг катта-кичик ҳар бир қатнашчиси ўзининг бетакрор оламига эгалигини, ўзигагина дахлдор дарди, бахту бахтсизлиги борлигини, унинг азоблари, изтироблари, руҳий талвасалари ҳар қандай муқаддас ғоядан кам қиммат касб этмаслиги акс эттирила бошланди. Одам ғояга таяниб яшаши мумкиндир, лекин фақат ғоя

учун яшамаслиги керак. Одам дунё ичра дунёдир ва уни кимларгадир хуш келувчи, кимларнидир юксалтирувчи ғояларнинг ижрочисига ва, айниқса, қурбонига айлантириш жиноятдир.

Ҳозирги ўзбек адабиёти бажарган ишини намойиш этадиган қаҳрамонларни тасвирлашдан, ўз руҳиятини текширадиган кишиларни акс эттиришга ўта бошлади. Уруш одамининг ўй-армонлари, афсус-надоматлари, муқаррар издан чиққан турмуш тарзи туфайли пайдо бўладиган изтироб тасвири Абдурашид Нурмуроднинг "Қон ҳиди" романида пафос даражасига кўтарилган. Бизда инсонга асосан ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида ёндашиш қарор топган. Романда эса инсоннинг ҳам ирсий, ҳам биологик, ҳам мистик ҳодиса сифатидаги қирралари жуда ишонарли тасвирланган.

Қаҳрамоннинг ўй ва кечинмаларидаги самимийлик "Қон ҳиди" романининг залворли бадиий юкка эга бўлишини таъминлаган. Роман қаҳрамонининг ўзи билмаган, истамаган, бирор жўяли асоссиз, азбаройи, урушда бўлганлиги, қўли душманнинг бўлса-да қонига бўялгани учун унда ёвузликка майл уйғонганлиги фожиаси асарда ҳаққоний тасвирланган. Асар қаҳрамони Воҳид – эзгуликлар қилувчи, бузғун жамиятда ҳақиқатни қарор топдириш учун курашувчи валломат эмас. У – бировлар ихтиёрига кўра, негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда урушга борган, истамагани ҳолда қурол ушлаган, ўйламагани ҳолда одам ўлдирган, қон кечган, инсон қонини тўккани туфайли ўзини бошқара олмайдиган даражада ёвузлашиб қолган ва одамлар ўртасидаги адолатсиз муносабатлар сабаб янада ваҳшийлашиб бораётган оддий бахтсиз йигит. Ана шу оддийлиги замирига оддий эмаслиги ҳам яширинган. У қўшниси бўлмиш ўрис кампир олдига унга ҳамдард бўлиб эмас, балки қонсираган учун *"ҳозир кампирни бурда-бурда қилиб ташлайман"* деган васваса етовида

кирган. Ёвузлик ҳамиша ёвузликни туғдирганидай эзгулик ҳам деярли ҳамиша эзгулик келтириб чиқаради. Кампирнинг самимийлиги сабаб асар қаҳрамони уни ўлдириш ўрнига ўзининг қонли ўтмиши тўғрисида оғир хаёлга чўмади. Ўлиму йўқотишларга тўла уруш даври ҳаётини қайта яшайди. Бизнинг адабиётимизда шу вақтга қадар бундай қаҳрамон тасвирланмаган эди. Шундай руҳиятдаги одам ҳам бўлиши мумкинлигини ўзбек ўқувчилари билмас эдилар.

Қуролдошининг узилган қўлини ушлаб олган қаҳрамоннинг руҳиятидаги оний ўзгаришлар: йиғлаш ўрнига телбаларча кулиши ва бу маънисиз *"кулгидан жағлари оғриб қолгач"*, йиғлай бошлаши тасвири унинг ўша ҳолатини туймаган одам учун мутлақо тушунарсиз ва айни тушунарсизлиги билан тушунарлидир. Бу ҳолатни туйган одам учун эса улкан фожиадир. Шундай пайтларда одам қандай руҳий ҳолатга тушишининг универсал таснифи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ана шу саноқсиз номаълумликлар орасидан энг кераклисини топа олиш адибнинг санъаткорлигидан белгидир. Чунки бахтсизликнинг қиёфаси чексиз. А. Нурмурод ана шу чексиз муқобиллар орасидан тасвир мақсадига энг мувофиғини топа билган.

Романда урушнинг шафқатсиз ва жирканч ҳақиқати билан юзма-юз келган қаҳрамон ҳолати: *"Оғриқ бор эди, ўзим тирик эдим, аммо бағримни тўлдириб турган нимадир мени ташлаб кетгандай"* тарзида ғоят аниқ тасвирланади. Ҳолбуки, бу кўчирмада ҳеч қандай аниқлик йўқ. Аммо озгина бадиий фаросатга, салгина ривожланган инсоний ҳиссиётга эга одам кечагина ҳаётни абадий тириклигу ва сўнгсиз эзгуликдан иборат деб юрган бўз бола бағрини тарк этган "нимадир" яхшилик, кечирим, қаноат, шафқат, раҳмдиллик сингари туйғуларни мужассамлаштирувчи инсонийлик эканини туяди.

Вία кўнгилдаги ўрни тўлмас бу биргина йўқотишнинг кўлами бутун афғон урушининг фожиасидан фортикроқ эканлигини ҳис қилади. Асарда Сергейнинг танасидан узилиб кетиб, тошни чангаллаб қолган қўлида чиқиллаб турган соатни кўргандаги Шоҳид ҳолати бутун даҳшати билан моддийлаштирилган. Бу тасвирлар ҳеч қандай қўшимча ифодаларсиз ҳам қаҳрамон руҳиятида даҳшатли инқилоб, улкан ҳиссий эврилиш бўлганлигини англатади. Ушбу ҳолатга тушган одам энди бундан салгина олдинги одам эмаслигини, аввалгидай бўлолмаслигини англаш, шуни англатиш, шундай сезимлар тизимини ўқувчига ўтказиш "Қон ҳиди" бадииятининг етакчи хусусиятидир.

Романда қаҳрамон билан ўрис кампир ҳолати параллел тасвирланиши тасодифий эмас. Куч ва ожизлик, бугун билан ўтмиш, ёвузлик ҳамда эзгулик бир-бирларига таъсир ўтказмай, бир сифатдан иккинчисига ўтмай яшай олмайди. Асардаги *"... бақувватлик ўзаро жанжалларда ёрдам бермаса, қолган вақтлар унинг чақачалик қиммати йўқ"* тарзидаги жўнгина ифодалар ҳам ўрнида берилгани боис улкан бадиий аҳамият касб этган. Ҳаммадан қорувли бўлгани ҳолда йўл азобига чидамай, биринчи бўлиб йиқилган Виктор ва унинг сержантдан шапалоқ егандаги ҳолати асарда ғоят ишонарли тасвирланган: *"Бизга мўлтирабгина қараб турган Викторнинг бехос кўзларидан ўт чақнагандай бўлди, ўрнидан сапчиб турди. Кейин худди шер боласидай шиша бошлади"*. Инсон руҳий ҳолати драмаларини, фожиали бурилиш онларини бу қадар синчковлик билан кўриш учун катта истеъдод лозим бўлади. Одам гарчи ҳамиша ҳам одамдай бўлиб юраверса-да, унинг асл моҳияти экстремал ҳолатларда тўла намоён бўлади. Роман муаллифи ана шундай ҳолатларни жуда ингичка илғайди ва уларни ифодалаш йўсинларини топа олади.

Романда ўлим манзараси кўп тасвирланган бўлса-да, бирор ўринда ҳам такрорга йўл қўйилмаган. Ҳамма бир хилда туғилса-да, ҳар ким ўзича ўлиши асарда ишонарли кўрсатилган. Чунончи, бедаво дард азобидан қийналган Валя, адоқсиз ёлғизликдан, ўлим келмаётганидан азобланаётган қўшни кампир, ҳеч бир соғ мучаси бўлмагани ҳолда яшашга интилган Коля ва фақат оёқларидан ажралгани учунгина ўзини ўлдирган Леонид, вужуди бомба зарбидан сочилиб кетган Сергей, Қодир, Аҳмад тақдирларининг тасвири ўта шахсий, бетакрор, чиндан ҳам ичкин ва шу боис кишини ўз комига тортадиган маънавий-эстетик кучга эгадир.

Агар Хемингуэй ва Ремарк ҳарбий мавзудаги асарларида "йўқолган авлод" ҳақида қалам сурган бўлсалар, Абдурашид Нурмурод шу романида ўзидан ҳам, ўзгалардан ҳам ***бегоналашган авлод***нинг тимсолини яратди дейиш мумкин. Тўғри, бегоналашган авлод сон жиҳатидан жаҳон урушлари давридагидай кўп эмас. Аммо уларнинг қисмати олдингиларга қараганда фожиалироқ, оғирроқдир. Чунки улар – бугуннинг туйғуларида глобаллашган одамлари.

Асар қаҳрамони бир неча қадам наридан ўтиб кетаётган душманлардан яшириниб ётгандаги бир неча дақиқалик вақтни: ***"...ўшанда юз йиллар яшаган бўлсам керак"***, – деб ифодалайди. Ҳаётий ҳақиқатга мутлақо мос келмайдиган бу ҳиссиёт ғоят ҳаққоний ифодаланган. Бундан бошқа ҳар қандай изоҳ ортиқча ва ноаниқ бўларди. Афғон жангчиларидан тоғ дарёси ичида бўғзига қадар сувга бекиниб турган йигитнинг: ***"Улар узоқлашишди. Шунда сув ичида, ҳатто муздай сув ичида пешонамдан тер қуйиларди"***,- тарзидаги ҳолати тасвири жуда аниқ ва таъсирли. Кишидаги руҳий портлашлар содир бўлган онларни бу қадар аниқ бериш учун уларни туйиш, ўзидан ўтказиш лозим бўлади.

Воҳиднинг: "***Шу йиллар ичида, болалигим мендан узоқлашиб бораверди. Йўқ, йўқ у узоқлашмади. Мен ундан қочиб юрдим. Оппоқ либос кийган ёшлигим, юраги оппоқ болалигим қаршисида туришга сабр-бардошим етмайди. Қилган гуноҳларим иккимизнинг орамизга қора парда бўлиб тортилди***",- тарзидаги эътирофи қаҳрамон руҳий оламини англаш калитидир. Бу тасвирлардаги оқ ва қора ранглар болаликдаги эзгулик ва айни пайтдаги ёвузликни акс эттириши билан таъсирлидир.

Одам айбдор бўлмагани ҳолда ҳам гуноҳкор бўлиши мумкин. Софоклнинг "Шоҳ Эдип" фожиасидаги Эдип айбдор эмасди. Лекин гуноҳкор эди ва у қилган гуноҳ бутун авлодини бадном қилишга етарли эди. Шу боис жазосиз яшаши мумкин эмасди. Урушга бориб, қўлини қонга ботирган киши ҳам ўз-ўзидан гуноҳлар исканжасида қолиши асарда ғоят таъсирли кўрсатилади. Даҳшати шундаки, у бировнинг олдида эмас, биринчи навбатда, ўзининг қаршисида гуноҳкордир ва шу боис ўзидан қочиб қутула олмай, адоқсиз изтироблар оғушида қолади. Бу ҳол унинг азоблари даражасини кўп марта оширади.

Уруш даҳшатлари тасвирини бермоқ учун ўткир кўздан ташқари таъсирчан ва жунбушли кўнгил лозим бўлади. Абдурашид – кўнгил кўзини тасвирга йўналтиролган ёзувчи. Асар қаҳрамонининг, умуман, шу дўзахий даҳшатлар орасидан ўтган ҳар қандай кишининг нормал психика эгаси бўлиши мумкин эмаслиги асарда жуда нозик ифодаланган. Шифохонада даволанаётган қаҳрамоннинг навбатдаги яралорни кўргандаги ҳолати: "***Унинг қип-қизил бошидан ҳеч бир маъно сезмагандан ғашим келиб, юзидаги латта-путталарни юлиб-юлиб ташлаб, башарасини кўргим келди. Бармоқларим қон истагандай кафтларим қичишарди***" тарзида тасвирланади ва бу тасвир ҳаққонийлиги билан қўрқинчли, қўрқинчли эканлиги билан чиндир.

А. Нурмуроднинг адиблик маҳорати фақат уруш қатнашчилари руҳиятини тасвирлашда эмас, балки жанглардан йироқдаги одамлар туйғуларини беришда ҳам ёрқин намоён бўлган. Ёлғизгина ўғли Жўранинг ўлимига ишонолмай, тушунарсиз ўйинлар олиб бораётган олчоқ зобитлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётганини сезган Саломат опа ҳолатининг: ***"Совуқ темир қутининг бир четидан жон ҳолатда тишлаб тортдим. Темир юмшоқ эди, юмшоқ. Узиб олдим, деганимда темирда қизил доғ қолди. Лабларим тирналди деган ўйда қонни туфлаб ташладим. Тобут устига тишларим тўкилди"*** тарзида ифодаланиши ёзувчининг инсон руҳий ҳолатини чуқур тушуниш, уни қабариқ тасвирлаш маҳоратидан далолатдир. Одам ўзини унутган транс ҳолатда ана шундай қудрат касб этиши мумкин.

"Қон ҳиди" романида одам урушни эмас, уруш одамни бошқариши ҳаққоний кўрсатилган. Уруш тўғрисидаги асарларда қаҳрамонларнинг қўрқмаслиги, чаққонлиги, топқирлиги воқеалар йўналишини ўзгартириб юбориши тасвирланишига ўрганилган. "Қон ҳиди" романидаги: ***"...ўқ қай ёндан келаётганини аниқлаб, тепкини босдим. Кўрсатгич бармоғимдан бошланган бир жунбуш танамга ёйилди. Хурсанд бўлиб кетдим"*** тарзидаги тасвирда уруш ўзгартириб юборган одам ҳолати ишонарли берилган. Урушнинг бутун фожиаси айни шу тасвирда олий ифодасини топган. Фақат ашаддий қотилгина қондан жунбушга тушади ва одам ўлдирганидан хурсанд бўлиб кетади. Фақат урушдагина кўп қатори оддий одам ўзи истамаган ва билмаган ҳолда қотилга айланади. Уруш кишиси одамга жон ато этолмагани ҳолда кимнидир жонидан жудо қилишга ўзини ҳақли деб билади. Бу ҳолат маънавий таназзулнинг олий кўринишидир. Урушнинг адолатлиси бўлмайди. Қон тўкиб адолат ўрнатиш мумкин

эмас. Ўлим ҳисобига келган бахт – бахт эмас. Уруш ҳамиша иложсизликдир. Романда мана шу ҳақиқатлар юксак маҳорат билан акс эттирилган.

Абдурашид Нурмурод қаҳрамонлар ҳолатини чуқур ҳис этади. Уларни ичдан билади ва ҳар кимни айни дамдаги руҳий ҳолатига мувофиқ тарзда тасвирлайди. Саломат опага ўғлининг жасади ўрнига нимадир бошқа нарса олиб келишга бош бўлган бўйинбоғли амалдорни жазоламоқчи бўлган Воҳиднинг ҳолати акс этган тасвир даҳшатли ҳаққонияти билан кишини қўрқувга солади: "***Ўлдиргим келарди. Қани у! У қаршимда, аммо онанинг эзилиб кетган нигоҳи қаршисида бу ишни қилолмаслигимни билиб, оломондан узоқлашдим. Қабристон оралаб кетдим. Қанча вақт юрганимни билмайман. Бехос қаршимда пайдо бўлган итни кўриб, ўзимни ушлаб туролмадим. Бир сакрашда ушлаб, бўйнидан сиқиб, бўға бошладим. Тишламоққа шайланди... Ит нафас ололмай бўғилиб, оғзини катта-катта очиб, қорайиб кетган тишлари орасидан узун тилини чиқарди. Қип-қизил тилига тикилиб, юрагим ўйнаб кетди. Вужудим роҳатбахш чарчоқдан сўнг, ором олгандай бўлди***". Одам деб аталмиш олий яратиқнинг ваҳшийлигидан пайдо бўлган ҳолат нақадар даҳшатли! Моҳиятан булардан-да ёвузроқ бўлган бўйинбоғлилар жиноятининг кўламидан туғиладиган ва киши ҳиссиётини титроққа соладиган тасаввурдаги даҳшат янада кучли! "Итдан баттар", деган сифат шундай ҳолатга тушганларга нисбатан ишлатилса жоиздир. Асарда одам табиатининг нотурғун ва ўзгарувчан, ёмонлик томонга оғиб кетишга мойил эканлиги дилларни қўрқувга соладиган тарзда қабариқ акс эттирилган. Роман алангали изтироб оғушида ёзилганлигидан ифода ночор, тил ғариб бўлган ўринларда ҳам руҳнинг юксаклиги, инсоний дарднинг кўлами тасвир таъсирчанлигини таъминлаган.

Асар қаҳрамонини руҳий қутқудан туширган гўрковнинг мулойим сўзлари тасвири кишини лол қолдиради: *"Унинг оғзидан юмалаб тушаётган сўзлар, кўм-кўк майсаларга кўмилган қабр ичига сочилиб, худди марҳумларни ҳам аллалаб-эркалаётгандай эди"*. Ўзбек насрида ҳозиргача одам сўзлашининг бундай ифодаси бўлмаган эди. Қаҳрамоннинг лаҳзалик руҳий ҳолати чизгиси бўлган манзара тасвири ўзбек насрий ифода йўсинига янгилик олиб кирди. Романдаги: *"Уларнинг майин тортган юзлари, кўкракка қўйилган қўллари "биз ўзимизни яхши кўрамиз, бошқалар ҳам бизни яхши кўришга маҳкумдирлар", деяётгандай бўларди"* тарзидаги ифодада адибнинг қўлини совуқ сувга урмаганлари ҳолда лаззатлар ичида кўмилиб яшашни биладиган каслар руҳий ҳолатини миқёсли бера олиш салоҳияти намоён бўлган.

Асарда ёзувчи фақат тасвирлаш, акс эттириш билан эмас, балки мушоҳадалар, ўйлар оқимини ифодалаши билан ҳам юксак бадиий натижаларга эришган. Чунончи, асардаги: *"Ҳа, бундай одамлар минглаб йиллар яшайди, яшайверади. Чунки улар ҳеч қачон ўзлари биринчилардан бўлиб отилиб чиқмайди, билъакс отилиб чиқувчиларни тайёрлаб беришади. Шунинг учун улар жамиятнинг устози, устоз билан эса жамиятнинг ҳисоблашмасдан иложи йўқ"* ёки *"Бизнинг ҳар биримиз тирик жонга милтиқ ўқталганимизда ўзга одамнинг бармоқлари тепкини босарди"* тарзидаги хулосалари жуда нозик кузатув самараларидир. Бу тасвирлар инқилобларни тайёрловчилар, ижро этувчилар ва ҳузурини кўргувчилар ҳақидаги машҳур қарашларни эсга солади. Асарда урушдан қўлсиз қайтган Коляга тўй куни қаллиғи Ленанинг одатга кўра, узук олиб келгани ва сўнгги дақиқада куёвининг аҳволи ёдига тушгандаги ҳолати: *"У ўз хатосини тезда тушуниб, бир қалқиб*

кетди. Шунда шошиб бўйнидаги занжирини Колянинг бўйнига осди. Таранг тортилган асаблар бирдан бўшашиб, ўрнини қандайдир ҳорғинлик эгаллади" тарзида жуда таъсирли кўрсатилган.

"Қон ҳиди" романидаги: ***"Биз ўша юрт тупроғига кирмасак мана шу қайноғага ўхшаганлар "Ватан хавф остида қолади", – дея ишонтира олишган эди. Биз у вақтлар нафақат у юрт тупроғига кириш, ҳатто жонни фидо қилишга ҳар лаҳза тайёр эдик. Қайтмаган дўстларим ва ўзимнинг ҳам ҳаётим шундай кечди. Натижада, ўлим билан танҳо қолганларнинг ҳеч бири "ватан хавф остида" дея ишонтирганларга ҳам, ўзгасига ҳам керак эмаслиги ошкор бўлди. Энди бизлар ташландиқ одамлармиз"*** шаклидаги ғоят даҳшатли иқрор билан адиб афғончиларга ***"ташландиқ одамлар"*** деган умумий ном топди. Асарнинг бошқа бир ўрнидаги: ***"...ўз юртимга бегона бўлиб қолиш етти ухлаб тушимга киребдими..."*** деган ифода эса, иккинчи бир умумлаштирувчи ном – ***бегона авлод***ни истеъмолга киритди. Романдаги: *"Биз тақдир маҳбуслари эдик"* жумласидаги ***"тақдир маҳбуслари"*** ибораси ҳам афғончилар ҳолатини англатадиган умумлашма номга айланишга арзийди.

Асардаги: ***"Гулдурос қарсаклар овози, тамаки тутунлари билан бирга осмонга кўтарилди"*** тасвири бир пайтнинг ўзида икки вазифа: ҳам ҳолатни кўрсатиш, ҳам муносабатни ифодалаши билан адибнинг тасвир иқтидорини кўрсатади. Уруш қатнашчисининг руҳий ҳолати асарда: ***"Маст бўлиб сўйлаганларим ҳам ғариб кўнгилнинг юпун ўйлари эди. Афғонистонда ўйлаб иш қилиш камдан-кам ҳолларда учрарди. Чунки қўлингга қурол олгандан сўнг, ўйлашни унинг зиммасига юклайсан"*** тарзидаги гўзал бадиий топилма ёрдамида ифодаланган. Асардаги: ***"Қоннинг чучмал ҳидидан***

бошим айлангандай, кўзларим тинди тасвири бадиий топилманинг даҳшатли равишда ҳаётий экани билан эсда қолади. Чиндан ҳам қон айнан чучмал ҳидли бўлади. Бу тарзда ёзиш учун билиш кифоя қилмайди, туйиш талаб этилади.

Романда Қўлдош тоғанинг қишлоқдаги арикда лунгисиз чўмиладиган ўрис хотинига боғлиқ лавҳалар ҳам ўзбекона юмор, миллий руҳиятга хос хусусиятлар билгичлик билан тасвирлангани боис эсда қолади. Асардаги кўпчилик қаҳрамонлар қисматида оғир изтироблар юки, улкан фожиалар изи бор. Бундай ҳолатларда яшашдан кўра ўлмоқ афзалдай туюлади. Лекин, яхшиямки, одамда ўзи истаганда ўлиш имкони йўқ. У – яшашга маҳкум. Инсоний фожиалар тасвири силсиласидан иборат асардан чиқадиган бир қадар ишонарли умидбахш хулоса – шу. Буни асардаги: "***Юксакликда қуёш ва пастда – чархи дунда мен юзма-юз турардик...***" тарзидаги илоҳий юксакликка рўпара келган башарий тубанликнинг тузалуви ва покланувидан умид ифодаси сифатидаги ҳолат тасвиридан ҳам англаш мумкин.

Романда одамлардан "бегона"лашган, "тақдир маҳбуси"га айланган, "ташландиқ авлод" мақомига етган собиқ жангчининг фожиали қисматини, адоқсиз ва аксарият ҳолатларда, тушунарсиз изтироблари ишонарли акс эттирилган. Бугун билан яшай олмайдиган, тинчлик вазиятида рисоладагидай кун кечириш, бошқалар билан муомала-муносабатга киришиш йўлини билмайдиган, ижтимоий тартиботлардаги, ўзаро муносабатлардаги, хизмат тизимларидаги ёлғон ва адолатсизликларга тоқат қилолмайдиган Воҳид тимсоли ретроспектив йўсинда тасвирланган. Негаки, унга ўхшаганларнинг бугуни ва эртаси йўқ. Улар фақат кеча билан яшашади. Бегона авлод тирикликнинг эмас, урушнинг қонунларига, мантиқнинг эмас, қирғоғидан тошиб чиққан ваҳший ҳиссиётнинг талабига риоя қилиб яшаш-

гагина маҳкум. Асарда бош қаҳрамоннинг айни шу хусусияти боис суюмли ишидан, жондай фарзандларидан, оиласидан, жигарларидан бегоналашуви жараёнининг руҳий кардиограммаси чизилган. Бутун роман давомида яратишга эмас, бузишга, ўлдиришга ўрганиб қолганидан қийналган одам руҳияти жуда ишонарли тасвир этилган. Одам шароитни яратади. Лекин ёмон шароит ҳам ёвуз одамни ярата олиши мумкинлиги шу йўсин ифодаланган.

Муаллифнинг ютуғи шундаки, асардаги биронта образни ўқувчи идеалидаги, тасаввурлардаги кўникилган қаҳрамонларга ўхшатиб тасвирламайди. Роман қаҳрамонлари фақат ўз индивидуал табиатлари хусусиятига мувофиқ ҳаракат қилишади. Бу хил тасвир принципи, эҳтимол, кимларгадир ёқмаслиги мумкин. Лекин ёзувчи ўзининг бошқаларга асло ўхшамайдиган қаҳрамонларини жуда яхши билади ва уларнинг айнан шундайлигига китобхонни ишонтиради. Бу жиҳат асардаги баталистик манзаралар тасвирида, айниқса, яққол кўринади. Уларда кечагина довюраклиги билан машҳур бўлган жангчининг бугун бирданига қўрқоққа айланиб қолгани, яқиндагина қўрқоқ саналгувчи аскарнинг кутилмаганда қаҳрамонга эврилиши ишонарли кўрсатилган.

Ўзбек романчилигида уруш кўрган инсонни янги, ўзига хос ракурсда кўриш ва бадиий тадқиқ этишни бошлаб берганлиги билан диққатга лойиқ асарда хира чиққан ҳиссий манзаралар, мужмал тақдирлар, ўринсиз қўлланилган сўзларнинг ҳам борлиги кишини ранжитади. Романда қаҳрамоннинг руҳий таранг ҳолати: ***"Ўлдиргим келарди. Қани у? У қаршимда, аммо онанинг эзилиб кетган нигоҳи қаршисида бу ишни қила олмаслигимни билиб оломондан узоқлашдим"*** тарзида берилган. Бир гапда "қарши" сўзининг икки бор такрорланиши тасвир таъсирчанлигини пасайтирган. Шунингдек, ифодада қандайдир тўмтоқлик борли-

ги ҳам сезилиб туради. Асарнинг бошқа ўрнидаги: ***"Нақадар бахтли болалик мен бирла яшаганлигини, узоқ-узоқлардан учиб келаётган турналар овози жўр бўлиб тасдиқлаётгандай эди"*** ифодасининг сунъий эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Бошқа бир ўринда ҳикоячи шундай савол беради: ***"Сени тобут келтиришда бош-қош бўлганинг ростми? – дедим қалтираб"***. Сўроқнинг грамматик жиҳатдан нотўғри ифодалангани, бу эса унинг бадиий таъсир даражасини туширганлиги яққол сезилади. ***"Ўқтин-ўқтин тун қушини сайроғи тоғу тошларга урилиб акс-садо берар, мен эса қуёш ботиши билан муаллақ қолган хаёлларимни бир-бир терардим"***. Бу болахонадор жумланинг ифодаси ғализ ва сунъий. Шуни таъкидлаш керакки, романнинг бошидан охирига қадар қаратқич ва тушум келишиклари ноўрин қўлланилади. Мен Абдурашид келишикларни билмайди деб ўйламайман, лекин уларни қўллашдаги ҳафсаласизлиги асарининг савияси янада юксак бўлишига ҳалақит берганлигини таъкидлайман.

Романдаги ***"Бизнинг батальонимизда биттаси шу усул билан командир полк билан ўзига "Қизил юлдуз" орденини сотиб олганлиги тўғрисида батальон командири союздаги бошлиқларга хат йўллаганини билиб қолишади ва бизлардан шафқатсизларча ўч олишди. Сиз аскарларни ҳеч нарсадан хабарларинг йўқ"*** тасвирининг қанчалар ғариб ва таҳрирга муҳтожлиги кўзга яққол ташланиб турибди. Жонсиз бу сўзлар инсон руҳиятини ифодалаш у ёқда турсин, шунчаки ахборотни аниқроқ етказишга ҳам ночорлик қилади. Тасвирга эътиборсизлик, тилнинг ғариблиги, ифоданинг омонатлиги яхшигина бадиий асарга жиддий соя солади. Катта дард билан қўлига қалам олиб, туппа-тузук асар яратган ёзувчи бирор жойда ҳам ҳафсаласизлик қилмаслиги, бепарво бўлмаслиги керак.

Романда сўзни ўринсиз қўллаш ҳоллари анча кўп учрайди. ***"Шашт ўрнимдан турдим"***, – дейилади бир ўринда. Аслида ўриндан "шахт" ёки "шашт билан" турилади. Бошқа бир жойда: ***"Ром деразаларини очдим"***, – деб ёзилади. Ҳолбуки, "Дераза ромларини очдим" дейилса, тўғрироқ бўларди. ***"Кирчимак, увададай булутлар орасидан ой чиқиб келди"***, деган чиройлигина тасвирда ҳам сўз бузиб ишлатилган. Шевада "кирлиги билинмайдиган мол" маъносида "кирчимал" ёки "кирчимол" сўзи ишлатилади. ***"Шу кунгача ҳатто товуқни сўйганда юрагим палағда бўладиган мендай бўз бола..."*** тасвиридаги "палағда" сўзи "алағда" шаклида қўлланилса, тўғри бўларди. ***"Оғриқнинг тафти анча сусайган"*** ифодасида ҳам сакталик сезилиб турибди. Оғриқда тафт эмас, "шашт" бўлиши мумкин. Асардаги ***"Аллақайдан елкасига қимматбаҳо кўйлак кийган, мўйловлари гажак йигит пайдо бўлди"*** сингари ифодалар ҳам ғашни келтиради. Ахир кўйлак жонивор фақат елкага эмас, эгинга тўлиқ кийилади. Шунингдек, "мўйловнинг гажак"лиги ҳам ҳазми қийинроқ бўлган тамсил. ***"Тўйга билак шимариб хизмат қилаётганлар..."*** жумласининг ғалатлиги ҳам кўриниб турибди. Одатда, билак эмас, ҳалақит бермаслиги учун енг шимарилади.

Муҳими, ўзбек романчилигида уруш кишиси табиатига ўзгача ёндашиш, уни ўзгача ракурсларда кўриш ва кўрсатиш тамойили юзага келди. Бунинг қалдирғоч намуналаридан бўлмиш "Қон ҳиди" романи ўзининг бадиий ҳақиқати билан миллий насримизда эсда қоларли ҳодиса бўлади.

2002 йил март – 2004 йил 4 октябр

МАНГУ ЭЗГУЛИК "ИЛИНЖ"И

Адабиёт миллий илдизлардан озиқланадиган умуминсоний ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётнинг тур ва жанрлари ҳар бир миллий адабиётда ўзига хос йўсинда намоён бўлади. Ҳатто, XX аср ўзбек адабиётида кунботиш ижодкорлари таъсирида пайдо бўлган фантастик асарлар ҳам миллий қиёфга эгадир. Ҳолбуки, айримлар илму фан миллий бўлмайди деб ҳисоблашади. Адабиётнинг тасвир қибласида ҳамиша бирор муҳитда яшашга маҳкум инсон турар экан, у миллий хусусиятга эга бўлаверади.

Ўзбек фантастик адабиётининг илдизлари қадим халқ эртак ва достонларига бориб тақалишига, мумтоз эпик асарларда ҳам хаёлий-фантастик саҳналарни тасвирлашнинг каттагина тажрибаси бўлишига қарамай, миллий адабиётимизда бу бадиий турнинг талабларига тўла жавоб бера оладиган асарлар нисбатан кейинроқ пайдо бўлди. Эҳтимол, ижодий тажриба камроқ бўлгани сабаблидир ўзбек фантастикасида, одатда, афсонавийлик, тахминийлик, хаёлот, саргузашт етакчилик қиларди. Чунончи, фантастик асарларнинг қаҳрамонлари худди афсоналардагидай фаолият кўрсатишар, уларнинг хатти-ҳаракат ва тутумларининг ҳаётий асоси ҳамда илмий ечимини тасвирлашга етарлича эътибор қилинмасди. Балки шунинг учун ҳам бизда илмий фантастик асарларга унчалик жиддийлик билан қаралмагандир. Эътиборингизга ҳавола этилаётган роман орқали ёзувчи Туроб Мақсуд миллий адабиётимизни ҳар бир қаҳрамоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати қатъий ўлчанган, ҳар бир оқибатнинг ўз сабаби, ҳар бир сабабнинг оқибати мавжуд эканлиги нафақат бадиий, балки фан нуқтаи назари-

дан ҳам далилланган илмий-фантастик асар билан бойитди. Биз илмий-фантастик деган қўшоқ атамага атай урғу бераётирмиз. Чунки дунё адабиёти тажрибасида тасаввурнинг парвозигагина таяниб яратилган ва илмийлик хусусияти унчалик кучли бўлмаган фантастик асарлар ҳам анчагина.

Ёзувчи "Илинж" романида қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларининг ишонарли ва асосли тасвирланишига эътибор қаратиш билангина кифояланмай, персонажлар тушган вазиятнинг, улар ҳал этмоққа тутинган жумбоқларнинг ҳам чинакам илмий йўсинда ечилишига эришган. Роман қаҳрамони икки истеъдодли одамнинг машъум хатолари оқибатида дунёга келган фавқулодда қобилият эгаси Ҳайбат, унинг тарафдорлари ва мухолифлари ҳам муаллифнинг сюжетни қизиқарли қилиш истаги туфайлигина илмий муаммолар оғушида тасвирланмайди. Асарда ифода этилган илмий-фантастик масалалар қаҳрамонларнинг табиатидан келиб чиққани, уларнинг тийнатига сингиб кетгани учун ҳам ўқувчини беихтиёр ўзига ром этади ва ўз ортидан эргаштиради. Гап фақат бош қаҳрамон Ҳайбатнинг борлиғини чулғаб олгани боис асар марказига чиқарилган ўликни тирилтириш масаласининг ўта муҳимлигидагина эмас, балки ёзувчининг мана шу ҳаётий аурада ҳаракатланаётган персонажларни тегишли бадиий юк билан таъминлай билганидадир.

Роман персонажлари саъжиясига кўра ҳам шуғулланаётган илмий муаммолари қадар жиддий руҳий тўлғамларга эга одамлар сифатида акс эттирилган. Асарда қандай вазиятда, қай ният билан қилинишига қарамай, ёмонлик ҳамиша бахтсизлик келтириши, бир ёвузлик бошқасини келтириб чиқариши, инсоний муносабатлардаги ёвлик ва дўстлик ўз-ўзидан сабабсиз рўй бермаслиги сирли қаҳрамонларнинг чигал тақдирлари мисолида таъсирли кўрсатилган. Инсон ўзи хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда

атрофидаги кишиларнинг тақдирига қанчалик кучли таъсир кўрсатиши мумкинлиги романда ишонарли акс эттирилган.

Туроб Мақсуд асарни жуда билгичлик билан севиб ёзган. Муаллиф асарнинг Ҳайбат, Малика, Улуғ Барака, Донохон сингари қаҳрамонларини худди ўз яқинлари, атрофини қуршаган азиз кишилари сингари меҳр билан тасвирлаган. Бу меҳр самимий бўлгани учун китобхонга ҳам юққан. Муаллиф қаҳрамонларни ўзи илгари сурган илмий муаммонинг ижрочилари сифатидагина тасвирламайди. Роман қаҳрамонлари, биринчи навбатда, яхшидир-ёмондир тирик одамлар сифатида акс эттирилган. Улар жонли шахслар бўлгани учун ҳам ёзиқ ва савоблари, ҳаёт ва қисматлари, алдаш ва алданишлари, ютиш ва ютқизиқлари китобхонга кучли таъсир кўрсатади. Ёзувчи қаҳрамонларини қўлидан етаклаб юрмайди, оғзига гап солиб гапиртирмайди. Уларнинг ҳар бири асарда ўз тутуми ва йўлига эга жонли шахслар. Роман персонажларининг роҳат ва азоблари, қувонч ва изтироблари, юксалиш ва тубанлашуви уларнинг руҳиятидаги эврилишларга мутаносиб равишда тасвир этилади.

Муаллиф ўликни тирилтириш, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги кураш, бу курашнинг бош қаҳрамон руҳиятидаги инъикосини жуда ишонарли, энг майда деталларига қадар асосли тарзда кўрсатиб беради. Бу персонажлар тақдирига боғланиб қолган китобхон ҳам ўзини томошабин каби тутмайди, балки қаҳрамонларга тақдирдош бўлиб кетади.

Ҳайратланарлиси шундаки, киши қанчалар билимли, кучли, ғайратли бўлмасин, ўз тақдири олдида ожиз экани ва ҳаёт айни шу сирли бир қудрати билан ўзгача жозибага эгалиги асарда таъсирли акс эттирилади. Чунончи, тенгсиз даҳолик қудратига эга бўлган, табобат бобида ўликка жон кирита оладиган Ҳайбат шахсий ҳаётда тамомила бахтсизгина

эмас, балки ўзининг йигит жонини асраб қолишга ҳам қодир бўлмаган одам сифатида кўрсатилади. Қанчалар устамон, пулдор, маккор ва шафқатсиз бўлмасин Салоҳ ҳам на яқинларига ёрдам қила олади, на ўз ҳаётини йўлга қўя олади. Ўттизга етиб-етмай фан доктори бўлган, тиббиёт институтининг ректори даражасига кўтарилган Улуғ Бараканинг шахсий ҳаёти йўқ, ҳам ҳусну жамоли, ҳам ақлий камоли билан кўпчиликнинг ҳушини ўғирлай оладиган Малика эса ёлғизликка маҳкум ва ҳк. Ҳатто, маккорлик ва шафқатсизликнинг тажассуми бўлмиш Ноила ҳам ҳаётда ҳеч нарсага эга эмас. Гарчи, у алдов билан Ҳайбатнинг ишончига кириб, унинг ғояларини, кашфиётларини ўғирлаган бўлса-да, қудратли қисмат олдида чорасиз ва аҳмоқона тарздаги ўлимга маҳкум экани асарда жуда таъсирли акс эттирилган. Айнан эзгуликнинг етишмаслиги, одамларда инсофу иймоннинг камлиги уларнинг бахтсизлигига сабаб экани ишонарли тасвирланган.

Муаллиф ўрни-ўрнида асарни персонажларнинг айни ҳолатини максимал даражада аниқ ифодалашга хизмат қиладиган шева сўзлари билан зийнатлай билган. Ёзувчи бандаси руҳнинг нималигини билолмагани, Қуръони каримдаги бир неча сура бошида келадиган "алиф", "лом", "мим" ҳарфларининг нимани англатишини била олмагани каби ўз ҳаётини бошидан охирига қадар режалаштира олмаслигини маҳорат билан акс эттирган.

Романнинг айрим ўринларида, айниқса, Ҳайбатнинг етимхонадаги ҳаёти тасвирида чучмаллик, ўқувчининг раҳмини келтиришга атай уриниш сезилади. Шунингдек, бош қаҳрамоннинг тиббиёт институтидаги таҳсил йиллари тасвирида ҳам унчалик асосланмаган ўринлар учрайди. Асардаги Улуғ Барака сингари улуғларнинг ҳам ҳамма қатори хом сут эмган банда эканлигини кўрсатиш мақсадида уларнинг енгилтак аёллар билан учрашуви каби

саҳналарда ҳам сунъийлик, атайинлик кўзга ташланади. Романнинг баъзи ўринларида ёзувчи китобхонга қаҳрамонларнинг айни вазиятдаги руҳий ҳолати, ўй-фикрлари борасида ҳамма нарсани билдиришга ортиқча уринадики, бу хусусият ҳам бадиий асар учун ютуқ ҳисобланмайди.

Айтилган камчиликларига қарамай, қизиқарли сюжетга эга ва жозибали тил билан битилган "Илинж" романи ўзбек илмий-фантастик адабиёти равнақига қўшилган ўзига хос ҳиссадир.

2004 йил 28 декабр

ДАРДЧИЛ ТУЙҒУ ВА БЕЗОВТА РУҲ

Улуғбек Ҳамдам ёлқинли шеърияти, ўйчил ҳикоя, қисса ва романлари ҳамда теран адабий-танқидий мақолалари билан адабий жамоатчиликка яхши маълум. Лекин ҳам шоир, ҳам носир, ҳам адабиётшунос сифатида фаолият кўрсатаётган Улуғбек Ҳамдам аталмиш илмий-эстетик ҳодиса бизда тўлиқ идрок этилган деб бўлмайди. Адабиётшуносликда, кўпинча, сабаб эмас, оқибат изоҳланади. Негаки, у юзароқда бўлади. Шунинг учун ҳам биз "Атиргул" деб аталмиш ушбу шеърий китоб муносабати билан Улуғбек Ҳамдам ижодининг моҳияти ҳақида бир неча оғиз тўхталиш ортиқча бўлмас, деган ўйга келдик.

Улуғбекнинг "Ёлғизлик" қиссаси қаҳрамонлар руҳий оламини тадқиқ этиш йўсини жиҳатидан миллий адабиётимиз учун тамомила янгилик бўлди. Унда баён, ифодалаш, кўрсатиш, тасвирлаш сингари бадиий усуллар ўз ўринларини эстетик тадқиққа тўлиқ бўшатиб берган. Ёзувчи қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини кўрсатишга эмас, балки уларнинг сезим ва ўйларидаги товланишларни акс эттиришга эътибор қилган. Арасту замонларидан буён адабиётнинг моҳияти ҳаётдаги хаосни бадиятнинг космосига айлантиришдан иборат деб тушуниб келинарди. Яъни воқеликдаги бирор қолипга тушмайдиган "тартибсизлик"лар муайян мунтазамлик касб этиши, эстетик тартибга туширилиши билан бадиий асар юзага келади деб қараларди. "Ёлғизлик" қиссасида эса айнан тартибсизлик, бўлганда ҳам, воқеликдаги эмас, инсон хаёлотидаги, кечинмаларидаги тартибсизликнинг ўзи

тасвирга олинган. Қиссада муаллиф қаҳрамон ўю хаёлларини унинг характерини очиш воситасига айлантирмайди. Билъакс, ўй-хаёлларнинг тартибсиз ва ноизчил оқимини беришнинг ўзига бадиий мақсад деб қарайди. Маълумки, хаёлотда изчиллик, мунтазамлик бўлмайди. Шунинг учун одам хаёлни эмас, хаёл одамни етаклаб юради.

"Ёлғизлик" миллий адабиётимизда, сиртдан қараганда, бадиий мақсадга бўйсунмагандай кўринса-да, аслида, ўйчил инсон тафаккури ва ҳиссиёти манзараларини ёркин намоён этадиган илкинчи асар бўлди. Қисса қаҳрамонининг ўйларида тизгин йўқ, муаллиф ҳам гўё бу хаёлларни сараламай тасвирлайди. Ўйдан ўйга, хаёлдан хаёлга кўчиш жараёни тасвирининг ўзи қаҳрамон табиатига хос хусусиятларни сараланган бадиий мунтазамликдан кўра тўлароқ очади. Бу асар муаллифнинг тажриба истаги туфайли эмас, балки кучли бадиий зарурият сабабли пайдо бўлган. Негаки, одамнинг ўйлари оқимидагина намоён бўладиган инсоний моҳиятни бошқача йўл билан кўрсатиб бўлмайди. Одамда ичи билан сирти, тили билан дили бир бўлган ҳолатлар ниҳоятда камёб. У фақат ўйларидагина ўзи бўла олади. Одам тизгинсиз ўй оқимлари билан ёлғиз қолгандагина ўзига, ўзлигига қайтади. Шундай ҳолатни акс эттириш йўли билангина одам руҳиятини тўлароқ кўрсатиш мумкин бўлади. Бу қисса миллий насримизда одам ўзгача тушунилган ва унинг психологияси шу йўсинда чуқур тадқиқ этилган дастлабки асар бўлди.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" ҳамда "Исён ва итоат" романлари эса адабиётимиздаги улкан бир кемтикликни тўлдирди. Унгача миллий романларимизда инсон, асосан, меҳнат ва фаолият бағрида кўрсатиларди. Ёш ёзувчи адабиётда мураккаб ва чигал ўйлар оғушидаги ўзбекни тасвирлашни бошлаб берди. Натижада, адабиётимизда ўзи, умри, одам ва

олам ҳақида теран фалсафий ўйлар сурадиган миллат вакиллари қиёфаси яратилди.

Кўпчилик китобхонлар Улуғбек Ҳамдамнинг "Тангрига элтувчи исён" отлиғ шеърий тўпламидан ҳам хабардорлар, албатта. Юпқагина бу китобдан залвори тошни ёрадиган инсоний дардлар ифода этилган шеърлар жой олганди. Шоирнинг ўзи бир сабаб билан: ***"Шеър – бошқача йўлда изҳор қилиб бўлмайдиган дардчил туйғу. У ижтимоий ҳою ҳаваслар дахл қилмайдиган ҳаводан нафас олади. Ҳақиқий адабиёт дарддан яралган, дардни куйлаган, бироқ гўзалликка айланган олам"***, – дейди. Чиндан ҳам асл шеър ҳамиша туйғулари безовта, сезимлари нозик шоирнинг нокомил дунё билан келишолмаслиги сабабли пайдо бўлган дарддан туғилади. Улуғбек "Руҳим" шеърида руҳни: ***"Нигоҳсиз кўзлардан қўридим"***, – дейди. Ифоданинг нозиклигига, ишоранинг маънодорлигига эътибор бериш лозим. Кўнгли сўқир кимсада кўз бор эса-да, нигоҳ бўлмайди. Покиза руҳни ўшаларнинг таҳдидидан асраш ҳаёт-мамот масаласидир.

Улуғбек шеърларида донолик даъво қилмайди. Бировларга йўл кўрсатишга, уларга қандай яшашни ўргатишга уринмайди. У ўзини излайди, ўзини тушунмоқ бўлади. Ўз кўнгли ва руҳияти билан юзлашмоқ истайди. Шоирнинг барча ёзганлари изланаётган ўзлик хариталаридир. Шу боис ўзининг шоирлик қисмати чигалдан-чигал эканини очиқ тан олади:

Оғриқларни унутмоқ учун куйладим.
Кейин эса...
Оғриқларни унутдим буткул –
Бўшлиқларга дуч келдим бирдан...

Бу сатрларга астойдил эътибор қилмаган одам улар замирида арзирли мазмун кўрмаслиги мумкин. Лекин уларда инсон ихтиёрининг ихтиёрсизлиги сирли бир йўсинда ифодасини топган. Кўнгилдаги оғриқлар шеър бўлиб оққан шоир шеър ёрдамида

бу оғриқларни унутмоқ бўлганди. Кейинроқ оғриқнинг унутилиши оғриқдан оғриқлироқ экани маълум бўлади. Шоирнинг таскинсиз ва тиниб-тинчимас руҳияти қуйидаги мисраларда яққол намоён бўлади: *"Оғриқларни соғиндим шунда Жаннатларга талпинмай қолдим"*. Ориф илоҳий висол умидида, қул эса жаннат илинжида. Шоир жаннатларгагина талпиниб, оғриқсиз яшай олмайди. Шу боис соғинилмайдиган нарсани соғинади.

Улуғбек – безовта руҳга эга ижодкор. У биладики, руҳий ҳолат олдин ҳис этилади, сўнггина мантиғи англаниши мумкин. Шу боис нафрату муҳаббатнинг сабабини ҳамиша ҳам мантиқ билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳар қандай кучли мантиқ ҳам жуда омонат, уни ясаш ҳам, мослаш ҳам, мослашиш ҳам мумкин:

Мантиғи бемантиқ ушбу дунёда
Топиб олгим келар ўзга бир мантиқ...

Топиб олиниши орзуланаётган ўзга мантиқ шеъриятнинг, демакки, кўнгилнинг мантиғи бўлади ва у туйғудан озиқланади.

Улуғбекнинг асарлари унинг туйғулари, ўйлари, изтироблари манзараларидир. Бу манзаралар эса ёлғизлик, мувозанат, исён ва итоат аталмиш руҳият манзилларида ёркинроқ намоён бўлади.

ЁЛҒИЗЛИК ИСТАГИ

Биз одамнинг асл қиёфаси унинг хатти-ҳаракатларида яққол кўринади деган тўхтамни ҳақиқат деб ҳисоблашга ўрганганмиз. Аслида, одамнинг асл қиёфаси ҳаракат қилаётган, фаолият кўрсатаётганда эмас, балки ўзи, кўнгли, хаёллари билан ёлғиз қолганда ёркинроқ кўринади. Лекин бу қиёфа сиртни ифода этмаганидек, сиртда намоён бўлмайди ҳам. Уни билмоқ учун одамнинг ботинини туймоқ лозим бўлади. Ҳар бир одамда ботинга етиб бормоқ, уни туймоқнинг биргина йўли бор: ўз-ўзини аёвсиз

тафтиш этиш. Улуғбек Ҳамдамнинг деярли барча шеърлари ўз-ўзини текшириш маҳсулидир. Унинг битганларида ўзи ва ўзлиги бўлишини астойдил истайдиган ҳамда шунга чин дилдан интилаётган киши сийрати ёрқин акс этади.

Шоир дунёни билишдан кўра ўзини билиш оғирроқ эканлигини туяди. Шунинг учун ҳам ўзи бўлгиси, ўзини билгиси келаётгани шеърларида кўзга ташланиб туради. Улуғбекнинг аксар шеърларида фарзанд, ота, эр сингари "ёрлиқ"ларсиз, қандайдир бурч орқали боғланмаган, шунчаки кўнглини тушунадиган яқин одамга муштоқ, унга интилган киши руҳияти акс этади:

бахтли бўлгим келар менинг ҳам гоҳо
барча ёрлиқларни ечиб итқитиб
қафасдан қутилган озод қуш мисол.
Тушунмайсан фақат кўнглимни...

Ўзига қондошлик бурчи ёки "ижтимоий шартнома" билан эмас, фақат тоза кўнгил билан боғланган инсонни қўмсаб, уни тополмаган шоир одам ва оламдан норозиланади. Унинг ёлғизлиги яққол билиниб, оламга сиғмай қолгани ҳолати шундай тасвирланади: ***"Шунда ичдан фарёдлар ўсар, Ўсиб мени оламдан тўсар"***. Ўзгаларнинг англамаслиги сабаб шоир оламдан тўсилгани каби олам ҳам шоирдан тўсиб қўйилади. Негаки, англамаганларни англаб бўлмайди. Дунёда англашдан улкан саодат бўлмаганидай, англамаслик ва англанмасликдан катта бахтсизлик ҳам йўқ. Англамаганликлари учун ёлғизланган руҳ кишисининг мубҳам ҳолати шоирнинг "Кайфият" шеърида шундай ифодаланади:

Шу пайт ёлғизлик – эски юпанчим
Миямга игнадек санчилди.
Мудом ҳимоясиз қувончим
Яна ва яна янчилди...

Чиндан-да, ёлғизлик кишининг энг эски ва доимий шериги, юпанчи. Ўй кишиси ҳамиша ёлғиз. Унинг учун ёлғизлик бир вақтнинг ўзида ҳам саодат, ҳам фожиадир. Шу боис уни: "***Миямга игнадек санчилди***", – дейди шоир.

Кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, руҳиятнинг симобдай беқарорлиги, кўпинча, сабабсиздай туюладиган сезимлар манзарасини юзага келтиради. Бундай ҳолат "Танҳолик" шеърида тубандагича ифода этилади:

Севинчим ичимга сиғмайди,
Ташқарини эса хуш кўрмас.
Ноилож қамайман мен уни
Нақ бўғзимда ясаб бир қафас.

Шеърда инсон руҳий ҳолатининг чигаллиги ғоят ичкин ва сиртдан кўзга ташланмайдиган маҳорат билан акс эттирилган. Севинчнинг ичга сиғмаслиги одатдаги ҳолат. Лекин шоир бу ҳолат тадрижини ўзгача йўсинда беради. Одамнинг ичига сиғмаган севинч ташқарига чиқиши керак. Лекин у ташқарини ёқтирмайди, чиққиси келмайди. Бинобарин, севинч нақ бўғизда ясалган қафасга қамалишга маҳкум. Бу шеърда шоир сўз қўллаш маҳоратини намойиш этмаган, балки руҳий ҳолатнинг беадад чексиз ва мураккаб манзарасини чизган.

Улуғбекнинг шеърларида шоир қўлига қалам тутқазган куч ҳақида кўп тўхталинади. Шоир учун шеър ёзилишининг сабабини билмоқ ўзининг мавжудлиги моҳиятини англамоқ демакдир. Шу боис ҳам қуйидаги сатрларни ўзини излаётган ва ўзини англамоқ истаётган ёлғиз одамнинг таваллоси деб қабул этиш жоиздир:

- У нимадир – ич-ичимни ер?
Қулатарми дарахтдай бир кун?
- У минг йилдир ёзилмаган шеър,
Руҳим ичра топгандир сукун!

Шоирлик одамнинг ихтиёридаги ҳолат эмас. Ижод неча вақтдан буён (балки кунлар, балки йиллардир) борлиғини тўлдириб юрган дарддан ўзини халос этиш, бўшалиш эҳтиёжидир. Руҳига туғилмасидан олдин уруғи ташланган илоҳий туйғуни сўзга кўчириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Баъзилар умрининг охиригача ҳам буни эплай олмай ўтиб кетади. Айримлар эса туйғунинг залворини кўтаролмай, азобларда қолади. Истеъдод эгаларидаги ўзидан қониқмаслик ҳиссининг илдизи ана шу ерда. Асл ижодкорга ҳамиша ёзилганидан мукаммалроқ, гўзалроқ ва нозикроқ битиши мумкиндай, қўллаган сўзлари туйган туйғусига қараганда рангсиздай кўринаверади. Шунинг учун шеър ва шоир ўртасида муросасиз кураш абадий давом этади. Буни Улуғбек ғоят таъсирли ифода этади: ***"Ёзарманми – қутуларми жон? Ёки мен ҳам галдаги қурбон!.."*** Шоир ё кўнглидагисини кўнгилдагидай ёзиб жонини туганмас азобдан қутқаради ёки юрак қонларидан иборат бадиият денгизига чўкиб кетади. Шоир зафарни ёлғиз қозонгани каби ҳалокат сари ҳам бир ўзи кетишга маҳкум. Бизнинг шоир шундай қисматни ихтиёрсиз ихтиёр этган.

Улуғбек – дунёни ташқарида эмас, балки юрагида деб биладиган шоир. Шунинг учун ҳам унинг олам ҳақидаги аламлари чин кўнгилдан чиққан. Шоир "Яна акам хотирасига..." отли шеърида бутун бир оламда ёлғиз эканлигини шундай акс эттиради:

Сиздан кейин бу кабир олам
Майдалашиб кетди наздимда.
Сирлашгани қолмади одам
На бегона ва на наслимда...

Яқинлардан узоқ бегоналар ва бегоналардан-да йироқ яқинлар даврасида кечирилиши лозим ҳаётга қарши шоир исён қилгандай бўлади. Чунки бундай муҳитда яшаб бўлмайди, бундай ҳавосиз иқлимда

бўғилмасдан тирик юриш мушкул. Бундай руҳият эгаси нажотни ҳеч кутилмаган жойдан излайди:

Қор ёғади. Гуллайди бодом...
Йиллар ўтар – ўлим силтайди.
Фақат ўша беради ором,
Чунки ўша... сизга элтади!..

Ўлимга маҳлиёлик, унга интилиш тирикликка ва Яратганга исён эмас, балки ўйчил кишини, чин туйғулар, безовта руҳ эгасини ёлғизлатиб қўйган нокомил дунёдан ёзғириш ифодасидир. Чунки атрофинг лоқайд томошачиларга тўлган, миллионлаган одамлар орасида кўнглингга йўлдош бўлгулик бирор инсонни топмаганинг ҳолда яшаш азоб ва гуноҳдир. Улуғбекнинг битганларида ана шу азобга қаршилик ва ўша гуноҳлардан қўрқиш туфайли келиб чиқадиган дард силқиб туради:

сенсизликка кўникдим бироқ
ҳар бахтли кунимда сенинг ёдинг бор...

Суйган ва куйган одам учун айриликда ҳам висол имкони бўлаверади. Кўнглидан жой олган одамнинг йўқлигига кўниккан, лекин ҳар бир яхши онида уни эслайдиган мураккаб туйғули кишининг юқоридагидай дил изҳори самимий ва таъсирли.

Кўнгил кишиси бир умр ёлғизлик истаб, унга интилиб, уни қўмсаб ва ундан қўрқиб яшайди. Туйғу кишисининг дилини англаш ва овлаш ўта қийин юмуш. Бинобарин, бундай кишида атрофдагилардан ёзғириш имкони ҳамиша бўлаверади. Лекин Улуғбекнинг шеърларида туйғулари эзгу ва теран кишининг ёниқ руҳий ҳолати ифода этилади:

Уйғонгандек оғир уйқудан
Уйғонмоқда дунёдан дилим...

Уйқудан уйғонган одамни бедор, уйғоқ, уйқусиз дейиш мумкин. Дунёдан уйғонган, ундан этак сил-

киб турган кишини-чи? Унда дунёсиз қолиб кетиш хавфи йўқми? Эҳтимол, шоирнинг хавотири ҳам шундандир: *"Энди ёлғиз қолмасманми мен?!.."* Бу биргина мисрада ҳадик ҳам, қувонч ҳам, ишонч ва ишончсизлик ҳам ажиб бир тарзда уйғунлашган. Бу хил руҳий ҳолат кишини беихтиёр мувозанат сари йўллайди.

МУВОЗАНАТ СОҒИНЧИ

Одам ҳам, олам ҳам мувозанатсиз яшай олмайди. Мувозанатнинг бузилиши таназзулга қараб қўйилган биринчи қадамдир. Шунинг учун ҳам асл матлаби кишини руҳий ва фикрий мувозанатдан чиқариш бўлган шеъриятда ҳам маънавий қадриятлар мувозанати сақланишига жиддий эътибор берилади. Лекин эстетик мувозанат миқдорий кўрсаткичлар билан ўрнатилмайди. Унда руҳий қувватларнинг энергияси муҳим ҳисобланади. Улуғбек Ҳамдамнинг шеърлари орасида инсон сезимларидаги эзгу ва ёқимсиз сифатларга бардошлироқ қараш, ёқмаган маънавий хусусиятларни инкор этибгина қолмай, уларни тадқиқ қилиш ва тушунишга уриниш акс этганлари ҳам анчагина.

У. Ҳамдам: ***"Чинакам шоир шеър ёзайин деб эмас, балки бағридаги олов шаштини пасайтирайин деб, чорасизликдан қўл уради бу ишга. Қувончнинг йўриғи бошқа. Киши ҳар қандай қувончни кўтара олиши мумкин, лекин ғамни ким биландир бўлашгиси келади. Шеър – қисиб-бостириб келаётган дард зарбаларидан қочишнинг энг шахсий йўли"***, – деганида сокинлигини йўқотган руҳият эгаси кўнглидаги мувозанат соғинчини кўзда тутган бўлса ажаб эмас. Унинг қатор шеърларида ана шу ҳолат кўзга ташланиб тургандай бўлади:

олиб кетолмадим сени осмонга
шеърлар битдим фақат титроқ ва юксак

Осмон – юксаклик, улуғликни билдирувчи маскан. Шоир ҳар бир одамни тушунгиси келади, барчани аяйди, яқинларини юксалтирмоқ ва юксак кўрмоқ истайди. Лекин ҳаммани баландроқ қилишнинг уддасидан чиқолмайди. Бу ҳол "титроқ ва юксак" шеърлар битилишига сабаб бўлади.

Бошқа бир шеърида ўзгани тушунишга ҳаётини бағишлаган ижод кишиси руҳияти бутун мураккаблиги ва ўзига хослиги билан намоён бўлади. Унда олам, одам ва ижод ҳақида тинимсиз ўйлайдиган шахснинг сезимлари акс эттирилган:

санъат ўйин дединг
фақат ўйинмас
кулаётган кишининг аччиқ кўз ёши-ю
ўлаётган кишининг табассумидай
сирлидир санъатнинг юраги билсанг.

Жўнгина туюладиган бу мисраларда ҳаётнинг аёвсизлиги, фалакнинг ғаддорлиги, тирикликнинг мураккаблиги, унинг кулгисида йиғи, йиғисида табассум кўриниши табиийлиги ва буларнинг бари санъатда намоён этилиши кераклигини англаб етган киши кечинмалари теран ифода этилган.

Эътибор қилинса, Улуғбекнинг бу китобига кирган аксар шеърларда мусиқийлик қулоққа унчалик ҳам равшан эшитилавермайди. Негаки, бу шеърлар қулоқ билан эшитиладиган эмас, балки кўнгил билан симирилиб, руҳ орқали идрок этиладиган битиклардир. Бу шеърлардаги оҳанг синиқлиги, шеърий мусиқанинг равон, қофияларнинг тўқ эмаслиги, вазн талабларига ҳам риоя этилавермаганлиги тасвир маҳорати етишмаслиги ёки бепарволикдан эмас, балки шоирнинг сўздан кўра туйғунинг оҳангини беришга кўпроқ эътибор қилиши оқибатидир. Шоир дардчил оламни бор мураккаблиги ва қарамақаршилиги билан қабул этишга маҳкум:

Ширин-ширин тушлар кўриб, орзу қилсам,
Ҳасратларга айланмоқда, ҳасратларга...

Орзулари қуёш кўрмай армонга, ширин-ширин тушлари ҳасратларга дўнган бўлса-да, шоир ғавғо кўтармайди, жунунга тушмайди. У янада теранроқ ўйга чўмади, ўйлатадиган туйғуларни сувратлайди: ***"Таслим бўлиш билан бўлмаслик аро Елкаларим оғ(р)ир ўтмиш юкидан"***. Ҳаётнинг мураккаблиги, инсон қисматининг чигаллиги бутун салмоғи билан акс этган бундай шеърлар киши туйғуларини нозиклаштиради, одамни мушоҳадага чорлайди. Қавсга олинган биргина товуш шеърни ўзгача жилолантириб, нурсизликнинг ифодасини нурлантириб юборган. Мажҳул кайфият, беқарор қарор одамни шундай ҳолатга солиши мумкин. Бундай ҳолатни туймоқ учун ўзни текширмоқ ва англамоқ керакдир. Шоирнинг "Тонг" шеърида юқоридаги мажҳулликнинг сабаби ҳам кўрсатилгандай бўлади:

атроф ёришиб бораркан
кўзинг ҳисобсиз қўшин тортиб
турган улкан Ахриманга тушади
гўё бошингнинг косаси очилиб
юрагинг капалак янглиғ
учиб кетгандек сезасан ўзни

Астойдил ўйлайдиган ва ўзгаларни туймоққа интилган одамнинг қандай кашфиётларга қодирлиги шу мисраларда яққол намоён бўлган. Бизнинг шеъриятимизда тонг, ёруғлик ҳамиша ва деярли ҳамма ижодкорда умид, нажот рамзи бўлиб келган. "Ёруғлик" деган сўзнинг ўзидаёқ қандайдир эзгулик борлигига кўникканмиз. Лекин Улуғбек тонгнинг ҳеч ким кутмаган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, лекин чин белгисини кўрсата билган. Чиндан-да, барча разолат тонгда уйғонади ва ишга киришади. Тонг отиши билан ёмонликнинг ҳисобсиз қўшини жангга киради ва одам беихтиёр эзгулик манбаи юракни бир четга қўйиб, Ахриман чирикларидан бирига айлангандай бўлади. Шунинг учун ҳам ҳо-

латни мувозанатга туширишни истаган шоирнинг кейинги туйғулари ифодаси кишига тушунарли ва татимли туюлади:

мана шу тариқа
дунёнинг асл ҳолини
асл рангини
қора рўмоли билан тўсиб тургувчи
тунни соғина бошлайсан

ИСЁН ИШТИЁҚИ

Инсон туғилишдан олдин илоҳий висолга ноил эди, у бир томчидан яралган, тақдири белгиланган эди. Бу фоний дунёга келмасдан аввал бегуноҳ, беғубор эди. Фоний дунё висолига эришиш билан ҳижрон бошланди. Шу боис эндигина дунёга келган чақалоқ чинқириб йиғлайди, то тана тирик экан давом этадиган бу узоқ айрилиқни истамай, исён қилади. Шунинг учун ҳам кўнгил одами бетартиб тартибларни бузароқ, Аллоҳга етказгувчи йўлни излайди. Излагани сайин фақат Угина чин эканлигини англаб боради:

Ҳижрон туни чўкиб бораётган пайт
руҳ кўзини тўсди икки қорачуғ
мени алдов билан юпатдилар сўнг
билдимки
барча нарса Ёлғон
сенинг мавжудлигинг Рост эрур фақат.

Дунё – Яратганнинг жилвасигина, холос. Ундаги ҳеч нарса ҳақиқий эмас, ойнадаги аксни ушлаб бўлмаганидек, бу дунёда ҳам аслга етиб бўлмайди. Инсон туғилиш билан фанога тегишли бўлди, унинг жисми кўра, эшита, нафас ола бошлади. Ойнада акс этган жисмсиз борлиқ рўё эканига руҳ кўзларини жисм қорачиқлари беркитгани сабабдир. Кўринадики, кўриши керак бўлган нарса кўрмасликка са-

баб бўлади. Шоирни Яратгандан бошқаси ёлғон экани жунбушга келтиради, унинг руҳи тийиқсиз бир иштиёқ билан исён кўтарадики, бу уни Тангри сарига элтиши мумкин бўлади.

Руҳ ва жисм, нафс ва кўнгил ҳар қандай фикр кишиси сингари Улуғбекни ҳам ўйлатади. Уларнинг муносабати унида ҳайратларга солади:

Руҳим денгиз янглиғ мавжланур,
мавжланур,
жисмим соҳил каби йўл тўсур,
йўл тўсур...

Руҳнинг эзгуликка интилишлари чегара билмайди, лекин жисм қирғоғи унинг мавжларини тўсади, ҳаракатларини чеклайди. Шунинг учун шоир ҳамиша жисмнинг зуғумидан халос бўлиш учун чирпиниб исён қилади.

Болалик билан катталикнинг чегараси эзгулик билан ёмонлик ўртасидан ўтганидек, жисм билан руҳнинг чегараси ҳам шу ердан ўтади. Шоир қалтис чегарадан нари ўтиб кетишни истамайди. Шу боис юракнинг ҳамиша огоҳ бўлишини хоҳлайди:

Эсингдами,
Йўқ, тўхта юрак!
Чегарага етиб келдик, жим!
У томони: болалик – эртак,
Бу томони: соғинч ва ўлим...

Улуғбекнинг шеърлари одам бўлиш мушкул ва адоқсиз синовлар силсиласидан иборат эканлигини эслатиб туради. Одамни ўша синовларга тайёрлайди, улардан огоҳлантиради.

Чинакам одам дунёга келибоқ, дунёга масъул бўлади. Ўзини барча нарса учун жавобгар, бурчли сезади. Ҳаммадан қарздорлик туйғуси комил одамнинг илк белгиларидандир. Улуғбекнинг шеърларида ҳам шундай ҳолатга тушган одам туйғулари ифода этилган сатрлар бот-бот учраб туради:

Ичим куйиб кетди, Парвардигоро,
Нечун тўрт томоннинг ичинда манман.

Шуниси диққатга лойиқки, Улуғбек Ҳамдамнинг кўпчилик шеърларида ёлқинланган ўт эмас, яллиғланган чўғ борлигини туйиш мумкин. Шунинг учун ҳам улар оловланмай куйдиради. Чунки шоир чақириқлар, ҳайқириғу даъватларнинг очиқ йўлидан бормайди. Жони бўғзига келиб титраб турган одамнинг чигал руҳий ҳолати ҳам ортиқча оҳ-воҳларсиз тасвир этилади. Шунинг учун ҳам шоир шеърларининг тафтига исинмоқ учун сўз кулларини тагидаги чўғланган туйғуларни топиш лозим бўлади. Шоирнинг бир шеърида ўта нозик кайфият манзаралаштирилган:

лабларидан симираркан жим
бахтсизлигим ёдимга тушди
чақмоқ урган дарахтдек ёндим

Висол ҳам бахт бермай қўйган одам ҳолатини бундан-да аниқроқ тасвирлаб бўлмас. Шеърнинг оҳанги ғоятда сокин. Лекин бу сокинликда зилзилалар қилиши мумкин бўлган магманинг муваққат хотиржамлиги яширингандай... Фақат кичик ҳарфларда битилган уч қатор шеърнинг айнан шу тарзда бир мисра ташлаб ёзилишида ҳам маъни бор. Негаки, ўрни ташлаб кетилган сатр кишига нафас ростлаш, ўйлаб кўриш, кейинги мисрадаги кутилмаган руҳий портлашга тайёрланиш имконини беради. У ўқувчини сўнгги – учинчи мисрада акс этган фавқуллодда руҳий ҳолатни тиниқ ҳис этишга ҳозирлайди. Шу ҳолат ҳис этилгандагина одамнинг нақадар тушунуксиз, унинг сезимлари қанчалар мураккаб ва чигал, руҳий тўлғанишлари нечоғлик чексиз эканлиги англаб етилади.

Киши туйғулари қолипга тушмайди, чегара билмайди. Шу боис инсоннинг орзуларида ҳад йўқ. Инсон камолоти қирғоқсизлиги ҳам шундан:

Дунё гўзал бўлгани сайин
изтиробим шиддат-ла ўсар...

Одамга хос қаноатсизлик ҳисси юқоридаги икки мисрада гўзал ифодасини топган. Одамзодни юксалтирган, уни илоҳий марҳаматга сазовор этган жиҳат ҳам оламни янада гўзал кўришга бўлган чегарасиз иштиёқдир, камолотнинг чексизлигидир. Банданинг моҳиятини ташкил этувчи жисмоний, ижтимоий жиҳатлардан кўра руҳий белгилар ҳамиша устундир. Руҳнинг юксалиш ё тубанлашуви жисмнинг ўсишига терс келиши ҳам мумкин. Олмон файласуфи И. Кант: "***Гўзаллик – барчага бирдек ёқувчи ҳолат***", – деган экан. Демак, гўзаллик ҳамманинг кўнглига қувонч бағишлаши лозим, аммо нега шоирни изтиробга солмоқда? Ҳатто, изтиробининг шиддат-ла ўсишига сабаб бўлмоқда? Бу саволга жавоб шеърнинг давомидан топилгандай бўлади:

... Ахир менда нима айб, дўстим,
агар гўзалликнинг томири
мусибатнинг сувини ичса?!

Дунёдаги барча нарса нисбий, ундаги ҳеч нарса мутлақ ва ҳал қилувчи эмас. Фақат талқинларгина уларга маъно бағишлайди. Аммо талқиннинг ўзи ҳам неча хил. Кимгадир гўзал туюлган ҳолат бошқанинг ғашини келтириши, бир киши кўнглини вайрон қилган ҳодиса иккинчи одамнинг самимий қувончига сабаб бўлиши, ҳатто бир банданинг ўлими кимларгадир нажот бўлиши мумкин. Шу каби шоир ҳам бошқалар завқланган гўзалликдан баҳра ололмаслиги, аксинча, маъюсланиши мумкин. Чунки унинг тийрак нигоҳи дарднинг гўзаллигини илғайди, мусибат эзгулигини кўради. Шулар кўнгилни тоблаши мумкинлигини билади, дард чекаётганидан инжимайди, дардкашлик ҳаёт моҳиятини англатишини тушунади. Шу боис: "***Билганим – симсим азобман...***", – дейди. Тушунган одамга қийин,

чунки дард чекиш учун, аввало, унинг дардлигини англаб етиш лозим. Шу боис ҳар бир маърифатли одам қийноқлар ичида яшашга, азобдан ҳузурланишга маҳкум. Бусиз руҳ ҳалок бўлиши мумкин:

Кўнгил кирланмоқда орқага йўл йўқ!
Битмоқда руҳимнинг нафас йўллари.
Сени кўргим келди дафъатан
Борлиғимни нимталаб, тилиб...
Сени кўргим келару аммо
Ўтолмайман – қаршимда дунё...

Бу каби шеърларда Яратганнинг висолига эришмоқ бўлаётган, аммо кирли дунё ва унинг ташвишлари сабаб унга етолмаётган соликнинг адоқсиз дардлари самимий акс этган.

Шоир ўзга дунёни, ўзга ҳаётни, ўзгача одамларни орзулаган эди. Орзулар сароб бўлиб чиқди. Аммо эзгуликка интиқ шоирона кўнгил ҳамон ўша-ўша. Бу кўнгил мутлақ эзгуликни, мутлақ Ҳақни севишга куч топа олади. Шунинг учун кирлаган нафс дунёсига исён қилади, ундан кечмоқ истайди:

дунё бошқа дунёдир ахир
лекин кўнгил... кўнгил ўшадир
севмоқ истар дунёдан кечиб.

ИТОАТ МАНЗИЛИ

Улуғбек шеърларида ориф инсоннинг исёни ҳамиша итоатга олиб келиши ўзининг гўзал ифодасини топган. ***"Атиргул – кўкрак қафасимда кишанланган гул"***, – дейди шоир. Кўнгилдан жой олган гул, гарчи кишанланган бўлса-да, банди эмас. Чунки бу кишанлар меҳрдан, муҳаббатдан ясалган. Улуғбек Ҳамдамнинг шеърлари ҳаёт мазмуни ҳақида астойдил ўй сурган кўнгил кишисининг кечинмаларидир. Дунёни гўзал кўрмоқ, уни янада эзгуроқ қилмоқ истагида бўлган, лекин тилагига етолмаган йўлчининг армонлари дейиш ҳам мумкин уларни:

Ўтиб бормоқдаман узун йўллардан,
қалбларга ҳасратнинг расмини солиб.
Дарёлардан кечдим, ўтдим чўллардан,
Барибир мен мағлуб, қисматдир ғолиб.
Исён кўтармоққа йўқ
энди тоқат,
Борига шукр айтиб бош эгдим майли.
Фақат бир ниятим бўлса ижобат –
Босган изларимдан гуллар унсайди.

Ўз имкониятини англаган, ўзини қисматга қарши қўймаган банда енгилган бўлса-да, музаффардир. Бу шеърнинг лирик қаҳрамони айни шундай одам. Исёндан итоат босқичига кела олган ва мағлублиги билан зафар қучган руҳ эгасигина: ***"Босган изларимдан гуллар унсайди"***, – дея орзуланади.

Мўминнинг итоати қуллик эмас. Қуллик бўлса-да, Яратганнинг ўзига. Бу ҳолни шоир ***"Бу дунёда шоирнинг энг турғун кайфияти"*** тарзида беш сўз билан номланган ва тўрт сўздангина иборат шеърида шундай ифода этади:

титрак
юрагимда
хавотир
малол...

Безовта руҳ, жўшқин туйғулар эгаси шоир оламни эзгуликка, гўзалликка буркамоқчи бўлди. Бунга эришолмади, лекин қисматнинг қудратини туйиши, ўз истакларининг чексизлиги билан имкониятларининг чекланганлигини англаши уни яна кучлантирди, янги қувват берди. Шу боис "титрак юрак" ҳолати ҳам умидсизлик нишони эмас. Агар умидсизлик бўлганда, бу кайфият "энг турғун" бўлмас эди.

Шоирни ишонч туйғуси ҳеч қачон тарк этмайди. Чунки мўмин учун ҳамиша олдинда ёруғлик, умид бор. Ҳаётнинг кир манзаралари, дунёнинг чир-

кинлиги уни қанчалар изтиробга солмасин, шоир умидсизликка тушмайди. Чунки ҳамиша у билан бўладиган кўнгил ҳурлиги шоирни асл мабдага элтади. Бу ҳол Улуғбекнинг "Дилимга..." шеърида яққол кўринади:

Яна зўр қафасга айланди умрим,
Яна мўлтирайман таниш туйнукдан.
Минг лаънат!!!
Фақат сен тинма, эй Кумрим,
Фақат сен воз кечма буюк Ҳурликдан!

Юрак уриб турар экан, у Яратганнинг қуллигига интилишдай ҳурликдан воз кечмас экан, шоирнинг: ***"Яна узоқ йиллар йиғламоқ керак Сўнгида шарақлаб кулмоқлик учун..."*** тарзидаги қаноати қатъий инонч бўлиб қолаверади. Демакки, яшамоқдан маъни бўлаверади.

Ҳар бир сатридан нозик сезимлар, безовта ҳислар, эзгу туйғулар эгасининг озод руҳи уфуриб турган "Атиргул" ўқувчининг яқин суҳбатдошига айланади ва унида эзгулик манзиллари сари чорлайди.

2005 йил 21 март. Йилбоши.

КЎНГИЛ ТЎЛҚИНЛАРИ

(Аъзам Раҳим. Шаҳсувор туйғулар)

Бугунги одамнинг кўнгли бугуннинг туйғуларини туяди. Бугунги кишиларнинг руҳини безовта қиладиган гаплар бугун айтилгани маъқул. Бинобарин, бугунги шеърият – бугунги одамнинг кўнгил мавжлари. Бугунги одам эса кечагисидан тамомила фарқ қилади. Яқиндагина одамларда умумийлик жиҳатлари кўп эди. Эндиликда ҳар бир одам тилсимланган қўрғон сингари алоҳида ва сирли. Шунинг учун ҳам ҳозирги ижодкорлар ҳаёт ҳодисаларини акс эттиришдан кўра, инсон кўнглини бадиий тадқиқ этишга кўпроқ уринмоқдалар. Чунки шахсиятнинг тилсимланган қўрғонлари калити фақат кўнгилда эканлиги англаб етилди.

Одамнинг сирли ва чексиз ўзлигини текширишга тутингани боис бугунги ўзбек шеъриятида жаҳоннинг энг илғор адабиётлари билан бўйлашадиган кашфиётлар қилинмоқда. Миллий шеъриятимиздаги бу хусусиятлар фақат ўзбекистонлик шоирлар ижодидагина эмас, балки Ўзбекистондан четда яшаётган ўзбек ижодкорларига ҳам хослиги кишини қувонтиради. Демак, атрофдаги ўзбек шоирлари ҳам миллий шеърият даражасидан ортда қолмай ижод қилишга интилмоқдалар. Ўшлик шоир Аъзам Раҳим битганлари билан танишиш асносида унинг шеъриятни кўнгил жилваларини ифодалаш воситаси деб билган ва ташқи оламга элтадиган йўл ўз ички дунёси орқали эканини англаб етган ижодкор эканига имон келтирдим. Менга бир ўқувчи сифатида Аъзамнинг атрофга аланглайвермай, ўз ичига кўпроқ назар ташлаётгани, очуннинг адоқсиз ҳодисалари денгизида қулоч отишдан кўра кўнгил теранликларига чўмиб, шеърларида ўз руҳияти

тўлқинларини ифодалашга уринаётгани маъқул келди. Шундай шеърият одамни ўзига яқинлаштиради, шундай битикларда руҳиятнинг адоқсиз лабиринтлари, пурвиқор чўққилари, нурли манзиллари ва яширин пучмоқларини ёрқин акс эттириш имкони бўлади.

Аъзам Раҳим олам ва унинг ҳодисотларини шунчаки тасвирламайди, балки уни образли ифодалар воситасида ҳиссиётга таъсир этадиган, ёдда мустаҳкам қоладиган тарзда ифодалашга уринади. Шунинг учун ҳам у қуёш ботаётган пайтдаги осмон ҳолатини мутлақо ўзига хос тарзда чизади:

Осмоннинг мағриби алвон лолазор,
Машриқдан ёйилар бўри галаси.

"Учоқдаги ташбиҳлар" шеъридан олинган бу мисраларда кунботишдаги қизарган шафақ ва кунчиқишдаги гала-гала булутлар кутилмаган тарзда жонлантирилган. Шафақнинг беқиёс чиройи айтилмасдан кўрсатилганидек, булутларнинг совуқ ва ёқимсизлиги ҳам "бўри галаси" бирикмаси воситасида алоҳида таъкидловсиз ёрқин ифода этилган.

Кўпчилик шеърларидан кўринадики, А. Раҳим оламни образли идрок этади, одатдаги табиат ҳодисалари замирида инсонга хос кутилмаган чизгиларни кўради ва тасвирлайди. Бу ҳол унинг битикларига юқимли эмоционаллик бахш этади. Ерни аямай қамчилаётган куз ёмғири ва теварак-атрофнинг абгор ҳолати унинг шеърларидан бирида шундай ифодаланади:

Паймонаси тўлган фалак дарбадар,
Шашқатор ёшларин тўкди беармон.
Ерда ивиб қолди сарғайган барглар,
Қисматин сўзлашга ҳатто йўқ дармон.

Шоир табиатни кўнглининг ташқарисида, руҳиятидан бегона борлиқ тарзида қабул этмайди. Шу боис кузнинг совуқ ёмғири шоирнинг кўнглига ёғиб,

уни намиқтиргандай, шамол эса руҳиятини сергитгандай бўлади. Бу хусусиятлар туфайли шоирнинг битганлари ўзгача салмоқ ва залворга эга бўлади.

Аъзамнинг шеърларида кўнглига доир бўлмаган нарса йўқ. Юракка мансублик ўз ҳолича ижтимоий салмоғи бўлмаган жўнгина ҳодиса-ю ҳолат тасвиридан ҳам анча таъсирли руҳий манзара чизиш имконини беради. Шоир "Қавс" шеърида қишга тайёрланаётган, уни кутиб олишга ҳозирланаётган борлиқ ҳолатини қуйидаги йўсинда таъсирли акс эттиради:

Борлиқ ҳам отланди мудрашга, қаранг,
Оппоқ чойшабларни кутмоқда илҳақ.
Қуёш ҳам нурларин беркитди аранг,
Қора булутларнинг важоҳати ҳақ.

Аъзам Раҳимда ўзига хос шоирона нигоҳ бор. Шунинг учун ҳам ўрнида соф моддий ҳодисаларда маънавий-руҳоний қирраларни кўргани каби, жойи билан мураккаб руҳоний-ҳиссий тушунчаларни кутилмаган йўсинда моддийлаштира олади ҳам:

Шикаста кўнгилнинг юзи сарғаяр,
Хаёл аросатда қолиб киртаяр.
Юрагим менимас севгимни аяр,
Ёзаман ҳижроннинг эртакларини...

Шикаста кўнгилнинг сарғайган юзи, сарсонликда қолган хаёлнинг кўз каби киртайганлиги тасвири, аслида "кўнгил", "хаёл"дайин ўта мавҳум руҳий ҳодисаларни моддий қиёфага киритиш имконини берган. Муҳими, бу тасвирлар шеърга таъсирчанлик, ҳиссийлик, кутилмаганлик сифатларини бахш этади. Шоирнинг ифода қамрови кенг. У имкон қадар тасвирий ифодаларнинг салмоқдор, чўнг бўлишига эътибор қилади. Шунинг учун ҳам шоир шеърларида: "***Кўзларимга ботиб кетади қуёш***" шаклидаги фавқулодда образлар тез-тез учраб туради.

Ҳозирги ўзбек шеърияти кўнгилга қулоқдан ташқари восита билан ҳам таъсир қилиш босқичига кирди. Эндиликда руҳиятга қулоқ орқали эмас, юрак орқали кириб боришга уринилмоқда. Бу ҳол шеърда эшитувчига ором берадиган унсурлар бўлишини шарт қилиб қўядиган мажбурий шаклий талабларга бўйсунмаслик имконини беради. Шу туфайли шеърият янада ингичкалашди, ичкинлашди. Гарчи шаклий изланишларга ортиқча берилмаган бўлса-да, Аъзам Раҳимнинг айрим муваффақиятли чиққан шеърларида руҳиятни моддийлаштиришга уриниш хусусияти борлигини кузатиш мумкин. Уларда шоир ўз битикларининг чин кўнгил ифодасига айланишини астойдил истаётганлиги сезилиб туради. Буюк шоир Рауф Парфига бағишлаб ёзилган "Шоир" шеърида А. Раҳим ижодий изланишининг шу жиҳатлари кўзга яққолроқ ташланади: ***"Ҳар куни қаламда сўяди ўзни, Қоғоз дорга осиб қўяр эртаси"***. Шоир улуғ салафини қуруқ шарафлаб, унга ҳамду санолар ёғдирмайди. Балки, машҳур Рауф Парфига хос бўлган аёвсиз кескинлик ва қисқа зарблар билан вазиятни бўрттириб тасвирлайди.

Аъзам шоирнинг ижтимоий миссиясини ёркин акс эттиришдан тортинмайди.Чин ижодкор ҳар сафар гўё охирги марта шеър битаётгандай тутади ўзини. Шунинг учун у чинни куйлайди, ёзганини қайта ёзиш, тузатиш имкони бўлмаслигидан хавотирланган шоиргина ҳамиша виждон билан юзма-юз туради, унга хиёнат қилмасликка уринади. Бу ҳолат шеърда руҳий кескинлик томчилаб турган:

...Яна ўрмалайди қоғозда қалам,
Эртага дунёни тарк этар шоир...

мисралари орқали ифода этилади. Айтиш керакки, А. Раҳим шеърларида ортиқча ижтимоий фаоллик, арзон муаммобозлик, ўткинчи долзарблик ўқлоғидай кўзга ташланиб, эътибор талаб бўлиб тур-

майди. Унинг аксарият шеърлари муаммога эътибор тортиш ёки унинг ечимини топиб бериш учун эмас, балки кўнгилни бўшатиш, юракдаги дардлардан қутулиш учун битилгандай бўлади.

Шоир воқелик етовида юрмайди, балки борлиқ унинг ижодий тизгинида боради. Шунинг учун ҳам у кутилмаган ифодалар, тутилмаган ташбиҳлар қўллайди:

Саратон тиғлари санчилар танга,
.Телбадай алжирар қайсар хаёллар.
Кўзларим шўнғийди зулмат – ватанга,
Тўсилган қалбингга элтгувчи йўллар...

Буларни ўқиган шеърхон дабдурустдан шошиб қолади: танга санчиладиган саратон тиғи нима бўлса экан? Қайсар хаёлларни қандай куч телбадай алжиратаркин? Зулматнинг ватан ёхуд ватаннинг зулмат эканини қандай изоҳласа бўлади ва ҳк? Бандниг дастлабки учгина қатори ўқувчида шунча савол пайдо қилади. Эътибор қилинсагина, жавоблар калавасининг учи охирги "***Тўсилган қалбингга элтгувчи йўллар...***" сатрида экани англашилгандай бўлади. Маҳбубанинг қалбига йўл топа олмаган ошиқнинг кўзига олам қоронғу кўриниши табиийдир. Шеърнинг кейинги бандларида йўлсизликдан йўл топган ошиқ ҳолати янада таъсирли акс эттирилган:

Кўнглимнинг қасрида уйқу элитган
Кенжатой ғурур ҳам кетар уйғониб.
Жунбушга келади довдир ҳаяжон,
Барча гуноҳлардан бир зумда тониб.

Шу тахлит "Саратон" шеърида инсон табиатидаги энг кенжа сифат бўлмиш ғурурнинг уйғониши, одам вужудини қамраган ҳаяжон кўлами юқумли акс эттирилган.

Аъзам Раҳим ноанъанавий ташбиҳлар топиб, кутилмаган бадиий образлар яратишдан ташқари шеъриятимизда асрлар мобайнида қўлланиб келадиган тасвир воситаларидан ҳам ўринли фойдаланади. Жумладан, қуйидаги сатрларда айрим товушларнинг такрор ишлатилиши гўзал аллитерация ҳосил қилиб, ифодавий эффектни сезиларли кучайтирган: *"...Сўкибми ё шу дам кимнидир қарғаб, Қағиллаб ўтади дайди қарғалар"*.

Аъзам "Кўзлар" шеърида *"Кўзимга сиғмаган кўзлар баланд дор"* ифодасини қўллар экан кўз тимсолига янгича маъно юклайди. Кўзларнинг "ханжар", "жаллод", "жон олғучи" экани шеърият тажрибасида бор эди, лекин уни "баланд дор" сифатида тасаввур этиш учун хаёлнинг ҳам анча баланд парвози талаб этилади.

А. Раҳим шеърияти ўзини чуқур ўрганиш йўлига тушган кишининг кўнгил манзараларини ёрқин ҳамда таъсирли акс эттириши билан ажралиб туради. Бунга эришиш учун шоир ўзига нисбатан ҳам шафқатсиз даражада талабчан бўлиши керак:

Юракнинг ватани вайрона бўлган,
Зулумот қоплаган кўкрак қафасим
Ишонч чавақланиб,
Хокисор ўлган.
Хайрият!
Негадир қайтмас нафасим...

Юракнинг ватани хароб этилгани, кўкрак қафасини зулумот қоплагани, ишонч ўлдирилгани ҳолда нафаси қайтмасдан яшай олаётган ва шунга шукур қилаётган шахснинг руҳиятини бериш мана шу шеърдан келиб чиқадиган маъно эди. Бу хилдаги залворли маъноларга эга тасвирлар қўлингиздаги китобдан ўрин олган анчагина шеърларга хос. Бир номсиз шеърида шоир: *"Уйғоқ ўйлар синади чилчил"* тарзида инсон ўйларини кўзга кўринадиган

йўсинда аниқ тасвирлашга эришади. Ёки одам табиатидаги ўзини таниш истаги кучайиб боришини ***"Кўзларни каттароқ очиш истаги Эҳтиёж мулкига борар айланиб"*** тарзида ифода этади. Бу сатрларда ўз-ўзини англамоқчи бўлган шахсга доир руҳий жиҳатлар таъсирли кўрсатилган.

Ўзига хос ижодий қиёфага эга бўлган шоир Аъзам Раҳимнинг қўлингиздаги китобга кирган шеърлари орасида вақтидан олдинроқ туғилиб қолган битиклар, қиёмига етмаган ифодалар, руҳий ҳолатнинг салқи тасвири берилган ўринлар ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. "Қасд" шеъридан олинган қуйидаги мисралар замиридаги поэтик ҳолат хира. Шу боис ифода ҳам бир қадар чучмал ва сунъийдай:

Ўз жонимга бордек етилган қасдим,
Бир зум ҳам ором йўқ менинг дастимдан.

Шеърдаги ғализлик, сунъийлик бир қарашданоқ кўзга яққол ташланади. Чунки бу ерда сўзга зуғум ўтказилган. Улар зўрлик билан шоир етаклаган томонга юришга мажбур этилган. Айрим ўринлардаги "рашкчи", "ашкчи" каби жўн қофиялар "мукаддар", "тағайюр вақт" "тахаммул учун" сингари эшитилиши жарангдору ифодаси ўринли бўлмаган сўзлар қўлланган китобдаги яхши шеърларнинг таъсир даражасини сусайтиради. Лекин инсон томонидан қилинган ҳар ишдаги каби ушбу китобчага кирган шеърлардаги нуқсонларга ўсиш даврига хос ҳолат, деб қараб Аъзам Раҳимнинг ўзига хос шоирлик истиқболидан умид қилиш мумкин.

2005 йил 5 май.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ҚЎНАЛҒАЛАРИ

Одам ҳамиша нимадир билгисизни билмоқ, англамсизни англамоқ, туйимсизни туймоқ истаги билан яшайди. Лекин у борган сари билишни истаган нарсалари орасида ўзидан-да номаълумроқ билгисизлик йўқлигини тобора яққолроқ сезиб боради. Одам ўзига қанчалар яқин бўлса, шунчалар узоқдир. Шунинг учун ҳам ўзини таниш оламни танишдан кўра қийинроқ ва кейинроқ кечади. Киши ўзгаларни-да ўзини билмоқ учун ва ўзини англар даражада ўрганади, асли. Шунинг учун ҳам одам, олам ва унинг турфаликларига ўзига хос кўз билан қарашга уринадиган шоир Шермурод Субҳоннинг қўлингиздаги китобига тўпланган мақола ва шеърий таржималарни ўзликни англаш қўналғалари дегим келди. Негаки, бу битикларида у кимгадир ниманидир англатишдан кўра кўпроқ ўз қаноатлари, ҳиссиётлари, таассуротлари билан ўртоқлашгандай бўлади.

Шермурод ижодкорда биринчи навбатда ўзига хос одамни кўради. Шунинг учун ҳам ижод намунаси орқали ижодкор шахс руҳиятидаги товланишларни англашга уринади. Бу ҳолни миллий шеъриятимиздаги ғоят ўзига хос ҳодиса бўлмиш Баҳром Рўзимуҳаммад ижоди ҳақидаги "Эркинлик имконият демакдир" номли мақоласидан сезиш мумкин. Мақолада шоир яратган ўзига хос тил, ундаги тамсиллар, рамзлар тизими жуда нозик илғаб олинган. Ш. Субҳон шоирнинг асл мақсади ўқувчига ақл ўргатиш, йўл кўрсатиш эмас, балки уларни ўз кўнгил ҳолати билан таништириш эканини яхши илғайди. Баҳром асарлари таҳлили мисолида шеърхонни кўнгил мулкининг сеҳрли пучмоқларига олиб кира олиш чин истеъдод белгиси эканини ишонарли кўрсатади. Китобча муаллифи Баҳром қўллаган ҳеч кимникига

ўхшамаган фавқулодда образларни тушунишга, уни айтган шоир тақдим этаётгани каби қабул қилишга, ўз кўнглида ушбкига ўхшаш сезимлар уйғотишга астойдил уринади. Шунинг учун ҳам Шермуроднинг мақолаларида хайрихоҳлик, ўзганинг ютуғидан қувониш ҳолатлари барқ уриб туради.

Шермурод Субҳон шеъриятида сукунатни чўчитиб юбормасликка уринадиган шоира Гўзал Бегимнинг асарлари ҳақида ҳам ғоят эҳтиром билан гапиради. Шоира қанчалик серқатлам ва мураккаб тимсоллар билан иш кўрмасин, самимий туйғуларни тасвирлагани учун ҳам ўқувчи қалбига йўл топа олиши мумкинлигини анча ишонарли кўрсатиб беради. Диққатга молик жиҳати шундаки, Шермурод ҳар қандай шеърнинг ғоят ингичка, рамзли ва нозик ўринларини илғайди. Гўзалнинг туйғуларни ялтироқ тасвирларга буркамаслиги, сўзнинг табиий таъмини беришга уриниши танқидчи томонидан тўғри сезиб олинган. Шунингдек, у Гўзал Бегим шеъриятининг шаклий-мундарижавий қурилишини ҳам ўринли тадқиқ этади. Шоиранинг кўнгил ҳолатидаги асосий чизиқ шеърнинг дастлабки мисрасида берилиши, кейинги сатрлар шу ҳолатни кучайтириб, таъкидлаб, асослаб келишга хизмат қилдирилиши борасидаги кузатишлар кишини ишонтиради. Қизиғи шундаки, Шермурод мулоҳаза юритаётган шоирнинг ижоди ҳақида ҳукм чиқармайди, охирги хулосани бермайди. Балки, кишини ўзга бир дардчил одамни тушуниш учун унинг битганларига қулоқ солишга, унинг кўнглидан кечаётганларини туйишга чорлагандай бўлади.

Тадқиқотчининг Даврон Ражаб ва Дилрабо Мингбоева каби шоирларнинг шеърлари ҳақидаги ғоят қисқа мақолаларида ҳам самимият кучли бўлгани учун тадқиқий фикрнинг тугалланмагани унчалик сезилмайди.

Ш. Субҳоннинг "Қойилмақом шеър ёхуд шеъриятда очилмаган қўриқ" мақоласида бугунги ўзбек

шеърияти табиатидаги ўзгаришларнинг илдизи ва намоён бўлиш тарзи хусусидаги кузатишлари адабиётшунос Йўлдош Солижонов билан баҳс йўсинида ифодасини топган. Ёш олим баҳс одобига риоя этган ҳолда ижодкорнинг ўзи истагандай ёзиш эркини жаҳон поэтик жараёнидан келтирилган мисолларга таянган ҳолда ҳимоя этади. Бу мақолада Шермуроднинг минг йиллик тарихга эга мумтоз шеъриятимизда ҳеч қандай тиниш белгиларисиз шедеврлар яратилгани ҳақидаги ва шундай тажрибага бугунги шоирларимизнинг мурожаат қилаётгани эътиборсизлик ёки ўқувчини қийнаш учун эмас, балки уларга ўзлари истагандай ўқиш эркини бериш учун экани борасидаги кузатишлари асослидир.

Тадқиқотчининг "Урғуланган сўз" мақоласи сарбаст шеър моҳиятини англатишга бўлган ўзига хос уриниш сифатида киши эътиборини тортади. Унда бугунги ўзбек шеърияти учун борлиқни эмас, балки унинг инсон руҳиятидаги тажассумини тасвирлаш муҳим эканлиги жуда топиб айтилган. Шермуроднинг шеъриятдаги сюрреалистик оқимнинг илдизи ва намоён бўлиш тарзи борасида Ботиш поэзияси тажрибасидан келиб чиқиб билдирган мулоҳазаларида эътиборга молик жиҳатлар анчагина. Шунингдек, мақолада Б. Рўзимуҳаммад ва Фахриёр шеърлари билимдонлик билан таҳлил қилинганки, бу ҳол тадқиқотчининг миллий шеъриятимиздаги етакчи жиҳатларни илғаб олганлигини кўрсатади.

Шермурод Субҳоннинг илмий кузатишлари орасида "Турк постмодерн шеърияти" номли мақоласи алоҳида ўрин тутади. Унда муаллифнинг ўтган асрнинг сўнгги чорагидан буён турк шеъриятида юз берган сифат ўзгаришларининг илдизлари борасидаги кузатишлар ўз ифодасини топган. Мақолада муаллиф турк адабиётшунуви Аҳмад Қобоқлининг назарий қарашларига таянган ҳолда турк постмодерн шеърияти қандай пайдо бўлгани ва қай

йўсин тараққий этгани борасида ўз қаноатларини баён этган. Унда турк постмодерн шеъриятининг мозаикага ўхшаб кетиши, сюжетлиликдан чекиниши, санъатпардозликдан қочиши сингари хусусиятларига атрофлича тўхталинган. Шунингдек, турк постмодерн шеърияти ўз табиатига кўра турли таркибли, бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган бадиий маҳсулотлар йиғиндиси эканига эътибор қилинган.

Албатта, ҳар қандай тадқиқотчи каби Шермуроднинг ҳам айрим кузатиш ва хулосалари билан келишмаслик, баҳслашиш мумкин. Чунончи, унинг модерн ва постмодерн шеъриятни сарбастнинг кўринишлари ўлароқ талқин этиши бу эстетик ҳодисалар моҳиятини етарлича билмаслигидан далолат. Тадқиқотчининг сарбастга боғлаб қўйиши модерн ижод, умуман, ҳар қандай шаклий қолипни, қатъий тартибни инкор этароқ пайдо бўлгани борасидаги ҳақли тўхтамга зид келади. Шунингдек, ёш олимнинг шеърларнинг ҳажми борасидаги кузатишлари ҳам бир қадар эскиргандек таассурот қолдиради. Ҳолбуки, жаҳон поэтик тажрибасида шеърнинг шакли борган сари кичрайиб бориши ҳолати кузатилмоқдаки, бу ҳолнинг ўзига хос объектив сабаби бор. Чунончи, реципиент (шеърхон) шунчаки бадиий истеъмолчи эмас, балки поэтик жараённинг иштирокчиси бўлиши, яъни матнга ижодий ёндашиши учун шеър қисқа бўлиши керак. Чунки қисқа шеърда шоир томонидан кам нарса айтилиб, кўп нарсага ишора қилиш имкони қолдирилади. Шеърхон айни шу имкониятга таянган ҳолда ўз интеллектуал-ҳиссий даражасидан келиб чиқиб, асарни давом эттиради.

Шермурод Субҳоннинг китобида эстетик ҳодисаларга бағрикенглик ва бемалоллик билан ёндашиш тамойили устуворлик қилади. Шунинг учун ҳам унинг модерн шеърлар ҳақидаги: ***"...бундай***

шеърлар бизнинг тасаввуримиздаги ва тушунчамиздаги ижод намуналари бўлмаслиги, уларни қабул қилишга қийналишимиз мумкин. Бироқ уларни инкор этишга ҳаққимиз йўқ", – деган хулосасига қўшилиш лозим бўлади. Шунингдек, Шермуроднинг Туғрул Танёл, Муротхон Мунган, Анвар Эржон, Кичик Искандар, Рафиқ Дурбош, Сунай Оқин, Ойдин Ўзтурк сингари модерн шоирлар ижодидан қилган ағдармалари ҳам эътиборга лойиқдир. Ш. Субҳон ўз таржималарида турк постмодерн шеъриятининг илмий мақолага сиғмаган жиҳатларини ёрқин намоён эта олган дейиш мумкин.

2005 йил 4 сентябр

ИСЁНКОР ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

Ўзбек шеърияти кенгликлари шундай ҳудудсизки, ҳушёр бўлмаган одам унинг пучмоқларида содир бўлаётган айрим ҳодисалардан хабарсиз қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Қанчалар аччиқ ва ёқимсиз бўлмасин чин гап шуки, ўзини миллий шеъриятдаги катта-кичик ҳодисаларни мунтазам кузатиб юради деб ҳисоблайдиган одам, Назар Шукур деган шоирнинг шеъриятимизга кириб келганини ҳам, энг ачинарлиси, ундан кетиб қолганини ҳам билмай қолибман. Водариғ!

Назарнинг миллий шеъриятда ўз ўрнига эга шоир эканини илк бор ёзувчи Абдурашид Нурмурод қаламига мансуб "Қон ҳиди" романининг иккинчи китоби қўлёзмасини ўқиганда билдим. Романда Назар тимсоли шундай тасвирланганки, киши беихтиёр шоир шахсини ёқтириб, унинг шеъриятига қизиқиб қолади. Маълумки, одатда, ижодкорга муҳаббат ва қизиқиш, унинг ижодига муҳаббат ва қизиқишни пайдо қилади. Роман қўлёзмаси билан танишгач, онда-сонда марҳум шоир меросидан матбуотда берилган намуналарни қидириб ўқийдиган бўлдим. Лекин ҳануз унинг бирор шеърий китобини кўрмаган ва унинг ижодини яхлит кузатмаган эдим. Назарнинг оқибатли жўраси бўлган Абдурашид бир кўришиб қолганимизда марҳум шоир ҳақида телефильм қилмоқчи эканини айтиб, унинг шеърлари тўғрисида фикр билдиришимни сўради. Табиийки, ҳаёти ва шахсиятини мутлақо, асарларини етарлича яхши билмайдиган ижодкор ҳақида фикр айтолмасдим. Абдурашид шоирнинг иниси Ўроз Ҳайдар томонидан тайёрлаб чоп этилган "Мени кечир, муҳаббат" ва "Видо" китобларини топиб берди.

Кейинчалик таниқли шоир Баҳром Рўзимуҳаммад Назар Шукур шеърларидан тайёрланган йириккина тўплам қўлёзмасини жўнатди. Хуллас, мен ўзим учун ўзбекнинг ўттиз бир ёшида тирикликни тарк этган Назар Шукур деган битганлари чин ва ёлқинли саҳройи шоирини кашф қилдим. Бу кашфиётимнинг севинчу изтиробларини сизларгада илиндим, шеърсуяр бовурларим...

Ёзувчи, шоир ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам: ***"...шоирлик – тинимсиз равишда табиатга қайтишлик"***, – дейди. Чунки табиат қаршисида одамнинг кўнгли борича намоён бўлади. Табиатнинг олдида одам турланиш, аслидагидан яхшироқ кўринишга уриниш заруриятини сезмайди. Аслнинг олдида аслидагидай бўлгиси келади. Назар Шукурнинг шеърий меросида табиатнинг турфа ҳолатларини кўрсатиш асносида инсон кўнгли жилваларини моддийлаштириш, унинг энг қоронғу пучмоқларини ҳам муҳаббат ёғдуси билан нурлантириш устувор туради. Шоир "Кенгликлар қўшиғи" шеърида туғилиб ўсган отамаконнинг манзарасини чизиш орқали унга бўлган чексиз муҳаббатини изҳор этади. Назар манзарани нафақат жонлантира билгани, балки унга руҳ ҳам бера олгани учун шеърнинг ҳар бир сатридан улкан севги ва соғинч балқиб туради:

Қуёш ўпар - бола тани кийимсиз,
Дарахтлари зерикади қуюнсиз,
Озод қушлар яшолмагай ўйинсиз,
Деҳқонининг кетмонидан кун анқир,
Жўякларда шилдираган ун анқир.

Шоир болалиги ўтган маконга муҳаббат ва уни қўмсаш туйғусини чучмал оҳ-воҳларсиз, у ерлар учун табиий бўлган ҳолатни манзаралаштириш орқали таъсирли акс эттиради. Шоир қуёшнинг бола танини куйдирувчи иссиғида ўпични, доимо эсгувчи шиддатли қуюнларда дарахтлар овунчоғи-

ни, чўл қушлари ўйинида эркинликни, деҳқоннинг залворли кетмонида қуёшни, жўякларда оқаётган сувда ўзбекнинг ризқи бўлмиш унни кўра олади. Қисм орқали бутунни ифодалашнинг яхши намунаси бўлган бу тасвирлар ҳам акс эттирилаётган ҳодисалар моҳиятига мос келади, ҳам муаллифнинг кайфиятини кўрсатади.

Асл шоир тилсиз нарсаларга забон бахш эта, кўз илғамайдиган нарсаларни кўрсата билади. Назар шундай шоир бўлгани учун ҳам унинг шеъридаги кенглик образи инсонга хос белгилар билан зийнатланади ва бу ҳол кишига нотабиий туюлмайди: "***Кўп камтардир, шовқин солмас кенгликлар, Кучоғида қават-қават жимликлар***". Жимликнинг кўпликда ишлатилиши ва унинг кенгликлар қучоғига сингиб кетган қават-қават ҳолатда тасаввур қилинишини таъминлаган бу иккигина қаторда шоирнинг катта истеъдоди намоён бўлган. Бу мисралар ҳаёт ҳақиқатига мос келадиган реаллик экани ва шоирнинг кўтаринки кайфиятини энг муносиб йўсинда акс эттира олиши билан диққатга моликдир. Назарнинг шеърияти учун табиатни тасвирлаш пировард мақсад эмас. Гарчи у деярли ҳар бир шеърида табиатнинг бирор бир ҳолатини "теша тегмаган" йўсинда ифода этган бўлса-да, у битганларида кўпроқ инсоннинг кўнгил ҳолатларини муҳрлашга интилади. Фақат бунга бевосита тасвирдан кўра, табиатни кўрсатиш йўли билан бориш кўпроқ самара беради, деб ҳисоблайди. Шоир "Хонсулув холанинг қўшиғи" шеърида бефарзанд аёлнинг чексиз фожиаси, ададсиз изтиробларини кўрсатишда одамлар ўртасидаги муносабатларни тасвирлашдан табиат манзарасини кўрсатиш сари боради ва аёлнинг дардларини бутун кўлами билан ифодалашга эришади:

Бахт сўрар аёл жим ўтган боладан,
Серямоқ устига солмасдан назар.

Не қилсин, безурёд ўша холадан
Бўй етган қизлар ҳам қилади ҳазар.

Маълумки, бахтсиз одамдан ҳамма четланади. Ғайрати ичига сиғмагани ва юпунлигидан "серямоқ" уст-бош кийган боланинг ҳам Хонсулув хола олдидан жим ўтиши, аёлнинг шу болакайданда бахт тиланиши тасвири ғоят таъсирли. Ўзбекнинг бўй қизлари бефарзанд аёлга яқинлашмайди, бундай аёлларнинг тўйларига аралашуви хосиятсиз ҳисобланади. Одамларнинг ундан ўзларини тортиб юришлари Хонсулувни қандай руҳий ҳолатга солгани юқоридаги мисралардан аён бўлади. Шеърнинг кейинги бандида шоир тасвирни одамлардан табиатга кўчиради. Бутун оламга шодлик олиб келган кўклам, унинг илк элчилари турналар, ҳатто дуч келган ерга бош уриб юргувчи еллар ҳам Хонсулувдан ҳазар қилгандай унга яқинлашмаслиги шеърда ўта таъсирли акс эттирилган:

Турналар келади кўкламни куйлаб,
Осмонга бир маржон мисрани ёзар.
Холанинг деворин ўтару бўйлаб
Еллар ҳам киришдан қилади ҳазар.

Сиртдан қараганда, беозор, аммо моҳиятан аёвсиз бу мисраларда ўз бахтсизлиги билан ёлғиз қолган одамга олам қанчалар қоронғи ва файзсиз кўриниши ёдда қоладиган тарзда акс эттирилган.

"Шеърият бу... эътироф ё исён, ё тарсаки, ё ўпичдир", – дейди Расул Ҳамзатов. Шоирнинг туйғулари қандай руҳий ҳолатга дуч келишига қараб тинимсиз ўзгариб туради. Айни бир нарса-ҳодиса айни бир ижодкорга ҳаётининг турли дамларида тамомила турлича таъсир қилиши мумкин. Чунки ижодкор олам ва унинг ҳодисаларини, биринчи навбатда, сезимлари орқали идрок этади. Инсоннинг ҳиссиётига эса ўзгарувчанлик хосдир. Шунинг учун ҳам одамнинг бир замонлар жондан кечиб талпин-

ган нарсасидан, кўп вақт ўтмай зада бўлиши мумкинлиги табиий ҳолдир. Шу маънода, Назар Шукурнинг "Кенглик" деб аталмиш шеъридаги:

Кенглик!
Бағринг тўрт девордай тор,
Вужудимга боряпсан ботиб.
Сиғмаяпман мен сенга зинҳор
Тол тагида ёрни йўқотиб

мисраларини мантиқсизлик, ўзини инкор этиш деб эмас, балки "Тол тагида ёрни йўқот"гач, нафақат кенглик, балки бутун дунёга сиғмай кетаётган ошиқ йигит ҳолатининг теран ифодаси сифатида қабул қилиш тўғри бўлади.

"Кенгликлар қўшиғи"да "қават-қават жимликлар"дан завқланган шоир "Манзара" шеърида ҳаётсевар бир йигит сифатида сукунат ва унинг юракларни ёриб юборар даражадаги бир оҳанглилигини ёқтирмаслигини тасвирлайди. Ва, қизиғи шундаки, туйғуларининг чинлигига ўқувчини ишонтиради. Шундан бўлса керак, шеърдаги ***"Ташланади менга ногаҳон Сукунатнинг ваҳший шарпаси"*** мисраларини ўқиган шеърхон, ҳеч бир оғринмай, Назарга туйғудош бўлиб қолади.

Назар Шукурнинг қўлингиздаги битиклари унинг қолипга тушмайдиган, қирғоқларни ювиб кетишга қодир қудратли туйғулар эгаси бўлганлигини кўрсатади. Чинакам шеър ҳамиша кучли туйғулар пўртанаси, ёниқ ҳислар оловидан туғилади. Бу ҳақда: "...шеъриятнинг мағзи маъно эмас, фикр... эмас, балки гўзалликка айлана билган туйғудир. Кўпинча, шеърнинг сўзларини ёқтириб ёдлашади. Аслида-чи? Аслида, шеърнинг ҳақиқий олови, кучу қудрати – унинг замиридаги туйғуда. Кечинма ва поэтик фикр эса мазкур туйғунинг кейинги умри. Назаримда, аввало, туйғуни ёдлаш керак. Чунки у шеърни тутиб турган тутқич асосу пойдевордир....

ҳақиқий шеър – бу ўлмас туйғу", – дейди Улуғбек Ҳамдам. Туйғулари ўзига хос шоирнинг битганлари ҳам ҳеч кимникига ўхшамайди. Чунки асл сезимлар шахснинг зот сифатларини намоён этгани учун бетакрор бўлади. Назар Шукур шеърлари муаллифнинг туйғулари йирик, сезимлари баланд шахс эканлигини англатиб туради. Шунинг учун ҳам марҳум шоирнинг: ***"Бўлдим пок, исёнкор ҳисларга асир, Қоғозга бергайман бағримнинг ўтин"*** тарзидаги иқрори чинакам ижодий йўриқнинг ифодаси сифатида кишида ўчмас таассурот қолдиради. Унинг: ***"Тилмоч тополмадим сизга, ҳисларим, Азиз туйғуларим бугун алвидо!"*** йўсинидаги ўкинчида покиза туйғулар жилвасини илғаб олиш ва унга тилмочлик қилишни орзулаган шоирнинг андуҳли дил изҳори самимий ифода этилган.

Менимча, Назар Шукур ғоят қисқа умри давомида тўлиб яшаган. Бундай дейишга унинг ҳаёт ҳодисаларидан кучли таъсирланиш маҳсули экани кўриниб турган ва шоирона сезимлар ҳеч бир жиловланмай акс эттирилган шеърлари асос беради. Шоир умрнинг мазмуни бўлишга арзигулик ҳар бир ишга ўзини аямай бахшида этади. У борлиғини қамраган туйғулардан ташқарида бўлолмайди. Шоир юксак сезимларни куйлабгина қолмайди, балки ўзидан кечиб, уларга айланиблар кетади. Шунинг учун ҳам ***"Ўтган завқ, висолдан омонсиз тониб, Ёт бағир ҳидидан... маст"*** тебранаётган ёрга қарата айтилган:

Кўксимда инграйди увол бўлган ишқ,
Мен ўзим эмасман. Мен – увол севги,-

сўзларида улкан ёниш, алангали андуҳ бор, лекин зўриқиш, сохталик йўқ. Чин туйғулар, оташин сезимлар орасида қалбакилик ва нотабиийликка ўрин бўлмайди.

Шоирнинг назари жуда ҳам ўткир. Шунинг учун у битганларида ҳамиша тасвир аниқлигига эришади.

Назарнинг "Осмон ташбеҳлари" шеъри гўзал табиат қўйнида ўсган, унинг тозалигини бир он бўлсин унутмай, доим кўнглида сақлаган одам туйғусининг туғёнлари ифода қилинган. Чегара билмас хаёлот, руҳиятни эзиб, кишини майда ҳислар комига отгувчи ташвишлардан йироқлик шоирга болаликда осмонни силкитиб, юлдузларни тўкадиган даражада қудрат бахш этади: ***"Қаттиқ силкитаман. Кўзғалар осмон, Юлдузлар тўкилар, йўқ, чўғлар эмас"***. Шоир осмонга доир ҳолатларни ўзгаларнинг хаёлига ҳам келмайдиган тарзда тасаввур этади. Бу ҳол Назарга чақмоқни жинлар томонидан оловдан ясалган илон тарзида тасвирлаш имконини беради:

Қоқ ёрай дерди-я момоқалдироқ,
Илонни оловдан ясарди жинлар.
Наъралар тортардинг. Ўша кун бироқ
Ерлардан унарди қўзиқоринлар!

Назар Шукур ҳолатлар мунтазамлиги ва кетма-кетлигини нозик ҳис қилади. Шу боис шеърда оқибат сабабдан кейин тасвирланади. Осмон ташбеҳлари беғубор ва беташвиш боланинг назаридан қилинаётгани учун ҳам унинг ҳар бир сатридан қувонч, шодумонлик барқ уриб туради. Шеърнинг оёғидан ўт чақнайдиган лирик қаҳрамони осмонни "ичади", "кечади", "топтайди". Бу ҳол у ва тенгдошларининг кўксини осмондай юксак ҳамда кенг қилади:

Дув-дув тўкилардинг. Ичардик сени,
Кечардик сачратиб. Топтардик осон.
Ҳовучлаб ичганда мовий меҳрингни
Кўксимиз кенг тортиб, бўларди осмон.

Шеърда осмоннинг сифатлари шу йўсин хотирга михланиб қоладиган тарзда ва қувноқ оҳангларда анча тасвир этилади. Ўқирманда бу шеър табиат манзарасини тасвирлашга бағишланган эканда деганга ўхшаш таассурот шаклланиб боради. Лекин у

кутилмаганда бу шодон сатрлар бор-йўғи "кириш" эканлигини, аслида у бой берилган севги, топталган юксак туйғулари сабаб кўнгил осмони вайрон бўлган ошиқ йигит туйғулари ифодасилигини пайқаб қолади. Осмон гўзаллиги тасвиридан одам туйғулари осмонининг вайроналарига ҳеч бир тайёргарликсиз кўчиш шеърхонга лирик қаҳрамон руҳиятидаги фожиавий ҳолатни бутун кўлами билан туйиш имконини беради:

...Мамлакат, Рашиднинг осмонин қайтар!..
Муҳаббат унутган оқшомларини
Кўз ёши овозсиз қўшиқлар айтар.

Шеърнинг бошидаги бирор тасвир шунчаки келтирилмагани унинг охирроғига бориб маълум бўлади. Бир пайтлар осмонни силкитиб, унинг юлдузларини қоқиб олган йигит севги олдида ожиз. Осмондан ёмғир ёғиларди ва у майсаларни ўсдириб, қўзиқоринларни ундириб, шодлик келтирарди. Болаликда осмоннинг қаҳри бўлмиш қорни кураб ташлаш, ундан қорбобо ясаб, масхаралаш ҳам мумкин эди. Энди эса, муҳаббат кўнгил осмонини вайрон этди, кўзёш ёмғирларини ёғдирди. Бундан шодланиб бўлмайди, чунки бу ёмғир фақат ўкинч чечакларини ундиради. Болалигида осмонга ҳукмини ўтказолган йигит энди иложсизлик оташида жизғанак. Назар Шукур шеърида эзгин руҳий ҳолатни юксак самимият билан акс эттира олган.

Назарнинг лирик шеърлари воқеабанд бўлмасада, уларда ҳамиша қандайдир воқеа-ҳодисанинг излари, сюжетнинг кўз илғамас чизгилари борлиги кузатилади. Шунинг учун ҳам унинг қатор манзумаларида воқеабандликка ўхшаш ҳолат кўзга ташланади. Жумладан, шоирнинг "Хунук қиз тиловати" шеърида "ёниқ ҳисларга эга", аммо хунуклиги боис ёлғиз қолаётган қизнинг аламли туйғулари унинг назари орқали акс эттирилади. Сезимлар самимий

ифодалангани сабаб қизнинг қуйидаги муножоти кишига унчалар ботиб кетмайди:

Мен ёмон кўраман гўзал қизларни,
Йиллар ҳам сарғайтмас уларнинг тусин.
Камситма, мендаги ёниқ ҳисларни,
Эй тангрим, қизғанма, қарзга бер ҳусн!

Шоир хунук қизни жуда олижаноб, юксак маънавият ва тенгсиз руҳият эгаси деб тасвирламайди. Унинг орзуси ҳам хаёлий шаҳзодани қўлга киритиш эмас, энг оддий бир аёлнинг жўнгина тилаги холос – "керак битта эр!" Ана шу жўнгина орзуга ҳам етишолмаслик уни: ***"Кўзимда қор каби қотади тонглар"***, – дея нидо қилишга олиб келади. Шоир қаҳрамон сезимларини ўта нозик ва ичдан ҳис этади. Шунинг учун кўкда чопаётган тўлин ой ҳам, ёмғир келтиргувчи момиқ булутлар ҳам қизга хунук кўринишини ишонарли тасвирлайди:

Яланғоч қиз каби кўкда чопар ой,
Лозимсиз булутлар гоҳ шаррос қўяр.
Энг тўлин умримни беряпманку бой,
Қайноқ кўз ёшлардан юзларим куяр.

Маяковскийдан эътиборан шеъриятда булутни "чалвор"ли, "лозим"ли санаш ва тасвирлаш расм бўлганди. Назар бу поэтик анъанани бузиш орқали хунук қиз туйғуларини энг яширин жиҳатларига қадар кўрсатиш имконига эга бўлди. Чиндан ҳам ўз хунуклигидан зада бўлган қиз учун осмондаги тўлин ойнинг яланғоч гўзалга, кўклам булутлари тўккан кўз ёшлар лозимсиз санамларнинг "шаррос қўйи"шига ўхшашида нотабиийлик йўқ. Кўз ёшларнинг юзни ювишига одатланган шеърхонни "Қайноқ кўз ёшлардан юзлари куя"ётган қиз ҳолати тўла ишонтиради ва у қаҳрамоннинг ҳамдардига айланиб қолади.

Назар Шукур оригинал поэтик назарга эга шоир эди. Шунинг учун ҳам у олам ҳодисаларини мутлақо бетакрор йўсинда идрок этади ва тасвирлай билади. Шоирнинг "Сенга..." шеъридаги поэтик тимсоллар этни жимирлатар даражада совуқ ва ёқимсиз. Лекин у айриликдан юраги ёнаётган ошиқнинг ҳолатини тўла ифодалаши жиҳатидан тенгсиздир:

Сенга очдим қалбимдан қабр,
Ичида йўқ аммо жасадинг.
...Вужуд деган тобутда энди
Армонларим ётибди жонсиз.

Шеърнинг турли бандларидан олинган юқоридаги парчада руҳий ҳолатнинг манзараси чизилибгина қолинмай, кечинмаларнинг тадрижий йўли ҳам намоён бўлади. Назар "Эшик очиқ турсин!.." шеърида ҳар биримиз ҳар куни неча марталаб дуч келадиган эшик тамсилини қўллаб таъсирли поэтик тимсол яратади:

Эшик очиқ турсин!..
Эшик – айриликқ
Қамалиб ётмасин уйда ичкари.
Ташқари қошида жилмайсин илиқ,
Ташқари қолмасин эшикдан нари.

Чинданда эшик ичкарини ташқаридан, ташқарини ичкаридан айиради. Жўнгина маиший ҳолат замирида шундай гўзал шеърий чўғ мавжудлигини туймоқ ва буни ўзгаларга-да эсда қоладиган йўсинда туйдирмоқ учун бетакрор шоирона нигоҳ лозим бўлади. Эътибор беринг: шоир мавжуд ҳолатни шунчаки қайд этаётгани йўқ, балки уни ҳаракатлантириб, ташқари билан ичкари ўртасида уйғунлик, ўзаро тушуниш бўлиши учун интилиш лозимлигини ҳам сатрларга жо қилган. Назарнинг: ***"Буғдойзорлар – она тупроқ битган шеър..."*** ташбеҳи ҳам топилма даражасидадир.

Чинакам истеъдод ҳаётнинг ҳар қандай ҳолатидан гўзаллик топиши, турмушдаги ҳар қандай жўн нарса замирида ҳикматни кўриши мумкин. Назарнинг шеърларидаги адоқсиз бадиий топилмалар фикримизга исбот бўлади. Шоир "Кетаяпман..." шеърида бахтидан масрур йигит ҳолатини ифодалаб ёзади:

Шаҳар узра қўнолмай Кеча,
Учиб юрар осмонда қушдай.
Вужуди тош, қоп-қора кўча
Чўзилади энг узун тушдай.

Бахтли одам учун қоронғилик ҳам ёруғ кўринади. Шунинг учун ҳам шоирга кеча (тун) шаҳарга қўнолмаётгандай, унинг ёруғлигига дахл қилолмаётгандай туюлади. Тош йўлнинг вужуди тошлигини ҳаммамиз биламиз, лекин уни шу тарзда аташ билан поэтик образ яратиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Юрар йўли бор, бахтиёр одамга йўлнинг "энг узун тушдай" чўзилиши мутлақо табиийдирки, буларнинг бари Назарнинг ўткир нигоҳи ва тасвир маҳоратидан далолатдир. Шоир "Силкинади қирлар елкаси" шеърида: "***Йўртиб-йўртиб чопади йўлим, Йўртиб ўтар яшилсоч дала***" мисраларида ҳам аллитерация, ҳам жонлантиришни қўллаб эсда қоладиган тимсол яратишга эришган.

Назар Шукур достонларида ҳам тасвир воситаларини оригинал қўллаш орқали эпик кўламли туйғуларнинг ишонарли тасвирини берolган. У, жумладан, "Най" достонида шундай ёзади: "***Най инграр. Солдатлар жўнайди жангга, Кўзғалур най каби узун эшелон***". Чин истеъдод қисмга бутуннинг белгисини маҳорат билан жойлай олади. Бу ўринда ҳам шу ҳол намоён бўлган. Маълумки, най бир қадар узун соз. Лекин эшелоннинг узунлигига қиёслаш мумкин бўладиган даражада эмас. Сезгир ўқувчи шоир най орқали унинг ингроқ куйларини назарда

тутганини пайқайди. Чиндан-да найнинг айрилиқни ифодаловчи куйлари узундан узун... Достондаги: ***"Жангчилар – вагонлар кўзидаги ёш..."*** тасвири замирига ҳам бир дунё ҳаётий ва бадиий маъно яширилган. Асардаги ***"Чарчоқдан киртайган вагон кўзлари"*** ифодаси ўша кунлар ҳақиқатини, ўша давр кишилари руҳиятини ифода этиши жиҳатидан тенгсиздир.

Назар Шукур шеърларида шоирнинг мавҳум ва мураккаб туйғуларни ўта моддийлаштириб бера олиш салоҳияти кўзга ташланади. "Кўзёшларим қўнар..." деб бошланадиган шеърнинг қуйидаги мисралари фикримизга далил бўла олади:

Ичаман ғамларни! Қалбимдир қадаҳ,
Вужудим – энг аччиқ шароб тўла хум.

Шоирнинг: ***"Кулгингга тақлидлар қилмоқ бўлар ой..."*** тарзидаги ташбеҳи ўқувчининг кўз олдига ойдай балқиб, қиқирлаб кулаётган санамни келтиради. Назарнинг бу кашфиёти тасвирдаги самимият кўп асрлик поэтик анъанани ҳам янгартиб юборишга қодирлигини кўрсатади.

Миллий шеъриятимизда "ҳижрон денгизи" ифодаси кўп қўлланади. Лекин Назарнинг шеърларидаги ички инлик оҳори кетгандай туюлгувчи бу ташбеҳ орқали ҳам кучли шеърий эффект яратиш мумкинлигини кўрсатади. Шоир "Кўзёшларим кўлми бугун?" мисраси билан бошланадиган шеърида ёзади:

Чўкаётир Назар Шукур
Денгизига ҳижроннинг,
У ҳақиқий арвоҳидир
Саваланган виждоннинг!

Бундай ҳолатга тушган шахс руҳиятини сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Лекин бу шеър кишини ҳамдардликка ундайди, ўзганинг ҳолатини туйишга даъват этгандай бўлади. Назар бошқа бир шеъ-

рида: *"Чўкиб ётар кўзимда Дунё..."*, – дер экан ўзининг буюк дардкаш эканини аён этади.

Ўзини тинимсиз текширадиган, босган қадамини назорат қиладиган одам учун яшаш ҳеч қачон осон кечмаган. Ўзида йўқ фазилатларга маҳлиё бўлиб, оламга шишинган димоғ билан қарайдиган кимсаларгина ўзининг ҳар бир ишида тенгсиз фазилат, ҳар бир айтганида улкан ҳикмат кўради. Ўзига талабчан одам ёки маъшуқаси қаҳрига йўлиққан ошиқ назарида қилган эзгуликлари қилча, йўл қўйган нуқсонлари тоғча туюлаверади. Буни шоир "Қирлар сенга..." шеърида шундай ифода этади:

Булутлар ҳам бир қора япроқ,
Ер коптокча келмас, албатта.
Бари кичик! Дунёда бироқ –
Жиндай айбим баридан катта!

Шеърда тушунчаларнинг маҳорат билан қаршилантирилиши ўзидан кўнгли тўлмаётган инсон туйғуларининг ишонарли ва юқумли тасвирланишини таъминлаган. "Бир бошда битта..." деб бошланадиган шеърида сабабсиз озор чекаётган ошиқ сезимларининг аянчли манзарасини шундай чизади:

Ўйганман юрагимга
Исмингни мен беханжар.
Нигоҳинг кўкрагимга
Аммо тиғларин санчар.

Жавобсиз севги ёки нисор этилган туйғуларнинг қадр топмаслиги кўнгил кишиси учун улкан мусибат. Лекин ғаразсиз муҳаббат эвазига нафрат тиғларидан азоб чекишга маҳкум киши фожиаси ундан-да катта. Ўйноқи оҳангда битилган бу қисқа сатрлар қатида чексиз инсоний дард яширин.

Назар Шукур юрагини дунёнинг дардларига катта очган, оламни ва одам кўнгли пучмоқларини кирлардан тозалашга астойдил бел боғлаган, бу йўлда

унга ҳузур-ҳаловат эмас, адоқсиз машаққат шерик эканини билган шоир эди. Шоирнинг "Биламан келмайсан..." шеърида айтилган: *"Дунёнинг беминнат ҳузури эмас, Қийноқлар берармиш шеърга ортиқ зеб"* тарзидаги қаноат унинг ижодий дастурилами эди. Назар қисқагина умри давомида руҳий қийноқларнинг сон-саноқсиз манзараларини чизишдан қўрқмаганлиги билан ўзига сўз ва туйғудан ҳайкал тиклади. У бир шеърида ёзганди: *"Эй Назар, яшаб қол, ўлиш қочмайди!"*

Чин бадиий сўз ўлим билмайди. Кўнгил манзараларини сезгувчи, сўзнинг бетакрор таъмини туйгувчи кишилар бор экан асл шеър, бинобарин, унинг яратгувчиси бўлмиш шоир яшайверади. Чинакам шоирнинг туйғулари ҳамиша шеърхоннинг сезимларига ҳамоҳанг бўлади. Бу китобни ўқиган киши Назар Шукурнинг кўнгил ойнасида ўзини кўради. Сўзи ўлимга бўй бермаган шоирнинг салтанатига қиладиган сайрингиз қутлуғ бўлишига ишонамиз, азиз ўқувчи!

2006 йил 9 апрел

УЛКАН ТУЙҒУЛАРНИНГ МЎЪЖАЗ СУВРАТЛАРИ

Шеъриятга чақмоқдек чақнаб эмас, балки янги тушган келинчакдай ийманиб кириб келган Фарида Афрўз барча эсли келинлар каби келган уйига туп қўйиб палак ёза билди. Қатор-қатор шеърий фарзандларни дунёга келтириб, сездирмайгина бу уйни ўзиники қилиб олди. Бир пайтлар чақнаган адабий чақмоқларнинг қанчаси сўниб кетди, Фарида эса бугунги кунда улкан шеърий ўтбошимизга файз берадиган бекалардан бирига айланди. Шаклий-мундарижавий изланишлар шоира шеъриятига хос доимий хусусият бўлгани учун ҳам унинг ижодий парвози тинимсиз юксалиб бораётир. Фарида ижодда нафақат бировни, ҳатто ўзини ҳам такрорламасликка уринади. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир навбатдаги китобидан ўқувчилар қандайдир бир янгилик кутишга ўрганиб қолишган.

Фарида Афрўз бу гал ҳам ўзбек шеърсуярларини қувонтирди. Уларга етти шодага тизилган икки юз ўттиз бир тасбиҳ ҳамда тўқсон тўққиз фиқрани ўз ичига олган янги шеърий китобини тортиқ қилди. Бу шеърлар бугуннинг ўзида туғилиб қолгани йўқ. Улар шоиранинг анчадан бери банд этилган хаёли, безовта бўлган руҳияти маҳсулларидир. Фариданинг илкинчи тасбиҳлари бундан уч-тўрт йил олдин пайдо бўлган ва мутахассислар эътиборини тортган эди. Маълумки, "тасбиҳ" жанри мумтоз миллий шеъриятимиз тажрибасида ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам учрамайди. Тўғри, ўзбек поэзиясида учлик бандлардан ташкил топган шеърлар бор эди. Шунингдек, япон хойкуларидан таъсирланиб ёзилган учликлар ҳам бўлган. Лекин мустақил уч-

лик тасбиҳлардан иборат бутун бир китоб тартиб берилиши ва ҳар ўттиз уч тасбиҳ бир шодага тизилиб, етти шеърий маржон ҳосил қилиниши миллий поэтик тажрибамизда бўлмаган эди.

Эътибор қилган киши замонавий ўзбек шеъриятида шиддат билан қисқаликка интилиш жараёни бораётганини кўради. Анвар Обиджон уччаноқлар яратди, Азим Суюн тўрт қатордан ортиқроғу беш қатордан камроқ бўлган қайирма жанрига асос солди. Тоҳир Қаҳҳор, Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам, Турсун Али каби шоирлар иккилик ҳатто бирлик шеърлар ёзишяпди. Бу ҳол шунчаки тасодиф ёки бадиий мода кетидан қувиш бўлмай, чуқур ички мантиққа эга бўлиб, миллий шеъриятда маъно тиғизлашиб, шакл мукаммаллашиб бораётганини кўрсатади. Чунки қанчалик ғайритабиий туюлмасин, кичик ҳажмли шеърда руҳиятни чизиш ва фикр айтиш имкони катта бўлади. Шеър қанча қисқа бўлса, унда тагмаъно ва ишорага шунча кўп жой қолиб, шеърхонга матндан турли-туман кашфиётлар қилиш имконияти берилади. Қисқа шеър ўқувчига ишончнинг ифодаси бўлиб, уни бадиий сўзнинг истеъмолчисидан поэтик ҳолатни туйиш, бадиий манзарани жонлантириш жараёнининг иштирокчиси мартабасига кўтаришга уриниш натижасидир.

Фарида Афрўз ҳам ана шу хайрли жараёнга қўшилиб, ўзининг "тасбиҳ" жанридаги битикларини дунёга келтирди. "Тасбиҳ" арабчада "поклаш", "мақташ" маъноларини англатиб, илоҳий истилоҳда Аллоҳни поклаш, унинг ҳар қандай камчиликлардан холи, энг буюк, энг қудратли, энг меҳрибонлигини мадҳ этишни билдиради. Теологик маънодаги бу абстракт сўз кейинчалик дуоларни такрорлаш асносида саналадиган маржонлар шодасини англатадиган бўлиб конкретлашганди, аммо ҳеч қачон поэтик атама сифатида қўлланилмаган. Фарида аёлларга хос назокат билан одатдаги

тасбиҳнинг доналари каби ҳар ўттиз уч "тасбиҳ"дан тўқсон тўққиз мисрали бир маржон ясаб, Яратганни поклашга, бандаси руҳиятидаги чигалдан-чигал туйғуларни ифода этишга уриниши маҳсулларини махсус шеърий жанрга айлантириб, тасбиҳни бадиийлаштирди.

Фарида Афрўз ўз тасбиҳларида кам сўзли мисралар ёрдамида чуқур маънони ифодалашга эришади. Қизиғи шундаки, барча тасбиҳлар уч сатрдан иборат бўлса ҳам уларнинг ички қурилиши, жойлашув йўсини ва бўғинлар миқдорида қатъий бир хиллик йўқ. Чунончи, айрим тасбиҳлар бир хилдаги тўққиз бўғинли учликлардан ташкил топган бўлса, баъзиларининг биринчи мисраси тўққиз, иккинчиси ўн ёки саккиз, учинчи сатри бор-йўғи уч бўғинли бўлаверади. Маълумки, япон хойкулари ўн етти бўғиндан иборат бўлиб, ҳар бир мисрада келадиган унлилар сонигача қатъий белгилаб қўйилади. Фарида Афрўз учун жанрнинг сиртқи атрибутларини тайин этиш ва унга амал қилиш эмас, балки тасбиҳнинг муножотдан иборат моҳиятини намоён этиш муҳимроқ. Шунинг учун ҳам айрим тасбиҳларнинг биринчи мисрасида хулоса айтилади-да, кейинги сатрлар шоиранинг ўша тўхтамини изоҳлашга йўналтирилади. Баъзан эса, биринчи-иккинчи қаторларда изоҳ келтирилиб, учинчи сатрда улардан хулоса чиқарилади. Шоира тасбиҳлар учун қофия, туроқ, вазн сингари ташқи жиҳатларни муҳим деб билмайди. Шунинг учун ҳам у шеърнинг оҳангдорлигини аудиал йўл билан эмас, балки асарнинг ички ритми ва руҳий тўқинишлар тасвири шиддатини бериш орқали таъминлашга интилади.

Фариданинг бир қатор тасбиҳлари ифоданинг таъсирчанлиги, тимсолларнинг ёркинлиги, поэтик тўхтамнинг кутилмаганлиги билан ўқувчини ўзига ром этади. Чунончи, шоира бир учликда:

Мен чивинга ҳеч ким эмасман,
Қоним ичди ўзи, не илож?
Қондошингни ўлдириб бўлмас,-

деб ёзади. Сиртдан беозоргина кўринган бу сатрлар замиридаги қонингни ичиб, қондошга айланган бегона золимга қаршилик қилиш имконсизлиги туфайли туғилган дардчил киноянинг ғоят ўзига хос ифодасини пайқашга уриниш шеърхоннинг тафаккур миқиёсини муайян даражада юксалтиради. Тасбиҳда ҳаётий ҳолат чизилиб, изоҳлангани ҳолда унга муносабат билдирилмаганлиги ўқувчи хаёлотига эркинлик беради. Ҳар бир ўқирман ўзининг интеллектуал-руҳий даражасига қараб шеърнинг тагмаъносини ўзи чиқаради. Тўғри, бу хил имо-ишорани барча ўқувчи ҳам англайвермайди. Шоира ҳам ички армонлари, дарду ҳасратларини ҳаммага дастурхон қилмоқчи эмас. У бу шеърни, аввало, ўз юраги, қолаверса, хослар кўнгил изҳори сифатида яратган.

Расулуллоҳнинг: "Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор",- тарзидаги марҳаматлари маълум. Шунинг учун ҳам Кунчиқиш поэзияси ҳамиша ҳикматлар шеърияти бўлиб келган. Бунинг устига, қисқалик ўз-ўзидан ҳикматни тақозо этади. Лекин Фарида ўз тасбиҳларида ҳикмат айтишга эмас, балки кўнглидаги туғёнлар тўғрисида муножот қилиб, Яратганнинг нечоғлик қудратли ва пок эканини улуғлаш орқали қисмат олдида ожиз, аммо ҳамиша эзгулик ёки ёмонликдан бирини танлаш эркига эга инсоннинг ҳаёт ҳақидаги қарашларини билдиришга интилади. Шунинг учун ҳам тасбиҳлар киши руҳиятига кучли таъсир кўрсатади. Тасбиҳларнинг бирида ўзини оламнинг хўжаси санайдиган одам, аслида, Яратган олдида қандай мартабага муносиблигини ҳам билолмай ўтиб кетавериши, бу ҳол фикр кишисини ўйга толдириб, тавбага ундаши жуда таъсирли йўсинда ифодаланади:

Йиғласам гар сен учун эмас
Ўзимчун ҳам йиғламадим, йўқ
Пешонамни ўқидим холос.

Пешонасидаги ёзмишлари кўзёш тўкишга лойиқ кишининг туйғулари ҳақида бундай таъсирли ва қисқа ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай ҳолатга тушган ёки уни туйган одам инкорга ҳам, исёнга ҳам эмас, мушоҳадага мойил бўладики, шоиранинг нияти ҳам айни шу, яъни ўқувини ўйлатишдир, балки?

Фарида Афрўзнинг тасбиҳлари кишини фикрга толдиради, уни қилган амаллари ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Самимий кишининг адоқсиз ўйлари, руҳиятнинг доимий безовталиклари ифодаси бўлгани боис баъзи кимсалар борасида ёқимсиз бўлса-да, рост хулосалар юзага келади:

Сен менга ҳеч дўст бўлолмайсан,
Айтчи, қачон, қандай чумоли,
Кўтаролган филнинг юкини?

Шоира ҳеч кимга ҳеч нарсани исботламоқчи, тушунтирмоқчи эмас. У бировга иддао қилаётгани, кимдандир ҳиммат талаб этаётгани йўқ. Ушбу тасбиҳдаги "сен"нинг айби нимадан иборатлигини кўрсатмоқчи ҳам эмас. Фақат биринчи мисрада келтирилган тўхтам залворига "сен"нинг эътиборини тортаётир, холос: чумоли филнинг юкини кўтаролмайди-ку? Бу шеърдан яна қандай маънолар чиқариб олиш ўқирманнинг ихтиёрида...

Фариданинг бир туркум тасбиҳларида одатда тасвирнинг сабабини англатишга хизмат қиладиган хулоса умуман берилмайди. Бундай шеърларда шоира тамсилнинг холис тасвирини келтириб, руҳий ҳолатнинг ўзини манзаралаштириш орқали бетакрор бадиий вазият яратади:

Телефоннинг дастаги ботди
Ёниб кетди қулоғим лов-лов
Синиб тушди тилла балдоғим.

Ҳолатнинг ифода йўсини телефон орқали қанчалар таъсирли ва оғир гап айтилганини ҳар бир ўқирманга ўз хаёлоти даражасида тахмин қилиш ҳамда бирор тўхтамга келиш имконини беради. Муҳими шундаки, ўқувчи шунчаки тахмин қилибгина қўя қолмайди, балки телефон дастагини оғир қилган, қулоқни лов-лов ёндира оладиган, тилла балдоқни синдирадиган даражадаги хабарнинг қудратини бевосита ўзи туйгандай бўладики, чин шеърнинг кучи шундадир.

Қуйидаги тасбиҳ ҳам муайян хулосага эга бўлмаса-да, ўқувчи руҳиятига кучли таъсир кўрсатади:

Кирқ бешга жимгина, ёлғиз, бенаво,
Хотиржам киряпман, лоқайд, бепарво
Кирган каби худди қабрга...

Руҳий манзара тасвирида оҳангнинг ўта хотиржамлиги, шоиранинг ўз туйғуларини билдирмас даражадаги совуққонлиги ўқувчига тасбиҳ замиридаги дарднинг кўламини тўла ҳис қилиш имконини беради. Қабрга кирадиган жасадгина ёлғиз, бенаво, лоқайд, бепарво бўлади. Қирқ бешга кираётган одамнинг шундай хусусиятларга эгалиги улкан умр фожиасидан далолатдирки, уни тасаввур қилиш ва бу ҳақда бирор тўхтамга келиш ўқирман шахсининг қанчалик баландлигига боғлиқ.

Айрим тасбиҳларда шоира бадиий мақсадга билвосита тасвир йўсинидан фойдаланиб, эришади. У кўзда тутилаётган, тасвир марказида туриши лозим бўлган нарсани атай панага олади ва унга қандайдир даражада тегишли бошқа нарсалар тимсолини чизиш орқали ўқувчига яширилган образ ҳақида тўхтамга келиш имконини беради:

Меҳмонлар кетди,
Хориган дастурхон устида,
Анор пўчоғи ва ғийбатлар қолди.

Тасбиҳда меҳмонларнинг ким ва қандай одамлар эканлиги айтилмаган. Бунинг устига, хулоса ҳам берилмаган. Лекин дастурхоннинг ҳориганлиги, унинг устида анор пўчоқлари-ю ғийбатлар қолгани тасвири шу қадар тагдор ва сермаъноки, улар шеърда кўзда тутилган кишилар тўғрисида маълум хулосага келиш имконини беради.

"Фикра" сўзи, гарчи мумтоз адабиётимиз тарихида "фикраи рангин" йўсинида бирикмали қўлланган бўлса-да, у адабий жанрни эмас, балки асарлардан олинган гўзал парчаларни англатган. Фарида Афрўз фикрани жанр мақомига чиқариб, бу ном остидаги битикларида ўз руҳиятининг парчаларини ифодалашга уринган. Шоира фикранинг шаклий хусусиятларини қатъийлаштиришга, ундаги сўзлар миқдори ва битик композициясини тайин этишни мақсад қилмаган. Лекин фикраларда фикр билан биргаликда сувратланган руҳий ҳолатнинг ҳаракати сезилиб туришини таъминлашга эришган. Уларда ҳаракат динамикаси, айтилганларни хаёлан давом эттириш имкони бор. Бир қарашда, Фариданинг фикралари "қийқим фикрлар" ёки "дафтар ҳошиясидаги фикрлар" тарзида номланадиган мўжаз битикларга ўхшаб кетади. Лекин бу фақат бир қарашда, холос. Аслида, Афрўзнинг фикраларида руҳият чизгилари, сезимлар манзараси, ҳаракатдан тўхтамаган фикр динамикаси мавжуд. Чунончи, ***"Кўнгли чўккан одамнинг елкасида тоғ ухлайди"*** фикрасини шунчаки ҳаётий кузатиш ёки фикрий тўхтам деб бўлмайди. Чўккан кўнгил ҳақидаги ўй ўқувчига ҳам ўтиб, уни безовта қилади. Ёхуд ***"Уммони бор одам томчисини қизғанмайди"*** фикрасида ҳам ҳаракатдан тўхтамаган руҳий ҳолат сувратланган. ***"Бойнинг аҳмоқлиги эриш туюлар экан,***

одамга, қашшоқнинг донолиги каби... фикраси хусусида кўп ўйлаш, узоқ мулоҳаза юритиш ва турли хулосаларга келиш мумкин.

Умуман, Фарида Афрўзнинг янги китобига кирган янги жанрдаги ўзига хос асарлар ҳақида анча гапиришим мумкин ва лозим эди. Аммо Фаридаки, қиз боланинг табиатига тамомила зид равишда фикру туйғуларини тасбиҳ ва фикраларда шунчалар қисқа ифодалашга кучи етибди, энди мен ҳам сўзбошини калта қила қолай. Ушбу китоб билан учрашувингиз ёқимли бўлишини тилайман, азиз шеърсуяр!

2006 йил 11 апрел.

ТУШУНИЛИШ ЭҲТИЁЖИ

Оқсоқол шоиримиз Шукрулло таништиришга муҳтож одам эмас. Уни нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ давлатларида ҳам яхши танишади. Ҳатто, шоирни ўзимиздагидан кўра чет элларда машҳурроқ дейиш ҳам мумкин. Аммо кекса ижодкор бугунги ўзбек ўқувчилари ва адабиётшунослари томонидан тушунилишга муҳтождир десам, хато бўлмайди. Негаки, авлодларнинг алмашиниши, эгаманлик туфайли миллий тафаккурдаги туб эврилишлар халқнинг адабий дидини ҳам тамомила янгилади. Натижада, кечагина бинойидай туюлган ифода бугун ғоят ғариб кўриниши ажабланарли эмас. Ҳар қандай шоир ҳам кўнгил кишиси сифатида битикларида, аввало, ўз кўнгли ройишларини акс эттирган бўлса-да, барибир ўзгалар томонидан тушунилишни истайди. Чунки чин ижодкор кўнгил дардлари билан ўртоқлашиш чидаб бўлмас заруратга айлангандагина қўлига қалам олади.

Баъзан ижодкор ҳам оддий бир банда сифатида адашиб зарарли ғоя, чалкаш мафкурага эргашиши, нотўғри фикр айтиши мумкин. Лекин унда бирор кун нотўғри йўлдан қайтиб, тўғрисига тушиб олиш имкони бўлади. Санъаткор учун бадиий адабиётнинг вазифасини тушуниш, унинг ифода йўсинини тайин этишда хато қилиш фожиадир. Шукрулло ака ва унинг авлоди ана шундай қисматни бошидан кечиришга мажбур бўлган ижодкорлардир. Ҳар қандай одам ўз авлоди аурасида яшайди. Ижодкор шахсга даврнинг нуқси бошқаларга қараганда кучлироқ уради. Шунинг учун ҳам санъаткорга муайян бир даврда яшаб туриб, ундан ташқарида бўлиш, унинг таъсирига берилмаслик деярли мумкин эмас.

Айниқса, давр одамнинг фикру ўйлари, ҳис-туйғуларига ҳам хўжайинлик қилса. Шўро тузумида яшаган ижодкорларнинг катта авлоди, нисбатан эркинроқ замонларда, чин бадиий сўзнинг таъмини туйиб, адабий изланиш лаззатларини таъбига сингдириб улгурган эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг энг "қизил" битикларида ҳам кишининг юрагини жиз этказадиган нимадир бўларди. Чунки улар адабиётнинг, биринчи навбатда, санъат эканлигини туйиб улғайишганди.

Қатағон ҳадди аълосига кўтарилган, умуман одамнинг, жумладан, ижодкорнинг шахси ҳам сариқ чақага олинмайдиган, улкан Иттифоқдаги неча миллионлаган одамлар руҳан синдирилган, ёлғон сўзлаш ахлоқ, яланғоч шиорларни қофияга солиш поэзия, сохта туйғуларни куйлаш санъат саналган даврда ижодкор сифатида шаклланган бутун бир авлодга ифодада яланғочлик, мавзуда жўнлик вируси юқтирилган эди. Улар буни истамагандилар, бироқ шундай бўлишга маҳкум этилган эдилар. Чунки бу даврда асл вазифаси кўп маънони ифодалашдан, жилваланишдан иборат бўлган бадиий сўз биттагина аниқ маънони англатиши зарур эди. Бадиий асар шундай ёзилиши керак эдики, ундан, қанчалик истамасин, ҳеч ким ҳеч қандай иккинчи маънони топа олмаслиги керак эди. Бундай ифода бадиий бўлмасди, аммо хавфсиз бўларди. Сўзининг салгина ўзгача тушунилишига йўл қўйган ўнлаб ижодкорлар "халқ душмани" сифатида жисмонан йўқ қилинганини кўрган санъаткорлар жўн ва яланғоч ёзишга, бинобарин, имкон қадар адабиётнинг жони бўлмиш образли ифодадан қочишга мажбур эдилар.

Шунинг учун ҳам Шароф Рашидов, Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Шуҳрат, Иброҳим Раҳим, Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор, Шукрулло, Пўлат Мўмин, Сарвар Азимов каби ёзувчилар авлоди ўз

ижодий имкониятларини тўла намоён эта олмай ўтдилар. Негаки, уларнинг танглайи сиёсий хатога йўл қўймай, рухсат этилган ғоявий ҳақиқатларни ҳамма тушунадиган йўсинда баён этиш талаби билан кўтарилган эди. Бу авлод шахс сифатида шаклланаётган пайтда коммунистик мафкура одамнинг фикру туйғуларига ҳам андишасизларча хўжайинлик қилган бўлса, ижодкор сифатида қарор топаётган вақтда адабиётнинг миссияси сиёсатга югурдаклик қилишдан иборат қилиб белгилаб қўйилганди. Бу ижодий авлод истеъдодсизлиги туфайли эмас, балки талантини тўла намоён этиш жисмоний жиҳатдан ҳам хатарли бўлгани учун ўз ижодий имкониятидан тўла фойдаланолмади.

Уларнинг эҳтиёткорлиги ортиқча эмаслигини ўтган асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йиллари бошида айни шу авлоднинг бир қанча вакиллари узоқ йилларга қамалгани ҳам кўрсатиб туради. Жумладан, шоир Шукрулло ҳам миллатчи сифатида йигирма беш йилга ҳукм қилинган эди. Афсуски, эҳтиёткорлик ва чўчиш туфайли келиб чиққан мажбурий жўнлик фақат ташқи жиҳатгина бўлиб қолмади. Улкан хавотир йиллар давомида бу сифат авлоднинг ички моҳиятига ҳам айланиб улгурди. Менимча, бу ҳол фақат бизгагина тегишли бўлиб қолмай, умумиттифоқ миқёсидаги хусусият эди. Ҳали адабиётшунослик илми бу авлод ижодий тақдиридаги фожиани теран илмий тадқиқ этиши керак бўлади.

Ҳар қандай шароитда ҳам ижод ғоят бетакрор ва ўзига хос кечимдир. Шунинг учун Шукрулло ака мансуб авлодни ҳам бирдай тушуниш, тушунтириш ва баҳолаш мумкин эмас. Чунки қиёфасиз бўлишга мажбурлик ҳам баъзан чинакам ижодкорларни ўзлигидан маҳрум эта олмаса, баъзиларни таниб бўлмайдиган ҳолатга солади.

* * *

Шукрулло ўзига хос овоз, тасвир йўналишига эга ижодкор сифатида етмиш йилдан бери қалам сурады. Лекин кейинги йилларда у кишининг ижодий қиёфасида жиддий янгиланиш содир бўлди. Шукруллонинг шахс ва ижодкор сифатидаги ўзига хослиги шундаки, ўзи зарур деб ҳисобласа, узоқ йиллар давомида амал қилиб келган айрим бадиий қаноатларидан воз кечиб, янги эстетик тамойилларга таянишга куч топа билади. Шукрулло қартайганда, ижодий аъмолларини ўзгартиришдан малолланмагани учун кейинги пайтларда шоирнинг ижодида янги белгилар кўзга ташлана бошлади.

Шукрулло аканинг ёзганлари у кишининг табиатан қизиқувчан, ўзини жамият ташвишларидан четга тортмайдиган одам эканини кўрсатади. У киши адабиётга фақат кўнгил эрмаги, туйғулар ўйини эмас, улкан бир ижтимоий юмуш деб қарайди. Шунинг учун киши ижодга ўзини тўлиқ бағишлаши, илҳом оташида ёниши керак деб ҳисоблайди. Оқсоқолнинг "Жавоҳирлар сандиғи" асаридаги: *"Илҳом қаланган ҳўл ўтин эмас, ...неча вақтдан бери қизишиб, бир шамол елпиши билан гуруллаб ёнган олов"*, – деган фикрида ҳам адабиётда из қолдирмоқ учун ижодкор ўзини унга тўла бағишлаши кераклиги таъкидланган.

Адиб ҳамиша эзгуликка интилган ва унинг тантанасига ишонган одам. Бу хусусият унинг 1941 йилда ёзган ***"Истайманки, олам ҳамиша Баҳор чоғи, тонготар бўлсин"***, – деган тўхтамидаёқ намоён бўлганди.

Қўлингиздаги сайланма Шукрулло аканинг узоқ ва маънили ҳаёти, заҳматли ижодий умрининг сарҳисоби сифатида дунёга келди. "Сайланма"да кўпни кўрган адибнинг турли йиллардаги ўй-хаёллари, орзу умидлари, кайфияту ҳолати акс этган шеърлар берилган. Бу шеърларни илғамоқ шоир Шукруллони тушунмоқ демакдир.

Шоир узоқ умри мобайнида талай долғали ҳодисаларни бошидан кечирди. Шу боис ҳамиша тинчлигу хотиржамликка интилиб яшади, асарларида ҳам шу орзуга эришишни кўп тасвирлади. Лекин у қабристон тинчлигини эмас, балки ҳаёт барқ уриб турган, ҳадигу қўрқувдан эмас, балки яшнаб турган эркин ҳаётдан ҳосил бўладиган собит тинчликни тилайди. "Истак" шеърида шоир бу жўндаги қарашу туйғуларини шу тарзда ифодалайди:

Сувлар шилдирасин, қушлар сайрасин,
Олам сув қуйгандек, майли, бўлсин тинч.
Зиндоний тинчликдан лекин асрасин,
Ғанимлар солмасин кўнгилга қўрқинч!

Негаки, "Тақдир" шеърида таъкидланганидек, "***Қўрқиб яшашликнинг ўзи ҳам ўлим***". Шукрулло кўнгилдагидай яшай билмаслик яшамасликдан ёмон эканини теран ҳис қилади ва таъсирли ифода этади.

Одам кўп кўриб, кўп билгани сари кам билишини англаб бораверади. Шунинг учун ҳам Шукрулло агар ўтган асрнинг 50-60-йилларидаги шеърларида ўқувчиларига қандай яшаш ва ҳаётни қай тарзда йўлга қўйишни ўргатган бўлса, ҳозирги шеърларида тирикликнинг барча паст-баландини кўрган донишманд шоир сифатида бировга йўл кўрсатиш эмас, ўзини тафтиш қилишга, ўз кўнгил оламини қадам-бақадам текширишга уринади. Шоир ўзи кузатган ҳаёт ҳақиқатларини билгичлик билан ғоят сокин, лекин юрагидан ўтказиб ифода этади. Шунинг учун ҳам унинг кўпчилик шеърларида поэтик муддао шеърнинг аввалидаёқ ўртан қўлдай кўзга ташланиб турмайди. Шеърни ўқиган киши ундаги ифодалар ҳақида ўйлаб кўришга, тасвирдан маъно келтириб чиқаришга мажбур бўлади.

Шоирнинг "Қарғалар" деб аталган шеърининг на номи ва на тасвир йўналиши унда гап меҳр-оқи-

бат ҳақида боришини англатади. Шукрулло шеърда кўркинчли мозор ва унинг теграсидаги оғочлар бошига қўнган қарғаларнинг кўнгилларга титроқ солгувчи манзарасини чизади:

Ғариб оқшом чўкди аста мозорга,
Ҳатто маъюс каби булутли осмон.
Терак тепасида ўлтирар қарға
Сўниб қолган шамнинг сўхтасисимон.

Шоирнинг руҳини безовта қилиб, қўлига қалам тутқазиб, шундай совуқ манзарини чизишга ундаган нарса "***Сўниб қолган шамнинг сўхтасисимон***" қарға тимсолидир. Шеърда бир-бирига тирикликда меҳр кўрсатмай, ўлгандан кейин кўркинчли гўристонга ҳам келадиган одамлар қарғага ўхшатилади: "***Аммо ўлганда-чи, бўлиб меҳрибон, Мозорга келамиз қарға сингари***". Айтиш керакки, бу шеърда бадиий тасвир ва ундан келиб чиқадиган поэтик маъно асосли уйғунлаштирилган.

Шукрулло ака изланишдан бўйин товламагани, ўрганишдан қочмагани учун ҳам бугунги шеъриятга хос тасвир услубини ўзлаштириб бормоқда. Бу ҳол унинг инсоний сезим ва руҳоний туйғуларни моддийлаштириб кўрсатишда янгича йўллар очаётганида намоён бўлмоқда. Шоир баъзи шеърларида сабабни кўрсатиб ўтирмай, оқибатни тасвирлайди. Чунки у ҳақиқий сабабни билиш инсонга буюрилмаганини, у фақат Яратганнинг ўзигагина маълумлигини англайди. Шу хил англаш унинг кўнглига қаноат туйғусини солади. Шу боис "Из" шеърида: "***Яна баҳор келди! Қолган умр ҳам Ўтади сездирмай, эригандек қор***", – дер экан,кўклам келганда, қорнинг сездирмай эришини инсон умрининг билдирмай ўтиб бораётганига жуда ўринли ўхшатади.

Шукрулло қатор шеърларида ижтимоий тафаккури янгиланган миллатнинг сезимларини, туйғуларини англашга, бунинг учун ўзгаларнинг ҳисси-

ётини улар каби туйиш ва ифодалашга интилади. Бу ҳол ундан шу вақтга қадар ўз ижодий тажрибасида фойдаланиб келган тасвир воситаларини янгилаш, ифода йўсинларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Даврнинг талабини тўғри англаган шоир шеърларининг ифода тарзини янгилашдан оғринмайди. Қуйидаги тасвирлар ана шу янгиланиш меваси ўлароқ пайдо бўлган:

Қуёш ботиб шафақдан
Олам ёнарди гўё.
Айриликдан, фироқдан
Сенга тор бўлди дунё.

Йиғлама, кўз ёшингдан
Кўксимга тушди оташ.
Олам шафақдан эмас,
Уни ёндирган кўз ёш.

Бу ўринда шоирнинг мажоз билан фикрлаётгани, борлиқни кўринганидай эмас, балки туйилганидай акс эттиришга уринган яққол кўзга ташланади. Шоир "Рашк" шеърида: "***Шафтоли гулининг ранги оқ пушти, Ошиқлар қалбига энди ўт тушди***", – деб ёзар экан, мисраларда акс этган ҳолатни ҳамма учун ягона универсал ҳаётий реаллик деб даъво қилмайди, балки қисмда бутун, томчида дарёни акс эттиришга уринади.

Шоир ўзида нафақат одамлар, балки бепоён оламдаги барча нарсаларни зоҳир этади. Ўзини ҳам ҳеч нарсадан айри кўрмайди. Шу боис ҳеч иккиланмай, дарахтнинг япроқларини ўзи битган мактублар, уларнинг сирли шитирлашини эса, дарду севинчлари белгиси сифатида тақдим этади:

Сен мени соғинсанг, дарахтларга боқ,
Елпинган ҳар япроқ менинг хатларим.
Қулоқ сол. Куйлаган япроқмас мутлоқ,
Меҳр қўй, у менинг севинч дардларим.

Маълумки, ижодкор қандай образни қаламга олмасин, аслида ўзини тасвирлайди. Ҳар бир одамга олам бошқача эмас, балки ўша одамнинг ҳолату кайфияти кўтарганидай кўринади. Шу боис ҳам инсоннинг ҳақиқат ҳақидаги ҳар қандай тўхтами ўта нисбийдир. Бинобарин, кекса одам нафақат ёшлиги, балки болалигини эзаётганда ҳам кексалигини ифодалаётган бўлаверади ва аксинча. Шукруллонинг "Кайф" шеъридан олинган қуйидаги қаторларда гўзалликдан эмас, балки кексалиги эсга тушганидан озорланган киши кайфияти муҳрланган:

Қушлар овозига ҳамоҳанг, ҳамроз,
Қани чулдираган тиниқ ариқлар?
Қани ўша йиллар, қани ўша ёз?
Назаримда, қушлар куйламас, йиғлар.

Бу парчада ёшлиги олисларда қолган киши ҳолати акс этган. Шунинг учун ҳам бир замон боғдан ўтган қизлар сочининг ҳидидан маст бўлиб юрган таъсирчан қаҳрамонга бугун қушларнинг шодон сайраши йиғи бўлиб туюлади. Чунки у – қайтмас бўлиб кетган йилларни қўмсаётган ўксик қалб эгаси. Шеърда ижтимоий фожиа йўқ, лекин шахсий йўқотишнинг жуда улкан ва самимий, ортиқча навозишлардан холи ҳаққоний ифодаси бор.

Айни вақтда, кўпни кўрган оқсоқол шоир дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткинчилигига кайвониларча бағрикенглик билан ёндашади. Қаламга олинаётган туйғулар ғоят чигал, руҳий вазият қалтис, лекин Шукрулло атай содда ифода йўсинини танлайди. Ҳаётнинг кўп синовларидан ўтган тажрибали одам сифатида ўқувчини: ***"Дунё гўё қизил ё сариқ олма, Бу яхши, ёмон деб ёнини олма. ...Кўнгилдагин айтиб балога қолма!"*** – дея огоҳлантиради.

Шоир шеърларида табиатни тасвирлар экан, аввало, одам кўнглини, сезимларини кўзда тутади. Шоир учун куз шунчаки фасл эмас, у – инсон умри-

нинг муайян босқичи рамзи. Шу боис Шукрулло куз манзараси тасвирига кутилмаган қўшимча маънолар юклайди. Кузнинг тароватсизгина кўринадиган белгиларидан гўзал жозиба, эпкинли ҳарорат топади:

Япроқларни тўкди эртанги шамол,
Димоққа урилди кузнинг ҳавоси.
Сўрамасдан келар баъзида не ҳол?
Бошланиб қолади тарнов навоси.

Шеърда кузга ўзбек деҳқонининг назари билан қаралганлиги учун ёмғир бевақт ёққандай туюлгани акс этади. Шукрулло айрим шеърларида йилнинг хазон фасли бўлмиш кузни инсон умрининг хазон палласига мувозий санамайди. Уни ғоят жозибали, ўзгача таровату ҳуснга тўла бир фурсат тарзида тасвир этади. Зеро, нафақат йилнинг, балки умрнинг кузи ҳам ўзига хос гўзалликка тўла эканидан бўлса керак, одамнинг яшагани сари яшагиси келаверади.

Шоир ғоят ингичка бир нигоҳ билан оғочларни тарк этишга тайёр бўлиб турган омонат япроқларни кетаётган қўноққа ўхшатади:

Тизилишиб турар кузги япроқлар,
Гўё булар йўлга отланган карвон.
Ёзги сафарини тугатди улар,
Боғларимда бўлиб ёз бўйи меҳмон.

Некбин туйғули шоир кетиш фасли бўлмиш кузнинг таровати тасвирига ҳаётга муҳаббат, кечирилаётган кундан розилик туйғуларини жойлай билади: "***Безаниш, муҳаббат, атроф олтин ранг, Бир нафас қувониб ким олмас баҳра? Кузги япроқларда бир дунё оҳанг, Гўё олам қўшиқ, ранг тўла саҳна***".

Шукрулло айрилиқ туфайли чеккан чуқур изтиробларини ҳам таъсирчан йўсинда поэтик ифодалайди. Чунончи, шиорнинг "Расул Ҳамзатовни

хотирлаб" деб номланган шеърида одам одамга тиргак, суянч экани ғоят самимий тарзда ифода этилган. Шоирнинг бу шеъри яқин дўстини йўқотган одамнинг кўнгилни бўшатиш истаги сифатида табиий равишда туғилгани учун ҳам ундаги ҳар бир ташбиҳ нишонга аниқ тегади. Унда Шукруллонинг самимий шахсияти тўла намоён бўлган:

Кечагина, Расул, саломатликка
Қадаҳ кўтаргандик қолдирмай юқин.
Мана энди менга қолдириб кетдинг
Соғинч, айрилиқнинг тоғдек зил юкин.

Сўнгги мисрадаги "тоғдек" сўзи ўқувчига айрилиқ юкининг залворини сездирадиган ўхшатишликдан ташқари, Расул Ҳамзат бир умр куйлаган тоғларни эсга тушириши, яъни дунёдан ўтган шахснинг рамзи ўлароқ қўлланганлиги билан ҳам айрича поэтик аҳамият касб этган.

Оқсоқол шоир ҳалиям унча-мунча поэтик экспериментлардан чўчимайди. Ундаги бу хусусият Расул Ҳамзатовнинг "Набирам Шаҳризодга" номли насрий шеъри таржимасида яққол намоён бўлади. Хаёлий савол-жавобга қурилган бу мансурада бобо билан невараниг тақдирлари мувозий қўйиб тасвирланади. Шеърда тинмай йиғлайдиган невара узун ҳаёт йўлини босиб ўтган бобонинг ота-она ҳақида гапира туриб: "***Ахир сенинг отанг бор, онанг бор. Мен аллақчон отамдан ҳам, онамдан ҳам айрилганман, Сен эмас, мен йиғлашим керак***", дўстлар хиёнатига тўхталиб: "***...неча марта дўстларим хиёнат қилди, Менинг душманларим бор. Мен йиғлашим керак***", уруш даҳшатларини бошидан ўтказганини айтиб: "***Сен уруш даҳшатини, одамларнинг қандай ўлганларини кўрмагансан. Қанча дўстларим у ерларда қолиб кетишди, Мен йиғласам арзийди***", туҳматга қолганидан зорланиб: "***Сенга ҳеч ким бўҳтон ҳам қилмайди, Сен***

ҳали ёлғон нималигин билмайсан, қалбинг пок. Сен ухлаганингда ҳеч ким сени безовта қилмайди, Мен йиғлашим керак-ку", – деган таъкидлари ўта таъсирли ифода этилган. Шеърнинг биргина сўнгги, асарнинг бутун поэтик моҳиятини ўзида акс эттирган банди йиғлоқи невара тилидан берилади:

Буважон, сен ҳаммасини бошдан кечириб бўлдинг, шукр қил.

Менинг бошимда ҳали булар турибди.

Сен айтганингдек, ёлғон, хиёнат, уруш яна такрорланса-чи?

Буважон, сен шундай қилгинки, сира-сира такрорланмасин.

Шеърда ёш авлоднинг зиммасида ҳам ўзига яраша ижтимоий-маънавий юк борлиги таъкидидан ташқари, катталарнинг келажак олдидаги масъуллиги ҳам акс этган. Шеърда шоир Шукруллога ҳам ўртоқ туйғулар тасвирга олингани учун мансура шаклида қилинган таржима оригинал янглиғ жаранглайди.

Шукрулло шеърияти фақат кўнгил навозишлари ифодаси эмас. Тўғрироғи, шоирнинг поэзияси кўнгил тўлғонишларини акс эттиради, лекин унинг кўнгли кўпларнинг қалби ва ундаги ҳолатлар билан туташиб кетган. Бу ҳол шоирнинг манзара шеърларида яққол кўзга ташланади. Шукрулло чизган поэтик манзаралар аниқ, таъсирчан ва кўпмаъноли экани билан эътиборли:

Чирт-чирт узилади боғларда япроқ,
Дарахтлар юк ташлаб тортибди енгил.
Майсалар ичида сувлар қўнғироқ,
Бир ором кайфида яйрайди кўнгил.

Шеърдаги ҳосилидан қутулгач, қоматини тиклаган мевали оғочлар, майсалар ичида шода-шода қўнғироқ бўлиб жилваланган кузги чиқ (шудринг)нинг тасвири – ўз ҳолича ҳам таъсирли. Лекин шоир

учун куз манзарасини чизишнинг ўзи муддао эмас. У мевали оғочларнинг бу гўзал ҳолати тасвиридан ҳаётий маъно чиқаради:

Теварак боғларда тўкилар япроқ,
Меҳнаткаш дарахтлар тиклайди қаддин.
Йўловчи, бир нафас сен уларга боқ,
Сенинг гердаймакка бормикан ҳаддинг?!

Агар олдинлари Шукрулло ўз шеърларида барча фикрини очиқ айтган бўлса, кейинги йиллардаги ижодида ишора қилиш, имлаш, ўқувчининг тасаввурига ишониш майли устуворлик қилмоқда. Шеърларининг бирида ёзги боғда сайраган булбуллар, оғочлар соясида роҳатланган меҳмонлар образлари шунчаки йўлакай тилга олинади. Бир қарашда, шеърнинг замирида ҳеч қандай тагмаъно йўқдай туюлади:

Ёз кетди. Дарахтлар сўлғин тус олди,
Ненингдир дардида ранги заъфарон.
Сайраган булбуллар қайга йўқолди?
Қани соясида бўлганлар меҳмон?

Кўм-кўк либослари ерга тўкилди,
Ўғри урган каби қолди яланғоч.
Булбуллар ўрнига қарғалар келди,
Энди соя солмас мевасиз оғоч.

Бу тасвирлар шоир билан бирга ўқувчини ҳам безовта қилади. Чунки у "сояда меҳмон бўлганлар" ва "сайраган булбуллар" кўрган яхшиликларига яраша оқибат қайтармаган кишилар рамзи эканини сезгандай бўлади.

Шукруллонинг сайланмага кирган айрим шеърларида билмай қилинган гуноҳ учун ҳам жавоб бериш кераклиги таъкидланади. Шоирнинг ***"Дарахт қайдан билсин дор бўлишини"*** сатри билан бошланадиган "Қарғиш" шеърида шу ҳолат акс эттирилган. Уч бандлик шеър қуйидаги аянч манзара тасвири

билан ниҳояланади: "***Кўналға қилмасди, қўнмасди қушлар, Гўё қон исидан безиб қочарди. Ёғаётган ёмғир гўё қарғишлар, Бегуноҳ кўзёшлар бўлиб оқарди***". Бу сатрлар гўё оғоч ҳақида. Лекин шоир табиатнинг бирор ҳолатини одамдан айри кўрмайди. Чиндан ҳам атроф жавонибнинг қандай кўриниши, унинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ, бизнинг тасаввур ва кайфиятимизга боғлиқдир. Қачонлардир қилинган ёмонликка восита бўлгани учун ҳамон жазо тортаётгани тасвирланган оғоч оғочдан кўра, одамдир. Лекин шоир буни очиқ айтмайди, қиссадан ҳисса чиқаришга, ўгит беришга уринмайди.

Шукрулло баъзан шоирона нигоҳи илғаган бирор поэтик манзарани чизиш билан кифояланади. Унинг бир қатор битиклари лаҳзани мангуликка муҳрлай олганининг ўзи билан поэзиядир. Чунончи, шоир бир шеърида табиатнинг ўта аниқ ва қўрқинч манзараси тасвирини қуйидагича беради:

Осмонда бошланди булутлар жанги,
Бирдан теваракни босди гулдурос.
Ҳатто, чўчиб ўчди қуёшнинг ранги,
Бўрон олиб келган даҳшатдан бехос.

Олдинлари шоир бундай ваҳимали даромаддан сўнг бирор ижтимоий параллелни келтирган ва ундан хулоса чиқарган бўларди. Шукрулло бу гал шеърни пейзаж тасвири эканича қолдиради ва асар якунида: "***Булутларни ёриб балқиди қуёш, Шодликдан баргларда милтиллади ёш***" тарзидаги гўзал ҳолат манзарасини беради.

Шоир "Баҳор кечаси" деб аталган шеърида кўклам тунини ҳеч бир ижодкор назари илғамаган йўсинда тасвирлайди: "***Қуёш ботиб кетди. Бир тутам нури Варрак думларига илашиб қолди***". Миллий поэзиямизда Тошкент кўклам кунининг бундан ҳам самимий ва колоритли қилиб чизилган шеърий манзараси йўқ. Шоир бу шеърида поэтик кайфиятидан келиб чиқиб, кўкламги тафсилларнинг ҳамма-

си ва ҳар бирида гўзаллик, нур, эзгулик кўради ва ўз туйғусини ўқувчиларга ҳам юқтиради. Шеърни: ***"Қандай одам севмас умр баҳорин! Қалбларни бир умр тарк этма, севги!"*** - тарзидаги даъват билан тугатади. Бу ифодада яланғоч чақириқ бўлмагани учун ҳам ўқувчига кучли таъсир қилади.

Шукрулло – ҳаётда ҳам, ижодда ҳам самимий одам. Бу феъл уни шеърий ҳаққоният йўлидан юргизади. Шу боис битганларида пардоз, жимжима кам учрайди. Шоирнинг кейинги йилларда ёзилган шеърларидан бири ***"Мендан гина қилма, мендан ранжима"***, – деб бошланади. Менга ушбу чақириқнинг қандай ҳаётий асоси борлиги, шеър нима муносабат билан ёзилгани маълум эмас. Зеро, шеърхон учун муайян бир шеърнинг ким ва нима учун ёзилганидан кўра, қандай ёзилгани муҳимдир. Менга бу шеър ўзининг ҳозирги ҳоли ва имкониятини жуда яхши биладиган ҳамда бундан хижолат чекмайдиган ўтоғаси киши кайфиятининг чин манзараси бўлиб кўринди:

Қариб оқибати қолмабди дема,
Сен кўрган дарёлар айқириб тинди.
Етди қирғоққа ҳам омонат кема,
Афсус ва надомат ортилар энди.

Умрининг шоми сари бораётган шоир туйғуларининг самимийлиги, бу изҳори дилда зарра бўлсин ёлғон, хўжакўрсинлик, донишмандлик даъвоси йўқлиги кишини ром этади. Бу сатрларда тириклик қирғоғига яқинлашган омонат умр кемасига афсус-надомат юклари ортилажаги ғоят самимий, улкан бир инсоний дард, қоим бардош ҳамда сокинлик билан ифода этилган.

Шукруллонинг шеърияти билан бўладиган учрашув ўқувчиларга ёқимли туйғулар бағишлайди ва оқсоқол шоирнинг навқирон поэтик боғига қилинадиган сайр хайрли бўлади деб умид қиламиз.

2007 йил 1 май

ҲАЙРАТНИНГ ИЛК МЕВАЛАРИ

Борлиқ гўзаллиги, ҳаёт ҳодисалари ва атрофдаги одамлардан завқ ола билиш, буларнинг фавқулодда жиҳатларидан ҳайратга туша олиш ҳам истеъдоднинг белгиси. Ҳар қандай кашфиёт, биринчи навбатда, ҳайратнинг мевасидир. Лекин олам ва одамнинг турфа ҳолатларидан ҳайратланиб, бадиий ижод қиладиган кишиларга қараганда, шу ижод маҳсулидан ҳайратга тушиб, уни тадқиқ этадиганларга қийинроқ бўлади. Негаки, бундай кишидан ҳайратининг кучи икки баравар ортиқ бўлиши талаб этилади. Иброҳим Азиз (қулайлик учун шундай аташ маъқул кўрилди) ана шундай истеъдод эгаларидан. Одатда, Иброҳимнинг ёшидаги кишилар шеър, ҳикоя ёзиш, расм чизиш сингари бевосита бадиий ижоднинг ўзи билан шуғулланишни ёқтиришади. Ўзгаларнинг яратиқларини текшириб, уларнинг ютуқ-камчиликлари ҳақида гапириш бу ёшда кишига зерикарли машғулот туюлади. Аммо Иброҳим табиатан синчков, таъсирчан, ҳаёт ҳодисалари ёнидан шунчаки ўтиб кетолмайдиган, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишни ички эҳтиёж деб биладиган кам сонли ёшлар сирасига киради. Бундай кишиларда олам ҳодисалари ва одамлараро муносабатларга аналитик қараш, кўрганларини солиштириш, улардан хулосалар чиқаришга интилиш кучли бўлади. Булар бўлажак олимларга хос белгилардир.

Иброҳим Азизнинг бадиий асарлар ҳақидаги кузатишлари, мулоҳазалари самимийлиги, ўзининг маънавий-эстетик қаноатларидан келиб чиққанлиги билан кишини ром этади. Ҳали мактабнинг

ўқувчиси бўлмиш Иброҳим: ***"...хотиралар инсонни умрнинг энг беғубор, энг қисқа, ҳеч вақт такрорланмайдиган, доим ёз бўлиб турадиган фасли бўлмиш болалик оламига етаклаб келади"***, – деб ёзади "Дунё билан юзма-юз" мақоласида. Ҳали болаликдан узоқлашмаган кишининг кузатишларида бунчалар синчковлик, масаланинг моҳиятни англашга интилиш, ўзига хос билгичлик борлиги кишига маъқул келади.

Иброҳим Азиз болаликни нурли қиладиган, унга кейинчалик ҳам унутиб бўлмайдиган тароват бағишлайдиган жиҳатни: ***"Болалик даврида одамда ...илоҳий ишонч бўлар экан, бу ишонч борлиги учун ҳам ўйинлар бизга чексиз завқ бағишлайди ва биз ҳам олган завқларимиздан маст бўлиб, беихтиёр ҳақиқий ҳаётни ҳам ана шундай ўйиндан иборат деган тасаввурда бўламиз. Афсуски, кейинчалик ўша тасаввур ва ишончлар вақт ўтиши билан бирин-кетин чилпарчин бўла бошлайди ва умрнинг ҳеч бир палласида қайтиб келмайди"***, – тарзида тушунтиради. Ана шу тўхтамга таянган ҳолда буюк Л. Толстойнинг "Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик" трилогиясини таҳлил қилади. Муҳими шундаки, Азиз ҳар бир асарга ўз назари билан қараб, у ҳақда фикрлар экан, хулоса чиқаришдан кўра таассуротлари билан ўртоқлашишга интилади. Айни вақтда у таассуротларининг илдизини аниқлашга уринади.

Олам ва одамни тобора кўпроқ таниб бораётган ўй кишиси сифатида Иброҳим ўзида пайдо бўлган фикрлар ва кўнглини безовта қилган туйғуларнинг илдизини қидиради. Шу боис ҳам адабий қаҳрамонларга персонаж деб эмас, балки жонли одам сифатида ёндашади. Шунингдек, бадиий асарга ҳам шунчаки кўнгилочар восита эмас, балки ҳаёт қўлланмаси тарзида муносабатда бўлади. Бу – унинг ёшидаги одам учун табиий ҳолдир. Шунинг учун ҳам улуғ ёзувчи асарлари ҳақида фикр юритар экан: ***"Толстой бола руҳий дунёсини шундай равшан қилиб***

очиб кўрсатадики, ҳар бир ўқувчи бу ойнада ўз аксини кўради. Толстой бола руҳиятининг кўз илғамас қатламларида милтираб турувчи жамики нозикликларни беқиёс маҳорат билан қаламга олади", – деган тўхтамга келади. Бу фикрлар унинг синчковлигидан ташқари ўз кузатишларини ифода этиш уқувига эгалигини ҳам кўрсатади.

Иброҳим Ч. Айтматовнинг "Жамила" қиссасини таҳлил қилар экан, холис ўқувчи рутбасида турмайди, балки қисса қаҳрамонларидан бири бўлмиш Сеитга айланиб кетади ва "Луи Арагон ва Сеитнинг севгиси" мақоласида ўз тафаккур мантиғидан келиб чиқиб: "***Инсонлар қалбига эзгулик уруғини экишда, уларни бир-бирига меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда, ўзларининг ва ўзгаларнинг муҳаббат туйғуларини эъзозлашга ўргатишда "Жамила"га ўхшаш гўзал қиссаларнинг ўрни беқиёсдир***", – деб ёзади.

Битганларидан Иброҳимнинг ўзи ва тенгдошлари ҳаётининг мазмуни ҳақида кўп ўйлайдиган ўспиринлиги сезилади. Шунинг учун ҳам унинг "Келажак ҳақида тасаввур" мақоласидаги: "***...дунёдаги энг тез ўзгарувчан тасаввур бизнинг, яъни ёшларнинг ўз келажаги ҳақидаги тасаввуридир***",- тарзидаги қаноати чуқур ҳис қилинган ва топиб айтилган фикр сифатида маъқул келди. Чиндан ҳам ёшларнинг орзулари, режалари худди уларнинг хаёллари сингари чегара ва тўхтам билмайди. Уларнинг орзуларида тинимсиз ўзгаришлардан бошқа ўзгармас нарса бўлмайди.

Иброҳим Азиз бадиий адабиётнинг миссияси инсон кўнгли тириклигини таъминлашдан иборат деб билади. Шунинг учун ҳам Достоевский асарларидаги сабаби ҳамиша ҳам тушунарли бўлмаган улкан изтироблар оғушидаги қаҳрамонлар тасвири одам қалбини ўлиб қолишдан асрайди деб билади. Унингча, кўнгилнинг ўлими жисмнинг ҳалокатидан даҳшатлироқдир.

Иброҳим шунчаки, кўнгил хуши учун ўқийдиган ўқирманлардан эмас. У кўп ўқийди, танлаб ўқийди, ўқиганлари хусусида жиддий ўйлайди, улардан маъно топишга, қандайдир хулосалар чиқаришга, нималарнидир ўзига олишга уринади. Зеро, у бадиий адабиётни инсон ҳаётига эзгу мазмун берадиган ва уни гўзаллаштирадиган энг қудратли восита деб билади. Шунинг учун у "Замонамиз қаҳрамони ким?" деб номланган мақоласида: ***"...биз ёшлар ўткинчи сабаб ва муаммолардан юксакда турадиган, кимнингдир хулосалари асосида ясалмаган ўзимизнинг ҳақиқий замонамиз қаҳрамони бўлишини хоҳлаймиз. Токи, у бизни каттароқ мақсадлар билан яшашга ўргатсин, руҳ берсин, ўз куч-қудратимизга ишонч уйғотсин, ёвузлик ва нопокликка нафрат, эзгулик ва ҳалолликка муҳаббат уйғотсин"***, – деб ёзганида нафақат ўзининг, кўпчилик тенгдошларининг кўнгил истакларини баён этгандай бўлади. Бу фикрлар бош-оёғи йўқ бу серғалва дунёда тинимсиз равишда ўзини излаб топмоқчи бўлаётган ва бу йўлда минглаб йиллардан бери инсон руҳиятидаги товланишларни акс эттириб келаётган бадиий адабиётни асосий восита билиб, унинг эзгу маънавий фазилатларни шакллантириш имкониятларидан фойдаланишни орзу қилаётган кишининг иқрорларидир.

Иброҳим Азизнинг бадиий савияси баланд ва одамга керакли асарларни тенгдошларига қараганда анча кўп ўқиганининг ўзи таҳсинга сазовор. Аммо ўқиганлари тўғрисида ўзгалар билан фикрлашишга интилиши унинг сиймосида бўлажак касбдошни, бадиий асарлар ҳақида ўз ҳаққоний фикрларини айта оладиган адабиёттанувчини кўриш имконини беради. Ёш касбдошимга танлаган йўлида собитлик, туганмас ҳайрат ва ғайрат тилайман.

2007 йил 16 май

ТУЙҒУЛАНГАН ТАФАККУР ЁҒДУСИ

Фикр туйғуга йўғрилиб, туйғуда фикр учқунланганда ўқишли шеър дунёга келади. Кўплаб ҳикоялари, қатор қиссалари ва бир қанча шеърий китоблари билан ўқирманларга яхши таниш бўлган Абдусаид Кўчимнинг ушбу китобидаги кўпчилик битиклар тиниқ фикрларнинг самимий туйғулар билан уйғунлашуви натижасида дунёга келган.

Шеърларни ҳам мавзусига кўра текшириш расм бўлган замонларда унинг қандай ёзилганидан кўра, нима ҳақда битилганлиги муҳим саналарди. Бундай ёндашувда кўтарилган муаммо бирламчи аҳамият касб этарди. Ҳолбуки, "***...адабиётда битта муаммо бор: одамнинг ҳаёти, одамнинг кўнгли ва тақдири. Бошқа муаммо йўқ. Бошқаси ёрдамчи гаплар***". Абдусаид Кўчимнинг бу китобига кирган шеърларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ одам, унинг кўнгли ва тақдири ҳақида. Маълумки, кўнгилдан чиқмаган туйғу кўнгилларга етиб бормайди. Шунингдек, кечирилмаган тақдир ҳақидаги битик ҳам бировга юқмайди, туйғуларини безовта қилолмайди. Демак, тасвир нишонга бориб тегмайди.

Ватан ҳайратлари

Қувонарлиси шундаки, Абдусаид Кўчим фитратига кўра патетик руҳга эга бўлиши лозим ижтимоий йўналишдаги шеърларда ҳам кўнглини акс эттириб, юрагидан чиқариб сўз айтишга, кўнгилнинг чин мавжларини тасвирлашга уринади. Шунинг учун бўлса керак, "*қалби ҳаяжонли ўйдан титраган*" шоирнинг "Ватан мадҳи" шеърида ифодаланган

туйғулар самимияти билан ўқувчини ишонтиради. Унда юртини соғинган одамнинг ўйлари ва кўнгил товланишлари акс этади:

Кўркам янги йилнинг арчаларидай
Қуёшда товланган лолазор, боғлар.
Камалакнинг заррин парчаларидай
Саратон селига кўмилган тоғлар.
Ҳазилкаш жўралар, дилкаш қўшнилар,
Даканг хўрозларнинг қичқириқлари.
Қандайдир бошқача – майин туюлар
Ҳатто ғанимларнинг қитмирликлари.

Бундай эътирофнинг ростлиги шеърхонда шубҳа уйғотмайди. Юртини астойдил соғинган одамнинг чин туйғулари ўқирманларгада юқа қолади. Ватанни соғиниш, аввало, ватандошларни соғинишдир. Соғинган одамга соғинтирганлардаги камчиликлар унчалар қаттиқ ботмаслиги, айрим нуқсонлар фазилатга дўниб кўриниши ҳам бор гап. Шу боис четда юрган одам ҳазилкаш жўралари-ю, қўшниларини қўмсаши, унга ҳатто ғанимларининг қитмирликлари ҳам аслидагидан майинроқ туюлиши ишонарли.

А. Кўчимнинг ватансуярлик лирикаси чақириғу ташвиқдан эмас, балки отамакон танланмаслигини англаган, уни боридай севишни тақдир деб билган собир ва шокир ўзбекнинг ўй-мулоҳазалари ифодасидан иборат бўлгани учун ҳам шоирнинг "Хорижда" шеъридаги:

Ўн кунда сомондай кетдим сарғайиб,
Ўн кунда соғинчдан бўлдим адолар.
Бу юртларда дайди итдай сарғайиб,
Қандай яшайсиз ҳей, ватангадолар?!

хитоби ўқувчига тарғиб ҳам, иддао ҳам эмас, балки ҳайратангиз иқрор бўлиб туюлади. Лекин юрилган йўлдан юришнинг осон эмаслиги бошқа шеърлардаги: "***Иймонинг, виждонинг, у – сенинг ўзинг,***

Бобонг – у, момонг –у, у – мунис она. Ватан ягонадир, Ватан ягона ёки ***"Ким икки Ватанни қилибди даъво, Ул кас беватандир, у – Ватангадо!"*** каби колоритли ва ўзига хос бўлсада, унчалар оҳорли бўлмаган мисраларда дарров билиниб қолади.

Абдусаид Кўчим – ўзига хос поэтик нигоҳи бор шоир. У оламу одамдаги ҳеч ким пайқамаган жиҳатларни кўришга ва кўрганларини ҳеч ким қўлламаган сўзлар ёрдамида ифода этишга уринади. Бу ҳолни шоирнинг **"Соғинч"** шеъри мисолида яққол кўриш мумкин. Муаллиф қаҳратон қишнинг у қадар ҳам гўзал бўлмаган манзараси поэтик тасвирини беради. Бу кечимда у умумий баҳодан хусусий ҳолатни бадиий акс эттириш сари боради. Яъни дастлаб қишнинг тароватсиз кўринишини: ***"Бунча узун қиш оқшомлари? Саҳарлари саҳродай ғариб, Изғиринли сўқир шомлари Нажот излар титраб, титраниб. Тонглар, шомлар ночор, телбавор"*** тарзида тасвирлайди ва қиш исканжасида қолган табиатнинг ҳар бир унсури: ***"Қайдасан, баҳор!"*** – дея ҳайқираётганини ўзига хос йўсинда асослайди.

Шоир қишни тасвирлар экан ҳар бир ўзбекда олдиндан шаклланган бадиий тасаввурларга қарши келадиган образлар яратишга эришади. Чунончи, бизнинг ҳар биримизда ёзнинг туни ғоят қисқа бўлиши, тонг жаннатдай сўлим экани, шом ўз оти билан оқлиги борасида қарашлар мавжуд. Қиш оқшомининг узун ва сўқирлиги, қиш тонгларининг саҳродай ғариблигини таъкидлаб, шоир азалий тасаввурларимизни тўзғитиб юборади. Ҳар бир одамнинг кўнглида табиий равишда туғиладиган истакни қишдан зада бўлган табиат унсурлари номидан: ***"Қайдасан, баҳор!"*** – дея ифодалашга асос яратади.

Шоир шеърнинг кейинги бандларида умумий ҳолатни қайд этишдан конкрет манзарани кўрсатишга ўтиб, тасвирни тобора аниқлаштира боради:

Чинни-ҳарир кўрпани ёпиб
Тўнглаб ётар сарҳовузда сув.
Тушларида баргаклар тақиб,
Юзин силар мажнунтол-сулув.
Муз остида чашмаи зилол...”

Бу тасвирлар – қишдаги ўзбек қишлоғининг ғоят шоирона илғанган ва нозик чизилган манзараси. Бундан кейинги бандларда тасвир янада чуқурлашиб, қуюқлашиб боради: ***“Увишганми отлар туёғи, Маърамайди эчкилар, қўйлар. Кумуш қишнинг кумуш байроғин Бошларига кўтарган уйлар”***. Қиш қўйнидаги ўзбек қишлоғининг бу қадар қайтарилмас жонли чизгиси миллий шеъриятимизда кўп эмас. Келтирилган мисолларда шоирнинг мувозанатдан чиққан гўзал туйғулари бор жилваси билан намоён бўлади. Ижодкорнинг маҳорати туфайли қиш фаслининг ёқимсиз ва ноқулайлик келтирувчи манзараси гўзал бадиий ифодасини топади.

Айни вақтда шоирнинг шеърларида бот-бот учраб турадиган бир нуқсон – шеърий “қисса”дан, албатта, ижтимоий “ҳисса” чиқаришга уриниш ушбу гўзал битикнинг тароватига салгина путур етказганлигини таъкидлаш керак. Шеърдаги: ***“Хайриятки, йил-ўн икки ой Қаҳратон қиш яккаш ҳукмрон, Музликлардан қидирмадим жой, Музликларда топмадим макон - “Шукур” дея такрор ва такрор Ҳайқираман: “Қайдасан, баҳор!”*** мисралари асарнинг бадиий қувватига таъсир этмасада, ижтимоий аҳамиятини бир оз пасайтиради. Яхшиям юртим доимо қиш бўладиган жой эмас экан, деганга ўхшаш шукрона, маиший ҳаётда қўлланавергани билан шеърнинг вужудига сингишмайди. Чунки ватан қулайлиги учун эмас, ватанлиги учун севилади. Шунингдек, “Қисмат” шеърида ватанни ташлаб келган сувлардан ҳосил бўлган денгизнинг қисмати машъумлиги борасидаги фалсафа ҳам сунъийроқ. Чунки денгизнинг ватани денгиздир.

Ҳолат манзаралари

Абдусаид Кўчим – ҳар бир шеърининг таранг руҳий ҳолат ифодаси бўлишига эътибор қиладиган шоир. Шунинг учун ҳам у ҳолат манзараларини нозик чизади. Бир пайтлар рус танқидчиси Лев Озеров: "***Шеърият – юксак тарангликдаги нутқ. У қайта ҳикоя қилиш ёки тасвирлаб бериш учун яралмаган. Унда улкан бадиий ҳиссиёт мавжуд, одамлар юрагида катта таассурот уйғотувчи буюк куч яширинган***", – деган эди. Тарангликка эга нутқ таранг руҳий ҳолатдан келиб чиқади. Шоир руҳиятида кечирилмаган ҳолат ҳар қанча маҳорат билан ифодаланмасин, таъсир қудратига эга бўлмайди. Қизиғи шундаки, кўнгилдан сизиб чиққан асл шеърдаги ифода таранглиги сиртдан яққол кўзга ташланиб турмайди. Тасвир воситаларининг уйғунлиги, ўзаро чамбарчас боғланиб кетганлиги, бири иккинчисини келтириб чиқарганлиги тасвир мукаммаллигини таъминлайди.

Бу жиҳатдан шоирнинг "Жўшиб, ёниб сайради булбул" сатри билан бошланадиган шеъри характерлидир. Шоир гўзал табиатнинг, чаманзорнинг куйчиси - булбул сайрашини тасвирлар экан, бу тенгсиз поэтик ҳолатни статик равишда кўрсатгиси келмай, уни ички динамика билан таъминлайди: "***Юлдуз бўлиб қўнди қўшиғи. Шамоллардан ўзиб кетди у, Ой нурига осилиб олди. Сўнгра шафақ бўлмайин олу Қуёш сари дадил от солди***". Шоирнинг сеҳрли қалами булбулнинг одатдаги сайроғини табиатда тонг чоғи рўй берадиган барча гўзал оқибатларни юзага чиқарадиган ҳаётий сабаб мақомига кўтарилади:

Булбулчанинг янгроқ куйидан
Шамдек эриб сурмаранг оқшом,
Ёноқлари ял-ял товланиб
Эшигимдан кириб келди тонг.

Чин бадиият мўъжизалар яратишга қодир. Шеър ўқувчини тонг оттани боис булбул куйламагани, балки булбул қуйлагани туфайли тонг оттанига ишонтиради. Ҳатто кўз бериши умуман мумкин бўлмаган ҳолат манзарасини ўқувчи кўз ўнгида энг майда тафсилларига қадар аниқ гавдалантира олганлиги шоирнинг тасвир маҳоратидан далолатдир.

Шеърда ўринли қўлланилган тасвир тилсизга тил, жонсизга жон бағишлаш қудратига эга. А. Кўчимнинг "Аввал баҳор" шеърини ўқигач, бунга имон келтириш мумкин. Шоир эрта кўкламда табиий равишда рўй берадиган ҳодисаларни шундай маҳорат билан кўрсатадики, ўқувчи эриб бораётган қорнинг "кемтик деворлар"дан ошиб "қоялар сари" қочиб бораётганига, унинг бу ҳолига "уйнинг деразалари" кўз ёш тўкаётганига беихтиёр ишонади:

Қорлар кемтик деворлар ошиб
Кочиб борар қоялар сари.
Кўз ёшларин артади шошиб
Пастак уйнинг деразалари.

Бу тасвирлар шоирнинг шунчаки синчков кузатувчигина эмас, балки атрофда рўй бераётган табиий ҳодисалар сабабини яхши биладиган киши эканидан ҳам далолатдир. Чинданда ҳовли деворининг кемтиги тўғрисидаги қор энг олдин эрийди. Чунки кемтикдан шамол кириши, қуёш тушишига имконият кўпроқ, бу ҳол қорнинг деворлар ошишига мантиқий асосдир. Кўклам кучга киргани сайин қор фақат баланд қояларда қолади, холос. Бу – қорнинг қоялар сари қочишига ҳаётий исбот. Қишлоқ уйларининг ҳамма томлари ҳам иситилавермаслиги боис деразалар кўп бўйи музлаб ётади. Кўклам келиб, қорлар ета бошлаши билан улар эриб, кўз ёш тўкади. Жўнгина майший ҳаётий тафсилни эсдан чиқмайдиган ва ёқимли тарзда бадиий тасвирлаш шоирнинг истеъдодидан далолатдир.

Абдусаид Кўчим қатор шеърларида инсон туйғуларининг чигаллиги, одамлараро муносабатлардаги мураккабликни билгичлик билан нозик акс эттирган. Шоирнинг "Бир сўз" шеърида икки инсоннинг тақдири "кечир" деган биргина сўзга боғлиқ эканилиги ва бу биргина сўзни қандайдир бегоналар эмас, балки дилида уни эшитишга интиқ икки одам айтиши кераклиги, бу сўз тилга олиниши билан барча мушкулотлар ўз-ўзидан ҳал бўлиши мумкинлиги ғоят таъсирли акс эттирилган:

"Кечир",– десам, "Кечиринг",– десанг,
Муз ғам синиб, кетарди кўчиб.
Ҳузурингга учардим билсанг,
Ҳузуримга келардинг учиб.

Шоир ҳеч кимга йўл кўрсатмайди, даъват ҳам қилмайди. Балки бир-бирига муштоқ одамлар ўртасидаги муносабатлар чигаллиги боис ўша халоскор бир сўзни айтиш оғирдан оғир юмуш эканини андуҳ билан ифода этади:

Битта, фақат бир сўзга муштоқ
Кеча-кундуз ғамга ботар ғам.
Худойим-ей!
Художон, тезроқ
Инсоф бергин иккимизга ҳам.

Шеърнинг бутун энергетикаси ***"Кеча-кундуз ғамга ботар ғам"*** сатрига йиғилган. Унда имконсизлик, олдинда нурнинг кўринмаслиги кўнгилни майиштирувчи залвори билан акс эттирилган.

Шоир "Тентирайди ўйларим сенсиз" шеърида кўнглида ёрига талпиниб, зоҳирда буни билдиришдан қўрқадиган одамнинг чигал руҳий ҳолатини: ***"Висолингни излайман дилгир. Учрашишдан... аммо қўрқаман"*** тарзида ифода этади. "Муҳаббат руҳи" шеърида эса ортиқча ғурур туфайли бахтсиз бўлган муҳаббат қарғиши: ***"Менга аён, сенга ҳам***

аён Беҳаловат руҳнинг ғамлари. Билиб-билиб йиғлайсан гирён Қалдироқ "Оҳ!" урган дамлари" шаклида тасвирланади. Шеърда ўринсиз ғурур, ортиқча иззатталаблик сабаб поймол қилинган севги уволи, аввало, ошиқларнинг ўзини тутиши ўта таъсирли акс эттирилади:

Маҳшаргача санчади тикан
Жонимизга энди шўр қисмат.
Иккимизнинг айбимиз билан
Етим қолган бахтсиз муҳаббат

Шоирона хаёл бир қарашда бир-бирига асло алоқаси бўлмаган нарса-ҳодисалар ўртасида алоқа топади. Абдусаид Кўчимнинг "Ҳовуз бўйида" шеърида юрагини ўртаган севгидан воз кечган ошиқ ҳолати воситали йўсинда акс эттирилади: ***"Неча йиллар қалбимни ўртаб, Тутаб ётган ўтни сўндирдим. Мен бу оқшом ката ҳовузда Ухлаб ётган Ойни синдирдим"***. Севги ўтини сўндириш қандай амалга оширилганини тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидан шоир ошиқ руҳий ҳолатини тўкисроқ бериш учун ҳовузда ухлаб ётган ой синиши тасвирини кўмакка чақиради. Бу шеърий тасвир туфайли ўқувчига Ойни синдириш ишқни сўндиришга қараганда осон экани англашилади.

А. Кўчим шеърларида ошиқ руҳиятининг инжа тўлғанишлари ингичка тасвирланади. Бунда шоир ошиқ ва маъшуқа ҳолатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш усулидан унумли фойдаланади. Шоирнинг "Кўзларингда бир олам сеҳр" шеърида маъшуқадан жабр кўраётган, аммо азобдан роҳатланадиган ошиқ ҳолати ғоят ўзига хос йўсинда тасвир этилади. Шеърда азиз бўлган одамнинг берган азоблари ҳам лаззатбахш бўлиши мумкинлиги ўзининг поэтик ифодасини топган:

Кўзларингда гувиллар бўрон,
Учираман, дейди жонимни.
Мен қучаман, ўпаман шодон
Бўронимни – меҳрибонимни.

Абдусаид Кўчим шеърларида туйғуларни сувратлантиришга уринади. Шунинг учун ҳам унинг аксар битиклари ўқувчи дилини ром этиб, шоирга туйғудош қилади.

Табиатга кўчган руҳият

Абдусаид Кўчим – ўзи ва туйғуларини табиатдан айро кўрмаган ижодкор. У ўзи тўғрисида ёзаётганда табиатни восита қилади, табиат ҳақида битаётганида эса ўзини кўзда тутади. Таниқли ижодкор Улуғбек Ҳамдам: "***...шоирлик – тинимсиз равишда табиатга қайтишлик***",– деган эди. Чиндан ҳам шоир кўнгли табиатга муносабатида яққолроқ намоён бўлади. Зеро, жамият одамни ҳамиша ўзига мослашга, йўриғига юритишга уринади. Табиат эса шахсга зуғум ўтказмайди, уни борича қабул қилади. Шу боис ҳам ўзгалардан қочиб, ўзини топмоқчи бўлган одамки бор табиатга талпинади. Шоир қалби ўз бетоқатлиги, изтироблари, топиш ва йўқотишларини табиат билан боғлаши шундан.

А. Кўчим ҳам юрагидаги дилгирликни ифодалаш учун бўронли кўкдаги ой титроғини восита қилади. Шоир тасвирда ўзидан узоқлашгани сари ифодада кўнглига яқинроқ келади: "***Ярим кеча. Гувиллар бўрон, Яримта ой титрар саргардон. Кўнглим менинг ойданда вайрон***",– деб ёзади "Орзигулим" шеърида. Парчадаги дастлабки икки қатор учинчи мисрада ифодаланаётган руҳий ҳолатни моддийлаштириб кўрсатишга хизмат қилдирилган. Тасвир табиат ҳақида боради, шеър эса шоир руҳияти тўғрисида бўлиб чиқади. Тасвирнинг инжалиги ҳиссий ҳолатни воситали идрок қилиш имконини беради.

Шоир "Кел, бағримга..." шеърида қиш табиатидаги кичик бир манзарани чизиш орқали ошиқдаги ўта чигал ва андуҳли кечинмалар силсиласини ифодалай билган:

Музлар қишнинг қовурғалари,
Оқиб ётар ариқда лим-лим.
Йиртилди-ей сабр дафтари,
Сен келмадинг, келмадинг, гулим.

Қишнинг қовурғалари бўлиб туюлган музларнинг ариқни тўлдириб оқиши шоирга ишқ йўлида саргардон бўлган ошиқнинг лошига ўхшаб кўринади. Зеро, ёр келмагани учун сабр дафтари йиртилган ошиқнинг руҳи абгор бўлган муз ҳолидан авло эмас. Абдусаид Кўчим лирик қаҳрамон ҳолатини тўғридан-тўғри чизишдан кўра, табиат кўринишини манзаралаштириш орқали ўқувчи тасаввурида пайдо қилишни хуш кўради. Бундай йўл тутилганда, ўқувчи шеър сатрларини борича қабул қилиб қўя қолмай, унинг устида ўйга толади, ҳар бир тасвирдан маъно чиқаришга уринади.

Тасвир тўғридан-тўғри ўзига қаратилган шеърларида ҳам шоир табиатни восита қилади. Бу усул тасвирга кўлам бахш этиб, таъсирчанлигини оширади: "***Менинг қалбим осмон каби кенг, Унда ухлар тоғлар, дарёлар***". Баъзи шеърларида шоир борлиқ ҳодисаларини акс эттирар экан, миқдорнинг кичиклиги ва катталиги билан сифатнинг катталиги ва кичиклиги ўртасидаги ўзгарувчан қарама-қаршилик асосида бадиий эффект яратади: "***Дунё сиққан юракка фақат Сен сиғмадинг, сиғмадинг, гулим***". Яъни юрак шу қадар каттаки, унга дунё сиғиб кетади. Дунё шу қадар кичикки, унга ёр сиғмайди. Ёки ёр шунчалар улуғки, дунё сиққан юракка сиғмайди ёхуд ёрнинг феъли шунчалар майдаки, дунё сиққан ошиқ юрагига сиғишни истамайди...

Шоир "Ёлғиз дарахт" шеърида соф манзаранинг ўзини чизади. Лекин унда қишнинг забтига дуч келган оғоч ҳамда унинг ён-атрофидаги нарсалар

ҳолатини шундай аниқ ва жонли тасвирлайдики, ҳаракатга келган бу тасвир ўз-ўзидан руҳий ҳолатга айлангандай бўлади:

Тарновларнинг кўзи лим-лим ёш,
Қор тагида йиғлар ҳайқириқ.
Чўмилади бир жуфт чағир тош
Нов остида сассиз қийқириб.

Бу тасвирда тарнов кўзида ялтираб турган сумалак, музлаб қолгани учун қор тагида унсиз йиғлаётган сув, қишда новдан устига сув тушмаётгани боис товуш чиқармай қийқираётган бир жуфт чағир тош тафсиллари фотографик аниқлик билан берилган. Тасвирнинг тамкинлиги мисрадаги ҳар бир сўзга қўшимча маъно бағишлаган.

Қисқалик ҳикмати

Одамнинг ёши улғайиб, тажрибаси ортган сари ҳаёт ҳодисаларидан ҳикмат топа боради. Бу ҳол Абдусаид Кўчимнинг ушбу китобга кирган шеърларида ҳам яққол кўзга ташланади. Зеро, шоир ҳаётга кўпни кўрган фозил ойдиннинг назари билан қарайди ва ундан ҳикмат бўлғулик тўхтамларга келади. Лекин шоирнинг ҳикматлари фақат тафаккур маҳсулларигина эмас, улар сезимлари нозик ижодкорнинг ҳиссиётга йўғрилган иқрорлари тарзида ифода этилади: "***Бўтам, фожеамас очлик, тахтсизлик. Аммо, яхшиликни билмаган зотга Яхшилик қилиш ҳам... Катта бахтсизлик***", – дейди "Жавоб" шеърида. Шоир нега шундай деётганини изоҳлаб ўтирмайди, лекин ўз тўхтамини таъсирли қилиб ифодалашга эришгани билан ўқувчини ўйга чўмдиради. Шоир ўқувчини яхшилик қилмасликка ундамайди. Аммо яхшилик ҳам ўйлаб қилингани маъқуллигини таъкидлайди.

Шеър сўнгида тасвирдаги зиддият руҳи янада оширилади: "***Кўпам парво қилма, Ўйланма***

кўпам. Ҳаёт ўткинчидир, умр бир тутам. Одамзотдан қолар фақат яхшилик, Фақат яхшилик қил, яхшилик, бўтам". Шоир ўзининг олдинги хулосасига қарши боргандай бўлади. Лекин у йўл кўрсатишни, рецепт беришни даъво қилмагани, балки бир оддий банда янглиғ мулоҳаза юритаёгани учун бу ифода мантиқсизлик бўлиб туюлмайди.

А. Кўчимнинг "Ҳикоят" номли воқеабанд шеърида дўсти йўқ инсоннинг ҳаёти ҳаёт эмаслиги ҳикматомуз йўсинда ифодаланган. Шоирнинг "Қўрқоқлар" шеърида қўрқоқларнинг ёвуз ички дунёси шафқатсизлик билан кўрсатилган: ***"Зарра қадрлашмас ўздин ўзгани, Шафқат ҳам қилмаслар ҳеч вақт, ҳеч кимга. Билибми, билмайми бўйнин чўзганни, Бошини сапчадай узишар зумда***". Этни жунжиктирадиган бу тасвирдан қуённинг энг хавфли йиртқич экани англашилади. Негаки, қўрқоқ қўрққанидан ёвузликка хизмат қилаверади. Бу битикларда насиҳат эмас, ҳикмат бор. Зеро, панд-насиҳатда ўқувчи келиши керак бўлган хулоса ҳам чиқариб қўйилган бўлади. Ҳикматдан эса ўқувчининг ўзи хулоса чиқаради.

Шоирнинг қатор шеърларида ҳаёт ҳодисаларига кулиб назар ташлаш орқали ундан ҳазиломуз ҳикмат чиқаришга мойиллик сезилади. Жумладан, "Бродвейда" шеърида шу ҳолни кўриш мумкин. Бундай қаралганда, шеърда ҳикмат бўлғулик тасвир йўқ. Агар сарлавҳаси бўлмаса, шеърда нима дейилаётганини тушуниб олиш ҳам мумкин эмас. Шоир тасвир маҳорати сабаб сўзлар сони кам бўлгани сайин ундан келтириб чиқариладиган маъно салмоғи ортиб бораверишига эришган: ***"Қизиқ ҳолга гувоҳ бўлдик бу ерда яна Ўзингизга қолди унинг бор хулосаси. Оппоқ эди бахти тўкис отаю она, Майиздан ҳам қора эди, аммо боласи***". Севгида садоқатни, насл тозалигини одамнинг тириклигидан баланд ҳисобловчи ўзбек учун боласи майиздай қора оқ танли ота-онанинг "бахти тўкис" лиги тушунарли эмаслигидан ҳикмат пайдо бўлади.

"Ҳаётда ҳар доим билмаган одамларга жуда осон бўлиб кўринадиган жуда қийин ишлар учраб туради. Бунга қисқа шеърлар мисол бўлиши мумкин",–деб ёзади хитойлик шоир Чжу Цзи-цин. Абдусаид Кўчимнинг ушбу китобидан ўрин олган "Отамнинг айтганлари" туркумига кирган кўплаб шеърлар мўъжазгина ҳажмга улкан мазмун сингдиришга уриниш натижалари ўлароқ дунёга келган битиклардир.

Кўринишдан осонлик билан битилгандай бу шеърлар қаттиқ меҳнат натижаси ўлароқ дунёга келган. Қисқа ёзиш учун ҳамиша кўпроқ меҳнат қилиш талаб этилади. Зеро, қисқа шеърда кўп нарса айтилмагани ҳолда жуда кўп нарсага ишора қилиш имкони бўлади. Бундай битиклар учун ўқувчи эстетик истеъмолчигина эмас, балки шоирнинг ижодий шериги, яратувчи мақомида бўлади. Шоирнинг "Кўрқоқдан қўрқ" тўртлигидаги: *"Довлашавер дов билан, Ёвлашавер ёв билан. Чўчима сур, олчоқдан, Қўрқоқдан қўрқ, Қўрқоқдан"* сўзларидан келтириб чиқариш мумкин бўлган мазмун ҳар бир ўқувчининг интеллектуал имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳисобсиздир.

"Оқишни ўргатма ариққа, Сузишни ўргатма балиққа" тарзидаги олти сўздан иборат бўлган бошқа бир шеърдан келиб чиқадиган маъно саноғини тасаввур қилиш ҳам қийин. Китобдаги яна бир шеър тўртгина сўздан ташкил топган ва унинг тенг ярми такрор ишлатилган: *"Деди – деди Уни еди"*. Шоирнинг кам сўз қўллаганлиги талқин имкониятининг кенгайишига йўл беради.

Туйғуланган тафаккур ёғдуси нурлантириб турган шеърлардан ташкил топган ушбу китоб ўқувчининг доимий йўлдошига айланиб қолишига умид қиламиз.

2008 йил 20 январ

КЕЧАГИ КУН – САБОҚ

Азиз ўқувчи!

Ҳар бир одам учун ўтган кунлар ўзига хос бир сабоқдир. Негаки, ўтмишини билмаган одам келажагини ҳам тасаввур қилолмайди. Ўз тарихини меҳр-муҳаббат ва ифтихор билан ўрганган миллатдагина буюк бўлиш имконияти бор.

Боболаримизнинг етти отани билиш кераклиги борасидаги талаблари бежиз бўлмаган. Ўзидан олдин ўтган етти отанинг хатти-ҳаракатлари ва табиатларидаги яхши-ёмон жиҳатларни билган фарзанд шу билганлигининг ўзи биланоқ ўзини ўзи тарбиялашга киришади. Иккинчи томондан, оталари босиб ўтган йўлни билган одамда уларнинг эзгу ишларини давом эттириш, камчиликларини такрорламаслик имконияти бўлади. Айни вақтда, у фақат ўзи учун эмас, балки ота-боболари учун ҳам масъуллик, жавобгарлик туяди. Ўтганлар учун жавобгарлик ҳис қилган одам ўзининг ортидан келаётган кейинги авлод олдида ҳам масъулият туйиши аён ҳақиқатдир. Демак, кечаги кун, яъни ўтмиш ва тарих одам учун улкан бир сабоқдир.

Одам фақат бугуннинг ўзи билан яшай олмайди. Афсуски, ҳозир кечаги кунини ўйлайдиган, етти отасини билишга интиладиган одамлар унчалик кўп эмас. Ҳолбуки, дунёнинг тарихини билгандан кўра, ўз аждодларининг ҳаёт йўлини чуқурроқ ўрганиш инсоннинг маънавияти учун кўпроқ хизмат қилади. Чунки одамнинг бугуни ҳамиша унинг кечаги куни устига қурилган бўлади. Бугунни тушуниш, қадрлаш, тўғри баҳолаш, эртанги мўлжалда хато қилмаслик учун кечаги кундан яхши хабардор бўлиш лозимдир.

Алоҳида бир одамнинг бугунги куни каби халқнинг бугуни ҳам тайёр ҳолда осмондан тушиб қолмайди. У ҳамиша кечаги кимлардир томонидан яратилган бўлади. Унинг яхши-ёмонлиги ана шу яратувчиларнинг қандай кишилар эканига боғлиқ. Шу маънода таниқли баталист ёзувчи Абдурашид Нурмуроднинг қўлингиздаги китоби алоҳида тарбиявий-маърифий аҳамият касб этади.

Ёзувчи "Болаликка отилган ўқ" китобида болалиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган юртдошлари[illegible]з қисматини барча мураккаб қирралари билан акс эттиришга эришган. Оламнинг сарвари бўлмиш одамзот тарихининг жуда катта қисми турли-туман манфаат ва ғаразлар илинжида тинимсиз ғавғолар, одам қони сув қилиб оқизилган урушлар ичида кечди ва кечмоқда. Уруш инсоният бошидан ўтказган саноқсиз бахтсизликларнинг энг ёвуз кўринишидир. Афсуски, уруш фақат катталар ўртасида ва фақат жанг бораётган жойлардагина кечмайди. Яна бир ёмон жиҳати шундаки, урушнинг азобини уни бошлаганлар ва ундан фойда кўрадиганлар эмас, балки бегуноҳ одамлар тортади. Шу маънода, ҳар қандай урушнинг энг биринчи қурбонлари болалардир, дейиш мумкин. Улар ўқ овозларини, бомба портлашини эшитмасликлари, ўққа учмасликлари мумкин. Лекин уларнинг болалиги ўққа учади, улар умрининг ибтидоси ярадор бўладики, бу жароҳат ҳеч қачон тузалмайди. Ҳатто, кейинги авлодларга ҳам ўтади.

Ёзувчи ушбу китобда болалар кўнглида, хотирасида қолган битмас жароҳатларни катта маҳорат билан таъсирли акс эттирган. Муаллиф тасвир қамровини кенг олади. У нафақат Ўзбекистон, балки болалиги Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон каби республикаларда, уруш бораётган жойлардан минглаб чақирим олисда ўтган одамлар тортган азоблар, берган қурбонлар ҳақидаги аччиқ ҳақиқат-

ни бор бўйича кўрсатишга интилади. Ёзувчи ифоданинг холислигини таъминлаш мақсадида кўп ўринларда тасвирни қаҳрамонлар тилидан олиб боради. Бунинг устига, асарга тўқима образлар киритмайди, балки бугунги кунда биримизнинг отамиз, биримизнинг момомиз, биримизнинг қариндошимиз бўлган одамларнинг номи ва маконини аниқ келтириб, уларнинг бошидан ўтганларни уларнинг ўз тилидан баён этадики, бу усул тасвирнинг таъсирчанлигини кескин оширади.

Мен муҳтарам ўқувчиларнинг китобдаги бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишларини истардим. Унда вазият қанчалик мушкул, шароит қанчалик оғир бўлмасин, фазилатли одамнинг фазилати, иллатли кимсанинг иллати ўз ўрнида намоён бўлиши ўта таъсирли йўсинда акс этган. Имкони бўла туриб, очдан ўлаётганларга бир бурда нон бермаган, ўлишгач эса, кафанлик учун бир парча матони қизғанган одамлар бўлгани каби, охирги тишлам нонини ўзгалар билан бўлишган нурли шахслар ҳам яшагани ва айни шундай инсонлар туфайли ҳаёт давом қилаётгани асарда жуда ҳам ишонарли тасвирланган.

Ота-боболаримиз табиатидаги чексиз сабр-тоқат, эзгулик, меҳнаткашлик, чидам каби сифатлар тасвири китобни ўқиган кишини ҳайратга солади. Ана шундай эзгу фазилатларга эга бўлгани учун ҳам халқ ғалабага етиб кела олганлиги англашилади. Айни шу жиҳат бизни бугунни қадрлашга ундайди.

Асар билан танишган одам бугун ёмон яшамаётганимизни теран ҳис қилади. Шу билан бирга, китобда тасвирланган чексиз азобларни бошидан кечирган миллат бунданда яхшироқ яшашга ҳақли эканини туяди. Ва кўпчиликнинг кўнглида эртанги кунимизни, келажагимизни янада нурлироқ кўриш ва қуриш истаги пайдо бўладики, китобнинг маърифий, маънавий, тарбиявий қиммати ҳам шундадир.

Китобнинг ифода тарзи таъсирчан, содда ва равон. Тили ғоят тушунарли ва айни вақтда воқеа кечган даврдаги ҳаётни акс эттиришга мосдир.

"Болаликка отилган ўқ" асари икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида болалиги Иккинчи жаҳон урушида кечган одамларнинг бошидан ўтганлар акс этади. Уларда воқеалар болалар назари билан кўрсатилади ва уларнинг нутқи орқали ҳикоя қилинади.

Иккинчи қисмида эса уруш фожиаси ўта қабариқ тарзда акс этган инсонларнинг тақдири тасвирланган бир неча ҳикоя берилади. Уларда урушнинг уруш тугагандан кейин ҳам тугамаслиги, у келтирган фожиа бугунги кунда ҳам кимларнингдир ҳаётини кемтик қилиб, кимларнидир балоларга дучор этаётгани маҳорат билан акс эттирилган.

Ушбу китобнинг "Нотекис йўл" рукнида бугунги болалар назари билан кўрилган воқеа-ҳодисалар ҳамда уларнинг мураккаб тақдири акс этган ҳикоялар берилган. Қўлингиздаги китобнинг шу тарзда қурилиши уни ўқиш мобайнида оладиган таассуротларнинг изчил, давомли ва ҳаётий асоси мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Азиз ўқувчи, Сизга иккинчи жаҳон уруши даври болаларининг кўнгил кечинмалари, изтиробу қувончлари билан танишиш имконияти бериляпти. Сиз бу китобни ўқиб чиқиш орқали аждодларингиз билан юз кўришасиз ва уларни чуқурроқ тушуниб оласиз.

Сизга бугунги тенгдошларингиз ҳаёти акс этган асарларни ўқиш имкони ҳам берилаётир. Сиз бу битикларни ўқиш орқали ўз тенгдошларингиз руҳиятини теранроқ илғаб олишингиз мумкин бўлади.

Ўзгани англаш сари қўйган қадамларингиз хайрли бўлсин!

2008 йил 2 май

ИЗТИРОБЛАР КОМИДАГИ ҲАЁТ ТАСВИРИ

Муҳтарам ўқувчи! Қўлингиздаги "Оворанинг кўрган-кечирганлари" романи таниқли ёзувчи Саломат Вафонинг бу жанрдаги иккинчи асари бўлиб, илк романи "Тилсим салтанати" атрофида ўқувчи ва синчилар анча баҳс-мунозара қилишганди. Бу адибанинг асарлари билан бир қадар таниш бўлган одам биладики, унинг битганларини дам олиб роҳатланиш учун ўқиб бўлмайди. Саломат ўқувчисининг туйғуларини безовта қилиб, уни руҳий мувозанатдан чиқариб, тинчини ўғирлайдиган ижодкорлар сирасига киради. Унинг асарларини ўқиш ўзига яраша меҳнат, ўзга билан туйғудош бўла билиш йўлидаги синов. Шу меҳнат ва синовга тайёр одамгина "Оворани..." ўқишга тутингани тузук. Акс ҳолда, кишининг овора бўлгани қолади: воқеаларни тушунмайди, қаҳрамонларни ҳис этмайди, демак, муаллифни англамайди. Негаки, бу китобда ўзидай ўзлиги бор одамни, кўнглидай кўнгил эгасини, ҳаёлидагидай ҳаётни топиш илинжида овораи жаҳон бўлган аёл қисмати ўзгача йўсинда тасвир этилган.

Ўтган асрнинг атоқли файласуфи Мартин Хайдеггернинг: ***"Одам борлиқнинг хўжаси эмас. У борлиқнинг чўпонидир"***,– деган фикрида катта ҳақиқат бор. Негаки, чўпон поданинг кетидан эргашиб юришга мажбур бўлгани каби одам ҳам кўпинча ҳаётнинг ортида судралиб юришга маҳкум. Одам ўз ҳаётини яратгиси, тартибга солгиси, олдида юргиси, жилла қурса, унинг ичида бўлиб, таъсир кўрсатгиси, ўрнини топгиси келади. Лекин ҳаёт дарёсининг шиддатли оқими унга қўшилганларнинг кўпини ғарқ қилиб юборади. Саломат Вафонинг "Оворанинг кўрган-кечирганлари" романи қаҳрамони

Салтанат ана шу оқимга тушган, унинг шиддатини енгишга жон-жаҳди билан уринаётган аёл.

Саломат романида ўқувчига ақл ўргатмайди, уни эзгуликка даъват этмайди, қиссадан ҳисса ҳам чиқармайди, фақат тириклик дарёсида оқиб бораётган миллионлардан бирининг қисматини ҳеч қандай бўёғу безаксиз кўрсатиб беради. Кўрсатганда ҳам одам тақдирининг шўришлари, аччиғи, жирканчу ёқимсиз томонларини борича гавдалантиради.

Муаллиф романда акс эттирилган воқеа ва тасвирланган образлардан умумлаштирувчи хулоса, ижтимоий маъно қидирмайди. Асар тасвири кўпроқ маънавий-ахлоқий сабоқ чиқаришга ёвуқ. Лекин холис тасвир услубига мойил ёзувчи буни ҳам ўқувчининг ўз ихтиёрига қолдиради.

Саломат Вафо одам табиатини бирор ижтимоий тузумнинг оқибати дейишдан кўра, тузумнинг яхши-ёмонлигига жамият аҳлининг табиати сабаб деб биладиган ёзувчилар сирасидан. Унинг асарларида одам оқибат эмас, балки сабаб сифатида тасвирланади. Сабаб бўлганда ҳам ҳар ким ўз оқибатининг сабаби тарзида кўрсатилади. Шу тариқа, "Овора..." романининг бош қаҳрамони Салтанат Маҳмуднинг саргузаштлари жамиятнинг қандайдир бир қатлами ёки табақасининг эмас, айнан бир одамнинг, одам бўлганда ҳам фақат ўзининг вакили бўлган овора шахснинг кўрган-кечирганларидир.

Ижтимоий тарихдан фарқ қиларок, бадиий адабиёт учун жамиятнинг кечмишларидан кўра, алоҳида одамнинг бошдан ўтказганлари муҳим саналади. Айниқса, роман "алоҳида бир шахснинг эпоси" ўларок, шахснинг руҳиятини тадқиқ қилишга йўналтирилади. Эстетик диди шўро даврида шаклланган ўқувчиларда бадиий асарнинг қимматини унда тасвирланган муаммонинг кўлами ва салмоғи белгилайди деган қараш бор. Гўё асарда акс эттирилган муаммо қамрови қанчалик кўп одамга тегишли бўл-

са, унинг аҳамияти шунча катта бўлади. Аммо асл адабиёт ҳамиша ҳам омма билан эмас, балки алоҳида бир одам кўнгли билан шуғулланади. Қўлингиздаги роман ана шундай ёндашувни талаб қиладиган асардир.

Одамзот жамоа бўлиб яшай бошлагандан буён шахс ва жамият ўртасида зиддият мавжуд. Зеро, жамият ҳар бир одамдан белгилаб қўйилган тартибларга амал қилиш, ўз манфаати, истакларидан воз кечишни талаб қиладики, бунинг шахсга ёқмаслиги тайин. Ўзбек азал-азалдан ижтимоий тартибларга ортиқ даражада амал қилиб яшайди. У кўнгил истаклари, табиий майлларини жиловлаб, жамиятда мувофиқ кўрилган тарзда ҳаёт кечиришга уриниб келади. Бугунги ўзгарган давр ана шу қадимий этник хислатларга ҳам таҳрир киритди. Миллат ўз тараққиётининг шундай босқичига келдики, эндиликда шахс билан жамиятнинг манфаати тўқнаш келган жойда шахс орқага чекинавермайдиган, ўз ҳақидан кечмайдиган бўлди. Шу боис одамларни бир-бирига боғлайдиган ришталар кўпайгани сари улар тобора бир-биридан узоқлашиб бормоқда.

Швейцариянинг XX асрдаги энг йирик ёзувчиси Макс Фриш: "***Жамият ўзингдан ташқаридаги ёлғизликдир***", – дейди. Чиндан ҳам одамлар ижтимоий жиҳатдан бир-бирларига яқинлашганлари сари алоҳида бир одам тобора ёлғизланиб бормоқда. Олдинлари ёлғиз одам чиндан ҳам ёлғиз, бошқалардан ажралган бўларди. Энди одам ўзи сингари миллионлар орасида туриб ҳам ёлғизланаверди. Чунки одамларнинг кўнгли бир-биридан бегоналашиб, руҳияти йироқлашиб бормоқда. "Оворанинг кўрган-кечирганлари" романидаги Салтанат ана шундай одам. Умрининг гўзал йилларини укасингилларини оёққа турғизиш, оиласи турмушини

йўлга қўйишга бағишлаган бу аёл етти ука-синглиси, эри, ота-онаси, қайнота-қайнонаси, болалари, бир олам танишлари бўлгани ҳолда енгил бир имдодга зор бўлиб, моҳиятан ёлғизликда азоб чекади.

Салтанат жамиятдан ёруғлик кўрмайди. Жамоа унга ўз талабларини тиқиштиради, лекин унинг оғирини енгил қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Одам шу тариқа ёлғиз ҳаёт кечиришга маҳкум. Яна бир ғалати жиҳат шундаки, жамият одамга чинакам ёлғизлик имконини ҳам бермайди. Одам истамаса ҳам жамият уни ўз домига тортади. Бу ҳол асарда: ***"Орқа-олдимга қарамай қочарканман, ўзимга келганимда оломон ичида кетиб борардим. Нафасим бўғзимга тиқилар, қўлимдаги целлофан халта оғирлик қиларди. ...Чайқалиб бораётган оломон ичида, мўйловдор одамлар бақирар, аёллар ва ёш болалар алланарса деб чинқириб олға интилишарди"***, тарзида сирли тасвир этилади. Асарда шахс ва жамият муносабати турли ракурсларда кўрсатилган. Одам жамиятдан қочиб қутулолмайди. Оломонга қўшилиш, у билан бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган Салтанат битта ёвуздан қочиб, бошбошдоқ ёвуз оломон оқимига тушиб қолди. Уни суриб кетдилар, қўшиб олдилар, янчиб ташладилар. Шу тариқа оломон Салтанат боласининг ўлими ва унинг кейинги барча кўргуликларига сабаб бўлди. Қаҳрамонни бу балолардан, охир-оқибатда, оломон эмас, эзгу ниятли шахс қутқаради. Жамият билан шахс ўртасидаги зиддият ҳамиша ҳам индивид учун шунга ўхшаш оқибат билан тугайди. Ўзбек адабиётида Саломатнинг ушбу романига қадар шахс ва жамият муносабати бу қадар кескин қўйиб тасвирланмаганди.

Романда одамнинг ҳаёти тузум ёки тизимга эмас, балки унинг табиати ва қисматига боғлиқ экани ишонарли кўрсатилади. Салтанат бегона шаҳарда,

ўғилу қизини боқолмай, ҳар кимларнинг эшигида хору зор бўлиб яшаётганда, унинг укаси қандайдир "Диля"нинг бир оғиз гапига уч миллион бериб юборади-ю, ўз опасига бир сўмни раво кўрмайди. Кошонасига қандил қўйиш учун кўтарма кран излаб юрган бозорчи сингил уйсиз, ишсиз эгачисига қайишишни хаёлига ҳам келтирмайди. Салтанат ва фарзандларининг ҳаётини таъминлаши керак бўлган эр эса аёл тийинлаб йиққан пулларни олиб, уларни ташлаб қочади. Асарнинг тасвир мароми шундайки, гўё оламнинг бутун азоблари биргина Салтанат устига ёпирилиб келганга ўхшайди.

Ёзувчи, умуман, одам, хусусан, аёл туйғуларини ғоят нозик ҳис қилади ва таъсирли тасвирлай билади. Кўчадан келиб, ижара уйидаги нарсаларнинг сочилиб ётганлигини кўрган аёлнинг ҳолати ва хатти-ҳаракати романда ишонарли акс эттирилган: ***"Жонҳолатда диван остидаги пул турадиган жойга қўлимни тиқдим, пул йўқ. Ичим аллақандай ҳароратдан титради, телефонга ёпишдим. Шу маҳал эшик қўнғироғи жирингланди, чўчиб кетдим. Гўё ўғрилар олиб кетилмаган бошқа майда-чуйдалар учун қайтиб келгандай эди"***. Бу ўринда экстримал ҳолатга тушган аёл руҳиятидаги кўздан яширин майда ўзгаришлар аниқ тасвирланган. Аёлнинг хатти-ҳаракатлари ҳам, ўйлари ҳам кишида шубҳа уйғотмайди.

С. Вафо роман персонажларига хос хусусиятларни уста рассомлар каби енгил бир ҳаракат, билинар-билинмас бир чизги билан ифодалай билади. Чунончи, Салтанатнинг ҳар дақиқада турланаверадиган бошлиғи асарда ***"Бошлиқ, бирдан ўзининг раҳбарлигини эслаб қолди чоғи, Козим Худойига бир оз юқоридан қараб..."*** тарзида тасвирланиб, персонажнинг ясама табиати яққол кўрсатилган. Ёки "ичгандагина очилади"ган Анор Холиқ феълига хос камсуқумлик, бори-йўғининг билинмаслиги

маиший детал воситасида кўрсатилади: ***"Холиқнинг шарпалиги чинми, турли нағмали саслар чиқарадиган минг йиллик столимиз негадир овоз чиқармади"***. Дунё ва унинг ташвишлари билан иши йўқ дарвештабиат Козим Худойи тимсолининг ***"Козим Худойи ҳали ичилмаган шароблрнинг кайфидан маст"*** йўсинда тасвирланиши образ табиатини ёрқин намоён этади.

Адиба кўпсўзликдан қочади. Чигал ва мураккаб руҳий ҳолатлар тасвирида ҳам қисқаликка интилади. Океан ортидаги номаълум суюклиси қилган қўнғироқ Салтанатни қай ҳолга солгани: ***"Юрагим ҳаприқиб, "яхшиман, шукур..." дейман ва дунёнинг сўз бойликлари тугайди"*** йўсинида ифодаланиши муаллифга сўзни тежаш имконини беради. Саломат тасвирда ретроспектив усулдан самарали фойдаланади. Негаки, ҳар бир ўй одами иккига ажралиб, ўтмиш билан бугун орасида, ўзи ва биров бўлиб яшайди. Бир вақтнинг ўзида ҳам бугундаги, ҳам ўтмишдаги ўзини яшаётган иккиланган одам шахсиятини кўрсатишда ретроспекция энг мақбул йўлдир.

Ёзувчи руҳий ҳолатни чизишда ўқувчини ортиқча уринтирмасликка интилади. Образларда тўсатдан пайдо бўлган чигал туйғулар, мушкул сезимлар воситали тасвир ёрдамида ифодаланади. Адиба ***"Бозор улкан кабобхонага ўхшарди. Ҳаммаёқдан кабобнинг тутуни ва ҳиди келарди. Одамлар йиртқичдек гўшт егани еган"*** тарзидаги тасвир орқали ҳам қашшоқ одамнинг этга зорлигини билдиради, ҳам бозор тўла эт бўлгани ҳолда унга етолмаётган кишига муносабат пайдо қилади, ҳам персонажнинг нуқтаи назарини ифода этади. С. Вафо ўқувчига ишонгани боис унга ҳар бир нарсани ижикилаб тушунтираверишга уринмайди. Бу ҳол китобхонни персонажларга ҳам, муаллифга ҳам яқинлаштиради: ***"Узоқдан Ойзода Камолни кузатиб, санъат билан бозорнинг ораси жуда олис***

нарсалар эканлигини англадим". Китобхон шундай ўйлаётган Салтанатни ҳис қилгани каби буни ёзаётган адибани ҳам тушунади.

Роман бош қаҳрамони Салтанат очундаги барча замонавий аёлларга ўхшасада, унинг ўзбек эканини билдирадиган бир жиҳат жуда ишонарли акс эттирилганлиги муаллифнинг маҳоратидан далолатдир. Салтанат оламга эрли аёлнинг кўзи билан қарайди. Жумладан, унинг эри борлиги ёки кетиб қолганидан мутлақо хабарсиз Маҳмуд машинасига таклиф қилса, Салтанатнинг: ***"Энди дуч келган одам билан кетавераманми? Энди эрсиз хотинга қарашгандай муносабатда бўлишади"*** тарзида ўйлаши ўзбек аёлининг руҳиятини ифодалаши жиҳатидан характерлидир.

Маълумки, одам руҳияти – вазиятнинг маҳсули. Вазиятнинг ўзгариши одамнинг, айниқса, ўзбек аёлининг рутбасини тамомила ўзгартириб юбориши мумкин. Буни Салтанатнинг қуйидаги ўйи ифодасидан ҳам билса бўлади: "***Мақсуданинг тиниқ қора кўзларига, бўйнининг ости билан боғланган ялтироқ рўмолига тикилиб, негадир хаёлимга эримнинг ташлаб кетгани ва Султонбек келади***". Эри кетиб қолмаган аёл бундай ўйламайди, албатта. Қанчалик мустақил, замонавий бўлмасин, ўзбек аёли эрига боғланган. Бу боғлиқлик жисмоний эҳтиёж ёки иқтисодий заруриятдан ҳам кўра, руҳий суянчиқни акс эттиради. Муаллиф одам ҳаракатини эмас, руҳиятини манзаралаштиради. Қанчалик феминизацияга йўлиқмасин, ўзбекнинг қизи кўнглининг бир четида аёл учун эрсизликни нуқсон ҳисоблайверади ва бу туйғу ҳамиша онгостида сақланиб, ташқарига чиқишга шай туради. Шунинг учун ҳам асар қаҳрамонининг: ***"Эшитдингларми, унинг эри ташлаб кетибди! Бу шунга касал бўлиб қолибди". "Яқинда қайнонаси келибди, уйга бормасанг, хотинлик қилмасанг... ўғлимни уйлантираман,***

дебди". Бу гаплар қулоғимдан эмас, юрагимда из қолдириб ўтарди. Мен айни шу гапларни эшитмаслик учун куннинг қай маҳали кўчадан ўтишни билмасдим" тарзида бот-бот ўйлайверишида сунъийлик, зўракилик йўқ.

Саломат персонажнинг руҳий ҳолати таъсирида пайдо бўлган тасаввур билан реал борлиқ ўртасидаги муносабатни нозик ҳис этади. Романда ижарадор кампир ҳолати қаҳрамон тасаввурига асосланиб, ўзига хос йўсинда тасвирланган. *"Уйдан аллақандай нотаниш, қари одамларга хос ҳид келарди... Беканинг овқат чайнашидан бутун вужуди, суяклари ҳаракатга келиб ва бир-бирига урилиб "куртиллаётган"дай овоз чиқарарди. Луқмасини худди курка жўжасидай қийналиб-қийналиб ютарди..."* Бу тасвирда ёқтирмаган кекса кишига ўз ҳолатидан келиб чиқиб баҳо бераётган қашшоқ, ташвишларга кўмилган ёш аёл руҳияти акс этган.

"Ованинг кўрган-кечирганлари"да тасвир одоби борасида миллий адабиётимизда шаклланган қарашларга унчалик амал қилинмагани кўзга ташланади. Ёзувчи бадиий ҳақиқат тасвирини ижтимоий ахлоқ талабларини бажаришдан муҳим деб билади. Ўзбек адабиётида аёл, ҳатто паранжи ташлаганидан кейин ҳам, парда ичида тасвирланиб келинарди. Унинг хатти-ҳаракатларигина эмас, балки кўнглидан кечирганларида силлиқлаб кўрсатиларди. Саломат ёш аёлнинг кўнгил мулкидаги энг сирли, энг маҳрам туйғуларни борича тасвирлашга жазм қилади: *"Панжара ортида илгари ҳам бир-икки марта кўрган жуда келишган бир йигит тиловат этарди. Хонадаги гап-сўзлар унча қулоғимга кирмас, тиловатни бутун вужудим билан тинглардим. Сўз билан ифодалаб бўлмас аллақандай ички бир дард тўғрисида нотаниш тилда айтилаётган айтим. Балки бутун олам ва инсон дарди шу тахлит ижро этилса, юракларга етиб бо-*

ражак. Овоз эгасини, гўзаллик оламини яхшилаб кўриш учун эгилдим... Юрагим уришдан тўхтаб қолаёзди. Тиниқ нигоҳлар... қора мўйлов остида жойлашган қимтилган лаблар. "Нега унга қироат этиш буюрилган? Унинг нигоҳларига ботиб кетиш ва уни севиш учун дунёнинг исталган динига кириш мумкин эди". Бизда бундай ўйланмасди. Тўғрироғи, ўйланган бўлсада, ёзилмасди. Айниқса, аёллар шундай ёзиши мумкинлиги хаёлга ҳам келтирилмасди. Аслида бу ўйлар ортида инсоннинг чин руҳияти, кўнгли ётибди. Эҳтимол, бу руҳият топ-тоза эмасдир. Аммо у руҳият ва ўзгаларнинг ҳаётига таъсир кўрсатади. Бинобарин, бундай ўйли одамларнинг ўйи билан танишиш одамни чуқурроқ билиш имконидир. Макс Фришнинг ярим аср олдин айтган: *"...ёзувчи ёзаётган нарса сабабли, уятчанликни енгиб, ўз истакларига қарши ўлароқ, умрида бировга айтмайдиган гапларни битади. Ёзганлари туфайли ижодкор китобхон олдида ноқулай ҳолатга тушиб, ўзини қўйгани жой тополмайди"*,– деган гапи Саломат Вафонинг ҳолатига мос келади.

Қуйидаги тасвир ҳам миллий адабиётимизда қарор топдирилган ахлоқий анъаналарга мос келмаслиги билан эътиборни тортади: *"Ўзимни, яъни бир вақтлар Суннат Қурбонларни ғулувга солган гўзаллигимни синаш учун "янги ўзбек"ка тикилиб турдим. У биров тикилиб турганини англагандай "ялт" этиб қаради... Икки-уч сония нигоҳидан кўзимни узмай турдим. Йигит дош беролмай ерга қаради"*. Асарда шу тариқа аёл руҳияти механизми майда-чуйда мурватларига қадар батафсил кўрсатилган.

Романда кўнгли ва виждонига қарши иш қилишга мажбур бўлган Салтанатнинг ночор ҳолати ва ўзини оқлашга уриниши унинг ўйи тарзида бе-

рилиши тасвирнинг таъсирини кучайтиради: *"Кўлимдан тортиб, яноғимдан ўпиб қўйди. Уят ва хижолатдан титраб кетдим. Дарров ўзимни қўлга олдим. "Ўпса ўпар, ишга кирсам бўлди. Ҳозир ҳеч қандай танлаш имконияти йўқ"*.

"Ованинг кўрган-кечирганлари" романида аёлларнинг чигал тақдири фонида катта бир умуминсоний муаммо – эркак ва аёл муносабати масаласи қаламга олинган. Урбанизация туфайли ер юзидаги ҳар бир миллат олдида вақти келиб шу муаммо пайдо бўлиши табиий эди. Чунки инсоният яратилганидан бери аёлга фақат аёл: она, одамни қайта ишлаб чиқарадиган яратиқ тарзида қарашга кўникканди. Энди эса у ишлаб чиқарувчи, бошқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва ҳк. рутбаларга эга бўлди. Тўғри, энг қадим замонларда ҳам аёллар орасидан ҳукмдорлар, бошлиқлар, саркардалар чиққан. Лекин истисно тариқасидаги бу ҳолат аёлнинг асл миссияси борасидаги тасаввурларни ўзгартиролмасди. Цивилизация эса аёлнинг жамиятдаги мақомини тубдан ўзгартириб юборди. Аммо инсониятда минглаб йиллар давомида шаклланган тасаввурнинг ўзгариши тараққиётнинг суръатидан ортда қоляпти. Шу боисдан ҳамон ўзбекларда эркакнинг аёлга муносабати кейингисининг тақдирини ўзгартириб юбориш қувватига эга. Аёл киши ишчи кучига айлантирилган, унга оилани таъминлаш масъулияти ортилган жойда олдин аёл ахлоқи, сўнг бутун жамият маънавияти заҳа емаслиги, азоб тортмаслиги мумкин эмас.

Асарда Салтанат кечирган шўришларнинг кўпчилигига унинг ўзи ҳам, ижтимоий тартиблар ҳам эмас, балки эркакларнинг аёлга нотўғри муносабати, зуғуми, таъқиби сабабчи эканлиги жуда ҳаётий тасвир этилган. Салкам отаси тенги Суннат Қурбон илк бор унга тирғалганда Салтанатнинг боплаб жавоб бериши *"Ҳаммаси жонимга тегди. ...осила-*

диган эркаклар, кун бермайдиган чоллар, ҳаммаси... жонимга тегди... Нима учун тўғри яшаш мумкин эмас?! Минг лаънат суюқ чолларга!.."– тарзида жазавага тушиши самимий ва ишонарли. Тўғрилиги боис ақлга сиғмайдиган азобларни кечирган Салтанат бировлар олдида ўзини оқлашга, қилмаган гуноҳлари учун хижолат чекишга мажбур. Шунинг учун ҳам унинг: ***"Ичимдан йиғи ва алам аралаш бир нарса кўтарилиб келарди. Бир тепаликка чиқиб: "Одамлар... ҳой, биродарлар... эй, туғишганларим. Юрагимни очиб кўрсатаймми... меҳрдан ўзга ҳеч нарса йўқ. Ёруғ оламда сиздан ўзга яқиним йўқ. Тегрангизда дайди шамолдай айландим. Ҳар бир уйга бош суқдим. Энди нетаман мен?.." десаммми..."*** шаклидаги надомати чорасиз аёлнинг дил фарёдидир. Ҳаёт кетма-кет берган зарбалар туфайли синган бўлсада, покиза, мағрур, ўз қадрини биладиган Салтанат кўнглини, танини иш битириш воситасига айлантирмайди. Бундай дейишимизга қаҳрамоннинг: ***"...бирон эркак билан ҳеч қачон рақсга тушмагандим. Бегона эркакни қучоқлашини тасаввур қилолмасдим***",– шаклидаги иқрори асос беради. Шунингдек, персонажнинг бошидан ўтган: ***"Саробга айланган бахт ҳақидаги ўйларим учун мотам тутардим. Ўзимни яхши одам санаганимдан юксак бахтга муносибман, дердим***" тарзидаги ўйи ўқувчида унинг шахсияти борасида муайян фикр уйғотади.

Романда боши ғам-ташвишдан чиқмайдиган ҳар қандай одам сингари қаҳрамон ҳам яхши гапнинг, хайрихоҳликнинг гадойи ва айни шу боис у Суннат Қурбонга кўника ва ҳатто... уни ёқтира бошлагани ишонарли тасвирланган. Чунки аёлга, ғараз билан бўлсада, илк меҳрни Суннат Қурбон кўрсатди. Асарда қалби меҳрга тўла бўлгани ҳолда ўзгалар меҳрига ташна Салтанатнинг барча ўзбек аёллари сингари мавқеи ғоят омонатлиги, истаган эркакнинг ар-

зимас бир қадами унинг тақдирини ағдар-тўнтар қилиб юбориши мумкинлиги ўта ҳаётий ва таъсирли акс эттирилган. *"Ўзимча хушомад этган барча эркакни рад қилган эдим. Ҳамиша инсонни буюк ахлоқ безайди, ана шу мезон уни мукамалликка элтади, деган ғояларга ишониб яшар эдим. Энди улар Салтанат... чўлоқни танишармикан, қайрилиб қарашармикан?.."* – деган ўйлар мағрур, серҳаяжон, жангари, айни вақтда, курашларга мослашмаган Салтанатнинг асл қиёфасини акс эттиради. Адабиётимизда аёлларга нотўғри назар билан қарашдай ўзига хос миллий офат тўғрисида бу қадар очиқ ёзилмаган эди. Ҳолбуки, миллий ахлоқ ва маънавият тўғри шаклланиши учун, биринчи навбатда, бу ҳол очиқ бадиий тадқиқ этилиши лозим.

Асарда шахслиги бир вақтнинг ўзида иккига ажралиб яшаётган одам руҳияти пухта тасвирланган. *"Йиғлаётганимда туйқус, азобларимдан, изтиробларимдан лаззатланаётганимни англадим. Негадир, ўзимни ўзим қийнаб, ўртаб лаззатланаётгандим"*. Бу ерда энг қалтис, кутилмаган таҳликали вазиятларда ҳам ўзини кузатиб, ҳаракатларини тафтиш этиб, ўзини англашга интиладиган киши қиёфаси тасвирланган. Одам, ҳатто, зулмга ҳам кўникиши, азобдан ҳам роҳатланиши мумкин ва бунинг ўз руҳий асослари бўлади. Шоир Иқбол Мирзо бежиз: *"Зулмнинг лаззатини фақат мазлум билади"*, – деб ёзмаган.

Образлар тасвирида ёзувчи ранглар палитрасидан тўкис фойдаланади. Биз одамнинг бир вақтнинг ўзида бир неча қиёфали тасвирига ўрганмаганмиз. Ҳолбуки, одамни фақат оқ ёки қора рангда кўрсатиш мумкин эмаслиги, одам бир пайтнинг ўзида оқ, қора ва бошқа ранглар қоришмасида тасвирлансагина унинг моҳияти ойдинлашиши дунё адабиёти тажрибасидан маълум. Саломат Вафо янги романига шу усулни олиб кирган. Қуйидаги тасвирга эъти-

бор қилинг: *"Хонамга беркитиб қўйган ароқдан устма-уст икки марта қуйиб ичиб юбордим. Ичкилик бутун вужудимга олов бўлиб ёпирилди. Лаҳза ўтмай қоним қизиб бошим айлана бошлади. Энди топиб бўлибсан, Суннат Қурбон. Сархуш оламларга шўнғиб кетаман. Энди ишга жойлаштирганинг ва болаларимни боғчага қўйганингнинг ҳақини ололмайсан. Тақ... таққ... қайси маҳкама бу... яхшиликни ...таъмасиз қиладиган кимса бор деб эшитдим. Нима... қочиб кетди?.. Ким қочади?.. Суннат Қур... Қулл... Ҳа...балли калла... балли калла... Ҳидоятхон, баракалла... Эй, бурнидан ип ўтказилган хўтикча, боплаб сувга олиб бориб сувсиз қайтардимми? Ахир, онанг сенга не деган, болам? Аёл кишининг макри... ҳа-а-а... қирқ эшакка... ҳозир эса қирқ машинага... Ваҳҳа-ҳа... ваҳ-ҳа... Ахир менинг ишим битди, эшагим лойдан ўтди. Аравангни тортиб бир дўзахга йўл ол-чи, Суннатбой... Шу лаҳзада мендан қудратлироқ одам йўқ. Ҳузур қилиб кулиб қаердадир таралаётган машҳур бир қўшиққа сакраб-сакраб ўйнардим"*. Ҳимоячисиз ёлғиз аёлнинг бу ночор исёнида руҳиятининг тизгинсиз ва бебошвоқлиги ёрқин ифода этилган. Романда Салтанат баъзан йўқни йўндирадиган қайтмас тавакалчи, баъзан эса лақма, осон алданадиган уқувсиз аёл сифатида кўрсатилади. Қаҳрамон тасвиридаги шу бетайинликда одам тийнатини тасвирлашнинг ўзига хос тамойили тайин бўлган.

Асарда одамнинг тинимсиз турланиб турадиган ички қиёфаси, бошқариб бўлмайдиган ўй-хаёл ва сезимлар стихиясининг шу йўсин тасвирланиши миллий адабиётда янгилик бўлди. Тўғри, ўзбек адабиётида ҳам ўйлаётган одам кўп тасвирланган. Лекин унда одамнинг хаёли, сезимларидаги табиий парокандалик тартибга солинган, силлиқлаб мақсадга йўналтирилган бўларди. Ҳолбуки, руҳият

ва хаёлда тартиб бўлмайди. Маҳоратли ёзувчигина туйғуларнинг хаоси тасвиридан бадиятнинг космосини ярата билади.

Асарда адоқсиз ташвишлар, кетма-кет келаётган омадсизликлар гирдобида қолган Салтанатнинг тинмай ёруғликка интилиши, эртанги кундан умиди тасвирланади. Тўғри, ундаги бу хусусиятлар исломий йўсинда, юксак ахлоқий аъмоллар кўринишида эмас, балки ҳадсиз интилиш, чегара билмас уринчоқлик, мўъжиза юз беришидан умид йўсинида намоён бўлади. Салтанатнинг интилувчанлиги синган оёқларини ишлашга ўргатиш учун эрталаб эллик саккиз қадамли йўлни чидаб бўлмас оғриқни енгиб ўн икки бор босиб ўтишга, акашак қўлларни ҳаракатга келтириш учун кўрпачага юз-юз эллик мушт туширишга, умид қилиб бўлмайдиган ҳолатда эканига қарамай, китоб ўқишга ўзида куч топиши тасвирларида яққол кўринади.

Роман порлоқ тасвирларга бой. Унда ўзбек қишлоғи қиёфаси: ***"...қишлоқнинг хўрозлари ҳам уйқусизлик касалига мубтало бўлган. Улар ярим кечада "ку-ку"лаб туннинг чокларини сўкишарди. Туннинг ҳукмронлиги шу овулда ўз кучини йўқотарди"***,– тарзида кутилмаган йўсинда ифода этилган. Тасвир ҳаққонийлигининг қудрати асардаги: ***"Назаримда, уйқусизликдан дунё кичрайиб, мен шишиб кетганга ўхшардим"*** ифодасида ҳам яққол кўринган. Романда ғоят топқирлик билан қилинган ***"Хаёл ўрмонларида шақоллар увиллади"***, ***"Ўрнимни чеккада йиғилиб турган кўрпачалар устига тахладим. Шу билан азоблар ва хотираларни йиғиб ташладим. Тунги азобларим чекингандай бўлди"***, ***"Машина ингранб олдинга интилди, қарасам, у йиғлаётган экан"*** каби қабариқ ва оҳорли тасвирлар кўп.

"Дунёда менинг тасаввурларимдан бошқа нарса йўқ",– дейди Ф. Ницше. Романда тасаввур-

нинг борлиқдан устун экани кўп бор намоён бўлади. Чунончи, қийинчиликлар исканжасидаги Салтанатга муқаддас қабристоннинг: "***Ҳовузнинг суви кўкимтир сариқ, устида бақа нажаслари сузиб юрарди. Бу ерда ҳамма нарса – дарахтлар ўсишдан, сувлар оқишдан... одамзод яшашдан тўхтагандай эди***" тарзида туюлишида ҳақиқий ҳолат эмас, балки кайфият ҳал қилувчи ўрин тутади.

Саломат Вафо романда одам ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳаётига файз киритиши мумкинлигини акс эттиради. Чунончи, санъат одамни юксалтириши асарда бахтиқаро Маликанинг рақси тасвирида шундай ифодаланади: "***Мусиқа ва аёл ботиний салтанатининг гўзаллиги қўшилади. У бирдан ёшариб кетганга ўхшарди. Атрофдагилар ҳам бетимсол гўзаллик қошида ожиз қолгандай бир оз орқага чекинадилар. Ғолиб кўчқорлар майдон чеккасида қотиб қоладилар. Малика турган жойида қалтирайди, балки ўтган умрида очилмай қолган бахти, етмай қолган армонлари учун қалтираб-титраб турарди. Куёш чиқиб бўлгач тўкилиши аниқ бўлган тонгги шабнамга ўхшаб титрайди у...***". Романда қамоқхона, ҳатто жиннихонада ҳам кўнглини чоғ қилмоқчи бўлаётган одамларнинг ишонарли тасвири берилган. Яшаётган одам ҳаётини қизиқарли, мазмунли қилишга интилаверади. Демак, уни енгиб бўлмайди!

Ўзбек аёли бўлиш улкан бир синов экани "чиққан қиз" сифатида "чанғоқдан ташқари"да қолган Салтанатнинг: "***Эй Худойим, бир вақтлар туғилган уйимда бегонаман, бегоналар эса уй эгаси. Нега? Аёллигим учунми? Болаларим борлиги учунми? Бир қориндан туғилмоқ бор. Бир уйда яшамоқ ва ўлмоқ йўқми?***" тарзидаги безовта ўйларида яққол намоён бўлади.

Романда экстремал руҳий ҳолатга тушган қаҳрамон хаёлига турли ғайритабиий ўйлар, манзаралар

келиши, улар ҳатто, баъзан кўз олдида намоён бўлиши ҳолатлари қайта-қайта тасвирланади. Ҳаётий реаллика таянмайдиган бу тасвирлар қаҳрамон табиатининг ўзига хослигини теранроқ англаш имконини беради. Негаки, кучли руҳий тўлғаниш ақлни паришон қилади, ақлнинг доимий назоратидан қутилган вужудда яшириниб ётган онг ости сезимлари бўй кўрсатади. Айниқса, ўй кишилари, ижод аҳлида бу кучли даражада намоён бўлади. Роман қаҳрамони Салтанатнинг кўнгил одами экани, онг ости туғёнлари унда кучлироқ намоён бўлиши ҳисобга олинмаса, асардаги жуда кўп ўринлар тушунилмай, изоҳталаб бўлиб қолади.

Саломат Вафо – ёзганларининг ҳаёт ҳақиқатларидан кўра, руҳият ҳақиқатларига мослиги тўғрисида кўпроқ қайғурадиган ижодкор. Шифо тилаб муқаддас гўристонга борган қаҳрамон ўйлари тасвири айни шу жиҳати билан диққатни тортади: "***Кўзичоқнинг олайган кўзларига тупроқ тўлган, қон юқи қолган жойларда чумолилар ўрмалаб юрарди... У жон чиқар аччиғига чидолмасдан, тилларини тишлаганича қотган эди. Кўнглим айниб кўзимдан ёш чиқди ва беихтиёр ўқчий бошладим. Еру осмон бир бўлиб, дарахтлар осмонга кўтарилиб кетди. Миямда "Қора сочим ўсиб қошимга тушди. На савдолар маним бошимга тушди... Қора сочим ўсиб қошимга тушди..." қўшиқ айланарди***". Мозорда юрган одам миясида қўшиқ айланишини ақлга сиғдириб, мантиқ билан изоҳлаб бўлмайди. Лекин бадиий тасвир учун баъзан айнан мантиқсизлик мантиқдан мантиқлироқ бўлади. Асардаги Салтанат ҳар сафар оғир аҳволга тушганда такрорланадиган: "***Бутун вужудим оғриқдан қақшади. Етмиш икки минг ҳужайрам уввос солди. "Болам... жувонмарг бўлган болам. Қонга ботган болам. Бахтсиз бўлмасанг менинг вужудимда, менинг уйимда, менинг кўчамда ва менинг ову-***

лимда яралармидинг. О, менинг туғилмай ўлган болам". Ёвуз пичоқ унинг жажжи бармоқчаларини кесиб кетди. Зарб шу қадар қаттиқ бўлдики, яна юз йиллардан сўнг ҳам дунёга келадиган авлодларим қўлсиз-оёқсиз қолган эди. Бу сафар у негадир мўлжални нотўғри олди. Дунёга келмаган норасидам бармоқларсиз қолди. Бармоқсиз, қўлсиз нетди энди у?!" тарзидаги мураккаб ва серқатлам тасвир туйғуларни ларзага солади. Боласини олдирганидан руҳан азобланиб юрадиган аёлнинг фавқулодда ёркин сезимлари бир вақтлар ёзувчининг "Унутилган аёл" ҳикоясида ҳам тасвирланган эди. Романда бу тасвир қаҳрамоннинг руҳий изтироби ва тазарру рамзига айланган.

Касал онасини кўришга келган Салтанатнинг: ***"У ётган хонага бош суқдим. Шу маҳал бошим узра совуқ ва ўткир нарса ярқ этди ва алланарса узилиб кетди. Бирдан вужудим бўшаб, шамоллар увиллаб ётган кимсасиз ғорга айландим. Кўз олдимда кино тасмасидай ҳаётим ва шифокорларнинг баланд катида ётган яланғоч, қонга ботган вужудим келди. Рангим докадай оқ. Кўзларим мурданикидай юмилиб, ботиб кетган. Олис-олислардан кимдир далада занг уриб, пахтакорларни пешинги овқатга чорлайди"*** шаклидаги транс ҳолати тасвирида ҳам уни бир умр таъқиб қилиб юрадиган ўша онгости туйғуси ўзгачароқ йўсинда акс этган. Бу туйғу одамда қандайдир ташқи сабаб туфайли туғилган ёки ирсият орқали ўтган бўлиши мумкин. Ҳар бир ўзбекнинг онгостида ғайриихтиёрий тарзда пахтага доир недир бир ёзмиш муҳрланганлигини тушуниш мумкиндир. Романда мантиқий изчиллиги бўлмаган онг оқими акс этган тасвирлар кўп бўлиб, улар қаҳрамон шахсиятининг ўзига хослигини таъкидлашга хизмат қилади. С. Вафонинг бу асарида кўпчиликка ўхшаган ва ҳамма қатори яшаётган "типик" образ эмас,

балки ҳар жиҳатдан бетакрор тип тасвир этилгани шуни тақозо этади.

Ёзувчи Салтанатни зулмга чидайверадиган, бечора аёл сифатида тасвирламайди. Асарда унинг кўплаб шўришларига феълидаги бетайин тизгинсизлик, кибр, шошқалоқлик, ўжарлик сабабчи экани ишонарли кўрсатилган. Романдаги: "***Муаммолар ҳал бўлган кезларда, ўзимни ҳар нарсага қодир ҳис қилардим. Виқор билан ҳовлига кириб келдим. Энди на Мақсуданинг, на қорининг кўришидан тортинардим***" тасвирида тимсол табиатидаги ўшандай жиҳатлар акс этган.

Очун жуда мураккаб, ундаги ҳар битта одам бутун дунёданда чигал. Салтанат ўжарлиги ва мағрурлиги боис қийналса, покиза, художўй, сабрли Мақсуда қаноати сабаб азоб чекади. Салтанатнинг қийинчиликларига кураш, ғавғо, жанжал ҳамроҳлик қилса, Мақсуда зулмга қаршилик кўрсатмайди. Қаноатли аёл эрига устига кундош олишга йўл беради. Сиртдан осойишта кўринсада, суйган кишисини биров билан бўлишаётган аёл ҳолатининг: "***Дунёда ҳар нарсани бўлишиш мумкин, аммо кўнгилни бўлиб бўлмайди. У инсон учун дахлсиз, ичкин. Ўз қонун ва ҳукмрони мавжуд бўлган салтанат***" тарзидаги тасвири ўқувчи туйғуларини безовта қилади.

Қўлингиздаги асарда атай сараланмай қўлланилган натуралистик тасвирлар анчагина. Тасвирнинг олдиндан белгилаб қўйилган мантиқий якун сари ривожланиб боришига кўниккан ўқирман бу ифода усулини қабул қилишга қийналиши мумкин. Лекин бу усул ўзини жамиятда ва ўзида йўқотган, жамиятда ва ўзида сочилиб яшаётган шахс ҳолатини ифодалаш жиҳатидан тенгсиз имкониятга эгалиги билан эътирофга лойиқдир. Жумладан, романда: "***Шу яқин орада кимлардир ел чиқарди***",– деганга ўхшаш тасвирлар анчагина. Бизнинг обивателча таъбимиз бу хил ифода йўсинига ўрганмаган. Аммо тубан ҳақиқатни билмаслик, ундан кўз юмиш эмас,

балки уни билиб, ундан қутулишга уриниш одамни маънан юксалтириши мумкин.

Ёмонликнинг, нафснинг таъсиридан чиқиб кетиш, ундан бир йўла халос бўлиш осон кечмайди. Асарда Салтанатнинг беихтиёр Суннат Қурбон қошига бориб қолавериши тасвирини қисматдан кўра, нафси амморани енгишнинг қийинлиги рамзи сифатида изоҳлаш тўғрироқ бўлади.

Романда Мадинанинг изсиз йўқолиб қолиши, анча олдин ўлиб кетган Мақсуданинг жиннихонадан чиқаётган Салтанатни кутиб олиши каби ўқувчини чалкаштириб қўядиган лавҳалар тасвири бор. Бу хил тасвирларни тушунишга, уларнинг замиридаги маънони чақишга уриниб кўриш лозим. Энг тубан одамда ҳам тоза туйғуларга интилиш бўлади. Покизаликни ифлослик юзага чиқарган ҳолатлар ҳам учрайди. Деярли ҳамма томонидан ахлоқсиз аёл саналиб, одамлардан қочиб юришга мажбур бўлган, ўлим ёқасига келтириб қўйилган Салтанатнинг қалбида эзгуликка ўчмас интилиш борлиги унинг ўзи учун қалтис ҳолатда Мадинани қутқаришга уринишида намоён бўлади. Мадинанинг изсиз йўқолиб қолиши эса, эзгулик қилиш осон эмаслигига нозик ишорадир. Мақсуданинг эса тириклигида ҳам ўз умри, ҳаёти, қарашлари бўлмаган эди. Ожиз, ҳимоясиз Мақсуда синиқ одам бўлгани учун бори-йўғи билинмасди. Унда ўзлик, куч эмас, биргина покиза юрак бор эди, холос. Ўз эзгулигининг қурбони бўлган Мақсуда, гарчи бош қаҳрамонга кўп яхшиликлар қилган бўлсада, жангари, олишиб чарчамас Салтанат уни ўлик-тиригининг фарқи йўқ одам сифатида қабул этгани шу йўсинда акс этади.

Асар: "***Бошқа олам измидаги қора ҳаётим хотималанди. Ҳаёт китобининг ғуссали саҳифалари ёпилди***" сўзлари билан тугаган бўлса ҳам китобхон Маҳмуднинг Суннат Қурбондан яхши одам-

лигига кафолат борми? Маҳмуд қилган эзгуликлар таъмадан холими ёки азоблардан чарчаган Салтанат унинг беғаразлигига ўзини зўрлаб ишонтираяптими тарзидаги хавотирли сўроқлар исканжасида қолади. Демак, бу роман ўқиб бўлиниши билан тугамайди. Унинг чин умри ўқиб бўлингандан сўнг бошланади. "Овора..."нинг чин умри узун бўлишини тилаймиз!

2008 йил 15 май – 5 июн

ИЗЛАБ ТОПИШ ЗАВҚИ

XX асрнинг сўнгги чораги ва ундан кейинги йиллар жаҳон фалсафаси ҳамда санъати тарихига универсализм даври сифатида кирса ажаб эмас. Негаки, бу даврга келиб воқеликни англаш ва бадиий акс эттиришга доир илгари амалда бўлган барча илмий қараш, ижодий метод, йўналиш ва фалсафий мактаблар ўзларининг бор имкониятларини деярли сарфлаб бўлдилар. Кейинги даврда пайдо бўлган бадиий оқим ва йўналишлар табиатини ифодалаш учун "пост", "транс" сингари олд қўшимчалар ёрдамида "трансреализм", "постмодернизм", "трансавангард", "постструктурализм" каби атамалар қўлланилаётгани боиси ҳам шундан.

Бу атамалар реализм, модернизм ёки авангардизмдан кейин келган навбатдаги йўналишу оқимлар маъносини эмас, балки эндиликда санъату адабиётда бу ва бу каби бошқа метод ёки йўналишларнинг бирортаси якка ҳукмрон бўлолмайдиган давр бошланганлигини англатади. Чинданда, бундан буён бадиий ижод ва фалсафий қарашларда бирорта ҳам метод ёки йўналиш устувор бўлолмайди. Инсоният тафаккури ва бадиий диди ўз тараққиётининг шундай даврига келдики, эндиликда ижодий метод ва фалсафий тизимлардан қайсидир биттасини тўғри дейиш ва ўзгаларни ҳам шунга ишонтиришга уриниш мантиқсизлик бўлиб қолди. Чунки тобора шахслашиб бораётган одамиятнинг фикру қарашлари, диду туйғулари эндиликда якранг бўлолмайди. Шахслик ўзига хослик, ўзига хослик бетакрор хилма-хилликдир.

Ижтимоий тафаккурдаги универсализм ҳодисаси, умуман, бадиий ижод, хусусан, адабиётда ҳам

универсализмни юзага келтирди. Шунинг учун ҳам кечагина кўпчилик одатланган анъанавий йўсинда ижод қилиб юрган адибу шоирлар, ҳеч кутилмаганда, тамомила ноанъанавий йўлда бирор асар ёзиши ажабланарли ҳол бўлмай қолди. Бу ҳолни бизга қандайдир фалсафий оқимнинг кириб келгани билан эмас, балки тасвирнинг оригиналлиги ва туйғулар ифодасининг тўлиқлигига интилиш натижаси сифатида изоҳлаш ҳақиқатга яқин бўлади.

Санъат ва адабиёт неча минг йиллар давомида объектив борлиқнинг табиат, жамият, шахсият каби қатламларини ўзлаштириш оқибатида ғоят серқирра башарий маданиятни юзага келтирди. Бадиий тафаккурдаги ҳозирги эврилишлар туфайли энди у ўша маданият деб аталмиш борлиқнинг ўзиданда серқатлам бўлиб кетган маданият тизимини эстетик ўзлаштиришга киришди. Чунки энди одамзот ёввойи табиатнинг ёввойи фарзанди бўладиган босқичдан ўтиб кетди. Инсон яшаш тарзи, борлиғи, ҳатто, генларига қадар тўлиқ маданийлашди. Бу кечим маънавий қадриятларга ҳам кўчиб, одамнинг эзгулигу ёвузлиги ҳам маданий кўриниш касб этди. Замонавий адабиёт маданий қатламларни текширишга ўтганлиги учун ижодкорлар сўзларни ўз бирламчи маъноларида қўллашдан кўра уларга ўзлари истаган маънони юклашга интилмоқдалар.

Қўлингиздаги китоб муаллифи Ҳаким Абдулла ҳам шундай ижодкорлар сирасига киради. Анчадан буён кўнгил ҳолатларини шеърият тилига кўчириш билан шуғулланиб келаётган бу шоирнинг битганларида ифода самимияти, туйғулар чинлиги кўзга яққол ташланиб турарди. Абдуҳакимнинг "Зикр" китобига кирган шеърлар шоир ўз ижодий амплуасига жиддий ўзгаришлар киритганини кўрсатади. Муаллиф китобдаги ҳар бир шеърнинг таъсирли шаклу шамойилга эга бўлиши ҳақида астойдил бош қотирган. Китобнинг ўқувчи эътиборини тортадиган энг биринчи жиҳати унда бошидан охиригача

бирорта ҳам тиниш белгиси ишлатилмаганидир. Сайланмада имло қоидаларига мутлақо риоя этилмаганлиги унинг иккинчи белгисидир. Шунингдек, китобда мисралар бош ҳарф билан бошланмайди, бинобарин, сатрлар сўнгига нуқта ҳам қўйилмайди. Ҳатто, атоқли отлар ҳам кичик ҳарф билан, жуфт сўзлар эса чизиқчасиз битилган.

Албатта, шоир бежизга бундай қилмаган. Бундай йўллар билан у ўқувчини шеър устида ишлатмоқчи, уни бадиий истеъмолчидан поэтик гўзаллик яратувчисига айлантирмоқчи бўлган. Зеро, тиниш белгисисиз ёзилган шеърни ўқиш учун шеърхон битикнинг ичига чуқурроқ киришга, бадиий қатламларни теранроқ идрок этишга, шоир руҳий ҳолатини нозикроқ туйишга, фикрларини тўлароқ тушунишга интилади ва бунга эришиш учун ўзини зўриқтиришга мажбур бўлади. Аёнки, бундай шеърлар ҳаммага эмас, балки уларни ўқишга ички эҳтиёжи бор ўқувчиларга мўлжаллаб битилади. Шоир ҳар бир ўқувчига шеърларни ўзича идрок этиш ва қабул қилиш эркини беради. Уларни поэтик бекатлар бўйлаб етаклаб юрмайди. Ўқувчи ўзи истаган, маъқул топган ўринларда пауза қилиб, тин олади, маъқул деб билган жойда суръатни оширади. Шоирнинг "баҳор ҳақида баллада" шеъридаги мисраларга эътибор қилинг:

яланғоч дарахтнинг қотган кўксида
тўнган туйғулар
чинқириб юборди
яшил овозда

тўхтанг
тўрт томондан бостириб келаётир
ям-яшил олам
зангори қўшин
у сизнинг нақ юрагингизни
ишғол этмоқчи

Ушбу сатрларни кимдир чинқириғи билан устидаги қорни туширib, унинг исканжасидан қутулган ва оламнигина эмас, одамнинг кўнглини ҳам забт этган кўклам ифодаси сифатида, бошқа биров тириклик энергиясини ичига сиғдиролмай, яшил овозда чинқириб, янги ҳаётни юзага келтирган кўкламий оғоч ва инсоннинг юрагини ишғол қилмоқчи бўлган гўзаллик рамзи тарзида англаши ҳамда изоҳлаши мумкин. Муаллиф шу тарзда туйиш ва тушуниш плюрализмига имкон беради.

Ҳаким Абдулла шеъриятнинг рангин оламига машҳур Шавкат Раҳмон етовида кирган. Боёвутдаги хўжаликлардан бирида агрономлик қилиб юрган шеърий сўзга чанқоқ Абдуҳаким шоирнинг "Рангин лаҳзалар" китобчасини ўқиб, шунчалар таъсирланадики, ундаги барча шеърларни ёдлаб олади. Поэтик сўзнинг қудратидан лол қолган йигитча китоб муаллифига хат ёзиб, ҳайратини изҳор қилади ва мактубига ўз шеърларидан бир нечасини қўшиб юборади. Кўп ўтмай, агроном йигит Шавкат Раҳмондан хат олади. Унда бошловчи йигитнинг шеърлари ўзига ёққани, агар Тошкентга йўли тушиб қолса, бошқа ёзганларини ҳам олиб келиб, унга йўлиқиш кераклиги битилганди. Орадан бироз ўтиб, Абдуҳаким бошкентга келади ва Шавкат Раҳмон билан учрашиб, шеърларини унга кўрсатади. Ш. Раҳмон "Ёшлик" журналида ишлаётган Саъдулла Аҳмадга қўнғироқ қилиб, ёш шоирнинг бир туркум шеърларини чиқаришни сўрайди. Абдуҳакимнинг битганлари шу тариқа илк бор бошкентдаги ойбитикда чоп этилади. Шавкат Раҳмон кейинчалик ҳам ёш шоир ижодини кузатиб боради. Ҳаким Абдулланинг "Севги сири" номли биринчи китоби ҳам устоз шоирнинг тавсияси билан Муҳаммад Юсуф муҳаррирлигида адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиқади. Ҳаким Абдулла устозига бир қанча шеър бағишлаган. Ўшалардан айримлари қўлингиздаги китобдан ҳам жой олган.

Ушбу китобдан ўрин олган яхши шеърларга тасвир қуюқлиги, кучли образлилик, одатдаги сўзларга тамомила янги маъно юклаш хос. Шоир кўпчилик шеърларида шакл ёрдамида туйғу уйғотишдан кўра, туйғунинг шаклини чизиб кўрсатишни маъқул кўради. Бу ҳол "армон" шеърида қуйидаги йўсинда моддийлашади:

кўл
осмон кўчиб тушган бу ерга

Бу сатрлар орқали кўлда кўкни кўра оладиган ва буни илғайдиган нозикфаҳм одам туйғулари ифода этилади.

Шоир инсон руҳиятидаги тийиқсиз ва доимий ички динамикани теран ҳис қилади. Унинг шеърларида инсон сезимларига статиклик ётлиги, тинимсиз ўзгариб турадиган, сабабини ҳамиша ҳам билиб бўлавермайдиган ҳиссиётлар товланиши нозик акс этади. Шоирнинг "сен кулганда" тўртлигида олам ва одамни бутунлай ўзгартириб юборган ҳолат шундай тасвирланади:

сен шарақлаб кулганда
ёришиб кетади бу кўҳна олам
йўллар кенгликларга сиғмай қолади
торлик қилаверар юракка танам

Абдулҳаким тафсилотдан, изоҳдан қочади. Сўзларнинг маъноси тиғиз бўлишига жиддий эътибор қаратади. Лекин шоир ўз туйғуларига универсал ва ҳамма томонидан қабул этилиши лозим руҳий мавжудлик деб қарамайди. Инсон сезимларининг ўта индивидуал ва бетакрор эканлигини, кимнидир мувозанатдан чиқарган ҳолат бошқа бировга мутлақо таъсир қилмаслиги мумкинлигини ҳамиша кўзда тутади.

Эътиборга лойиқ яна бир жиҳат шундаки, Ҳаким Абдулланинг шеърлари фақат ўз кўнгли билан ан-

дармон, ўз туйғуларини кавлаштириб ором оладиган одам руҳий ҳолатлари ифодаси эмас. Унинг битикларида руҳият ташқи безак эмас, балки ички моҳият сифатида намоён бўлади. Шоир ҳодисада ҳодисанигина эмас, балки ҳолат ва қонуниятни ҳам кўради. Айни шу жиҳат Абдуҳаким шеърларининг ўқишли ва таъсирчанлигини таъминлайди. Шу боис шоир ҳаёт ҳодисалари тасвирини ҳам руҳий ҳолат манзараси орқали бера олади:

оғир қўшиқ айтар ҳаёт
хонанда
кўзлари шишган бир жувон
бармоқлари сочига тароқ
мунг чўккан йигит
тингламади уни заррача
чойшабда пишиллаб ухлайди бола
дунё бехабар
она бўлолмади жувон
ота бўлолмади йигит қуришсада оила
бола тирик етим

Сиртдан қараганда, шоир тотув бўлмаган оила турмушининг холис манзарасинигина чизаётганга ўхшайди. Лекин ғоят ўрнига пухта жойлаштирилгани учун сўзлар ички энергетика касб этади. Жўнгина ахборот бераётгандай қўлланилган сўзлар нафақат нима бўлаётгани, балки қандай бўлаётганини ҳам англатиб туради. Натижада, оғир қўшиқ айтаётган хонанда ҳаёт, турмушидан норозилиги шишган кўзлари ва сочи тароқ кўрмаганлигидан маълум аёл, ҳаёт қўшиғини тингламаганидан кўзига мунг чўккан йигит, дунёнинг сиру синоатларидан бехабар ҳолда пишиллаб ухлаётган болакай тимсолларининг тинимсиз ҳаракатдаги руҳий ҳолати ўқувчи сезимларига ҳам таъсир кўрсатади. Шеърнинг хотимаси у туғдирган эзгин руҳий манзара залворини янада орттиради:

аламли жойи шундаки
зарра ўзгартирмади хонанда ҳаёт
қўшиқ оҳангин

Ҳаким Абдулла ҳаёт ҳодисаларига ҳам, ҳиссиёт тўлғамларига ҳам бировларникига ўхшамайдиган ўзига хос назар билан қарайди. Шу боис уларнинг замирида бошқалар пайқамаган жиҳатлар борлигини кўради. Сукунат ҳақида деярли барча шоир ўйлайди, кўпчилик бу тўғрида ёзган ҳам. Лекин ҳеч ким унда либос, ниқобни кўрмаган. Мана, сукунатнинг моҳиятини Абдулҳаким қандай изоҳлайди:

сукунат либос уни кийиб олар
денгиз тубида балиқ
ўзандаги кўл
вазмин вазмин ёбонлар
у ниқоби эрур тошнинг кесакнинг

бу либосларни зарра ачинмай
мен ечиб ташлагум
беҳаёларча

Шеър ўқиб бўлингач, кўнгилдаги туйғу ва дардларни айтишга қўймайдиган сукунат либосини ечиб ташлаб, "беҳаёларча" яланғоч қолмоқ қанчалар ҳаёли тутум экани билибгина қолинмай, туйиб ҳам олинади.

Шоир поэтик нигоҳининг ўзига хослиги у қўллаган ***"бу кеча дил кулбаси хуфтон тун қора кийгандир тутади аза"***, ***"бу кеча ойнида еб қўяр булут"***, ***"ой ғажир тун қоронғусин"***, ***"тун қора қон қусар"***, ***"сойдаги тошларчун сувлар келинлибос"***, ***"югурган булутнинг оёқ панжаси чўққига урилиб қонайди ёмғир"***, ***"тоғ ерларга узала тушган улкан қабр ўлигидан руҳ олар ҳаёт"***, ***"мен ўлсам саволга айлангум ғужанак бўлиб"***, ***"қовурғам қайишди севги юкидан қоқилиб йиқилдим ой арқонига***

гиёҳга урилиб қонади бурним" каби оригинал ташбиҳларда, айниқса, яққол кўзга ташланади.

Абдуҳаким халқнинг тил бойлигидан ўринли фойдаланишга, шеърларига элимизга хос бадиий тасаввур йўсинини кўчиришга уринади. Бир ўринда "лаҳм гўшт" маъносида элибой ўзбеклар қўллайдиган "сўм" эт сўзини ишлатса, бошқа жойда ҳаётдан яхшилик кутмай қўйган одам ҳолатининг: "***кун оппоқ ипдаю тун қора ипда мен учун кўринмас тўр тузоқ тўқир***" тарзидаги халқона манзарасини чизади.

Тиниш белгилари мутлақо қўйилмай, бош ҳарфлардан фойдаланилмай, чизиқча-ю тирелар ишлатилмай битилган шеърларнинг ўқувчилар учун қизиқарли эканлиги бор гап. Лекин бунинг ўзигина уларнинг қимматини оширолмайди. Бундай ёзишнинг ожиз жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Аввало, бу хил шеърларда атайинлик кучли бўлади ва унинг сунъийликка ўтиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Айниқса, атоқли отларнингда кичик ҳарфларда ёзилиши ўқирманнинг ўқувчилик йўсинига маълум даражада тазйиқ ва ёзув қоидаларини очиқдан-очиқ инкор этиш ҳамдир.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, "Зикр" китобида эътибор тортмайдиган, эсда қолмайдиган ўртамиёна шеърлар ҳам йўқ эмас. Китобдан ўрин олган достонларда, асосан, муайян сирли воқеани шунчаки баён қилиб бериш етакчилик қилади, баъзи ўринларда шоир образлар руҳиятини ичдан кўрсатишга, уларнинг кечинмаларини ўқувчига туйдиришга ожизлик қилади. Китобга кирган илоҳий мавзудаги битикларда ҳаммага маълум воқеаларни салгина ўзгача тарзда айтишга уриниш етакчилик қилади. Шу сабабли бу туркум шеърларда эсда қоладиган тасвир, шуурни ёритадиган ифода йўқ ҳисоби. Бунинг устига, "***алдар қулфи дилинг этганча бўҳтон***" каби сунъий тасвирлар, "***ҳеч қачон***

бўлмагай рўзи қиёмат паноҳида сақлар ҳақнинг ўзлари" каби исломий мантиқ нуқтаи назаридан тўғри бўлмаган ифодалар борлиги ҳам китобнинг савиясига бир қадар таъсир қилади.

Азиз ўқувчи! Чаманни оралаган киши тикану алафга эмас, чиройли чечакларга кўз ташлайди, кўзни қувнатиб, кўнгилни чарақлатадиганини топиб, ундан баҳраманд бўлгиси келади. Қўлингиздаги шеърий чаманда эса ана шундай чечаклар кўп.

Берилган озодликдан эришилган эрк қадрлидир. Ҳаким Абдулла битикларининг поэтик гўзаллиги юзада эмас, сатрлар қатида. Бу шеърлар устида ўйланган, изланган кишигина улардаги бадиий тароватни туя олади. Сизга бу шоир битганларидаги шеърий жозибани излаб топиб лаззатланиш насиб бўлишини тилайман.

2008 йил 24 август

АРМОН

Бу сўзбоши анча йиллар олдин Жонибек ака тириклигида чиқарган бошқа китобларига ёзилиши керак эди. Бандасининг хом сут эмганлиги шунда намоёнки, бу ҳаётда ёш-қари, катта-кичик ҳар бир кишининг умри омонат эканлигини вақтида ҳисобга ола билмайди. Эҳтимол, буларни ҳисобга олаверса, яшаб бўлмас ҳам. Ким билади дейсиз? Мен ҳам шундайларнинг бири сифатида яқин танишим, юртдошим шоир Жонибек Субҳон ҳақида ҳар гал сал кейинроқ, мавриди келганда ёзарман, олдин кўпчилик тан олган машҳур ижодкорлар тўғрисида ёзганим маъқул, деган хаёл билан вақтни ўтказиб қўйибман. Ҳолбуки, оламдаги бирорта тоғ фақат чўққининг ўзидан иборат бўлмаганидек, очундаги бирор адабиёт нуқул даҳолардан иборат бўлиши мумкин эмас. Чўққи оддий тошлар, ясси тоғлар устида юксалганидай, улкан талантлар заҳматкаш ижодкорларга суянибгина машҳур бўлишади. Қарангки, бу ҳақиқатни англаб етгунимча, Жонибек Субҳон қатор китоблар чиқарди, ҳеч қаерда, ҳатто, юрти Сирдарёдада нишонланмаган бўлсада, олтмишга ҳам тўлди, бир неча бор қаттиқ оғриди ва ҳатто, дунёдан ўтиб ҳам кетди. Шулар ҳақда ўйлаганимда мени армон чулғайди ва ҳар ишни қизиғида қилиш керак деган ҳикматнинг тўғрилигига имон келтираман.

Жонибек акани таниганимга ўттиз йиллардан ошди-ёв. У замонлар мактабда ишлардим. Сиртдан аспирантурада ҳам ўқирдим. Адабиётга доир бир нарсалар ёзиб, у киши ишлайдиган "Сирдарё ҳақиқати" газетасига олиб бориб турардим. Адашмасам, Жонибек ака таҳририятда бошқа бир "жиддий"роқ

бўлимни бошқарарди. У замонларда матбуотнинг обрўси баланд эди. Назаримизда, таҳририят ходимлари жуда катта одам кўринар, бўлим бошлиғи-ку қўл етмас баландликда туюларди. Лекин Жонибек ака ўшандаям гаплашиш мумкин бўлган одам эди. Жуда очилиб, ичингизга кириб кетмасада, ишингизни битириш учун чопқиллаб олдингизга тушмасада, ҳар ҳолда сизни астойдил тинглайдиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган одам эди. Жингалакка мойил қалин қўнғир сочли, қўй кўзлари кишига мулойим тикиладиган, босиқ, паст овозда, салмоқлаб сўзлайдиган бу одамнинг жуда маданиятли экани учраган кишига сезилиб турарди. Ёшига нисбатан босиқ ва жиддийлиги сабабли бўлса керак, унга жуда яқинлашиб кетиб ҳам бўлмасди. Шу боисдан мен, азали тортинчоқ одам, Жонибек акага унчалар яқинлашмаганман...

"Сирдарё ҳақиқати" газетасида шеърлари мунтазам чоп этиларди. Биз қолдирмай ўқирдик уларни. Лекин у ҳақда мақтаб ҳам бир нарса дейишга тортинардик, шекилли. Ўша пайтда айтишга арзийдиган фикримиз бўлган-бўлмагани ҳозир эсимда ҳам йўқ. Кўп ўтмай, Жонибек ака Тошкентга ишга кетди. Юзма-юз камроқ кўришсакда, матбуот орқали олдингидан кўпроқ учрашадиган бўлдик. У кишининг ижод булоғи Тошкентга келгач, чинакамига кўз очди.

1993 йил эди, шекилли, у кишининг ишхонасида тасодифан учрашиб қолдик. Бир шеърий китобини берди. Адашмасам, номи "Тазарру" эди. Ўқиб кўрсам, арузда ёзилган бўлсада, бугуннинг одами руҳиятини ифода этадиган, ўқувчининг юрагига етиб борадиган самимий шеърлар анчагина экан. Ўша вақтлар нафис санъат лицейида ўқиб юрган ўғлим Жалолбек ҳам китоб билан танишиб чиқди. Айни шу пайтларда аруз назариясини чуқур ўрганишаётгани учун бўлса керак, у китобга кирган ғазалларда арузий ўлчамларнинг деярли бузилмаганига алоҳида эътибор қилган экан. Ҳозирги арузчиларнинг

кўпи шаклан арузга ўхшатиб ёзсада, аслида унинг ички ўлчамларини аямай бузишаётганини айтди. Хуллас, ота-бола китобчага тақриз ёзиб, жонажон "Сирдарё ҳақиқати"да чиқардик.

Йиллар ўтиб, биз ҳам бошкентга келиб қолдик. Гапнинг чини, Жонибек акага жуда яқинлашиб кетмаган бўлсам ҳам, энди олдингига нисбатан тез-тез кўришиб турадиган бўлдик. Ҳар сафар учрашганимизда, шеърият ҳақида сўзлашардик. У киши мумтоз адабиётни, айниқса, форс шеъриятини жуда қадрларди. Учрашганимизда Ҳофиз, Жомий, Бедил шеърларини аслида ўқир, уларнинг ўзбек шеъриятига кучли таъсирини айтиб, улардан таржималар қилаётганини билдирарди.

Кезлашганларимизда чоп этилган китоблари борасида фикримни сўрар, мен улардаги ўзимга маъқул жиҳатларни айтардим. Гапнинг чини, у кишининг шеърларида мени ҳайратга соладиган қирралар кўп эмасди. Бинобарин, мулоҳазаларим ҳам ўшанга яраша бўларди. Ахир ҳар кимнинг диди ҳар хилда. Сезардимки, айтганларимдан Жонибек аканинг кўнгли тўлмасди. У киши битганлари тўғрисида менинг алоҳида, батафсил, яхши-ёмонини атрофлича кўрсатиб фикр билдиришимга интиқ эди. Мен эса ҳам арузнинг назарий жиҳатларини етарлича билмаганим, ҳам Жонибек ака билан юртдош бўлганим, ҳам юқорида айтганимдай, у кишининг ижодига қандайдир жаҳоний ўлчовлар билан ёндашганим, тўғрироғи, Жонибек аканинг шеъриятини синчиклаб ўрганмаганим учун у тўғрида ёзишни ноқулайроқ ҳисоблардим.

Бу орада Жонибек ака бир неча бор қаттиқ оғриб қолди. Орада бир тузалганида, адашмасам, 2007 йилнинг кўклами эди, телефон қилиб, бир китоб қилаётганини айтди ва ўша китобга сўзбоши ёзиб берасизми, деб сўради. Мен рози бўлдим. Азалдан одобли одам, мени овора қилгиси келмай, қўлёзмани уйга

олиб келмоқчи бўлганди, мен бир ини сифатида касал одамни уринтириб ўтирмай, у кишиникига ўзим боришимни айтдим. У-бу деб кунлар ўтиб кетаверар экан, бир кун у кишиникига бормоқчи бўлиб қўнғироқ қилсам, юраги хуруж қилиб, оёқ-қўли ҳаракатланмай, тили яхши айланмай қолганини айтишди.

Авжи саратон эди-ёв, шоирлар: Азим Суюн ва Турсун Али билан бирга Жонибек акани кўргали бордик. Яхши гаплаша олмасаларда, икки ижодкорнинг шўхчан, баландпарвоз шоирона суҳбатларидан чеҳраси очилиб кетди. Вақтида берган ваъдамни бажармаганим учун менга ҳазиллашиб пўписа ҳам қилгандай бўлди. Ҳозир мавриди бўлмагани сабаб, тузалганидан кейин яна келарман, деган ўй билан бу сафар ҳам сўзбоши ёзиладиган китоб қўлёзмасини сўрамадим.

Тирикчиликнинг ўпқони одамни ўз домига тортгач, асло қўйиб юбормай, ҳар кўйга юргизар экан. Хуллас, турмуш ташвишлари билан бўлиб, орадан яна анча вақтни ўтказиб қўйдим ва қора кунларнинг бирида Жонибек аканинг оламдан ўтганини эшитиб қолдим.

Ўзини тўлиғича шеърга бағишлаган, ижоддан бошқа нарсани кўп ўйламайдиган оғир-босиқ бу одамнинг руҳиятига синчиклаб қаралса, унинг кўнглида қудратли маънавий-ахлоқий пўртана уфуриб ётгани билинаркан. Бу жиҳат унинг битганларида ҳам намоён бўлган. Жонибек Субҳоннинг аёли Барно янганинг айтишича, шоир оғир дард чекиб ётган энг сўнгги дамларида ҳам шеър ташвиши билан яшаган. Ором олиш ўрнига тунлари туриб ёзар, қўли ёзишга келмай қолганда эса, Барно янгага айтиб туриб ёздирар, сал ўзига келиши билан унинг ёзганларини тўғрилашга тутинар экан. Шунинг учун ҳам шоирнинг: ***"Мен ўзимнинг юрагимга котибдирман, Амр этганин секин ёзиб ётибдирман"***, – деган сатрларида миннат, иддао, олифталик йўқ, чин иқрор, ўз шахсининг табиатига хос белгини таъкид-

лаш бор, холос. Байтнинг биринчи мисраси шоир ижодининг моҳиятини акс эттирса, иккинчи сатри унинг феъли-хўйига хос қиррани ифодалайди.

Сиртдан ғоят сокин кўринган Жонибек Субҳон юрагидаги долғанинг поэтик кардиограммаси унинг шеърий сатрларида яққол намоён бўлади. Жонибек ака – оламни поэтик назар билан кўришга, кўрганларини ўзга кўнгилгада юқадиган йўсинда ифодалашга алоҳида эътибор берадиган ижодкор. "Куз" шеъридаги *"Юрагимга қўнди барги хазонлар, Супуролмас уни қора сочларинг!"* шеърий қаторларида юракка кирган мудҳиш кузнинг караҳатларини ҳеч нарса билан тузатиб бўлмаслигидан туғилган давосиз армон бетакрор йўсинда акс эттирилади. Бу мисралар ҳаёт ҳодисасидан чиқарилган ўзига хос хулосагина бўлиб қолмай, уни бошқаларга ўхшамайдиган тарзда акс эттириш намунаси ҳамдир.

Жонибек Субҳон – ҳавойи шоир эмас. Унинг битганларида муайян макон ва замон аниқ билиниб туради. Шунинг учун ҳам даврнинг шеър ва шоир олдига қўйган талабларини тўла билиб, ижодида уларни ҳисобга олиб иш кўргиси келади:

Магар куйлолмасам мен шу давронни
Қаламни синдириб ташлашим керак.
Жондан ҳис этмасам агар замонни,
Ҳаққи йўқ кўксимда тепгани юрак!

Чунки унинг: *"Шоирига қараб баҳоланар эл, Шоири хор юртнинг хор бўлар шоҳи"*,– деган иқрори чин юракдан айтилган. *"Қилганим йўқ ҳеч даҳоликни талаб, Қайрадим дилга қалам тун-кечалаб"* тарзидаги эътирофда ҳаддини билган, имконидан ташқари нарсани даъво қилмаган шоир самимияти яққол кўриниб турибди. Айни вақтда, бу сатрларга дилга қайралган қаламнинг ҳарорати ва ўткирлиги ҳам сингдирилган.

У ижодий умри давомида сўзни авайлашга, уни чаканага ишлатмасликка, сўз билан амалнинг бирли-

гига эришишга интилди. Бу ҳол Жонибек аканинг: "***Сўз бутун, ноним гоҳо яримтадир***" ёки "***Бўлди кафил дилимга ҳар дам сўзим, Қўлларим чинни ёзиш-ла бўлди банд!***" мисраларида ёрқин намоён бўлади. Буларни шунчаки поэтик даъво эмас, балки шоирнинг ижодий кредоси дейиш мумкин.

Аксар шеърларида тирикчиликнинг кирли ташвишлари, одамлараро муносабатларнинг носамимийлигидан озурда бўлган шоир поклик, тозаликка ташналикни ифодалайди. Софликни ҳар жой ва ҳар кимдан қидиради. Ўзининг да турмуш уринишлари сабаб доғ теккан кўнгли, чанг юқтирган туйғулари, хиралашган сезимлари ва дард илашган ўйларини тозаламоқ истайди. Бу истакларини "Орзу" шеърида ўтли бир армон билан эсда қоладиган йўсинда ифода этади:

Кетсам, кетсам дейман кўклам чоғларда,
Қалбим шабнамларда чўмилса беғам.
Туйғуларим чайсам тинч булоқларда,
Дардлар арисалар ўйларимдан ҳам.

Оламга шоирона кўз билан қараган Жонибек Субҳон атроф-жавонибдаги табиатда адоқсиз тароват ва гўзаллик кўради. У одамларнинг ўзи тилаган даражада комил, ҳаётнинг эса хаёлот парвози қадар тўкис бўлишини орзу қилади. Шоирнинг чегара билмас тасаввуригина илондан сут, бўридан меҳр, қабоҳатдан эзгулик, сукунатдан нутқ, ғамдан кулгу, ўлимдан ҳаёт кутади. Бу ҳолат "Сукунат" шеърида ўта таъсирли йўсинда шундай ифода этилади: "***Сукунатга тил битар қачон, Маъюслик ҳам жилмаярми ҳеч?***" кўринадики, бу сатрларда шоир ички ўй-хаёллари ва ушалмас орзулари ғоят ўзгача йўсинда, инжа образлар воситасида эсдан чиқмайдиган қилиб тасвирланган.

Шоир "Еттинчи қитъа" шеърида: "***Қалбимиз еттинчи қитъадир бешак***",– дер экан, унга шун-

чаки образли ифода, бадиий топилма сифатидаги-на қарамай, инсон юрагининг қитъалардан улкан, миқёсли, сиғимдор эканини, қолган олти қитъа-нинг хароб бўлмай, омон бўлиши еттинчисига боғ-лиқлигини эсда қоладиган тарзда ифодалайди. Шо-ирнинг маҳорати сабаб тоғлару денгизларга, бепо-ён осмонлари бор олти қитъага сиғмаган пайтлар-да одам муштдек ҳам келмайдиган еттинчи қитъа – юракдан бошпана топа олиши мумкинлиги ўта нозик тасвир этилган.

Жонибек Субҳон миллат шаънини ҳар недан ба-ланд қўйган, ўзбек ҳаётининг ҳар бир пучмоғидан ғурур ва ифтихор учун улги топа биладиган шоир эди. Бу ҳолни шоирнинг сўнгги китобидаги ўнлаб шеърларда кўриш мумкин. Шоир "Ўзбек тулпори" шеърида миллатга хос фазилатни тулпорга кўчира-ди ва шу йўл билан элнинг табиатида мавжуд бўл-ган кўзлаган мақсад йўлида жон фидо қилар дара-жадаги собитликни поэтик акс эттиради:

Тулпор деб аталган ё марра қучар,
Ё марра йўлида фидодир жони.
У ё зафар, ёки ўлимга дучор,
Йўқ йўлнинг у учун ора – имкони.

Шеърда ғалаба йўлига жонини тикиб, орини ҳаётидан ортиқ билган йигитларга хос сифатлар улар минган тулпорларга кўчирилади. Тулпор йи-гитнинг, йигит эса миллатнинг тимсоли сифатида намоён бўлади. Шоирнинг "Майдонда – ўзбеклик" шеърида ҳам айни жиҳат ёрқин кўринади: "***Майдон-га тушгандир ўзбеклик, Бу халқнинг устувор ори бил! Паҳлавон, бошингни тутгин тик, Аллоҳни мағрурлар ёри бил!***" – дейди у.

Одатда, шахсияти ҳам, шеърияти ҳам сокин ва оғиркарвон туюлгувчи Жонибек Субҳон ижтимоий йўналишдаги чақириқ шеърларида муросасиз мак-сималистга айланади. У қатрада денгизни, қисмда

бутунни, одамда миллатни кўради. Шоир маънавиятда бутунлик истайди, чала фазилат, ярим қадриятни инкор қилади. Шу сабаб унинг ватансуярлик акс этган сатрларида зўракилик, сохта кўтаринкилик, ёлғон даъват кўринмайди:

Дилимда эзгу юк бордир,
Ажаб оташ – куюк бордир.
Ловуллар бу куюк токи
Ватан отлиғ буюк бордир.

Шоир дилидаги эзгу юк юртга бўлган муҳаббатдир. Ана шу муҳаббатдан ҳамиша ловуллаб турганидан юрак "оташ – куюк"ка айланган. Бу тасвирларда жимжима йўқ. Уларда шоирнинг ёнаётган юраги ёлқинлари бор.

Шоир, аввало, кайфият одами. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шоир ижодида мантиқан бир-бирига зид келгувчи кайфият манзаралари акс этган шеърларни кўриш мумкин. Жумладан, Жонибек аканинг "Гаплар бор" шеъридаги "***Юраман солгандай оғзимга талқон Тилим кесилса ҳам демадим ёлғон***" сатрларида ижодкор кайфиятининг қайтарилмас бир ҳолати акс этгани эътиборга олингандагина, уларни тўғри шарҳлаш мумкин. Бу жиҳатдан шоирнинг: "***Шиква этса ким ғазалда кўз ёши тахирми деб, Мен пешонамни ювиб, Сир сувини шўр айлагум***" мисралари ҳам диққатга лойиқ бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида билинар-билинмас шиква ҳам, енгил ҳазил ҳам, ғулу даражасига етган муболаға ҳам, ҳаётий ҳолатнинг рамзий тасвири ҳам бор. Зеро, одам бир кунда неча хил бир-бирига терс руҳий ҳолатга тушмайди, дейсиз. Шоир одам эса, инчунун. Шу маънода Жонибек Субҳоннинг: "***Менга келгани йўқ гапирмоқ гали, Энг муҳим гапимни айтмадим ҳали***",– тарзидаги иқрорида шоирнинг фаолиятсизлиги эмас, балки ўзини улкан юмушларга чоғлаган талабчан инсоннинг ўз ишла-

ридан қониқмаслиги, айни вақтда камтарлиги, кўнгил синиқлиги акс этган.

Қабоҳатнинг қўрғони мустаҳкам, оғочлари чуқур илдиз отганидан безор бўлиш кўпчилик ижодкорлар қатори Жонибек Субҳонга ҳам хосдир. Тўртликларидан бирида ҳақиқатнинг кўзи кўрлиги, қутлуғлик йўқликка айлангани, одамлар оғиздаги тинмай валдираётган муча ҳақ гапни айтиши керак бўлган тил эмас, балки шунчаки овоз чиқарадиган бир парча эт экани улкан андуҳ билан тасвирланади:

Қутлуғликнинг гўё ўзи йўқ, афсус,
Ҳақиқатнинг очиқ кўзи йўқ, афсус.
Осилиб ётибди ҳамма ёқда тил –
Улар эт, айтувчи сўзи йўқ, афсус.

Биринчи қарашда тўртликда умидсизлик устувордай. Аслида эса, бу мисралар ўқувчининг ақл ва руҳият қувватининг ҳаракат қувватига айланишига ишониш белгисидир. Агар шоирда шу ишонч бўлмаганда, бу ёқимсиз манзарани чизиб ўтирмаган бўларди. Бошқа бир шеърида эса шоир вақтида келган ўлимда ҳам эзгулик кўради: "***Ўлим гар пайтида – ул шарбати хос, Кулиб кут лойиқ, муносиб, шай туриб***". Кўринадики, шоирнинг дунёга очиқ юраги ҳаётнинг ҳар бир нозик тебранишидан таъсирланади ва бу таъсирланиш туфайли юзага келган руҳий ҳолат шеър бўлиб моддийлашади. Шеърлардаги руҳият ва кайфият турфалиги эса таъсирга туртки бўлган ҳаётий ҳолатнинг хилма-хиллигидан келиб чиққан.

Жонибек Субҳон юракни олам ҳодисаларини баҳолашга асос бўладиган биргина ўлчов деб билади. Шу боис, шоирнинг ўйича, кўнгилга қарши бормайдиган, юракни қабартирмайдиган одамгина имонлилар сафида бўлади. Шоир: "***Эл обод бўлмайди то дил уйи обод бўлмагай, Дил обод эрмас то унга Ҳақ номи ёд бўлмагай***",– дер экан, элни бах-

тиёр қилишнинг шарти ҳар бир кишининг дилини ўрозли этиш, дилни бахтли қилиш учун эса, унга Ҳақ номини муҳрлаш кераклигини ифодалайди.

"Битиклар" шеърида Жонибек Субҳоннинг энг нозик ва инжа ҳолатларни ҳам моддийлаштира оладиган ижодкор эканлиги намоён бўлади. У қадим битикларда боболарнинг "минг йиллик хаёл"и "чарх уриб ёт"ганлигини, уларнинг қатида "қанчалар бўрон мизғиёт"ганини кўрибгина қолмай, уларни бетакрор равишда акс эттира билади ҳам:

Ўша битикларда минг йиллик хаёл,
Чарх уриб ётади кўтармай сурон.
Охирига етиб бўлмас кўп савол,
Уларда мизғийди қанчалаб бўрон...

Сўзга бу қадар нозик ҳамда салмоқли юк ортмоқ истеъдоднинг белгисидир. Бу хил инжа тасвир унинг бошқа бир шеъридаги: "***Дилингга ёққандай томчилар тинмай, Намиқиб кетгандай руҳият ҳатто. Баҳорни бўктирди ёмғир эринмай...***" мисраларида янада бўртиброқ кўзга ташланади. Киши кўнглини дилгир қиладиган кўкламги эзгин ёмғирнинг бу хил тасвири миллий шеъриятимизда жуда ҳам кўп эмас. Ёки чечакдан чечакка кўчиб юргувчи капалак ҳолатини ким кузатмаган? Бу ҳақда битилган шеърлар ҳам оз эмас. Аммо Жонибек ака бир тўртлигида гул ширасини эмаётган капалак тимсолини мангуликка муҳрлаган дейиш мумкин:

Капалак, солмасин қанотинг шовқин,
Бузмасин гулларнинг уйқуси, завқин.
Қанотлар каштасин кўчирсин нигоҳ –
У ҳам бир ҳис қилсин гўзаллик шавқин!

Бу шеърда шоирнинг ўтли нигоҳидан энг майда, бошқа одамлар, наинки оддий одамлар, балки унча-мунча ижодкорларнингда кўзи илғамайдиган даражадаги яширин, нозик, инжа ҳолатлар ғоят

майин йўсинда акс эттирилган. Шоирнинг ўз гўзалликлари завқи-ла ухлаётган гулларнинг капалак қаноти шовқинидан уйғониб кетишидан хавотири, киши кўзларининг капалак қанотларидаги каштлар гўзаллиги шавқини ҳис қилишини исташи каби ҳолатлар шеърда кишини лол қолдирадиган даражадаги маҳорат билан тасвир этилган

Бир тўртликдаги: ***"Сенга кулиб турган анов чеҳрада Тагчеҳра йўқ дея ўйлайсанми ё?"*** каби саволни ҳам ифода жиҳатидан шоирнинг кашфиёти дейиш мумкин. Жонибек Субҳон ҳаёт ҳодисаларини синчковлик билан кузатади, ундаги ҳар бир ҳолатда бетакрорлик кўради. Шу боис унинг яхши шеърларида тахминийлик, тавакқал, умумийлик кўп учрамайди. У ҳар қандай ҳаётий ҳолат ёки руҳий манзараларнинг қайтарилмас жиҳатларини кўриш ва кўрсатишга интилади. Бу ҳол шоирнинг "Саратон" шеърида ҳам яққол намоён бўлади:

Қилт этган шамол йўқ,
Лоҳас бор дарахт,
Ер ҳам қизиган чўғ,
Табиат – карахт.

Ўлкам саратони–
Қизиган тандир.
Эй, шафоат они,
Оловга қондир.

Тасвирнинг бориш йўсинига қараб ўқувчи шеърда шоирнинг иссиқдан ёзғириши, ундан норози бўлиши тасвирини кутади. Лекин иккинчи бандниng сўнгги сатрларида унинг кутганига терс ҳолат ифода этилгани ҳолда у мантиққа терс келмайди. Зеро, шоир юртга меҳмон эмас, унинг фарзанди. Бинобарин, у бу иссиқлар эзгуликка, тўқликка эканини туяди ва ўқувчига ҳам ўз ҳолатини юқтиради.

Чин шоир фақат ва фақат ўзини ёзади. У, ҳатто, тош ёки чаён ҳақида битганида ҳам, аслида, ўз кўн-

гил тўлғанишларини ифодалаётган бўлади. Шунинг учун ҳам чин шоир шеърлари бировлар томонидан ўқилиб, ундаги туйғуларни ўзгаларда туяди, руҳий ҳолатлари бошқаларга ҳам юқади. Жонибек аканинг: "***Мен яшадим шу оламимда Ўзим билан ўзим андармон***" шаклидаги иқрори унинг бошқалардан ажралган ҳолда биқиниб тирикчилик қилганини эмас, барча ўйчил кишилар сингари одамлар орасида бўлгани ҳолда ёлғиз умр кечириб, оламни ёлғиз англаганини билдиради. Шу маънода шоирнинг бир тўртликдаги дардчил сўроғи, мурожаати ҳар биримиз ва айни вақтда ҳаммамизга тегишли экани ажабланарли эмас:

Йўл чанги эзади елкамдан,
Ер қочиб боради кўлкамдан.
Бир дардим тушунгич топмасам
Ўзимнинг туғилган ўлкамдан?!

Чинданда биз ўз шоиримизни, замондошимизни, юртдошимизни англаш, тушуниш учун бирор нима қилдикми? Атрофимиздаги бошқа одамларни тушунишга интилаётирмизми бугун? Бизда ўзимиздан бошқа кимнидир тушуниш ва туйишга истак борми ўзи?! Шеърнинг кучи ҳам кишида ана шундай саволлар уйғотади. Чин шеър жавоб бермайди, у савол қўяди.

Жонибек Субҳоннинг одам сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам ўзига ишончи кўпчилик битикларидан яққол кўриниб туради. У аслнинг айнимаслигини, одам ўз табиатидан бошқача бўлолмаслигини шеърларида бот-бот куйлайди. Ўзига ҳеч қачон хиёнат қилмаганини қатъий ишонч билан таъсирли йўсинда изҳор этади: "***Сабримни чархлади ҳар бир ўтар ғам Аслим қандай эди – сўнгим шу одам...***" Бу сатрлар синовларда синмаган, уларда тобланиб, асл моҳияти юзага чиққан чин одам иқрорининг ифодасидир. Шу боис шоир ижод йўлининг умр йўлидан олисроқ бўлишига умид қилади: "***Қабрис-***

тон бўлмасин йўллар охири... Зеро, шоир: "***Нима ёзган бўлсам – кафил иймоним***",– дер экан тили билан дили айро тушмагани, шеърлари учун уятли эмаслигидан кўнгли хотиржамлигини ифодалайди.

Шоирнинг ўзига ишончи манманликдан эмас, балки эзгуликни куйлаганидан, шеърий мисраларга яхшиликни жойлаганидан. У ўзининг тўзимас ва қудратли бойлиги борлигидан хушвақт, кўнгли тинч. Шу боис хотиржамлик билан: "***Ҳаммага бирдай ҳаётда келса кетмак мавриди, Жонибекдан шеър қолар-ку, қўлда бори кетса гар!***" – дея олади.

Афсуски, марҳум шоир Жонибек Субҳондан фақат сара асарларгина қолмаган. Унинг умр адоғида битилиб, ишлов беришга улгурилмаган шеърлари анча кўп. Шунчаки қофияга солинган фикрлар, қайтариқ руҳий ҳолатлар ифодаси бўлган битиклар ҳам талайгина. Лекин ижодкор мероси нуқсонларига қараб эмас, балки фазилатларига кўра баҳоланади. Жонибек Субҳон шеъриятининг фазилатлари борасида эса анча батафсил тўхталдик. Зеро, умр бўйи ичкин туйғуларини, кўздан яширин руҳий ҳолатлари ифодасини бизга илиниб келган шоир энди орамизда йўқ. Ўтганлар тўғрисида ё яхши гаплар айтилади, ё жим қолинади. Негаки, шеърларидаги камчиликларини энди шоир тўғрилай олмайди. Бизнингча, шоирни туйиш ва тушуниш орқали ўзини англамоқчи бўлган ўқирманнинг вазифаси Жонибек Субҳон битган сара шеърларни топиб ўқиш ва ўқиганларини уқишга уринишдан иборат.

Муҳтарам ўқувчи! Марҳум шоиримизнинг кўнгил ҳолатларини билмоқчи, армону ҳасратлари билан ўртоқлашмоқчи, асл сезимларини туймоқчи бўлсангиз, "Еттинчи қитъа"ни кезинг. Унинг пучмоқларида ўтли юрак ҳароратига дуч келишингизга ишонаман.

2008 йил 16 сентябр-16 ноябр

АЗОБДА ТОБЛАНГАН ҚИСМАТЛАР

Ҳаёт бозор қоидаларига мосланган ва фойда асосий қадриятга айланган шароитда ўз-ўзидан одамнинг қадри тушиб нарсага, нарсанинг эса қадри юксалиб одамга эврилиб боради. Яъни одам нарса даражасига тушиб, нарса одам рутбасига кўтарилади. Бундай шароитда ҳеч ким ҳеч кимни аямайди. Чунки ҳамма ўзаро рақобат ҳолатида бўлади. Рақобат ҳамиша рақибликни келтириб чиқаради. Одамга иккининг бири: ё ишлаб чиқарувчи ёки оларман (харидор) индивид дебгина қаралади. Глобаллашаётган дунёнинг асосий белгиси бўлмиш истеъмолчилик цивилизацияси шу тариқа одамдаги одамийлик сифатларини ортга суриб қўяди. Бундай шароитда кўнгилчан, бўш-баёв ёки инсофли одамлар олғир, шафқатсиз ва диёнатсизларга ем бўлади.

Жамиятдаги ушбу ҳолат ижодкорлар эътиборини тортиши табиий ҳол. Зеро, адабиёт ҳамма замонларда ҳам кўмакка муҳтож шахслар ҳақида қайғуриб келган. Сўнгги пайтларда миллий адабиётимиз ранглар палитрасида қора бўёқнинг кўпайиб кетганлиги шу билан изоҳланади. Қаҳрамонларини фавқулодда ва аёвсиз синовлар фонида тасвирлаши, одамни экстремал ҳолатларда кўрсатиши билан танилган ёзувчи Зулфия Қуролбой қизи ҳикоя ва қиссаларида нарсалашаётган юртдошларимиз руҳиятини акс эттиришга уриниб келарди. Қўлингиздаги романида эса бозор тартиботлари туфайли нарсага эврилаётган одамларнинг бу жараёндаги уриниш, изтироб ва фожиалари жонли образлар мисолида кўрсатилган.

Муҳтарам ўқувчи! Эҳтимол, роман билан танишиш кечимида сизга ҳаётнинг зулматли қирралари тасвири кўпайиб кетгандек туюлар. Бундан асло

ранжиманг. Адабиёт учун ҳамиша ҳам қандай воқеа тасвирланиши эмас, воқеанинг қандай тасвирланиши муҳим бўлиб келган. Шунингдек, инсон ҳаётидаги ёруғлик ёки қоронғуликни фақат ижтимоий тузумга боғлаб қўймасликка ўрганиш керак. Зеро, ёруғлик ҳам, зулмат ҳам одамда, унинг кўнгли ва ўйларида бўлади. Қанчалик қоронғулик оғушида қолмасин, Зулфия романининг қаҳрамонлари ичдан нурлантирилган шахслардир.

Кейинги давр ўзбек адабиёти жанрлар борасида шаклланган тасаввурларни бузиши, яратилаётган асарларнинг назарий қолипларга тушмаслиги билан характерланади. Зеро, ижод эркинлиги фақат "нимани ёзиш"га эмас, балки "қандай ёзиш"га ҳам тегишлидир. Истаганидай ёзиш эрки ижодий тажрибалар ўтказиш имконини беради. "Армон асираси" шу жиҳатдан ажралиб турадиган асардир. Унда назариётчилар айтадиган қандайдир "романик тафаккур" сезилмайди. Асарда оддий одамларнинг оддийдан ҳам жўн ташвишлари акс этган. Романда миллат тарихи тараққиётининг ҳал қилувчи босқичидаги улкан ижтимоий воқеалар, сиёсий эврилишлар эмас, балки ўз мавжудлигини таъминлашгада ночор, кунини кўришга зўр бериб уринаётган, ҳатто шуни ҳам уддалай олмаётган кишиларнинг аянчли тақдири тасвирланган.

Маълумки, романда аввалбошдан "индивиднинг эпоси" сифатида айнан бир одамнинг кўнгил ҳолатларини тасвирлашга даъват этилган. Аммо адабиётшунослик илмида романнинг бадиий қиммати унда кўтарилган муаммонинг ижтимоий салмоғига боғлиқ деганга ўхшаш янглиш тасаввур қарор топгани учун романдан қандайдир ўзига хос тафаккур тарзини излашга одатланилган. Ҳолбуки, тафаккур адабий жанрга эмас, одамга тегишли тушунчадир. Бинобарин, адабиёт учун одамнинг ўзидан каттароқ муаммо, унинг кўнгил товланишларидан муҳимроқ

тасвир бўлиши мумкин эмас. Бир одамнинг ташвишларини кўпчиликникидан аҳамиятсизроқ деб ҳисоблаш шахсни жамиятга қарши қўйиб, конкрет одамдан кўра мавҳум ва қиёфасиз омманинг манфаатини устун санайдиган коммунистик мафкуранинг оқовасидир. Ҳар қандай чин роман тасвирга олинган шахснинг бетакрор ва алоҳида яратиқ эканини англаб, унинг руҳият иқлимларини тадқиқ этиш заруриятидан юзага келади.

"Армон асираси"да ўзлигига эга бўлиш ва уни сақлаш имконига эга бўлолмаган одам, бу одамни ҳамиша турланиб-тусланиш, эшилишга мажбур этадиган вазият ва шу ҳолатда тирикчилик ўтказишга маҳкум шахсларнинг мавжудлигидаги фожиавийлик, сезимларидаги титратма жиҳатлар улкан хайрихоҳлик билан тасвирланган. Айни вақтда асарда ҳар қандай баттол шароит ҳам чинакам одамнинг шахсиятидаги ўзак сифатларни ўзгартира олмаслиги акс этган.

Ушбу романда экстремал ҳолатларга тушган персонажлар руҳияти энг нозик жиҳатларига қадар теран акс эттирилган. Зулфия Қуролбой қизи асарида миллий адабиётимиз тажрибасида қарор топган романий тартибларга унчалик риоя этавермайди. Одатда, романдан ҳаётдаги воқеаларнинг ижтимоий салмоққа эга, қаҳрамон табиатини очишга хизмат қиладиганларини саралаб тасвирлаш талаб қилинади. Зулфия эса воқеаларни муҳим-номуҳимга ажратмайди, қаҳрамонлари характерини ўта жўн, майда ва ҳатто, тубан маиший воқелик фонида кўрсатишдан ҳам тап тортмайди. Айтиш керакки, бу хил ёндашув, кўп ўринларда, образларнинг моҳиятини очишда адибага қўл келган.

"Армон асираси" асарида бош қаҳрамон деган атамага ҳар жиҳатдан мос келадиган образ йўқ. Романдаги бирор тимсолни ҳам йирик шахсият эга-

си дейиш мумкин эмасдай. На асардан энг кўп жой олган Насиба, на умри фожиалар гирдобида ўтган Дониш, на прототипи муаллифнинг ўзи дейиш мумкин бўлган Ҳулкар Армон, на қисматга аччиқма-аччиқ яшаётган Беҳзод ва на ёвузлиги билан ҳаммани кўнглига даҳшат солиб тургувчи Талгат нафақат ижтимоий ҳаётни ўзгартира олади, балки ўз тирикчиликларини ҳам тузук йўлга қўя олишмайди. Уларнинг бироргаси ҳам қаҳрамон даражасига чиқолмаган кишилар. Шунчаки кун кечириш яшаш бўлмаганидай, тирикчилик ўпқонига ютилган одам қаҳрамон бўлолмайди. Кўраётган кунидан ақлан ва руҳан юксак бўла туриб, ўзига муносиб кун кўришни эплолмаган одам қаҳрамон саналмайди.

Ҳозирги кўпчилик ўзбек романларида яланғоч мафкурадан ташқарида туришга интилиш кўзга ташланади. Бугун романчи ҳеч кимни ҳеч қандай ғояга даъват қилмайди, йўл кўрсатмайди. У олдингидай типик шароит ва умумлашма образларни эмас, исталган бир ҳолатдаги дуч келган майда ва қиёфасиз кимсаларни ҳам тасвир фокусига олаверади. Адиблар турғун характерлардан кўра, ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодалашга кўпроқ интилишади. Зеро, ҳозир ўзгаришлар тинимсизлигидан бошқа турғунлик йўқ.

Миллий романчиликда ожиз, кучсиз, азобларга маҳкум индивидларни тасвирлаш тамойили кучайиб бораётганлиги бу жанрдаги битикларнинг китобийликдан қутулиб, ҳаётга яқинлашишига сабаб бўлмоқда. Чунки кеча бадиий эътибордан четда бўлган "кичкина одам"нинг кўнгил олами аслида бепоён экани англаб етилди. Инсоний тақдирларнинг эврилиш тарихи кўрсатмоқдаки, "катта" билан "кичкина" одам ўртасидаги оралиқ, кўпинча, бир қарич ҳам чиқмайди.

"Армон асираси" асарида фавқулодда ҳолатга тушган одамларнинг таранг руҳий ҳолатлари, шу аснода уларнинг табиатида рўй берган ҳиссий-маъ-

навий эврилишлар маҳорат билан кўрсатилган. Жумладан, асарда йўқчилик туфайли ўзбек аёлининг ўзидаги эзгу сифатлардан айрилиб бориш жараёни таъсирли акс эттирилган. Насибанинг арзимаган пулни эридан, болаларидан яширишга уринишининг "*...бир қутини ...олиб уни тиззасига қўйди-да, қопқоғини очди, ичидан бир даста эски-янги пулларни олиб шоша-пиша санай бошлади. Саноқ охирлагани сайин унинг ранги ўчиб борарди. "Вой ўлсин, балоям қолмабди-ку", – дея пичирлади ўзига ўзи. Сўнг бир дам иккиланиб турди, қўлидаги нарсани бировнинг юзига отиш фикри калласига келганда аёллар шундай тин оладилар, аммо аёл тезда хушини йиғди, чунки ўйламасдан қилинган иш ўзига, фақат ўзига зиён келтириши тажрибадан маълум, шу боис қанчалик асабийлашаётган бўлмасин, у ўзини босишга мажбур бўлди; пул қутининг жойини ўзгартириш ниятида маъқул жой қидириб, хона ичига кўз югуртирди, ўйлаб-ўйлаб охири ёток каравотининг остига қутини тиқиштирди...*" тарзидаги тасвирида муҳтожлик сабаб тубанлашишга мажбур одам руҳияти тўкис очилган.

Романда эрининг одатларини яхши биладиган ўзбек аёли кўнглидан ўтган ўйлар унинг ментал табиатига мос йўсинда тасвирлангани эътиборни тортади: "*Дониш қўлига тўрт-беш сўм тушса, ё айтайлик, уч-тўрт кундан кейин тушадиган бўлса, ...эшикдан ғўддайиб кириб келади, гап оҳанги ҳам ўзгаради. Гўё минг қўйли бойдай атрофга, хотинига тепадан қарайди, ўзича ғўддаяди*". Бу тасвирдан ҳаётда ҳар қадамда учрайверганидан эътиборга ҳам арзимайди деб ҳисобланган жиҳатнинг миллат эркагига хос универсал белги экани англашилади. Насиба эрининг бу тутумидан асло малолланмайди. Негаки, ўзаро муносабатда назокат талаб этиш учун ҳам одамнинг ҳаёти муайян юксакликка кўтарилиши керак.

Маънавият жуда юксак тушунча, лекин у мутлақо ўзгармайдиган турғун ҳодиса эмас. Одамдаги маънавий сифатлар ҳаётнинг ўзида, унинг таъсирида шаклланади, ўзгаради, юксалади ва... паторат топиши ҳам мумкин. Романда тўғри йўлга қўйилмаган ҳаёт одамнинг моддий ҳолатигагина эмас, балки маънавий-ахлоқий сифатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги билгичлик билан кўрсатилган. ***"Бу ҳол Насибани заррача ҳам чўчита олгани йўқ, аёл бундай вазиятларга кўникиб кетган; тўғри, бир вақтлар, жуда-жуда олис ўтмишда, эри қовоқ солиб қараб қўйганини кўриб қолганда ҳафталаб ўзига келолмай юрарди, Дониш овозини бир парда кўтарса бас, юраги қинидан чиққудай бўлиб уриб кетарди, лекин ҳозир ундай эмас. Асло! У замонлар ўтиб кетган! Ортга қайтмас бўлиб ўтиб кетган!"*** Бу парчада аслида тортинчоқ, ҳокисор ўзбек аёлининг шароит туфайли эридан таптортмай, ҳайиқмай, ҳисоблашмай қўйиши кечимининг кардиограммаси акс этган дейиш мумкин.

Зулфия тасвирда тимсоллар моҳияти ёркин акс этадиган қирраларни яхши билади. Шунинг учун ҳам у Насибанинг руҳиятидаги эврилишни биргина овоз детали орқали тўлиқ кўрсата олган: ***"...овозининг лат емасдан, равон чиқишининг ўзиёқ уни энди асло бақириб-чақириб қўрқитиб бўлмаслигини англатарди"***. Ҳаётида юз берган кескин бурилишлар туфайли Донишнинг табиатида бошланган тубанлашув аёлининг назари орқали берилиши тасвирнинг таъсир кучини оширади: ***"Донишнинг топиш-тутиши ёмон эмасди бошида. Лекин кейин... Йўқчилик ўлсин, етишмовчилик ўлсин, булар нима бўпти, одам ўзини қўлга ола билса, буларга чидаш қийин эмас. Эрининг қалтис қилиқлари, баландпарвоз оҳангдан тушмай сўзлашлари, энг даҳшатлиси, хотинини бағри-***

га босиб эркалай туриб, чўнтагига қўл солгани! Пул деб! Арзимаган чақа деб! Ўшанда эридан илк дафъа нафақат кўнгли қолди, балки бу ҳолдан даҳшатга тушган: "Мен қандай одам билан яшаяпман ўзи?!" Бир неча кунгача ўзига келолмай юрди. Кейин ҳам бу ҳол, ҳатто бундан баттароқлари ҳам содир бўлди. Аёл аста-секин кўникди, аниқроғи ўзини ўзи кўниктирди, чунки ақли унга: "Эрингнинг руҳиятидаги бу эврилишларнинг ҳаммаси иложсизликдан", – дея таъкидлаб турарди". Бу тасвир чинлиги ва таъсирли эканидан ташқари, Дониш табиатидаги тойинишларни ифодалаши ҳамда Насибанинг шахсиятидаги ўзак фазилатларни кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Романда соддагина Насиба ўзини текширадиган, хатти-ҳаракатларини тафтиш қиладиган ўй кишиси сифатида тасвирланади. Унинг Ҳулкарга айтган: "*Агар билсангиз, эрим оламдан ўтганидан бери бир нарса мени ейди, емиради... ...Агар мен эримга ишонганимда, у ўлмасди, эшитяпсизми, ўлмасди! Уни ишончсизлик ўлдирди. Чунки шу нарса унга етишмасди! ...Нима қилай, ўша нарса менда ҳам етишмасди, – деди Насиба гапини давом эттириб. - Ўзимда йўқ нарсани бошқага беролмайман, ахир. Лекин энди бундай бўлмайди. Одамзоднинг феъли шундай экан, сен қўрқоқсан десангиз, у қўрқоқ бўлиб бораверараркан. Ёмонсан десангиз, ёмон... Буни энди англаб етдим*", – гапида самимият қанча бўлса, ҳақиқат ҳам шунчадир. Насибанинг бу иқрорлари шунчаки тазарру эмас, балки энг яқин кишисини йўқотиш эвазига топган муҳим ҳаётий тўхтамидир. Персонажнинг бу қарашлари унинг кейинги хатти-ҳаракатларига маънавий асос ҳам. Насибадаги айни шу тўхтам ва беғараз ишонч кейинчалик Талгатнинг ҳаётга "қайтиши"га сабаб бўлади.

Насибанинг эри ўлимидан кейинги иложсизлиги манзараси асарда бутун даҳшати билан акс эт-

тирилган. Унда омадсиз ва ночор, аммо бошига тушган саноқсиз кўргуликлар туфайли Яратганни танишга муяссар бўлган одамнинг жаҳоний изтироблари, тасаввурга сиғмас фидойиликлари ифода этилган: *"...уч кундан буён уйида қозон қайнамайди. Уч буханка нон, уч чойнак чой билан бир кунни ва болаларини алдайди. Болаларининг рангпар чеҳрасига, ғамгин кўзларига боқиб, юраги симсим оғрийди. Дунё кўзига қоронғи, қайғу денгизи уни қаърига тортган... Орзулари сўнган, умидлари шаффоф биллур сингари чил-чил синган... Барча кўргуликлар, шўришлар ташвиши зил-замбил юк каби елкасини эзган...*

Кундузни бир амаллаб ўтказади, бироқ тун! Тангри гуноҳкорни жазолаш учун тунни ўйлаб топган. Тун – ором лаҳзалари эмас, азоб, армон лаҳзалари. Ҳар куни такрорланадиган узундан узоқ лаҳзалар. У Донишнинг ўлимида ўзини айбдор санарди. ...Шунинг учун у бирдан тавакkалига иш кўрадиган бўлиб қолди. Бу яхшиликка олиб келса хўп-хўп; аммо бирор фалокатга йўлиққудай бўлса, буни Тангри томонидан ўзи учун юборилган жазо деб қабул қилмоқчи ва на қисматдан, на одамлардан домангир бўлади...

Аммо буларни бировга айтиб бўладими? Юракдан томчилаётган зардобнинг чакиллашига қулоқ тутганича, ҳеч кимга сир бермасдан, оғриқни сездирмасдан, лабни маҳкам тишлаганча сукут билан яшашдан бошқа илож йўқ!" Инсон ҳаётида рўй берган қандайдир бир фавқулодда воқеа баъзан унинг фикрлаш йўсинини ҳам, табиатини ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Насиба шундай фожиани бошидан кечирди. Шунинг учун ҳам китобхон бозорчи аёлнинг ўйларидаги қамров ва юксакликни табиий қабул қилади. Бу тимсол орқали адиба ўз қисмати учун ўзини жавобгар ҳис қилаётган бугунги ўзбек аёлини акс эттирган. Насибанинг

иқрорида инсоннинг умридан узунроқ давом этадиган азоб лаҳзалари ўта таъсирчан тасвирланган...

Насиба образи орқали адоқсиз машаққат, сўнгсиз азоблар ҳам эзгуликка умид ва одамларга ишонч туйғусидан айиролмаган ўзбек аёли кўрсатилади. Оиласи тинчлиги, болалари соғлиғи, эрининг хотиржамлигинигина ўйлайдиган бу аёл дунё муаммоларини ҳал этишни даъво қилмайди, шоҳона ҳаётни орзуламайди, одам қатори яшашнигина истайди, холос. У қаҳрамон ҳам, донишманд ҳам, буюк ҳам эмас. Лекин у одамнинг тириклиги фақат азоблардан иборат бўлиши мумкин эмаслигини билади, одамларга ишонади ва эзгу кунлар келишига чиндан умид қилади. Ана шу умиди уни улуғлайди. Зеро, шайтон ва унинг йўлидан кетаётганларгина умиддан маҳрумдирлар.

Насиба табиатидаги етакчи қирралар асарнинг қуйидаги ўринларида маҳорат билан тасвирланган: ***"Уни бефаҳм деб бўлмасди, у қадар доно ҳам эмасди. ...Шу вақтгача унинг фаҳми етган ҳақиқат шу эдики, чидашдан, сабр қилишдан бошқа чора йўқ; улоқсанг йўлдан озасан, ўзингни ўлдирсанг гуноҳкор бўласан!"*** Романда фикру зикри йўлдан озмаслик ва гуноҳ қилмасликка куч топишда бўлган ўзбек аёли табиати ёрқин акс эттирилган. Бундай сифатларга эга одам ҳеч қачон Яратганнинг марҳаматидан четда қолмайди. Тўғри, романда Насиба фақат қийинчилик ва азоб исканжасида тасвирланган. Аслида ҳам одам маънавиятини тоблашнинг қийинчиликдан бошқа йўли йўқ. Азоблар туфайли синиб, одамийлигидан айрилиб қолмаган кишигина чин инсондир. Қийинчилик –имони бутун бўлмаган одам учун ўзининг ношоён хатти-ҳаракатларини оқлашга баҳона. Одамнинг чин одамлиги машаққат воситасида аниқланади. Яхши шароитда ҳар ким ҳам яхши бўла олади. Асл эзгулик яхшилик қилиш мушкул бўлган вазиятда қилинади. Насиба ана шундай зот. Аёл одамлиги ва кўнглини бутун

сақлай олгани учун азоблар унинг кўнглидаги эзгулик ва шахсиятидаги бутунликни янчиб ташлай олмади. Ишонч, умид ва эзгулик увоққина аёлни кўпчиликнинг кўнглига қўрқув солган каллакесар Талгатдан устун қилиб қўйди. Миллий адабиётимизда ўзбек аёли ҳали бундай ракурсда тасвирланган асар йўқ эди.

Насибанинг Ҳулкарга айтган: ***"Ўғлим шўрлик эмас. У менинг номусим! Шунинг учун уни ёнимда олиб қолдим"***, – деган гапида ҳам ўзбек аёлининг моҳияти намоён бўлган. Номусли она боласининг шўрлик бўлишига йўл қўймайди. Шунингдек, номус унга эгалик қиладиган кишининг ёнида бўлгандагина қиймат касб этади. Уйда қолдирилган ёки кўчада унутилган номус моҳиятини йўқотган тушунчадир. Аёлнинг юқоридаги гаплари унинг шахсиятидаги қудратни намоён қилади. Ёзувчи персонаж руҳиятидаги кечимларни синчковлик билан кузатади ва ёрқин акс эттиради. Асарнинг бошларида Насиба бундай гапларни айтолмас, айтган тақдирда ҳам унчалик ўтиришмаган бўларди. Аёлнинг олдинлари бунчалар чуқур ўйлолмаслиги табиий эди. Чунки бош паноҳига эга ўзбек аёли ўзи ва ўзлигини намойиш қилавермайди. Ҳаёт майдонида жавлон уриш, ақлли гаплар айтиш, тўғри қарорлар қабул қилиш Насибанинг суянчиғи, унинг учун ўйлаши ва жавоб бериши керак бўлган эри Донишнинг вазифаси эди. Ўзбекда аёл мажбур бўлгандагина ўзининг нималарга қодир эканини намоён этади. Ўзи ва болалари кўмакчисиз қолиб, бунинг устига, Талгатнинг ташвишини ҳам бўйнига олгачгина, Насибанинг табиатида яшириниб ётган асл хусусиятлар уйғонгани романда жуда ишонарли акс эттирилган.

Асарда Насибанинг эртадан умиди бор чинакам мўмина аёл экани асосли кўрсатилган. Унинг: ***"Азоб-уқубат энг юқори чўққисига чиққанидан кейин у барибир пастга тушади, чекинади. Агар***

чин дилдан истасангиз, ҳамма нарсанинг иложини қилса бўлади" тарзидаги гапида Яратганга таваккал қилган ва яхши кунлар келишига астойдил ишонган одам руҳияти ёрқин акс этган. Бу гаплар аёл учун декларация эмас, балки имон ифодаси. Насибанинг Ҳулкарга: *"Мен оч қолсам бир иложини топаман. Биз шундай яшашга ўрганиб қолганмиз. Лекин сиз... очликдан тиришиб қоласиз"*, – деган гапида қийинчиликдан қўрқмайдиган ва шу қўрқмаслиги боис уларни енга оладиган шахс табиати намоён бўлади.

Эрини йўқотишига унга ишонмагани сабаб бўлганини англаган Насиба бундан буён одамларга ишониб яшашга интилади. У ҳеч кимдан, ҳеч қачон меҳр кўрмаган ва кўрсатмаган кимса бўлмиш Талгатга ҳам ишонади. Асарда ишончсизлик ва бемеҳрлик одамни одамчиликдан чиқариб юборганидек, беғараз ишонч ва чин меҳр ёвузни одамликка қайтариши ҳам мумкинлиги ўз ифодасини топган. Аёлларга нафрати сабаб Насибани қийнаш, камситиш ва таҳқирлашга интилган Талгат унинг одамийлиги, олижаноблиги олдида ожиз қолганидан эзгулик йўлини танлайди.

Ўзи чидаб бўлмас оғир ҳолатда бўлишига қарамай, бировга беғараз яхшилик қила олиш Насиба табиатининг асл белгиси. Беғараз эзгулик уни ўзўзидан юксалтиради. Мушфиқ аёлнинг бу хусусияти Талгат тилидан: *"У ўз қадрини билмайдигандек, уни оёқ ости қилаётгандек тутса-да ўзини, аслида, қадри-ю шаънини жуда юқори қўядиган, фаҳм-фаросатли аёл", – деган тўхтамга келди Талгат. Фақат у ўта ақлли ва сабр-тоқатли! Ҳа, ҳа, худди шундай. Насиба ишни охирги чизиққа довур етиб боришини кутиб яшаяпти. У қўрқади, ваҳимадан юраги ёрилгудек бўлади, лекин барибир шу қўрқув сари бостириб бораверади. Унинг ҳатто қайғусида ҳам кучли алланима*

бордай... тарзида ифода этилади. Бу иқрор Насибанинг табиатини ифодалаш билан биргаликда Талгат руҳиятида ўзгани тушунишга интилиш бошланганини ҳам англатади.

Насиба – қисматга бўйинсунган ва тақдир зиммасига ортган юкни манзилга малолланмай элтишга интилган мутаваккул зот. Шу боис у қисматидан норози бўлмайди. Ўт пўлатни тоблагани каби азоблар Насибани тоблайди. У донишмандлиги билан эмас, балки эзгу амали билан йўл кўрсатадиган одам. Талгатнинг у ҳақдаги: ***"...у бирор мартаям менга: "Бундай қилманг" – деб ақл ўргатмади, тарбиялашга ҳам уринмади. Фақат худди юлдузга ўхшаб сокинлик билан шошилмасдан мақсади сари бораверди"*** тарзидаги иқрорида адоқсиз азоблар гирдобида ҳам тозалигини сақлаб қола билган аёл табиатидаги қудрат акс этган. Ёзувчи Насибани ўқувчига намуна қилиб кўрсатмайди, ундан ибрат олишга чақирмайди, тарғибу ташвиқ қилмайди. Бу ҳол образнинг бадиий таъсир даражасини оширади. Зеро, бугунги ўқувчи маънавий-ахлоқий серка бошлаган томонга эргашиб кетаверадиган антропологик уюр эмас.

Адибанинг одам руҳиятини чизиш маҳорати шунда намоён бўладики, у Насибани Талгат табиатини ўзгартириш, унга ижобий таъсир кўрсатиш ҳақида ўйлаган ҳолда тасвирламайди. Айни вақтда, аёлнинг каллакесар йигитни эзгулик томон ўзгаришга зимдан мажбур қилганлигини таъсирли ва ишонарли тарзда кўрсата олади. Насибанинг ҳаракатларини қийинчилик билан бўлсада, тушуниш мумкин: ўз эри, болаларининг отаси Донишга ишонмаган, унинг нуқсонларига сабр билан муносабатда бўлмаган аёл деярли нотаниш, ҳаёти барбод бўлган қаҳрли эркакка улкан чидам билан яхшиликлар қилади. Бунинг боиси фожиа, йўқотиш ва адоқсиз қийинчиликлар таъсирида Насибанинг юраги ўз-

ганинг камчилигини кечира оладиган, бировнинг ташвишини елкасига ола биладиган даражада кенгайганидадир. Имкон борида яхшилик қилиш унчалар қийин эмас, чин эзгулик имконсизликда ҳам қилинади. Бундай тутум яхшилик қилганни янада юксалтиради. Асарда ҳеч қандай илинж ва манфаатсиз, азбаройи одам бўлгани боис Насибадан эзгуликлар кўриш Талгатни ёвузлик ботқоғидан олиб чиққани ишонарли тасвирланган. Аёл Талгатнинг табиатига таъсир кўрсатишга интилмагани ҳолда уни ўзгартирди, демак, тақдирига тадбир кўрди. Ўқувчи бундай бўлишини кутмайди, Насибанинг ҳаракатлари замирида жилла қурса, муҳаббат яширинган бўлса керак деб ўйлайди. Ёзувчи ўқувчининг ҳисоб-китобга асосланган кўзқарашига зид равишда беғараз эзгулик берган мевани тасвирлайди.

Олдинлари асарлардаги адабий образлар ўз номига мувофиқ тарзда тимсол бўларди. Яъни бадиий асарда тасвирланган персонаж кимларнингдир умумлаштирилган образи, қандайдир ижтимоий қатламнинг вакили саналарди. Эндиликда адабий образ фақат ўзининг тимсоли, фақат ўзининг вакили, холос! Бадиий асарда одамни бирор тўданинг вакили эмас, битта ва бетакрор шахс сифатида акс эттириш, унда бирор ижтимоий қатламга хос хусусиятни эмас, балки ёлғиз унгагина тегишли яхши-ёмон сифатларни тасвирлаш шу хил эстетик натижага олиб келди.

Бу жиҳатдан Дониш тимсоли жуда характерлидир. Уни тушуниш ва ёқлаш қанчалар қийин бўлса, қоралаш ва рад этиш ҳам шунчалар мушкул. Бу ҳол персонаж табиатини белгилашда ёзувчи позициясининг ноаниқлигидан эмас, балки асарда одам табиатидаги ўзгарувчанлик ва беқарорликнинг тўғри кўзда тутилганидан келиб чиққан. Гарчи, романда Донишнинг ўтмиши бир қадар ёркин рангларда эслансада, аслида табиатидаги бетайинлик, ожиз-

лик, қийинчиликларга бетоқатлик унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида уч бериб туради. Адиба шу тимсол мисолида ўзгани туймоқ ва тушунмоқ билан ўзга учун биргина амалий қадам қўймоқ ўртасида чексиз масофа борлигини кўрсатади.

Дониш ўз табиатига кўра бозор тартиблари ўрнатилган шароитда қурбон бўлишга маҳкум шахс эди. Чунки унда курашчанлик, чидам, топқирлик йўқ эди. У бундай сифатларга эга бўлишни ўйламасди ва бунга уринмасди ҳам. Йигит бутун ҳаётини "ҳазрати омад"га тиккан калта ўй, синовларга дош беролмайдиган ночор кимса эди. Шунча одам ичида айнан унинг фирибгарлик қурбони бўлиши ҳам персонажнинг табиати мантиғига мувофиқ эди.

Алданган, калтакланган, дунёдан ҳафсаласи совиб, ўлимигада рози бўлган Донишнинг хотини ва болалари билан муомаласи, уларга айтган гапларидаги кутилмаган кескинлик ва тагдорлик шафқатсиз бир куч таъсирида дунёга қараши бутунлай ўзгариб кетган персонажнинг синиқ руҳиятини яққол ифода эта олган. Тайинсиз умр кечирган Дониш ҳаётининг сўнгги онлари асарда катта маҳорат билан кўрсатилган: ***"Дониш бир амаллаб ўрнидан тураркан, бирдан боши айланиб кетди. Кўзларини чирт юмиб олди. Икки-уч дақиқадан кейин кўзларини очди, энди боши айланмас, лекин кўз олдида кумуш тангачалар рақси бошланганди. Оёқларида жон йўқдай, болдирлари шу қадар кучсиз эдики, қадам ташлашга мажоли етмасди. ...Дониш ҳолдан тойган вужудидаги қолган-қутган, оқова куч-қудратни тўплаб, қаддини ростлади, олға интилди. ...Мияси қизиб, бошининг териси аллақандай, ғалати, худди жонсиздай карахт бўлиб бораётганини ҳис қиларди Дониш, соя-га ўтиш керак деган ўй карахт миясида ғувиллар, аммо у ёққа ўтмас, қалтираб-титраганча кетиб бораркан, йўл билан йўлакни бир-бири-***

дан ажратиб турган бетон ариқчадан ҳатлаб ўтишга юраги дов бермасди, худди ариқча оддийгина, бир ютим сув жилдираётган ариқча эмас, жудаям улкан анҳордек, ҳатлаб ўтаман деб унга йиқилиб тушадигандек туюларди". Касал одамнинг нафақат руҳияти, балки дарднинг патологияси ҳам бу қадар аниқ ва таъсирли ёзилган асар ўзбек адабиётида кўп эмас. Беморнинг айни дамдаги ҳолатигина эмас, касалликнинг умумий, универсал белгиларининг ҳам ишонарли чизилгани тасвирнинг таъсир кучини оширган.

Дониш ёвуз одам эмас, у бировга ёмонлик қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Лекин ожиз, иродасиз, енгилтак ва ўзининг майда хоҳиш-истакларини бошқаролмаслиги боис ҳамиша яқинларига ташвиш келтиради. Бутун шахсият эгасигина истагини ихтиёрида тутади. Шахслиги синган одам доим истаклари етовида бўлади. Бундай одамнинг ожизлиги тўда ичида билинмайди, у кўзга ташланмай, кўпчилик қатори юраверади. Аммо ўзини бошқаролмагани, муҳимдан номуҳимни ажратолмагани сабаб қандайдир мўъжизани кутиб яшайдиган бундай кимса ҳал қилувчи дамда ўз ожизлигини намоён этиб, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам балолар келтириши мумкин. Ўзини ёш боладай тутиши, оила ҳаётининг таҳликали онларида бутун топганини лотереяга сарфлаши Дониш шахсиятидаги ожиз жиҳатларни кўрсатади. Асарда Донишнинг майда шахсиятига хос руҳий тўлғанишлар маҳорат билан тасвирланган: "*...вақт, пул топиб бино ертўласига кириб кетаётган бахтиёр кимсаларни ҳавас билан кузатаркан, бутун вужуди дам сайин гоҳ қизиб, гоҳ музлаб кетарди. Кафтлари терлаб, нам тортганди, қорачиқлари ёнарди. Шунга қарамай, бир вақтнинг ўзида хаёлига ғалати, кескин, алдовчи ва ваҳимали ўйлар ҳам келардики, бундан аъзойи бадани жунжикиб кетарди*". До-

нишнинг ўзини боридан тузукроқ кўрсатиш илинжида кетма-кет ёлғон гапириши, бировлардан калтак еганда ҳам осмондан келиши, Ҳакимга рассом таниши борлигини айтиб қуруқланиши, энг нуфузли қаҳвахонага кириб маишат қилишни орзулаши каби анчайин бачкана, майда қилиқлари замирида ҳам унинг тўкис одам бўлишга ёки бошқалар кўзига шундай кўринишга интилиши ётади. Бутун одам ўзида бор сифатларга таяниб, юксалишга интилади. Таянадиган нарсаси бўлмаган синиқ одам эса, ўзида йўқ нарсаларни бор хаёл қилиб ёки бордай тасаввур уйғотиб парвоз қилмоқчи бўлади ва табиийки, ҳалокатга учрайди. Асарда Донишнинг қисмати шуниси билан ҳаққоний ва ибратли тасвирланган.

Зулфия Қуролбой қизи – табиат орқали одамни, одам орқали табиатни тасвирлай оладиган ёзувчи. Асарнинг бирор ўрнида ҳам шунчаки чизилган табиат манзараси учрамайди. Пейзаж ҳамиша ё образларнинг кайфиятини ифодалаш, ё уларнинг руҳий ҳолатини тушунишга ўқувчини тайёрлаш ниятида чизилади. Романнинг кўп ўринларида тушкун кайфиятли одамга қор ҳам қора кўриниши нозик акс этади: ***"Зах, лой тиззага чиққан майдон... Майдон четидаги симёғочлардаги қалпоқли чироқларнинг атиги биттасидан хира ёруғ тараларди. Тафтсиз ой увада булутлар теграсида айланарди. Майдон ўртасидаги бетон тўсиқлар устида жунжиккан япалоққушлардай одамлар тўдаси ўтиришарди"***. Бу тасвир қийинчиликлар гирдобида қолган ва кўзига очундаги ҳамма нарса хунук кўринаётган одам назарининг ифодаси. Нобоп шароит, ёмон кайфият одамни ҳамма нарсани нуқсонли кўришга мойил қилади. Эҳтимол, майдоннинг тароватсизлиги реалдир, лекин ойнинг тафтсизлиги, унинг ҳақиқий ҳолатга зид равишда ***"увада булутлар теграсида айлан"***иши фақат персонаж кайфиятининг натижаси.

Табиат тасвири персонажлар нигоҳи орқали берилганда у аслидагидай эмас, балки тимсолнинг кайфиятига мос бўлади. Романда лотереясини текширишга ошиқаётган Дониш туйғулари табиат ҳодисаларига муносабат асносида шундай кўрсатилади: ***"...Шу куни шом одатдагидан сал кечикди, чунки қонталаш уфқ устида осилиб турган қуёш нимагадир ботишга шошилмасди, худди аллақандай мўъжиза содир бўлишини кутаётгандек... Борлиқ сув қуйгандек жимжит эди"***. Бу тасвирда табиатдаги бемалоллик, шошилмаслик ифодаси ўқувчига мўъжиза юз беришини кутаётган Дониш юрагининг ёрилгудай сабрсиз ураётганини кучайтиришга хизмат қилса, жимжитликнинг бўртиқ тасвири донишлар уйидан чиқиши кутилаётган бахтиёр ҳайқириқни кучайтириб бериш учун керак эди.

Табиат тасвири орқали баъзан ҳаётга бефарқ бўлгани учун ҳам атрофига теран назар ташлай олмайдиган кимсаларнинг қуруқшаган туйғулари ифода этилади. Бу жиҳатдан романдаги: ***"Қуёш қиш бўйи булут ортида ётавериб куч тўплаган-у, энди бор қувватини сарфлашга қасд қилгандек, кутилмаганда бутун борлиқни қиздириб юборганди. Аммо бу ўзгаришлар ночорлик забт этган оролча фуқароларининг эътиборини тортмас, улар ўз ўйлари, ташвишлари билан андармон, бу гўзалликлар уларга тегишли эмасдай, бефарқ эдилар. Фақат қайғу абгор қилиб ташлаган жулдур бир киши икки кундан буён бекат деворларига суяниб ўтирганча ўзини кунчувоққа солар, гўё изтиробларини қуёш тафтида эритишга қасд қилгандай, қимир этмасди"*** тасвири характерлидир. Ушбу тасвир орқали ёзувчи табиатни кўрсатиш баҳонасида тирикчилик абгор қилган одамларнинг руҳиятини чизади.

Эътибор қилинса, ўзбек адабиётида пейзаж тобора кўп функцияли бадиий воситага дўниб бора-

ётганини кўриш мумкин. Ушбу романда ҳам пейзаж тасвири хилма-хил вазифаларни бажарган. Асарда лотереяга машина ютиб олган Дониш кўзи билан тонг манзараси шундай кузатилади: *"Тун пардаси кўтарилди. Кумушранг ёғду борлиқни чулғади. Уфқ аввал нимпушти ранг олди, зум ўтиб аста-секин қизарди ва қип-қизил машъаладай бўлиб қуёш бош кўтарди. Осмон кўм-кўк. Дарахт япроқларида ялтираётган шудринг доналарида қуёшнинг илк нурлари акс этди. Кўп ўтмасдан шудринг ғойиб бўлди, у буғга айланиб, ҳавога учди, яна шудринг бўлиб қайтиб тушиш учун..."* Бу тасвирда Донишнинг кўтаринки ҳолати берилишидан ташқари, унинг кейинги тақдирига ишора ҳам бор. Унда Донишнинг қувончи ҳам тонг чоғи бир ялтираб ғойиб бўлган шудринг каби омонат эканига имо қилинади.

Муаллиф табиатни ўз нигоҳи билан кўрганда тасвир ёқимли, бундай ўринларда қалам равон йўрғалайди: *"Булут ниқоби йиртилган осмоннинг чиройи очилган, қуёш чарақлар, ундан сон-саноқсиз мисранг нурлар ёғиларди; ҳалигина дарахт шохлари, кунжакларда чарх урган аччиқ изғиринниng заҳри ўчган, борлиқда илиқ-иссиқ, шафтоли ҳиди ва бошқа турфа бўйларга қоришиқ ҳаво кезинарди"*. Лекин бу тасвир шунчаки аморф манзара эмас, балки персонажлар руҳиятининг муаллиф назари орқали акс этишидир. Асарнинг бошқа ўринларида ҳам пейзаж тасвир моҳиятини ифодалайдиган восита сифатида келади. Жумладан: *"Борлиқ куз қуёшининг оппоқ нурафшон нурларига ғарқ бўлган, йўл четидаги дарахтларнинг сарғая бошлаган япроқларини титратганча енгил шабада эсарди"* манзараси эзгу умид оғушидаги бахтиёр одам қарашларининг моддийлашувидир.

Зулфия қаҳрамонлар руҳиятига бевосита дахли бўлмаган ҳолатларда ҳам табиатни жонлантириб

юбора олади: *"Февраль охирлади. Аёзли ҳавонинг тафти сусайди. Сукутга чўмган заминни кўклам турткилай бошлади, аммо борлиқ ширин уйқудан уйғонгиси келмаётгандек эринчоқлик қиларди, ер билч-билч лой, қиш бутун қувватини сўриб олган дарахтлар қоп-қорайиб турарди"*. Ёзувчининг маҳорати сабаб восита мақсадга эврилганидан тасвир ўз ҳолича ҳам эстетик қимматга эгадир.

"Армон асираси" романида воқеалар ўзаро боғлиқ бир неча сюжет линиясида ёнма-ён кечади. Шу боис асарда Ҳулкар тимсолига ҳам залворли эстетик юк ортилган. Муаллифнинг адабиёт ва ижодкор, ўқувчи ва санъат асари борасидаги ғоят ўзига хос қарашларини акс эттиришда Ҳулкар Армон образи муҳим ўрин тутади. Романнинг кўпгина ўринларида бу аёлнинг руҳий ҳолати жуда таъсирли кўрсатилган: *"Бўғиқ ҳаво юрагини сиқарди. ...Ташқарида туман бир ямлашда ютиб юборишга қасд қилган очофат махлуқдай борлиққа ёпирилган эди. Кўча чироқлари туман орасидан зўр-базўр милтираб турарди. Эзиб ёмғирга бўккан ёлғиз дарахтнинг яланғоч новдалари бутоғидан узилиб тушадигандек эгилиб қолди"*. Бу тасвирлар билан танишиш асносида ўқувчи абгор ҳаёт ва тушкун кайфият сабаб атроф Ҳулкарнинг кўзига шунчалар ғариб кўринаётганини англайди. Тасвир самимияти ўқувчи руҳиятини ҳам беихтиёр қаҳрамоннинг ҳолатига кўчиради.

Ҳулкар табиатининг асл белгилари ҳақида асардаги: *"Ёзув столига ўтиргандагина у ҳақиқий фариштага айланарди... Шу чоққача у ҳикояларини бирор таъма ё қалам ҳақи учун ёзмасди. Ўзи учун... ҳаммаси ўзи учун эди!"* тасвири чин ва самимий экани, персонаж табиатидаги асл фазилатларни ёрқин акс эттирганлиги билан таъсирлидир. Романдаги Ҳулкарнинг ўйи тарзида берилган: *"Ҳалокат яқинлашгани сайин инсоннинг ўзи ихти-*

ёрсиз равишда унинг истиқболига шошилаётганини сезмай қоларкан",- ифодасида катта ҳақиқат ва таъсирчанликкина эмас, ёзувчига хос кузатувчанлик ҳам акс этган. Шунингдек, Ҳулкарнинг: "***...ижодда аёл, эркак деган тушунча бўлмаслиги керак. Фақат иккита нарса бор: Ижод ва Ижодкор***" – деган гапи унинг табиатига хос хусусиятни кўрсатибгина қолмай, маълум даражада Зулфия Қуролбой қизининг ижодий кредосини англатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳулкар ҳаёт ва ижоднинг моҳиятини тушунишга интиладиган ўйчил ижодкор. Шу боис ҳам у жамиятда бу қадар кўп муаммонинг бирданига пайдо бўлиши сабабини шунчаки тузумнинг ўзгариши билангина изоҳлаб қўя қолмайди. Унинг: "***Бу ер бозор эмас! Бозор бошқача бўлади. Бу ер... бу ер... бахтиёр яшашга қурби етмайдиган одамлар, бор-йўғи шарпалар кўнимгоҳи, холос. Бу ердагиларга рўшнолик бегона. Омаднинг нафи тегмайди буларга! Булар миллион-миллонларга мўлжалланган бахт мафкураси таъсирида ўсган одамлар, янги замонга, янгича ҳаётга мослашишлари амри маҳол. Мослаша олмаганларнинг тақдири қандай якунланиши маълум...***", – деган гапларида шафқатсиз ҳаётнинг йўриқларини англаб етган соғлом фикрли, ойдин аёлнинг тўхтамлари ифодасидан ташқари, асарнинг моҳияти, унда тасвирланган адоқсиз азобларнинг ижтимоий сабаби ҳам акс этади.

Зулфия ижодкор ўз давридан ташқарида, унинг таъсирига берилмай туролмаслигини Ҳулкар мисолида нозик ифода этади. Бунда ёзувчи образ табиатидаги ўзига хосликларни кўрсатиш йўлидан боради. Ҳаётнинг кундалик икир-чикирлари шунчалар қудратлики, имони бутун бўлмаган одам ўзи истамагани ва билмагани ҳолда унинг оқимига тушиб қолиши ҳеч гап эмаслиги Ҳулкарнинг ижоди

мисолида кўрсатилади: *"...бозорбоп нарсаларни ёзиш унга тўғри келмасди. У табиатан жиддий аёл бўлганидан бундай "асар"лар жанрига мос келмасди, бироқ иш бошлаганидан кейин кўп ўтмасдан бу "жанр" унга мос ва қулай эканлигини англади. Бу ҳол шу қадар тез юз беради, деб сира ҳам ўйламаганди"*.

Давр Ҳулкар Армондай ўйчил, иродали одамни ҳам ўз йўриғига юргизишини, фақат имон бутунлиги учун ҳар дақиқада курашиб, саноқсиз қурбонлар ҳисобигагина ижоднинг дахлсизлигини сақлаб қолиш мумкинлиги асарда ғоят таъсирли акс эттирилган: *"Ҳулкар англаб етган ҳақиқатнинг моҳияти шунда эдики, узоқ чекилган машаққат ва омадсизликдан зада бўлиб юрган бир вақтда кўққисдан қўлига тушган мўмай даромад уни эсанкиратиб қўйди, шу боис ҳам қутурган юҳодай бирдан бутун борлиғини ютиб юборган Нафс олдида ожизлик қилди! Ҳа, ожизлик қилди! Донишнинг ўлими, Зуҳранинг фожиаси ва бошқа-бошқалар унинг жиноий манманлиги ва худбинлигига қарши норозиликдай, юз-кўзи аралаш отилаётган таъна тошларидай туйилди"*.

Романда санъаткор ва жамият, бадиий асар ва ўқувчи муносабатларига нописанд қараш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, ўқувчиларни бозор адабиётига ташлаб қўйиш миллат маънавиятига хиёнат экани ёзувчи аёл Ҳулкар ижодий тақдири, унинг имони ва нафси ўртасидаги аёвсиз олишувлар тасвири асносида кўрсатилади. Романда адабиётнинг атомдан ортиқроқ кучи ва уни эзгуликка йўналтирмаслик бир дунё кутилмаган ижтимоий муаммоларни юзага келтириши мумкинлиги адабиёт оламидан юлдузлар қадар йироқ Дониш ва Зуҳра тақдирлари мисолида таъсирли акс этган. Ҳулкар Армоннинг адабий истеъмолчилар руҳиятини аллалашга, уларни воқеликнинг шафқатсиз

реалликларидан чалғитишга қаратилган "Лотерея" ҳикояси Донишнинг ўлимига бир даражада сабаб бўлса, "Севги фариштаси" асари норасида Зуҳранинг ёмон йўлга кириб кетишига туртки бўлгани қаҳрамонлар тақдири тасвирига чоки билинмайдиган қилиб сингдириб юборилгани ва кейинги вақтларда нафақат ўқувчилар, балки адибу адабиётшуносларҳам кўникиб бораётган адабиётнинг ҳеч ким олдида масъул эмаслиги концепциясига қарши қаратилгани билан эътиборга лойиқдир.

Чинакам истеъдод эгаси ўз кўнгли ва имонига қилган хиёнат нафақат унинг ўзи ва ижоди, балки адабиёти ва миллати бошига ҳам кўргуликлар келтириши Ҳулкар Армон воситасида бутун кўлами билан тасвирланган. Муҳими шундаки, ёзувчи ўқувчига оқибатдан хабар бермайди, балки жараённи кўрсатишга, шу орқали эстетик хиёнатнинг даҳшатини туйдиришга эришади: ***"У аввалгиларга қараганда ўн чандон кўп ...ёзарди, лекин энди аввалги ҳикояларидаги каби қўнғироқ садосидек мусаффо ва мағрур, қуёш ёғдусига монанд қанча қуюқлашса, шунчалик кучли ўртайдиган сўзларни, ибораларни ишлатмас, уларни четга суриб қўйган; уларнинг ўрнига одамни ўз-ўзидан мамнун бўлиб мудроқ бостирадиган, кўнгилни ёқимли хаёлларга чулғайдиган сўзларни ҳеч аямасдан, уволидан қўрқмасдан сарф қиларди, совурарди; чўлтоқ ҳақиқатга ўхшайдиган умумий гапларни кўп ишлатарди, энди унинг сўзлари порлаб турадиган, аммо ҳарорат бермайдиган биллур қандилга ўхшарди"***. Истеъдод эгасининг ўз кўнглига хиёнат қилиши акс этган бу тасвирлар чинлиги билан қудратли. Етмиш бир сўздан иборат бу битта гапга ҳолат тиғизлиги ва руҳият таранглиги жойланган.

Ҳулкарнинг ижодий тақдири мисолида чинакам қаламкашнинг ҳамиша имон ва нафсдан бирини

танлаш олдида туриши асарда жуда таъсирли ва образ табиатига мувофиқ акс эттирилган. Шу боис асарда ғоят оқила аёл сифатида тасвирланган Ҳулкарнинг ўз-ўзи билан доимий олишувлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Романда қулайлик ва ҳақиқат ҳамиша ҳам бир эмаслиги Зуҳра билан Ҳулкар муносабатлари мисолида ишонарли акс эттирилган. Ўз ҳикояси таъсирида бузуқчилик йўлига қадам қўйган қизалоқ билан адибанинг тўқнашуви, ундан тарсаки еган Зуҳранинг: "***Сиз жудаям зўр ёзасиз, Ҳулкар опа! Жуда ажойиб!***" – дейиши тасвири ўқувчини адабиёт ва адибнинг миллат маънавияти олдидаги масъулияти тўғрисида ўйлашга мажбур қилади. Бу тасвирлар орқали Зулфия Қуролбой қизи адабиётнинг миллат ва унинг маънавияти олдидаги миссиясига енгил қараб бўлмаслигини ифодалайди. Ёлғон айтилган бадиий сўз билан алоҳида одамни ҳам, бутун миллатни ҳам тубанликка йўналтириш мумкинлиги асарда ғоят эсда қоларли қилиб ифодаланган. Чинакам ижодкор буни бир кун англайди ва англагани сари қийналади. Асарда Ҳулкарнинг шундай қийноқлар оғушидаги ҳолати таъсирли акс эттирилган.

Бадиий тасвирнинг айтмай билдириш, им қоқиш, ишора қилиш каби усулларидан ўринли фойдаланиш романнинг таъсир кучини оширган. Азларовнинг тўйидаги зиёфат ва икки қуданинг кимўзар гаплари тасвири, сиртдан қараганда, шунчаки ахборотга ўхшасада, аслида икки эркак табиати ва интеллектуал даражасидаги етакчи жиҳатларни бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган.

Муаллиф оломон руҳиятини яхши билади ва асарда индивидларнинг оломонга эврилиш кечимини таъсирли чиза олади: "***Оломон тенг иккига бўлиниб, юкхона эшиклари олдида ғуж бўлди. Вағир-вуғур бақир-чақирга, сўкинишларга айланди. Кимдир йиқилган, чинқирганча қарға-***

няпти... Яна биров керакли нарсани олишга олган-у, лекин одамлар сиқиб қўйганидан ўртадан чиқолмай қолган... Аллаким пойабзалини йўқотди. "Вой, калишим тушиб қолди-и... Тушиб қолди!" – дея чинқиради у. Ҳеч ким парво қилмайди унга. Ҳамма тезроқ бирор нарса олиб қолишга уринади. Уст-бошлари лой, ҳатто юзларига ҳам лой чапланган, ёқавайрон, сочлари тўзғиган...". Шунчаки манзара ёки ахборот эмас, балки қиёфадан маҳрум бебош тўданинг ҳаракатдаги руҳияти ифодаси бўлмиш бу тасвир оломон шахсни ютиб юбориши, уни қиёфасидан маҳрум қилишини англатиши билан эътиборни тортади.

Эски-туски сотадиган бозордаги одамлар тўғрисидаги шафқатсиз ҳақиқат романда Ҳулкарнинг тили билан айтилган: *"Тақдир буларга бахтсизликни текинга улашган, навбат омадга келганда... нархни осмонга кўтариб юборган! Аянчли аҳволда эканликларига қарамай, улар ҳеч кимга шикоят қилишмас, бугун ўтса бас, эрта билан ишлари йўқ, ҳеч нарсани орзу қилмайдиган, қила олмайдиган ҳолатга тушиб қолгандилар"*. Асарда одамларнинг не боис бундай ҳолатга тушиб қолганликлари изоҳланмайди. Чунки бу ўринда жараён ва унинг сабаби эмас, ҳолат тасвири муҳим. Ёзувчи ҳолатда жараёнга хос давомийликни акс эттиришга ҳам эришади.

Ночор ва ожиз одамларнинг ёлғонга ўчлиги, ўзларини алдаб кун кўришга интилиши асарда: *"... бу ердагиларнинг кўпи шу касал билан оғриган. Улар ўз ҳаётлари ҳақида ҳеч қачон тўғрисини гапирмайдилар. Андак ёлғон аралаш, ғурур билан оғизларининг бир четидан учаётган сўзларга қараганда, улар синган бойваччалар, алданиб қолган бизнесменлар, тасодиф туфайли келиб қолганлар, бекорчиликдан зерикиб, уйда ўтириб сиқилганлар..."* тарзида берилади. Бахтиқаро бу бе-

чоралар ўзларини ёлғон билан овутмоқчи бўладилар. Нафақат бугунлари, балки ўтмишлари ҳам алдовга қурилган бу кимсалар ўқувчиларда хайрихоҳлик уйғота олмайди. Бутун бошли бозорда Насиба, Ҳулкар ва Беҳзодгина боридан бошқача кўринишга уринишмайди. Бу ҳол ўқувчида уларнинг тақдирларида қандайдир ижобий ўзгариш бўлиши мумкинлигига ишонч уйғотади.

Қисмат ва инсон муносабати ҳақидаги баҳс романнинг бошидан-охиригача давом этади. Асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг тақдири ўша муносабатларнинг бирор йўсинда намоён бўлишидир. Роман қисматни кутиб ётишни эмас, балки уни муносиброқ қилиш учун тинимсиз интилиш, қийинчиликлар оғушида тозариш кераклигига ўқувчини ишонтира олади.

"Армон асираси"да миллий романчиликка янгилик бўлиб қўшиладиган жиҳатлар анчагина. Зуҳра, Талгат, Насиба, Ҳулкар ва айниқса, Дониш каби образларни ўзбек адабиётидаги янгилик дейиш мумкин. Худди ҳаётдаги ва қисматдаги каби бу образларнинг тутумларини ҳам олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Жумладан, Зуҳранинг бузуқлик йўлига кириши ўқувчи учун мутлақо кутилмаган ҳол. Қизнинг ўзига тирғалган эркак билан тинимсиз жанжаллари, жазмани келаётганда унда рўй берган ўзгаришлар тасвири бошқача якунни ваъда қиларди. Демак, қизнинг бу ҳаракатлари моҳияти ночор ҳалоллик билан жозибали ва тўкис бузуқлик қаршисидаги қизиқиш ҳамда иккиланишдан иборат бўлган. Ҳулкарнинг ҳикояси таъсирида қизиқиш иккиланишдан устун келгани ёки Талгат айтганидек, унга "ички ҳалоллик" етишмагани учун ҳаёти барбод бўлгани жуда ишонарли тасвирланган.

Романда ҳар қандай масала бўйича ҳам ҳар бир одам ўз ҳақиқатига эга бўлиши мумкинлиги ишонарли акс эттирилган. Чунончи, Беҳзоднинг: "***Кут-***

ганимда, зор бўлганимда келмаган нарсадан мен ҳам юз ўгирдим. Бори шу!",- тарзидаги жавобида ҳақиқат кучи Ҳулкарникидан оз эмас. Беҳзоднинг: "***Мен ўзимни ўзим ё бор қиламан, ё йўқ, яъни ўзимни ўзим бунёд этаман***",- йўсинидаги фикрида унинг ўз қисматини ўзи яратмоқчи бўлган курашчан шахсиятига хос хусусият аксини топган. У бетакрор истеъдод ва қайсар шахсият эгаси сифатида табиатан қарама-қаршилик ва курашлар гирдобида яшашга маҳкум одам. Шу боис ҳам йигитнинг: "***Бошқаларга хос бўлган нарсанинг менга кераги йўқ!***" тарзидаги тўхтамига унинг табиати ҳосиласи деб қараш мантиққа мувофиқ бўлади.

Зулфиянинг асари ижтимоий романлар сирасига кирмайди, чунки у қатламни эмас шахсни тасвирлаш мақсадида яратилган. Одам алоҳида бир қадрият эмас, балки шунчаки ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи даражасига тушган шароитда унинг қизиқишу интилишлари ҳам майдалашиб кетиши асарда таъсирли акс эттирилган. Одам ҳақида шафқатсизлик билан айтилган меҳр қўшиғи бўлмиш бу роман етилган яранинг йирингларини ситиб чиқариш зарурияти каби мажбурий аёвсизлик маҳсули бўлган битикдир. Адоқсиз инсоний дардлар ҳақида шавқ билан ёзилган ушбу асар ҳар бир ўқувчини ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ундайди. Кимнидир ўйлашга мажбур қилган яратиқ узоқ яшашга лойиқдир.

Менинг назаримда, "Армон асираси" барча яхши битиклар каби, биринчи навбатда, ёзувчининг ўзи тўғрисидаги романдир. Марҳамат, ушбу роман орқали Зулфия Қуролбой қизи билан танишинг, муҳтарам ўқувчи!

2009 йил 12 – 17 июн.

КЎНГИЛ ҲОЛАТИ ИФОДАСИ

Кейинги вақтда "Юртни шоир босиб кетди, ким кўринган шеър ёзиб, китоб чиқарадиган бўлиб қолди. Бу ҳол ўқувчилар дидини бузяпти" деганга ўхшаш ёзғириш тез-тез қулоққа чалиняпти. Аслида бу унчалик хавотир уйғотадиган ҳолат эмас. Чунки шеър ёзиш билан шоирликнинг, китоб чиқариш билан ижодкорликнинг ораси – ер билан осмонча. Туйғулари ичига сиғмай қолган истаган одам шеър ёзиб кўнгил бўшатиши мумкин. Бундай одам ёзмасликнинг иложини тополмаганидан ёзади. Албатта-ки, шоирлик даъвоси бундай кишиларнинг хаёлларига ҳам келмайди. Аммо туйганларини ўзгалар билан ўртоқлашиш истаги уларга ҳам бегона эмас. Чунки ким биландир бўлишилса, юракни қамсаб келган улкан дарднинг азоби камаяди, одам ҳовуридан тушгандай бўлади. Қўлингиздаги китобчанинг муаллифи Малика Ғуломова ҳам шу важдан қалам суради.

Ўзбекнинг улкан шоири Рауф Парфи ўзининг "Садақа" шеърида: ***"Нега шеър ёзасиз?"- сўради ошнам, "Нега шеър ёзмайсиз?" Сўрадим мен ҳам***", – деб ёзганди. Чиндан ҳам шундай. Ўзбекдай таъсирчан, дилидагисини тўла тилига чиқаришдан андиша қилиб яшайдиган миллат аҳли учун шеър ёзадиганларнинг кўп бўлиши ҳеч ҳам ажабланарли эмас. Лекин шеър ёзган ёхуд китоб чиқарганки одамни шоир деб билиш, уларга бадиий ижоднинг мумтоз талаблари асосида ёндашиб, масала кўтариш чумчуққа замбаракдан ўт очишга ўхшайди. Тўғри, миллий шеъриятнинг юксак савияси тўғрисида қайғуриш керак. Лекин буни кимларгадир ёзишга изн бермаслик йўли билан эмас, балки ўқув-

чилар оммасига нимани ўқиш фойдалироқ эканини сингдириш орқали амалга ошириш лозим.

Ўзбек шеъриятининг парвози ҳамиша ҳам юксак бўлган. Ва улусимизда доим ҳам шеър ёзувчилар шеър ўқийдиганлардан кўпам кам бўлмаган. Шу боис элимизнинг шоҳидан гадосига қадар шеърга ишқибоз бўлиб, кўнгил ҳолатини шеърга солган. Фақат совет давридагина шоирлик тирикчилик ўтказиш мумкин бўлган касбга айланди. Шу боис шоирларга ётсираброқ, юксакроқ талаб билан қараладиган бўлди. Ҳозиргидай сўз эркин ҳаволарда парвоз қилиши мумкин бўлган шароитда жуда кўпчиликнинг яна қалам билан сирлашиб, қоғоз билан юзлашиб кўнглини тўкишга интилиши табиий ҳолдир.

Ҳозирги ўзбек шеърияти ниҳоятда ривожланиб кетди. Турли хил услубларда қалам тебратаётган шоирлар кўп. Баъзиларининг битганлари чет элларда ҳам эътироф этилмоқда. Айнан шундай вақтда кўнгил ҳолатини шеърга солган, ўз кайфияти тўғрисида ўзгалар билан сирлашмоқчи бўлган ҳаваскорлар шеъриятининг ҳам ривожланиши табиий деб ўйлайман. Чунки бирорта ижодкор ҳам тўппатўғри профессионал ёзувчи ёки шоир бўлиб дунёга келмайди. У, албатта, ҳаваскорлик босқичини босиб ўтади ва ўқиб-ўрганиш орқасидан шоирлик даражасига эришади.

Қўлингиздаги китоб муаллифи Малика Ғуломова – маданият ходими, ўқитувчи. Унинг шеърлари мураккаб эмас. У шеърнинг шаклий тузилиши, унинг ўзгаларга таъсир қиладиган жиҳатлари тўғрисида кўп ўйланмаса ҳам керак. Малика кўнгли ҳолатларини шеърий сўз билан манзаралаштиришга уринади. Бу манзаралар баъзан жуда ёркин бўлса, баъзан хирароқ чиқади. Малика гоҳ қайтмас бўлиб кетган болалик даврини қўмсаб, гоҳида табиат кўринишларига ошуфта бўлиб, гоҳо бегона юртларга қилинган сафарлар чоғидаги таассуротларнинг поэтик манзарасини чизишга интилади. Муаллиф

самимий бўлгани, ўзини шоира кўрсатишга уринмагани учун баъзан битганлари шоирона чиқади:

Япроқда ялтирар марварид шабнам,
Димоқни қитиқлар анвойи ифор.
Булбул ва гулларнинг оралиғида
Бекиниб ётибди қандайин асрор?

Маликани япроқда ялтираган шабнамнинг, булбулни сайратган гулларнинг гўзаллиги сири ҳайратга солади. Ўз ҳайратларини ўзгаларга ҳам илинади, бошқалар билан бўлишади ҳам. Муаллиф назарида, сир-асрорнинг борлиги ва кишини ўйлантириши ҳаётни қизиқарли, одам умрини мазмунли қилади. Оламда мўъжиза кўрмаган одам учун ҳаёт зерикарли машғулот, малолли мажбуриятдир. Бундай кимса иллат ботқоғига тез ва чуқур ботади. Шунинг учун Малика: "***Нафас олмоқ яшамоқ эмас, Ҳаётни ҳис қилиш умрдир***", – деб ёзади.

М. Ғуломова бировга йўл кўрсатишга, ақл ўргатишга уринмайди. Шеър насиҳат воситаси эмаслигини билади. Лекин кўнглини безовта қилган ҳолатларни ўзгаларда туйишини истайди. Шунинг учун ҳам чинлик билан: "***Шоирликни даъво қилмасман, Юрагимда айтар сўзим бор***", – дейди. Айни вақтда муаллиф: "***Шеър – инсон умрининг ёруғ лаҳзаси***", – дея ўз қаноатини ифода қилади. Унинг "Кўникиш" шеъридаги: "***Сочим тўлқинида оқ шаршаралар Қайтиб оқмас бўлади орқага мутлоқ***" сатрларида кучли поэтик ҳарорат тафти борлиги сезилиб туради. Умуман, сув ортга оқмайди, айниқса, баландликдан тушадиган шаршара орқага оқолмаслиги тайин. Шу манзаранинг ёши ўтиб бораётган аёл ҳолатига менгзалишининг ўзида шеърият бор. Капалакни "***У жимликнинг нафаси эрур***", уммонни "***Орзулар рангида мавжланган денгиз***" дея тасвирлашида муаллифнинг образли тафаккур назокати яққол кўзга ташланади.

Малика оддий ва одатий ҳодисалардаги фавқу-

лоддаликни ўзига хос йўсинда кўргани каби, кимларгадир таъсир қиладиган равишда ифодалай билади ҳам. Унинг "Қора соч" шеърида минглаб йиллар давомида ўн минглаб шеър битгичлар томонидан юз минглар марта тасвирланган ҳолат акс этган. Лекин муаллиф гўзалнинг узун ва қоп-қора сочларини севги ва ҳижрон давомийлиги ҳамда миқёси билан мувозий кўришда ўзига хос йўлдан боради, бировни такрорламайди:

Кўрганлар лол қолса сочлардами айб?
Тилсимлар ошёни тунлар ҳам қаро.
Недир келаётир, толемикан у?
Севги ва ҳижроннинг йўллари аро.

Қора ранг одамда мубҳам туйғу уйғотади. Тун кишига ҳамиша сирли туюлиши сабаби ҳам унинг қоралиги ва қоронғулигида. Тунлар сирга тўла бўлгани каби қора соч эгаси ҳам тамомила сирли. Шеър кишида лирик қаҳрамоннинг толеи сочи каби қора, ҳижрони эса сочи сингари узун бўлмаслигини исташ туйғусини уйғотади. Айни дамда шеърдаги гўзал поэтик топилдиқлардан ҳайратланадики, менимча, муаллиф учун айни шу ҳолат мақсаддир.

М. Ғуломованинг "Баҳор фаслига" шеъридаги образли ифода, кутилмаган ташбиҳ ва нозик кузатишлар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Шеърда табиатнинг кўкламланиш ҳолати тасвирий санъатдаги каби аниқлик билан табиатнинг бутун ҳаракатларига жон бахш этилган ҳолда тасвирланади:

Ва шохларда лаб ёрди куртак,
Олам иффорларга беланди.
Ҳорғин қишдан мерос чўпу хас
Ўт-ўланга илкис айланди.

Ушбу шеърий тасвирда кўклам манзараси динамикаси ўта жонли ва таъсирли акс этган. Унда табиатнинг янгариши, яшариши таъсирли кўрсатилган.

Маликанинг қаҳратон совуқ ифода этилган "Қиш" шеърidаги тасвирлар ҳам оригиналлиги, самимийлиги билан кишида илиқ таассурот уйғотади:

Сув юзини тўсибди парда –
Ёйилибди бир оппоқ мармар.
Тўлқин ухлар шунда осуда,
Куч йиғади кўкламга қадар.

Сув юзидаги музнинг оппоқ мармар пардага, қиш сувидаги осудаликнинг эса парда ортида кўкламга куч йиғаётган тўлқинга ўхшатилиши ўқувчи сезимларини қўзғайди, унда муносабат уйғотади.

Муаллиф теварак-атрофни жонли кўради ва, энг муҳими, кўрганларини шеърларида жонлантириб кўрсата билади. У "Олча" шеърида ёзади:

Оқшом тушсин ҳали кўрасиз,
Шивир-шивир бошланар шу он.
Туннинг юзлаб томирларига
Югуради олча рангли қон.

Синчков шеърхонлар Ҳамид Олимжоннинг "Ҳолбуки тун", Зулфиянинг "Тун", "Ойдинда" сингари шеърларида туннинг уйқу палласи эмас тириклик маҳали экани гўзал тасвирлаб берилганини билишади. Лекин Малика устозларни қайтармайди, балки тунни ўз назари билан идрок этиб, унда ўзи кашф этган ҳолатларни бетакрор йўсинда акс эттиради. Туннинг юзлаб томирларида югураётган олча рангли қон ташбиҳи киши кўнглида енгиллик уйғотади.

Китобдан жой олган сочмалар самимияти ва чинлиги билан яхши таассурот қолдиради. Улар гарчи қофиядан маҳрум ва муайян вазнга солинмаган бўлсада, чинакам шеърлардай ўқилади. Чунки уларда кўнгил ҳолати манзаралари, кайфият рангинлиги яхлит акс этган. Сочмаларидан бирида Малика: "***Кўп нарса истаганим учун узр. Чиройли бир табассум кифоя эди. Ҳаётнинг қоронғу бурчакларини***

ёритадиган", – деб ёзади. Чинданда одам кўнглини топиш учун баъзан бутун олам ҳам етмайди, баъзан биргина табассум кифоя қилади. Муаллифнинг "Сукунат" сочмасидаги: "***Сукунатни бузар менинг жимлигим***" ифодаси парадоксал мантиғи билан ёдда қолади.

Малика сочмаларида оз сўз билан кўп нарсани ифодалашга интилади. У сабаб ва оқибатлар тўғрисида батафсил ёзмайди, балки муайян ҳолатни чизиш орқали сезимларни уйғотади. Уйғонган сезим эса ҳамиша муносабатни юзага келтиради. Буни "Шамол" сочмасидаги: "***Баҳорда Шабада қадар кичраяди шамол***" тасвири мисолида кўриш мумкин. "Англаш" деб аталган сочмада муаллиф: "***Саҳар чоғида булбул нола қилади. Унинг ғамгин сайроғи уйларнинг деразаларига урилди. Тушларгача кириб боргандир, эҳтимол. Ҳеч ким "Булбул нега сайрамоқда?" демади. Булбулга ҳавасим келади***", – деб ёзади. Мен ҳам ушбу китобчадан олган таассуротларимни шу ерда тўхтатиб, Маликахонга "Кўнгил ҳолатларининг самимий ифодаси қутлуғ бўлсин!" дейманда, нега шеър ёзганлигининг сабабларини сўраб ўтирмайман. Шу боис китобдаги аксар шеърларга қўйилган сарлавҳаларнинг ўринли чиқмагани, баъзан оддий қофия талабларига ҳам риоя қилинмаган сатрлар борлиги, баъзан эса азбаройи қофия учун матнга сингишмаган ёт сўз ишлатилган ҳолатлар ҳам учраши, баъзида насиҳат йўсинида битилган шеърлар ҳам мавжудлиги каби камчиликларга тўхталиб ўтирмайман. Зеро, зукко шеърхоннинг ўқиган шеъридан керакли гўзалликни ўзи топа олишига ишонаман.

2010 йил 7 март

МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР ТОТИ

Одамзод– жуда ўзгарувчан. Ўтган ҳар бир сонияда у янгиланади: шу вақт ичида қон танани бир айланиб чиқади, юрак неча бор уради. Аммо одам ҳаёти давомида ўтган бирор оний лаҳзани ҳам ортга қайтара олмайди. Одамнинг ҳар қандай кайфият ва руҳий ҳолати ўткинчи, фақат адабиётгина уни мангуликка муҳрлаши мумкин. "***Санъатнинг вазифаси – шу ўткинчи лаҳзани сақлаб қолиш, мангулаштириб қўйиш. Санъатда ҳар қандай туйғу бирдай қимматга эга. Зеро, улар бошқа такрорланмаслиги, ягоналиги билан қадрлидир***".[1] Чиндан ҳам бу дунёдаги инсонга оид барча нарса-ҳодиса ўтиб кетгувчи, омонат, айни шу ўткинчи ва қайтмаслиги билан қимматлидир. Ижодкорни бошқалардан ажратиб турувчи жиҳат ҳам шу ўтиб кетаётган лаҳзани муҳрлай олиши, ўткинчиликни мангулаштира билишидадир.

Туйғулари тафаккури билан ёнма-ён юрадиган ҳар бир киши ўзи, кечинмалари, умри тўғрисида ўйлайди. Бошини гангитган ўйлари, кўнглига сиғмай кетадиган сезимлари ҳақида кимлар биландир ўртоқлашишга эҳтиёж сезади. Шеър ана шу эҳтиёж туфайли туғилади. Кимдир бу ҳолатда кўпроқ бўлиб, профессионал ижодкорга айланиши мумкин. Кимдир ўз ҳолатини ифодаламаса туролмай қолгандагина қоғозга яқинлашади ва ўзини ҳаваскор ҳисоблайди.

Абдуғафур Маматов ҳаваскор ижодкорлардан. Сўзни ғоят нозик ҳис қиладиган бу тележурналист оғамиз ўзини шоир санамайди. Аммо жуда кўп йиллардан буён тинмай ёзиб келади. Ёзганини ҳаммадан яширади. Маълумки, бу кекса дунёда ҳеч бир

[1] Брюсов В. Я. Сочинение. – М.: "Художественная литература", 1987. том 2, С. 38.

сир яширин қолмайди. А. Маматов шеърларининг қисмати ҳам шундай бўлди. Битганлари учун уялмаслигини йиллар синовидан ўтказгач, ижодкор ниҳоят ўзини билдиришга, кўнглидагилар билан ўртоқлашишга журъат қилди. Шу вақтга қадар ўзини панага олиб юрган Абдуғафур Маматовнинг "Соғинч сирлари" китоби – ана шу журъатнинг меваси. Бу поэтик мевалар муаллифнинг шоирона назаридан далолат. У куз кўринишини шундай тасвирлайди:

Ҳорғин куз
Тул қолган аёлдай
Кўз ёш тўкмоқда.

Ушбу сатрларда кузга хос одатий манзара одам воситасида тасвир этилган. Унда табиатни иссиқ ёздан совуқ қишга кўниктиришда кўприк бўлувчи кеч кузда ёғадиган ёмғир туфайли пайдо бўлган туйғулар манзаралаштирилади. Маълумки, кузда ёмғир кўпроқ ёғади. Муаллиф бу ҳолни бошпаноҳини йўқотган аёлнинг кўзёшига менгзайди. Самимий тасвир шеърхонни ўйга толдиради. Тул аёл туганмас ташвишлар юки, ўринсиз гап-сўзлар, суянч йўқлигидан ҳамиша озурда яшайди. Ўзику барча ўзбек аёли – ҳамиша ўйлаб қадам босишга, эҳтиёт бўлиб яшашга маҳкум. Аммо тул аёл уч-тўрт барвар ўйчилроқ, эҳтиёткорроқ бўлишга мажбур. Сал эркинроқ бўлинса, шаънга дахл қилувчи гаплар урчийди. Эл кўзида туйғуларига эрк бермаган аёл панада ҳасратларини кўзёш қилиб оқизади. Худди тўйинган куз булути ёмғирга айлангани каби. Шу боис ҳорғин шивалаган куз ёмғирининг тун бўйи йиғлаб чиққан тул аёлга менгзалиши тасвири киши руҳиятига таъсир қилади.

Одам туйғулар исканжасида қолганида шеър ёзади. Лекин чин шеър – фақат озод кўнгилнинг маҳсули. Шеър ёзган одам кимгадир ёқиш ёки ўзига фойда келтиришни ўйламайди, балки ёзиб кўнгил бўшатади. Демак, ёзаётган одам мақсаддан ҳам

озод бўлиб, ёзишнинг ўзини мақсадга айлантирган-дагина кўнгил изҳори бўлмиш самимий шеър яралади. Зеро, инсон учун кечинмаларнинг ўзи муҳим. Сезимларни туғдирган, ҳиссиётни қўзғаган сабаб ҳам, уларнинг оқибати ҳам қачондир эсдан чиқади. Аммо туйилган туйғу қолади. Инсоннинг кимлиги, миллатию эътиқоди, яшаган давридан қатъи назар қайтарилмас кечинмалар эскирмайди. Қувонч ва қайғу, қўрқув ва ҳаяжон, муҳаббат ва нафрат, бурч ва масъулият каби туйғулар инсон пайдо бўлганидан то қиёматга қадар ўзгармайди, ўзининг дастлабки шаклида намоён бўлаверади. Фақат бу сезимларнинг келиб чиқиш манбалари ва намоён бўлиш шакллари ҳар сафар турлича бўлади.

"Дарахтларнинг ой-куни яқин, Тўлғоқ тутар сирли, шивирли", – дейилади бир шеърда. Сиртдан қараганда, оғоч шохларидаги бўртиқлар шунчаки бир куртак. Шоирнинг туйғучан шуури у ерда янги ҳаёт етилиб, янги дунё яралаётганини кўради. Шу боис у кўкламда дарахтларнинг танасидаги бор кучини куртакларга сарфлашини вужудидаги жами қувватни ҳомиласига берган онага ўхшатади. Ўтаётган ҳар бир сония дарахтларнинг япроқ ёзиш муддатини яқинлаштиради. Туни билан ёққан ёмғир оғочларни ғубордан поклагач, қуёш ҳарорати таъсирида куртаклар тўлишиб, тиш ёришини муаллиф шундай тасвирлайди: ***"Қуёш доя, жилмайиб боқар, Нурларини ийдириб ёқар. Ўрикзорлар тўйган боладек, Термулишиб, тўлишиб ётар"***. Бутун борлиқни тўлдириб гуллаган ўриклар – завқ объекти эмас, балки субъекти. Уларнинг ўзи баҳор суруридан завққа тўлиб, атрофга роҳат-ла термулади. Борлиқни хуш бўйларга тўлдириб қийғос гуллаган оғочлар улкан гулдастадир. Муаллиф зориқиб кутган ва ҳолатини ўқувчига ҳам юқтирган ҳодиса юз беради: ***"Шафтоли бутоғи қирмизи рангда Шамолнинг юзига яноғин босар"***.

Эътибор қилинса, оғочлар кўкаргунча ва гуллагунча бир хил бўлади – барчаси яланғоч, кўримсиз, қўллари кўкка чўзилган... Аммо кўкаргач ва гуллагач ҳар бири ўзгача тус олади. Ҳар бир дарахт ўз кўркига эга бўлади. Ўсимликлар илмидан бехабар одам ҳам гуллаган дарахтни зумда тавсифлай олади. Шу каби куртаклар тиш ёргунига қадар "барча қатори" кўзга ташланмаган шафтоли ҳам уйғонгач, ўз қиёфаси – "қирмизи"га эврилди, борлиқни ўзигагина хос тароват билан тўлдирди. Ўзини кўз-кўз қилгиси келди, ахир озмунча кутдими бу онларни... Шу боис одатдагидай юзига шамол лаб босишини кутиб ўтирмади, балки ўтиб кетаётган шамолнинг юзига яноғини босиб қўя қолди. Бу тасвирларда ички интизом, мантиқий мунтазамлик бор.

Одам дунёни аслидай эмас, кўра олганича кўради, тасаввури етганича қабул қилади. Оламнинг ҳам, одамнинг ҳам асли фақат Яратувчисига маълум. Шу боис мутлақ дунё ўзи ўткинчи бўлган инсон туйғуларидан келиб чиққан ҳолда нисбий тарзда тушунилади ва тасвирланади. Абдуғафур Маматов оламда юз бераётган адоқсиз эврилишлар, инсон руҳиятидаги чигал кечинмаларни ўзигагина хос тарзда идрок этиб, шундай ифодалайди:

Қишнинг оқ кўйлаги йиртилиб кетди
Япроқлар қўл силкир дарахтларида.

Бутун борлиқни қоплаган қор табиат олами кийиб олган оппоқ кўйлак эди гўё. Кўкламнинг илиқ нафаси сабаб қорнинг эрий бошлаши ***"қишнинг оқ кўйлаги йиртилиб кетиши"***га ўхшатилади. Энди яшиллик ва кўкариш палласи келди. Қор залворидан қутилган оғочлардаги япроқларнинг шодон қўл силкиши шундан. Шоирона назар оддий ҳолат замирида ҳаракатдаги гўзал манзарани кўради.

Табиат мангу, ундаги алмашинувлар ҳамишалик, борликда тинимсиз ўзгаришлардан бошқа ўзгармас

нарса йўқ. Инсон ҳам нотурғун, фурсат ҳам ўткинчи. Одамнинг сўз ёрдамида туйғу ва тутумларни барқарорлаштиришга интилиши сабаби ҳам шунда. Лекин бу юмуш – ғоят мушкул. Зеро, одамнинг қарашлари, мақсад ва интилишлари тинимсиз ўзгариб туради. Лекин ҳамиша ҳам эзгулик томонга эмас. Шу боис бир пайтлардаги софлик, тозалик кишини соғинтиради, безовта қилади: "***Тупроқ кўчалардан юриб пиёда Покиза туйғулар изларин кўрдим***". Одам ёши улғайган сари илдизга интилади, ўтмишини қўмсайди, болаликка қайтишга уринади. Бунинг боиси – покиза туйғуларга ташналик. Одам болаликдаги тозалигини топмоқ истайди. Оппоқ орзулари, соф туйғулари қачон оқлигини йўқотиб, кирланганини билишни, ғуборсиз дамларга қайтишни, "***Сут анқиган тонглар нафасин***" туйишни орзулайди.

Ушбу китобга кирган кўпчилик шеърларда қўлланган жозибали ташбиҳлар баъзан туйғуларни қитиқлаб безовта қилса, баъзан чуқур ўйга толдиради. Таъсирчан шеър ўзига хос бадийяти, тасвир самимияти, жозибали тили, муаллиф шахсиятидаги ўзгачаликни акс эттира билиши билан ажралиб туради. Абдуғафур Маматов бугунги поэтик кечим ва ундаги изланишлардан яхши хабардор экани боис табиат манзараси ёки руҳий ҳолат чизгиларини оптимал йўсинда, қийналмай ифодалай билади. Шу сабаб бировни такрорламайди, ўз сўзини айтиб, ўз сезимларини ўзига хос йўсинда акс эттиради. Бунинг учун баъзан сўзсиз сўзлаш йўлидан боради:

Сўз нима
Сен менинг ёнимда бўлсанг

Кўзлар тикилади
Тиллар тугилади
Сирлар сўкилади
Чоки чокидан
Сўзлар эса йўқ
Туннинг кўзларидан қуйилади ёш –
Жимгина тарк этар юлдузлар

Сўз – сўзчининг қуроли. Аммо тошқин туйғулар, кўнгилга сиғмай кетаётган сезимлар баъзан сўзга бўй бермайди. А. Маматовнинг бир шеърида ошиқ билан маъшуқа вужуди ва руҳиятида сўздан бошқа ҳамма нарсанинг "сўзлаши" тасвирланади. Ошиқ ҳиссиёти сўзга дўнса, юксак туйғулар жўнлашиб қолишидан хавотирланади. Шу сабабдан сўз айтилмай туриб, ўз зиммасидаги вазифани бажараверади. Ошиқнинг ўзи сўзламагани каби маъшуқа ҳам тилни ишга солмайди. Уларнинг кўзи-ю кўнгли сўзлайди:

Алам ичра сассиз
Сўзлаётган кўзларинг...
Аламлар, армонлар соғинади жим,
Дарду ҳасратларим унсиз оҳ чекар.
Нажотсиз бир ҳис
Уни ҳеч сўзларга тизиб бўлмайди

Бу мисраларда шеърий мусиқа қулоққа чалинмайди, аммо тизгинсиз туйғулар самимияти, сезимлар чинлиги яққол билиниб туради. Айни шу сифатлар тасвирга жозиба бахш этади.

Умуман шеърият, хусусан, ўзбек поэзиясида "дард" одатда одамни поклаш, туйғуларга самимийлик бағишлаш воситаси. А. Маматов талқинида эса дарднинг ўзгача жиҳатлари намоён бўлади: ***"Хаёллар мискиндир, Дардлар берар панд"***. Одатда висолга етолмаган, уни қўмсаган ошиқ ёлғизликка интилади. Аммо кўпчилик ошиқнинг дардига даво ҳисобланган ёлғизлик Абдуғафур Маматовнинг лирик

қаҳрамони учун кўнгилсизликлар сабаби: "***Азоблар аччиқдир, Ёлғизлик ҳар кун. Таскин оҳангларни кўнгил тусади***". Лирик қаҳрамон – кўпчилик қатори юпанчга, тасаллига муҳтож банда. У висол иштиёқида ҳар қанча ёнмасин, ёлғизлик оғушида ўзини тафтиш қилиб, азоблар орқали маънавий юксалишга уринмасин, барибир, ёнида кимнингдир бўлишини кўнгли тусайди.

Ёлғизлик – оғир жазо. Ҳеч кимга керак бўлмаслик қанчалар қўрқинч тақдир бўлса, ҳеч кимга эҳтиёж сезмаслик ҳам шунчалар мудҳиш қисмат. Бошқа бир шеърнинг лирик қаҳрамони – одамни тушунадиган, туядиган, суядиган, аяйдиган инсонга муҳтож. Шундай шахсни атрофида кўргиси, бирга бўлгиси, дардлашгиси келади:

Йўл бошида турибман ёлғиз
Бир оғиз сўз етар
Дилга тасалли.
Ким уни айтар,
Журъати етар.

Абдуғафур Маматовнинг шеърлари бир қарашда ифода кескин, сўзлар қисқа, фикрлар узуқ-юлуқдай кўринади. Аммо шеърнинг ичига кириб борилгани сайин ундаги манзара кўламдор, туйғулар чуқур ва ичкин, сезимлар мабдаси бўлмиш юрак ўта ҳассос, таъсирчан, ҳимоясиз эканлиги англаб етилади:

Мендан хато ўтди
Сендан гиналар
Айтгил,
Айта олсанг
Қолди нималар?

Бу қисқа ва юлуқ сатрларни ўртанаётган юракнинг поэтик кардиограммаси дейиш мумкин. Уларда бир-бирига интиқ бўлгани ҳолда бири хато, бошқаси эса гина қилиш билан машғул бўлиб, тобора

бегоналашиб бораётган кўнгиллар ҳолати бор чигаллиги билан акс этган. Ғурур, тушунмаслик ёки аямаслик бир-бирига зор юракларни узоқлаштиришга сабаб бўлмоқда. Хато саналди, гина айтилди. Кўнгил қолдими? Севги қолдими? Сабаб борми ўртадаги муносабатларни бузгудай:

Гинани кутдим
Илкидан олиб
Хатони тутдим
Мен каби қайсар
Сен каби ўжар
Ўртамизда жим
Муроса яшар

Шеърият оригиналлиги билан қимматли. Аслида қайсарлик ва ўжарлик муросани йўқ қиладиган сифатлар. Лекин шоирнинг оригинал назари муроса қайсар ва ўжар экани сабаблигина адоқсиз хатоларга қарамай, муносабатлар сақланиб қолинганини кўради ва бошқаларгада етказади.

А. Маматов шеърларида оддий ҳолатлардан чиройли бадиий ҳодисалар ярата олади, лаҳзалик кечинмаларда бетакрор руҳий ҳолат белгиларини топа билади. Унинг ***"Мен чўкиб кетаман Кулгуларингга", "Оқшом тўшар тўшамчисини Ором олмоқ истайди борлиқ", "Кенг дала, офтоб Ҳансирар атроф", "Тонгдайин оқ эди кўйлагинг", "Ойни олиб эркалаб ётсам Хаёлимнинг беланчагида"*** каби кутилмаган ҳолат ва манзараларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантириб қўядиган жозибали ташбиҳлари шеърхонлар юрагидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, уларни қайтмас лаҳзалар тотидан баҳраманд қилишига умид уйғотади.

2010 йил 17 май

МАНГУЛИК МАНЗИЛЛАРИ

Улуғ шахслар тўғрисида ёзиш ўта қийин. Чунки улуғлик қамровсиз кўламдир. Ёзмоқ учун эса ҳамиша қамрамоқ керак бўлади. Улуғлар тўғрисида ёзиш қамровга сиғмас ҳодисани қамрашга уриниш каби самараси кам юмушдир. Бунда, албатта, улуғ шахсиятнинг қайбир жиҳатлари назардан четда қолиши, қайсидир бир ишлари эса тушуниб етилмаслиги ёки нотўғри талқин қилиниши мумкин. Негаки, улуғ одамнинг тутумлари ҳам, ўлчовлари ҳам ўзига яраша миқёсли ва қолипларга тушмайдиган бўлади. Ҳатто, жуда яхши биламан деб ўйлайдиган энг яқин кишилари ҳам улуғ шахсларни фақат ўзларининг даражасидагина англаган бўладилар, холос. Шундай бўлишига қарамай, улкан шахсиятлар тўғрисида ёзиш керак. Зеро, ўзининг ўшандай ўғлонларини билмаган, танимаган улуснинг маънавияти кемтик бўлади. Шу маънода ўзбекнинг улуғ шоири Шавкат Раҳмонни ёдлаб, у ҳақда хотиралар ёзган ва бу битикларни китоб ҳолига келтирган кишилар олқовга лойиқ.

Қўлингиздаги китобда Шавкат Раҳмонни турли даражада биладиган одамларнинг ёдловлари тўпланган. Ундаги бирорта мақола ҳам оташин шоир шахсияти ёки ижодий қиёфасини тўла очиб беришга даъво қилмайди. Ҳар бир муаллиф эсдаликларида ўз имконияти даражасида улуғ замондоши қиёфасига доир бир ёки бир неча чизгини беришга ҳаракат қилган.

Шавкатни болаликдан билган, уни адабиёт деб аталмиш серғалва оламга етаклаб кирганлардан бири бўлган таниқли болалар шоири Турсунбой

Адашбоевнинг ёдловлари Ш. Раҳмоннинг болалик, йигитлик ва балоғат давридаги қиёфасини турли жонли ҳаётий ҳодисалар мисолида кўрсатиб берганлиги билан эътиборни тортади. Турсунбой ака ўз эсдаликларида таниқли шоир Иқбол Мирзонинг Ш. Раҳмонга йўқлов тарзида битган шеърини хотира ичида хотира йўсинида келтиради. Зеро, Иқболнинг шеъридаги: "***Чорбозорда сўз ахтарар харидорлар, Биров катта кетса, биров майда кетди, Шавкат Раҳмон қайга кетди, бирodарлар? Ёлғон қасам ичмайдиган жойга кетди***" сатрларида акс этган одамни сескантирар даражадаги оловли андуҳ ва аччиқ ҳақиқат Турсунбой аканинг Шавкат ҳақидаги хотиралари моҳиятини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади.

Турсунбой Адашбоев хотираларида ўзини кўзкўз қилишга уринмай, олдинги қаторга чиқишга интилмай, баён йўналишини Шавкат Раҳмон шахсиятига хос жиҳатларни кўрсатишга қаратади. Шуниси диққатга лойиқки, Т. Адашбоев хотираларида тасвирланган ҳар бир детал Ш. Раҳмон табиатига хос бирор қиррани очишга бўйсундирилган. Чунончи, Шавкат умри давомида Турсунбой акага берган барча китобларига бир хилда "***Шеър ёзмасликка ҳаққи йўқ укангиздан***" тарзида дастхат битганлиги ҳақидаги тасвир Шавкат Раҳмоннинг шоир сифатидаги кредосини англатади. Бу дастхат Ш. Раҳмон ўзининг ижтимоий-эстетик феномен ўлароқ қандай моҳиятга эгалиги ҳақида ҳамиша ўйлаб юрганлиги ва онгли равишда ўз зиммасига оғир ижтимоий-эстетик юк олганини кўрсатади.

Турсунбой аканинг ҳашарда қатнашган Шавкат Раҳмонга миннатдорчилик юзасидан Лорканинг "Сайланма"сини совға қилганлиги тасвири кишини ижодкорнинг инсоний ва ижодий тақдирига кўрсатилган илк таъсир ҳақида ўйлашга ундайди. Муаллиф таъкидлаб кўрсатмаган бўлсада, ўқувчи беих-

тиёр Шавкат Раҳмоннинг Лорка шеъриятига ошиқ бўлиши ва испан тилини суйиб қолишига, эҳтимол, шу китоб сабаб бўлгандир деган ўйга келади. Т. Адашбоев Шавкат Раҳмон билан ўлка бўйлаб юришларини хотирлар экан, қачон кимлар билан қаерга бориб, нима ейилгани ва нелар дейилганини баён этишга эмас, балки бу сафарлар шоир учун ўзига хос ижодий туртки бўлганини кўрсатишга эътибор қаратади. Чунончи, Аравондаги анжир сайли шоирнинг "Аравон кўринишлари", Олой тоғларига қилинган юриш "20 йил аввал" ва "Тоғлар – нортуялар абадий чўккан", Жўйипаст ариғи бўйидаги сайр "Чархпалак" шеърларининг ёзилишига сабаб бўлгани борасидаги тасвирлар шунчаки хотира бўлиб қолмай, Шавкат Раҳмон ижодий лабораториясига қилинган ўзига хос экскурсия вазифасини ҳам бажаради.

Аҳмаджон Мелибоев Шавкатнинг "Махфия" мақоласи тўғрисида ёзган: ***"Махфия" Ўш ва Ўзганда юз берган қонли фожиалар таҳлилига бағишланган бўлиб, ҳар жумласи, ҳар сатри ўқиган кишининг юзига олов пуркайдиган даражада эди"*** йўсинидаги хотира Шавкат Раҳмон шахсияти ва публицистик маҳорати даражасинигина кўрсатиб қолмай, ўша воқеликнинг бўғиқ ва куйдирувчи нафасини сездириши жиҳатидан ҳам муҳимдир. Ёки шу хотирадаги ***"Шавкат бу мураккаб дунёни кўзи билангина эмас, қалби билан кўрарди, орияти билан эшитарди. Атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга шоирона баҳо бераради. Шу боис унинг ўта нозик кўнгли бошқалар учун жуда жўн ҳисобланган воқеалардан ҳам ларзага келарди"*** тарзидаги умумлашма фикр шоир шахсиятининг бошқа кўзлардан пана қирраларини англатиши билан эътиборни тортади. ***"Шавкатнинг шеър ўқиши ҳам ўзига хос эди. Шеърни бошқа ҳеч кимга эмас, ўзига, ўз кўнглига ўқиётгандай, ўзининг кўнгил***

сатрларига ўзи қулоқ тутаётгандай бўларди" тарзидаги тасвирда Аҳмаджон Мелибоевнинг профессионал кузатувчанлиги, журналист сифатидаги синчковлиги яққол кўринади ва шоирнинг китобхонга яқинроқ, суюмлироқ бўлишга хизмат қилади.

Ўзини таниш у ёқда турсин, отини ҳам эшитмаган Шавкат Раҳмон билан Москвада мутлақо тасодифан топишиб қолган Эркин Усмон хотираларидаги: ***"...худди шивирлаган мисоли паст товушда шеър ўқиди"*** йўсинидаги тасвир бўлажак шоирнинг талабалик давридаги қиёфасига тортилган муҳим чизги бўлса, унинг: ***"Кейин ўз-ўзига гапиргандек секин деди: "Одамзод қизиқ. Фақат ёнида йўқ нарсаларни орзу қилади"*** тарзидаги ифода Шавкатнинг ички тийнатини нурлантириб кўрсатиши билан характерли. Айни шу хотирадаги: ***"Шавкат Раҳмон жуда камгап, ниҳоятда оғир ва босиқ, алланечук маъюс бир ифода муҳрланиб қолган кўзлари ўйчан боқадиган, анчайин ўжар, тўғрисўз, мард, самимий ва ҳалол йигит эди"*** тасвирлари шоир табиатига хос етакчи қирраларни акс эттирганлиги билан қимматлидир.

Шавкат Раҳмонга қариндош ёзувчи ва журналист Абдуғани Абдуғафуров бўлажак шоирнинг узоқ ўсмирлик йилларидаги илк учрашувни эслаб: ***"Шавкат бир оғиз ҳам гапирмади, гўё олам ташвишини ортмоқлаган одамдай ўйчан эди"***, – деб ёзгани Ш. Раҳмон шахсиятига хос руҳий белгиларнинг илдизи нақадар чуқур кетганлигини кўрсатиши билан аҳамият касб этади. Абдуғани аканинг: ***"Шавкат Раҳмонни таниганлар кўп, аммо билганлар оз. Уни ўқиганлар кўп, аммо уққанлар оз"*** йўсинидаги қаноати ҳам ҳаққонийлиги, ҳам шоир шахсиятидаги сирлиликни англатиши билан диққатни тортади.

Улкан шоирни орқаваротдан билсада, унинг чин мухлиси бўлгани, битганларини қолдирмай ўқиб боргани учун Шавкат шахсиятидаги бетакрор жиҳатларни тўғри ва самимий кўрсатиши жиҳати-

дан Улфатхон Иброҳимованинг эсдаликлари ажралиб туради. Улфатхон опа: "***Шавкат Раҳмонда ҳаммада ҳам бўлавермайдиган руҳий комиллик, шеърларидаги ҳамма ҳам тушуниб етолмаётган фикрат, табиийлик***" борлиги тўғрисидаги фикрларини шоирнинг умри поёнида тандир нонни соғинган, уни кўзларига суртган, ноннинг қандай хамиртуруш билан кўптирилганинида бехато айтиб берган ғоят синчил шахслиги борасидаги кузатишларига усталик билан уйғунлаштириб юборади.

Улкан шоир билан фақат бир марта, шундаям талабалик мартабасига яраша қимтинибгина сўзлашган тиниқ шоир ва покиза инсон Вафо Файзулланинг: "***...шоир шахси ҳақида аниқроқ билганимда унинг кўнгли – шеъриятига борадиган йўлни теранроқ кўрган бўлармидим***",- тарзидаги армони Ш. Раҳмон шахси ва истеъдоди қошидаги эҳтиром каби ўқилади. Вафонинг Шавкат Раҳмон шеърлари ҳақида улар: "***Ёнмоқ санъатининг гулханлари!***" йўсинидаги хитобида акс этган ҳақиқат қанчалар ёқимли!

Шавкат Раҳмон, биринчи навбатда, миллий ҳодиса эди. Аммо унинг миллийлиги умуминсонийлигини инкор этмайгина қолмай, аксинча, тақозо қилиши қардош ижодкорларнинг ушбу китобдан ўрин олган эътирофларида яққол кўринади.

Москвадаги адабиёт институтида Шавкат Раҳмон билан бирга ўқиган туркман шоири Оғагелди Олланазаровнинг ёдловидаги: "***Унинг овози мулойим, тингловчига хушкайфият бахш этадиган аллага ўхшаб кетарди***" тарзидаги қайд шоирнинг шеър ўқиш йўсинига бегона эл вакилининг баҳоси бўлса, унинг: "***Шавкат Раҳмон ўқимишли, билимдон ва ўта китобхон йигит эди. Унинг қўлида ҳар куни машҳур инсонларнинг янги-янги китобларини кўрганим эсимда. Баъзан унга ҳазиллашиб:***

– Шавкат, сен ёзувчи бўлмоқчимисан ё ўқувчи?
– дердим" шаклидаги эътирофида шоир шеъриятиг-

га алоҳида салмоқ бағишлаган, поэтик яратиқларининг умрзоқлиги ва улуслараро машҳурлигини таъминлаган омиллардан бири – билгичлик экани-ни аниқ кўрсатиб бергани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Оғагелдининг тенгдош талабаларга қилган шумлиги ва буни ҳаммадан олдин Шавкат пайқаб қолгани борасидаги хотиралари севимли шоиримиз шахсиятининг бизга у қадар аён бўлмаган қирраларини билдирганлиги жиҳатидан қизиқарли.

Ш. Раҳмон шеъриятининг чин мухлиси, унинг ижодидан қилган таржималарини алоҳида китоб қилган қирғиз шоири Қаримшоқ Тошбоевнинг ёдловида Шавкат Раҳмон билан илк учрашганда пайдо бўлган таассурот: ***"Шавкат уюган қўрғошиндай сирли жилмайганча ўтирарди"*** тарзида жуда эсда қоларли ва бадиий ифода этилган. Унинг хотиралари шоир шахсиятига хос жиҳатлар ўта нозик йўсинда тасвирланганлиги билан эътиборни тортади. Қирғиз шоири илк учрашувда Шавкат Раҳмон айтган: ***"Китоби кўп одамлар яхши инсонлар бўлади"***, – деган гап эсида қолганини қайд этади. Ёдловнинг шундай ўринлари Шавкат таянган маънавий қадриятлар нималардан иборатлигини кўрсатиши билан аҳамият касб этади.

Қ. Тошбоевнинг: ***"Шавкатнинг ўзи битган теран фикрларга мос мулоҳазали, босиқ йигитлиги сезилиб турарди. Чеҳрасидан самимийлик нури, соддалик сезилиб, нигоҳлари тубидан унинг эркин шижоатли, камгап инсон эканлигини англадим"*** тарзидаги кузатишларида Шавкат Раҳмоннинг шахс ва шоир сифатидаги порлоқ фазилатлари ёрқин акс этган. Қаримшоқ оға хотираларидаги: ***"Истеъдодли шоир ўлка, ер танламай, шеърлари орқали бир ҳудуддан иккинчисига қуёш нуридай тафти билан юракларни илитиб ўтиб кетаверар экан"*** тарзидаги ишонч кишида умидбахшлик уйғотади. Унинг Шавкатга бағишлаб битган шеъридаги: ***"Ундай шоир бир эл эмас, Барча элнинг баҳо-***

си йўқ бойлиги" сатрлари самимияти билан дилни ром этади.

Китобдаги Шавкат Раҳмон шеърлари талқинига бағишланган мақола ҳам шоир ижодининг етакчи қирраларини кўрсатишга қаратилгани билан диққатни тортади.

Шавкат Раҳмон: ***"Йўлдир бу, нафснинг ботқоғи эмас, қиличнинг дамидай чақнаган йўлдир. Бу йўлга юзингни буришдан аввал, ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир"***, – дея олган йўл кишиси эди. Эзгулик манзиллари сари мангу давом этадиган бу йўл эндигина бошланди. Бир чоғлар ёнганимизда юрган улкан шоир ва одам ҳақидаги ҳар бир хотира ана шу мангулик йўлидаги ёғдули манзиллардир.

...Улуғлар ҳақида ёзмаслик қийин. Улуғлар тўғрисида, албатта, ёзиш керак. Негаки, улуғларини танимаган элнинг маънавияти кемтик бўлади. Улуғ фарзандларини эслаш ва улуғлаш улуғларга эмас, балки улуғларини улуғлаётган элнинг ўзига керак. Чинакам улуғини таниган ва уни улуғлай олган эл ҳам тарих томонидан улуғланади. Чунки "Болам-эй!" – дейдиган элдагина "Элим-эй!" – дейдиган бола улғаяди.

Улуғ шахслар миллатнинг маънавий кўзгуларидир. Ўзбекнинг улуғ ўғли Шавкат Раҳмоннинг ўзига хос шахсияти, бетакрор истеъдоди тўғрисидаги ёруғ хотиралардан иборат ушбу китоб ўқувчиларда яхши таассурот қолдириб, шоир шахсини уларга янада яқинлаштиришига умид қиламиз.

Ҳамиша сирларга тўла очунни сирларга кўмиб яшаган, унинг сирли жиҳатларини сирли йўсинларда поэтик акс эттирган Шавкат Раҳмонни ҳам, у ҳақдаги холис хотиралари билан ўртоқлашган кишиларни ҳам Яратганнинг ўзи ёрлақасин!

2010 йил 19 июн

АВЖЛАНИШ ЭҲТИЁЖИ

Ўроз Ҳайдар – адабиётга бир қадар кечикиб ва салгина қимтиниб кириб келган ижодкор. Унинг тортинчоқлигига сабаб ҳам бордай: биринчидан, у касбига кўра бадиий ижодга мутлақо алоқаси йўқ соҳа кишиси – гидрогеолог. Бошқача айтганда, Мунис ва ҳазрат Огаҳийлар сингари мироб. Иккинчидан, қисқа умри давомида, ёрқин истеъдоди билан сўз аҳли эътибор ва эътирофини қозонган шоир Назар Шукурнинг туғишган иниси. Унинг олдида ҳамиша: "Акамдай ёза оламанми, битганларим уникининг соясида қолиб кетмасмикин?" – дегансимон ҳадик туради, шекилли. Шундай андишалар, эҳтимол, унинг адабий жамоатчилик ўртасидаги таниқлилиги ижодий имконияти ва бераётган бадиий маҳсулоти даражасида эмаслигига сабабдир. Лекин Ўроз Ҳайдар тинмай ижод қилаётир. Кейинги беш-олти йилда унинг уч шеърий китоби чоп этилди. Адабий давраларда тилга тушди. Мана энди, 101 сонетдан иборат навбатдаги китобини ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола қиляпти.

Бадиий адабиёт ўзида миллийлик билан умуминсонийликни бир вақтнинг ўзида мужассамлаштира оладиган эстетик ҳодисадир. Шунинг учун ҳам адабий тур ва жанрлар чегара билмайди. Қачонлардир фақат бир миллий адабиётга тегишли бўлган яратиқ вақти келиб, очундаги борлиқ халқлар адабиётига хос бўлиши мумкин. Шунингдек, қачондир бир улусга мансуб бадиий воқелик оламга ёйилиши ва йиллар ўтиб, муайян ўзгаришларга учраб яна ибтидога қайтиши ҳам мумкин. Худди соф юнон ҳодисаси бўлган драма бутун оламга ёйилгани ёки том арабий ҳодиса бўлмиш ғазал ўзбек, озарбайжон,

турк, форс ва бошқа кўплаб миллий шеъриятларнинг даражасини белгилайдиган жанрга айлангани каби. Сонет ҳам айни шундай поэтик яратиқлардан бири. Дастлабки намуналари 13 асрда италян шоирлари томонидан яратилган бу жанр машҳур шоир ва таниқли олим Абдулла Шер ҳамда ёш тадқиқотчи Сайёра Раҳмоноваларнинг айтишича, ибтидосини араб шеъриятидан олган экан.

Гарчи, сонетнинг италян тили ва Франциянинг прованс лаҳжасидаги "қўшиқ", "жарангдор қўшиқ" сўзларидан келиб чиққани, у ҳақдаги ***"...ўн тўрт мисрадан иборат турғун шеърий шакл. Сонетлар қатъий қонун-қоидалар асосида яратилади. У тўрт банддан иборат бўлиб, италян сонети талабларига кўра, 1- ва 2-бандлари тўрт мисра (катрен)дан, 3- ва 4-бандлари эса уч мисра (терцет)дан ташкил топади. Катренлар кўпинча а-б-а-б в-г-в-г ёки а-б-б-а в-г-г-в шаклида, терцетлар эса, д-е-д е-д-е ёхуд д-д-е д-д-е кўринишидаги (бошқача вариантлар ҳам бўлиши мумкин) қофия тизимига эга бўлади. Инглиз (аниқроғи, Шекспир) сонетлари эса, учта тўртлик бандлар ва битта иккилик банд асосида яратилган ва охирги икки мисра ўзаро қофиядош бўлган. Сонетда қофияларнинг тўлиқ ва жарангдор бўлиши талаб қилинади"***[1] каби назарий таърифлардан шоирлар ҳам хабардор эсаларда, сонетчилик амалиётида бу қоидаларнинг кўпчилигига риоя қилинмайди. Бунинг бир неча сабаби бор: биринчидан, орадан ўтган саккиз аср давомида сонет табиатида бир дунё ўзгаришлар юз бериши табиий эди. Иккинчидан, илк сонет дунёга келган вақтда, бу жанр

[1] Словарь литературоведческих терминов. –Москва: "Просвещение", 1974. С. 364; Литературный энциклопедический словарь. –Москва. "Советская энциклопедия", 1987. С. 411; Салаев Ф., Курбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. –Т.: "Янги аср авлоди", 2010. 230- бет.

талабларига тўла амал қилиб, унинг белгиларини қатъийлаштириш мақсад саналган бўлса, кейинчалик шоирлар учун сонет шаклидан фойдаланиб, ўз кўнгил ҳолатини ифода этиш мақсадга айланди. Шу тариқа, сонетнинг муқим шаклий белгилари мақсаддан воситага дўнди. Шунинг учун ҳам буюк Шекспир биринчилардан бўлиб сонетга хос қатъий талабларни бузишга, ўз илҳомини сонетга эмас, балки бу жанрни илҳомий ҳолатига мослаштиришга жазм қилди.

Ижод амалиётида кўпинча шундай бўлади: чинакам истеъдод эгалари эстетик қоидаларга мослашиб қўя қолмай, уларни ўзгартириб, ўз қоидаларини яратишга уринишади. Бу ҳолнинг яхши-ёмонлиги борасида баҳслашиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбек сонети атрофидаги фикрий хилма-хилликларга сал кенглик билан ёндашиш, поэтик яратиқларни баҳолашда шоирлар учун сонет назариясига амал қилишдан кўра ўз кўнгил ҳолатларини айни жанр шаклида ифодалаш муҳим бўлганини ҳисобга олиб иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўпинча, ташқаридан кириб келган адабий жанрлар тақдири ўзбек оиласига тушган келинчакнинг қисмати каби бўлади. Яъни ақл-ҳушли келинчак, тушган ўтбошиси шароитига мослашиб, бу ернинг тартиби асосида яшай бошлайди ва айнан шу сабабли янги хонадонни тезда ўзиники қилиб олади. Бундай ҳолат японлардан танка ва ҳайку каби шеърий шакллар ўзлаштирилганда ҳам содир бўлганди. Япон танкаси шунчаки беш қаторлик битик эмас, балки биринчи ва учинчи мисралари *беш*, қолган уч сатри *етти* бўғинлик жами 31 бўғиндан ташкил топган мумтоз шеърдир. Ҳайку эса биринчи ва учинчи сатри *беш*, иккинчи қатори *етти* жами 17 бўғинли уч мисра шеърдир. Уларни ўзлаштирган хитой, ўзбек, қозоқ, рус шоирлари ҳам бу талабларнинг қайсидир бирларига риоя этмадилар. Худди

шу каби илк сонетлар ҳам фақат икки катрен (тўртлик) ва икки тертцет (учлик)дан ташкил топган ўн тўрт қаторлик шеъргина бўлиб қолмай, ҳар бир сонет, албатта, 154 сўздан иборат бўлиши ҳамда фақат белгиланган тартибда қофияланиши керак эди. Ижод амалиётида бу талаблар бир қадар таҳрир қилинди. Дастлаб сўзлар миқдорининг қатъий белгилаб қўйилиши талабидан воз кечилди. Шекспир давридан бошлаб эса катренлар сони учтага келтирилиб, якунда битта иккилик қолдириш ҳам мумкин бўлди. Сонетда ифода этилган поэтик мазмуннинг, албатта, тезис, антитезис ва синтез шаклида тақдим қилиниши кераклиги борасидаги талабларга ҳам изчил бўйсуниляпти деб бўлмайди.

Адабиётшунослар классик сонет талабларига мос келмаган битикларни сонет ҳисоблаш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида астойдил баҳслашаётганликлари маълум. Назариётчилар тортишмоқдалар, сонетлар эса ёзилганидай ёзилмоқда. Шоирларнинг сонет назариясига қатъий амал қилмаётганликларига қоидаларни билмасликдан кўра, шоирлар руҳий ҳолатини эркин ва тўла ифодалашга шаклий қолипларнинг ҳалақит бераётгани сабаб бўлмоқда. Ҳали миллий поэтик амалиёт олдида "сонетлар туркуми", "сонетлар гулчамбари" сингари тушунчаларни қатъийлаштириш вазифаси ҳам турибди. Тўғри, муайян шеърий шакл талабларига риоя қилиш жуда муҳим. Шеърий асарнинг чинакам поэтик ҳодиса бўлишига эришиш эса бундан муҳимроқдир.

Шу маънода, бошданоқ таъкидлаш керакки, Ўроз Ҳайдарнинг сонетлари тўлиғича классик маънодаги, шаклий талабларга қатъий риоя қилиб ёзилган битиклар эмас. Шоир кўпроқ эркин сонет шаклидан фойдаланади. Чунки айтилганидай, унинг учун сонет талабларига оғишмай риоя этиш мақсад эмас, кўнглидаги изтиробларни ифодалаш воситаси, хо-

лос. Шу боис у сонет талабларини бажаришдан кўра, кўнгил ҳолатларини ифода этишга бирламчи аҳамият қаратади. Аммо шеърларини бандларга ажратишда поэтик хилма-хиллик истаб ўн тўрт қаторлик сонет шаклини танлайди ва шеърий маромга қараб, уни ҳар сафар турлича бандларга ажратади.

Поэтик шаклда ҳамиша сир бор. Оламдаги бирор шоир бирор шеърий шаклга тасодифан мурожаат қилмагани каби бирор шоир нима учун айнан шу шаклда ёзганлигини тўлиқ тушунтириб беролмайди ҳам. Шу каби Ўроз Ҳайдар ҳам бир ўринда классик сонетдаги сингари икки катрену икки терцетдан фойдаланади, қофиялаш тизимининг ҳам талаб қилинганидай бўлишига эришади. Баъзан эркин сонетдаги уч катрен ва бир иккилик шаклини қўллайди, гоҳида сонетнинг, шеърият тажрибасида мутлақо кўрилмаган етти байтлик маснавий йўсинидаги Ўрозча нусхасини ҳам яратаверади. Лекин шоир бирор ўринда шаклга мослаш учун туйғу ва фикр оқимига зўрлик қилмайди, сўзга зуғум ва мазмунга тазйиқ ўтказмайди.

Менимча, сонет оҳангидаги жарангдорлик, тасвир кечимида ифодани кескин ўзгартириш имконияти борлиги ва шеър сўнгида фикрни ҳикматомуз йўсинда билдириш мумкинлиги Ўроз Ҳайдарни бу шаклдан фойдаланишга ундаган. Анъанавий йўсинда бандланадиган шеърда туйғу ифодаси, поэтик оҳанг битикнинг охирига қараб майинлашиб, пасайиб боришга мажбур. Табиийки, бадиий дард кўлами ифода миқёсини белгилайди. Ўзини мувозанатдан чиқарган туйғулар жазавасидан қутулгандан сўнг шоир шеърни хотиржамроқ, қиссадан ҳисса чиқарган каби тугаллаш зарурияти олдида қолади. Ўн тўрт қатордан сўнг бирор сўз ҳам қўшиб бўлмайдиган сонетда эса оҳангни авж пардасида, фикрни айни парвозида бетакрор ва эсда қоладиган йўсинда якунлаш керак бўлади. Бу ҳол шеърни

кескин оҳангда, ҳатто, унинг боши ёхуд ўртасида ҳам бўлмайдиган даражадаги авж билан тугаллаш эҳтиёжини юзага келтиради. Ўроз, бизнингча, сонетнинг айни шу хусусиятига ишқибоз.

Ўроз Ҳайдар "Ки мени койима, бўларим бўлди" деб бошланадиган классик кўринишдаги сонетида ҳаёт чигалликлари исканжасида қолган ошиқ руҳиятида кечаётган изтироблар миқёсини: "***Кўзимдан нур эмас сачраганда қон, Оловда чўмилди жону жаҳоним***" тарзида акс эттирар экан, масала қўймайди, ечим бермайди, йўл кўрсатмайди, хулоса чиқармайди, балки биринчи терцет сўнгида: "***Гумоним муҳаббат, ишонганим ҳам***" тарзида оқибат билан сабабнинг илдизи битта эканини таъкидлайди. Иккинчи терцет сўнггида фожиавий оҳанг янада кучли ва кескин жаранглайди: "***Тирикликнинг ўзи симтўрсиз қафас***".

Бир эркин сонетнинг биринчи катренида шоир маҳбубаси ишқсиз ҳаётга интилган, демакки, севгиси рад этилган ошиқнинг ҳиссиёт оламидаги пўртаналарни ифодалар экан:

Сен лаззат топганда ишқсиз ҳаётдан
Мени масхаралар эринчоқ ел ҳам...

дея севгидан бенасиб одам сезилар сезилмас елгада кулги бўладиган ожиз кимсага айланиб қолишини қайд этади. Иккинчи тўртликда ошиқ ожизлигининг даражаси янги-янги таққослар асосида кучайиб боради. Учинчи катренда тасвир фокуси яна ошиқ билан маъшуқага қаратилиб, ишқсиз ҳаётнинг нурсиз манзараси бутун зулмати билан акс эттирилади:

Сендаги қўрқув мендаги журъат,
Олис юлдуз каби тортаркан хира.
Қутурган дарёда йўқолур қудрат,
Офтоб ўз ҳуснига бўлур асира.

Бу сатрларда илоҳий туйғуга беписандлик одамнинг ўзини ожиз қилиб қўйишдан ташқари, унинг кўзига олам ҳодисаларини совуқ ва жирканч кўрсатиши ҳам ифода этилган. Сонетнинг сўнгги иккилигида жавобсиз севги, ишқсиз ҳаёт нурсизлигидан сабр косаси тўлган ошиқ туйғуларининг портлаш даражасига келгани ва тафаккурининг чинликни рўёдан фарқлай олмайдиган ҳолга тушгани ***"Ишқ мактуби ила куяркан сўзим, "Офтоб - зулмат", – дея чинқирар кўзим"*** тарзида ифода этилади.

Шоир реал ҳаёт ҳақиқатини эмас, балки севгидан бенасиб шахс руҳияти ва хаёлотидаги фавқулодда жунбушли тўлғамларни тасвирлайди. Шу боис лирик қаҳрамон кўзига офтоб зулмат бўлиб кўринади. Айни вақтда шоир бошқа бир шеърида севган кишига муҳаббат бахш этадиган қудратни ***"Кутилмаган зарбдан қулагай фалак, Севдими, кучлидир шердан капалак"*** тарзида акс эттиради. Севгучи шахс руҳиятидаги ўзгачалик шоир томонидан ўта билгичлик билан табиий кўрсатилади: ***"Қайси йўлдан юрсам, сенга дуч этди, Нечун манзил этдинг ҳар йўл сўнгини?"*** Катренда севиклига шу сўроқни берган лирик қаҳрамон сонетнинг иккилигида: ***"Юпун дунёнг узра қачон шоҳ бўлгай, Севгинг қаршисида ўлим ҳам ўлгай"*** тарзидаги қаноатини баён этади. Аслида бу тасвирлар ҳам ҳаёт реаллигига мувофиқ эмас. Лекин изтиробли туйғулар оғушидаги шахснинг шахсий ҳақиқатига тўла мосдир. Чинакам шеър башариятнинг реал тарихи йилномаси эмас, балки алоҳида ва бетакрор шахс руҳиятидаги оний ҳолатнинг кардиограммасидир.

Ўроз Ҳайдар сонетлари унда акс этган тимсоллар тизимининг ўзига хослиги билан ҳам эътиборни тортади. Шоир сонетларида тасвирланган образлар орасида лирик қаҳрамон, яъни шоирнинг ўзидан ташқари худди мумтоз Кунчиқиш шеъриятидагидай ошиққа озор бериб ҳузурланувчи маъшуқа

(Кунботиш сонетшунослари томонидан "сонетная Дама" деб аталган бу образни ўзбекчада "сонетлар Бегойими" дейиш мумкиндир), бевосита қатнашмайди. Шоирнинг изтиробли дил изҳорини тинглаши керак бўлган ўқувчи, асоси бўлмасада, Бегойим марҳаматига чин ошиққа қараганда кўпроқ сазовор бўладиган рақиб борлигини билиб туради. Шунингдек, анъаналарга сиғмайдиган, қайсидир бир жиҳатига кўра шоир сезимларини қўзғаган бошқа шахслар ҳам Ўроз сонетларида тасвирга тортилган. Бу тимсоллар орасида фақат шоирнинг ўзи тинимсиз жисмоний, интеллектуал фаолият ва руҳий изтиробларнинг оғушида кўрсатилади. Қолган образларнинг бадиий вазифаси асосан лирик қаҳрамон қилаётган оташин, жарангдор ва ҳикматомуз иқрорларнинг ё тингловчиси ё сабабчиси ёки нишони бўлишдан иборатдир.

Ўрознинг ушбу китобга киритилган кўпчилик сонетлари севги деб аталмиш битта маънавий-руҳоний булоқдан сув ичгани учун ҳам улардаги ишқий изтироблар шиддати ифодасида умумийлик бор. Зеро, умуман, адабиёт, хусусан, шеърият изтироб маҳсули. Сонет-ку бошлича изтиробдан туғилади. Бу ҳақда адабиёттанувчи Раҳимжон Раҳмат: "***Инсон ҳаётининг чуқур фожиа билан йўғрилганлигини англаш туйғуси барча турдаги санъат асарининг юрагидир. Кўкрак қафаси ичига қамалган қуюн – одамнинг ўз-ўзи билан кураши – мураккаб кўнгил зиддиятларини четлаб ўтган адабиёт – жўн адабиёт. Адабиёт ҳамиша инсон руҳий изтиробларининг энг хавфли ўпқонига боши билан шўнғийди***" – деб ёзади. Ўрознинг сонетларида рақиб деярли тасвирланмайди. Лекин ҳар бир шеърда туйғуларнинг омонсиз жанги ифодаси бор. Аслида ҳам ўй одамига, ўзини тафтиш қиладиган ҳиссиётли шахсга ёвнинг кераги йўқ. Бундай одам душманга қарши курашиш кераклиги ва буни амал-

га ошириш йўлини билмайди ҳам. Улар учун ўзининг иллатлари ва нафсига қарши қилинган жанг энг аёвсиз, энг қонли жанг бўлади. Ҳаммага нисбатан ғоят кечиримли бўлган шоир, одатда, ўзини сира кечирмайди. Шунинг учун унинг шеърларида ўзидан қониқмаслик, ёзғириш кучли. *"Кўриб туриб, нечун кўрмадим Сизни"*, – дея ўзидан норозиланади шоир бир шеърида.

Ўроз Ҳайдарнинг бир сонетида рақиб образи бир қадар бўй кўрсатгандай бўлади. Унда лирик қаҳрамонга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган ҳасадгўй кимсага қарата шеърнинг якунловчи иккилигида: *"Албат, ҳавони ҳам сизга берамиз, Биз-чи? Нафас олмай яшайверамиз"*,-дейилади. Бу сонетнинг катренларида ҳам ошиқнинг изтироблари ёки маъшуқага илтижоси эмас, балки лирик қаҳрамоннинг тўймас ва қаноатсиз кимсага муносабати акс этган.

Шоир ҳар бир одамда туйғулар порлоқ, сезимлар самимий, ҳаракат оташин бўлишини орзулайди. Шу боис севган қалб изтиробларини акс эттиришга мўлжалланган сонет шаклидан ижтимоий дардларни, инсон етуклиги борасидаги ўз орзуларини ифодалашда фойдаланади. Айни ҳолат лоқайдлик ва бефарқлик тазоҳири бўлмиш турғунликни бир сонетининг биринчи катренида: *"оловда музлаётган сув"*, *"қаҳратон оҳида ёнаётган жон"* дея фавқулодда тасвирлашга ундайди:

Турғунлик – оловда музлаётган сув,
Қаҳратон оҳида ёнаётган жон.
Ойнинг шуъласидан куяётган ҳув
Этагин қоқаётган кенгликлар – гирён.

Иккинчи катренда эса лоқайд кимсалар уйғотган изтироб ифодаси янада йириклашиб, самовий кўлам касб этади ва бундайлар билан кечирилган ҳаётда ҳаво ҳам ноёб бир товар сингари сотилиши мумкинлиги ифодаланади. Шеърдаги: *"Ҳаво ют-*

моқ учун кутасиз навбат, Вазнсизлик инган ҳар неки эрксиз" сатрлари этни жунжиктирар даражадаги даҳшати билан эсда қолади. Учинчи тўртликда лоқайдлик гирдобидаги ҳаётнинг аянч манзараси сифатида ўпқонга тушган япроқлар каби қалқиганча оёғи осмонда бўлиб сузаётган тоғлар, куйлашни унутиб умрлик уйқуга чўмган боғлар тасвирланади. Ҳар қандай интилишу ҳаракатни фойдасиз қилувчи бундай ғафлат олдида самовий куч ва шиддат ҳам ожиз экани тугалловчи иккиликдаги: "***Чақмоқ чаққанда ҳам яшин беаёв, Гугурт чақмоғича пуркалмас олов***" сатрлари билан кескин хулосаланади.

Дардсиз кимсаларни кўриб, қанчалар изтироб чекмасин, шоир некбин, у одамиятнинг уйғонишига ишонади ва унинг қутқарувчиси инсоний севги бўлишини: "***Инсон Сўздан уйғонур фақат, Халос кордир унга муҳаббат***", – дея башорат қилади.

Ўроз Ҳайдар баъзан соф табиат манзараси тасвирланган шеърларини ҳам сонет шаклида ёзади. Бизнингча, шоирни бу поэтик шаклдан фойдаланишга ундаган нарса фавқулодда манзара кўрсатган таъсирнинг кутилмаган даражада пўртанаворлиги бўлган. Шоирнинг "Шомни унсиз ёқар шафақ яллиғи" сатри билан бошланадиган шеъри шундай хусусиятлари билан эътиборни тортади. Илк катренда қуёш ботаётган пайтда кўл бўйи манзарасининг тенгсиз гўзаллиги бетакрор чизилади:

Шомни унсиз ёқар шафақ яллиғи,
Ойдинкўлни қучар совуқ аланга.
Қуёш – кўкнинг ўлмас олтин балиғи,
Муздек тўлқинларга сочади танга.

Шоир чегара билмас хаёлот кучи билан кундузги куйдиргувчи ҳароратидан айрилиб, шафақни фақат алвон яллиғи билан ранглантирган қуёшдан совуқ аланга чиқаётганини тасаввур қила олади. Поёнсиз

кўл уфқига ботиб бораётган қуёш ***"кўкнинг олтин балиғи"***га, ундан таралиб, кўл сувида аксланаётган саноқсиз алвон нурлар тўлқинларга сочилган олтин тангаларга менгзалади. Иккинчи тўртликда кун билан хўшлашаётган ва шомни кутиб олаётган кўл манзараси жонлантирилади. Учинчи катренда тасвирга тунга мансуб тимсоллар кириб келади:

Ой қўлтиқлаб олтин болишин аста,
Мўралайди имсиз уфқ ортидан.
Кўл шалоплар, қуёш орзу-ҳавасда,
Озод сузиб чиқар сувнинг қаъридан.

Шоирона назар ва поэтик сўз қудрати билан ҳали кун тўла ботмай туриб осмонга чиққан ва атрофига нимтатиргина ёғду таратаётган ойнинг гўзал ҳолати ҳамда камҳаракатлиги ўқувчининг ёдида бир умрга қоладиган йўсинда бетакрор акс эттирилади. Биринчи катренда кўлга шўнғиб кетгани тасвирланган қуёшнинг сув бағридан "озод" сузиб чиққани учинчи тўртликда айтилмай, кўрсатилади. Айниқса, сонетнинг якуни сифатида берилган иккилик бадиий таъсир энергиясининг қуввати билан ҳайратга солади: ***"Уфққа-чи сабо қуритмоқ бўлиб, Қўяр қуёшнинг ҳўл кўйлагин илиб"***. Шоирлар шу вақтгача саноқсиз эксприментлар қилишган, ақлга сиғмас, хаёлга келмас ташбиҳлар ишлатишган. Аммо Ўрозга қадар ботаётган қуёшни сабо томонидан қуритиш учун уфққа илиб қўйилган ҳўл қизил кўйлак тарзида тасвирлаш ҳеч кимнинг эсига келмаган.

Ҳар қандай ҳодисанинг асл фитрати қачондир, барибир, устуворлик қилади. Сонет шаклида севги изтироблари тасвири етакчи бўлиши борасида ҳам шуни айтиш мумкин. Ўроз Ҳайдарнинг қўлингиздаги китобига кирган сонетларнинг аксар қисми муҳаббатга гирифтор кўнгил ҳолатларини акс эттиришга бағишлангани бизга шундай тўхтамга келиш имконини беради.

Ўрознинг "Аёлинг йўлингга кўз тикмаса бас" сатри билан бошланадиган классик шаклдаги сонетида севгининг қудрати ва ишқсизлик даҳшати ҳаётий қиёслар воситасида акс эттирилади. Биринчи тўртликда суйгулининг назаридан қолиш оқибатлари шундай тасвир этилади:

Аёлинг йўлингга кўз тикмаса бас,
Яшашга иштиёқ гулдай сўладир.
Сайрашни унутиб қушинг ўладир.
Тоғ соянгча бўлур, қўзғатмас ҳавас.

Аёли кутмай қўйган эркакда яшашга иштиёқ сўниб, кўнгил ва руҳ қуши ўлади. Бугина эмас, аёлнинг эркак йўлига кўз тикмай қўйиши ҳаётий миқёслар ва инсоний ўлчамларни ҳам ўзгартириб юборади. Шу боис осмонўпар тоғлар одамга ўзининг сояси каби жўн ва аҳамиятсиз нарсага дўнади.

Иккинчи катренда рўй бериши мумкин бўлган фожиа тасвири янада қуюқлаштирилиб, гоҳ эркакнинг ҳаётига бевосита дахлдор, гоҳида табиат ҳодисалари билан параллел тасвир этилади. Аёли йўлига кўз тикмай қўйган одамга ўз боласининг кулгуси бегона экани, авжи саратонда қор ёғиши, ҳар қадамда унга атаб тикилган дор машъум сиртмоғини ўйнатиб тургандай бўлиши, ҳатто унинг чироғига парвона ҳам ўзини урмаслиги акс эттирилади. Айни ҳолат тасвири терцет (учлик)ларда ҳам кучайган миқёсларда давом эттирилади. Терцетлардаги тасвир эркакдан ташқарига кўчади. Чунки фожианинг миқёсини ўқувчига тўла туйдириш учун кўламли тимсоллар тасвири талаб қилинарди:

Кўлмагингда сакрар улкан наҳанг боз,
Дарёнг ҳам қуригай айни тошқин дам.
Шамол ҳам эсмайди қиздек қилиб ноз.
Кузнинг ҳазинлигин шивирлар кўклам.

Сонетнинг сонетлиги ва кўпчилик шоирлар меҳрини қозонганлиги сабаби айни шу ўринда яққол билинади. Йўқотишлар тасвири айни ҳадди аълосига чиққан вақтда шоир кутилмаган йўл тутиши керак. Бошқа шеърий шакллар бунга имкон бермайди. Аммо сонетда мумкин, сонетда шундай қилиш керак ҳам! Иккинчи терцетнинг сўнгги икки қаторида шоир юқоридаги ўн икки мисрага тамомила терс келадиган тасвирни беради: *"Аёлинг йўлингга кўз тикдими, бас! Пойингга йиқилур қуёш мисли хас"*. Хулосанинг кутилмаганлиги ҳам, ҳикматомузлиги ҳам, қофиянинг жарангдорлигию оҳангдошлик тизими ҳам айни классик сонет шакли талабларига мувофиқ келади. Бу шеърда туйғулар пўртанасини ўзгача йўсинда бериш истаги, ўқувчини бадиий истеъмолчидан ижодий шерикка айлантириш хоҳиши етакчилик қилади. Ўта миқёсли руҳий ҳолатнинг ҳикмат йўсинида ифодаланиши тасвирга бадиий-эстетик кўлам бағишлайди. Шоир ғужғон ўйнаётган фикру туйғуларини айнан сонет шаклидаги ўн тўрт қаторга маҳорат билан жойлай олган.

Чегара барибир чегарадир. Қолип қачондир қолиплигини қилади. Шоир қанчалар маҳоратли бўлмасин, айрим ҳолларда фикр ва туйғуларини битта сонетга сиғдира олмай қолади. Бундай ҳолатларда сонетлар туркуми юзага келади. Рауф Парфининг кўпчилик сонетлари учлик туркумлар тарзида яратилган. Тўғри, поэтикага доир адабиётларда сонетлар туркуми камида олти сонетдан ташкил топиши керак деган қараш юради. Лекин ижод амалиётида назарий талабларга кўпда риоя қилинавермаслиги оддий ҳол. Шу боис ўзбек шеъриятида турли миқдордаги сонетлардан иборат туркумлар мавжуд. Қўлингиздаги китобдан сонетлар учлигидан иборат иккита туркум ўрин олган. Улардан биринчи-

си эронлик маҳкума Дилорога бағишланган бўлиб, севиклисининг айби билан севгиси йўлида ўлимга юзлашган маъсума қиз тақдири туфайли ғужғон ўйнаган изтироблар акс этган. Фикр билан туйғунинг яхлитлигига эришилгани учун ҳам уч сонетни ўз ичига олган бу туркумда зўракилик, сунъийлик йўқ. Шуниси муҳимки, шоир ҳаётий фактга ўралашиб қолмайди. Дилоронинг фожиали тақдири ишқ ва ошиқ қисмати тўғрисидаги изтиробли ўйлар ва ҳикматсифат тўхтамлар учун туртки бўлади. Шоирнинг шу туркумдаги бир иккиликда айтилган: "***Чин севмак ўлимдир – ўлим сари йўл. Ошиғин дорига тортар Муҳаббат***" йўсинидаги хулосаси туркумнинг умумий руҳини тайин этади.

Улуғ ёзувчи Шукур Холмирзаевга бағишланган сонетлар туркумида унинг номидан билдирилган: "***Ҳақиқат – унвоним, ранжим фитратдир, Насибамни уздим мақтов, олқишдан***" мисралари ижодкорнинг матлабини аниқ ифодалаши билан эътиборни тортади. Ўроз Ҳайдарнинг санъаткорлиги шундаки, адибнинг чигал ҳаёт йўли ва мураккаб тақдирини тасвирлашда унинг китоблари номидан усталик билан фойдаланади. Бунда зарра қадар зўракилик, сунъийлик кўзга ташланмаганлиги шоир маҳоратини кўрсатади:

Ўтдим салтанатнинг қил кўпригидан
Қора камар ичра ёқдим гоҳ гулхан.
Оғир тош кўчганда киприкларимдан
Сўнгсиз тубсизликка учдим ер билан.

Катренларда қўлланилган бундай усул терцетларда ҳам давом эттирилади. Уларда улкан адиб шахсиятига хос ўзига ишонч, ғурур, ҳалоллик акс этади. Айни вақтда ёзувчининг ўй одами экани, ўй кишисига эса шубҳа ҳамишалик йўлдошлиги чоки билинмайдиган йўсинда тасвирланади:

Билмайман, қаёнда сўнгги бекатим,
Ўзга бекатига боқмагандирман.
Мен сенинг еринғдан очиб эгатим.
Жаннат қопқасини қоқмагандирман.
Оёқлар остига Сўзим отмадим,
Нафрат ёрлиғини тақмагандирман.

Ушбу сатрларда ишонч билан шубҳа, қатъият билан гумонни ёнма-ён келтириш орқали тоза ва истеъдодли шахснинг чигал қисмати ўта нозик тасвир этилган. Шу туркумга кирган сонетлардаги: "***Сўз – Аллоҳ шамшири, нурдек учгувчи, Қуёш ярасидан туғилган қўшиқ***" ёки "***Тушундим – қисматим туғилмаган Сўз***" ёхуд "***Кимнинг изтироби кўзимдаги нам, Минг йиллик сополдай жаранглар сассиз. Барибир, бағрингда уйғонгум, Ватан!***" сингари иқрорлар самимияти, қамровдорлиги ва руҳий залвори билан ёзувчи шахсияти қирраларини кўз олдига яққол келтириш имконини беради.

Шукур Холмирзаев тўғрисидаги сонетлар туркуми сиртдан бир вақтлар Рауф Парфи томонидан Чўлпон ҳақида ёзилган сонетлар туркумига ўхшаб кетади. Айни чоғда Ўрознинг ушбу туркумида ёруғ бир андуҳ, ёғдули армон акс этган. Андуҳки, очун ишларининг ҳамиша бири камлиги сабаб Шукур Холмирзаевнинг шунчаки бир одамчалик кун кўролмаганидан, армонки, бундай миқёсли шахслар ҳамиша кўламдор изтироблар оғушида яшашга маҳкумлигидан туғилган. Сонетлардаги ҳар бир сўз, тимсол, тафсил айнан Шукур акага тегишли. Ҳатто, "***Минг йиллик сополдай жаранглар сассиз***" сатридаги сопол тимсоли ҳам тасодифан ишлатилмаган, балки туғилиб ўсган ўлкаси ўтмишини бир элшуносдай излаган ва бир олимчалик билган ёзувчи табиатини ёрқинроқ акс эттиришга хизмат қилгани учун қўлланган.

Ўроз Ҳайдарнинг сонетлар китобига кирган шеърлар орасида бадиий қиммати юқори бўлган

битиклар жуда кўп. Улар китобхоннинг эстетик дидини ўстиришга, уларни ижодий маҳсулотнинг нафақат истеъмолчиси, балки гўзаллик яратиш жараёнининг иштирокчисига ҳам айлантиришга хизмат қилади. Айни вақтда, холислик юзасидан, "101 сонет" китобига кирган айрим битикларда турли даражадаги ноқисликлар учрашини ҳам қайд этиш лозим бўлади. Мисол учун, "***Чала ёпгай томин чалагир уста***" мисраси билан бошланадиган шеър, аввало, пафосига кўра, иккинчидан, деярли бирорта жарангдор тўқ қофияси бўлмагани учун, учинчидан, бир қатор сўзлар ноўрин қўлланган сабабли, умуман, шеър, хусусан, сонет даражасига кўтарила олмаган. Ўзбек тилида устага нисбатан "чалагир" изоҳловчи бўлиб келолмайди. Шу шеърнинг иккинчи сатри "***Кўзни қақратадир мўнди бир бино***" шаклида битилган. Бу шеърий қатордаги бирорта сўз ҳам ўринли ишлатилмаган. Агар кўзга нисбатан "қақратадир" сўзи қўлланиладиган бўлса, у, албатта, йиғлайверганидан кўзёши қуриб қолишини англатиши керак. Шеърда эса қўл учида қурилган сифатсиз бинонинг кўзга ёмон кўриниши айтилмоқчи. Кейин, бинога татбиқан "мўнди" сўзини мутлақо қўллаб бўлмайди. Негаки, "мўнди" аниқловчи бўлиб келадиган сўз эмас, у кўзанинг жўнроқ бир турини англатадиган от. Ҳа, бу сўзда жўнлик маъно экспрессияси йўқ эмас. Аммо бу маъновий жилвани бинога татбиқ қилиб бўлмайди. Энг муҳими, шеърда сонет шаклида куйлагулик пафос, изтироб, дард йўқ. Биринчи катренда "уста" сўзи билан "музтар"-ни қофиялашга уриниш сонетдан келиб чиқиши керак бўладиган бадиий эффектни бутунлай йўққа чиқаради.

Бедилга мурожаат билан бошланган бошқа бир шеърда эса "***Ўзимни кўраргa кўзимда ўқ йўқ***" тарзидаги мантиқсизлиги яққол кўриниб турган ифо-

дага йўл қўйилган. Шунингдек, етти маснавийдан иборат битикни сонет шаклида тақдим этиш ҳам ўзини оқлаган деб бўлмайди.

Тилга олинган камчиликлар ҳарорат билан ёзилган ва шавқ билан ўқиладиган китобнинг қимматини йўққа чиқара олмайди. Навоий ҳазрат: ***"Мўмин бу дунёда одамдай яшаши учун уч манзилни босиб ўтиши ёки тўрт мартабани эгаллаши керак"***, – дейдилар. Бугунги шеърият билан ошно бўлгиси келган ўқувчи ҳам мана шу "101" манзилни босиб ўтсагина сўз чечакзорига кириб, гўзаллик чаманзоридан баҳра ола билади.

2010 йил 1 июл

КЎНГИЛ ҚЎРҒОНИГА БЎЙЛАБ[1]

Буюк сўфий боболаримиз: *"Ҳар неки изларсан, ўзингдан излагил"*, – дейишганида, биринчи навбатда, инсон кўнглини назарда тутишган. Чунки эзгулигу ёвузликнинг чексиз макони бўлмиш инсон кўнглидан истаган нарсани топиш мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги ўзбек шеъриятида кўнгил минтақаларини тадқиқ этиш, унинг саноқсиз товланишларини акс эттириш устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Заҳматкаш шоир Сафар Оллоёрнинг навбатдаги китоби ҳам кўнгил ҳолатлари тафтишига бағишланган шеърлардан таркиб топгани билан диққатни тортади.

Кўнгилни англаш, ундаги кўзга кўринмас, тафаккур билан тушуниб ва тушунтириб бўлмас жиҳатларини туйиш ижодкордан кўнгил мамлакатига кириб боришни тақозо қилади. Маълумки, бегона кўнгилга кириш бегона мамлакатга киришдан кўра мушкулроқ. Чунки ўзлик қўрғони билан ўраб олинган кўнгилга фақат битта – уни забт этиш йўл билангина кириш мумкин. Бу зобитликда эзгулик ва гўзаллик деган қуролларгина иш беради. Сафар Оллоёрнинг янги китобидан жой олган кўпчилик шеърлар биз кўзда тутган мулкни забт этишга қаратилгани билан эътиборни тортади. Шоир инсон кўнглига шунчаки ҳавасакка кирмоқчи эмас, балки ундаги "тирик жон"лар бўлмиш туйғулар билан тиллашмоқ истагида қалбга бўйлайди:

Қалб дегани кенг қўрғон экан,
Ҳислар унда тирик жон экан.
Баланд-баланд деворларидан
Шу қўрғонга бўйлаётирман!!!

[1] Мақола Отабек Сафар билан биргаликда ёзилган.

Кўнгилдай муқаддас масканга кирмоқни ихтиёр қилган шоир ўз олдига юксак мақсад қўяди. Зеро, кўнгил мамлакатига шунчаки эрмак учун кириш ҳам, уни нафсга доир майда маиший истаклар йўлида забт этишга уриниш ҳам ақлдан эмас. "Тавақкуф" шеърининг лирик қаҳрамони тушови уловидан қиммат бўлишини хоҳламайди, шу сабаб у юрак бекатида бахт билан юзлашмоқ истагида эканини маълум қилади:

Қора қозон ташвишин тутиб,
Йўлин билиб, ўзин унутиб,
Ҳамма турар автобус кутиб,
МЕН ЭСА БАХТ ПОЙЛАЁТИРМАН!

Лирик асарнинг эстетик қимматини тайин этувчи асосий омил унда шоир кайфияти қай даражада тасвир этилганлигидир. Бу турдаги асарларда нима тасвирлангани эмас, қандай тасвирлангани каттароқ аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам лирикада воқеалар баёни, хатти-ҳаракатлар кўлами эмас, балки кечинмалар замзамаси қай тарзда берилиши муҳим ҳисобланади. Айни вақтда, лирик асар фақат кайфият манзарасидангина иборат эстетик яратиқ бўлмай, унинг марказида поэтик тафаккурнинг ҳаракат динамикаси ҳам бўлади.

Ижодкорнинг нигоҳи масрур чеҳраларда ғам изларини кўра билади, унинг қалби бир қарашда хушбахт онларни тараннум этаётгандай туйиладиган тарона қаъридан сизиб чиқаётган ҳазинликни пайқайди. Кўнгилда кечаётган нозик руҳий ҳолатларни илғамоқ жуда ҳам мушкул, уларни гўзал, бетакрор тарзда ифодаламоқ эса янада қийин. Аммо ижодкорга ўзи ва ўзгалар кўнглидаги кечинмаларни ифодалай олишдай неъмат берилган.

Истеъдодли шоир Сафар Оллоёрнинг "Кўзгусиз гўзал" деб номланган тўпламига кирган турфа оҳангдаги шеърлар билан танишар экан, китобхон

кўнглидан турлича туйғулар кечади. Унда ўзини ватанининг ҳар тошу гиёҳи учун жавобгар деб билган ўғлоннинг садоқат, фидойилик билан айтилган жасур сўзлари акс этган битиклардан кўнгли ғурурга тўлса, севганидан айрилиб, юраги қон бўлган, ҳижрондан бағри ўйилган ошиқнинг ҳазин тавалоси ифодасидан маҳзунлик туяди; ҳаётини бутунича фарзандлари қувончига бахш этиб, бу дунёдан роҳат кўрмай ўтган ота-она соғинчидан бўзлаётган бола айтимлари аламли хотираларни қўзғаса, очуннинг кечмиши, бу бешкунлик дунёда унданда омонат бўлган инсон тақдиридан куюниб, бунинг сирини топмоқ истагидаги ўйлар тасвиридан хаёлга чўмади. Муҳими, шоирнинг кўпчилик шеърлари юрагидан чиқариб самимий ёзилган. Уларда муаллифнинг шеъриятга садоқати, поэтик сўзга эҳтироми яққол кўзга ташланиб туради.

Чинакам ижодкорлик ўзига хослик, бетакрорлик демакдир. Шоирнинг беҳаловат қалби кўзу кўнгил қувнатар гўзалликлардан ўзи яйрабгина қолмай, балки тирикчилик ташвишлари, туганмас кундалик юмушлар оғушида кўнгил истакларини жиловлаган, қалбидаги инжа туйғуларга эрк бермасликка ўрганган кишиларни ҳам ҳаёт гўзалликлари ва бетакрор сезимлардан бохабар қилмоқ истайди, ўзи туйган ҳисларни ўзгаларгада илинади:

Умид йўлга чорлар маёқдай,
Йўлдошларнинг йўлхалтаси шай.
Фақат бир мен ариқда атай
Ялпиз билан ўйнаётирман.

Халқда "***Бировнинг қилгани – бировга сабоқ***" деган нақл бор. Чиндан ҳам, ўйчил киши теварак-атрофдан доимо ибрат олиб яшайди, унга ҳайбатли тоғ ҳам, шунчаки ётган бир кераксиз тош ҳам, енгилгина эпкинда титраётган майса-ю бўронларга бардош бераётган пойдор чинор ҳам сабоқ ўлароқ

кўринади. Ҳамма гап, ўша нарсалар замирига яширинган имо-ишорани пайқай билиш, мушоҳада этиб, унга маъно юклай олишдадир. Чунки кимдир кўкка бўй чўзган дарахтга қараб, шохлари тарвақайлаган оғочнигина кўрса, шоир эса унда адолатнинг кескир қиличи ёхуд ерни чангаллаб олган қудратли қўлни пайқаб, ҳайратланади. Чинакам ҳайрат аксар ҳолларда бадиий ижодга доялик қилади:

Бамисоли дарахтдир инсон –
Чин яшаса ўсади осон!!!
Чунки томир – бачидам қўллар,
Томир – ерга санчилган қўллар.

Истисносиз ҳамма нарса хокисору камтар, оёқлар остида топталгувчи Ердан қувват олади. Дарахт ҳам, агарда ерни томири – "қўллари" билан маҳкам чангаллаб олмаса, қанчалик азим бўлмасин, тезда ундан узилиб қолиши мумкин. Бу ҳолни шоир: ***"Тенгсиз таянч – зарур хилқатдан Чўрт айрилиб қолар дафъатан"*** тарзида ифода этади.

Инсон учун ватан, ота-она, муҳаббат каби тушунчалар энг муқаддас қадриятлардир. Бинобарин, одамий одам сўнгги имконигача улар учун курашиши керак. Бироқ доим ҳам, ҳамма ҳам шундай қиладими? Андишанинг отини қўрқоқ санайдиганлар йўқми ёхуд қўрқоқликни андиша ҳисоблаб, ўз тинчини ўйлайдиганлар озми? Сафар Оллоёр шеърларининг қаҳрамони бундай ҳолда сукут сақлашни ор билади, ёмонлик билан муроса қилишни хоҳламайди, ҳақиқат учун кўз ёш тўкиш эмас, балки курашиш лозим деб ҳисоблайди:

Ҳақиқат тикланди –
Иймонга ёндош
Фано-ю бақода мустаҳкам устун...
Бошқа мақсадларга
Берилган кўз ёш,

Йиғлаш керак эмас ҳақиқат учун!
Йиғлаш керак эмас ҳақиқат учун!!
Йиғлаш керак эмас ҳақиқат учун!!!

Тўпламда халқона ибораларнинг синмас ҳақиқати зимнига сингдирилган шеърлар талайгина. Маълумки, адабиётнинг энг чуқур илдизлари халқона тафаккурга бориб туташади. Халқ образли фикрлашга мойил бўлгани боис ўта мураккаб ҳаётий ҳақиқатларни оддийгина туюладиган йўсинда ёддан чиқмайдиган қилиб ифода этади. Шоирнинг халқ фикрлаш шаклидан таъсирланиб яратган ифода тарзи оддийгина бўлсада, оғир мантиқий юк ортилган мисралари кишига жимжимали, жарангдор, оҳанжамали, аммо тош босмайдиган "ҳикмат"лардан кўпроқ завқ беради. Зеро, бундай мисраларда чўнг ҳақиқат акс этади, халққа хос донолик намоён бўлади: "***Ор йўқ жойда яйрар қасам, Айнан айлар ёлғонни чин***". Чинданда, ор-номус билан лафзсизлик, қасамхўрлик – бир-бирини инкор этадиган тушунчалар. Номуссизлик бор бўлган ерда қасамхўрлик яйрайди. Орсиз кимса қасам ичишдан ҳам, уни бузишдан ҳам қайтмайди. Виждонли одам учун эса ор-номус, шаън, қадр-қиммат, ғурур-қасам...

Кўклам кириб келганда, нафақат табиат, балки кўнгиллар яшнаб кетади. Шу боис шоирлар унга фақат табиий эмас, балки ижтимоий ҳодиса каби ёндашадилар. Табиатнинг янгариши, оғочу майсаларнинг уйғониши, қушларнинг чаҳ-чаҳи дилга қувонч солади... Бундай ҳолатлар таърифланиб, кўкламнинг туганмас гўзал сифатлари саналган шеърлар жуда кўп. Бироқ шеъриятимизда кўклам учун ҳамманинг кўз ўнгида, айни вақтда, ҳеч кимга билдирмай бирдан уйғониш; кўзгуга қарамай, яъни ўзига пардоз бериб ўтирмай, сездирмасдан ороланиш; бундан нафақат ўзи, балки ўт-майса, дов-дарахт, қурт-қумурсқагада бирдай наф бериш каби

сифатлар хос экани тасвир этилмаганди. Сафар Оллоёр айни шу жиҳатни бағоят ўзига хос йўсинда тасвирлайди:

У ҳамманинг кўзи ўнгида
Уйғонар ва
Кийина бошлар.
Инжа ҳаё бўзлар кўнглида,
Юрагидан ғайрати тошар.

Қишдан яланғоч чиққан баҳорнинг ҳаммадан олдин ва барчанинг кўз ўнгида кийиниши шоир томонидан ***"инжа ҳаё бўзлар кўнглида"*** тарзида ифода этилади. Кўклам шошмайди, аммо ғайрат билан ишга киришганидан ҳар бир гиёҳини, наинки гиёҳ, балки миттигина гиёҳнинг ҳар бир унсурини гулдор кўйлак билан безантиради. Бу ишида унга ҳалал берадиган, юмушига тўсқинлик қиладиган куч йўқ. Чунки "кўзгуси йўқ гўзал" – баҳорга Ҳақнинг ўзидан иноят бўлган:

Наки тани,
Ҳар бир тукига
Гулдор кўйлак кийгизар бирдан.
Ҳеч ким дахл қилмас мулкига,
Чунки Ҳақдан иноят бўлган!

Шоирлик ҳамиша ошиқликдир: Ҳаққа, ҳақиқатга, меҳрга, ёрга, яхшиликка, эзгулик ва дўстликка. Ошиқлик мудом дард чекиш, ўзни адоқсиз азобга гирифтор этишдир. Зотан, бировнинг дардини ўз дардидай билган, бировнинг қувончига ундан ортиқроқ қувонган, ўзганинг ташвишидан изтироб чеккан қалбга беҳаловатлик доимий йўлдош. Шунга қарамай, ***"Ишқ – дард эмас, даводир"***, – деб ёзади улуғ Фитрат. Дарҳақиқат, аслида ана шу беҳаловатлик одамнинг одамийлигини, яъни кўнглининг соғломлигини белгиловчи омилдир. Ўз ташвиши билан эмас, ўзганинг дарди билан урган қалби-

на уйғоқдир. Шундай экан, ишқ ҳам, гарчи ошиқни минг кўйга солиб, азобга қўйсада, аслида муддаодир, демакки, даводир:

Фасоҳат гулшани:

Ақл бирла ҳис
Аҳли шуаронинг хитобларида.
Магар бемор бўлсанг,
Энг яхши ташхис

Уларнинг ишқ тўла китобларида!..

Шаклий-мундарижавий ўзгачаликка интилиш, поэтик кашфиётлар қилишга уриниш, ифода бетакрорлиги йўлида тинмай изланиш чин шоирнинг доимий белгилари. Шу маънода, Сафар Оллоёр ижодида мумтоз адабиётимиздаги фардларга бир қадар ўхшаб кетадиган "қўшсатрлар" деб аталмиш шеърий шаклнинг юзага келиши маъқул бадиий ҳодиса бўлди дейиш мумкин. Ушбу ихчам битикларда шоирнинг ҳаёт ҳодисалари юзасидан қилган кузатишлари, улардан чиқарган теран хулосалари акс этган. Ҳаётнинг ўзи ҳикматлар манбаи эканини шоир: ***"Битигим: қўшсатрлар ёхуд ҳар бир байт – Серсарҳад ҳаётдан мен топган ҳикмат"***, – дея ифода этади. Муҳими, муаллиф ҳикмат айтиб, донолик қилмайди, балки ўз ҳаётий тўхтамларини таъсирчан бадиий йўсинда ифода этади:

Ҳақиқатни билиб сукут сақловчи –
Баайни ёлғонни зимдан ёқловчи.

Ҳақиқат ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди. Катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир ҳақиқат қандайдир курашнинг натижасидир. Шу йўлда билиб туриб, ҳақиқат сари қадам ташламаслик, ёлғонга тарафдорликдан бошқа нарса эмас. Шу боис ҳам шоирнинг бу борадаги ҳукми қатъий. Ёлғонга қарши чиқмаслик, унга қарши курашмаслик виждоннинг

тоза эмаслигидан далолатдир. Зор қақшаётган ҳақиқат қошида сукут сақлаш ёлғонни ёқлашнинг ўзгинасидир.

"Дунёнинг исмига меҳр қўшилган, Унга тўймасликнинг сабаби шундан", – деб ёзади шоир бошқа бир қўшсатрида. Чиндан, яшаш истаги ҳаммага хос. Ҳатто, дунёдан тўйдим деган кишининг ҳам дилида дунёдан умид бўлади, у ҳам ногаҳоний бахтнинг ташрифига кўз тикади. Улуғ олмон шоири Иоганн Ҳёте таъбири билан айтганда: *"Ҳатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди"*. Сафар Оллоёрнинг наздида, бунинг сабаби дунёнинг меҳрга йўғрилганидандир. Зеро, худди нон каби меҳр қанчалик кўп бўлса ҳам кўнгилга тегмайди.

Сафар Оллоёр ўз шеърларида оддий сўзларни жилолантириб, уларга бадиийлик бағишлай олади. У сўзнинг кўпчилик кутмаган маъноларини топишга эришади. Баъзан бутунни қисмларга ажратиш, гоҳида қисмларни бирлаштириш асносида поэтик гўзаллик яратишга эришади. Чунончи, бир шеърида ошиқ кўнгил ҳолатини шундай тасвирлайди: *"Ошиқ бўлма, эй юрагим, Кўнгил, аниқ истар ани! Шу пайтгача кўрмагандим Бундай ёниқ истарани"*. Бундай ҳаволи топилмалар шоир шеърларига руҳ бағишлаб, уларни ўқишли қилади. Зеро, истаранинг ёниқлигини пайқашнинг ўзи ошиқликнинг илк белгисидир.

Тўпламда кўпчиликни ташкил этган дилбар, оҳорли шеърлар билан бирга маромига етмаган, тасвирда сунъийлик, ифодада зўракилик сезиладиган битиклар ҳам йўқ эмас. Баъзи шеърларни шоир ёзгиси келгани учун эмас, ёзишим керак деб ҳисоблагани сабаб битгандай. Айрим шеърларда чираниб "донолик" қилинганлик кўзга ташланади:

Дарагингни
Тонгдан изладим,
Тополмагач, ongдан изладим...

Ушбу битикда "онг" фақат қофия учун ишлатилгани ярашмаган ямоқдай бўлиб кўриниб турибди. Маълумки, шеърнинг жони фақат шаклида эмас, балки руҳидадир. Бинобарин, энг чиройли сўзлар қурамаси ҳам, агар унда поэтик руҳ бўлмас экан, кишини ўзига ром эта олмайди.

Шеър – шоирнинг дилидаги гапи, ошкор қилаётган дарди, изҳор этаётган муҳаббати. Маълумки, ҳар бир инсоннинг кўнглидаги гапи, уни безовта қилган дард ва изҳор этилган севгиси фақат ўзига тегишли ва бошқа ҳеч кимда такрорланмайдиган бўлади. Зеро, тақдир қайтарилмасдир. Шу сабаб бировга қандай ёзиш кераклигидан сабоқ бериш ўрнига шоир илҳомининг чинакам ширин меваси бўлган гўзал шеърлардан завқлана билиш фойдалироқдир. Шундай экан, истеъдодли шоир Сафар Оллоёрга ижодида юксалиш тилаб, шеърхонларни китобдаги асарлар билан танишишга чорлаймиз.

2010 йил 26 июл

СУВРАТЛАНГАН ТУЙҒУЛАР

Қўлингиздаги китоб муаллифи Шермурод Субҳон инсон руҳиятидаги маданий қатламларни тафтиш қилиб, унинг кутилмаган жиҳатларини тутилмаган йўсинда ифодалашга уринадиган ижодкорлар сирасига киради. Кўнгил ҳолатларини шеърият тилига бетакрор йўсинда кўчиришнинг назарий ва амалий масалалари билан анчадан буён шуғулланиб келаётган бу ижодкор-олимнинг битганларида ифода самимияти, туйғулар чинлиги кўзга яққол ташланиб турарди. Шермуроднинг "Сокин сўз сурати" китобига кирган шеърлар шоир бугун ҳам ўз ижодий амплуасига содиқ эканини кўрсатади. Китобнинг ўқувчи эътиборини тортадиган энг биринчи жиҳати унда бошидан охирига қадар тиниш белгиси қўлланмаганидир. Мавжуд имло қоидаларига мутлақо риоя этилмаганлиги эса унинг иккинчи хусусиятидир. Яъни китобга кирган шеърлар бош ҳарф билан бошланмаган, демакки, сатрлар сўнгига нуқта ҳам қўйилмайди. Шеърларда учрайдиган атоқли отлар ҳам кичик ҳарфлар билан ёзилган.

Албатта, шоир бу ишларни бошқаларга ўхшамаслик учунгина қилмаган. Бу йўл билан у ўқирманни шеърлар устида ишлатмоқчи, уни бадиий истеъмолчидан поэтик гўзаллик яратувчига айлантиришни мўлжал қилган. Ўқирман ўзи истаган, маъқул топган ўринларда тин олади, маъқул деб билган жойда ўқиш қарқинини оширади. Зеро, тиниш белгиси қўйилмаган шеърни ўқиш учун шеърхон битикнинг ичига чуқурроқ киришга, унинг бадиятидаги ҳар бир қатламни теран идрок этишга, шу аснода шеърда акс этган руҳий ҳолатни нозикроқ туйишга, ундаги фикрларини тўлароқ тушунишга

интилади. Аёнки, бундай шеърлар оммабоп бўлмайди. Улар ўқишга ички руҳий-интеллектуал эҳтиёжи бор ўқирманларга мўлжалланган бўлади. Шоир томонидан ўқирманга шеърий битикларни ўзича ўқиш, идрок этиш ва қабул қилиш эрки берилади.

Даврнинг ўзгариши ўзбек шеъриятида ҳам янгиланишлар бўлишини тақозо этаётир. Бугуннинг нафасини ифодаламоқ учун бугуннинг тезкорлиги ва шиддатига мос шакл зарур бўлиб қолди. Инсон кўнглининг энг пинҳон нуқталарини тафтиш этиш, туйғуларни энг нозик қиррасигача ифодалашга уринаётган миллий шеъриятда поэтик қолипларга мувофиқ келишдан кўра бетакрор одамнинг қайтарилмас туйғуларини ҳеч кимникига ўхшамайдиган тарзда ифодалашга интилиш устуворлик қилмоқда. Янгиланаётган ўзбек шеъриятининг уринчоқ вакили Шермурод Субҳоннинг ушбу тўпламидан ўрин олган асарлар фикримизни тасдиқлайди.

Эҳтимол, астойдил уринилса, кўнгил кечинмаларининг саноғига етиш мумкиндир, аммо уларнинг шаклини ўлчаб бўлмайди. Чунки лаҳзада неча бор турланувчи туйғуларга муайян суратда қотиб турмоқ хос эмас. Лаҳзани мангуга муҳрлай оладиган шоир туйғуларни ҳам сувратлантира билади:

тун
кеча ярим
кеча каби
яримдир кўнгил
на кўкда ойдан нишон
на отар тонгдан дарак
димоғингга урилар қаттиқ
ёлғизликнинг аччиқ азоби

деб ёзади шоир "Тун" номли шеърида. Вақтнинг тўхтовсиз ўтиши, лирик қаҳрамонга ярим кечанинг ярим бўлган ўз кўнглига ўхшаб туюлиши тасвири одатий. Фақат иккинчи қатордаги "кеча ярим" бирикмасидаги "ярим" сўзини ўқирманнинг ўзи учин-

чи қаторнинг бошига ҳам қўйиб, "ярим кеча каби яримдир кўнгил" тарзида ўқий билсагина одатий ҳолатнинг одатий бўлмаган ифодасини ҳис қила билади. "Кўкда ойдан нишон", "отар тонгдан дарак" топмай, ёлғизликнинг аччиқ азобини тотмоққа, фироқ ғамини чекмоққа мажбур бўлган шоирнинг ҳолатини моддийлаштириш учун тунги табиатдаги ҳар бир ҳодиса унинг кайфиятига кўрсатаётган таъсир моҳирлик билан акс эттирилади. Ҳижрон ўтида куяётган ошиқ ўзига шерик излайди, дардини айтиб кўнглини бўшатмоқ истайди: афсуски, дардлашишга кўкда ой йўқ, сирлашиш мумкин бўлган бандаларни уйғотадиган тонг эса бедарак кетган.

Ниҳоят, абгор ҳолатдаги ошиқ дардига малҳам йўқлигининг, чекаётган азобларининг сабабчисини топгандай бўлади:

тун – қизғанчиқ малак
қуёшни ерга кўмиб
яширдинг айт
ул ойни қаён

бу сатрларда лирик қаҳрамон отар тонгнинг дараксизлиги, ойдан нишон йўқлигининг сабабини кўрсатади. Унингча, "қизғанчиқ малак" бўлмиш тун ошиқдан ойни ҳам, тонгни ҳам яшириб қўйган. Кечинмалар манзарасини чизган шоир лирик қаҳрамоннинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини тўғри ифода этади: чунки айриликдан ичи ёниб бораётган инсон, ҳеч бўлмаса, бировни айбдор қилиб тасалли топади.

Ш. Субҳон шеърларида тун образи армон, айриликва азобнинг рамзигина эмас, балки уларнинг ўзидай тасвирланади. Масалан, ***"кунлар бири бирига ўхшар ўхшамайди тун эса мисли дардларинг"*** ёки ***"тун ўтмоқда ой ҳам ботар оғир чўкиб юракка"*** ёхуд ***"тонг-ла тонгга етамиз тунда-чи буниси қоронғу"*** сингари мисраларда тун эзгулик

ва ёғдунинг терси, ҳузур-ҳаловатнинг кушандаси сифатида бадиий талқин этилади.

Дўстлик олижаноб туйғу экани маълум. Бунинг акси бўлган душманлик ҳеч қачон эзгу маъно касб этмайди. Аммо душманинг мардлиги эзгуликка хизмат қилиши мумкин. Чунки мард рақиб инсонни тоблаб, камолга етаклайди. Агар душман мард бўлса, мағлубият ҳам кишининг ишончини йўқ қилмай, уни янги курашларга чоғлайди. Худбин, иккиюзламачи, риёкор одам ёвдан хавфлидир. Чунки бундай кимсалар ўзининг фойдаси учун ростни ёлғон, ёлғонни ростга айлантиришга қодир:

йўқ дўст эмас у
ғаним ҳам
кунгабоқардир у бир
кўзин тиккан
куни туққанга

Шоир "Буқаламун" шеърида мазмуннинг оригиналлигидан ташқари "тиккан" ва "туққан" сўзлари таркибидаги товушлар аллитерацияси орқали тасвирга жозиба ҳам бахш этган. Иккиюзламачи инсон учун ўзини дўст билдириб, душманнинг ишини қилиш оддий ҳол. У ***"сабоқ берар шайтонга ҳам ёлғону чиндан: ўнгга боқиб сўл дер у сўлга боқиб ўнг"***. Тилимизда маккор, ҳийлагар, устаси фаранг маъноларида қўлланиладиган "илоннинг ёғини ялаган" иборасининг буқаламунга "насиба" тарзида тасвирланиши ифода ўзгачалигини таъминлашдан ташқари, ёвузликнинг кўламини ҳам англатгани боис ўқирманнинг ёдига муҳрланиб қолади:

егани гарчи
минг битта бошдир
ялагани атиги
илоннинг ёғи

Атиги илоннинг ёғини ялаган кимсанинг минг бирлаб одамнинг бошига ета олгани тасвири ўқирман руҳиятига этни жунжиктирар даражада таъсир қилади.

Инсон ақл, кўнгил ва руҳга эгалиги сабаб мукаррам этилган зотдир. Одамнинг ўзини, ўзлигини билиб, Яратганни таниши – кўнгилда содир бўладиган саодатли буюк амал. Севги бунда калит, асл манзилга элтгувчи йўлдир. Шунинг учун чин ошиққа ишқдан ўзгаси ёлғон. Дилбар шоира Нодира бежиз: ***"Муҳаббатсиз киши одам эмасдур, Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт"***, – деб нола қилмайди. Шермурод Субҳон ҳам ишқни ўзига хос англайди:

менинг ватаним қалбдир
ишқ – битмаган шеърим
ҳаёт балки қаҳқаҳа
балки бир оҳдир
ишқсиз яшамоқ
менга гуноҳдир

Ўтнафас шоир Усмон Носир ***"Уфқдан ботар қуёшни Шарт кесилган бошга ўхшатдим"***, деганида қанчалар ҳақ, ўхшатиши нечоғлик ўринли бўлса, Шермурод Субҳоннинг: ***"кун бошланиб кун битар ўтган кунга муҳрини босади қуёш"*** сатрлари ҳам қуёшнинг ботаётгандаги шаклини тамомила ўзига хос кўришнинг худди шундай натижасидир. Шоир ботаётган қуёшнинг қизариб туришидан бошқа бир ҳаётий ҳодиса рамзини топади: инсоннинг умри ўлчовли, туғилмоқ бор, ўлим ҳам ҳақ; вақтнинг ўтаётгани эса куннинг бошланиб, битиши билан воқе бўлади. Қуёш ўтган кунга муҳр босади, зеро, ўтган вақт қайтмайди, энди унга дахл қилиб бўлмайди, у бамисоли замоннинг муҳр билан тасдиқланган ҳукми. Шоир:

тўп отади зулумотга тонг
соя бўлиб тўкилади нур

иккилигида туннинг тугаши билан тонг отишининг бақамти манзарасини эсда қоларли йўсинда ифода этади. Чиндан ҳам энди чиқаётган қуёш нурлари гўё тўплардан отилган минглаб ўқлардай теваракатрофга ёғилади. Айни чоғда қуёш кўтарилгани сари улкан соялар тобора кичрайиб бораверади. Шоир айни манзарани усталик билан нафақат қоғоз, балки ўқирманнинг кўнглига кўчиради.

"***Қисқалик – талантнинг эгачиси***", – дейди Антон Чехов. Дарҳақиқат, мумтоз адабиётдаги энг кичик жанр бўлмиш фардда улкан маъно ифодалаш, бор-йўғи иккигина мисрада катта ҳаётий ҳақиқатни акс эттириш ижодкордан катта иқтидор талаб қилади. Улуғ Навоийнинг: ***"Мурувват барча бермакдур, емак йўқ, Футувват барча қилмоқдир, демак йўқ"*** фардида жавонмардлик фалсафаси ва чинакам гуманизмнинг муҳим қирралари тўлиқ ўз аксини топган. Эҳтимол, бу фарддаги ҳақиқатни батафсил ифодаламоқ учун неча-неча китоблар ёзилиши керак бўлар. Шермурод Субҳоннинг ушбу китобидан жой олган иккилик ва бирликлар мумтоз фардликка даъво қилмасада, уларда шоирнинг ҳаётий ҳодисалар, инсоний муносабатлардан чиқарган ёмби ҳикматлари ўз ифодасини топган. Руҳиятнинг оний лаҳзалари акс этган бу сатрлар лаҳзага умрзоқлик бахш этган. Шоирнинг маҳорати ҳам, поэтик ижоднинг завқи ҳам айни мана шунда:

ҳамма шоир эмас
шоир ҳаммадир, –

деб ёзади шоир бир қўшмисрасида. Чиндан, ҳаммага ҳам шоирлик иқтидори берилмаган. Айни вақтда шоирлик ҳаммага дахлдорликни, ҳеч кимни бегона этмасликни тақозо этади. Шоир одам кўпнинг дардини ўзига олиши, барчанинг ғамини чекиши лозимлиги ***"шоир ҳаммадир"*** дейишга асос беради. Фахриёрнинг бир суҳбатдаги: ***"...ижодкорнинг***

бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам ўзини ўраб турган муҳитга безовта муносабатидир. Бахти шуки, у халқининг, миллатининг дарди билан яшайди, уни бахтиёр кўргиси келади. Бахтсизлиги шуки, унинг элдан бурун бахтиёр бўлишга ҳаққи йўқ", – деган гапи ҳам ижодкорнинг ижтимоий миссияси қамровини англатади. Айни шу жиҳат шоирдан "ҳамма"ликни тақозо этар, эҳтимол.

Шермурод шеърларида атай ҳикматгўйлик қилмайди, балки оригинал фикрлар ўз-ўзидан ҳикматга эврилади:

унутма ёдингда тут
биримиз икки бўлмас
иккимиз бир бўлмагунча

Бу учликда ҳар бир ўзбек ошиқ йигитнинг кўнглидаги гап афористик йўсинда ифода этилган. Кейинги иккиликда мисралардаги ҳикматий қатлам теранлашади. Ундан маъно чиқариб олиш учун ўқирман тафаккури бироз зўриқиши керак бўлади. Бошқа бир иккиликда шоир ёзади:

ёмонлик – яхшилик қилмаслик
яхшилик – ёмонлик қилмасликкина эмас

На вазн, на қофия ва на мусиқийлиги бор қарама-қарши маъноли бу сатрлар ички поэтик руҳ ва ҳикматомуз мантиқ сабабли шеърга дўнган. Шоир: ***"севги – энг олий жазо"*** шеърида барчамизни ҳамиша ўйлантириб келган қадрият тўғрисида кутилмаган порлоқ ҳаётий тўхтамга келади. Айнан шу кутилмаган порлоқлик бу тўрт сўзга шеърлик мақомини беради.

Она тилининг табиатини, сўзларнинг маъно товланишларини чуқур ҳис этиш ижодкорга катта поэтик имкониятлар эшигини очади. Алоҳида эшитилганда фақат ўз маъносини билдириб, ҳиссиёт уйғотмайдиган сўзлар ўрнида қўлланса, топиб ишлатилса, олмосдай ярақлаб кетади, уларнинг поэтик

ёғдуси турфа нурлар таратиб, кишида ажиб таассуротлар уйғотади. Ушбу китобдаги "***бой бермайсан сир сира***", "***сир эмас йўқ сирдирсиз***", "***нурсиз нурсиз кўзимга***" сингари шеърий сатрларда шоирнинг ўзбек тилининг ўйноқилиги, кўп маънолилигидан ўринли фойдалана олиш салоҳияти намоён бўлади. Бу салоҳият Шермуроднинг "Олқиш" шеърида ифодаланган ижтимоийлашган манзара тасвирида ҳам яққол намоён бўлади:

ажаб томоша: ичкарида қиш
ташқарида эса
гулдурос қарсак ёғар

Ичкаридагиларнинг ўзаро муносабатларидаги совуқлик "***ичкарида қиш***" рамзи орқали тасвирланса, шовқинли, шошқин ёмғир ёки лайлакқор ёғиш кечими "***гулдурос қарсак ёғар***" тарзида ташбиҳ қилинади.

Шоир табиат кўринишларини синчковлик билан кузатади ва унда кўплаб инсоний муносабатларга мувозийлик кўради. "Қиш" шеърида лирик қаҳрамоннинг оппоқ қорни суйиши тасвири акс этган сатрлар ёқтирмаган маъшуқани эркалаган ошиқ ҳолатини эсга солади:

силасамда бошини
суйиб ҳар қанча
кўниколмади у
қўлим тафтига

"Висол" шеърида шоир суйгулисини махмур ҳолда кўрганидан бахтиёр ошиқ руҳиятини:

сиз майдан мастсиз
мен бундай бахтдан

тарзида ифода этади. Шермурод шеърларида сўзни тежашга, қўллаган ҳар бир сўзнинг камида икки ифодавий вазифа бажаришини таъминлашга интилади. Ш. Субҳон ўзбек шеъриятига бир поэтик қатордаги сўзни иккинчи шеърий қаторга ёзмаган ҳолда ишлатиш тажрибасини киритди.

Адабиётнинг чин ошиғи учун шеър ўқиш эрмак ҳам, вақт ўтказиш воситаси ҳам эмас, балки жиддий ва чинакам ижодий меҳнатдир. Чин бадиий асар китобхонга фақат ором бағишламайди, балки унинг инсоний сезимларини қўзғаб, руҳига безовталик индириб, кўнглини изтироблар чўғида куйдириш асносида унга эстетик ҳузур бағишлайди, тозартади. Шоир Шермурод Субҳоннинг ушбу юпқагина китобидан жой олган шеърий битиклар ҳам ўқирманни ўйлатади, излатади. Зеро, шоир ўзининг сўнгсиз изтироби, аламу озорини ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган йўсинда ифодалай билган. Ҳар бир ижодкор учун энг катта мукофот ўқирманнинг эътиборини қозонишдан иборатдир.

2011 йил 5 январ

ВИСОЛСИЗ АЙРИЛИҚ ТОТИ

Роман табиатан адабий қолипларни тан олавермайдиган, ўзгариш ва янгиланишларга мойил жанрдир. Ҳатто, романнинг жанр хусусиятларини, умуман, белгилаб бўлмайди деган қарашларда ҳам ҳақиқат йўқ эмасди. Чунки алоҳида олинган битта шахснинг кўнгил ҳолатларини акс эттирган ҳар битта битик роман жанридаги ўзига хос янгилик сифатида юзага келади. Зеро, кўнгил ҳолатлари ва руҳнинг жилвалари ҳамиша бетакрордир.

Таниқли ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг "Сабо ва Самандар" романи ҳам мавжуд адабий қарашларга тўғри келмаслиги билан адабиёттанувчи ва синчиларни шошириб қўйганди. Адабиётшунос олимларимиз бадиий тасвир тарихида "қирғоқсиз реализм"нинг имкониятлари тугаб, модернизм талаблари ҳукмронлик қиладиган янги давр келганига ўзларини эндигина кўниктира бошлаган бир пайтда ушбу романнинг пайдо бўлиши бу хилдаги эстетик башоратларни пучга чиқарди. "Сабо ва Самандар"да романтик кўтаринкилик ҳам, реалистик далилланганлик (детерминизм) ҳам, хаёлот парвози ҳам, мистик маҳкумлик ҳам, модернга хос дейилаётган бетартиблик ҳам, миллий насримиз ибтидосига мансуб сентименталлик ҳам, халқ оғзаки эпик ижодига тегишли қора сўзнинг шеър билан ёнма-ён келиши ҳам уйғунлашган ҳолда намоён бўлганлиги юқорида саналган хусусиятларнинг ҳар бирини алоҳида изоҳлашга одатланган адабиёт илми вакилларини шоширмаслиги мумкин эмасди.

Қизиғи шундаки, ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда юксак инсоний туйғулардан айрилиб бора-

ётгани тўғрисида бонг урилаётган бугунги чоғдошларимиз ҳақидаги бу асар айнан ҳиссиётнинг кучли таъсир қиладиган тасвири туфайли ўқирманни ўзига ром этади. Қизиқиб ўқиладиган, аммо унинг қизиқарлилигини таъминлаган омиллар нимадан иборатлигини тушунтириб бериш мушкул бўлганидан "Сабо ва Самандар" романи ҳақида фикр билдириш оғир.

Улуғбек Ҳамдамнинг барча битганларида ўз қиёфаси бўлишини чинакамига истайдиган ва шунга астойдил интиладиган шахсиятлар сийрати акс этади. Ўзлигига эга шахсият кечинмаларининг тасвири ўзгалар учун ҳам қизиқлиги сабаб Улуғбекнинг ҳар бир асари ўқирманларда муносабат уйғотади, тортишувларга сабаб бўлади. Ёзувчининг битикларида ўз дунёсига эга қаҳрамонлар акс этганлиги бу асарларда шиддатли руҳий ҳолатлар тасвири мўллигининг боисидир.

Улуғбекнинг насрий асарлари шавқ билан ўқилади. Маълумки, завқ билан ёзилмаган асар шавқ билан ўқилмайди. Тўғри, ўқирманнинг берилиб ўқиши бадиий яратиқнинг қимматини белгилайдиган ягона ва бехато кўрсаткич эмас. Ютоқиб ўқиладиган, аммо арзирли эстетик қиммати бўлмаган битиклар адабиёт тарихида кўп учрайди. Шунингдек, жуда қийин ўқилсада, ўқирманларнинг тафаккур ва кўнгил оламида инқилоб ясаган асарлар ҳам оз эмас. "Сабо ва Самандар" – шавқ билан ўқиладиган жиддий ва фойдали асар. Романнинг ўқишлилигини таъминлаган омил унда бошқаларга ўхшамаган шахсиятларнинг адабиётимиздаги ўзга асарларга ўхшамайдиган йўсинда ўтли бир самимият билан акс эттирилганидир.

Биламизки, бугунги ўқирманларнинг кўпчилиги бадиий асарга ибрат ё намуна сифатида қарамайди. У кўркам битикдан ўзиникига ўхшаш руҳият, ўзиникига монанд кўнгил ҳолатлари тасвири ва се-

зимлар манзараси ифодасини қидиради. Худди шу каби чоғдош ёзувчилар ҳам бировларга йўл кўрсатиб, унга қандай яшаб, қандай севиш кераклигини ўргатишни даъво қилмай қўйган. Бугунги чинакам бадиий асарлар ёзувчи эготизми (ҳа, эгоизм эмас, айнан эготизм)нинг, яъни ўзига ишонган, шу боис бутун диққат-эътиборини ўзига қаратган, ўзгаларнинг улар ҳақда қандай ўйлашлари билан унчалар қизиқмайдиган, демакки, бу қарашлар билан ҳисоблашмайдиган ижодкор илҳоми ва истагининг маҳсуллари ўлароқ дунёга келмоқда. Демак, эндиликда бадиий асарнинг қимматини ўлчайдиган тошу тарози ҳам шунга яраша бўлиши керак.

"Мувозанат" романидаги Юсуф, Саид, Миразим, Амир, "Исён ва итоат" асаридаги Акбар, Турсунбой жонталаш каби образларни илмий тил билан симптом-персонаж, тамойил-персонаж дейиш мумкин эди. Чунки улар ўз шахсиятига доир хусусиятлардан ташқари, жамият ҳаётида кўзга ташланиб турган муайян бир ижтимоий ҳолатнинг симптоми ҳам бўлароқ эндигина юзага келаётган маълум ижтимоий тамойилларни ифода этади. Бирор ижтимоий ҳодисага янгича концепция билан ёндашиш натижаси ўлароқ пайдо бўлган бундай бадиий тимсоллар "концептуал образ"дан кўра "концепция-образ" деб аталишга муносиброқдир. Чунки бундай ҳолатларда адабий тимсол ўз шахсий табиатидан кўра муайян ижтимоий қарашларга мувофиқ тарзда тасвир этилади.

"Сабо ва Самандар" асарида бундай қаҳрамонлар йўқ даражада. Фақат Шердил образинигина ёзувчи атай ақлнинг қудратига ҳаддан ташқари ишониб, кўнгил ҳолати, инсоннинг руҳий оламининг аҳамиятини тан олмайдиган ижтимоий қатлам вакили сифатида тасвирлаган дейиш мумкин. Романдаги қолган тимсолларнинг бари фақат ўз шахсиятининг вакили сифатида акс эттирилган. Ўзларидан бошқа

ҳеч кимга ўхшамайдиган шахслар сифатида бутун мавжудлиги ўзларини англашга қаратилган Сабо ва Самандар образларини илмий тил билан мономан, яъни ёлғиз, бетакрор қаҳрамонлар дейиш тўғрироқ бўлади. Чунки улар асарнинг бошидан охирига қадар ўзларининг деярли ўзгармас табиатига эга шахслар сифатида тасвирланади.

Жиддий эътибор қилинса, бутун ўзбек адабиётида бўлгани каби Улуғбек Ҳамдам романларида ҳам муаллифнинг ўз услуби "ярқ" этиб кўзга ташланмаслиги сезилади. Тинимсиз ўзгаришлар узлуксизлиги, яъни нотурғунлик энг турғун белгисига айланган бугунги адабиёт учун ижодкорнинг ўзини такрорлаши ҳам қусур саналадиган бўлиб қолди. Шу боис, агар олдинлари ҳар бир ижодкор ўзининг асардан асарга ўтиб борадиган индивидуал тасвир услубини шакллантиришга уринган бўлса, эндиги ёзувчилар онгли равишда ўз услубини юзага келтирмасликка, унга боғланиб қолмасликка интилишмоқда. Чунки бадиий услуб алалоқибат ифода усулларидаги муайян қайтариқларнинг йиғиндисидир. Услубнинг бир шаклга кирмай, тўхтовсиз ўзгариб-янгиланиб туриши, яъни ташқи беқарорлик адабиётининг мангу ҳаракатини, тўхтовсиз ички тозаришини таъминлайди. Оқмаган сувгина бир хил ва ўзгаришсиз бўлгани боис ичишга яроқсиздир. Адабиётдаги ўзгаришларнинг тинимсиз, давомий ва доимийлигини таъминлашга интилиш миллат бадиий тафаккури йўсинида эсселашиш жараёни бораётганининг белгисидир.

XX аср очуннинг катта қисмида фалсафа, тарих ва адабиётшунослик каби ижтимоий илмларда бошдан-адоқ эсселашиш даври бўлганди. Нимани, қачон ва қандай айтиш кераклиги мафкура томонидан регламентлаб қўйилган шўро жамиятида тафаккурнинг эсселашишига йўл қўйилмасди. Чунки илк намунаси бундан тўрт юз ўттиз йил олдин

пайдо бўлган эссе жанридаги асар учун жамиятнинг барча аъзолари ёхуд унинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган универсал қараш эмас, балки муаллифнинг ўз индивидуал қараши қимматли саналганидек, эсселашган илм ва ижодда ҳам ижтимоий манфаат ёинки қабул этилган ёндашувларга мувофиқлик эмас, муаллифнинг ўз кўзқараши муҳим ҳисобланади. Адабий эсселашиш бадиий тасвирга муаллифнинг эркин аралашуви имкони ва унинг шахсий қарашлари устуворлиги мақомини беради. Воқелик ва одамлар тасвир тажрибасида қабул этилганидай эмас, балки муаллиф кўрганидай акс эттирилади.

Шу маънода, йигирма биринчи юзйиллик ўзбек бадиий ва илмий тафаккурининг эсселашиш даври бўлиб тарихга кирса, ажабмас. Эсселашган тафаккурнинг ўзига хослиги шундаки, шахсдан ташқаридаги объектив қарашлар воситасида асосланилиши лозим бўлган индивидуал фикр асосланадиган ҳодиса, яъни шахсий фикрнинг ўзи билан асосланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, фикрлаётган шахс қарашларининг тўғрилиги ўзга одамнинг ўзгача фикри ёрдамида эмас, балки "мен"нинг ички мантиғи орқали аниқланади. Аниқловчи билан аниқланмиш, асословчи билан асосланувчи бир нуқтада бирлашади. Эсселашган тафаккур охири бўлмаган йўл кабидир. Илло, бу йўлнинг охири боши билан бирлашиб кетади. Яъни фикрлаш индивиднинг ўзидан чиқиб, ўзига қайтади. Шахс ўз фикрининг тўғрилигини биров орқали аниқлаш заруриятидан халос бўлади. Чунки ҳар қандай тўғри фикр ҳам нисбийдир. Индивидуал шахснинг фикрлаш эркинлиги шу тарзда юзага келади.

Бугунги ўзбек романчилиги ҳам, миллий тафаккур ва адабиётнинг бир тармоғи сифатида, эсселашиш жараёнидан четда қолмади. Бу кечим фақат бизда юз бераётгани йўқ, у жаҳоний миқёсларда со-

дир бўлган ва бўлмоқда. Романларнинг эсселашиш кечими тўғрисида замонавий рус адабиётида рўй бераётган ўзгаришлар моҳияти юзасидан асосли кузатишлар қилаётган адабиёттанувчи ва файласуф Михаил Эпштейн шундай дейди: *"...роман жанрига хос доминант белги унинг ўзи учун алоҳида ...шартли воқелик яратиб олиши эди. Бу шартли воқелик романни ундан ташқаридаги реал борлиқдан тўсиб турарди. Бугунги роман ана шу чегарадан ошиб ўтиш зарурияти га дуч келди. ...Роман эссечилик томонидан кўрсатилган ташқи таъсир сабабли эмас, балки борлиқни бадиий идрок этишдаги барча анъанавий шартлиликлардан навбати билан воз кечиш жараёнидаги ички ўзгаришлар натижасида эсселашди"*.

Кўпчилик мутахассислар мумтоз адабиётимиздаги севгининг нақадар юксаклигиҳи таъкидлаш учун уни фақат илоҳиётга боғлаб, имкон қадар оддий одамнинг нафси ва жисмидан узган ҳолатда изоҳлашга мойил эдилар. Шу тариқа кўпчиликда севги фақат маъжозий тушунча, унинг асл жозибаси, моҳияти висолда эмас, айриликдагина намоён бўлади деганга ўхшаш қараш шакллантирилган эди. Улуғбек Ҳамдам "Сабо ва Самандар" романида севгининг илоҳий туйғу эканига шак келтирмагани ҳолда унинг оддий бандаларга насиб этиши мумкин бўлмаган кўкдаги мавҳум сезим эмас, балки чин инсонлар эриша оладиган, ҳатто эришиши лозим бўлган башарий ҳодиса эканини акс эттирди. Улуғбек бу романида муайян жамиятда яшаётган одам билан содир бўлган воқеаларни тасвирлашдан кўра, ўзига хос ва бетакрор шахсият эгасининг ичида кечаётган руҳий ҳолатлар манзарасини ифодалашга кўпроқ эътибор берган.

Биз адабий қаҳрамонларнинг деярли ҳар бир хатти-ҳаракати сабаб-оқибат алоқалари асосига қурил-

ган, ҳар бир персонажнинг нима учун шундай қилгани қандайдир йўсинда изоҳланиши лозим бўлган бадиий тасвир усулига ўрганганмиз. Ҳолбуки, ҳар бир одам ҳаёти давомида нега шундай йўл тутганини тушунтириб беролмайдиган бир дунё хатти-ҳаракатлар қилади. Биз бадиий асарнинг дунё ичида ўзича дунё, жамият ичида алоҳида жамият сифатида мавжуд бўлишига кўникканмиз. Шу сабабли ҳар қандай бадиий асардан мантиқий якун, тамомлик кутамиз. Борлиқда эса инсон кузатиши мумкин бўлган мантиқий якун бўлмайди. Чексиз ҳодисалар тизимидан иборат ҳаёт чексизликка қадар ўз чексиз йўли билан чексиз давом этаверади ва одатий формал мантиққа мутлақо зид ҳолда асло тугалланмайди. Негаки, борлиқдаги ҳар қандай тугалланиш нимангидир бошланишидир. Улуғбек Ҳамдам "Сабо ва Самандар" романида оддий мантиққа риоя этмаган, шу боис мантиқий якунга мос келавермайдиган инсоний тақдирларни тасвир этади.

Кўпчиликнинг назарида, XXI асрда яшаётган амалиётчи одам сифатида бугунги ўқирманларни ақлга қулоқ осмай, фақат кўнглига бўйсуниб, фақат севги билан ва фақат севги деб яшаган қаҳрамонларнинг тақдири унчалар қизиқтирмаслиги керак эди. Ушбу асар кўрсатдики, маҳоратли ёзувчининг ифода самимияти азалий ва мангу туйғуларни бугуннинг одамларига ҳам жуда қаттиқ таъсир этадиган ҳамда юқадиган қилиши мумкин экан. Самандар ва Сабонинг тақдири, уларнинг жудаям тушунарли ва типик бўлмаган кечинмалари ўқирманни ўзига ром этади ва узоқ вақт давомида ўз таъсир доирасидан чиқариб юбормайди.

Улуғбек Ҳамдам "Сабо ва Самандар" асарида ўзига хос тасвир усулидан фойдаланди. Жумладан, романда миллий эпослардагига ўхшаб насрий баённинг шеърий ифода билан уйғунлашиб келиши миллий роман синтаксисига киритилган жиддий

ўзгаришдир. Эҳтимол, шеърий ўринлар асарнинг ҳамма ерида тўлиқ ўзини оқлаган деб бўлмас, лекин тасвирга шиддат ва эҳтирос бағишлагани, бош қаҳрамонларнинг романтик кўтаринки табиатига хос жиҳатларни аниқлаштиришга хизмат қилгани чин. Романда ҳиссиёт ва туйғу оғушида яшаган, ҳеч қандай рўзғорий мантиқни тан олмайдиган, ўзгаларнинг ўлчамларига мослашмайдиган севгига мубтало бўлган кўнгил кишилари шахсиятига хос хусусиятлар акс этган.

"Сабо ва Самандар" – худди "Ўткан кунлар", "Кеча ва кундуз", "Сароб", "Улуғбек хазинаси", "Кўҳна дунё" асарлари каби шавқ билан, ютоқиб ўқиладиган асар. Унинг ўқишлилигини бош қаҳрамонлар тақдирининг кутилмаган даражадаги чигалликларидан ташқари, тасвирдаги бетакрор самимият, ифода маҳорати таъминлаган. Ёзувчи персонажларнинг айни дамдаги руҳий ҳолатини ўта аниқ тасвирлай олади. Кутилмаганда пайдо бўлган севгидан довдираган Нодир ҳолати асарда: ***"...йигитнинг тили энди гўё тушов солингандек чорасиз айлангани фақат боши эди"*** тарзида ифодаланади. Одамнинг бутун умри синовдан иборатлиги, одамнинг одамийлиги унинг бу синовлардан қандай ўтишда билиниши ***"Ҳамма гап одамнинг синовдан олдинги ҳолида эмас, кейингисида"*** шаклида тасвирланади. Энг муҳими, муаллиф асарнинг бирор ўрнида ўқирманга шунчаки ахборот бермайди, балки тасвир ҳамиша китобхонда муносабат уйғотишга, нуқтаи назар шакллантиришга қаратилади. Бунга ёзувчи кўпинча тасвир йўсинидаги бетакрор самимият воситасида эришади: ***"Нодирсиз Нилуфарга, Нилуфарсиз Нодирга тирикликнинг нафақат қизиғи, балки кераги йўқ эди... Нодирсиз дунё Нилуфар учун қуёшсиз ўлкадек зулматга ғарқ, Нилуфарсиз дунё Нодир учун ҳавосиз бўшлиқдек ўлдиргувчи эди"***.

Улуғбекнинг тасвир йўсинига хос бир жиҳат шундаки, у тимсолларни ташқаридан туриб кўрсатмайди, улар билан бирга ҳам бўлмайди, балки тўлиғича уларга кўчиб ўтади, улар бўлиб яшайди. Шунинг учун ҳам *"куйиб сукут сақларди Нодир, сукут сақлаб куярди Нилуфар..."* ифодалари ёзувчи қўллаган бадиий тасвир эмас, балки қаҳрамоннинг шахсий иқроридай эшитилади. Бу тасвирларга чорасиз ҳолатдаги тимсолларнинг олаётган нафасига қадар маҳорат билан жойланган.

Йирик ва покиза туйғуларнинг ҳароратли тасвири ҳиссиётдан тобора йироқлашиб бораётган йигирма биринчи аср кишисини ҳам ўз бадиий тўрига чирмаб олади. Китобхон қалтис ҳолатлар тасвирининг ўқирманига эмас, балки қатнашчисига айланади. Гарчи, романда муаллиф ўз номидан ҳикоя қилаётган бўлсада, у кўзга ташланмайди, шу боис унинг битганлари ўқирманнинг туйғуларига айланади: *"Нодир ва Нилуфар! Нилуфар ва Нодир!.. Улар шундоқ пишқириб оқаётган сувнинг лабида, фақат бири у томонда бўлса, бошқаси бу ёқда эди. Уларнинг кўзлари на қутуриб оқаётган дарёда ва дарёданда баттар оломонда, балки бир-бирларида эди... Соғинишганди... Ичикишганди... Бир-бирларига боқиб тўйишмасди гўё. Қўрқув ва ҳаяжондан вужудлари дир-дир титрар, лекин умид ва муҳаббатдан кўзлари чақнарди ҳам...*

Оломон!.. – падарига лаънат шу оломоннинг!.. – ўз табиатига содиқ қолди-да, жоҳиллик, қизиқиш, жирканч эътиқод ва аъмолларининг ўлжаси – исёнкор севишган диллар сари чанг солди ва... Ва ҳаммаси тамом бўлди: Нодир ҳам, Нилуфар ҳам бир зум тараддудланмасдан, иккиланмасдан бараварига ўзларини қутуриб оқаётган сувнинг қаърига отдилар!.. Ҳа-ҳа, айнан шундай қилдилар! Чунки орқадан пусиб-бости-

риб келаётган оломон бебош оқаётган сувданда қўрқинчлироқ эди улар учун!.. Ташқаридан қараганда, сентиментал публицистикага ўхшаб кетадиган бу тасвирларда қаҳрамонларнинг пўртанали руҳияти теран акс эттирилган.

Ёзувчи бир вақтнинг ўзида тасвирга ҳам ўзи, ҳам тимсоллар нуқтаи назарини сингдиради, оломон борасидаги таъкидларида эса, ўқирман позициясини ҳам ифода этгандай бўлади. Инсонни кучу қудрат ёки сарват эмас, нозик сезимлар, юксак ўю амаллар улуғлаши асарнинг Нодир ва Нилуфар қисматига боғлиқ ўринларида ўзгача самимият билан тасвирланади. Айни шу самимият, тимсоллар тақдирига дахлдорлик асарнинг таъсир кучини оширади: ***"Шунда дунё ўз қийматини йўқотди! Шу тобгача бор эди ўша қиймат, энди эса йўқ! Оқиб келишаркан, бор эди, қутурган пўртаналар ҳам маҳв этолмаганди уни, энди бўлса, йўқ! Шунда Нодир англадики, дунёнинг қиймати Нилуфар экан, Нилуфар тушуниб етдики, Нодир экан! Нилуфарсиз дунё жонсиз вужуд, Нодирсиз дунё қуёшсиз олам экан!..***

– Ни-лу-фаааар!!! – чақирди жонининг борича Нодир.

– Но-диииир!!! – чақирди жонининг борича Нилуфар.

Йўқ, улар бир-бирларини эшитмади. Лекин уларнинг қалбларини ёриб чиққан додлари Худойимга етиб борди. Ҳа, улар мазлум эди. Уларни Парвардигор эшитди! Йўқса, шундай бўлармиди, айтинг! Йўқса, тилсиз-қулоқсиз тўлқинлар тоғдек юксалиб, саркаш сувнинг икки бетида умидсиз оқиб бораётган озурда дилларни, мадорсиз вужудларни бир-бирининг бағрига келтириб ташлармиди?" Кечирасиз, фикримизни асослаш учун асардан келтирган кўчирма кўпайиб кетди. Лекин унинг бирор жойига тегиниб бўлмаса, на илож?

Улуғбек романнинг ўқишлилигини таъминлаш мақсадида бир қатор бадиий тажрибаларга қўл урган. Жумладан, асарнинг иккинчи бўлимини якунловчи йигирманчи ва йигирма биринчи боблар тўлиғича муаллифнинг изҳори дилига бағишланган. Ўзбек адабиёти тажрибасида ҳеч қачон қўлланмаган бундай тасвир усули ёзувчи ва асар қаҳрамонларини ўқирманга яқинлаштиришга хизмат қилган. Лекин кишида савол туғилади: "Муаллиф бор-йўғи тўққиз гапдан иборат дил изҳорини ўн тўққизинчи боб сўнгида берса, жуда бўлмаса, йигирманчи бобга жойлай қолса бўлмасмиди?" Бўларди. Эҳтимол, бошқа бир ёзувчи шундай қилар эди ҳам. Лекин, менимча, Улуғбек Ҳамдам ўзини қийнаб юборган туйғулар ҳақидаги тўққиз гапни икки бобга жойлаб жуда тўғри йўл тутган. Йигирманчи боб орқали у ўқирманни тасвирнинг иштирокчисига айлантирмоқчи бўлиб, тасвирни давом эттиришда ундан мадад сўраган. Йигирма биринчи бобда эса энди ўз ҳамкорига айланган ўқувчига дарди ҳолини баён этган. Шу йўл билан уни асар ичига бутунлай олиб киришга эришган.

Ёзувчи самимияти асарнинг ҳар бир унсурида кўзга ташланади. Романдаги: "***Нимасини айтай, қодир Эгам инсонга бир кўчадан ўтишни тақдир қилган эса, қаршисида сон-саноқсиз бошқа кўчаларнинг дарвозалари ланг очиқ ва у минг уриниб шулардан бирига кирмоқчи бўлса-да, ниятига етмас экан***" сингари тасвирлар асар воқеаларининг қодир қисмат ҳукми билан бўлаётганини англатиш маъносида ҳам, бадиий тасвирда ёзувчининг ихтиёри ихтиёрсизликдан иборат эканини сездиришига кўра ҳам ғоят ўринли чиққан.

Романнинг учинчи бўлимининг 5- боби: "***Уларнинг илк учрашувлари ана шундай юз берди...***" деган етти сўзли дарак гапдангина иборат. Асар архитектоникасидаги бундай конструкция бу учрашув

романнинг кейинги бобларидаги тасвирлар учун қанчалик катта аҳамият касб этишини таъкидлаши жиҳатидан ўта муҳимдир. Биргина жумладан иборат бу боб ўқувчининг кейинги боблардаги тасвирга қизиқиб қолишини таъминлаган.

Ёзувчи асарнинг ифода оҳангини тўғри белгилай олган. Ҳали ўзини кўрмай туриб, Сабонинг борлиги туфайли Самандар сабоқ бераётган аудиториядаги ауранинг ўзгариб кетгани, кўнгли сирли бир ишққа тайёр йигитнинг тақдири ҳали кўзга ташланмаган мавжудлик сабаб ўзга бир йўналишга тушиб қолгани замонавий адабиётимизда ҳеч қўлланилмаган йўсинда тасвир этилган. Рўзғорий мантиққа сиғмайдиган романтик табиатга эга қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари тасвирланган асарнинг тасвир оҳанги айнан ана шундай: бир оз кўтаринки, бир оз романтик бўлиши керак эди.

Айни вақтда, Улуғбек асардаги бош қаҳрамонлар тасвиридагина эмас, балки ҳар бир персонаж тутумини акс эттиришда уларнинг шахсиятидаги ички мантиққа риоя қилишга эришган. Бу жиҳатдан Самандарнинг сабоқларида талабаларнинг ўзаро тортишуви тасвири алоҳида ажралиб туради. Талабалар билдираётган фикрлар уларнинг ҳам ёши, ҳам ҳаётий тажрибаси ва ҳам интеллектуал савиясига мувофиқ экани билан диққатни тортади. Чимилдиққача, умуман, кўришмаган ота-онасининг кейинчалик бир-бирисиз мутлақо яшай олмайдиган даражага келганликларини чин севгига мисол қилиб келтирган Насибанинг бу ҳолни бир-бирига ўрганиб қолган одамларнинг чорасиз тутуми деб изоҳлаган Муҳсинга қарата айтган: ***"Дадам билан аямнинг бир-бирларини севишдан бошқа иложлари йўқлигини эшитиб, томим кетиб қолай деяпти. Улар чорасизликдан бир-бирларига меҳр қўйишган-да, а, сенга қолса? Мен ҳам, опа-укаларим ҳам чорасизликдан туғилганмиз, шундай-***

ми? Дадамга бошқа фарзандлари чой дамлаб бермагани учун дарвозанинг олдига чиқиб аямнинг йўлларига кўзлари тўрт бўлиб ўтиради-а, сенингча!" гаплари давр ёшларига мос оҳанги, ички мантиққа эгалиги, ифода йўсинидаги ўзгачалиги билан сўзловчининг табиатига мувофиқдир. Романда биргина лавҳада тасвирланган Муҳсиннинг: *"Инсон бахтли бўлиш учун севиши керак, бахтсиз бўлиш учун эмас. Ишқ кишиларга кўтаринкилик, байрамона руҳ ҳадя қилиши, уни турмушнинг майда икир-чикирларию кўнгилни айнитувчи бадбўйидан қўриб, кексалик сари, чиройли ўлим сари бошни тик тутиб юришига ёрдам бериши шарт"* тарзидаги фикрлари ҳали севги домига тушмаган романтик кайфиятдаги талаба йигитнинг феълини ёркин акс эттириши жиҳатидан характерлидир.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларини уларнинг руҳига кўчиб тасвирлай олгани учун ҳам тимсолларнинг тийнатидаги энг нозик жиҳатларни ҳам бехато илғайди. *"Уларнинг бир-бирларидан қочиб, "айланиб юрган" нигоҳлари тағин бир нуқтада – бир-бирларида учрашди"* дейилади асарнинг бир ўрнида. Бу тасвир натижа бўлмиш муайян ҳолатни эмас, балки шу натижага олиб келган узлуксиз жараённи ҳам англатиши жиҳатидан қимматлидир. Романдаги: *"...ошиқ қорачиғида фақат маъшуқа, маъшуқа қорачиғида биргина ошиқ аксланиб тураркан..."* сингари топилдиқ ифодалар асарнинг жозибасини таъминлаган.

Романда бош қаҳрамонларнинг бир шеър воситасида севги изҳор қилишлари манзараси тасвири жуда китобий, ҳаётдагидан йироқ ва айнан шу сабабли ўта ҳаққоний чиққан. Чунки бу асардаги севгувчилар ҳаётдан эмас, балки севгининг қоғозга тушмаган илоҳий китобидан бино бўлган қаҳрамонлардир. Уларнинг ҳолати романда шундай тасвир-

ланади: *"Изҳори дилни Самандар бошлаб берди, Сабо эса давом эттирди. Улар тўғридан тўғри ўз туйғуларидан гап очишмади, очишолмади. Чунки бунинг иложи йўқлигини Сабо биларди, Самандар эса тахмин қиларди, кўнгли нимани-дир сезар, озорланарди... Сабо унинг учун кўкдаги юлдуз эди. Самандар қўлларини унга узатиб-узатиб чарчаган, қўлларининг қисқалигидан ҳафсаласи пир бўлиб тақдирдан ўпкалаганди... Шунинг учун ҳам у Сабога юрак ютиб ўз ҳиссиётларидан гап очолмасди, очмаганди ҳам шу чоққа қадар. Аммо унинг ишқию ҳажрида юзлаб шеърлар, ўнлаб достонлар битганди, уларни ҳар жойда ҳамма вақт ўзига ўзи айтиб таскинланарди"*.

Жуда узоқ вақт давомида борлиқнинг жамият, шахсият, руҳоният, табиат ва бқ. янги-янги қатламларини кашф этиш, ўзлаштириш йўли билан тараққий этиб келган бадиий ижод табиатида кейинги йилларда миқдордан сифатга сакраш юз берди, яъни бадиий кашф этилган, ўзлаштирилган маданий қатламнинг ўзи алоҳида бир борлиққа айланди. Энди одам ўз хатти-ҳаракатларини фақат табиатига эмас, маданий даражасига ҳам мувофиқ қиладиган босқичга етди. Сабо билан Самандарнинг муносабатларида юксак маданий қатламлар таъсирида шаклланган шахсиятларга хос жиҳатлар акс этган. Асардаги: *"Шеърда акс этган йигитнинг дарди шундоқ ҳам қизнинг ...бутун борлиғида қондек оқиб ётарди. Бас, шундай экан, ўзи мавжуд нарсани, ҳар бир ҳужайрасига сингиб, ёд бўлиб кетган дардни қандай қилиб адашмай айтиб бермаслик мумкин?.. Йигит ҳам, қиз ҳам битта, бир хил оловда куяр эди. Бирининг оғзидан чиққан ўтлиғ оҳ иккинчисиникига фақат шлова бўларди, холос. Самандар лабларидан учган шеър Сабонинг борлиғида гурлаб ёнаётган улкан оловга қўшилиб-сингиб, унинг битта ти-*

лига айланган ва унинг ўзидек алангаланганди. Бас, шундай экан, қиз ташқаридан ҳеч нима олмади. У ўзиникини айтди. Самандар берган шаклда ўз дардини, ўз оҳини изҳор қилди. У шеърни Самандар оғзидан илиб олиб такрорлар экан, уни ўзиники қилиб улгурганди. Демак, Самандар айтган шеър Самандарники, Сабо айтган шеър Сабоники эди ўша тобда. Ваҳоланки, шеър битта, биргина эди..." тасвирида инсон томонидан қайта бадиий ўзлаштирилган маданий қатламнинг муайян шахсиятлар тақдирида намоён бўлиши кўрсатилган.

Романнинг кўп ўринларида ўзбек аёллари табиати маҳорат билан очилган. Сабонинг онаси Гулчеҳранинг эри Саидкамолга айтган: "*Вой, адажониси, нималар деяпсиз! Сизнинг қизингиз-а! Асло! Ёмон хаёлларни каллангиздан чиқариб ташланг. Айтганингиздек қилиб қаратиб келяпману ўзим. Чивинниям яқинига йўлатганим йўқ...*" гапи ўзбек аёлининг қарашлари, феъли, эру фарзандларига ёндашув тарзини ёрқин кўрсатади. Бу гаплар XXI асрда ҳам отанинг кўзига болани, айниқса, қиз болани камчиликсиз кўрсатишга уринадиган, бирйўла ҳам отани, ҳам қизни аяб, ўзи икки ўт орасида ёнадиган ўзбек аёлининг руҳиятини яққол намоён этади.

Асарда худди шу аёл табиатига хос беқарорлик, вазиятга қараб турланиш ҳам маҳорат билан кўрсатилган. Романдаги: "*Боягина қизининг ...соғайиши эвазига ҳамма нарсага, ҳатто унинг яхши кўргани ўша бетамиз (шундай деб ўйларди Гулчеҳра опа) йигитга тегишига ҳам минг марта рози бўлиб турган бўлса, энди, Сабога забон битиб, аввалги ҳолига қайта бошлаганига гувоҳ бўлгач, ўзгарди-қолди*" тасвири шу жиҳатдан эътиборга лойиқ. Қизининг оғир аҳволини кўриб, унинг барча талабларига кўниб турган онанинг қизи салгина

тузалиши билан бутунлай ўзгариб қолиши назокат билан билдирмай акс эттирилган.

Асарда персонажларнинг хатти-ҳаракатлари орқали уларнинг кўнгил ҳолатлари маҳорат билан кўрсатилган ўринлар жуда кўп. Жумладан, романдаги: "***Сабонинг кўзи билан берган саволига ойиси елка қисиб, адаси томонга имо қилганча йўрғалаб нари кетди***" тасвирида қиз билан онанинг унсиз сўзлашишларидан ташқари, уларнинг оиладаги мавқеи ҳам яққол кўзга ташланади. Ўзбекнинг ўтбоши (оила)сидаги муносабатлар тизимидан бехабар одам персонажларнинг бу тутумлари замиридаги маънони англамайди. Мабодо, англаган тақдирда ҳам буни инсон ҳуқуқларини бузиш тарзида изоҳлаб қўя қолади. Ҳолбуки, йўлакай қилинган шу тасвирнинг ўзида ўзбекка хос ўта мураккаб муносабатларнинг руҳоний ифодаси намоён бўлган. Асардаги: "***Сабо кўзларини аста юмиб Самандарга видо айтди. Самандар бошини билинар-билинмас чайқаб жавоб қилди...***" тасвири ҳам ифоданинг қисқалиги ва мазмуннинг тиғизлиги билан эътиборни тортади.

Романдаги: "***Қизини турмушга узатгандан бери ичи чиқмаётган Гулчеҳра опанинг ҳам юзи ташвишлар солган музқатламларини синдириб кулди***" тасвири хоҳламаган кишисига узатилган қизининг ташвишида юрган ўзбек аёлининг руҳиятини оригинал йўсинда ифода этгани билан диққатга лойиқдир. "***Олам ҳануз зулмат қўйнида титрарди***" ёки "***...юзлари билинар-билинмас анорланган***" каби топилма тасвирлар асарнинг бадиий жозибасини оширган, уни ўқишли қилган.

Романда Сабодан айрилиқ хатини олган Самандарнинг руҳий ҳолати айрича маҳорат билан тасвирланган: "***Ниҳоят, Самандар чўққини забт этиб, қаддини ростлади, чуқур-чуқур нафас олди, кейин... кейин кутилмаганда худди жиннига ўх-***

шаб ҳайқира кетди: "А-а-а-а... а-а-а-а-а-а-а-а... а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а!!!.." ...Самандар кўзларини юмган, қўлларини эса мушт қилган кўйи кўкка қараганча ҳалиям телбаларча ҳайқирарди: "Ҳ-а-а-а!! Ҳ-а-а-а-а-а!!!.."

...Кута-кута тоқати тоқ бўлган Бакир энди туриб олдига борсамми деганда, Самандар яна ҳайқира бошлади: "А-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а!!!.." – Бакир энди унинг кўзларидан шашқатор бўлиб ёш қуйилиб келаётганини кўрди. Кўрдию, ўзининг ҳам кўзларига нам тепди. Кафти билан артди: "Э-эй, Худойим-а, наҳот одам боласини шунчалар севиш мумкин бўлса?!" Бу тасвирга ҳеч нарса қўшиб бўлмайди. У ҳеч қандай психологик асослов, қаҳрамон руҳиятига доир узоқ тушунтиришларсиз ҳам Самандар, ҳам дўсти Бакирнинг шу вазиятдаги ҳолатини тўкис ифодалай олган.

Асардаги қуйидаги диалог адибнинг одам руҳиятидаги товланишларни нозик ҳис этиши маҳоратини яққол кўрсатади: *"Сен мендан яхшироқ дўст чиқдинг... – секин, бўғилиб қолган овозда сўзланди Самандар. Бакир чўчиб унга қаради ва туйқус йиғлаб юборди:*

– Сен бўлса, ғирт аблаҳ чиқдинг! Билдингми! Ҳозир бир дўппослайми?.." Сўз кам, аммо мазмун ва ҳиссиёт теран бу тасвирда одам ҳаётида камдан кам содир бўладиган таҳликали вазиятдан эндигина чиққан икки дўст руҳиятига хос қирралар бўртиқ акс эттирилган.

Бош қаҳрамонларнинг турмуш ташвишларидан юксакдаги руҳияти асар фоникасини белгилашдаги асосий омил бўлган. Муаллиф нутқида ҳам, бош тимсолларга доир тасвирларда ҳам уларга хос кўтаринкилик, кундалик ташвишлардан баландлик сезилиб туради. Романдаги: *"Ё гала-гала қора булутлар ўз қаърига тортибми кетди? Ёки шу чоққача тотли ҳудудга имлаб келган ёркин-ёлқинли юздуз,*

унинг турли-туман товланишлари, жилвалари аслида саробми эди?.." ёхуд "*Самандар изтироб чекиб бўлса ҳам, айролиқ дардини елкасида бутун умр кўтариб келса ҳам, барибир... барибир олдинда ишқ бор эди. Қанақа олдинда? Юрагида бор эди ишқ. Унинг юраги қонни эмас, муҳаббатни айлантирарди, томирларида қон ўрнида ишқ оқарди. Шу ишқ уни ерда юргизмас, аксинча, осмони фалакда учириб олиб юрар, нобакор ва ифлос дунёнинг балчиқларидан гард юқтирмай асрар, қалбини покизалик рутбасида муқим тутиб, кўнглини тўқ айларди*" йўсинидаги поэтик синтаксис тасвир таъсирчанлигини оширган.

Асарда атроф-муҳит, табиат қотиб қолган ҳолатда тасвирланмайди, улар тасвирида тинимсиз ҳаракат, динамика сезилиб туради. Тамсиллар тасвир мароми, персонажнинг руҳий ҳолати ва кайфиятига қараб ўзгариб боради. Бу ҳолат асарга алоҳида жозиба бағишлаган. Чунончи, "*...пахта пайкаллари бўйлаб улоққан тупроқ йўл*" каби тасвирлар ўқирманга жўнгина ахборот бермайди, балки унда муайян экспрессия уйғотади. Романда ўзлигини сирли пардалар ортига яширишга уринган носамимий одамлар руҳияти ҳам билгичлик билан нозик акс этган ўринлар кўп: "*Йигитлар индашмади, лекин уни бошданоқ юзларига чизиб олишган лутф ила лифтга таклиф қилишди*". Тасвирда ташқаридан кўзга ташланиб турган лутф ва назокат бу йигитларнинг ички моҳияти эмас, балки ташқи ниқобгина эканлиги урғу берилмасдан туриб, билдирилган. Шунингдек, ёнма-ён келган "лутф" ва "лифт" сўзларидаги оҳангдошлик ҳам ифодага муайян ўзгачалик, жозиба бахш этган.

Романда Самандарнинг жисман кўп қатори оддий йигит, аммо руҳан бошқалардан тамомила ажралиб турадиган шахс эканлиги жуда ишонарли кўрсатиб берилган. Айни шу руҳият унга туганмас куч-

қудрат бағишлагани асарда: *"Куни билан тинмай ишлаган бўлса-да, вужудида заррача чарчоқни ҳис қилмас, қайтага давраларда ҳазил-мутойиба қилиб шодон келарди"* тарзида асосланади. Руҳиятидаги ўзгача қудрат, табиатидаги қатъият, ирода ва меҳр унга болаликдан йўлдош бўлсада, бу хислатлар ёрқин намоён бўлишига имконият юзага келмаганидан, у ҳамма қатори яшаши, унинг шу "ҳамма қатори"лигида ҳам бошқаларга ўхшамаслик борлиги асарда жуда ишонарли кўрсатилган. Муаллиф Самандарга доир ҳар бир тасвирда ўқирманга унинг ҳаётини остин-устун қилувчи улуғ бир синов олдида турганини киши билмас йўсинда сездириб боради.

Қаҳрамоннинг ўшандай синовга дуч келган ҳолатини: *"Самандар ўзи билмай бир ишқ домига илинганди. Билгани, кўксида бир ширин оғриқ, бир ширин изтироб пайдо бўлиб, Сабога йўллар, уни бир кўрмоққа, овозини эшитмоққа зор этарди"* шаклида ифода этади. Бу тасвир муаллифнинг ўзига ҳам оддий ахборотдай туюлади, шекилли, дарҳол кўламли севгига йўлиққан йигит ҳолатини юқорироқ пардаларда, кўтаринки оҳангда кўрсатишга тутинади: *"...ҳеч кутилмаганда юз берган бу учрашув ...унинг хаёлларини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Самандарнинг ботинида буюк бир инқилоб юз берди!.. У юрмас, балки қуш каби, қафасдан эндигина халос бўлган озод қуш каби учар, парвоз этарди"*. Айримларга муҳаббатнинг бу даражадаги тасвири маҳобат туюлиб, бугуннинг одами бундай йўсинда севиши мумкин эмас, деганга ўхшаш фикр билдириши мумкин. Асар бугуннинг ўртача статистик эркаги ҳақида эмас, балки Самандар деб аталгувчи ҳеч кимга ўхшамайдиган, ўта сертуйғу ва таъсирчан йигит тўғрисида эканини ҳисобга олган ўқирман бундай ўйларга бормайди. Яратган, умуман, одамни, хусусан, унинг руҳиятини

бир қолипга солмагани, ҳар бир шахс ўз бетакрор қиёфасига эгалиги Самандар ва унинг ёнидаги шахсиятлар тасвири асносида яққол намоён бўлади.

Романда Самандарнинг: *"Муҳаббат деганлари севган киши учунгина қимматга эга бўлган тушунча"*, *"Муҳаббат бу – тириклик маъниси, инсон бўлишнинг асоси ва ҳаёт жавҳаридир!"* сингари қаноатларида ҳамманинг ёки бирор-бир ижтимоий қатламнинг эмас, балки биргина Самандарнинг қарашлари акс этган. Шунинг учун ҳам унинг севгилиси ҳақидаги: *"Сени кўриш учун қабоқларимни очишга ҳожат йўқ: сенга талпинган, сени истаган юрагим сени бевафо дунёнинг чангалидан – ташқаридан юлиб олиб, ичкарига яширган. Қорачиғларим ўрнида жилваланган сўнмас қуёш, аслида, сенсан!.. Оламга боқсам, сенга қўшилиб нурланиб кетаман – олам ҳам ўша нурга чулғанади"* тарзидаги айримларга чучмал ва сунъийдай туюлгувчи иқрорларида атайинлик, ёлғон йўқлигини таъкидлаш лозим. Оламда тирикчилик ташвишларидан ўзга марраларни кўзлаб яшайдиган шахсиятлар бор ва бу дунёнинг маъмурлиги, эҳтимол, шуларнинг шарофатидандир.

Шу маънода, менга бир ўқирман сифатида, Самандарнинг: *"Ҳа-ҳа, ўлимга ҳали бор, ўлиш учун ҳам инсоннинг маънавий ҳақи бўлмоғи шарт! Шундоқ – онадан қандай туғилган бўлсанг, ўшандайлигингча, хомлигингча ўлим қароргоҳига кириб бориш – уят! Унгача одам дегани узун ва машаққатли, бирда ғамгин, бирда эса сурурли йўлни босиб ўтмоғи лозим... Хўш, бу йўлнинг исми не? Ўша эмасми кўприк дегани? Наҳотки... наҳотки муҳаббат бўлса? Ҳа-ҳа, ўша – муҳаббат-да! Фақат шу йўлни босиб ўтган инсонгина ўлимга тайёр бўлади, фақат севган ва севилган кўнгил, ишқ оловида охирги нафасигача ловуллаб ёнган муборак зотгина ўлимга тик боқа*

олади... тарзидаги жуда китобий гаплари аслида чиндир. Негаки, Самандар типидаги одамлар китобдан чиққан, китоб туфайли ва китоб орқали шаклланган шахсиятлар бўлиб, улар учун ҳамма қатори бўлиш, рўзғорий миқёсларда фикрлаш бегонадир.

Ўлим – сўнгги манзил, одамнинг умри – унга элтадиган йўл. Шу боис ҳаётсевар одам ўлим тўғрисида кўп ўйлайди. Самандар тириклик учун яралган инсон сифатида ўлим ҳақида бот-бот ўйлаши асарда ишонарли тасвир этилган. У одам ўлимга ҳам муносиб бўлишини истайди. Йигит бунинг учун одам йирик ва тоза ишлар билан шуғулланиши лозим деб билади: ***"Ўлимгача менинг бирдан-бир юмушим шу – ишқ!.. Ўлим келгач, мен учун ҳамма ишни унинг ўзи бажаради. Айтадилар-ку, биз бор экан ўлим йўқ, ўлим келгач эса биз йўқ..."*** Бугунги ўқирманга Самандарнинг тутуми уввало уриниб, ўлимни излаётгандай бўлиб туюлиши мумкин. У ишқ йўлида ўлиш эмас, яшаш кераклигини жуда яхши билади, лекин шу йўлда ўлишдан ҳам асло оғринмайди. Шу боис Нодир ва Нилуфарлар қисмати ҳақида: ***"...муҳаббат учун аслида ўлиш эмас, яшаш керак. Лекин на илож, ошиқ ва маъшуқларнинг пешанасига ўлим битилган бўлса?"*** – дер экан, ўз позициясини ҳам билдиради.

Эътибор қилинса, Улуғбек Ҳамдам асарларида ҳамиша Амир, Акбар, Турсунбой каби бир қур жонталаш (одержимый) қаҳрамонлар тасвирлангани кўринади. Бу ҳол Самандардаги бир нарсага ўзидан кечар даражада берилган шахслар тасвири борасида муаллифда, аввало, муайян концепция, кейин, ўзига яраша тажриба шаклланганини кўрсатади. Асарда Самандар умрининг барча босқичларида ҳам бошқаларга ўхшаб, реал воқелик талабларига мослашиб эмас, кўнглидаги улкан туйғу етовида яшаши жуда жонли ва ишонарли кўрсатилган. Жумладан, Сабо бошқага узатилиб кетгач, ёши ўтиб уйланаёт-

ган йигитнинг ҳамон ўша йўқотилган муҳаббатни ўйлаши: *"...сочларига оқ оралаган синфдошларининг Самандарни чимилдиққа кузатиш қўшиғи – шомбаракни баралла айтаётган пайтда ҳам... – ҳамма-ҳамма ерда Самандар тақдирнинг бундай адолатсиз тутумига ишонмади"* йўсинида ҳаққоний акс эттирилган. Барча ишларидаги каби севгида ҳам жонталаш бўлган Самандарнинг: *"Менку мен, афтода ҳолимни яхши биламан, лекин бутун бошли дунёнг ҳам Сабонинг битта соч толасига арзирмикан?"* – деган гапи унинг табиатига жуда мос келади. Ошиқ йигитнинг бу гапи дунёнинг қадрсизлигини билдирмайди, балки унинг учун Сабонинг қадри беҳад юксаклигини англатади. Шу боис йигитнинг деганини рад қилишдан кўра, унинг нега шундай деётганини тушунишга уриниш фойдалидир.

Асарда Самандар бирор кимсага малол келадиган хатти-ҳаракат қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган инсофли одам сифатида тасвирланади. Шу боис аёлига кўнгли йўқлигидан, хаёлан бўлсада, унга хиёнат қилаётганидан қийналиб яшайди. Қаҳрамоннинг бу ҳолати романда: *"Аёли бечора ювош эди, сабр-тоқатли эди, йўқса, унинг бу қилиқларига анча-мунча хотин туриш бермасди. Самандар буни билар, билгани сайин шусиз ҳам тилка-пора бўлган қалбининг изтироби чандон ортар, ўзини қаерга уришни билмай чирпирак бўларди"* тарзида тасвирланади. Кўринадики, Самандар фақат ўз ишқи билан андармон бўлиб дунёни, дунёдагиларни бутунлай эсидан чиқариб қўймайди. У ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини таҳлил қилади, ўзгаларга малол келмайдиган йўл тутишга уринади. Унинг: *"Мен ўз кўзёшларимдан бино бўлган ботқоққа ботиб боряпман"*,- тарзидаги иқрорида айни шу жиҳат намоён бўлади.

Самандар билан Сабонинг севгиси оддий тасаввурларга сиғмас даражадаги миқёсли ва моҳияти

теран экани асарда йигит хаёлидан кечган: *"Эсимда: ўзим сен билан энди-энди кўришяпман-у, ичимни ҳали йўқ айрилиқнинг саҳроси куйдира бошлаганди"*, – деган иқрорда яққол кўзга ташланади. Тирикчиликдан чандон юксак туйғулар ҳақида сурилган ўйлар ҳам ўша туйғуларнинг ўзи қадар баланд бўлганидек, уни ифодалашга қаратилган сўзлар ҳам шунга муносиб даражада кўтаринки бўлиши табиий. Шу боисдан ҳам Самандарнинг: *"...улуғ фожеавий муҳаббатларнинг гўзаллиги ...уларнинг санъат деб аталган чиройли қоғозга ўралганида... айнан шу ялтироқ, бежирим қоғози туфайли биз уни муаттар гул каби бағримизга босамиз. Чинакам муҳаббатнинг асл, реал ҳаётдаги фожеаси эса оғир. Шу даражада оғирки, унга тик қараш ва қараганда нигоҳларининг синиб кетмаслиги учун одам жудаям бақувват бўлиши даркор. Аммо одамзод дунёда фақат ўзининг нақадар бақувват эканлигини исботлаш учунгина яшамайди-ку!.."* тарзидаги ўйлари ўқирманга эриш туюлмайди. Бу гаплар романдаги бошқа ҳар қандай тимсол томонидан айтилса, ёлғон бўларди, аммо Самандарнинг бундай ўйлаши табиийдир.

Муаллиф, гарчи, Самандарни ўта тиришқоқ, кўзлаган маррани забт этадиган шахдга эга йигит тарзида тасвирласада, уни ҳар жиҳатдан тўкис, бекаму кўст шахс сифатида кўрсатмайди. Унинг барча одамлар каби талай камчиликлари борлигини, айниқса, севгидан омади келмаган паллаларда иродаси синиб, беҳафсала, ўзини бошқаролмайдиган уддасиз ҳолга тушиб қолишини ишонарли кўрсатади. Лекин йигит шахсиятидаги жозиба туфайли ўқирман уни ёмон кўриб қолмайди. У ана шу камчиликлари билан ҳам ёқимли бўлиб қолаверади.

Буюк ва бедаво айрилиқнинг битмаслигини, у ҳеч қачон висолга айланмаслигини билгач, Саман-

дарнинг ожизу нотавон бўлиб қолиши ўқувчида ачиниш уйғотади: *"Ҳа, Самандар таслим бўлди. Бир умр курашди. Аммо шу куну шу соатга келганда олишувни бас қилди. Атай, совуқ ақл билан бас қилмади. Йўқ! Балки ўз-ўзидан беллашолмай қолди. Ундаги курашчанлик иштиёқи умри давомида секин-аста пасайиб келиб, ниҳоят нолга тенглашди гўё. Шунинг учун ҳам Самандар энди ўзини кўнгил измига бериб қўйганди. Кўнгил не деса, қаён бошласа, шу томонга жимгина кетиб борарди... Нима қипти? Шунча вақтдан бери кўнгил унинг ортидан келди, энди юрсин ўзи ҳам кўнгилнинг ортидан..."* Бу ифодаларда дастлаб ўқирманга бир қадар сунъий жўшқинлик бордай туюлади. Аммо бу ўйлар эгаси ҳамма қатори бўлмаган, шунча уриниб ҳам ҳамма қатори бўлишни эплолмаган Самандар экани сабаб унга ишонади. Чунки унинг азалдан ер одами бўлмаганлиги асарда табиий тасвирланган.

Ёзувчи асарда Самандардаги беадад муҳаббатнинг томири қаердан сувланишини ишонарли асослай билган. Онасининг: *"Отанг раҳматли ҳеч ўйланмай шартни қабул қилгану менга уйланган..."*, – деган гапи йигитга қандай таъсир қилгани романда: *"Самандар илгари ҳам бу ҳикояни кўп эшитган, фақат эндигина унинг маъносини чақиб ўтирарди. Ҳа, юрагида қарийб ўттиз йилдир тинимсиз гуриллаб ёнаётган оловнинг илдизини кўриб турарди у..."* тарзида ифода этилади. Бу изоҳ ота-онада мавжуд баланд туйғу ўғилда улардагидан неча баравар юксак даражада намоён бўлганини кўрсатади.

Романда Сабо тимсоли Самандар каби фавқулодда шахсият эгаси сифатида тасвирланмайди. Инсонлараро муносабатларда қатъий детерминистик муофиқлик бўлишига ўрганган кишилар фавқулодда севгига йўлиққан одам, албатта, одатдан ташқари

шахс бўлиши керак деб қарайди. Бунда очуннинг ҳамиша ва ҳар жабҳада оддий мантиқ билан изоҳлаш мумкин бўлмаган сирларга тўла экани ҳисобга олинмайди. Рўзғорий мантиқ Самандар Сабонинг нимасини бу қадар телбаларча фидойилик билан севиб қолганига изоҳ талаб қилади. Ҳолбуки, чинакам улкан севгида асосли мантиқий изоҳ бўлмайди. Кимнинг ёки ниманингдир севиб қолинишини изоҳлаш мумкин бўлса, у чин севги эмас. Севилгувчи севгининг миқёсига лойиқ ва яраша бўлмаслиги ҳам мумкин. Зеро, севги сабаби бўлмайдиган оқибатдир. Унинг сабаби севги эканининг, суйилганинг, суйганининг ўзида. Кимни нима учун севганини айта олган одам ҳали ўша одамни севмабди, эҳтимол, энди ёқтирган бўлса ёқтиргандир. Чунки бировни нима учун севганини тушунтириб бериш имкони ҳисоб-китобдан туғилади, солиштиришдан юзага келади. Шундай қараладиган бўлса, Самандарга Сабодан кўра Азиза юз, ҳатто, минг марта мосроқ. Лекин муҳаббатда вариант ҳам, манфаат ҳам, мувофиқлик ҳам бўлмаслиги мумкин.

Асарда Сабонинг туйғулари, тушунчалари, сезимлари ғоят нозик ва гўзал экани ишонарли кўрсатилган. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида ўзини кимларгадир бахшида қилиб яшайдиган, ўзидан кечиш ва ўзини қурбон қилишга куч топадиган ўзбек қизи табиати яққол намоён бўлади. Унинг ўзи ихтиёрсиз равишда домига тушган илоҳий муҳаббат туйғусига лойиқ покиза шахс экани отасининг хорланишини истамаслигида, чегарасиз имкониятларидан устомонлик билан фойдаланишга уринмаслигида, беадад оғриқларга чидаб бўлса ҳам ихтиёрини олиб қўйган юксак туйғудан ўз хоҳиши билан воз кеча билишида намоён бўлади. Шунингдек, ўзи билан ўзи курашавериб юраги тамом бўлган Сабонинг донор юракда Самандарга бўлган туйғулар сақланиб қолмаслигидан хавотирланиб, уни олишни истамасли-

ги каби ўринлар қиз табиатига хос эзгу қирраларни акс эттиргани билан диққатга лойиқдир.

Бугуннинг ўқирмани Сабо нима сабабдан ўз севгиси учун курашмади, нимага дардини Шердилга айтиб, уни ниятидан қайтармади, нега Самандар билан қайларгадир кетиб қолмади сингари қатор мантиқли саволларни бериши мумкин. Бу саволларда кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни бошқа ҳар қандай қиз қилиши мумкиндир, лекин Сабо эмас. Чунки унинг ўзини ва Самандарни хароб этадиган даражадаги юксак севгиси ўзга бирор кимса (айниқса, отаси, эри, болалари)га зарар етказишини ҳазм қилолмайди. Жамият ва одамлар эса, ҳали буюк севгига лойиқ шахсларни англар ва аяр даражага келмаган. Бизнингча, романдан келиб чиқадиган маъно ҳам шунда.

"Сабо ва Самандар"даги энг фожиавий тимсоллардан бири сиртдан ғоят омадёр ва ҳиссиз кўринувчи Шердил образи дейиш мумкин. Асарда бу йигит жоҳиллигидан эмас, балки ўта оқиллигидан юксак руҳоний туйғулардан узоқлашгани ишонарли кўрсатилган. Ўз ақлига ҳаддан ташқари бино қўйиш ҳамиша бандасини адашиш сари бошлайди. Шердилнинг: ***"Муҳаббат деганлари бугунги кунга келиб мутлақо зарарли тушунчага айланиб бўлган. Умуман, нима дегани у?.. Нима учун бир қизни ё йигитни севиш мумкин-у, бошқасини мумкин эмас?"*** – тарзидаги гапида кучли мантиқ борлигига ҳамма тан беради. Лекин деярли ҳеч бир кўнгил кишиси бу қарашни қабул қилолмайди. Қабул қилолмагани ҳолда негалигини телевидениеда бўлган баҳсдаги Самандар каби асослаб беролмаслиги ҳам мумкин.

Аслида Шердил – улуғ ишларга муносиб, унга интилган ва интилишларини қай даражададир амалга ҳам оширган йигит. У шунчаки туйғудан маҳрум бўлганидан эмас, балки ҳис-туйғу инсоннинг яхши

яшашига ҳалақит беради деб ҳисоблаганидан атай туйғусизланган. Ўзини очун миқёсидаги буюк ишларга чоғлаган Шердил ҳеч нарсага чалғигиси келмайди. У атай олдин меҳрсиз, кейин туйғусиз бўлишга эришди. Туйғусизлик билан меҳрсизлик кишини ўз-ўзидан бурчсизлик сари етаклаши, айни шу боис Шердил онаси ва отасининг ўлигига эгалик қилишга, уларни сўнгги йўлга кузатиб қўйишга интилмаслиги романда холислик билан тасвир этилган. Йигит шунчаки ўжарлиги ёки бировни севолмагани туфайли эмас, балки улкан умуминсоний юмушларни қилишга ҳалақит беради деб ҳисоблагани учун ҳам муҳаббатни тан олмагани жуда таъсирли кўрсатилган. Шердил ҳар бир қадамини ҳисоб-китоб билан ташлашга ўрганган. Ҳисоб-китоб бор жойда эса, ҳеч қачон севгига ўрин қолмайди.

Шердил ҳис-туйғу одамни ожизлаштиради, уни имкониятига яраша фойдали ишлар қилишдан чалғитади деб ҳисоблагани учун ҳам азоб билан ўзини туйғулардан тозалаб боради. Гарчи романда бу жараён қандай кечгани бевосита акс эттирилмаган бўлсада, Самандарни эсдан чиқариш, уни соғинмаслик, хатларига жавоб ёзмаслик, узоқ айриликдан сўнг уни танимагандай бўлиб кўриниш ва бошқалар... осон бўлмаганлигини тасаввур қилиш мумкин. Самандарга ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳеч эринмай уринган, телевидениедаги чиқишлар, жўрасини атай кутдириши, чўнтагига пул солиб ерга уриши, уни сохта "Сабо"га қўшиб қўйиши каби хатти-ҳаракатлари тасвирини унинг ўз ғояси ҳақлигини исботлаш учун жонталаш ҳаракатлари тарзида қабул қилиш тўғри бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, асарда Шердилнинг ўз тутумларида самимий экани ишонарли акс этган. Дейлик, у болалик дўсти Самандарнинг ўта истеъдодли шахс эканини жуда яхши билади ва қандайдир бир қизни (гарчи, у Сабо бўлса ҳам) деб

шундай бетакрор истеъдоднинг ҳайф бўлаётганини қабул қилолмайди. Шу боис у йигитни бу қадар абгор қилган тушунчанинг аслида йўқ нарса эканини исботлашга интилади. Унинг уринишлари Самандарни Сабодан совутишга ёки рақибини хотинидан узоқлаштиришгагина қаратилмаган. Унинг мақсади кўламлироқ, мўлжали йирикроқ эди. Асарнинг шу ўринларида кураш манфаатлари зид келган икки рақиб йигит эмас, бири бошқаси билан чиқишиши мумкин бўлмаган икки кўзқараш, концепция ўртасида бораётгани жуда таъсирли акс этган.

Шердил – ақл ва куч билан ҳамма нарсага эришиш мумкин деб биладиган, инсон ўз қисматини ҳам яратишга қодир деб ҳисоблайдиган шахсият эгаси. Теран ақл, пухта тадбир ва катта пул билан муҳаббатга ҳам эришса бўлади деб санайдиган Шердилнинг сохта "Сабо" воқеасидан кейин жўрасига айтган: ***"Муддао шуки, сен севги-муҳаббат деб атаган нарсанг, ҳатто азиз умрингни бағишлаган мақсад... аслида сароб, чўпчак эканлигини... исбот қилиш! У бор-йўғи қўлингнинг калталигидан бошингга тушган бир мусибат, бошқа ҳеч нарса эмас!.."*** – деган гапларида носамимийлик йўқ. У чиндан ҳам агар Самандарнинг қўли ўзиникидай узун, ақли прагматик бўлганида, суюклисига эришган бўлишига шубҳа қилмайди. Чунки Шердил тақдирни ҳам пухта режалаштириб, бехато амалга оширса бўлади деб ҳисоблайди. Самандарнинг: ***"Яхши, сен буни исбот қилдинг. Фақат ўзинг учун! Мен учун эмас... Мен... чинданам содда эканман... ...мен пишмаган хомкалла эканман! Мен учун ўртамиздаги дўстлик сароб бўлиб чиқди. Сен бугун шуни исбот қилдинг, бошқа ҳеч нарсани эмас!"***- тарзидаги жавоби ҳам уни ишончидан қайтара олмайди.

Романнинг ютуғи шундаки, унда ақлли, топқир, тадбирли, бадавлат ҳамда туйғу деб аталувчи "ке-

раксиз" юклардан холи Шердил севгининг йўқлигини исботлаш у ёқда турсин, бутун эрлик умри давомида ўзи тан олмаган муҳаббат туфайли ҳадсиз азоб чеккани жуда таъсирли ва ҳаққоний акс эттирилган. Самандар қабри тепасидаги: ***"...мен сен билмаган бир мудҳиш ишга қўл урганман. Ҳаҳа, мудҳиш бир хатога! Мен... мен Сабони сендан тортиб олганман. У менинг хотиним, болаларимнинг онаси эди... Саман, Сабога уйланиб сенга қанчалар жабр қилганимни кейин билдим, кейин... Бироқ менинг изтиробларим сеникидан кам бўлгани йўқ... Ахир, сен билан бир ёстиққа бош қўйган хотининг – болаларингнинг онаси бир умр тушларида ўзга эркакнинг номини чақириб чиқса, бунга чидаб бўладими?!"*** йўсинидаги икрорида Шердилнинг табиатига хос яширин жиҳатлар кутилмаган йўсинда очилган.

Асар сўнгида Самандарга хаёлан мурожаат қилаётган Шердилнинг дўсти билан хотинини кўзда тутиб: ***"Мен сизларни бирдек яхши кўрарканман. Фақат буни кеч тушундим. Жудаям кеч... Кейин... кейин... биласанми, у ҳам... Сабо ҳам... сен билан бир кунда... бир вақтда мени ташлаб кетди..."***, – деган сўзлари бир умр ҳиссиётни тан олмаган одамнинг аслида ҳамиша туйғунинг аёвсиз пўртанаси оғушида бўлганини англатади.

Романдаги Шердил тимсоли ҳам худди Самандар сингари ҳаётда шундай бўлиши мумкинми, анавиндай қилса бўлмасмиди, бундай қилса яхши бўларди-ку каби иддао ва тахминларга бўй бермайдиган шахсдир. Негаки, Шердил биз эмас, биз эса Шердил бўлолмаймиз. Самандар ва Шердил асарда оддий ўлчамларга тўғри келмайдиган, рўзғорий мантиқдан юқорироқ турадиган шахсият эгалари сифатида кўрсатилган.

"Сабо ва Самандар"да кейинги вақтда кўп тилга олинаётган роман тафаккури яққол намоён бўла-

ди. Негаки, алоҳида бир шахс ҳаёти ва руҳиятининг эпоси саналган роман адабий жанр сифатида севги саргузаштларини акс эттиришга жуда қулайдир. Чунки романда индивидуаллик билан ижтимоийлик хусусиятлари бир-бирини инкор этмаган ва бир-бирини ютиб юбормаган ҳолда намоён бўлади. Муҳаббат эса камида икки кишининг ўртасида кечганлиги билан ижтимоий, намоён бўлишининг бетакрорлиги билан индивидуал ҳодисадир.

Индивиднинг кўнгил ҳолатлари акс эттирилгани учун ҳам роман жанрининг асосий хусусияти шахс билан жамият ўртасидаги зиддиятни кўрсатиш саналади. Зеро, ҳар бир шахс табиий равишда жамият билан муайян муносабатда бўлишга, ўз истак ва имкониятларини жамиятнинг қонун ва ахлоқ нормаларига ё мослаштириш ёинки бузишга мажбур бўлади.

Инсон ўз тақдиридан катта бўлолмагани боис ундан ташқарига чиқиб кетолмайди. Айни дамда, ўз нафсининг етовига юрган, манфаатининг қулига айланган одамда ўз одамийлигидан кичик бўлиб қолиш хавфи ҳам бор. Романда инсон табиатидаги айни шу қирраларни кўрсатиш устуворлик қилади. Негаки, шахснинг индивидуал хусусиятлари шу аспектда яққолроқ намоён бўлади.

Маълумки, медитатив лирикада мунтазам йўналишга эга чуқур ва кўламли тафаккур билан уйғунлашиб кетган мистика тасвирланиларди. Зеро, сири на саноққа сиғадиган, на чегара биладиган олам ҳодисаларини изоҳлаш борасида ҳар қандай теран фикр, совуққон ақлнинг охир-оқибатда инсонни элтар манзили мистика, ғайб дунёсидир. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, "Сабо ва Самандар"даги бир кўп жиҳатларни медитатив романга хос белгилар дейиш мумкин. Унда ғоят теран ва қатъий тарзда мақсадга йўналтирилган фикрлаш кечими ифода этилган. Асарда реал ҳаётда тинимсиз тафаккур

оғушидаги кишиларнинг хатти-ҳаракат ва тутумлари тасвири сирли, изоҳлаш мушкул бўлган мистик йўсинда якунланган.

Қўлингиздаги роман ҳароратли тил билан ёзилган. У олдиндан мутлақо башорат қилиб бўлмайдиган ўта чигал инсоний тақдирлар тасвирига бағишланган бўлишига қарамай, шавқ билан ўқилади. Бунда ёзувчи қўллаган тасвир услубининг ўзгачалиги катта ўрин тутган. Зеро, замонавий ўзбек романида нафақат тасвир объектини танлаш ва унга концептуал ёндашув, балки ифода йўсинида ҳам оврўпоча андозаларга амал қилинади. Улуғбек Ҳамдам эса, кейинги йилларда унутилган бўлсада, ўзбек ўқирманларининг қонида асрлар давомида оқиб ётган тасвир тарзидан фойдаланиб, тасвирда қорасўз билан шеърни уйғунлаштириб юборди. Бу ҳол уч жиҳатдан: ҳам қадимги анъаналарни қайта жонлантириш, ҳам бош қаҳрамон бўлмиш Самандарнинг шоирона табиатини ёрқин тасвирлаш, ҳам у билан Сабо ўртасидаги севгининг оддий кундалик ташвишлардан юксакда турадиган ҳодиса эканига урғу бериш жиҳатидан ўзини оқлаган.

"Сабо ва Самандар" романи ифода тарзида кўзга ташланадиган ва унинг ўқишлилигини таъминлаган яна бир ўзгачалик муаллифнинг ўқирманларга муносабатидаги очиқликдир. Асарнинг бошидан охирига қадар ёзувчи ўқирманга бевосита мурожаат қилиб, у билан тиллашади. Тўғри, ўзбек насрида ўқувчини кўзда тутиш, гоҳ-гоҳида унга мурожаат қилиш тажрибаси олдиндан бор эди. Бу усул, хусусан, Абдулла Қодирий билан Шукур Холмирзаев асарларида анча ёрқин кўзга ташланарди. Мисол учун "Ўткан кунлар"нинг бир неча ўрнида ***"Агар бу уйга кириб, бу мажлис аъзоларини бир марта-ба кўздан кечирсангиз, ҳозирданоқ айтиб қўйиш мумкинки, албатта, эсингиз чиқиб кетар..."***[1] ёки

[1] Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 54- бет.

"Шу чоқда бизга Отабек керак эди! Нега десангиз ул келсин эдида, суйганини бир кўрсин эди..."[1] сингари тасвирлар берилиб, улар ёзувчининг ўқирманга мурожаатини ифодаларди. Ш. Холмирзаевнинг "Ўзбеклар" ҳикоясидаги: *"Сизни ўша уйга жойлаб қўйса, нима қилардингиз?"*[2] ёхуд *"...менинг бу жўнгина, оддийгина ҳикоям - кўнглимдан ўтган нарса эди, азизим"* тарзидаги ифодалар ҳам ўқувчи билан тиллашиш натижалари эди. Лекин бу тасвирларда ўқувчининг эстетик функцияси минимал даражада бўлиб, ошиб борса, ҳикоячи билан бирлашиб кетарди.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Сабо ва Самандар" романида эса, ўқирман билан тиллашиш асосий тасвир йўсини даражасига кўтарилган. Ёзувчи қаҳрамонлар ҳаётидаги диққатга сазовор, таҳликали, қалтис, ҳал қилувчи ўринларда ўқирманга бевосита мурожаат қилади. Шунчаки мурожаат қилибгина қолмай, ўз фикрлари билан ўртоқлашади, ундан кўмак ўтинади, очиқчасига уни нималаргадир даъват қилади. Ёзувчи ўнлаб тасвирларда ўқирманга "азизим", "дўстим", "ўқувчим" тарзида мурожаат қилади: *"Яратганнинг олдидаги урвоққина иймоним билан қасамки, бу йигит кўчани тўлдириб юрган одамзод қавмидан эмас! Йўқ!!! У ўзга сайёраликдек ноёб биз учун, бизнинг замонлар учун!.."* ёки *"Сиз, агар гапларимга кириб, унга эргашган ва шу лаҳзада унинг ёнида бўлсангиз эди, азиз ўқувчим, қаҳрамонимиз тилидан ярим очиқ ойна орқали учиб чиққан бояги шеър парчалари кулоғингизга чалиниб ўтарди"* ёхуд *"Кўлни беринг, ўқувчим, юринг, данғиллама тўйнинг сабабчиси, ҳамма атрофида гирдикапалак бўлаётган*

---

[1] Холмирзаев Ш. Сайланма. II жилд. –Т.: "Шарқ" НМАК, 2005. 117-бет.

[2] Холмирзаев Ш. Сайланма. II жилд. –Т.: "Шарқ" НМАК, 2005. 134-бет.

гўзал Нилуфарнинг ҳолидан хабар олайлик-чи!" ёинки *"Билмадим, ечолмадим мен бу жумбоқни, ўқувчим! Ўзгаларнинг фикри, дунёқараши, кайфияти сеникидан бошқача бўлганда, уларга душман кўзи билан қараш одатини ҳазм қилолмадим мен, дўстим! Бу дунёда ҳар кимнинг ўз карвони, ўз йўли ва манзил-муддаоси борлигини ҳамда буларнинг бари бизникига ўхшаши шарт эмаслигини қачон тушуниб етаркин мудохалакор бу оломон, билмадим..."* Бу усул, шубҳасиз, ўқирманни биргина ёзувчига эмас, персонажларга ҳам, тасвир этилаётган воқеаларга ҳам яқинлаштиради.

"Сабо ва Самандар" романи бадииятига хос яна бир белги унда муаллифнинг ўта фаоллиги ва асарнинг бошдан охирига қадар тасвирда бевосита иштирок этишидир. Айни вақтда Улуғбек персонажларга зуғум қилмайди, уларни етаклаб юрмайди, балки тимсоллар билан бирга, кўп ҳолларда, улар бўлиб яшай олади. Бу ҳол тасвир таъсирчанлигини таъминлаганидан ташқари, ўқирманни ҳам воқеалар қатнашчисига айлантиради. Чунки муаллиф тўғридан тўғри унга мурожаат қилиб маслаҳатлашади, саволлар беради, мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Шунинг учун ҳам Улуғбекнинг ўз тилидан қилган: *"Ахир, булбул сайрар экан, қўшиғимни биров эшитармикан, дея фол очиб ўтирмайди, тўғрими? Балки табиати сайраш ва куйлаш бўлганидан илҳоми келганда наво айлайверади..."* тарзидаги иқрори эриш туюлмайди, ўқирманга малол келмайди. Ёзувчининг: *"Бировларнинг ўқиш-ўқимаслигидан қатъи назар, фитратида яратиш иштиёқи борларнинг ёзишга маҳкум эканлигига урғу бермоқчи бўлдим, холос. Бори – шу"* тарзидаги қаноати ҳам уни ўқирманнинг суҳбатдошига айлантириб, унга яқинлаштиради. Ёки хабар тарзида айтилган *"Мана шу тарзда азим кентга улкан бир муҳаб-*

батнинг келиб-кетганини ҳеч ким пайқамапти ҳам. Чунки бу замонга келиб, кичкина одамларнинг катта туйғулар билан иши бўлмай қолган экан... шаклидаги адоқсиз армон акс этган ифода ёлқинли ҳароратга эгалиги, унда одамнинг кайфияти билиниб тургани учун бадиийлик касб этади. Шунингдек, туйғунинг *"катта"*лиги билан одамларнинг *"кичкина"*лигининг қаршилантириб тасвирланиши ўзгача жозиба бахш этган.

Кўпроқ лирик асарлар услубига хос бўлган муаллифнинг тасвирга бевосита аралашиб, персонажларнинг хатти-ҳаракатларига очиқ муносабат билдириши бадиий тасвирнинг юқумлилигини таъминлаган. Асардаги: ***"Оҳ, қани энди уларнинг ҳаёти шу оқшомда – бошларидан кумуш қор эланиб ёғаётган, вужуд, руҳ – бутун борлиқлари маҳбуб ва маҳбубанинг измида майин куйдек эмранаётган лаҳзаларда тўхтаб қолса!"*** сингари тасвирлар қаҳрамон тасаввури ёки хаёлотини эмас, балки муаллифнинг туйғуларини акс эттиради. Табиий бевоситалик, қаҳрамонлар тақдирига аралашув бундай ўринларда асарнинг таъсирчанлигини оширган.

Қатъий шаклланган тасвир тажрибасига кўра, муаллиф асардаги тасвир асносида кўзга ташланмаслиги керак. Улуғбек эса бу асарида тамомила тескари йўл тутади. У романда ҳикоячи эмас, иштирокчи мақомида туришга интилади. Шунинг учун ҳам баъзи қалтис вазиятларда нафақат ўқирман, балки: ***"Ҳайҳот, яратган Эгам, ўзинг тушунтир ўқувчига, йўқса, бу ожиз бандангнинг тили тинмай айланиб, неча маҳалдан бери сўзни узатгани билан асл моҳиятга яқин келай демаяпти"*** тарзида Яратганга ҳам мурожаат қилаверади. Бу усул тасвирга шиддат ва бевоситалик бағишлаши билан ўқирманни китобхон эмас, балки асардаги воқеалар қатнашчисига айлантиради.

Ушбу мақоланинг бошида айтилганидек, "Сабо ва Самандар" романи 2008 йилда тугалланиб, 2009 йилда чоп этилган эди. Асар ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди. Профессор Қ. Хусанбоеванинг жуда катта тақризи чоп этилди[1], доцент Ш. Дониёрова роман тасвир йўсинидаги ўзига хосликни кўрсатишга уриниб, алоҳида мақола эълон қилди,[2] қорақалпоғистонлик талаба Н. Қиличев асар жанрини "лиро-психологик роман" дейиш мумкинлигини таъкидлади[3]. Мутахассис ва ўқирманларнинг бундай фаол муносабати ёзувчини асар устида яна ишлашга ундади. Жиддийгина қайта ишлаш натижасида "Сабо ва Самандар"нинг янги варианти юзага келди.

Айтиш керакки, романнинг олдинги ва қайта ишланган кейинги нусхалари ўртасидаги фарқ жуда катта эмас. Қаҳрамонларга ёндашув, тасвир услуби ўша-ўша. Лекин қилинган бир қатор ўзгаришлар асарнинг бадиий савиясини муайян даражада оширишга хизмат қилган. Жумладан, биринчи нашрда Сабонинг отаси Саидкамол ҳолати: ***"Наҳотки, қизим келиб-келиб шу нусхани севиб қолган бўлса?" дегандек синчковлик билан разм соларкан***" тарзида тасвирланган бўлса, қайта ишланган нусхада: ***"Наҳотки, қизим келиб-келиб шу нусхани севиб қолган бўлса?" дегандек ирганиш билан разм соларкан***" шаклини олди. Кўринадики, биргина сўзнинг ўзгариши тасвирдаги экспрессияни кучайтиришга, тимсолнинг кайфиятини тўкис ифода этишга хизмат қилган.

Романнинг олдинги нашрида бир шеър таркибидаги ***"Мен қайга ҳам қочиб кетардим, Тўрт-***

[1] Хусанбоева Қ. Буюк муҳаббат қўшиғи. Тил ва адабиёт таълими//2009. 10- сон. 30- бет.

[2] Дониёрова Ш. Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. 5- сон.

[3] Қиличев Н. "Сабо ва Самандар" романида ишқ талқини. "Филологик тадқиқотлар" тўплами. –Нукус. 2010. 117- бет.

та қиблам– тўртта тош девор сатрлари қайта ишланган нусхада ***"Мен қайга ҳам қочиб кетардим, Тўрт томоним– тўртта тош девор"*** тарзида берилган. Кўринадики, бу тузатиш ифоданинг мантиқан тўғри ва таъсирчан бўлишини таъминлаган. Шунингдек, агар олдинги нусха Самандар қабри бошида тентираб юрган хотини Солиҳанинг телбаларча кулгиси тасвири билан тугалланган бўлса, кейинги нусхада Солиҳанинг ақлдан озгани тасвиридан воз кечилган ва асар Шердилнинг Самандар қабри бошига келиб, тазарру қилгани ва болаликда иккови учун ҳам севимли бўлган ўйинчоқни қўйгандан сўнг бироз юриб, роботига ўйинчоқни қайтиб олдиргани тасвири билан тугайдики, бизнингча, бундай якун мақсадга мувофиқ бўлган. Негаки, Солиҳанинг ақлдан озган ҳолда кўрсатилиши ўқирманда улкан инсоний севги фақат бузғунчилик ва одамларга зарар келтириш хусусиятига эгадек эзгин таассурот қолдирган бўларди. Шердилнинг Самандар қабри бошидаги ўйинчоқни олдириши ундаги қараш ва тўхтамларнинг ҳамон тўла ўзгармаганлигини билдириши билан диққатга сазовор. Аммо қайта ишлаш асносида, бизнинг назаримизда, унчалар ўринли бўлмаган ўзгаришлар ҳам қилинган. Чунончи, асарнинг эртакка ўхшаш алоҳида "Хотима" билан тугалланиб, унда романдаги асосий воқеалар қисқача қайта ҳикояланиши ўзини тўла оқлаган деб бўлмайди. Негаки, бу ҳол, биринчидан, иккигина бетга сингдирилиши мумкин бўлган воқеа атай шиширib романга айлантирилгандай таассурот қолдирса, иккинчидан, романни эртак даражасига туширгандай бўлади.

Бизнингча, романнинг айрим ўринларида сўз қўллаш борасида ҳам камчиликларга йўл қўйилган. Баъзан муаллиф тасвирда оригиналликка эришиш учун сўзларга зуғум қилиб, уларни ўз йўриғига зўрлаб юргизади. Жумладан, асарда "оқ ранг", "ҳара-

кат қилди", "икки кўзи" бирикмалари *"байзо"*, *"саъй кўрсатди"*, *"иккала чашми"* шаклида, "очди", "этак" "удда", "хабарсизлик", "ҳаприқмоқ" сўзлари *"ифшо айлади"*, *"фартук"*, *"уҳда"*, *"муждасизлик"*, *"ҳапқирмоқ"* тарзида қўлланилади. Албатта, адиб кўпинча бу сўзларни билмаганидан эмас, балки ўринсиз такрорларга йўл қўймаслик учун ишлатган, лекин қандай ниятда қилинмасин, тасвирдаги сунъийлик ва зўракиликнинг моҳияти ўзгармайди. Шунингдек, китобда *"иртиботда бўлишган"*, *"ложарам бошига"*, *"эсирик хаёли"*, *"таҳаммул айлаш"*, *"тамкинлик билан кутди"* каби ўринли бўлмаган тушунарсиз бирикмалар ҳамда *"алин"*, *"арози"*, *"гарданкаш"*, *"лиқо"*, *"мағдур"*, *"мухатоб"*, *"пешрав"*, *"єарил"*, *"сулукат"*, *"сунгур"*, *"узуқара"*, *"уҳро"*, *"қийиси"*, *"ғурпуш"* сингари англамсиз сўзлар қўлланиб, уларнинг бирортаси ҳам изоҳланмагани асарнинг тушунилишини қийинлаштиради. Агар бу сўзлар ўз тилимиздан олинган ёки ёзувчи томонидан ясалган бўлса, ўрнида тушунтириш берилгани маъқул эди. Бегона тиллардан сўз олишга эса ортиқча ружу қўймаган маъқул.

Романда тасвирга орнаментал тус бериб, уни жозибали қилиш мақсадида *"жазм қилиб боқди"*, *"қалб қулоғингни сол"*, *"Намланиб қолган бежирим бурнининг учи эса қиз бояқишнинг ҳалигача босилмаётган ҳаяжонидан жарчи каби дараклаб тургандек эди"* қабилидаги ўринсиз жимжимадор ифодалар ишлатилган ўринлар ҳам учраб туради.

Асарда баъзан ҳолатлар нотўғри ифодаланади. Масалан, асарда *"сарсор соларди"*, *"боғдош қуриб ўтирди"* бирикмалари қўлланган. Ҳолбуки, тилда булар "*сарасоб* солар", "*мордош* қуриб ўтирди" тарзида ишлатилади. "Сарасоб" сўзи кузатмоқ, кўз ташламоқ маъноларини англатади. "Мордош" сўзида эса, илондек чирмашиш маъноси бор. Асарда келтирилган шеърларда *"кўзлариз"*, *"йўллариз"* тар-

зида сунъий қўлланган сўзлар қайта-қайта учраши ўқирманнинг ғашини келтиради. Шунингдек, романнинг бир неча ўрнида *"серлиқо"* тарзида қўлланган сўз бор. Аввало, юзни англатадиган арабча "лиқо" сўзини ишлатишга ҳеч бир зарурат йўқ, иккинчидан, "серлиқо", яъни "серюз"ликнинг мантиқсиз экани аён.

Романда шоиртабиат филолог Сабонинг ҳамиша шевада сўзлаши, унинг дугоналари, онаси, отаси ўртасидаги барча суҳбатлар бошдан оёқ шевада берилиши асарнинг ўқишлилигига салбий таъсир қилади. Шунингдек, Ҳамид билан Самандарнинг ораси бузилиши тасвирида анохранизм (замоний номутаносиблик) бордай. Кейин, сюжет чизиғининг шу тармоғи роман бадийяти учун бироз ортиқчадай. Негаки, бу тасвир ҳам ўқирманда севги одамнинг бошига фақат ташвиш келтирар экан деганга ўхшаш тўхтам шаклланишига хизмат қилади, холос.

Айтилган камчиликлар асарнинг қимматига салбий таъсир қилмайди. Муҳими, улуғ инсоний туйғу улкан меҳр ила тасвирланган асар ўқирман қўлида. Висолсиз айрилиқнинг ўтли тасвири билан учрашув қутлуғ бўлсин!

2011 йил 6 феврал – 22 март

ТАШНА КЎНГИЛ ИЗҲОРЛАРИ[1]

Ички дунёси бой кўнгил кишиларига яшаш ҳамиша қийин кечади. Сабаби бундай шахс воқеликнинг ҳеч қандай иштирокисиз ҳам доим қарама-қарши икки куч: руҳ ва тана ўртасидаги кураш оғушида кун кечиришга маҳкум. Руҳият, кўнгил одамни юксакларга чорласа, тана уни ерга тортиб, нафснинг истакларини қондиришга ундайди. Ана шундай зиддиятли шахслар ижод дардига мубтало бўладилар, ўшандай одамлар ташвишманд ерга муносиб кўрилмаган осмоний туйғуларини қоғозга тўкиш эҳтиёжини туядилар. Қўлингиздаги китоб муаллифи Барот Яраш – шундай кишилардан бири.

Яқин йигирма йилдирки, Барот Ярашни биламиз. Яна биламизки, Барот шу йиллар ичида кўпроқ шеър учун ва шеър билан яшаб келади. Айни вақтда, у – шеърдан бошқа нарсани тан олмайдиган дарвиш ҳам эмас. Ўтбошиси, болалари ва яқинларини бир зум бўлсин унутмайдиган, нафақат туғишганлари, балки ўзи таниган-танимаган юртдошларию ёки уларнинг ошна-оғайниларининг ҳам туганмас ташвишлари оғушида яшайдиган одам. Сиртдан қараганда, ўта сокин, содда ва тортинчоқ кўринадиган Барот оламга шоирнинг кўзи билан қарагани учун унинг бошқалардан яширин жиҳатларини кўра билади. Бу ҳол унинг "Руҳият манзиллари" шеърида атрофимиздаги оламнинг кутилмаган тарзда манзаралаштирилишида намоён бўлади:

Оппоқ, ойдин нур тўкилар осмонлардан,
Ёқут кўзли юлдузлардан – маржонлардан.

[1] Мақола Қундузой Хусанбоева билан шерикликда ёзилган.

Ойлар балқар, тўлиб-тўлиб ойлар балқар,
Севинч ёши қалқиб чиқар мужгонлардан.
Тонглар отар яноғида нур сели бор,
Кун мўралар осмон ўпар довонлардан.

Бу сатрларда очунга эзгулик кўзи билан боққан таъсирчан кишининг кўнгил ҳолати ёрқин акс этган. Одамзот – атрофидан қидирганини топадиган яратиқ. Шоир борлиқдан эзгулик ва гўзаллик излагани учун ҳам оламдан эзгулик ва гўзаллик кўради ҳамда топганини юқоридагидай таъсирчан ва юқумли йўсинда акс эттиради. Табиатнинг қотиб қолган турғун ҳолати эмас, балки дақиқа сайин ўзгариб турадиган жараён тарзида акс эттирилгани бу мисраларнинг умрзоқлигини таъминлайди. Негаки, жараёнда ҳам худди кайфиятдаги каби тинимсиз ҳаракат, ўзгариш бор.

Айни жиҳат шеърнинг кейинги қаторларида муаллифга ўзининг шахслик ақидасини акс эттириш имконини берган:

Жим ва сокин анҳорлардек яшолмам, йўқ,
Мен ҳаловат олгум дарё, уммонлардан.
Юрагимда оловланган исён яшар,
Исёнкорман ушалмаган армонлардан.

Одамнинг одамлиги, аслида, айтган сўзларидан кўра кўпроқ ўйлаган ўйларида яққол намоён бўлади. Шу маънода, Барот Ярашнинг ёзганлари ҳақиқатлигини ҳам тан олиш керак бўлади. Чунки шеър ёзилаётганда, пўртанали ҳиссиётлар оғушидаги шоир чинакам илҳомий, демакки, илоҳий ҳолатда бўлади. Бундай вазиятда кўнгил мулкидаги чин туйғуларгина қоғозга тўкилади.

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бирга ишлаб юрган кезларимизда шуни кузатганмизки, Барот одамни эшита билади. Сўзлашаётган одам-

ни қулоғи билан эмас, кўнгли билан тинглайди. Шу боис суҳбатдошни туяди. Ушбу китобга кирган аксар шеърлар унинг шахсиятидаги айни жиҳат битганларига ҳам ўтганидан далолат беради. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки ижод намунаси – ижодкор кўнглининг кўзгуси. Ижодкор мевали оғоч кабидир: меванинг сифати оғочнинг қандайлигига боғлиқ. Шу ҳақиқатдан келиб чиқиладиган бўлса, Барот Яраш шеърларидаги самимият, жонфидолик мутлақо тасодифий эмас. У нафақат одамлар, балки атрофидаги катта-кичик ўзга яратиқларгада меҳр билан қарайди, уларнинг кўнглини муҳаббат ҳарорати билан иситмоққа уринади:

Турналарни асрайин деб кўксим тутгум,
Сайёд отган найзалардан, пайконлардан.
Иним дея қушларга ҳам дил очаман,
Кетмасин деб мен ин қурган айвонлардан.

Агар бу сатрларда шоирнинг кўтаринки романтик ҳолати акс этган деб қаралганда ҳам, шеърнинг кейинги мисраларида туйғулар ифодаси хаёлий кўкдан ўзимиз яшаётган ерга инганини кўриш мумкин бўлади. Бу ҳол тасвирнинг таъсир кучини оширади. Зеро, шеърхонни ўзига бевосита яқин, дахлдор нарсалар кучлироқ асарлайди. Шу сабаб Баротнинг: "***Бинафшаю ялпизойлар синглим менинг, Улар борки кетгим келмас ёбонлардан***" сатрлари ўқирманнинг кўнглида чуқур из қолдиради. Уни ўйга толдиради.

Табиатнинг табиий гўзаллиги шайдоси бўлмиш Барот Яраш турналарни бугунги экологик талотумлардан асрагиси келади. Қушларни инисидай, бинафшаю ялпизойларни синглисидай ардоқлаб, бир меҳрибон оға, жонфидо жигар сингари бағрида асрашни истайди. Улар билан биргаликда экинидан, уларга меҳр кўрсата олишидан мамнун бўлади.

Муҳими, бу тасвирлар ўқирманнинг нафақат ақли, балки кўнглига ҳам таъсир қилади. Маълумки, кўнгилдаги из осон ўчмайди.

Табиатга шайдолик, унга интилиш – кўпчиликка хос хусусият. Инсон табиатдан айро мавжуд бўлолмайди. Айниқса, руҳий безовталик, изтироб чоғларида у ҳамиша табиат қўйнига интилади, шу ердан ором излайди. Барот Ярашнинг бир қатор шеърларида ҳам табиат гўзалликлари эзгу инсоний туйғулар билан ёндош ва эш ҳолатда тасвирланганини кўриш мумкин:

Оҳунинг кўзидай ҳисларга зорман,
Ялпизлар таратган исларга зорман,
Дил дардини англар дўстларга зорман,
Дилни англамаган диллар чўғлими?

Ўзбек шеъриятида оҳунинг кўзи гўзалликнинг олий кўриниши, идеал рамзи ҳисобланади. Ҳар битта одамки бор, бундай ҳисларга муҳтожлиги аён ҳақиқат. Ялпизнинг исида эса ғубор бўлмайди. Демак, шоир шунчаки ялпизга хумор эмас, балки инсоний муносабатлардаги беғуборликка муштоқ. Зеро, келтирилган тўртликнинг кейинги мисралари ҳам шундан далолат беради. Шоирнинг бошқа бир шеъридаги: "***О, нетай, топмадим, кўнглимдек кўнгил, Қизғалдоқ баргидек нафис бир дилдор***" сатрларида ҳам табиатга хос жиҳат инсоний эзгуликка бўлган ташналикни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Барот Яраш шеърларининг лирик қаҳрамони – шунчаки кун кечиришни умр ҳисобламайдиган, эзгу туйғуларини жиловламай, тўлиб-тошиб, эмин-эркин яшашга интиладиган шахс. Шу боис у туйғуларини бекитгиси, ҳиссиётини бировдан яширгиси келмайди. Аксинча, жиловланмаган туйғулар инсонга беадад қудрат бахш этишини ифодалайди:

Ҳайқиргим келади далалар бўйлаб,
Қалбда тошқинланар туйғу уммони.
О, шунда кафтимда чирпирак қилиб
Айлантиргим келур еру осмонни.

Шунда мен Алпомиш бўлурман рости,
Кўзларим ўнгида сиз гўзал Барчин.
Шундай дам учраса, ҳар қандай тўсиқ
Бўлиб кетмайдими ахир ерпарчин?

"Истагим" шеърида маъшуқаси учун еру осмонни чирпирак, ҳар қандай тўсиқни ерпарчин қилиб юборишга қодир жонфидо ошиқ маъшуқанинг ҳар қандай хоҳишини ўринлатишга ҳозирлик ҳолати мунтазам равишда кучайиб боргувчи тасвирлар воситасида: ***"Истасанг, сочларинг толасин ўйнаб, Яноғингдан ўпай мисоли елдек. Истасанг, кўнглингнинг кенгликларига Ҳайқириб кирайин дарёдек, селдек. Истасанг, қалбингда эрка ҳис бўлиб, Эрка туйғу бўлиб яшайин шеърдек, ... Истасанг, бошингда осмонинг бўлай, Истасанг, пойингда ястанай ердек"***,- тарзида ифодаланади. Ошиқ ишқ йўлида ҳамма нарсага ҳозир. Маълумки, муҳаббатда эваз бўлмайди. Тўловли туйғу муҳаббат эмас. Шарт қўйилмайди. Шарт қўйилиб, шартнома тузилиши мумкин, лекин муҳаббатга эришилмайди. Шуниси ҳам борки, ҳар қандай қудратли ҳиссиёт ҳам чин инсоний моҳиятга қарши бўлмаслиги керак. Лирик қаҳрамоннинг асл моҳияти эса унинг ўзбеклиги, ўзбекча туйғуларни муқаддас тутишида. Шу боис суйганига борлиғини бахшида қилган ошиқ биргина нарсани тилайди:

Фақат бир истагим – сен аёл каби
Мен эса яшайин эркакдек, эрдек.

Кўринадики, Барот Яраш – ўзини, ўзининг таъсирчан ва очиқ кўнглини тафтиш қилишга мойил

ижодкор. Бу ҳол унинг табиатдаги уйғониш ва давомийлик ҳолати акс этган "Тасаввур" шеъридаги:

Қайдадир жимгина кезинар,
Ним яшил этакли навбаҳор...
Наздимда шу яқин ўртада
Кўз ёриб ётгандай ғунчалар

сатрларида ҳам намоён бўлади. Бу мисраларда Баротнинг шоирона нигоҳи ва тасвир маҳорати яққол кўринади. Ним яшил этакли навбаҳорнинг жимгина кезиниши, унинг бу юришидан яқин ўрталардаги ғунчалар кўз ёриши шунчаки қайд этилмаган, балки жонлантириб кўрсатилгани муаллифнинг маҳоратидан далолатдир.

Барот шеърларида табиатни жонлантирибгина қолмай, уни шахсантиради ҳам. Бу ҳолат унга инсон туйғулари ва руҳий ҳолатларини моддийлаштириб кўрсатиш имконини беради:

Юлдузлар шивири кўчади дилга,
Қизғалдоқ баргидек нозик тортар ҳис.
Кўнгил дарчасидан мўралаб боқар
Соҳир туйғу бўлиб тўлин ой, юлдуз...

Ҳиссиётнинг жуда омонат ва ўзгарувчанлигини ҳамма билади, лекин уни қизғалдоқ баргидек нозик ҳолда тасаввур қилиш барчанинг ҳам хаёлига келмайди. Шунингдек, қоронғи осмондаги саноқсиз юлдузларнинг ўзаро шивирлашаётгандай бўлиб туюлиши кўпчиликка таниш, аммо буни кўнгил дарчасидан мўралаётгандай тасаввур қилмоқ учун хаёлотнинг анча баланд парвози талаб қилинади.

Парвози баланд ва қамрови кенг хаёлотгина ногоҳ узилиб тушган бир япроқда узилган жонни кўради. Кўнгли эзгуликка эш одамгина бир япроқнинг узилиши, бир умрнинг сўнишидан кам бўлмаган фожиа эканини туйиб, кипригига ёш қалқади, тасвир маҳоратига эга истеъдодли шоиргина туй-

ганларини ўзгаларгада юқадиган йўсинда таъсирчан ифода эта билади. Барот Яраш "Қўмсаш" шеърида бу ҳолатни шундай ифода қилади:

Дарахтлардан чирт узулиб тушган ногоҳ япроқлар,
Дилга кириб келар эди бош кўтариб қийноқлар.
Япроқ гўё япроқ эмас, узилган бир жон эди,
Киприкларда қалққан ёшмас, зардоб тўла қон эди.

Барот айрим шеърларида тасвир маҳорати бобида анча юксакликка кўтарилади. Чунончи, унинг: ***"Яна лабдан сирғалар исирғали оҳанглар"*** каби мисралари бирданига ўқирманда поэтик кайфият уйғотади, уни муайян ҳолатга солади. "Сирғалаётган оҳанг"нинг "исирғали" эканидан ташқари, "сирға" ва "исирға" сўзларининг ёнма-ён келтирилишидан ҳосил бўлган аллитерация бўртиқ шеърий образ юзага келишини таъминлайди. Шоирнинг: ***"Бошда кўк дурра-ю юзда оқ парда Бойчечак оламга ичикиб боқар"*** каби сатрлари ҳам ўқирманга таъсир кўрсатиб, уни мувозанатдан чиқариши билан характерлидир.

Айтиш керакки, қўлингиздаги китобда қиёмига етмаган ифодалар, ишловталаб мисралар, аниқлик киритиладиган образлар, сайқалга муҳтож шеърлар ҳам йўқ эмас. Лекин, муҳими, унчалик тобига етмаган битикларда ҳам муаллифнинг чин туйғулари акс этган. Шу боис умид қиламизки, самимий кўнгил ҳолатларининг таъсирли ифодаси маҳсули бўлмиш ушбу китоб ўз ўқирманларини топади ва уларнинг юрагига эзгулик ҳамда гўзаллик уруғларини қадайди.

2011 йил 14 апрел

УМИДНИНГ ХАЗОНСИЗ ФАСЛЛАРИ

Бир шеърхон сифатида анча йиллардан бери Ҳаёт Шодмон ижодини кузатиб бораман. Тўғрироғи, унинг шеърларини бот-бот тинглашимга тўғри келади. Негаки, Ҳаёт яхшигина шеърлар ёзибгина қолмай, битганларини қойилмақом қилиб ўқий олади ҳам. Унинг турли адабий учрашувлар, байрамлар, тўй-тўрчиқларда шеър ўқиши Кунботиш мамлакатларидаги бардларнинг ижросига ўхшаброқ кетади.

Ҳаёт Шодмон битган шеърларда, (айтимлар десам, дурустмикан?) қандайдир ички бир қудрат, улкан бир дардмандлик бор. Шоир образли фикрлайди, қўллаган поэтик ташбиҳлари ҳам жўн, шунчаки эмас, балки залворли, тош босадиган ва оҳорли бўлади. Баъзан унинг муножотлари фарёд, ўхшатишлари муболаға, муболағалари ғулу даражасига етади. Ўзини унутган кишининг кўнгил ҳолатлари манзараси бўлгани учун ҳам кўпинча ёзганлари кишини ўзига ром этади.

Диққатга лойиқ жиҳати шундаки, Ҳаёт Шодмоннинг шеърияти бевосита ўзбекнинг руҳиятидан, оғзаки ижоднинг қайтарилмас стихиясидан сувланади. Кўпчиликда тамаддун тараққиёти, урбанизациялашув шиддати сабаб энди фолклор асарлари яратилмайди деган, умуман олганда, тўғри қараш бор. Лекин Ҳаёт Шодмон каби ёзарларнинг битиклари кишида оғзаки ижод яратилишдан тўхтасада, унинг руҳи мангу қолади, шекилли, деган қаноат пайдо қилади. Ҳаёт қўллаган поэтик образлар қабариқ, ёдда қоладиган, кўкайни кесадиган бўлади. Чунки оғзаки ижоднинг улкан қамровдор руҳи майда илинжлардан туғилган сирка туйғуларни, етилмаган чала ҳиссиётни кўтармайди.

Ҳаёт Шодмоннинг туйғулари самимий, йиғиси ҳам, кулгуси ҳам, қувончу қайғуси ҳам – кўнгилдан ва йирик. У эл кўзига йиғламайди, душман кўрсинга кулмайди. Шоир ўзининг ҳамиша безовта юрагида тинимсиз мавжланиб ётган инсоний туйғуларни ҳеч қандай иддаосиз, боридай ифода этишга уринади. Лекин шоирликнинг, туйғуларни битишга иштиёқ борлигининг ўзида табиатан иддао мавжуд. Шеър ёзмаса туролмайдиган одамнинг ҳаприққан юрагига, таъсирчан кўнглига, комил бўлмаган одамзодга, мукаммал бўлолмаган тирикликка иддаоси бор. Ва бу иддао ҳар бир ижодкорда манбаси, сабаби ва кўламига яраша йўсинда намоён бўлади.

Қизиғи шундаки, бутун умри мобайнида шеър ичида яшаб юришига қарамай, Ҳаёт Шодмон шеъриятга жуда кеч кириб келди. Чунки у шеърни матбуотда чиқариш учун эмас, ўзини чулғаб олган ғашлик ва дардни кўнгилдан чиқариб юбориш учун ёзади. Чин шеър доимо дард бўлгани каби истеъдодли одамнинг чин дарди ҳам ҳамиша шеърдир. Ҳаёт Шодмоннинг ўйлари, изтиробу ўкинчлари шеър бўлиб моддийлашади. Шоир "Қимор" шеърида висолсиз ишқ изтиробини: "***Тикар бўлдим ҳижронни Ҳижронларинг ютай деб. Кезлашувга зор бўлиб Мажнунингдек ўтай деб***", – тарзида ифода этади. Ошиқ дилнинг ютқизиғи ютганидан маъқулроқ бўладиган ҳолати бу сатрларда жуда ингичка ифодасини топган. "Қадр" шеърида: "***Келиб қолинг, олиб қолинг, Сотаману кетаман. Энди менга Кераги йўқ Ортиқча юк нетаман***", – деб ёзади. Шундоққина шўхчан мусиқага йўғрилган ҳолда туғилган бу мисраларда ўз қадридан қутулмоқчи бўлган кимсанинг эзгин руҳий ҳолати акс этган. Ўта оғир руҳий юк жуда енгил ифода тарзини топган. Мазмун билан шакл ўртасидаги қарама-қаршилик шеърга ўзгача жозиба ва маъно бахш этади. Шоир ўйноқи мисраларда йиғлатадиган туйғуларни ифода эта олади. Ҳаёт шеърларига кишини эмрантира-

диган туйғу ва унинг ифодасига лойиқ сўзлар излаб юрмайди. Улар ўзи қуйилиб келади. Негаки, етилган туйғу ифода тарзининг ҳам етилган бўлишини тақозо қилади.

Шуни айтиш керакки, Ҳаёт – махсус мактаб кўрмаган шоир. Тўғри, ўқиб шоир бўлмайдилар, лекин ўқимасдан-билмасдан ҳам шоир бўлиш имконсиз. Ҳаёт Шодмон бадиият илмини махсус эгалламаган бўлсада Тўра Сулаймон, Абдулла Ориф, Ҳалима Худойберди, Азим Суюн, Усмон Азим сингари катта шоирларни кўп ўқийди. Уларнинг ижодини ўзи учун мактаб деб билади. Лекин унинг асосий ўқувжойи, чинакам университети – халқнинг ҳаёти, руҳияти ва оғзаки ижоди.

Ҳаёт Шодмон – тириклик йўсини ва фикрлаш тарзи халқининг тирикчилик шакли ва ўйлаш йўсини билан тўла қўшилиб кетган жуда камсонли ижодкорлардан бири. Бу ҳол унинг битганларини олдин ҳам бирор жойда эшитмаганмикинман деган ҳадик билан ҳушёр бўлиб ўқишни тақозо этади. Зеро, Ҳаётнинг кўриш ва кўрсатиш, таъсирланиш ва тасвирлаш йўллари халқнинг минглаб йиллик оғзаки ижодига жуда ўхшаб кетади. Бу ҳолат шоирнинг рамз билан фикрлашида, ишора ёрдамида ифодалашида кўринади.

Адабиёт ҳамиша муносабатдир. Муносабат эса моҳиятан ҳодисадан кейин, унга билдирилган реакция сифатида пайдо бўлади. Шу маънода фолклор асарларини жуда эски муносабатлар ифодаси дейиш мумкин. Улар жуда эски бўлгани учун ҳам асло эскирмайди, шекилли. Негаки, эски бадиий яратиқларда акс эттирилган туйғулар ҳамиша янги. Алоҳида бир одам ва бутун башариятнинг туйғудан бошқа ҳамма нарсаси тинимсиз ўзгариб, янгиланиб туради. Фолклор – айнан ана шундай эскирмас туйғуларни акс эттиргани билан қимматли.

Одам нега ўтмишга қизиқади? Уни билгиси, ҳатто, унга қайтгиси келади? Ҳолбуки, одам жисми,

ёши ва ўйлари билан кечаги кунига қайтолмаслигини яхши билади. Лекин кечаги кўнгил, туйғу ва сезимларга қайтиш, жуда бўлмаганда, уларни қайта туйиш имкони бор. Адабиёт одамга шу имконни беради. Халқ оғзаки ижодида бу имкон каттароқ. Фолклор йўлида битилган ёзма адабиётда ҳам бугунги ўқирманни ўтмиш билан руҳан боғлашнинг яхшигина имкони бор. Шу сабабли бўлса керак, Ҳаётнинг: ***"Қиз бор уйнинг қозиғига, Қирқтадан от боғланармиш. Қирқта илинж хаёл суриб, Куёвликка чоғланармиш"*** сатрлари XXI асрда яшаётган ўзбек учун ҳам тушунарли, қизиқарли ва тегишли.

Одамзод табиатан умид қилишга мойил. Айниқса, умидни мўминликнинг белгиси сановчи ўзбекда бу туйғу жуда ҳам кучли. Қанчалик оғирчиликлар исканжасида қолмасин, ўзбек умидсиз бўлмайди. Илло, умидсиз бўлиш охиратни ҳам куйдиради. Халқимизнинг яшовчанлиги, фожиа бағрида ҳам кулги кўра билиши, эҳтимол, унинг феълидаги шу хусусиятига бориб тақалар. Ўзбек фолклорида юморнинг кучлилиги, оғзаки ижод намуналарида топқир, ҳозиржавоб, эпчил кишилар қаҳрамон сифатида тасвирланишининг илдизи шундандир. Ҳар ҳолда, Ҳаёт Шодмоннинг айрим шеърларида ҳам ҳазилга мойиллик, ҳаёт ва олам ҳодисаларига юмористик назар билан қараш яққол сезилади. Айнан ана шу назар иллатда фазилат кўриш имконини беради. Бундай ёндашув шоирнинг ҳажвий образ портретига қилган чизгиларида ёрқин кўринади: ***"Бой бобомнинг боласи Тили чучук салгина, Пешонаси бир қарич Шундан тепакалгина"***. Шеърда ҳажвий тимсолнинг "фазилат"лари шу билан тугамайди:

Оқсаганин маъниси
Бир оёғи узунроқ.
Тек эмасда азалдан,
Ҳатто, қулоғи чиноқ.

Шеърда иллатни фазилат сифатида кўрсатиш давом этгани, *"қорни қаппайган", "юзига сувчечак тошган", "Кўлиям калта эмас, Енглари мўл бичилган"* бойвачча жисмидаги нуқсонлар саналгани сари унинг ношуд ва ёқимсиз қиёфаси ёрқинлашиб, бировнинг камчиликларида фазилат кўришга мажбур бўлган лирик қаҳрамоннинг ожизлиги эса: ***"Нима қипти, молини Қайтарсам, қайтардимда"*** тарзида ойдинлашиб бораверади.

Ҳаёт Шодмон – сўзни ўйнатадиган, унинг барча ифода имкониятлари ва маъно товланишларидан тўла фойдалана биладиган ижодкор. Бу ҳол "Ўлан тўшак" шеъридаги: ***"Қилар бўлсанг эзгуликка ибодат, Ҳаёт бўлар Шодмонликдан иборат"*** сатрлари мисолида яққол кўринади. Бу мисраларда эзгу амалнинг эзгу натижага олиб келишига бўлган ишонч ифодаси шоир номи билан ажиб бир тарзда уйғунлаштириб юборилган. "Ўхшайман" маснавийсида эса илҳом оғушидаги шоир ҳолати:

...Олдин, бир ориққа ўхшайман,
Лаблари ёриққа ўхшайман.

Сўнг, селдек қуйилиб келар сўз,
Ўзовон[1] юмилиб олар кўз.

Ўзимни – иридай туяман,
Ўланда тиридай туяман

Чин десам, ўтирик қаёғи
Пешона, кўргулик буёғи.

тарзида ўзига хос ифода этилади. Халқона йўсинда битилган бу содда сатрларда ижод стихияси комида қолиб, ихтиёрини қўлдан берган шоирнинг ижодий лаҳзаларидаги ҳолати акс этган бўлса, "Кўнгил" асарида кўнглига шеър қуйилган илҳом оғушидаги санъаткор туйғулари ***"Вужудга шеър қуйилганда, Кўнгил ўсди, Кўнгил яна ўсаберди, Ўсаберди. Орзу***

[1] Ўзовон – ўзича, беихтиёр (шева).

унинг йўлларини Тўсаберди" тарзида тасвирланади. Ўзгача бир маром билан айтилаётган бу оддийгина сўзлар замирида хаёлотнинг чексиз осмонида парвоз қилиб, тинмай юксалаётган кўнгил ва уни кутиб (тўсиб) олаётган орзу ўртасидаги муносабат тасвирланади. Шеър давомида орзуларга йўлдош кўнгилнинг борлиқдан ўзидаги каби юксаклик, кенглик, беғуборликни тополмагандаги ҳолати:

Юрагига қайтди кўнгил
Ўксиб-ўксиб,
Кўкрагини ғижимлади
Оғриб кўкси...

тарзида шахслантириб чизилади.

Ҳаёт Шодмон одам ҳаёти ва руҳиятининг қўшиқ-боп жиҳатларини яхши билиш ва ифодалай олишдан ташқари, сўзнинг мусиқасини ҳам яхшигина ҳис қилади. Шунинг учун ҳам унинг кўплаб шеърлари ўз оҳанги билан дунёга келади:

Чанқовуз бий-ю,бий-ю,
Сиру-сайҳоннинг бўйи.
Санамжоннинг эртага,
Эртага бўлар тўйи...

Ўз оҳанги билан туғилгани учун ҳам шоирнинг кўпчилик шеърлари қўшиқ бўлиб эл орасига тез ёйилади.

Ҳаёт баъзи шеърларида ўта серқатлам, чигал руҳий ҳолатларнинг ёрқин манзарасини эсда қоладиган қилиб чизади. Бундай шеърларда нафақат ҳолат, балки маъно ҳам кўпқаватлилик касб этади. Шоирнинг "Вальс" шеъридаги қуйидаги сатрларда руҳвор мусиқа, унинг оғушида сўнгги бор дийдорлашаётган йигит-қиз ҳолати:

Унсизгина инграр энг гўзал кеча,
Қизғонар армондан сўнгги дийдорни.
Нигоҳлар нигоҳлар қаърига кўча,
Кучиб рақсга тушар мангу армонни...

тарзида тасвирланади. Бу сатрларда висоли адоқсиз ҳижронга, орзуси мангу армонга дўнган ошиқ-маъшуқларнинг мубҳам руҳияти унсиз мусиқа, ингра-ётган кеча тамсиллари билан ёндош тасвирланган.

Ҳаёт Шодмон инсон сезимларини фолклорга хос қабариқ йўсинда ифодалаш маҳоратига эга бўлиши билан бирга одам туйғуларининг ўта ингичка, бетакрор ҳолатларини ҳам нозик ҳис қилади ва аниқ ифодалай билади. Буни шоирнинг шеърларидаги ***"Қаранг, сокин кечалар – Жунжикиб қолган ўй-лар"***, ***"Куз энамга ўхшар ахир тўйга шайланган"***, ***"Сўнгги нола, чақириқ Юракларни тешади... Бе-шафқат қисмат пишиқ Арқонини эшади"***, ***"Дунё сўрамадим, ўзим бир дунё"***, ***"Яшиндайин кесгим келар осмонни, Сел бўлиб қайтишни истайман ерга"***, ***"Нимам бор – эй кўнгил, ўзингдан бўлак?"***, ***"Топганим айрилиқ, чекканим – озор"***, ***"Суйга-нинг – суймаган қўйнидаги ёр"***, ***"Кўрқмас эдик курашлардан, Кўрқар эдик, қўрқар эдик Кўрқа-ди деб қарашлардан..."***, ***"Бўғзингдаман мендан қутил, Озод этсанг, ўзинг ҳам озод"***, ***"Сурмаган ўйларда қанча ўйлар бор"***, ***"Ноғора чалади бечора жимлик"*** каби бадиий топилма даражасидаги об-разли ифодаларда яққол кўриш мумкин.

Айтилганлардан Ҳаёт Шодмоннинг китобидаги барча шеърлар юксак савиядаги камчиликсиз би-тиклар экан деган хулоса чиқмаслиги керак. Баъзан шоир тасвирга эътиборсизлиги, сўзга бепарволиги сабаб шеърдаги таранглик йўқолади. Баъзан жуда яхши топилган шеърий тимсоллар охирига қадар ишланмай қолиб кетади. Лекин китобга кирган шеърларнинг кўпчилиги хазон билмас гўзаллик чечаклари эканига ишонаман. Бу чечакзор аро сай-рингиз кўнгилли бўлсин!

2011 йил 22 май

МИЛЛИЙ РУҲИЯТ БУЛОҒИ

"Алпомиш" достони ўзбек халқининг руҳий оламини англатиш жиҳатидан тенгсиз бадиий ёдгорликдир. Достон қаҳрамонларига хос туйғулар, сезимлар, кечинмалар, этик нормалар ўзбекнинг томирида, сўнгагида азал-азалдан мавжуд бўлган. Ўзбек яралганидан буён ватаний, маданий ва маслакий ахлоқ нормаларига таяниб яшаб келаётган кўҳна миллатдир. "Алпомиш" достони воқеаларини қаҳрамонларда маслакий ахлоқни шакллантириш ғояси ҳаракатга келтиради, дейиш мумкин. Шундай ёндашилганда асарнинг бадиий моҳияти, қаҳрамонларнинг ҳаётий мантиғи тўлароқ очилади. Шу назар билан қаралса, Алпомишнинг "ўқ ўтмас", "қилич чопмас", "сувга чўкмас"лиги сабаби унга Яратганнинг назари тушганидан экани англашилади. Бу хил ёндашувсиз оёқларига мих қоқилиб, чандиб ташланган Бойчиборнинг ечилиши, қўл-оёғи тошга боғлаб қўйилган Қоражоннинг озод бўлиши тушунарсиз эди.

Алпомиш имон кишиси бўлгани боис уни умид ва ишонч ҳеч қачон тарк этмайди. Беш юз аравада тош билан уни тириклай кўмиб ташлаш ҳақидаги буйруқни эшитганда ҳам ўзини йўқотмаслиги имонининг мустаҳкамлигидан далолатдир. Унинг назарида: *"Худодан беамр ишлар бўлама, Ажал етмай бунда чибин ўлама"*.

Алпомиш таваккал қилғувчидир. У жонини қутқаришдан кўра, орини сақлашни кўпроқ ўйлайди. Алпомиш жоннинг асл эгаси борлигини билади ва унга таваккал қилади. Ор-номусини эса фақат одамнинг ўзи сақлаши керак деб ҳисоблайди. Алпомиш – фавқулодда жисмоний куч эгасигина эмас, ғайб қудратидан қувватланадиган шахс ҳам. Шу боис асар

сюжети давомида у бир текисда ҳаракатланмайди. Қай бир ўринларда ғоят қудратли, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтадиган жўмард, қай бир кезларда эса ожизу нотавон киши сифатида намоён бўлади. Бу тасвирдаги ноизчиллик эмас, балки қаҳрамоннинг қисматидаги мураккабликларни ҳаққоний акс эттириш натижасидир. Чунки тақдир одамни ҳамиша ҳам бир хилда ёрлақайвермайди. Одамни синовлар тоблаб, азоблар поклайди. Назаркарда шахсларга синовлар орқали покланиш имконияти кўпроқ берилади. Одам дунёга фақат синов учун келади ва унинг кечирган ҳар бир куни синовдир. У синалгани сари покланади, поклангани сари юксалади, юксалгани сари одамийлашиб боради.

"Алпомиш" достонида ўзбек маслакий ахлоқини тайин этиш учун кураш, миллат эътиқодини шакллантиришга асос бўладиган мафкурани белгилаш йўлидаги уриниш акс этгани тан олинса, Ойбарчинга харидор бўлган Қоражоннинг кутилмаганда исломга кириб, Ҳакимбекка дўст тутиниши сабаблари англашилади. Акс ҳолда, Қоражон ўз оғаларига қўл кўтарган бирodаркуш, ватан душманига ёрдам берган хоин саналади. Боболар Ҳақ йўлига кирган, буюк исломий эътиқодни танлаган киши учун қон яқинлигидан кўра имон яқинлиги муҳим эканлигини яхши билганлар ва достонда маҳорат билан акс эттирганлар.

"Алпомиш" достонида ватан устида юриладиган шунчаки бир тупроқ эмас, у одамнинг руҳи, кўнгли ва сезимларига кўчиб ўтгандагина миллат аҳлида ватаний ахлоқ шаклланиши акс этган. Достонда Ватан ва ватандош тушунчалари бир-биридан айрилмас қадриятлар экани маҳорат билан тасвирланган. Қалмоқнинг лашкарини енгиб, ҳукмдорини ўлдирганига қарамай, бу юртга ҳоким бўлишни истамаган, ҳар дақиқада ота юртига талпинган Алпомиш ватан кўнгилда бўлиши лозимлигининг ёркин

ифодасидир. Юрт одамнинг ташқарисидан унинг ичига кўчиб, моддий тушунчадан руҳий қадриятга эврилсагина Ватанга айланиши мумкинлиги ўз ота юртини қўйиб, дўст юртини ошён тутган Қоражон тимсолида ёрқин акс этган.

"Алпомиш"да ўзбекнинг юксак даражадаги маданий ахлоқи ҳам маҳорат билан мукаммал тасвирланган. Барчин тимсоли ўзбек руҳиятини акс эттириши жиҳатидан айрича аҳамиятга эгадир. Қизнинг теран ақл, баланд ғурур эгаси эканлиги, шу боис ўзига ҳам, ўзгага ҳам юксак талаблар билан ёндашиши асарда жуда таъсирли ифодаланган. Ойбарчин – барча ақлли одамлар сингари мураккаб табиатли. Турли вазиятларда унинг табиатидаги турфа жиҳатлар намоён бўлади. Унинг қалмоқ юртига кўчишдан норози бўлиб, ***"Хотин бўлмасмикин эрнинг вазири"***, – дея онасига иддао қилишида отасига юрак ютиб норозилик билдиролмайдиган ўзбек қизи руҳияти акс этган. Чунки у ота ҳамиша улуғ саналадиган, ундан камчилик ахтарилмайдиган, тутумлари муҳокама этилмайдиган муҳитда ўсган. Айнан шу боис отасининг оғир ҳолатга тушиб қолишини ҳазм қилолмайди. Ҳеч қачон, ҳеч кимдан шашти қайтмаган Бойсари қизига совчи бўлиб келган қалмоқларга жавоб беролмай оғир аҳволда қолганида, Барчин улардан тап тортмай, бутун жавобгарликни ўз зиммасига олишдан чўчимайдиган жасур қиз эканини кўрсатади.

Ойбарчин орқаваротдан олти ойлик масофадаги келиш-келмаслиги номаълум қаллиғини "тўрам" деб улуғлайди, унга садоқат кўрсатади. Аммо ҳатто хатида ҳам буни Алпомишнинг ўзига билдирмайди. Алпомишга битилган мактубда ўзбек қизининг маънавий қиёфаси яққол кўринади: ***"Олтойчалик йўлга келдим, тўқсон алпга той-талашда қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни***

берсин". Шу қисқагина мактубда ҳам хавотир, ҳам ноз, ҳам ғурур, ҳам умид, ҳам кўнгил майли акс этган. Бу тасвирларда кимгадир аташтирилган ўзбек қизи қаерда бўлса ҳам ўзини боши боғлиқ, эгали санаши акс этган.

Боболарнинг бадиий даҳосига тан бериб айтиш керакки, достонда бирор персонаж ўз табиатига тўғри келмайдиган ҳаракат қилмайди. Алпомиш Барчиннинг хатига дастлаб: ***"Олтойчалик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз деб сандираб ўламизми?" – деб хатни тиззасининг остига босиб ўтирди***" тарзида муносабатда бўлади. Ҳакимбекнинг узоқдаги қиз илтижосига бу қадар лоқайдлиги сабаби қаерда? Достонда Алпомиш билан Барчиннинг бир-бирига ўтли муҳаббат қўйгани тасвирланмаган. Алпомиш – ғоят улкан вужуд, беадад куч, шунга яраша, чегарасиз сабр эгаси ҳам. Шу боис у ҳадеб кўтарилавермайди, бўлар-бўлмасга ёниб кетавермайди. Алпомиш кўпчилик ўзбек эркаклари сингари, гарчи аташтирилган бўлсада, Барчинга севикли ёр, изтироб чекаётган асира деб эмас, шунчаки бўлажак хотин сифатида қарайди. Шу боис дастлаб қимирлагиси ҳам келмайди. Унга айнан қимирлаш малоллиги сабабли Ойбарчиннинг хатини ташлаб юбормайди, чўнтагига солиб қўймайди, балки тиззаси остига бекитади. Қимирлаш учун у хат замиридаги асл трагик моҳиятни ҳазм қилиши даркор эди.

Оғасининг табиатини пухта биладиган Қалдирғоч Ҳакимбекнинг беадад улкан гавдасинида ўртайдиган, ўтда ёнмайдиган терисинида тешадиган сўз айтмаса, уни безовта қилиш, ҳушёр тортириш мумкин эмаслигини билгани боис: ***"Ака, айтган сўзим оғир олмагин, Нармода ишини бунда қилмагин"***,– дейишга мажбур бўлади. Сингилнинг бунчалар кескин гаплари бугуннинг кишисига ға-

лати туюлиши мумкин. Аслида, ўзбек аёллари қадимда ор-номус тўғрисида эркаклардан кўпроқ ўйлаганлар, бутун ҳаётларини шунга бағишлаганлар. Ўзбек қизлари ҳаёт лаззатларидан, жисм хоҳишларидан баланд туриб, ҳамиша ўз нафслари устидан ғолиб келиб, орни сақлаб яшашганлар. Шу сабаб бу ақидаларининг салгина бўлсада бузилишига тоқат этолмаганлар. Қалдирғочнинг акасига оғир сўзларни тиккалай айтиши шундан. Сингил учун оға номус қўриқчиси бўлганлиги билан қадрли.

Одатда, шахсий ҳаёти деярли бўлмайдиган ўзбек қизининг шаддодлик қилишга, эркакни фаолиятга ундашга ҳаққи бор. Чунки у бир умр эркак учун яшайди. Қизлик уйида отаси ва ака-укаларининг юзини ерга қаратмаслик учун, ўзи оила қургач эса, эри-ю фарзандларини уятга қолдирмаслик учунгина ҳаёт кечиради. Шу боис эркаклардан чин эркаклик талаб қилишга, ҳаммадан олдин, аёл ҳақлидир. Аёл қалбини ўртаган, унинг туйғуларини жунбушга келтирган номус туйғусидан чиққан аланга ҳар қандай лоқайдлик, хотиржамлик, эринчоқликни куйдириб юборади. Аммо Алпомиш бу гапларни унчалар англамайди. Чунки у – оғир тош. Унинг силжиши қийин. Силжигач, тўхтатиб бўлмайди.

Ўзбекнинг ҳаётида аёл ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбек аёли – ақли, вафоси, кечиримлилиги ва ожизлиги билан қудратли. Эркак билан талашиб тортишмаслиги, тенглик даъво қилмаслиги билан деярли ҳамиша хўжасини етовида тутади. Оммавий феминизация ва жинслар ўртасида ҳуқуқий тенглик мавжуд Ботиш элларида аёллар эрларини айтганларига деярли юргизолмайдилар. Чунки улар эрларга ҳукмларини ўтказмоқчи, ҳақ эканликларини исботламоқчи бўлишади. Тенг бўлгани учун уларнинг интилиши зуғумга ўхшаб кетади ва қаршиликка дуч келади. Ўзбек аёли эса мавқе талашмайди, тенглик даъво қилмайди. Ўзини ожиз кўрса-

тиб, эрига сездирмай таъсир ўтказади. Шу боис ҳам ўзбек оиласида, деярли ҳамиша, аёлнинг айтгани бўлади.

Достонда акс этган миллат маданий ахлоқига хос яна бир жиҳат шундаки, ўзбекда ҳеч қачон оврўпоча маънодаги қул бўлмаган. Бизнинг миллатимиз бундай ижтимоий табақани билмайди. Қадим боболар қул сақлашмаган. Ўзбек қулни ҳам "қулим" демаган, уни ўзига тенг кўрган ёхуд ўзини тенг кўргандай тутган. Буни Алпомишнинг хизматкори Қултойга айтган: *"Сен эшитгин мендай ўғлинг сўзини, Ажратиб келайин бийнинг қизини. Сачратиб борсам миниб бир тулпор, Ўзима ёр, бобо, сенга хизматкор"*,- сўзларидан билса бўлади. Фақат ўзбеккина уни калтаклаётган қулига қарата: *"Ўзимга ёр, бобо, сенга хизматкор"* келтираман деб айта олади. Чунки бизда ёши улуғ одам қул бўлсада, улуғ ҳисобланаверади.

Туғма ижодкор бўлгани учун ҳам ўзбек ишора билан фикрлайди, рамз билан ифодалайди. Рамзу ишора – ижоднинг боши. Ҳаётни боридай акс эттирувчи сўз ҳали бадиий ижод эмас. Таъсирли, ҳиссий сўзгина ижод саналади. Ўзбек, кўриниб турган ёқимсиз реалликни тилга олгиси, сўзга айлантиргиси келмайди. У ёмонликнинг ўзидан ҳам кўра отидан кўпроқ қўрқади. Ўзбекнинг андишали эканлиги сабаби шунда. Ёмон сўз ёмонликни чақиради деган қўрқув ўзбекларни шапшакликдан, тўғри гап деб оғзига келганини айтаверишдан сақлайди. Бу ҳол кўп нозик вазиятларда имо-ишора билан кифояланишни талаб қилади. Алпомишнинг: *"Кўккамиш кўлидан суқсур учирдим, Суқсурни излаган лочин бўламан... ...Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган, Шул галада бизнинг бир моя келган, Моянинг йўқчиси, нори бўламан"*, – деган сўзлари бу жиҳатдан диққатга моликдир. Алпомиш суйгулисини *"суқсур"*, *"моя"*, ўзини эса *"лочин"*, *"нор"* деб атайди.

Бу тасвир қадим боболарнинг ўзбекча фикрлаш йўсини ифодасидир.

Достонда тасвир ингичкалиги, руҳият драматизми, вазият таранглиги авж нуқтада берилиши, ўзбекка хос юксак маънавий фазилатларнинг бўртиқ кўрсатилиши жиҳатидан Алпомиш ва Кўкалдош олишуви тасвири тенгсиздир. Ҳолат ифодаси, айниқса: "***Ҳарчандки чирпинди Бойсиннинг хони, Йиқмоққа келмади бекнинг дармони***" сатрларида ёркин чизилган. Сўзнинг қўлланилиши ғоят эътиборга молик: "чиранди", "уринди" ёки "тиришди" эмас, айнан, "*чирпинди*". Бу сўз астойдил курашаётган ва ҳарифини енголмаётган Алпомиш ҳолати учун махсус яратилгандай. Бу сўз курашаётган кишининг бор кучини тўплаб рақибини енгишга сўнгги имкониятларини сарфлаётганини билдиради. Асарнинг: "***Иккови қайтмасдан майдон қилади, Жон бозори кўп олишиб туради***" сатрлари вазият шиддати ва таранглигининг энг муносиб ифодаси бўлгани унинг таъсир даражасини неча бор юксалтирган. Майдондан фақат бир кишининг тирик чиқиб кетишини бўйинларига олган курашчилар ҳолати учун "*жон бозори*"дан кўра муносиброқ ифода топиш мумкин эмас. Ўрнида қўлланилгандагина бадиий сўз қудрати тўлиқ намоён бўлади. Достонда ўзбек учун орнинг ҳаётдан қимматроқ экани Барчиннинг Алпомишга мурожаатида жуда бўртиқ акс этган: "***Қизлар сизни нармода деб айтади, Қизларнинг айтгани менга ботади. Мардлар олишмайди, силтаб отади, Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади***". Алпомишга ғайрат, шиддат етишмаётганини тўғри англаган, бўшангликни йигит кишига ярашмайдиган сифат деб ҳисоблайдиган Ойбарчин айнан аччиқ гаплари билан алпга кўмак беради. Чиндан-да ёрнинг ўтли сўзлари Алпомишни "*шердил*" қилиб юборади ва ғалабага олиб келади.

Достоннинг айни шу ўринларида ўзбек қаҳрамонларига хос жиҳатлар бўртиқ акс эттирилган. Ал-

помиш фақат билагида куч кўплиги учун эмас, руҳи бақувватлиги, эзгу ва юксак туйғуларга эгалиги учун ғолиб бўлди. Унинг маънавий таянчи – имони, йўқотадиган жонидан-да азиз нарсаси – ори, бутун ҳаётини тиккани – гўзал ёри борлиги ютуқлар омили бўлди.

"Алпомиш" достонида тасвирланишича, ўзбек руҳни кўтарадиган, кўнгилни сурурга тўлдирадиган кунлар, онлар учун яшайди, бундай пайтларга бир умр ҳозирлик кўради. Очундаги бошқа халқларнинг прагматик мантиғи учун бу ҳолат тушунарсиз бўлиши мумкин. Аммо ўзбеклар учун бундай тутум мантиққа мувофиқ ва тушунарли. Ўзбек яшаган кунларининг ҳаммасини ҳам умр ҳисоблайвермайди. Шунчаки кечирилган кунлар жуда кўп бўлади, лекин улар эсда қолмайди. Порлоқ, шавқли дақиқалар эса камгина, саноқли. Ўзбек ўша саноқли лаҳзаларни эсда қоладиган қилишга, хотирага михлашга уринади.

"Алпомиш" достонида ўзбекка хос маданий ахлоқнинг юксак тасвирлангани асар қаҳрамонларининг амалларигина эмас, балки ўйлари ҳам нозик ҳисобга олинганида намоён бўлган. Бойсунга қайтаётган ўзбеклар ортидан қалмоқ лашкари урушмоқ учун келганда, Алпомиш Қоражоннинг ўз элига қарши қўл кўтаришига йўл қўймайди. У дўстининг қўли ўз юртдошлари қонига бўялишини истамайди. Ҳолбуки, Барчин қўйган шартларни бажариш учун бўлган олишувларда Қоражоннинг нафақат қалмоқлар, балки ўз оғаларига қарши боришига Алпомиш тўсқинлик қилмаганди. Ўзбекнинг ахлоқида тўданинг истаги билан элнинг иродаси бошқа–бошқа нарсалар экани аниқ ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам Алпомиш Қоражоннинг қалмоқ элига қарши курол ўқталиши, уларнинг қонини тўкишига йўл қўёлмайди.

"Алпомиш" – ўзбекка хос асл маънавий фазилатларни ифода этиши жиҳатидан мислсиз ҳодиса. Дос-

тон қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, ўй-хаёллари ва тутумларини баҳоламоқ учун улардай эзгу фикрлар, тўғри амаллар, тоза туйғуларга эга бўлиш керак. Шунинг учун ҳам бугун Алпомишнинг зиндондан Қоражон ёрдамида чиқишни ор билиши тушунарсиз туюлади. Бугунги киши учун восита эмас, мақсад – муҳим. Аждодларимиз учун эса юксак мақсадга элтадиган воситанинг поклиги ҳам муҳим саналган. Шу сабаб Алпомиш ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмай эркин юра олишни озодликка чиқишдан заруррок билган.

Достондаги тасвирларга эътибор қилинса, деярли барча қаҳрамонлар ўзларини эмас, ўзгаларни ўйлаб иш тутганликларини кўриш мумкин бўлади. Чунки ўзбек учун атрофдагиларнинг фикридан, қарашларидан баландроқ қадрият йўқ. Ўзбекни ўзи учун деярли яшамайди дейиш мумкин. Миллатдошларимиз ҳар бир хатти-ҳаракатини ўзгалар назари билан ўлчашга, босган қадамида бошқаларнинг хоҳиш-иродаларини ҳисобга олишга уринадилар. Оламдаги аксарият миллатлар, биринчи навбатда ўзларини ўйлаганлари боис шароитни ўзларига мослаб олишади. Ўзбеклар, аввало, ўзгаларни ўйлагани учун ҳам ўзлари шароитга мослаша қолишади.

Хуллас, "Алпомиш" достони умумўзбек руҳиятини илғаш ва акс эттириш жиҳатидан ўхшаши йўқ эстетик ҳодисадирки, асарнинг бадиий қатламларига чуқурроқ кириб бориш миллатнинг руҳий дунёсини теранроқ англаш, унинг бугунги умуминсоний маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган жиҳатларини бехато аниқлаш имконини беради.

2011 йил 14 октябр

ЭЗГУЛИК ИСТАГИ

Билимдон олим, шоир ва ёзувчи Файзулла Салаев адабиёт аҳли орасида унча таниқли эмас. Бунга унинг ўзига ҳаддан ортиқ талабчанлиги сабаб дейиш мумкин. Мамлакат бошкентидан узоқда Нукус давлат университетида ўзбек мумтоз адабиётидан сабоқ берадиган доцент Ф. Салаев серқирра ижоди билан алоҳида эътибор ва эътирофга лойиқ. У – мумтоз адабиётнинг катта билимдони, замонавий ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойилларини янглишмай тайин этадиган мутахассис, касбдоши Гулмирза Қурбонниёзов билан шерикликда "Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги"дай салмоқли луғатнинг тузувчиси, қатор бадиий асарлар муаллифи. Файзулла – бадиий ижод билан ёшлигидан ошно. 1964 йилда ўн тўрт ёшида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика танловида шеър ва ҳикоялари билан биринчи ўринни эгаллаган, талабалик йилларида битганлари республика матбуотида бот-бот чоп этилган бу ижодкор ҳанузга қадар ёзган шеър, ҳикоя ва қиссаларини алоҳида китоб ҳолида бостирмаган.

Маълумки, қоғоз қоралаганларнинг ҳаммаси ҳам ёзувчи, босилиб чиққанларнинг бари ҳам бадиий асар бўлавермайди. Буни яхши билган Файзулла Салаев сўзга эҳтиромли ёндашиб, салмоқли юк орта билиши ва унинг ёрдамида ёркин руҳият манзаралари чиза олиши билан эътиборни тортади. У ёшликдаги битикларининг бирида суйганига интиқлик ҳолатини қуйидаги йўсинда тасвирлайди:

Мен бир кунни кутиб яшайман,
Ўшал кунда бахтим кўкида

Қуёш эмас, ўзинг балқийсан.
Мен бир тунни кутиб яшайман,
Ўшал тунда толеъ уфқида
Оймомамас, ўзинг қалқийсан.
Мен бир онни кутиб яшайман
Ўшал онда киприкларинг тарар
Кўзларим нурин...

Барча инсоннинг, айниқса, ошиқ аҳлининг ёри умиддир. Лекин чин истеъдод эгасигина кўп таркибли ўта мавҳум бу тушунчани шу қадар сезимли, юқумли ва таъсирли моддийлаштира билади.

Бошқа бир шеърида ошиқ-маъшуқларнинг вужуд ва кўнгиллари эришолмаган висолга уларнинг хаёллари етишишини орзулаши тамомила оригинал тарзда ифода этилади. Унда кутилмаган фикр тутилмаган йўсинда ифода этилади:

Деразангни очиб қўй, эркам,
Роз айлашсин ҳар икки хаёл.
Ҳа, лоақал уларга бўлсин,
Бизга насиб этмаган висол.

Айрилсада суюклини унутолмаслик, ҳамиша уни ўйлаш – чин ошиқларнинг доимий қисмати. Чинакамига севган киши ўзиники бўлмаган суюклини ҳам аяйверади, қизғанади, унинг ҳаёти шодон, йўли равон бўлишини истайди. Бу ҳолат севги қалбни олижаноблаштириши белгисидир. Ф. Салаевнинг поэтик битикларидан бирида муаллифнинг шундай тутуми қуйидаги шаклда акс эттирилади:

Билмам, қай сўқмоқлар ютар изингни,
Кимлар эшитади қўшиғинг, оҳинг?
Билмам, қай манзара ўпар кўзингни,
Оғритмасми улар нигоҳинг?

Ижодкорнинг ўзига хослиги айни шундай сатрларда намоён бўлади: бунда суюклининг кўзи ман-

зарани кўрмайди, балки манзара унинг кўзини ўпади, нигоҳ қадалмайди, билъакс манзаралар маъшуқа нигоҳига ботиб, уни оғритиши мумкин. Парадокс кўринишдаги бу куюнчак сўроқлар муҳаббатнинг миқёси нечоғлик улкан эканини кўрсатишга хизмат қилади. Бир замонлар улуғ Фузулий: "***Азизим, бахтиёрим, Кўнглимнинг тахти ёрим, Юзингда кўз изи бор. Ким сенга боқди, ёрим***", – дея парадоксал нола қилиб, шеърхонларни ҳайратга солган эди. Файзулла ўз битигида тасвир инжалигини янада оширишга уринади.

Файзулла Салаев яхшигина носир ҳам. Қўлингиздаги "Қайтинг, булбуллар" китобчаси у ёзган насрий асарларнинг бир қисми, холос. Унга кирган қисса ва ҳикояларда, аввало, муаллифнинг ўзи яхши билган нарсалар ҳақидагина ёзиши кўзга яққол ташланади. Ёзувчи юрт табиатини яхши билади ва яхши кўради. Шу боис бу тўғрида ўзгача меҳр билан ёзади. Ҳикоялардан биридаги: "***Бу йил табиатнинг сахийлиги тутиб, куз умрини роса узоқ қилди. Тўқайзору қамишзорлар, қайирлардаги қиёқзорлар, қайчийўл ёқаларидаги ўт-ўланлар бир-бирлари билан ранг талашиб, ҳусну тароватини намойиш қилишга улгурдилар. Беармон етилганидан хонтангадай қизғиштоб бир тусга кирган тўронғил барглари енгил эпкинда пирпираб, кўзни қамаштиради. Турли буталар билан бўйлашган қамишлар попукларини байроқ қилиб, сирли бир оҳангда шивирлашади***" тасвирлари ана шу муҳаббатнинг моддийлашган ҳолати. Уларда муаллиф табиатга шоирона ёндашиб, уни эстетик ҳодисага эвира билган.

"Қопқон" ҳикоясидаги: "***Ўқ парвоздаги қушга отилди, лекин тегмади. Ўқ сасининг бирданига осмонни тутиши тепага – учар қушга отилганидан дарак. "Пақ" этиб тўхтаб қолмай, чўзилиши, акс-садо бериши – ўқнинг ўлжага тегмаган-***

лигидан дарак... Тўқай ичкарисида яна ўқ овози янгради: "Пақ!" Бу сафар акс-садо бермади, ўқ тегди. Бутун борлиқ бир сесканиб тушди..." йўсинидаги манзараларда муаллифнинг табиат ҳодисаларига тегишли ҳолатларни қанчалик пухта ва жонли тасвирлай билиши намоён бўлган.

Ф. Салаевнинг кўпчилик пейзажчи ёзувчилардан фарқи шундаки, у табиатга одамга хизмат қилиши керак бўлган яратиқ сифатида ёндашмайди. Балки табиатнинг ўзини алоҳида бир мустақил қадрият санайди. Шундан келиб чиққан ҳолда одамнинг одамийлик даражасини унинг табиатга муносабатига қараб тайин этишга уринади. Битганларида табиатга истеъмолчи кўзи билангина қарайдиган кимсалар "Қўнғиркузнинг бир куни" ҳикоясидаги Карим муаллим ва Мадрайим буғолтир каби одамларни ҳам фақат восита деб билишини кўрсатади.

Тўпламчадаги "*Бувам "ҳали сен қизмидинг" дегандек қизга бир назар ташлади*" ёки "*Унинг лабларида табассумга ўхшаган енгил бир тўлқин кезинар, Дармон опанинг юз-кўзида ҳам қандайдир бир ёқимли ёғду бордай эди*" каби тасвирларда тимсолларнинг сирти эмас, ички олами намоён бўлиши, улар ёрдамида ахборот беришдан кўра муносабат уйғотиш етакчилик қилиши билан ўқирманга кучли таъсир кўрсатади ва бу ифодаларнинг эстетик қимматини оширади.

Китобдаги бир қатор ҳикоялар бола тилидан битилган. Муаллиф бола руҳиятини, унинг фикр қамрови ва йўналишини яхши билади. Шунингдек, бола феълу хўйини тасвирлар экан асло уни идеаллаштириб, камчиликсиз кўрсатишга уринмайди. Шунинг учун ҳам одамлар орасидаги муносабатлар чигаллигини тушунолмаган болакай Раҳматнинг гапу қилиқлари ўзига мос йўсинда тасвирланади. Ёзувчи сўзни исроф қилмасликка, кам сўзга кўпроқ мазмун юклашга интилади. Ҳикояда Раҳматжон ти-

лидан: ***"Меҳмонлар қатиқ ичишгач, гапсиз-сўзсиз чиқиб кетишди"***, – деган ифода берилган. Аслида бу ерда фақат ахборот борга ўхшайди. Аммо синчиклаб қаралса, шу қисқа тасвир замирига тилга олинган тимсолларга муносабат ҳам яширинган билинади. Зеро, ўзбек оиласида қилинган яхшилик учун раҳмат айтилиши ўргатилади. Қатиқ ичган меҳмонлар эса, раҳмат ҳам айтмай, чиқиб кетишгани Раҳматжонда шу қилиққа яраша муносабат пайдо қилди. Тўғри, бу муносабат ҳали ўз шаклига эга эмас, аммо борлиги аниқ.

"Қамиш қайиқчалар" ҳикояси қаҳрамони бешинчи синф ўқувчисининг хиёнат туфайли изтироб чекаётган қизни овутиш учун кўрган чораси: ***"Кўз олдимда уйи олдидаги пояпул ёнида сувга термулганича паришон ўтирган Дармон опа гавдаланади. Акамнинг юбормаслигига аниқ кўзим етгач, ўзим оқиздим қамиш қайиқчаларни. Эртасига ҳам, индинига ҳам..."*** тарзида ишонарли ва таъсирли тасвирланади. Бу тасвирлар ўсмир вужудида ҳамдард кўнгил шаклланаётганини кўрсатади.

Камсуқумлиги, андишали экани сабаб катталарнинг золимлигига қарши чиқолмай, ночор ҳолатга тушган ўспирин Ботирнинг изтиробли ўй ва тутумлари ҳам жуда табиий ҳамда ишонарли тасвирланган. Бу тимсол тасвирида ўспиринга хос хусусиятлар намоён бўлгани муаллифнинг болалик даврининг турли босқичларидаги руҳий жилваларни маҳорат билан тасвирлай билишидан далолатдир.

Қўлингиздаги китоб тилининг ширали экани, Амударё бўйларида яшайдиган аҳолига хос маҳаллий колоритни бера олиши, тасвирларнинг ёркин ва бўртиқлиги билан эътиборни тортади. Тўпламдаги асарларда адабий тилимизда бўлмаган бир кўп шева сўзларининг ўринли қўлланган ўқирман кўнглига хуш келади. Муаллиф "велосипед педали" бирикмаси ўрнига "велосипед попишаги", "толзор"

ўрнига "толлик", "ёлғизоёқ кўприк" деган ўнғайсизроқ ифода ўрнига "пояпул", "конверт" деб қўлланилиб келадиган бегона сўз ўрнига "лапа", "хўрсиниқ" ўрнига "сўлиқ", "тамба устидаги йўл" ўрнига "қайчийўл" сингари бир қатор хоразмча сўзларни қўллайдики, бу асарларга ўзгача тароват бахш этади.

Тўғри, ушбу китобчадаги битикларда ҳам хирароқ тасвирлар, қиёмига етмаганроқ ифодалар, тўлақонли очилмаган тимсоллар йўқ эмас. Аммо улар китобнинг асл қимматини йўққа чиқара олмайди.

Умид қиламизки, эътиборингизга ҳавола этилаётган "Қайтинг, булбуллар" тўпламидаги асарлар билан танишиш кўнгил боғингизга эзгулик булбуллари сайроғини олиб киради. Булбул чаҳ-чаҳига макон бўлган жойда эса одамийлик чечаклари очилгусидир.

2011 йил 4 ноябр

ПОРЛОҚ ҲАЙРАТЛАР ЧАҚИНИ

Чин шеър ҳамиша тоза туйғудан туғилади. Тоза туйғу эса ойдин тафаккур ва порлоқ ҳайратлар мевасидир. Ўйчил ойдин, таниқли журналист Карим Баҳриддин болалик йилларидан шеър ёзар, аммо уларнинг босилиб чиқишига кўпда қизиқавермасди. Ниҳоят, шоир ўзининг поэтик яратиқларини бир китобга йиғишга жазм этибди. Қўлингиздаги тўпламда Карим умр бўйи ёзган шеърларидан саралари ўрин олган. Бу шеърлар шоирнинг болалик, ўспиринлик, йигитлик, балоғат босқичларида туйган чин ҳайратларидан юзага келган порлоқ шеърий чақинлардир.

Болалик ҳайратлари

Бадиий адабиётда ҳар қандай ижодкор, ҳатто, фантаст ёзувчи ҳам бир умр ўз болалигини ёзади деган қараш бор. Бу қараш ижодкор руҳоний дунёси шаклланишида болалик хотиралари ҳал қилувчи ўрин тутишидан келиб чиққан. Шоир Карим Баҳриевнинг қўлингиздаги китобида ҳам турли йилларда яратилган, аммо бевосита болалик хотираларидан сувланган бир қатор шеърлар бор. "1962 йил 2 январ" деб аталган шеърда шоир ўзининг дунёга келиш ҳолатини манзаралаштирган. Шеърда ўғил кўриб, элга тўй беришидан кўкраги кўтарилган ота, ўз бахтидан уялаётган она, чақалоқ туғилганидан қувонаётган яқинлар ҳолати жонли чизилган:

Замҳарир қиш тиш қайраган чоғ
Бир кишига кўпайди дунё.
Йўқ, ўрнидан қўзғолмади тоғ,
Ўзанидан чиқмади дарё.

Отам хурсанд, уялар онам,
Мен йиғлардим, ҳамма куларди.
Тоғ ўрнидан қўзғолмаса ҳам
Бир силкиниб қўйса бўларди.

Ўзининг дунёга келиши шарафига тоғнинг қўзғолмагани, дарёнинг ўзанидан тошиб кетмаганидан бир оз оғринган шоир мавжуд ҳолатни шунчаки қайд этиб қолмай, *"дунёни бир кишига кўпайтган"* шахснинг моҳиятини идрок этишга интилади:

Кўзларимни ҳайрат-ла очдим:
О, поёнсиз, нотаниш олам!
Бахтни севиб ортидан чопдим,
Мени эса севиб қолди... Ғам.

Очуннинг мураккаблиги, унинг бола кўзига кўринганидай жўн эмаслигини шоир: ***"Бахтни излаб мен тополмадим, Лекин мени излаб топди Ғам"*** йўсинида ифодалайди. Карим бежизга мисра сўнгида келган "Ғам" сўзини бош ҳарфларда ёзмайди. Имло қоидаларини бу тарзда бузиш олам ва ўзини англамоқчи бўлган инсон ҳаётида ғамнинг кўлами қанчалигини туйдиргандай бўлади.

Карим Баҳри 1979 йилда ёзган илк шеърларидан бирида: ***"Руҳим, хатарлидир бу қўрқиш, ётаверсин уйқуда титроқ, Орзу – қанотлари учқур қуш – парвоз қилур тобора тикроқ"***, – дейди. Ана шу иқрорда бўлажак ижодкор шахсиятига хос максимализм, юксак туйғуларни баланд пардаларда куйлашга интилишнинг илк илдизи намоён бўлган.

Каримнинг ўн етти ёшида ёзган "Ургут ҳақида қўшиқ" шеърида юртнинг тоғи, чинори, музли қиши, гўзал кўклами, алвон чечаклари, чўнг чўққилари, тоза шамоллари ўспиринлик ҳайратлари оғушида тасвирлангани ҳолда ватан туйғуси балоғат ёшидаги шахсникидай ифода этилади: ***"Севмай бўлмас ёниб, ҳайқириб, кучоғини тарк этган ку-***

нинг – соғинчлари қайтарар тирик, армонлари ўлдирар унинг". Каримнинг ўспиринликдаги шеърларида юрт бор-у, юртдошлар кўзга ташланмайди. Зеро, шоир ҳали Ватанни ташқаридаги тупроқ тарзида тушунади. Улғайгани сари унинг руҳият мулки кенгайиб, миллатдошлар ҳам шоирнинг ватан англамидан чиқмас бўлиб жой олади.

Каримнинг 1979 йилда ёзилган бир шеъри: "***Ачинмасман вақт, ҳавасларга, Ачинаман... ёнолмасларга***" сатрлари билан тугайди. Вазну оҳанг борасида сакталик сезилиб турган бу шеър туйғулар самимияти ва ниятнинг улканлиги билан ўзгача қиммат касб этади. "Уйғониш" шеърида кўкламги янгаришларнинг ўн олти ёшли ўспирин қалбига яшинвори таъсири "***Энди бўлмас хонада ётиб, Кўчаларга отаман ўзни. Орзу қўймас юракка ботиб, Ўтли сўзлар ёқар бўғизни***" тарзида тасвирланади. Бўлажак шоирнинг безовта юрагидаги ўтли сўзлар алангаси тенгдош ва замондошлар руҳияти пучмоқларини ёритишга қаратилган.

Севги ҳайратлари

Чин шеърият ҳамиша ишқ сурури ва айрилиқ азобларининг изҳоридир. Ушбу китоб ҳам бу туйғу ифодасидан холи эмас. Карим Баҳри ўн беш ёшида ёзган бир шеърини: "***Бевафолик қилсанг бир кун, водариғ, Қарғишим шу: урса, сени ишқ урсин!***" тарзида якунлайди. Қарғиш либосидаги бу олқовда севган кўнгил ҳолати самимий акс этган. Юртнинг гўзаллигидан туғилган узлуксиз ва давомий ҳайратини шоир бир тўртликда худди бир қўшма гап сифатида ёзади. Тиниш белгиларини ҳам шундан келиб чиқиб қўллайди. Бу ҳол ошиқ юрак кечинмалари таъсир даражасини оширади:

Бунда тунлар энг митти терак
ўсавериб юлдузга етар;

қувончига чидолмай куртак
новдаларда ёрилиб кетар.

Юксак туйғулар оғушида маст шоирни фақат: ***"мен севган шу тилсимли дунё кирмас сенинг тушларингга ҳам"***, – деган хавотиргина безовта қилади. Шоир кўнглига жойланган оламнинг жаннатий гўзаллиги ҳолатини суюклиси туймай қолишидан чўчийди.

"Ишқ марсияси" шеърида туйғуларини севгилисига билдирмагани боис унинг висолига етолмаган ошиқ руҳиятининг қон тусидаги қонсиз фожиаси таъсирли чизилади: ***"Нега кулай десам, сизиб чиқар ёш? Нега оҳ чекканда, сачраб кетар қон? Ахир топганим йўқ сизни қаламқош, Йўқотганим ҳам йўқ, демак, ҳеч қачон"***. Севмоқнинг ўзи мағлублик эканини билган шоир суюклисидан айрилишни тирикликнинг мазмунини йўқотиш ҳисоблайди. Сездирилмасдан туриб, айрилиққа йўлиққан севги эса – даҳшатли фожиа. Чунки севгувчи кўнгилда ишқим жавобсиз қолди деган таскинга ҳам имкон йўқ. Шоир шундай оғриққа йўлиққан юрак эгасининг қонталаш руҳияти манзарасини чизади.

Оламдаги барча ошиқлар учун универсал бўлган ҳолатни: ***"дунёда бахт йўқдир васлингдан бошқа"*** йўсинида оҳангдор тасвирлаган шоир умумий кайфиятнинг хусусий ифодасини топа билади. Шеърда мумтоз лирикамизда бўлганидай: ***"Орзусига етишган барглар хазон бўлиб қулар пойингга"*** каби одатий ташбиҳлар қўллансада, ошиқ-маъшуқа муносабатига ёндашув янгичалиги боис ўзгача таъсир қилади. Шоирнинг ***"Янгиликмас дунёда севмоқ, Айрилмоқ ҳам кашфиёт эмас"*** шаклидаги қаноати ишқ ҳайратлари ифодасининг таъсир кучини оширади.

"Фақат ишқ" шеъридаги: ***"Эй, Худо! Ҳаммаси бунчалар оддий? Бунчалар шунчаки, жўн ва са-***

фосиз?! Тонг отади шундоқ, шундоқ кун ботар, бундоқ тариқарли бу ҳаёт, эссиз?.. нидосида мавжуд ҳолатдан қониқмаган ошиқ юракнинг қутқулари акс этган. Шоир: ***"Бўлиши керак-ку нимадир мангу, Яшаш, ёниш учун муқим бир асос?! Эркинлик қайдадир? Қайдадир ҳурлик? Қайдадир муҳаббат? Қайдадир қасос?"*** тарзидаги саволларга жавоб излайди. Карим олам тартиботларини ислоҳ қилмоқ, уни тоза ва ёниқ юрак талабларига мувофиқлаштирмоқ истайди.

Шоирнинг севги туйғуси – ёниқ ва эвазсиз. Унинг: ***"О, исёнчи кўзлар, покиза чирой, яширдим эл кўриб қотган кўзимдан, Мен Сизни бировга кўрмадим раво, Мен Сизни асрадим, ҳатто, Ўзимдан"*** тарзидаги иқрорида йирик севги туйғуси ёниқ акслантирилган. Унда суюклисини тоза бўлмаган ўз назариданда асраган ошиқ ҳолати қабариқ ифода этилган.

Барча шоирлар каби тушунилиш истаги Карим Баҳрининг ҳам доимий армони: ***"Қалбимга етмади, васлимга етган"***, – дейди шоир ичкин бир дард билан. Каримнинг ошиқона шеърлари муҳаббатгина яшашга арзийдиган туйғу эканини таъсирли ифода этиши билан ўқирман ёдида қолади.

Эрк ҳайратлари

Каримнинг шеърларида "одам", "миллат", "ватан" тушунчалари ҳамиша эрк ва озодлик тушунчалари билан бақамти келади. "Эврилиш" шеърида шароит билан келишишга маҳкум шоир кўнгил ҳолати ***"Бугун ўлтирибмиз чивинни кўриб, Энди кўрқмаса ҳам бўлади биздан"*** тарзида надомат билан ифода этилади. 1983 йилда битилган "Сочимга оқ тушди" шеърида сочга тушган оқ толалар кутилмаган тарзда оригинал талқин этилади. Шоир қора сочга тушган уч оқ толани юртга яширинча кирган

уч айғоқчига ўхшатади. Сочнинг қоралигини, яъниким юртнинг дахлсизлигини сақлаш учун уйғониш лозим деб билган ёш шоир қоракўз ёрга илтижо қилади:

Қоракўз, силагин, тароқ қил кўлни,
Уйғот, қулоғимга сўзла уйғонч сўз.
Бўлмаса, ҳар куни қорасоч элни
Бир-бир йўлдан урар бу учта жосус.

Бу шеърда "уйғонч сўз"га муштоқ шоирнинг эркка талпинган кўнгли истаклари ёркин ифодасини топган.

"Замонавий даҳо" шеърида шоир кейинги вақтда юртдан даҳолар чиқмаётгани сабабини одамлар шахсияти синдирилгани билан изоҳлайди. Қўрқитиб ёки сотилиб синдирилган "даҳо" ҳолати: ***"Унвонни кўтармай бўйни эгилган, Бўйни эгилганга берилган унвон"***, – деб ғоят ўзига хос изоҳланган.

"Амирқул Пўлкан" шеърида қаҳрамон номидан битилган: "***Эрмакка ёзганим йўқ, куйиб-ёниб яшадим***" тарзидаги қаноат шоирнинг ўз битикларига ҳам тегишли. 1984 йилда ёзилган "Тилак" шеърида Карим: ***"Озод Ватаним", -деб куйлайсан, Айтганинг келсин"***, – деб орзуланади. Шоир номсиз бир шеърида миллатнинг уйғониши шундай юз беришини тилайди:

ТЎСАТДАН –
Тарсиллаб ёрилар куртак,
Қизарар уятдан шафтоли гули,
Қарсиллаб ёрилар момогулдурак,
Жарликлар хўрсинар бехос қайғули...

Шеърнинг кейинги уч бандида юқоридаги ҳолатга монанд тарзда кутилмаганда саҳроларда эпкинлар кезиши, асрий қорлардан сув келиши, хумдаги жинларнинг асоратдан қутулиши, девларнинг ғор-

лардан чиқиши, эртаклар бағридан қанотли отлар чиқиб келиши, аёллар беланчакка сиғмас ғўдаклар туғиши, кўр кўзларнинг очилиши, гунглар тилга кириши, музейдаги қиличлар ботирларнинг қўлига тушиши тасвир этилади. Шоир атроф-жавонибдаги бунча ўзгариш миллат руҳигада кўчишини истайди:

Воҳ, охир тугайди минг йилдан буён
Нафасини ютган ернинг жимлиги.
Куртаклар ёрилган шу тонг, ногоҳон,
Халқимнинг ёдига тушар кимлиги.

Карим ватанни эрк билан биргаликда идрок этади. Ватан эркини ватандош ҳурлигида, ватандош озодлигини ватан эркида кўради. Шу боис ҳам "Ватан" сўзи юракларга титроқ солиб, айтган ва эшитган шахсда қутлуғ сезимлар уйғотишини истайди. "Чўлпон дарди" шеърида: ***"Сен "Ватан" деб туриб овқат ютарсан, Мен ютарман қон. Тамаки чекарсан "Элим" деб сўзлаб, Мен чекдим афғон"***, – дейди. Шоирнинг ватаний шеърларида эзгу амалларгина покиза туйғулар уйғотиши жасорат билан самимий куйланади.

Улғайиш ҳайратлари

Китобдаги кўпчилик шеърларда олам ва одам моҳиятини англамоқ истаган шахс руҳияти акс этган. Шоир улғайиб, олам ва одам сир-асрорини илғай бошлаган сари унинг ҳайратлари камайиш ўрнига ортиб боради. У фақат кўнгил истаги ва ҳаяжон етовида ҳақиқатга етиб бўлмаслигини яхши англайди. Шунинг учун ҳам умрини тўрт фаслдан иборат деб билган шоир: ***"уч фасл мен қалбга буюрдим, буёғи куз – буюрар юрак"***, – деган тўхтамга келади ва юраги буюрганини бажаришга аҳд қилади. Тириклик моҳиятини англаган сари ҳаётнинг

жуда кўп ҳолатларида таназзул аломатларини кўргани боис шоирда муаззам Оқсарой қолдиқлари: ***"Сокинман, нафасим ютаман ичга, қаттиқроқ йўталсанг, деворда кўчки, Осмонга термулиб ўлаётган қушга ёрдам беролмайди, наҳотки, ҳеч ким"*** тарзидаги ёзғириш туйғусини қўзғайди.

Карим – йирик сезимларни кўрнакли ракурсларда тасвирлайдиган шоир. Унинг битганларида қувончу изтироб, топишу йўқотишлар ҳам – йирик ва қабариқ. "Қабртошга ёзувлар" шеъридаги бир қадар шафқатсиз ифодалар ана шундай сезимлар натижасидир:

Сен севган ойдай дилбар
Бегонага кулади.
Сен ўрнингдан турмайсан...
Яхшиямки, ўлгансан,
Яхшиямки, кўрмайсан

Ўлганликдан таскин топиш – шеъриятда ғоят кам қўлланиладиган ифода усули.

Шоир умрнинг мазмуни тўғрисида тинимсиз ўйлайди. Унинг бир шеъридаги ***"Куним – кипригимдан томаётган ёш, юрагим – чирсиллаб синаётган тош. Шу тошга бош уриб, бешикдан токим, тобутгача қилурман бардош"*** сатрлари юраги буюрганидай яшашга интилган собир инсон кайфиятини англатиши билан ардоқли. "Сўнгги автопортрет" шеъридаги:

Бош устимда йиғлар аллаким,
шивирлайди оғриниб, эзиб.
Айтганимни шамолга бердим,
ёзганларим юрар юрт кезиб.
Оҳ, биламан, дафтарим ярим
юрагимда қолар бир кўчкин.
Сиз, ёзилмаган шеърларим,
энди сизни ёзмайди ҳеч ким

сатрлари улғайган шоирнинг ҳаёт тўғрисидаги мардона ўйлари ифодасидир.

Ожизлик қудрати

Карим не учундир "Ушшоқ" деб номлаган шеърида оловдай ёниб турган ёш йигит ҳам дунёга боғлаб қўйилмагани, унинг жонида омонат эканини жонланаётган гўзал табиат ва жонсизланаётган йигирма уч яшар йигит ҳолатининг чоғиштирма тасвири орқали ўта таъсирчан акс эттиради:

Шамоллар уйғонди. Барг ҳаяжонда...
Ҳатто ер тагида қўзғолди илон.
Дунё тирилаётган шу тоза тонгда
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Ўнгирларда елар муздай ҳаволар,
Ишқалаб қабоғин кўтарар осмон.
Дунё кўзларини очаётганда
Мен кўз юмайинми, онажон?!

Шеърнинг кейинги бандларида теварак-атрофдаги уйғониш ва жонланиш жараёни билан бемор ўғлоннинг мангу уйқу ва жонсизланиш томон бораётгани бири-биридан таъсирли қиёслар асосида кучайтириб тасвирланади. Шеър: "***Мен ҳали дунёга тўйган йўқ эдим, Дунё тўйдимикин мендан, онажон?***" тарзидаги одам жавоб беролмайдиган нидо билан тугалланади. Шеърда ўлимнинг олдида ожиз эканини англашидан яшашга интилиш кучи пайдо бўлган йигит руҳий ҳолати ишонарли чизилган.

Шоирнинг инсон қудрати унинг ўз ожизлигини сезишда экани борасидаги қаноати негадир бир хилда "Тиловат" деб номланган икки достонида, айниқса, таъсирли тасвирланган. 2007 йилда ёзилиб, "Тунги муножот" ва етти бўлимни ўз ичига олган биринчи "Тиловат" достонида Каримнинг олам ҳодисалари моҳияти борасидаги оғир ўйлари, ўз

амалларининг чин баҳоси нимада экани тўғрисидаги оғриқли иштибоҳлари акс эттирилган. Шоир ўз руҳий безовталигини: *"Ерданми, кўкданми келар бу наво, Менинг ичимданми билолмай қолдим. Ё йиғлар кўп яшаб чарчаган Дунё, Ё оз яшайман деб йиғлайди Қалбим"* йўсинида ифода этади. Шоир одамнинг ҳар бир қадами эзгулик сари ташлангандагина илоҳий моҳиятга мувофиқ бўлишини: *"Гар Каъбага томон бўлмаса, гуноҳ – босган ҳар қадамимиз. Юракларда иймон бўлмаса, гуноҳ – олган ҳар нафасимиз"* йўсинида тасвирлайди.

1984-1995 йилларда яратилган саккиз бўлимдан иборат "Тиловат" достони бадиий кучи, тасвир самимияти, акс этган туйғуларнинг юқумлилиги жиҳатидан китобдаги бошқа битиклардан сезиларли ажралиб туради. Асарда шокир шахснинг ташаккури: *"Ташаккур, бу тонг ҳам яна уйғондим, Ахир, мумкин эди уйғонмаслик ҳам"* тарзида ёлқинли ифода этилади. Шокирлик ҳамиша собирлик билан уйғун келади. Шу боис шоирнинг: *"Аллоҳим, ташаккур дардларинг учун, Бошимга тизгинсиз ғамлар ташладинг. Бошим кўкка етди, азобларингга Бандалар ичидан мени танладинг"* сатрларида азобга бўлсада, танланганидан, Яратган назаридан четда эмаслигидан хушбахт шахс туйғулари ифода этилган. Раббидан йироқ кимса азоблардан ёзғирган, демакки, исён қилган бўларди. Достон қаҳрамони эса: *"Ғамлар юборибсан, демак, дунёда Менинг борлигимни биласан"* йўсинида мамнуният изҳор қилади. Шоир жон Яратганники деб ҳисоблагани учун ҳам *"Жоним сеникидир олмоғинг мумкин"*, – дейди. Яратганга яқинлаштиргани учун ҳам ўлим, шоир назарида, тирикликдан кўра азизроқ. Шу сабаб: *"Муқаррар бир ажал бу – менинг мулким, Ҳаётим оларсан, ўлимни эмас"*, – дея нидо қилади.

Ҳақни танишга интилгани, эзгулик ва адолатни истагани учун ҳам шоирнинг дили ярали, унга ҳамиша *"бир маъюс ҳасрат"* йўлдош. Бу маъюс ҳасратни бошқалар билан бўлашгиси келади, аммо кулиб турган хурсанд дўстни кўриб, уни қайғуга солишни истамаганидан, буни деб бир умр ташвишда яшашган ота-онасига озор етказгиси келмаганидан, бахтиёр одамлар базмини бузишни, бахтсизларни баттар қайғуга солишни хоҳламаганидан, жилмаяётган боласи билан, кулаётган хотинининг қувноқ кайфиятига соя солгиси келмаганидан дардини айтолмагани ўта ҳаққоний акс эттирилган. Зеро, ***"Ғамгин одам ёқмас ҳеч кимга"***, ғамгиннинг йўлдоши ёлғиз Аллоҳдир!

Шоир ўзни англамоқ Яратганни топмоқда эканини теран туйгани боис: ***"Кечир, мен ўзингни жуда кеч топдим"***, – дея тавалло қилади. Оламлар ва тақдирлар Эгасини топган ва таниган киши ***"ерда юрганларга сажда"*** қилолмайди. Шу боис қаҳрамоннинг: ***"Энди фақат сенга топинурман жим, Энди сиғинмасман ерда ҳеч кимга"*** йўсинидаги тўхтамида ёлғон йўқ. Қисматининг чин хожаси ким эканини билган шахс ўзи каби бандаларга сиғина олмайди. Ердаги кимгадир сиғиниш Яратганни инкор қилиш, унинг қудратига ишонмаслик белгисидир. Аллоҳга астойдил сиғинган зот ҳамма нарсада Яратганни кўради, унинг ҳамиша тирик ва мангу яшаши ҳамда ҳар дақиқада ҳар маконда ҳозирлиги ва қодирлигига шубҳа қилмайди.

"Тиловат" достони бадиий қурилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос. Унинг дастлабки олти бўлими тўртлик бандлардан иборат, еттинчи бўлим эса ҳар бири беш қаторлик олти банддан ташкил топган. Бўлимнинг олтинчи банди олдинги беш бандниг сўнгги мисралари такроридан ташкил топган. Шоир лирик қаҳрамон муножотининг авж нуқтасини ҳар бир бандниг сўнгги мисрасига жойлайди ва олтинчи банд ана шу юксак таваллолар йиғмасидан ташкил топади:

Ўткинчи дунёга ёр қилма, Аллоҳ,
Инсонни инсонга зор қилма, Аллоҳ,
Йўллар тор, дилларни тор қилма, Аллоҳ,
Дарахтни бешик қил, дор қилма, Аллоҳ,
Хор қилма, хор қилма, хор қилма, Аллоҳ.

Яратган ҳақида ўйлагани сари шоир тозариш, майдаликлардан узоқлашиш кераклигини теранроқ ҳис этади. Шу сабаб "Томчидил" шеърида: "***Билдим, қутқаролмас, одамни одам, Агар қўл чўзмаса Аллоҳнинг ўзи***", – деган тўхтамга келади. Лекин шоир Аллоҳнинг қўл чўзишини одамга унингда бошқалар қатори одам эканини англатиб, ғурур бахш этишида деб билади. Одам ўз ожизлигини, демакки, бошқаларнинг ҳам ўзи каби ожиз бандалар эканини идрок этган ондан эътиборан қудратли бўлишини шоир ўта таъсирли акс эттиради.

Очун ҳайратлари

Шоир олам ҳодисаларини бефарқ кузатолмайди. Лоқайд бўлмаган одам ҳамиша ҳодисалар марказида бўлади. Бу унинг истагидан ҳам кўра, уринчоқ табиатининг бошқариб бўлмайдиган стихиясидир. Карим бахтни тинимсиз интилишнинг ўзида кўради. Бахт дегани қандайдир шаклга тушган ўзгармас турғун ҳолат эмас, балки эзгуликка тиним билмай интилишдан иборат деб билади. Шунинг учун ҳам "Инсоннинг бахти" шеърида ёзади:

Қўзғолон руҳимнинг қаърида,
Юрагим ёрилар ҳозир нақд.
Сезяпман, бир қадам нарида
Кўзимга кўз тикиб турар бахт.
Талпинаман. Қайга? Билмайман.
Қўймайман васлига етмасдан.
Югурсам, қувади ортимдан,
Термулар, ҳансираб тўхтасам.

1984 йилда ёзилган бу шеърда очун тартиботларига ўта тийрак кўз билан қарайдиган йигирма икки яшар йигит чинакам инсоний бахт номус билан яшаб, шараф билан ўла билишда эканини ғоят таъсирли акс эттирган.

Шоирнинг кўпчилик шеърларида инсон шаъни, унинг ғурури авж пардаларда куйланади. Каримнинг туйғулари бу нуқталарда баъзан очиқ чорловга ҳам айланиб кетади. Шоир ижодидаги бу жиҳат "Уят" шеъридаги: ***"Бу захил тупроққа бир чўп қадасанг, Осмонга талпинар, тик ўсар яккаш, дарахтлар аскардай тик турган юртда Инсонга уятдир эгилиб яшаш"*** сатрларида яққол бўй кўрсатади. Шоир одамларни оғочлар каби тик бўлишга чорлайди. Синиқлик шахсиятни ҳалок этиши, тараққиётга тўсиқ бўлиши, юртнинг мустақиллиги шахснинг мустақиллигидагина намоён бўлиши мумкинлиги шу йўсин акс эттирилади.

Ҳайратли топилмалар

Шу вақтга қадар шеърлари кўпда эълон қилинавермаган шоир Карим Баҳрининг ушбу китоби оҳорли тасвир воситаларга бойлиги, чин туйғулар самимий тасвирлангани, энг муҳими, муаллиф сезимлари ифодасининг табиий экани билан эътиборни тортади. Шоир суюклининг ўзига яқинлигини ***"юпун шохга осилган ойдек"*** деб тасвирлайди. Тўртгина сўзда ҳам ташбиҳ, ҳам тафсил, ҳам тимсол бор. Яъни шоир ўзини яланғоч шохга, суюклисини ойга ўхшатади. Шу ўхшатиш сабаб шеърга икки тафсил (детал) кириб келади. Айни вақтда шоир ҳолати "юпун шох" тарзида рамз билан кўрсатилади. Қисмда бутунни кўра олган шоир рақс тушаётган қиз қўзғаган туйғуларни: ***"Қизнинг этагидан қўпади бўрон"*** йўсинида акс эттиради.

Каримнинг: ***"Ситамгар шом. Қора самонинг юзларини ювар пок сувлар. Шу поёнсиз чексиз***

дунёнинг бир четида бўрилар увлар" сингари сатрларида эзгулик ва ёвузликнинг доимий ёнмаёнлиги оригинал поэтик топилдиқлар воситасида ифода қилинади. Шоир шеърларида ҳолатни шунчаки тасвирламайди, ҳолат ҳамиша ҳаракатда кўрсатилади. Бу ҳолни юқоридаги шеърнинг тўртинчи бандига бориб, тасвир бир қадар кучлантирилган шаклда такрорланганида кўриш мумкин: ***"Ғамангиз шом. Дарахт шохлари ой нурида сутга йўғрилар, бундай тунда уйғоқдир фақат ё шоирлар ва ё ўғрилар"***. Тасвир динамикаси бандларнинг таъсир кучини ошириб, шомнинг "ситамгар"ликдан "ғамангиз"лик даражасига етишини асослашга хизмат қилган. Тасвир қамрови кенгайиб, шоир ва ўғрилар ҳам қамраб олинган.

Шунингдек, "Раққоса" шеърида ***"излагани шеъру топгани озор"*** бўлган йигит тилидан айтилган ***"Сен рақсга тушсанг, парқанот қушсан, бахт қуши, нурларинг кўмди оламни. Мен эса шу кеча йиғладим эзғин, силкиб қуш кўрмаган озғин елкамни"*** тарзидаги иқрорда суюклининг бахт қуши экани билан ўзининг елкасига қуш қўнмаганлиги ўртасидаги тазод, йиғининг ***"эзғин"***лиги билан елканинг ***"озғин"***лиги ўртасидаги таносибга эришилганида шоирнинг тасвир маҳорати кўзга ташланади.

Чин шоирона назар борлиқни эмас, кайфиятни асл реаллик сифатида қабул қила ва кўрсата олишда экани "Таққослар" шеърида яққол намоён бўлган. Ёр висолига етишган пайтда ***"отиш ҳукми бекор қилинган маҳбусдай қувон"***ган ошиқнинг маъшуқаси кетгандаги ҳолати ***"Сиз кетдингиз, тўшакда ётибман сувга чўкиб кетган одамнинг Қирғоқда қолдирган кийими каби Эгасиз, Оқлов қоғозини йўқотган маҳбусдай Маҳкум"*** шаклида ифода этилар экан, инсон руҳияти жилвасидаги бетакрор қирралар ҳаққоний кўрсатилган. Борлиқ ҳақиқатини бузиш эвазига тасвир ҳақиқатига эришилган.

Шоир деярли барча шеърлари қофиялаш йўсинини янгилаб боришга уринади. Ушбу китобда *а-б-а-б* шаклида қофияланган шеърлар кўп бўлгани сингари *а-б-б-а* ёхуд *а-а-а-б* тарзида қофияланган бандлардан иборат битиклар ҳам талайгина. Шоир "Начора" шеъридаги ***"Офтоб соя каби, совуқдир нур ҳам"*** сатрлари, "Экология" шеъридаги ***"Сувсираган сувларнинг ўзи, Шўрлаб кетган шўрлик дарёлар"*** мисралари орқали фожиа кўламини қабариқ тасвирлаш бобида маҳорат кўрсатади.

"Куйган куйиб-куйиб сўзлар", – деган ҳикмат бор. Карим ҳам тўлиқиб кетганида пўртанавор туйғуларини ҳикмат билан ифодалайди: ***"Қаттиқ тиш синди-ю, Турар юмшоқ тил"*** ёки ***"Кувонч ўйнашимдир, Ёрим – ҳасратим", "Бутун халқ уйқуга ботганда чуқур, Қайдадир бўрилар увиллар узун", "Уйқу босган элни яна не босар?"*** Ушбу ҳикматлар теран фикр ва тоза туйғулар уйғунлашган тасвирлар натижасида пайдо бўлган.

"Сокин кеча" бирикмасини Карим кўп ўринларда "сокина кеча" шаклида қўллаб тасвир таъсирчанлигига эришади. Зеро, "а" товуши билан тугалланган "кеча" сўзи "сокина"ни олиши билан жинсланган бирикмага айланиб, ўзгача жаранг ва хос маънога эга бўлади.

Етишмовчиликлар

Шунча ютуқларга эга китобнинг композицион қурилиши, бизнингча, кўнгилдагидай эмас. Ҳар қандай китоб таркибидаги битиклар муайян бир тамойил асосида жойлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Назаримизда, Карим Баҳри китобни шакллантиришда амал қилажак тамойилни аниқ белгилаб олмаган. Тўпламдаги битикларни ўринлаштиришда на яратилган вақти, на мавзу йўналиши, на ифода йўсини ва на жанр хусусиятига таянилган.

Шунингдек, айрим шеърларда ўхшовсиз ўхшатишлар қилинган. Чунончи, ***"лаблар олмасини тишлай ютоқиб"***, – дейди шоир. Ўзбек шеъриятида лаб гилосга, лаълга ўхшатиларди, зинҳор олмага эмас. Муваффақиятли чиққан баъзи образ ёки ташбиҳлар турли шеърларда такрорланган. Жумладан, ***"Энди тунлар энг кичик терак қўл узатиб юлдузга етар"*** сатри сезилмас ўзгаришлар билан икки-уч шеърда қайтарилади. Айрим шеърларда ***"Қалб кечармн дала-тузлар кўмилгач, Ё ёнгайми токи кўзлар кўмилгач?"*** сингари ўзаро мантиқий боғланмаган сўзлардан иборат мисралар ҳам учрайди. ***"Қамиш каби шовуллаётган сочларига қўл теккан эмас"*** шаклидаги оҳорлигина шеърий мисрани айтишга нафас етмаслиги сезилиб туради. Баъзи шеърларда ***"жиловла-бошла"*** қабилидаги ўзаро руҳан бегона ва мусиқий уйғунликдан маҳрум сўзлардан қофия ясалган. ***"Шоирлар ҳансираб, осиб тилларни, Бол томган тилидан чакиллар заҳар"*** сингари мисраларда ифода ғализлиги ва мазмун терслигига йўл қўйилган.

Китобдаги айрим шеърларда яланғоч ижтимоийлик, кўнгил истакларини очиқ-ойдин айтишга интилиш кўзга ташланади. Қарашлар хилма-хиллигига кўникилган, исталган ҳодиса борасида бир-бирини тамомила инкор этадиган фикрлар билдирилишига одатланилган ҳозирги шароитда бундай яланғочлик бадиий мақсадга унча мувофиқ эмас.

Китобда "Тиловат" тарзида бир хил номланган икки достон орасига бир қатор шеърлар ҳам киритиб юборилгани архитектоника нуқтаи назаридан ўзини оқлаган эмас. Тўғри, бу шеърларнинг бадиий қимматига эътироз йўқ, уларда ҳам ўзини, оламдаги ўз ўрнини излаётган одам руҳияти жилвалари акс этган. Лекин бу асарлар жанр нуқтаи назаридан тамомила ўзгача, китобнинг иккинчи қисми эса айнан "Тиловат" деб аталгани сабаб шеърларнинг бу қисмдан жой олиши мақсадга мувофиқ эмасди.

Бунинг устига, номи икки достонга қўйилган "Тиловат" сўзи нутқда фақат Қуръон ўқиш маъносида қўлланилади. Ҳар икки достон номидан эса шоир тамомила бошқа маъно чиқармоқчи бўлгани англашилиб турибди. Бизнингча, бу сўз ўрнига "муножот" ёхуд "тазарру" қўлланганда, мақсад аниқроқ ифодаланган бўларди.

* * *

Китобдан бир қатор таржима шеърлар ҳам ўрин олган. Таржимон ўз туйғуларига кучли таъсир кўрсатган ва руҳига яқин асарларни ўзбекчалаштиришга тутинган. Жуда кўп ўринларда ўгирмалар муваффақиятли чиққан.

Самимий ва юксак туйғулар табиий дард, қабариқ ифодалар воситасида поэтик тимсолларга айлантирилган шеърлардан ташкил топган ушбу китоб китобхонларнинг туйғуларини тозартиш ва уларни муқаддас қадриятлар борасида ўй суришга йўналтириш борасида катта аҳамият касб этади деб ишонамиз.

2013 йил 5 март

ИККИНЧИ УМР МАНЗИЛЛАРИ

Чин ижодкорнинг икки умри бўлади. Бири – барча қатори "беш кунлик" деб аталгувчи ўткинчи ҳаёт, иккинчиси – ўзи дунёдан ўтганидан сўнг асарларида давом қиладиган ёзувчилик умри. Мана, таниқли шоир Тўра Сулаймоннинг иккинчи умри бошланганига ҳам салкам ўн йил бўлиб боряпти. Янаги йили шоирнинг саксон йиллиги бўлади. Қўлингиздаги "Сайланма" ана шу сана муносабати билан чоп этилди. Бу китоб адибнинг ижодий қиёфасини кўрсатиши жиҳатидан диққатга лойиқ. Ундан машҳур шоирнинг бадиияти юксак шеърлари, насрда битган айрим асарлари, эсселари, ёдловлари, достонларидан олинган шеърий парчалар, илмий мақолаларидан намуналар жой олган. Хуллас, китоб билан танишган ўқирман Тўра Сулаймон ижодий диапазонидан хабардор бўлиши тайин.

Т. Сулаймон эл назаридаги шоир эди. Унинг битганлари ҳаётлигидаёқ кўп бор босилган, куйланган, улар ҳақда ёзилган. Унинг чоп қилинмай қолиб кетган асарлари жудаям кўп эмас. Тўра ака ўз битикларига асло бепарво эмасди. У жуда узоқ йиллар олдин ёзилган ва босилиб чиққан асарларини ҳам қайта-қайта кўздан кечириб, лозим ўринларини таҳрир қиларди. "Сайланма"га кирган шеърларнинг кўпчилиги шоирнинг қайта "чиғириғи"дан ўтган битиклар экани билан ҳам эътиборга лойиқ.

Бадиий асар ижодкор шахсиятининг меваси экани сабаб ёзувчи қанча ўзига хос бўлса, унинг ёзганлари ҳам шунча бетакрор бўлади. Тўра Сулаймон тамомила ўзига хос шахс эди ва бу қайтарилмас шахсият унинг битганларида яққол кўзга ташланади.

Шоир ижодининг бош белгиси унинг тўлиғича халқ оғзаки ижоди намуналари таъсирида эканидадир. Унинг ўйи, туйғулари, ҳайрату ҳаяжонлари ҳамда уларнинг ифодаси халқона. Т. Сулаймоннинг қайғуси, қувончи, ҳатто, юморида ҳам халқчиллик яққол кўриниб туради.

Ўзи-ку бизда фолклордан таъсирланмаган ижодкор камдан кам. Лекин оғзаки ижоднинг таъсири бутун ёзганларида бўй кўрсатиб турадиган Тўра Сулаймондай иккинчи адиб мутлақо йўқ. Бу ҳолнинг муайян асослари бор. Аввало, Тўра Сулаймон фолклор асарлари яратилиши ҳали давом этаётган даврда ва шундай муҳитда дунёга келиб, улғайди. Бундан ташқари, унинг табиатида бахшилик унсурлари бор эди: у давраларни ёқтирмасди, лекин уларсиз туролмасди. Чунки давра кўпники, кўпдан эса деярли ҳамиша қандайдир ҳикмат топиш мумкин. Университетда ўқиб юрганида ҳам курсдошлари жаҳон адабиёти намуналарига ружу қўйиб, бестселлер излаганларида, у ҳеч кимнинг топшириғисиз ўз ҳолича қишлоқма-қишлоқ юриб, одамлар оғзидан дафтар-дафтар фолклор намуналарини ёзиб олар ва турли газета-журналларда чиқаришга уриниб ётарди. Шунингдек, оғзаки ижод намуналарини қайта-қайта ўқиб, завқланарди.

Тўғри, Тўра ака ҳам кўпчилик ижодкорлар қатори мумтоз ва замонавий адабиётимиздан, шунингдек, рус ва жаҳон адабиёти намуналаридан тузукка хабардор эди. Эҳтимол, бундай хабардорликсиз арзирли нарса ёза олмаган бўларди ҳам. Бу фикримизни ушбу китобдан жой олган "Меҳроб", "Армон", "Андиша" сингари эсселари ҳам тасдиқлайди. Лекин унинг битганларида асосан халқ оғзаки ижодининг таъсири яққол устувор экани ҳам ҳақиқатдир. Оғзаки ижод унинг учун шунчаки манба, материал эмас, балки моҳият, ижодкор сифатидаги мавжудликнинг ўлчови эди, шекилли. Тўра Сулаймон каби

оғзаки ижодга хос жиҳатларни ўз асарларида бу қадар ёрқин намоён қила оладиган бошқа ёзувчи бунгача бўлмагани сингари бундан кейин ҳам чиқмаса керак.

Овлоқ тоғ қишлоғида туғилиб, мурғак ёшида кимсасиз чўлга келиб қолган боланинг машҳур адиб бўлиб етишишига нима туртки бўлди? Унинг ижоди қандай ўзига хосликларга эга деган саволлар ўқирманларни қизиқтириши табиий. Дунёнинг буюк адибларидан бири Эрнест Хэмингуэйда шундай ҳазиломуз гап бор: *"Ёзувчи бўлиш учун истеъдод билан бахтсиз болалик кифоя қилади"*. Шу маънода Тўра Сулаймон ёзувчиликка ҳар жиҳатдан муносиб, ҳеч мини йўқ киши эди. Гўзал Бахмал тоғлари қўйнидаги Алдашмон қишлоғида туғилган бўлажак шоирнинг армонларга тўла болалиги шўролар тузумининг авжи қатағон даврига тўғри келди. Отасини ёт унсур сифатида қаматишиб, уйларидаги кўрпа-тўшаккача инқилобий ҳукуматга ўтказишди. Қулоқнинг болаларини эса, ҳар йўл билан турткилаб, камситишди. Шу сабаб асли хаёлпараст ва таъсирчан Тўра синиқ ва ўйчил бўлиб ўсди. Шоирнинг барча ёзганларида ана шу синиқлик, кўнгли яримлик нуқси сезилиб туради. Шеърларининг бирида: *"Отамнинг аламли пок сийнасида Ушалиб, ушалмай қолган армонман"*, – деб ёзганида аччиқ изтиробларга тўла болалигини кўзда тутганди. 1939 йилда отаси қамоқдан чиққач, Тўралар оиласи Мирзачўлнинг "Малик" хўжалигига кўчиб келишди.

Шу тариқа тоғда дунёга келган бола чўлда уни таний бошлади. Оиланинг бошига тушган шўришлар ёш Тўрани эрта улғайтирди. Унда ўзгаларни англаш, бировнинг дардини ҳис қилиш сифатлари тенгдошларига қараганда олдинроқ шаклланди. Тийнатидаги айни шу сифатлар уни шеъриятга ошно қилди. Чунки у оламга, одамларга, дунёнинг шеваларига шунчаки бир томошабин сифатида

қарай олмасди. У дунёни ичидан ўтказарди. Тўра кўп ўқирди, бутун-бутун достонларни ёд биларди. Болалигиданоқ нималарнидир айтгиси келарди, бошқаларга таъсир этмаган нарсадан ҳаяжонга тушиб, терга ботарди. Ҳеч кимга билдирмай, туйғуларини қоғозга туширар, лекин узоқ вақт ёзганларини бировга кўрсатмай юрди. Биринчи шеъри эълон қилинганида йигирма олти ёшда эди. Ўша вақтдаги шеърларидан бирида у ўзини умид билан йўлга чиққан карвонга ўхшатади:

Мен ҳам умид билан сафарга чиқиб,
Узоқ манзилларга кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб, бирда тутоқиб,
Катта йўлга чиққан
Кичик карвонман.

Шеър – кўнгил мулки. Оламни шоирона идрок этолмайдиган, унинг бошқаларга номаълум жиҳатларини кўра олмайдиган киши шоир бўлолмайди. Ўқиб шоир бўлиш мумкин эмас. Қизиғи шундаки, ўқимай ҳам шоир бўлинмайди. Шоирлик – шоир бўлмасликни эплай олмаганлар қисмати! Шоир ҳамиша нимадандир норози, нимадандир ҳаяжонда. Оламни боридан гўзалроқ, одамларни ҳозиргисидан комилроқ кўриш истаги уни доим безовта қилади. Шу боис у тинимсиз тўлғанади, изланади:

Сувлар ҳам тиниди сунбула келиб,
Тиниб-тинчимади бу кўнглим, ҳайҳот.
На баҳор, на ёздан, на тўкин куздан
Ҳечам қониқмади, бу кўнглим, ҳайҳот!

Шоир бир умр ўзини излаб, ўзини текшириб, ўзини кашф қилмоққа интилиб яшайди. Т. Сулаймон – изланишларнинг узоқ йўлини малолланмай босиб ўтган ижодкор. У ҳар не топса, ўзидан топиши мумкинлигини билганидан, қалбини тўхтовсиз тафтиш қилади. Излагани ташқарида эмас, ўз юрагида эка-

нини туяди. Ўз юрагини англамаган одам ўзгани тушунолмаслиги, ўзгани тушунолмаган кимса, Ҳақ билан сирлашолмаслигига ишонади. Ҳақ билан сирлашишнинг энг ишончли йўли унга беғараз муҳаббатдир, уни ва яратиқларини адоқсиз севишдир! Тўра Сулаймон шеърияти – ишқ ҳақидаги битиклар. У муҳаббат туфайли қалам тутди, муҳаббатни шеърга солди ва бир умр севги изтиробларини куйлади:

Мен сени суйдим, Қоракўз,
Суйдим, суйдиролмадим.
Ишқингда куйдим, Қоракўз,
Куйдим, куйдиролмадим.

Шоир ҳамиша дард билан яшайди. Бежизга у: "*Дардсиз яшамоқлик – дардмандлик асли*", – демаган. Оламда қанчаики асл шоир бор ҳаммаси дардманд. Улар гўзалликнинг, эзгуликнинг дарди билан оғриган беморлар. Барча чинакам бадиий асарлар ғамнинг мевалари ўлароқ дунёга келган. Биламизки, Одамнинг лойини қоришга сув бўлсин деб ёғдирилган қирқ кунлик ёмғирнинг ўттиз тўққизи ғам, бир куни шодлик ёмғири эди. Навоий ҳазратлари: "***Кўнгилда ғам йўқлиги ўзи ғамдир, Алам йўқлиғи асру аламдир***", – деганларида барча ижодкорларнинг кўнглидагини ифода қилгандилар. Шундан бўлса керак, Тўра Сулаймон ижодида аламангиз шеърлар кўп. Изтироб ифодаси бўлмиш шеърлари ўқирманлар қалбини тўла эгаллаб, хотираларида ҳамишаликка қолган: "***Излай-излай ҳориб бўлдим, сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим, Энди босган изларингни тўрт томондан тополмасман***". Йўқотганларининг топилмаслигини, кетганларининг қайтмаслигини билган кишининг адоқсиз армонлари қуйидагича ҳам ифода қилинади:

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринглар – кимларнинг кўз ёшлари?

Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,
Баҳор, кетма, менинг боғимдан.

Адолатнинг топталиб, ҳақ жойидан қарор топмаганини кўргандаги кўнгил ҳолатлари ҳам шоир кўнглида армон уйғотиши тубандагидай акс эттирилади:

Бемаврид хешларимнинг кўзларида ёш кўрсам,
Бир мард билан нопокнинг йўлини туташ кўрсам,
Қайси бир бегуноҳни кенг йўлда адаш кўрсам,
Бир бетайин кимсанинг оёғида бош кўрсам...
Кўнглимда армон ётар терскайдаги қор мисол.

Шоир қисмат олдидаги ожизлигидан изтироб чекаётган киши руҳияти товланишларини улуғ андуҳ билан тасвирлайди: "***Бу маскан қопқасиздир, бу қўрғон ҳоқонсиздир, Бориш бору келиш йўқ, бу гўша омонсиздир***". Шоир оламдаги барча дардни ўзиники деб билади.

Т. Сулаймон шеъриятида руҳиятнинг таъсирчан манзараси билан бирга залворли ижтимоий юк, салмоқли инсонпарварлик миссияси ҳам бор. Шу боис шеърга кўнгил розигина эмас, балки одамнинг кимлигини аниқлайдиган мезон, маънавиятини тайин этадиган ўлчов сифатида ёндашади: "***Ўлан билмас эр аста айний бошлар, Қайдан билсин ўланни бағри тошлар***".

Тўра Сулаймон шеърияти таъсирли ҳиссий тимсоллар воситасида ифодаланган ёмби ва залворли фикрлар поэзиясидир. Пайғамбаримизнинг: "***Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат***", – деган ҳадисларидаги икки жиҳат ҳам шоир битикларида намоён бўлади. Руҳиятнинг тушунтириш мушкул бўлган қатламларини бадиий тадқиқ этиш, ҳиссиётдаги энг мураккаб жараёнларни бор чигалликлари ила тасвирлаш билан бирга Т. Сулаймон ғоят миқёсли, қамровли фикрларни, гўзал бадиий топилдиқларни атай чи-

галлаштириб, мураккаблаштириб ўтирмай, содда йўсинда кўрсатади. Кўпинча, шеъриятдаги соддалик жўнликка олиб боради. Т. Сулаймон ижодида эса, соддалик теранликка хизмат қилган. Шоирнинг эларо машҳур бўлиб кетган шеъри – "Тебратар" ушбу фикримизнинг исботи:

Шамол шамолни тебратар.
Шамол булутни тебратар.
Булут ёмғирни тебратар.
Ёмғир майсани тебратар.
Майса бияни тебратар.
Бия қимизни тебратар.
Қимиз йигитни тебратар.
Йигит сулувни тебратар.
Сулув бешикни тебратар.
Бешик болани тебратар.
Бола дунёни тебратар.

Шоир чигал ташбиҳлар, болохонадор ўхшатишлар, жимжимали образлар тасвирини бермайди. Қадимий дунё тартиботининг энг муҳим бўғинлари бўртиқ манзарасини соддагина мисралар бағрига жойлай олади. Чинакам шоирлик томчида уммонни, қатим нурда қуёшни, атак-чечак бир ниҳолда нафақат оғоч, балки ўрмоннида кўра олиш демакдир. Йўқ! Кўра олиш кифоя эмас, балки шеърхонга ҳам кўрсата билишдир. Кўрсатганда ҳам шунчаки эмас, балки ўқувчининг ҳиссиётини қўзғайдиган, туйғуларини безовта қиладиган, сезимларига юқадиган йўсинда туйдиришдир:

Тақа туёқни асрагай,
Туёқ тулпорни асрагай,
Тулпор Темурни асрагай,
Темур Туронни асрагай,
Турон Қуръонни асрагай,
Қуръон имонни асрагай,

Имон инсонни асрагай,
Инсон оламни асрагай,
Оламни Ўзи асрагай.

Шоирона назар жўнгина тақадан бошланган гап оламни асраш билан тугатади. Нарса-ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишларни, умумдунё алоқадорлигини бу қадар гўзал ва ўзбекона идрок эта билмоқ ҳамда содда йўсинда таъсирчан ифода қилмоқ учун Тўра Сулаймон истеъдоди керак.

Асл ижод бузилган мувозанатдир. Дунёдаги бирорта шоир руҳий мувозанатдан чиқмай туриб, бирорта тузукроқ шеър ёзолмайди. Мувозанатдан, яъни рисоладаги одамларда бўладиган руҳий ҳолатдан чиқиш ҳар бир ижодкорда ўзгача кечади. Лекин деярли барча асл ижодкорларнинг ҳам қалби яланғоч, ҳимоясиз, рўй берган ҳодисаки бор унга таъсир кўрсатмай қолмайди. Яна бир ҳақиқат аёнки, ижодкор бир умр ўз болалигини тасвирлайди. Қишлоқда нари борса, ўн етти ёшигача яшаган адиблар шаҳарга келиб олиб ҳам бир умр болалиги ўтган қишлоғи ҳақида ёзишади. Негаки, ижодий ҳолат қай бир даражада болаликка қайтишдир. Чунки бола бўлмай хаёлпараст бўлиш, хаёлпараст бўлмай ижодкор бўлиш мумкин эмас.

Адиблар ҳар доим ҳам шоир ёки ёзувчи эмаслар. Улар фақат ўзларидан кечиб, ўзларини унутиб, ижод қилаётганларида, илҳомнинг юлдузли онларидагина адиблардир. Қолган вақтларда ёзувчилар ҳам барча қатори одамлар. Шунинг учун ҳам Тўра Сулаймоннинг: "***Телбанамо эдим ёшликда Телбаликнинг ҳали акси бор***" мисраларини илҳомий ҳолатнинг суврати дейиш мумкин. Ўзига шахсан дахлдор бўлмаган нарсадан кучли таъсирланиш, қаттиқ хурсанд бўлиш ёки қайғуриш, шу ҳолатини қоғозга кўчирмасликнинг иложини тополмаслик рўзғорий мезонлар билан ўлчанганда телбаликнинг ўзгина-

си. Лекин шоир маиший ўлчовлар билан эмас, илҳомий миқёслар билан иш кўради, маънавий тарозилар билан тортади.

Кўпчилик ижодкорлар девонафеъл бўлгани, дарвешлардай тирикчилик ўтказаётгани, ахлоқий ва ҳуқуқий талабларга кўпда риоя қилавермагани учун ҳам бизнинг назаримизда анча эркин ҳаёт кечирадиганга ўхшаб кўринади. Чуқурроқ ўйлаб қаралганда эса, унинг эрки қулнинг эркидан чекланганроқ бўлса борки, ортиқ эмас. Нега? Чунки адиб ижодидан эркин бўлолмайди. Аслан ижод эркинлиги тушунчаси ижодкорнинг эркинлигини эмас, айнан ижоднинг эркинлигини англатади. Шоир ўз туйғуларига, ҳиссиётига хўжайин бўлолмайди. Ҳиссиётини бошқара олган одам ижодкор эмас. У илҳомига ҳам бийлик қилолмайди. Билъакс, шоир ўз илҳомининг қулидир. Унда фақат жунбушга бўлган туйғуни, қуйилиб келаётган фикрни гўзал шаклда ифодалай олиш мажбурияти бор, холос. Илҳомни зўрлаб бўлмайди. Шу сабаб талантли шоирлар исталган вақтда эмас, кўнгиллари тусаганда шеър ўқийдилар. Бундайроқ шоирларга илтимос қилинса, бас ўқийверишади. Негаки, биринчи тоифадагилар чинакам истеъдод соҳиблари ва улар илҳом билан иш кўрадилар. Кейингилар эса ижрочилар, уларга томошабин керак.

Кўринадики, илҳомни зўрлаб бўлмайди. Зўрланган илҳом чала насл беради. Шу сабаб Тўра Сулаймон бутун туйғуга, бутун юракка эга бўлишга интилади: ***"Менга бутун кўнгил керак, кун керак, Менга туташ юлдуз тўла тун керак. Мен ёртилаб муҳаббатни олмайман, Мен ёрти дўст хонасида қолмайман"***. У чала суймайди, чала яшамайди, чала довлашмайди, чала ёвлашмайди, чала дўстлашмайди. Ўзининг бутун сўзига, йирик туйғусига эга бўлганидан ғурурланади. Туйғулар ўзиники бўлгани боис "юқумли". Бировдан туйғу олиб, бировнинг овози билан куйлаб, бировнинг сўзи-ла тасвирлаб, эъти-

роф қозониш мумкин эмас. Шоирнинг: *"Ўзга созни чалгулик қилма"*, – дея илтижо этиши шундан.

Т. Сулаймон бутун ижодий умри мобайнида ўз созини чалишга уриниб келди. Қуйидаги мисралар ҳар уч кишидан бири шоир бўлган бизникидай юртда ҳам бошқа бировникига ўхшамаслиги билан эътибор тортади:

Бу оламда Ой танҳо, муборак Қуёш танҳо,
Бўй қизларнинг ичида бир шу эгма қош танҳо,
Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танҳо,
Гўрўғли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён.

Тўра Сулаймон қўллаган: *"Осмон ўртасинда нозланадир ой"* ташбиҳи ҳам фақат унинг ўзига махсус. Бу тасвир ўқирманни беихтиёр шоир тасаввурига мос руҳий ҳолатга туширади. Сўзнинг қудрати шунда! Тўра Сулаймон сўз жилосини теран ҳис этади. Сўзнинг кўпчилик хотирасидан кўтарилган халқона оҳангдор шаклларини, унут бўлаёзган қадимий маъноларини топади. Шоир сўз изламайди, балки ҳолатнинг энг мувофиқ ифодасини қидиради. Унинг туйғулари – халқона, ифода ҳам шунга мос. Ҳолатга ярашиқли сўз топа билиш асл шоиргагина насиб бўладиган саодат. "Тўлғаной" достонида: *"Уни чечан демаким таъбири ярашмаса"*, – дейди шоир ва ўзи имкон борича таъбирнинг ярашиқли, тасвирнинг таъсирли бўлишига интилади.

Ҳар қандай ижодкорнинг асл қиёфасини унинг тили белгилайди. Шу маънода Тўра Сулаймон тамомила ўзига хос шоирдир. Тўғри, у ҳам бошқалар фойдаланиб юрган сўзларни ишлатади. Лекин у бу сўзларни китобдан олмайди. Китобдан олинган сўз образга ёпишмайди. Бадиий матнда ҳам ётлиги билиниб туради.

Т. Сулаймон сўзга айрича бир эркинлик билан ёндашиб, ҳар қандай асов сўзни ҳам юввош торттириб, руҳга бўйсундира билади. Ўзи сўзнинг эмас, руҳнинг стихияси етовида юради. Оддийгина сўз-

лардан фақат Тўра Сулаймонга хос тасвир услубини вужудга келтира олади: "***Кўкда сузган булут момиқдан ҳам оқ, Кошкийди бошланса ёмғир ёғалоқ***". Булутни пахтага ўхшатиш кимлардан қолмаган, лекин момиққа ўхшатилиши тасвир таъсирини ўзгартирган. Шеърнинг оҳанги Миртемир битикларини эслатади. Аммо устоз булутни "паға", "оқ" дея сифатларди. Чўлда, пахта орасида улғайган Т. Сулаймон эса унинг момиқ эканини кўра билди. "Соғиниш" шеърида: "***Яйловларда майса қимтир қўй-қўзи***" тарзидаги тасвирда "қимтир" бағоят ўрнида ишлатилган, бу сўздаги маъно нозиклигини ҳаммаям илғайвермайди. Ҳодисаларни "тўрачаси"га кўриш намунаси: "***Тоғлар тўши ёришди, демак тонг отаётир***". Қуёш ҳақида бир сўз демай, уни кўрсатиш мумкин экан. Ғоят мавҳум, моддийлаштириб бўлмайдиган ҳолатни аниқ тасвирлай олиш маҳорати намоён бўлган тасвир: "***Келинларнинг лабида Бўсанинг иси қолди***".

Шоир шеърларида ҳиссиётини изоҳлаб ўтирмайди. Туйғуни шундай ифодалайдики, унинг қатида руҳий ҳолатни туғдирган сабаб ҳам яширинган бўлади: "***Кўнглимда армон ётар терскайдаги қор мисол***", – дейди бир шеърида. Қуёшга терс тарафдаги қор узоқ вақт эримай, кирланиб ётганидай, лирик қаҳрамон кўнглидаги армон эриб кетадиган эмас, ўшандоқ бўлса, унга шоирнинг муносабати тайин, албатта, ва у ўз-ўзидан шеърхонга ҳам юқади.

Тўра Сулаймон бадиий тажрибалар ўтказишга ўч эмасди. У узоқ замонлар олдин амалда бўлган ижодий тажрибалардан фойдаланарди. Эски шаклни янгича мазмун ифодалашга хизмат қилдира биларди. Ўзбеки сўзнинг тотини туйган ва туйдиришга уринган шоир эди у. Шоир сўзни юзада турмайдиган бирламчи маъноларида қўллашни хуш кўрарди: "бўй қиз" дейди бўйга етган қиз ҳақида, "бўзалам" дейди биз чимзор деб юрган тушунчани, "узангидош" деб атайди хўп ўзбеки, хўп таъсирчан қилиб,

"дўст", "тенгдош", "жўра", "сафдош", "йўлдош" сингари бир қанча сўзларни исроф қилиб ҳам тўлиқ ифодалаб бўлмайдиган яна бир тушунчани. Тилимизда ҳамиша бўлган, эндиликда айрим кексаларгина қўллаётган хушёр маъносидаги "соқ" сўзи унинг битикларида ўринли ишлатилгани боис ифодавийликни неча баравар ошириб юборади.

Тўра Сулаймон сўзга авайлаб, қизғаниб ёндашади. Уларнинг бемаврид йўқолишига йўл қўймасликка уринади. "Тўлғаной" достонида "***тўрлаб садирга тушганда***" деган жумла бор. Элибой ўзбекларда ҳаётдан ёш кетган йигитнинг кийимларини оти устига ташлаб, от билан садир тушиш одати бўлган. Юқоридаги тасвирда ҳозир тўлиқ унутилган ана шу одат ўз ифодасини топган. Беш яшар отнинг йилқичилар тилида "тўлан" эканини ҳамма ҳам билавермайди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, у бу хилдаги сўзларни шунчаки экзотика учун, этнографик далил сифатида эмас, табиий тасвир воситаси тарзида жуда ўринли ишлата билади.

Т. Сулаймоннинг сўзга алоҳида бир эҳтиёткорлик билан ёндашуви, эҳтироми, фикрларини ҳикмат йўсинида ифодалаганида яққол кўринади. Шоир асарлари синчиклаб кўриб чиқилса,Т. Сулаймон бир қатор мақолу ҳикматлар яратганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан: "***Сутсиз сигир сузоғон келар***", "***Тоқатлига тоғлар эгар бошини***", "***Кувиб ўлган – мангулик, Қочиб ўлган – кўмгулик***", "***Кўзгуга дам урсанг, юзингни кўролмайсан***", "***Бўз ўғрисидан қўрқма, сўз ўғрисидан қўрқ***", "***Ойсиз осмон ғариб***", "***Офтобсиз олам ғариб***", "***Чўлпонсиз субҳи содиқ ғариб***", "***Сарбонсиз карвон ғариб***" ва бқ.

Тўра Сулаймон – бугунги одамнинг ҳаёту руҳияти, олам ҳодисаю ҳолатларини кечанинг назари билан кўриб, шуурга тез етиб бориб, унда мустаҳкам ўрнашадиган азалий усулда ифодалай олгани билан эртанги кунга ёвуқ турадиган ижодкор. Зеро, шоир ижодининг йитмас қадимий қадриятларидан

сувланган томирлари ўта чуқур кетган. Т. Сулаймон асарларида кечанинг бағрида дунёга келган бугун эртанги кунни назорат қилади. Шу сабаб уларда миллатнинг узилмас умр занжири, йитмас эзгу қадриятлари акс этади.

Маълумки, азалий қадрият ва туйғуларни илғаб, уларга эҳтиромла қарай оладиган шахс ўз бугунига эга бўлиб, эртасини ярата билади. Кечага таянган бугун собитдир. Шу собитлик қучоғида туғилган келажак эса буюкдир. Тўра Сулаймон битган асарлар миллат аҳлида ана шундай азалий ва турғун қадриятлар шакллантиришга қаратилгани билан эскирмаслик хусусиятига эга.

Бу ўткинчи дунёда биргина руҳ мангудир. Руҳнинг тозалиги кишига қувват бахш этади. Демак, қайсики миллатнинг руҳияти мунаввар, туйғулари тоза бўлса, у қудратлидир. Тўра Сулаймон асарларида турғун, эскирмайдиган, қимматсизланмайдиган маънавий қадриятлар самимий куйланади. Шоир маҳорати ёзганларининг табиийлигида намоён бўлади. Унинг битиклари юракдан чиққани, сунъийлик аралашмагани, самимий бўлгани учун ҳам юракларга осон етиб боради. Тўра Сулаймон асарлари фарзандларга боболар назарини эслатиб тургани билан қимматлидир. Халқ оғзаки ижодидаги каби эришилиши ғоят қийин бўлган содда мукаммаллиги боис шоир яратиқлари кўнгиллардан чуқур жой олади ва уларни яшартиради.

Миллатдошларимиз орасида кенг тарқалган кўплаб қўшиқлар, ўз ўқувчиларига эга бўлган неча ўнлаб китоблар муаллифи, ўзбек бадиий тафаккурининг камёб сиймоларидан бири Тўра Сулаймон ижоди намуналари эл-улуси билан узоқ йиллар бирга бўлғусидир. Бинобарин, шоирнинг иккинчи умри манзиллари мангулик билан бўйлашишини умид қилиш мумкин.

2013 йил 28 апрел

ТУЙҒУЛАРНИНГ ИНЖА ТАСВИРИ

Бугунги ўзбек поэзиясида хилма-хил ва ўзига хос шоир ҳамда шеърлар кўп. Бу турфалик жанрдаги ўзгачаликлар, ифода оригиналлиги, образлар тизими миқёси, олам ҳодисалари ва руҳий ҳолатларни кўришдаги бетакрорлик каби бир қатор жиҳатларда намоён бўлади. Қўлингиздаги китоб муаллифи шоир Ҳабиб Абдуназар ҳам ана шундай ўзига хос ижодкорлардан бири ҳисобланади. Шоирнинг ижодий ўзига хосликка интилиши китобнинг номидаёқ кўзга ташланади. Рўзғорий мантиққа кўра жимликда оғриқ бўлмайди, лекин ўзини кузатиб, туйғуларини тафтиш этадиган, руҳий олами рангин, ўзга кўнгилга интиқлик туядиган шахс учун жимлик оғриқли ҳодиса.

Ҳабиб ўз шеърларида одамнинг хаёл илғамас сезимлари манзарасини акс эттиради. Унинг поэтик тасвир йўсини инсон хаёли ва кечинмалари каби тинимсиз ўзгариб туради. Ҳ. Абдуназарнинг шеърларини руҳий калейдоскопга менгзаш мумкин. Калейдоскопнинг моҳияти адоқсиз турланишда бўлгани каби, шоир шеърларида ҳам тинимсиз поэтик ўзгаришлардан ўзга ўзгармас нарса йўқ. Шоирнинг бирорта шеъри бирор мавзуга бағишланмаган. Уларда асосан синчков кўз, парвоздаги хаёл ва безовта кўнгилнинг таъсир доирасига тушган нарсалардан қолган таассуротлар ва ана шу таассуротдан уйғонган ҳиссиёт манзаралари акс этади. Шу сабаб алоҳида ҳеч нарсага бағишланмагандай туюлгувчи шеърий битикларда, аслида, ҳамма нарса ҳақида гап кетаётган бўлади. Шоирнинг кўпчилик битикларига сарлавҳа қўймаслиги боиси ҳам, эҳтимол, шун-

дандир. Чунки сарлавҳа бир, ошиб борса, бир неча маънони ифода этиши мумкин. Ҳабибнинг шеърларида эса қамров кенг, акс этган поэтик объектлар миқдори кўламли.

Ҳабиб кўпчилик битикларида ўзликка хиёнат қилмай, кўнгилни сақлай билиш нафақат одам, балки олам моҳиятини ўзгартириб юбориши мумкинлигини куйлайди. Очун яхшиланиши ва гуллаб-яшнаши учун одам, бирламчи, ўз кўнгил мулкини омон сақлаши, иккиламчи, оламга севги кўзи билан қараб, унга эзгулик бахш эта билиши керак. Шунда инсон ҳаётига ҳам, атроф-жавонибга ҳам маъно киради:

Ердан чиқиб қолган тошдек илдизга
Танғисанг кўнгилнинг чайир ипини.
Севги чирқилласа, тун – қора илон
Ёйиб юборса гар зулмат тўнини.
Нигоҳинг осилиб тушса юракдан,
Бир ҳовуч нур отсанг кундузга.
Гурр этиб тўкилса дарахт барглари,
Поклансанг, чўмилсанг заъфарон кузга.

Шоир бошқа бир шеърида тонг отиб, хаёлкаш тундан кундузга ўтиш ҳолати ва бунинг ижодкор руҳиятида қолдирган изини ***"Индамайин кирди тунга, Кундуз шомларга ботиб. Овчимиди тун кўзи-ла Қўйди хаёлни отиб?"*** тарзидаги кутилмаган савол воситасида ифода этади. Шоирнинг назарида, хаёлдан айрилиш ҳаётдан айрилишдай аламли ва аччиқ. Лирик қаҳрамоннинг сезимлари, чигал руҳий ҳолати Ҳабиб Абдуназар томонидан: ***"Энди юрсак юмшоқ ҳаво, Толиқтирар юрак ҳам. Дилни эса тарк этмади Чеҳралари очиқ ғам"*** шаклида ифодаланиши шоир поэтик назарининг ўзига хослигини кўрсатади. Ғамнинг очиқ чеҳрали экани ўқирманда некбин кайфият уйғотиб, унда асл одам учун ғамсизликнинг ўзи ғам деган қаноат пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳабиб ҳам кўпчилик шоирлар каби сўзларни ўз маъносида ишлатиш билан кифояланмай, уларга ўзи истаган маънони юклашга уринади. Унинг шеърларида қўлланган тимсолу ташбиҳлар доимий ҳаракат ва ўзгаришлар оғушида бўлади. Шоир азобнинг ҳидини сезади, эшикнинг хазон бўлгани, устуннинг айриликдан қорайиб титраганини кўради, туннинг алдоқчи ва жодугарлигини туяди. Бинобарин, шеърлардаги сўзлар ҳам бундай ғайритабиий ҳолатларни ифодалашга мос келадиган қилиб қўлланилади:

Ҳиди келар сендан азобнинг,
Кўзларингда севилмаган тун.
Хазон бўлиб тўкилган эшик,
Қораймоқда титраган устун.
Сен йиғлайсан, тун алдар, жоду,
Кучоғингда қийналар руҳим.
Яшил шудринг томган болишда,
Гуллаяпти яшил тушларим.

Шунча негатив ҳолат тасвири ҳам лирик қаҳрамон – шоирни умидсизликка туширолмайди. У – умид кишиси. Умиди мустаҳкамлиги сабаб унинг болишга шудрингдай томаётган кўзёшлари яшил ва шу болишда кўраётган тушлари ҳам яшил гуллайди. Маълумки, яшиллик – тириклик, яшариш белгиси. Демак, бу яшил тушлар бир пайт келиб эзгулик мевасини тугишига шоир ишонади.

Поэтик тасаввур қамрови кенглиги шоирга: ***"Руҳимнинг кўз ёшлари – Юлдуз томар чизилиб"***, – дейиш имконини беради. Зеро, унинг микроолами ташқаридаги макрооламдан салмоқли ва чўнгроқ. Чин шоирона назарга атроф-олам жонли кўринади. Жонли назар учун очунда ҳаракатсиз, турғун нарсанинг ўзи йўқ. Шу боис атроф-оламдаги барча нарса жонланган, ҳаракату амалда: ***"Кўнгил бедор тутар осмон қароғин, Тун кўзида қолар уйқунинг гарди.***

Баҳор очаётир хушбахт қучоғин". Шу шеърнинг кейинги бандида нарса-ҳодисалар ҳаракати янада фаоллашади, бу ҳолат ифодасини бериш баҳонасида шоир жонлантириш билан биргаликда ташхис санъатидан ҳам фойдаланади:

Оппоқ қорлар босиб, қиш адоғида,
Юракка етади орзунинг тили.
Кавушларин ечиб чопар лайлак қор,
Сенга ҳавас қилар –
Бойчечак Гули.

Чинакам шеърда мантиқдан кўра туйғу устуворлик қилади. Бундай битикда мантиқ изчиллиги эмас, ҳиссиёт ва кайфият мунтазамлиги акс этган бўлади. Шоир олам ҳодисаларининг барча одам илғай оладиган реал кўринишини эмас, балки фақат уларнинг ўз руҳиятида қолдирган манзарасини чизади:

Тун уфурган баркамол ғамда,
Чувалади хастаҳол йўллар.
Ой хириллаб олади нафас,
Қор туёғин қоқади тўриқ.
Йиқилади чинқирган қоя,
Тутаб ётар қўшоғиз милтиқ

Ушбу тасвирнинг энг сўнгги мисрасидагина ҳаётий ҳақиқат акс этган. Олдинги беш қаторда эса ўша биргина мисрада акс этган реалликнинг шоир руҳиятидаги чигал излари ифода этилган. Унчалик ҳам назарга илинмайдиган сабаб даҳшатли оқибатларни келтириб чиқаргани формал мантиқ мунтазамлигига терс ҳолда ғоят ўзига хос тасвирини топган. Бу сатрларга мусиқийлик, қофия сингари ташқи унсурлар эмас, кайфият яхлитлиги муҳрланган.

Ҳабибнинг кўпчилик шеърлари хаёлоти ғоят юксак парвозларга мойил, руҳият олами чегарасиз, кайфияти симобдай беқарор шахс кўнгил ҳолатининг ифодасидир. Улар борлиқнинг нусхаси эмас, балки ўз ҳолича мустақил бир борликдир. Адабиёт фалсафасининг улкан билимдони Ортега-й-Гассетнинг: ***"...танасининг оғирлиги туфайли худди тешилган ҳаво шари каби кўтарилолмай, гоҳ ерда судралиб, гоҳ дарахтларга илашиб, гоҳ томларга урилиб ётган шеъриятни ортиқча юкдан халос этиш керак эди... Эндиликда одамлар ҳаёт бир нарса, поэзия эса тамомила бошқа нарса эканини билишяпти, билишмасада, сезишяпти. Бу икки нарсани бир-бирига аралаштирмаган маъқул. Айнан одам тугаган жойдан шоир бошланади. Бирининг тақдири – ўзининг "инсоний" йўлидан юриш, иккинчисининг миссияси эса йўқ нарсани яратишдир. Шоир дунёни бойитади, ўз-ўзича мавжуд бўлган реал борлиққа ўзининг янги ирреал қитъасини қўшиб, оламни кенгайтиради"***[1], – деган қаноатини айнан Ҳ. Абдуназарга ўхшаш ижодкорларнинг шеърларига татбиқ этиш мумкин.

Шундай қилинсагина шоирнинг кутилмаган мажозларга бой шеъриятидаги ***"Осмон – улкан қабр, Кўмаман руҳимни. Ой – устига қўйилган Синиқ бир коса"*** сингари ташбиҳларнинг руҳоний жиҳатдан нақадар ҳаққоний эканини илғаш ва бу тасвирлардан таъсирланиш мумкин. Шундагина: ***"Ёғарди ёмғир! Оёқларинг судраб келар эди заминни"*** сатрлари замиридаги формал мантиққа сиғмайдиган маъноларнинг зил юкини туйиш имкони юзага келади. Асл бадиият мантиқий тафаккур тугаган жойдан бошланганига имон келтирган ўқирмангина ***"Майсалардек ундим юрак дарзларидан"*** ёки

---

[1] Ортега-й-Гассет. Дегуманизация искусства. С. 16-17. Интернет материали.

"Ажал улғайтирар, яшнатар ўлим" каби сатрлар замиридаги яширин поэтик мантиқни туя олади ёхуд шунга уринади.

Умуман, бадиий ижодда, хусусан, шеъриятда "майда нарса" деган тушунча бўлмайди. Шеърни ўзи майда нарсанинг йириклигию улкан нарсанинг қанчалик майдалигини туйдириш омили дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ҳабибнинг:

Ҳеч нарса айтма менга
Сирларингни сақлайдиган
ҳеч нарсам йўқ

сўзларидангина иборат учлигига шунчаки сўз ўйини тарзида қараб бўлмайди. "Ҳеч нарса"ни қўйиб қўйгудек, "ҳеч нарса"си бўлмаган одамга "ҳеч нарса айтма"ган маъқуллиги акс этган тасвир замирида зилдай юк борлигини бир қадар туйиш ҳар қандай одамнинг маънавий оламини бойитади, уни эзгу фазилатларни илғаш сари йўллайди.

Азиз ўқирман! Ҳабиб Абдуназарнинг "Дил меҳроби" номли шеърий китобидаги битиклар билан танишиш кўнглингиздаги кўзга кўринмайдиган, қўлга илинмайдиган, қулоққа эшитилмайдиган, фақат кўнгил торларигагина уринадиган исмсиз дардларни қўзғаб, руҳингизни безовта қилади ва сизни тирикчиликнинг кирларидан фориғ этади деган умиддамиз. Кўнгилнинг шеърий оламига қиладиган сайрингиз хайрли бўлсин!

2013 йил 10 октябр

ОЙДИН САТРЛАР[1]

Ўзбек ўқувчиси Шукур Холмирзаевдек улкан ёзувчини, унинг бетакрор асарларини яхши билади, албатта. Аммо шундай атоқли ва мураккаб шахсиятнинг кўнглидаги асл инсоний кечинмалар кўпчилик назаридан ҳамон яширин. Ижодкорнинг кундалиги, турли қайдлари, шахсий хатлари, дастхатлари унинг сирли шахсияти ва ижодий йўналишига бир қадар ойдинлик киритади. Адабиётимизда эса ижодкорнинг йирик асарларидан тортиб энг майда қайдларигача жамлаб нашр этиш унчалик оммалашмаган, ҳатто йўқ даражада дейиш мумкин. Ҳолбуки, улкан бадиий полотноларнинг яратилишига кўпинча кичик бир қайд туртки бўлади. Негаки, ижодий фикрнинг шаклланиш кечими ва ёзувчи-шоирнинг ҳаётга, ижодга муносабати тадрижи турли ўйлар, кузатишу қайдлар, мактублар ҳамда кундаликларда ёрқинроқ намоён бўлади. Шу маънода катта ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг кундаликлари, айрим режа-ўйларининг, баъзи хатларининг нашр этилиши ўқирман учун кутилган ва қизиқарли воқеадир.

Филология фанлари номзоди, доцент, улкан ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг қизи Сайёра Холмирзаева тартиб берган "Қайтмас дамлар" китоби икки бўлимдан иборат. Биринчи "Умр йўллари" бўлимида Шукур Холмирзаевнинг кундалик дафтаридан парчалар, ёндафтарларидаги қайдлар, айрим мактублар, адибга туҳфа этилган китобларга ёзилган дастхатлар, турли шахсиятлар ва ташкилотларнинг табриклари ўрин олган. Юзаки қараганда, бу

[1] Мақола Отабек САФАР билан шерикликда ёзилган.

битикларнинг Сайёра Холмирзаева муаллифлигидаги китобдан жой олиши унчалик ўринли эмасдай туюлади. Аммо бу бойликларнинг айнан Сайёра томонидан мисқоллаб йиғилиб, йўқолиб кетишдан сақлаб қолингани, бу яратиқларни у нашрга тайёрлагани, айниқса, хатларнинг катта қисми унга ёзилгани ҳисобга олингудай бўлса, уларнинг айнан шу китобдан жой олишида ҳеч қандай хатолик йўқлиги аён бўлади.

"Ёзувчи ёзмаган пайтида ҳам ёзади", – деган эди Чингиз Айтматов бир суҳбатда. Чиндан ҳам, ижодкорнинг шунчаки кузатишлари, одамлар ва ҳаётий ҳодисалар борасидаги тўхтам-қайдлари келгусида ёзилажак китобига пойдевор бўлади. Шукур Холмирзаевнинг кундалигида ҳам "Ҳикоя" деган эскартма остида бир қанча режалар баён этилган. Афсуски, ушбу кундаликлардаги бадиий режаларнинг воқеликка айлангани ёки йўқлиги ҳақида бирор маълумот берилмаган. Шунга қарамай, айни қайдлар адибнинг адабий-эстетик қарашларини, ижод кечими ва бадиий яратиққа муносабат йўсинини билдиришига кўра катта аҳамиятга эгадир. Масалан, ёзувчи кундаликларидан бирига шундай қайд этади: ***"Чилонзорга – санъат ўқув юртига таклиф қилишди. 500лар одам бор эди. Мени пайғамбардай кутиб олишди. Сўнг... кўчада ёлғиз қолдим"***. Бу қайдда Шукур Холмирзаевнинг ижодий тасаввур, янада аниқроғи, кўнгил киши экани, теваракда кечаётган воқеа-ҳодисалар, атрофини ўраб турган чеҳралардаги бошқалар сезмаган жиҳатларни илғаши ва улардан ўзгача таъсирланиши кўринади. Бошқача айтганда, пайғамбардай кутиб олиш билан кўчада ёлғиз қолдириш орасидаги чуқур зиддиятни ўзгалар пайқамаслиги, эътибор бермаслиги мумкин, аммо бу ёзувчига қаттиқ таъсир қилгани, катта маънолар топиб, умумлашмалар чиқараётгани сезилади.

"Адабиётнинг ривожи тўхтаб қолса (ёзувчи халқнинг қалбини ифодаловчи бир фарзанди бўлса, демак, ёзувчи ижоди тўхтаса), халқнинг маънавий тараққиёти ҳам тўхтайди", – деган хулосага келади адиб бошқа бир ўринда. Юрт бағридаги моддий бойликлар – нефту олтин, пахтаю буғдой халқининг қўлини узун, имконини кенг қилиши мумкин, бироқ унинг руҳини юксалтиролмайди, тафаккурини ўстиролмайди. Сўз санъати бўлмиш адабиётдагина бундай қудрат мавжуд. Миллат фикри уйғоқ кишилар туфайли юксалади.

Ёзувчининг кундалик ва ёндафтарларидаги айрим қайдлар унинг ижод қилиш йўсини ҳақида муайян тасаввур уйғотишига кўра жуда қимматлидир. Бир ўринда: *"Мен асарнинг фонини яхши билмасдим – тасаввур этолмасдим. Оқибат фон мени босиб кетган, ҳикоям унинг соясида йўқолган эди"*, – деб мардона тан олади. Яна бир ерда эса: *"Адабиёт – ҳасратдан бошқа нарса эмас. Фақат ёзувчининг оддий одамдан фарқи – оддий одам ўз дардидан ҳасрат қилса, ёзувчи бировлар дардидан ҳасрат қилади"* тарзидаги ҳикматни қайд этади. Қисқагина бу қаноат ёзувчининг ижодий позициясини ёрқин кўрсатиши жиҳатидан тенгсиздир.

Шукур ака адабий кечимдан бир лаҳза бўлсин четда турмайдиган, имкон борича барча ижодкорларнинг битикларини ўқийдиган, ўқиганлари юзасидан ўз қарашларига эга бўлган ва улар ҳақда ўрни билан фикр айта оладиган ёзувчи эди. Эҳтимол, у ҳам бир одам сифатида барча ўқиган асарларига тўғри баҳо беролмагандир, ёзувчининг қарашлари билан баҳслашиш мумкиндир. Лекин адиб ҳеч қачон адабий кечимнинг лоқайд кузатувчиси бўлмаган. У ҳамиша бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлган ижодкор эди. Буни ёзувчининг: *"Фахриёр(лар)нинг шеърияти – киборона назмдир. Бу тур шеърларни қорнинг тўқ, устинг бут, ташвишинг*

йўқ бўлган бир пайтдами-замонлардами (агар шундай маъмурчилик замонлари келса) ўқисанг, шубҳасиз, роҳатланасан: бу шеърлар – туйғулар ўйини ва унинг тилдаги мавжуд ва номавжуд имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиб яратилганки, улар (шеърлар) пироварди асосан туйғуларга таъсир этади – роҳат ва хаёл бахш этади",- тарзидаги кузатувидан билиш мумкин.

Айни шу қайдлар Шукур Холмирзаевнинг кузатишлари нечоғлик асосли, қамровдор ва салмоқли эканини намоён қилади. У ўзбек адабиётидаги модерн йўналишга мураккаб муносабатда бўларди. Модернчи адибларимизнинг янгилик излаётганлари, эксперимент қилаётганларидан қувонар, айни вақтда янгилик янгилик учун бўлиб қолишидан хавотирланарди. Шу сабаб Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Назар Эшонқул каби ёзувчи-шоирлар ижодига айрича эътибор билан қарарди. Юқоридаги кузатишлар Холмирзаевнинг ўқимишлилик даражасини кўрсатибгина қолмай, адабиётнинг функцияси борасидаги қаноатларини билдиришига кўра ҳам қимматлидир.

Иккинчи бўлим – "Қайтмас дамлар" Сайёра Холмирзаеванинг хотира-мақолаларидан таркиб топган. Олима Шукур аканинг ўзига нафақат меҳрибон, жонфидо ота, айни чоғда яқин ҳасратдош, маслакдош бўлганини самимият билан ҳикоя қилади. Аҳамиятлиси шундаки, ёзувчининг оиладаги тутумлари, ёр-дўстлари, яқинлари билан мулоқот-муносабатлари эсланган ушбу хотираларнинг кўп ўринларида Шукур Холмирзаев шахсиятидаги ўзига хос қирралар, уни бошқа одамлар ва ижодкорлардан ажратиб турувчи сифатлар яққол намоён бўлади. Жумладан, С. Холмирзаева бир ўринда шундай ёзади: ***"Адам гулларни яхши кўрардилар. Дала-боғларига гулларнинг жуда кўп турлари экилган эди. Ёз***

ойларида борганимизда энг чиройли гуллардан узиб, уйга бериб юборардилар. Ҳатто шаҳардаги уйларида яшаётганларида ҳам иш столларида вазада гуллар бўларди, бозорга борганларида, албатта, бир тутам гул ҳам харид қилардилар. Таниш-билишларига, дўстларига ҳам кўпинча гулларнинг кўчатини экиш учун берардилар".

Маълумки, Шукур Холмирзаев бадиий асарларида инсонни табиат билан уйғун равишда, аниқроғи, инсонни табиатнинг бир бўлаги ўлароқ тасвирлайди. Бизнингча, ўзбек адабиётида табиат ва унинг унсурларига одам билан тенг қимматга эга бўлган ижтимоий-эстетик қадрият сифатида муносабатда бўлиш айнан Ш. Холмирзаев ижодидан бошланган. Бундай талқиннинг замирида табиатга чексиз меҳр, сўнгсиз қизиқиш мужассамдир. Шу маънода Шукур аканинг маиший турмушда гулларни яхши кўриши асарларига, уларда тасвирланган қаҳрамонлар табиатига ҳам ўтган, десак хато бўлмайди.

"Шоирлари ҳайқирмаган миллат қондошлари тупроқ бўлган бола каби ўксикдир", – дейди қардош турк халқининг оташин шоири Меҳмед Эмин Юрдақул. Зотан, шоирнинг ижоди миллатдошларини маънавий юксакликка кўтариб, ўзи, миллати, Ватани ҳақда ўйлашга мажбур этиши керак. Бинобарин, муайян ижодкорнинг адабий меросини авайлаб келгуси авлодларга етказиш, унинг хотирасини абадийлаштириш ҳақида сўз кетар экан, бундай саъй-ҳаракатлар тор маиший маъно касб этмасдан, аксинча, миллат миқёсидаги юмушга айланади. Ҳақиқий куюнчак ижодкор халқининг чинакам бойлиги саналади. Ш. Холмирзаев миллат учун қайғурган куюнчак санъаткор эди. Бу ҳол нафақат у битган бадиий яратиқлар, балки у қилган турли қайдларда ҳам намоён бўларди.

Ёзувчининг кундаликларидаги қайдлар, ўз оти билан қайдлардир, узуқ-юлуқ хатлар ҳам шундай:

улардан грамматик тугалликни, услубий силлиқликни, ифодавий бехатоликни талаб қилиш ўринсиз. Қолаверса, кундаликлар туйқусдан келган фикрни дарҳол қоғозга тушириш натижаси саналса, мактублар фақат ўз адресатларига йўналтирилгани боис адабий ишловдан четда бўларди.

Шукур Холмирзаев "Сайланма"сига битган сўзида ўзи барпо қилган дала-боғчаси уй-музейга айлантирилиши истагини билдирган эди. Сайёра Холмирзаева ушбу китобида бу ниятни амалга оширишга интилаётганини таъкидлаб, отасининг қўлёзмаларидан тортиб, катта-кичик ҳар бир буюмгача сақлаётганини билдиради: *"Мен адамнинг кийим-кечаклари, машинкалари, дипломатлари, картиналари, қўлсоатлари, кутубхоналари, (шляпа, галстук ва бошқалар) ва барча хоналаридаги жиҳозларни асраб келяпман. Ҳатто кофелариниг қолган қисми-ю, охирги очиқ қолган сигарета пачкалари билан кулдонигача. Мен учун буларнинг барчаси адамни ёдга солади; уларнинг қўллари теккан. Ҳали охиригача ишлатмаган оқ қоғозлари-ю, копировка – қора қоғозлари ҳам менга қадрли. Энди, қўлёзмалари, ён дафтарлари, қоралама қоғозлари, асарлари, китоблари (ўзлари сотиб олиб тўплаган ҳамда тақдим қилинган китоблар ҳам албатта) ва турли ҳужжатлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Албатта, насиб этса, буларнинг барчасини музейга топшираман"*. Назаримда, келгусида очилажак уй-музей ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган экспонатлари билан Шукур Холмирзаевнинг ички олами ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилади.

Сайёра Холмирзаевада ҳам қалам суриш, тасвир объектидаги муҳим жиҳатни кўра билиш салоҳияти кўзга ташланади. Унинг отаси, бувиси, момоси ва бошқа яқинлари борасидаги кузатишларида ана шу

қобилият учқунлари кўзга ташланади ва шу боис унинг битганлари шахсий мулоҳазалар доирасидан чиқиб, ўзгаларни ҳам қизиқтирадиган адабий яратиқларга айланган.

Шукур Холмирзанинг адабиётимизда қўзғалмас ўрни бор. Унинг асарлари зимнидаги теран ҳаётий ва бадиий-эстетик маъно, тасвир маҳорати сирлари адабиётшунослар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Айни пайтда ёзувчи ижоди ва шахсиятини биргаликда – битта феномен сифатида таҳлил этиш бобидаги изланишлар янги босқичга кираётир. Зотан, кун ўтган сайин Шукур Холмирзаев ўзбек адабиётининг чўнг қояларидан бири эканига кўпроқ амин бўлаётирмиз, асарларининг қиммати ҳам тобора ортиб бораётир. Шу маънода қўлингиздаги "Қайтмас дамлар" китоби ёзувчимизнинг битганларини кенгроқ, тўлароқ ва чуқурроқ ўрганиш йўлида асқатадиган воситалардан бўлишига ишонамиз.

2013 йил 26 октябр

ҲАЁТНИНГ МАЪНОСИ

Эҳтимол, Барно Рустамованинг "Одамато болалари" қиссасини адабиёт учун тамомила янгилик деб бўлмас. У инсон тириклигининг маъноси нимада, қандай маънавий сифат одамни мукаррам қилади қабилидаги одамзод яратилгандан бери ўйланиб, аниқ ва тўлиқ жавоб тополмай келаётган масала тасвирига бағишланган. Муаллиф тасвирни хаёлот оламига кўчириш орқали бадиий ниятини амалга оширишга уринган.

Глобаллашаётган давр кишиларининг бу дунёда ҳаловат билмаслиги, тиниб-тинчимай нималаргадир интилаверишига ва бу кечимдаги боши-кети йўқ уринишлар тасвирига анча кўниккан эдик. "Одамато болалари" асари муаллифи одам деб аталмиш яратиқ нариги дунёда, ҳатто, жаннатда ҳам ором нималигини билмаслигини акс эттириш йўлини топган. Чунки ҳаловат одамзод учун ҳалокат йўлидир.

Қиссанинг тиним билмай изланадиган қаҳрамони, йигирма бир минг йил давомида у билан жаннат маъволарида уч қайтадан учрашган тақдирлари турлича, аммо интилган манзиллари битта – муҳаббат бўлган кишилар қисмати асарда таъсирли акс эттирилган. Адиба донолик ҳам, кутилмаган адабий-эстетик кашфиётлар ҳам қилмайди, йўл кўрсатмайди. Муҳаббат деб аталмиш юксак туйғуга астойдил берилиш ва ишониш одамни юксалтириши, эзгулаштириши ва муродига етказишини турли кишилар қисмати тасвири орқали таъсирли кўрсатиб беради.

Барно Рустамова қиссанинг айрим ўринларида яхшигина тасвир маҳоратига эгалигини намоён этади. Бу жиҳат севги домига тушган йигит ҳолати маъшуқанинг: *"У бора-бора ўзини кучсиз сезадиган бўлди. Мен унга яширинча интизор бўлсам, у менга ошкора интизор эди"* тарзида берилишида намоён бўлади. Иши юришмаётган кишининг: *"Омад тошимиз кундан-кунга орқага қараб юмаларди"* йўсинидаги иқрорида ҳам руҳий ҳолат аниқ ифода этилгани кўзга ташланади. Қисса қаҳрамонининг: *"Кўнглинг нимадандир тўлмаса, жаннат билан дўзахнинг фарқи йўқ экан"* сингари таъкиди ҳам айни вазиятни ғоят ўринли ифодалаш намунаси бўлган. Илон тилидан қилинган: *"Ўшанда, қани энди мен ҳам одам бўлсам, бўйига бўйлашиб, энига энлашиб ётсам, дердим"* тарзидаги иқрорда адибанинг образлар руҳиятини нозик илғаши ва аниқ бера билиши намоён бўлган. Бундай тасвирлар асарнинг анчагина ўринларида учрайди.

Шунингдек, асарда одамзодга хос тиниб-тинчимаслик, қониқмаслик, ношукурлик сингари сифатлар уларнинг тутум ва тақдирлари мисолида ғоят ишонарли ҳамда таъсирчан акс эттирилган. Асарда худди эртаклардаги каби барча образларнинг ҳам муроду мақсадига етган ҳолда кўрсатилмагани қиссанинг ҳаётийлигини бир қадар оширган.

Айни вақтда асарда ўйлаб кўрилиши керак бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, жаннатда роҳиб нима қилиб юрибди? Исломий ақидаларга кўра жаннат аҳли ёппасига мўмин ва мўминалардан иборат бўлади. Бинобарин, роҳиб тимсолининг қиссага киритилишида мантиқий номувофиқлик бордай. Шунингдек, жаннатга кирган кишиларнинг шу жойга лойиқ сифат ва фазилатларга эга экани ҳам етарли асосланмаган.

Айтилганларга қарамай, қисса шиддат билан глобаллашиб бораётган ва ҳамма нарса мўл-кўл бўлгани ҳолда бир чимдим меҳр тансиқ бўлиб бораётган бугунги кун кишилари учун салмоқли тарбиявий аҳамият касб этади.

2013 йил 11 ноябр

КАЙФИЯТ СУВРАТЛАРИ

Ибодат Ражабованинг шеърларини яқиндан бери ўқий бошлаганим учун уни жуда ёш шоира бўлса керак, деб ўйлаб юрардим. Шу тасаввурдан келиб чиқиб, 2012 йил шеърияти тўғрисида сўзлашга тўғри келганда, уни ёш ижодкорлар қаторида санаганман ҳам. Янги йил арафасида ўзбек шеъриятининг икки машҳур Ҳалимаси (Ҳалима Худойберди ва Ҳалима Аҳмад) билан бўлган гурунгларимизда Ибодат Ражабованинг чиқаришга унча эътибор қилмасада, кўп йиллардан буён шеър ёзадиган кап-катта шоира "опа"лиги маълум бўлди. Қизиғи шундаки, икки буюк Ҳалима ҳам бир-биридан хабарсиз ҳолда бу "опа"нинг катта истеъдод эгаси эканини айтишди. Қарангки, айни шу кунларда Ибодатхонимнинг бир туркум шеърларини кўриб, икки оғиз сўз айтиш юзасидан таклиф ҳам тушиб қолди.

Шоиранинг қирқдан ортиқроқ шеъри билан танишиш асносида икки Ҳалиманинг ҳам чинакам синчи санъаткор эканига иқрор бўлдим. Ибодатхонимнинг шеърлари, аввало, кутилмаган оригинал ташбиҳларга тўлалиги билан яхши таассурот қолдиради. Иккинчидан, шеърларнинг кўпчилигида бирор мавзу-муддао акс эттирилмай, кайфият сувратлангани диққатга лойиқ. Негаки, қандайдир мавзуни ёритиш адабиёт, айниқса, шеъриятнинг эмас, журналистиканинг юмуши аслида.Чунки ҳар қандай мавзу-муддао ўткинчи экани сабаб ўтиб бўлиши билан қадрини йўқотади. Бадиий сўз воситасида моддийлаштирилган кайфият билан туйғу эса оний лаҳзанинг ғоят омонат маҳсули бўлишига қарамай, мангуликка қадар эскирмайдиган ҳодисалардир.

"Пайконимиз чақмоқдан нусха", – дейди Ибодат бир шеърида. Бирваракайига ҳам ташқи, ҳам ички ўхшашликка асосланган биргина шу функционал ташбиҳнинг ўзи ўқирман хотирасига михланиб қолади. Шоира шеърларидаги ташбиҳлар оригинал, таъсирли ва деярли барчаси изоҳталаб экани сабаб шеърхондан ақлий ва ҳиссий зўриқишни талаб қилади. Қаранг, *"Эртакдай гуллайди юлғунзор, Сочимдай паришон қамишлар"* ёки *"Долонларда шамол қисилар, Ёмғир шимар лойшувоқ девор. "Уй-ку иссик, кўча не ҳол", – деб, Бошларини чиқарар болор"*. Бу ўхшатишлар тасаввурни жонлантиришдан ташқари, тафаккурга кучли таъсир кўрсатиши билан ҳам катта бадиий аҳамият касб этади.

Ибодатхонимнинг "Хожа Баргий" шеъри – бир талай оригинал ўхшатишлар ҳалқасидан тўқилган бутун бир поэтик занжир. Шеърда лирик қаҳрамон руҳиятининг жилвалари: *"Шўх булбулга ёқача тикди, Боларига йиғиб берди бол"*, *"Қулоғини булоққа қўйди, Чирмовиққа ясади эгар"*, *"Аёлига йўрма тўқиди, Сув мавжидан тиктирди ковуш"*, *"Ой изини кўксидан топди, Ушлаб кўрди сохтамас, мумтоз!"* тарзидаги нодир ўхшатишлар воситасида босқичма-босқич кучлантириб тасвирланади. Шеър сўнгида шоира гўзал ташбиҳлар силсиласига таяниб, қаҳрамон ҳақида: *"Гул кўнглида ёзди жойнамоз"*, – дейиш имкониятига эга бўлган.

Маълумки, тасвирий санъатда "натюрморт" деган жанр бор. Унда асли жонсиз ёки жонсизлантирилган нарсалар санъаткор томонидан жонлантирилган ҳолда тасвирланади. И. Ражабованинг кўпчилик битикларини шеърий натюрморт дейиш мумкин:

Суртинади юлғунга шамол
Хўрсингандай бўлади терак.

Туғ сочига ойни боғлаган
Фаришталар кулмаса керак.

Кир ҳужрада чаппа ухлайди,
Бор-йўғидан ажралган тобут...

Қабристоннинг тасаввурдаги манзараси ҳаётдагидан реал ва табиийроқ тасвирланган. Бу тасвирдаги шамол, юлғун, терак, ой, туғ, ҳужра, тобут сингари образлар жонлантирибгина қолинмай, одамга хос сифатлар ато этилиб, шахслаштирилганлиги сабаб шеърнинг таъсир кучи ошган.

Кўпчилик шеърларида шоира табиат унсурларини инсонга хос эзгу сифатлар билан зийнатлайди. Шоира табиатдаги бокиралик, поклик, тўғрилик каби жиҳатларни бўрттириб тасвирлаш орқали одамларда ҳам эзгу сифатлар пайдо бўлишига эришмоқчидай бўлади: ***"Ой йиғлади мен ҳам йиғладим, Қалинлашиб кетди тонг, туман. Сафсаргулга кўнғироқ қилдим: "Мен кун нурин шимиб, қайтаман..."***. Бу тасвирларда сунъийлик йўқ. Ой ва шоиранинг йиғлаши билан тонг ва туман қалинлашиши, лирик қаҳрамоннинг кун нурини шимиб қайтиш борасида сафсаргулга қўнғироқ қилиши ўртасида кучли сабаб-оқибат боғлиқлиги мавжуд. Яхши шеърда ҳамма нарса ҳам очиқ айтилавермайди, ишорага ўрин қолдирилади. Ишорани пайқаш ва ундан маъно чиқариш учун эса ўқирман эмгак чекиши керак бўлади. Шоира бир шеърида: ***"Бир гапим бор, сочимдай узун, Ойдин тундан сўраб ичай сут"***, – дейди. Бу сатрлардаги тимсоллар серқатлам экани билан диққатни тортади. Шоиранинг гапи ва сочининг узунлиги, туннинг ҳам узунлигини, тундан сут сўраб ичиш тасвири кечанинг сутдай ойдинлигини ёдга туширишни тақозо этади. Бундай шеърни шеърхон шунчаки ўқимайди, балки уни идрок этиш учун бир қадар заҳмат че-

кади ва бу поэтик ҳодисанинг ўқирман руҳиятида чуқур из қолдиришига сабаб бўлади.

Ибодатнинг "Бобом шаҳар кетди" шеъри, гарчи бобо тўғрисида бўлса ҳам, унда бобо деярли кўзга ташланмайди. Шоира яна поэтик натюрморт усулини ишга солади:

Нимдош хуржун обдон ювилди,
Кўйлак-иштон тикилди янги.
Ковуш, маҳси мойлангач, секин
Ҳассанинг ҳам ўзгарди ранги.

От ёлига тароқ берди зеб,
Қўлрўмолга сепилди гулоб.
Пуфлаб-пуфлаб узум узилди,
Том бошига келганда маҳтоб.

Бу мисралардаги барча тимсоллар – тилга ҳам олинмаётган бобо сувратини тўлдирувчи штрихлар. Кейинги бандлардаги ёғли кулча, сариёғ, мачит устуни, феъли бузилган ит, ҳордиқ чиқараётган кетмон, эгасига эргашмоқчи бўлган тол, ранжиган уйгужум, қўриқчи йўқлигини кўриб, боққа ҳужум бошлаган қушлар сингари поэтик образлар бобонинг бирор жиҳатини тўлдиришга хизмат қиладиган тафсиллардир.

Ибодатхонимнинг ўз шеърларида барчага маълум ва доим ишлатилиб юрадиган сўзлардан янги бирикмалар ярата олиши ҳам кишига маъқул келади. И.Ражабованинг шеърларида у томонидан ясалган "ҳовлигужум", "гулсават", "шаҳаршоир", "тонгдастурхон", "сувчелак", "уйгужум", "хинояпроқ", "мушукпиёла", "ойёғду", "отарқон", "уйчумчуқ", "нурқоқи", "боғчайла", "говсандиқ", "гузартерак", "боғчумчуқ", "нуртуткич" сингари оҳорли қўшма сўзлар жуда ўринли ишлатилганини кўриш мумкин.

Олдин айтилганидек, шоира барча битганларида кайфиятини манзаралаштиради. Шеър учун инсоний муносабатларнинг оқибатини тасвирлашнинг ўзи ҳам катта гап, албатта. Аммо баъзан шу кайфиятнинг сабаби ҳам поэтик тадқиқ этилса, шеърлар теранроқ маъно касб этган бўларди.

2014 йил 4 январ

ҲИКМАТ ВА БАДИИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Ҳозирги ўзбек поэзиясида шеърлар ҳажмининг кичрайиши кузатилмоқда. Мўъжаз ҳажм шоирдан шеърдаги ҳар бир сўзга имкон борича каттароқ маъно юклашни тақозо этади. Чунки кичик шеърда ҳолат тасвиридан кўра ишорага зўр берилади. Чекланган ҳажм доирасида ҳам ҳароратли туйғу, ҳам ўзига хос фикрни ифодалаш зарурияти ижодкорни бадиий кашфиётлар қилишга йўналтиради. Бундай йўсинда яратилган шеърларни идрок этиш уни ўқиб бўлиш билан тугамайди, балки уни чинакамига тушуниш шундан сўнггина бошланади. Ижодкор томонидан ҳамма нарса айтиб қўйилмаган шеърда ўқирман эстетик истеъмолчи эмас, балки маълум даражада шоирнинг ижодий шеригига айланади.

Маълумки, ижод учун бир хиллик, ўзини бўлсада такрорлаш таназзулга элтгувчи йўл ҳисобланади. Лекин ўринли ички ижодий эҳтиёж туфайли қилинган такрор санъаткорнинг янги қирраларини намоён қилиши ҳам мумкин. Қўлингиздаги китобда айни шу жиҳат кўзга ташланади. Бундан етти-саккиз йил олдин шеърий қайирмалардан иборат китоб чиқарган Азим Суюн айнан шу шаклда айтадиган гаплари ҳали кўп эканини сезиб қолди. Ҳозир у битган қайирмалар сони минглардан ошиб кетди. Муаллиф ўқирманни зериктириб қўймаслик ҳамда ўз кашфиётига таҳрир киритиш мақсадида насрий қайирмалар ёза бошлади. Қўлингиздаги китоб насрий ва шеърий қайирмалар уйғунлашувидан иборат асар сифатида дунёга келди.

Кейинги вақтда яратилаётган аксар шеърларда ҳодиса, мулоҳаза, кузатиш жараёнининг ўзи эмас,

балки шу кечимларнинг натижаси бўлмиш руҳий ҳолат акс этмоқда. Поэтик сўз моҳиятидаги бундай эврилиш шаклий изланишларга анчайин бепарво бўлган Азим Суюндай шоирни поэтик экспериментларга ундади. Шеърий шакл устидаги изланишлар натижасида у поэтик ифоданинг "қайирма" деб аталмиш жанрини кашф этди.

"Қайирма" сўзи тилимизда обдон етилган, тобига келган нарса, иш, ҳаракат, амал маъноларини англатади. Жумладан, *қайирма патир*ни фақат тажрибали кайвонилар ёпа олади. Барча қизу келинлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқавермайдилар. Дарё ҳам сувга обдон тўлгач, қирғоқдаги асли қуруқлик бўлган ерларни босиб олади, орадан бир муддат ўтиб, сув қайтгач, *қайир* ёки *қайранг* ҳосил бўлади. Бундай ерлар узоқ вақт сув босими остида ётгани учун оёқ ботмас даражада қаттиқ, пишиқ бўлади. Бизда ўсадиган оғочнинг энг қаттиғи *қайроғоч* деб аталиши ҳам бежиз эмас. Унинг *"қайир оғоч"*дан келиб чиққани шундоққина кўриниб турибди. Тошларнинг пўлат пичоқнию, кескир қиличнида ўткирлашга ярайдиган тури *қайроқ* аталишида ҳам ҳикмат йўқ эмас. Буғдойнинг дони йирик тури *қайроқи* дейилади.

Кўринадики, "қайирма" сўзида "қайиш"лик, яъни пишиқлик, пухталик маъноси бор. "Қайирма" жанридаги битикларнинг Азим Суюн ижодида айнан кейинги йилларда пайдо бўлгани ҳам шу билан изоҳланади. Ижодкор муайян ҳаётий босқичлардан ўтиб, етарли турмуш тажрибаси ва керакли поэтик маҳорат орттирганидан кейин ўз ижодида ёниқ юрак ҳарорати билан фалсафий фикрчанликни уйғунлаштира олиш имконига эга бўлади. Шунда ижодкорнинг битикларига кўчган туйғулари ўқирманларига бошқача таъсир қилади, уларни ноёб сезимлар, ҳикматомуз фикрлар билан асарлайди.

Бир қарашда муаллифнинг деярли барча қайирмалари ҳикматларга ўхшаб кетади. Лекин ўзи айт-

моқчи: "***Азим Суюн муроди насиҳат эмас, Инсон қалб кўзига кўзгу тутар, бас***". Шоир ўқирманга ақл ўргатиб, йўл кўрсатишга эмас, балки уни ўз кўнгли билан юзма-юз қилишга уринади. Айнан кўнгил билан бетлашув ифодаси бўлгани боис қайирмалар улкан таъсир кучига эга бўлади. Бу битикларда баъзан катта тириклик йўлини босиб ўтган кишининг ҳаётий тўхтамлари ифодаланса, гоҳида борлиқнинг турфа ҳолатидан боладай ҳайратлари муҳрланади. Бу борада муаллифга салгина ортиқчаси бор тўртлик ёки тўлиқ бўлмаган бешлик тарзидаги янгича шакл жуда қўл келган.

Диққатга лойиқ жиҳати шундаки, шоир барча қайирмаларда такрорланган "Эй дўст!" тарзидаги ундалманинг деярли ҳар бир битикда ўзгача маъно ифодалашига эришган. Шоирнинг аслида тўртлик шаклидаги шеърлари икки бўғиндан иборат олти товушли шу икки сўз туфайли бешликка айланган. Лекин "Эй дўст!" ундалмаси шунчаки шаклий оригиналлик мақсадида қўлланган хитоб эмас, балки ҳар бир шеърда акс этган туйғунинг залворини, фикрнинг салмоғини оширишга йўналтирилган поэтик унсурдир. У айрим ўринларда завқни, баъзан афсусни, баъзида аламни, гоҳида Яратганга мурожаату муножотни, гоҳо дўстга чорловни, гоҳ эса даъватни англатади. Кўпинча "Эй дўст!" ундалмаси ўтган умр туфайли кишида пайдо бўлган ўксиниш туйғусини ифодалайди. Бу хитоб аксар қайирмаларда замоний муносабат, яъни ёшлиги ўтиб бораётган муаллифдаги ачиниш туйғусини акс эттиришга хизмат қилган.

Айрим қайирмаларда кўпни кўрган ижодкорни ҳам ҳайратга солган поэтик ҳолат ғоят оригинал йўсинда акс эттирилгани кўринади. Қайирмаларда ҳаётий ҳолатнинг турғун сурати эмас, балки муаллиф тафаккур ва руҳиятида кечаётган ҳиссий жараён динамикаси суратланади. Чунки тасвирда қачондир

юз берган ҳолат ҳақидаги ахборот эмас, балки айнан ҳолатнинг бевосита содир бўлиш кечими ифода этилади.

Борлиқдаги муҳим жиҳатни номуҳимдан бехато ажрата оладиган кўзчил, сўзни чинакамига "қайирма" қилиб қўллай олиш маҳоратига эга санъаткор кўриниши бир хил бўлган асарларнинг ички қурилиши, ифода йўсини, поэтик маъносида деярли қайтариқ бўлмаслигига ҳаракат қилган. Муаллиф кўпчилик қайирмаларида кутилмаган руҳий ҳолатлар ҳамда ноёб топилдиқ тарзидаги фикрлардан бетакрор ассоциатив манзара яратиб, уни юқумли тарзда сувратлантиришга эришган. У қайирманинг торгина майдонида жуда эркин ҳаракат қилиб, сезимларнинг ранг-баранг ҳолатини жилолантира билади.

Китобдан ўрин олган ҳар бир қайирмада некбин туйғулар эгаси бўлган Азим Суюннинг эзгулик тантанасига ишончи акс этади. Ушбу битикларда эзгулик енгиши учун яхши амалларга эҳтиёж инсон тафаккуридан унинг руҳига кўчиши кераклиги тасвир этилади. Руҳиятга дўнган истаккина борлиқни эзгулаштириши мумкинлиги таъсирли йўсинда ифода этилади.

Азим Суюн фақат фикр кишиси ёки ёлғиз ўз менининг тафтишчиси эмас, балки амал одами ҳам бўлгани учун қайирмаларга шунчаки дил изҳори деб қарамайди. Шу боис айрим қайирмаларидаги романтик умидбахшлик оҳанглари ҳиссиёт натижаси эмас, балки амалга киришган прагматик ақлнинг хоссаси янглиғ собит ишонч билан янграйди.

Азим Суюннинг насрий қайирмалари ҳам, гарчи қора сўзда битилган эсада, шеърий белгиларга эга. Йўқ, уларнинг айримлари "Эй дўст" деб бошлангани учунгина эмас, балки сўзлар замирида шоирона кўнгил гардлари борлиги учун ҳам уларни насрий шеър дейиш мумкин. Тўғри, насрий қайирмалар

шаклий белгилари билан шоирнинг шеърий қайирмаларидан буткул айрича кўринишга эга. Лекин уларнинг ҳар бирида ёлқинли шоирона руҳ акс этган. *"Бугун ёнимда дўстим ўтирибди. Эртанги душманим билан суҳбат қураётган бўлсам не ажаб?!"* – дейди шоир бир насрий қайирмасида. Буни шоирнинг анча йиллар олдин ёзган: *"Дўстларим кўп менинг, рақибларим ҳам, Рақибларим – мени англамаган дўст!"*- тарзидаги поэтик иқрорининг насрий тадрижи дейиш мумкин.

А. Суюн насрий қайирмаларида фикр ва туйғуни шеърий қолипдан халос этиб, уни ўз эрки, стихиясига қўйиб бериш йўлидан боради. Бу жиҳатдан айрим қайирмалар ҳикматларга ҳам ўхшаб кетади: *"Ўғлим, дўстингдан қарз олма, дўстсиз қолишинг мумкин! Ва... қарз бериб ҳам дўстсиз қолиш мумкин!"* Аслида чин ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси бўлмиш бу иқрорга бадиийлик бахш этган нарса уларга сингдирилган шоирона руҳдир. Поэтик руҳ шоирга парадоксал фикрлаш имконини беради. Формал мантиқ қолипларига сиғмайдиган парадоксал фикрлар эса оригиналлиги билан бадиий моҳият касб этади: *"Мен ҳамма нарсани тез унутаман ва ҳеч нарсани тез унутмайман"*, – дейди муаллиф. Бу иқрорда мантиқ изчиллигидан кўра поэтик руҳ мунтазамлиги босимлик қилади. *"Душманим кўплиги дўстларимнинг камлигидан эмас!"* – дейди шоир бошқа бир насрий қайирмасида. Бу қайирмаларнинг шаклу шамойили насрий бўлсада, моҳиятан улар шеърий битиклар экани кўриниб турибди.

Азим Суюн – халқона фикрлайдиган шоир бўлганидан битикларининг ифода йўсинида ҳам халқчиллик бўртиб туради. Унинг кўпчилик шеърлари – халқ айтимлари каби соддаваш, улар сингари теран, улардай юқумли. Азим Суюн битганларида

халқ поэзиясининг кучли таъсири бўлгани ҳолда, ўз ижодий қиёфасига эга бўлган шоирдир. Азим Суюн қайирмалари фолклор асарлари яратилиши деярли тўхтаган ва замондошлар ҳаётига халқ оғзаки ижодининг таъсири тобора камайиб бораётган урбанизация ва глобаллашув даврида қадим миллий туйғуларни сақлаб қолишга хизмат қилиши билан адабиётимиз учун муҳим ҳодиса саналади.

Ҳар тўкисда бир айб деганларидек, қўлингиздаги китобга кирган айрим қайирмаларда шунчаки жўяли бўлган фикрнинг шеърий қолипга тиқиштирилгани ёхуд баъзи насрий қайирмаларда бадииятдан кўра публицистик оҳанг кучайиб кетгани сингари нуқсонлар ҳам учраб туради. Ҳар қандай санъат асари сайқални суяди. Қайирмалар ҳам муаллиф томонидан тинимсиз сайқалланиб, маҳорат қайроғида қайралиб боради деган умиддамиз.

Муаллифнинг қўлингиздаги китобига кирган битикларда оёғи кечаги кундан узилмагани учун дадил қадам босаётган ва шу сабабга кўра эртанги кундан улкан умидлар қила оладиган киши руҳияти акс этган. Азиз ўқирманларга қайирма қутлуғ бўлсин дегимиз келади.

2014 йил 1 февраль

БЕДОВ РУҲ

"Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади", – деган элибой ўзбек мақоли ижодкор ва ижод маҳсулига нисбатан ҳам жуда тўғри келади. Негаки, ижод маҳсули ижодкорнинг қуйиб қўйгандай ўзига ўхшайди. Бу ўхшашлик баъзан сиртдан унча сезилмаса ҳам аслида ижод намуналарида акс этган руҳият ижодкорнинг фитратидан келиб чиққан бўлади. Ҳаёт Шодмон деган бадик шоирнинг битганлари ҳам ўзининг худди ўзи! Баъзан ғашим келиб, баъзан аяб Ҳаёт Шодмонга сал бошқачароқ бўлиш маъқуллигини, унчалик ўринли бўлмаган, фойдасиз қонқувлардан нарироқ туриш кераклигини айтган бўламан. Индамайди, аммо бирор марта айтганимни қилганини билмайман. Бир қадар ёшлигида уни: "Ҳали асовда, йиллар ўтиб, минги бўлиб қолар", – деб ўйлардим. Мана, ёши элликдан ошибди ҳамки ҳалиям ўзига жилов солдирмабди, эгар урдирмабди... Шунда кўнглимга келдики, бу йигит асли эгарлаб бўлмайдиган бедов, жиловсиз руҳ эгаси. Эл: "Юздан югурик, мингдан тулпор", – дейди. Тулпор ўзғир келади. Ижодкорнинг ўзғирлиги оёғи илдамлигида эмас, аввало, руҳининг юксаклигида, ўзини аямаслигида бўлади.

Эҳтимол, кўпчилик одам оқил, кўнгил қолдирмас, муросасоз бўлиб кетган ҳозирги пайтда Ҳаёт шоирга ўхшаган қуюшқонга сиғмас бетгачопар ҳам керакдир деб ўйлаб қоласан баъзан. Шундай дейсан-у, аммо бир вақт келиб, ўзингниям аямай қолиши борда...

Ҳаёт Шодмоннинг феъли қизиқ: яхши кўрганини ўзидан кечиб яхши кўради, ёмон кўрганини ўзидан

кетиб ёмон кўради. Унга оқсоқоллик қилган бўламан: "Ў, Ҳаёт, бу ҳаёт отангиздан қолган дастмоя эмаски, сиз истагандай қурилсин. У шу ҳолича, яхши-ёмони, буғдой-сомони билан қизиқ. Кўникиш, келишиш керак. Бағрикенглик зарур". Шундай оқил гапларниям мирламайди, азамат. Лекин унинг ўзи ёқтирган одамларига садоқатига ҳам тан бермасликнинг иложи йўқ. Тўра Сулаймон, Ҳалима Худойберди, Босим домла, Фарҳод Нормат, Абдуғани Илаш, Мирза Тўра деганларга ҳеч ўйланмай борини, борлиғини тикиб юбора олади. Ўзи, камбағалнинг ҳамиша мард келиши ҳам бор гап...

Бу гапларни айтаётганим қўлингиздаги китоб, гарчи, баримиз билган Ҳаёт Шодмон томонидан ёзилган бўлсада, ўнакайгина уники эмас. Чунки шоир китобини тугалай устози, улкан олим ва улуғ одам Босим Тўйчибой домлага бағишлаган. Бағишланган нарса эса бағишланган одамники бўлади! Шоир нега бетакрор руҳи ва безовта тафаккури туғёнларидан туғилган фарзандидай битиклари, шеърий яратиғини Босим акага бағишлади? Ҳаёт Шодмон устозига нега бунча марҳамат қилди? Аслида бу унинг марҳамати эмас, балки устоз олдидаги узолмаган, узиб бўлмайдиган қарзни тўлаш йўлидаги кичик бир уринишдир, холос. Бу бағишлов устоз Босим домланинг шоирга ўз ота тилини, асл ота юртини нима учун ва қандай севиш кераклиги борасида берган ўгитлари учун қайтарилган ўзига хос тўлови бўлди дейиш мумкин.

Чўллик ойдинларнинг жуда катта кўпчилиги учун устоз бўлган Босим Тўйчибой ўғли, аввало, меҳрли одам эди. У киши одам билан кимдир биров бўлиб эмас, балки ўзи бўлиб, меҳр кўрсатишга ҳамиша тайёр ҳолда юракдан сўзлашарди. Домла ўзгаларни меҳри, самимияти билан ўзига эл қиладиган зот эди. Ижодкор эса табиатан англовли меҳрга муҳтож шахсият эгаси бўлади. Ҳаёт Шодмон шу боис

Босим домлага интилиб яшарди. Ҳар бир битганини у кишининг назаридан ўтказишга уринарди. Шеърларидаги шевага доир сўзлар ҳамда эски удумлар тасвири қанчалик тўғри ишлатилганини домлага атай текширтирарди. У кишидан рухсат теккач, ҳеч қаерда иркилмасди. Чунки домла, умуман, ўзбек тилининг, хусусан, қипчоқ шевасининг улкан хазинаси, чинакам жоначири эди. Айни вақтда домла маҳдуд эмасди, биқиқлик, маҳаллийчиликни ёмон кўрарди. Нима бўлсаям, менга яхши бўлсин демасди. Ҳар ишнинг кўпга яхши бўлишини, миллат ривожига бопта бўлишини истарди.

Босим ака бутун одам эди. Сиртдан анчагина синиқ, ҳатто, хоксордай туюлсада, ичида метиндай мустаҳкам бутунлик ҳукмрон эди. Шу сифат ҳеч бир зўриқишу иддаоларсиз у кишини юксалтириб, атрофидагиларни ҳисоблашишга мажбур қилар эди. Домла ҳамма жойда ўз ўрнига эга бўладиган шахс эди. Лекин бирон жойда иззатталаблик қилмасди. Обрўни сотиб ҳам, тортиб ҳам олмасди. У киши ҳамиша кутиб олинаётганидагидан иззатлироқ кузатиларди. Бу эҳтиром домлага табиати, меҳри, билими, самимияти туфайли ўз-ўзидан келарди.

Босим домла ғоят кечиримли, бағрикенг, бировни яхши кўра оладиган одам эди. Кўпчилик бировни яхши кўрганда ҳам, аввало, ўзини яхши кўрган бўлади. Домла эзгулик билан нурланиб турадиган сиймо эди. Буни биз талабаликнинг илк йилларидан туйганмиз. Эҳтимол, буни билмагандирмиз, бу ҳақда ўйламагандирмиз ҳам, аммо домланинг меҳрини туйганимиз, шу боис кўнглимиздагини унга бемалол айта олганимиз чин. Ҳаёт Шодмон ҳам Босим ака учун, ҳаммадан олдин, туюладиган суюмли бовур эди. Босим домла ҳам шоир ини учун ҳамиша суяниш мумкин бўлган тоғ эди.

Босим ака курашчан одам эди. Домлани билганлар менинг бу фикримга ҳайрон қолишса керак.

Чунки устознинг йиғинларда сўзлаб бировни фош қилганини, кимнингдир йўлини тўсганини, ким биландир ёқалашгани, ёвлашганини ҳеч ким кўрмаган, эшитмаган ҳам. Биз курашчанлик деганда, ўз қарашларимиз, истакларимиз, позициямизни ўтказиш учун қилинган қарқинли ҳаракатларни тушунамиз. Босим домлада бунинг айнан тескариси намоён бўларди. У киши бировга эмас, ўзига, ўзининг хоҳишу истакларига қарши жиҳод қилган зот эди. У бир умр ўз истакларини жиловлашга уриниб яшади. Инсоф билан айтганда, ўзига қарши олиб борилган кураш оғирроқ ва қонлироқдир. Фақат бундай жангда қон сиртга эмас, курашчининг ичига тўкилади.

Босим ака билгич олим эди. Кўп ўқиганди, аммо илмни қандайдир ахборотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда ёдга туширишдан иборат деб билмасди. У илмни тирик одамнинг тириклиги муаммоларини ҳал этишга йўналтира биладиган олим эди. Биз устоз билан бирон чорак аср давомида қипчоқ шеваси сўзларини йиғиб юрдик, бир неча китоб қилдик. Йўқ, бу шунчаки коллекционернинг қизиқиши эмасди. Домла шевадаги ҳар бир сўзнинг қайта жонланиб, алоқа-аралашувда қўлланилишини орзу қиларди. Ёзган ишларида ўша сўзларни жуда авайлаб, битта-битта ишлатишга уринарди.

Босим домла ўта кўнгилчан ва бағрикенг одам бўлишига қарамай, олим сифатида ғоят принципиал эди. У ўзининг фикрларини ҳисобга олмаганликларидан хафа бўлмаслиги мумкин эди. Аммо илмий ҳақиқатларга нописандлик қилганлар ёки тан олмаганлар билан жиддий курашарди. Бундай вақтда домлани таниб бўлмай қоларди. Устоз илмга хизматкор эди, уни ўзига хизмат қилдиришни хаёлига ҳам келтирмасди. У киши илмни ўз шахсидан улуғроқ кўра олиш қўлидан келадиганолим эди. Босим аканинг ўзбек тилида камида тўққиз унли бор-

лиги, бу ҳақиқатни тан олгиси келмаётган кимсаларнинг миллат тилини ғариблаштириш йўлидаги жиноятқорона қилмишлари борасидаги чиқишлари не бир йиғинларнинг йўналишини ўзгартириб юборганига ўзим таниғман. Домла биз "нг" тарзида изоҳлайдиган, аслида "ң" шаклида ифодаланиши лозим бўлган ундош товушни йўқотиш ўзбек тилининг жарангдорлиги ва аниқлигига путур етказишга қаратилган ҳаракатлар оқибати деб биларди.

Устоз шева билан адабий тил муносабатлари ва ўзаро таъсирига ота-бола муносабатлари тарзида қараш керак деб ҳисобларди. Бола отасидан ўзиши, ўтбоши ривожига ўз ҳиссасини қўшиши шарт бўлгани каби шева ҳам адабий тилни бойитишнинг энг бирламчи, асосий ва туганмас қайноғи бўлиши керак деб биларди. Олим тилнинг заҳирасига эҳтиёт бўлиб ёндашилса, янги тушунчаларни шеваларимизда мавжуд эски сўзлар билан ҳам жуда тўғри ифодалаш мумкинлигини ўнлаб мисоллар ёрдамида асослаб берарди. Айни вақтда устоз маҳаллийчиликни умуммиллий тараққиётга тўсиқ деб биларди. Босим ака миллатнинг бирлиги, аввало, унинг тилида намоён бўлади деб ҳисоблагани учун ягона адабий тилга эга бўлмаган этнос миллат сифатида бирлашолмайди деб ҳисобларди. Оммавий ахборот воситаларида шева унсурларининг кўриниши Босим ака учун нутқ маданиятигагина дахлдор муаммо эмасди. Бу ҳолга устоз миллат бирлигига раҳна солиш деб қарар эди. Олим битта адабий тилда сўзлаша олмайдиган миллат тили бошқа-бошқа бўлгани боис бир-бирини тушунолмайдиган, демакки, бирлашолмайдиган қавмлардан иборат этник қурама бўлиб қолаверади деб биларди.

Ҳаёт Шодмон домла шахсиятига хос шу жиҳатларни биларди, эҳтимол, билишидан ҳам кўра кўпроқ туярди. Шу боис у кишининг фикрлари билан сўзсиз ҳисоблашар, ҳаёти ва ижодида ҳар бир фикрини

ҳисобга олишга уринарди. Домла ҳам Ҳаётни эшитарди. Шундай дейману, бу боланинг сўнгсиз монологдан иборат сўзларини эшитиб бўладими ўзи, деб ўйлайман. Устоз умрининг шоми бўлган кунларда ҳам Ҳаёт Шодмоннинг шеърларини тинглаганди. То янгам шоирни устознинг олдига киритмай қўйган сўнгги дамларгача, шоир айтаверар, домла эшитаверар эди. Босим ака Ҳаёт Шодмонни тушунарди. Тушуниб бўладими ўзини ўзи тушунмайдиган бу шоир зотини, деб ўйлайман. Устоз Ҳаётнинг тутумларига чидарди. Чидаб бўладими бу беқилиқнинг қилиқларига дейман. Домла шоирнинг эркаликларини кўтарарди. Кўтариб бўладиган юкми, дейман Ҳаётнинг инжиқликларини. Босим домла қирқ даражада иситмалаб ётган ҳолатда Ҳаётнинг биринчи китоби чиқиши учун тақриз ёзиб берганини шоирнинг ўзи айтиб юради. "Ҳозир ёзиб бермасангиз бўлмайди!" – десам, оға ҳансираб ўтириб, ёзиб берганди", – дейди шоир.

Ҳаёт Шодмонни домлага яқин ва суюмли қилган омил феълидан ҳам кўра, у қўллаган сўз-образлар деган қаноатдаман. Ҳаётнинг битганларида сўз – ахборот бериш воситаси эмас, балки, биринчи навбатда, поэтик образнинг ўзи. Домла шоирнинг сўз-образларини унинг ўзидай, балки, ўзиданда теран, билиши-ку аниқ, ҳис ҳам этарди.

Қўлингиздаги китобга кирган барча битикларга Босим домланинг ҳам кўнгил қўри ва кўз нури сарф бўлган. Китобдаги барча шеърлар устоз Босим ака учун ёки фақат у киши туфайли ёзилмаган, албатта. Лекин уларнинг бир жойга тўпланиб, босиб чиқарилиши фақат шу зот сабаблидир.

Босим ака шоирни сўзга шунчаки сўз, алоқа воситаси деб эмас, ўзига хос фалсафа деб, миллат руҳи ва қарашларининг қайноғи деб қарашга ўргатди. Домла тилшунос олим сифатида сўзларнинг маъноси ёхуд қўлланиш доираси ўзгариб кетишини нохуш

ҳол ҳисоблар ва оғир кечирарди. Жумладан, ўзбекдаги қон-қариндошликни ифодалайдиган сўзларнинг функциясидаги силжишлар бу атамаларнинг маъно қамровига ҳам таъсир кўрсатишини айтиб, қариндошлик атамаларини ўз ўрнида ва маъносида қўллаш кераклигини қайта-қайта таъкидларди. Жиян тушунчасининг асл маъносини билмаган одам учун номи шу китобнинг отига айлантирилган "Жиян келди" шеъридаги:

Жиян келди, жиян келди, тоға юртни қоралаган,
Шўхликлари аён келди – "етти бўри оралаган"

сатрлари мутлақо англашимсиз бўлади. Сўзнинг замиридаги асл маънога эътибор сусайса, бош маъно назардан қочирилиб, сўз шунчаки белгига айланиб қолади. Бугунги кунда каттадир-кичикдир, узоқдир-яқиндир ҳар қандай қариндошнинг боласига жиян дейилаверади. Ҳатто, бегонага нисбатан ҳам шу сўз қўлланилаверилади. Ҳолбуки, тоға-жиянликни алоҳида бир этник статус дейиш мумкин. Жиян атамаси аслида фақат эркакнинг опаси, синглиси ёки аммасининг болаларига татбиқан қўлланилиб, қариндошлар орасида алоҳида мақомга эга бўлган. Чунки у эркакка уруғ белгиланадиган ота томонидан эмас, балки эрнинг уруғига сингишиб кетишга маҳкум бўлган аёл томонидан яқин. Бинобарин, жияннинг кўнглига қараш ва розилигини олиш ҳар бир эркакнинг бурчи ҳисобланади. Негаки, жиянинг розилиги опа, сингил ёки амманинг хотиржамлигигина эмас, балки, маълум даражада, уларнинг ўзлари тушган ердаги ижтимоий мақомини ҳам белгилайдиган омил бўлган. Шу сабабли ҳам жияннинг барча эркаликларига чидалган. Жиян тоғасиникида истаганини қилиши, ёқтирган нарсасини олиши мумкин бўлган ва унинг хоҳишига қарши борилмаган. Жиян келса, "етти бўри оралаган"-лиги шундан. Яъни етти бўри қўтонга орлаганда, қанча зарар етказиши мумкин бўлса, жияннинг ҳам

шунча зарар етказишига оғринмай чидаш лозим бўлган. Чунки туркийлар эркак ва аёл туғишганлар ўртасидаги алоқалар заифлашиб кетмаслиги учун тоға-жияннинг яқинлик даражасига алоҳида эътибор қаратганлар. Тоғаси бўлмаслик элибой ўзбек учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган бахтсизлик саналган. Одамни энг сўнгги манзили – лаҳадга ҳам ё тоға ёхуд жиянгина қўйишга ҳақли бўлган.

Ҳозирги кунда "тоға" атамаси ҳам, "жиян" атамаси ҳам ўз асл маъносидан узоқлашиб бормоқда. Ҳатто, аёллар ҳам яқинроқ қариндошларга нисбатан "жиян" атамасини қўллайдиларки, бу мутлақо кўрилмаган ва мумкин бўлмаган ҳолдир. Чунки "тоғалик" аёлга ортиладиган, у кўтарадиган юк эмас. Ҳозирдаги каби ака ёки уканинг боласини жиян дейиш эса, асл қондошларни бир-биридан узоқлаштириш ва бегоналаштиришдан бошқа нарса эмас. Жиянлик отаси бошқаликнинг белгиси ва бегоналаша бошлаган ва шу сабаб алоҳида эҳтиром кўрсатилиши керак бўлган қариндошликни англатади. Ҳозирда тез-тез учратиш мумкин бўлганидай, айрим тоғаларнинг жиянини "ука" ёки жиянларнинг тоғасини "ака" дейиши эса, ўзининг аслида ким эканини билмасликнинг зўр намунаси саналади. Ҳаёт Шодмоннинг битганларида элибой ўзбекнинг минглаб йиллар давомида йўқолмай келаётган руҳияти акс этгани сабаб улар Босим домлани ром этарди. Устознинг астойдил хайрихоҳлиги эса шоирнинг шу йўналишда кўпроқ шеърлар битишига сабаб бўларди.

Эътибор қилинса, халқ йўлидаги бадиий яратиқларда ҳамиша юмор мавжудлигини пайқаш мумкин бўлгани сингари Ҳаёт Шодмоннинг битикларида ҳам доим ҳазил, кулги силқиб туради. Ҳа, "силқиб туради", юзада, килкиллаб ёки устида ҳаволаниб эмас, айнан силқиб туради. Босим ака шоир битганларидаги шу жиҳатни ёқтирарди. Чун-

ки халқ қаҳқаҳа уришни эмас, жилмайиб қўйишни хуш кўради, устоз ҳам.

Босим домла Ҳаёт Шодмоннинг қисмда бутунни кўра оладиган даражадаги кўзчиллигини ёқтирарди. Шоирнинг: "***Мирзачўлнинг нафармон жинғиллари қиёмат гуллаб, Жийда пишиб, тасбеҳга дурларини тизган палласи***" мисраларида чўлнинг кузи ўзининг асосий атрибутлари билан яққол акс этган. Айтиш керакки, Ҳ. Шодмон фақат халқнинг турмуши, тили ва руҳиятидаги экзотиканигина поэтик тасвирлай оладиган санъаткор эмас. Унинг кишини ўйлашга мажбур этадиган битиклари ҳам кўп ва улар устоз Босим акада хуш таассурот қолдирарди. Қуйидаги фалсафий сатрларда ўйчил одамнинг кўнглидан ўтган инжа руҳий ҳолат маҳорат билан акс эттирилган:

Сиз менга
На ғаним ва на бегона...
Шунчаки... дўст бўла олмаган ҳамроҳ...
Балким, Вақт измида туташди сана-
Тасодиф буржида фурсат хайрихоҳ.

Аёнки, ўзи ўйчил устоз шогирди Ҳ. Шодмоннинг ўй одами руҳиятини Ғафур Ғуломчасига фалсафий йўсинда манзаралаштирганидан хушвақт бўлган.

Хуллас, қўлингиздаги китоб бир-бирини тушунган, бир-бирини ёқтирган, аяган кишиларнинг кўнгил ҳолатларини учинчи бир хайрихоҳ одам ёрдамида моддийлашуви сабаб дунёга келган. "Жиян келди" китоби ҳар бир ўқирманнинг уйига одобли ва меҳрибон ҳамда эркатой жиян каби ёруғлигу қувонч олиб келишидан умидвормиз.

2014 йил 6 май

ОҒРИҚЛИ ЎЙЛАРНИНГ ПОЭТИК МАНЗАРАСИ

Ўйчил одамга ҳамиша оғир. Агар у истеъдодли ижодкор ҳам бўлса, оғирлик даражаси яна ортади. Эл бежизга: "Эси борнинг шўри бор", – демайди. Бугунги ўзбек шеъриятида ўйга йўғрилган туйғуларни тасвирлаш етакчилик қилмоқда. Алишер Назар – битганларида кўпроқ ўйчил туйғулар ёки туйғусол ўйлар акс этадиган шоир. Менимча, Алишер роҳатланиб шеър ёзмайди. Унинг битиклари мудом оғриқли изтиробдан азоб билан дунёга келади. Шундай бўлиши табиий ҳам. Қувончдан ким шеър ёзарди? Қувончдан қувониб юраверилади, шеър ёзиб ўтирилмайди. Чин шеър ҳамиша дарддан туғилади. Олдинлари шоирлар кўпроқ дунё ҳақида ўйлардилар ва шу жўнда ёзардилар. Улар очунни нуқсонсиз кўрмоқ истагини ифода этишга уринишарди. Чунки одамни оламнинг маҳсули деб билардилар. Бугун шоирлар кўпроқ одам тўғрисида ўй сурадилар. Негаки, оламнинг қандайлиги одамларга кўпроқ боғлиқ экан англаб етилди.

Алишернинг шеърларини унинг ўзи тўғрисидаги иқрорлардан иборат дейиш мумкин. У – оламу одамиятга йўл фақат ўзи, ўзининг кўнглию амаллари орқали ўтишига иймон келтирган ижодкор.

Одатда кўпчилик шеърларда ё туйғу, ё фикр босимлик қилади. А. Назар лирикаси эса ўйларнинг туйғулар, туйғуларнинг эса ўйлар билан уйғунлашуви натижасидир. У туйғунинг фикр етовида юришини истамаганидек, ўйнинг туйғулар ортида қолиб кетишини ҳам хоҳламайди.

Шоир "Озодлик" шеърида лирик қаҳрамон олдига муқаддас тушунчаю туйғуларга лойиқ бўлишдай юксак талабни ўта таъсирли йўсинда қўяди:

Ахир ҳеч бўлмаса пичирлаб айтгил,
Бўғзингда музласин изтироб, қайғу.
Бир марта яшагин, поклангин ахир,
Илдизи иймонга туташ сўздир бу!

Бу сатрларда озодлик тушунчасининг иймонга туташлиги, демакки, инсонликнинг асл моҳиятини ифодалаши, унга интилиш одам вужудидаги изтиробу қайғуларни музлатиб, покланиш, демакки, чинакамига яшаш имконини бериши акс этади. Шеърнинг кейинги бандида озодлик замиридаги маънолар янада кучайтирилган ва қабариқ ҳолда кўрсатилади:

Шу сўзга ўхшайди асли тириклик,
Асл саодат ҳам шундан бошланар.
Бу сўзни шунчаки айта кўрмагил,
Ортидан қон туфлай олмасанг, агар...

Ушбу мисраларда озодликнинг шунчаки бир сўз эмас, балки асл тириклик (ҳаёт)нинг мояси, инсон саодатининг ибтидоси бўлгани учун ҳам у юрак қони билан айтилиши кераклиги ифода этилади.

Шеърда озодликка интилиш, ундагина мавжуд бўлиш одамни очунга қул эмас, хожа бўлиб очиқ назар ташлашининг бирламчи шарти экани ***"Сен уни уйғонмоқ учун айтавер, Қанча шаҳидларни уйғотган сўз – бу!"*** мисраларида янада кучлантирилади. Озодликнинг шунчаки сўз эмас, балки одамнинг шахс бўлиш сари босиб ўтадиган олис жанговор йўли экани ***"Бу сўзни тинглаб кўр, лек ажабланма, Қиличлар жарангин эшитсанг ногоҳ"*** шеърий қаторларида ёддан чиқмайдиган йўсинда муҳрланади. Озод бўлиш одам бўлишнинг ягона шарти экани ***"Муқаддас каломдай такрорла уни,***

Ҳаққа олиб борар буюк сўздир – бу! мисраларида акс эттирилади. Бу хил қаноатларда озодлик тушунчасининг бутун залвори тўлиқ намоён бўлади.

Одатда, лирик шеърларга сарлавҳа қўйиш оғир кечади. Чунки сарлавҳа йўналганлик, қаратилганлик, бағишланганликни тақозо қилади. Кўпчилик лирик шеърларга сарлавҳа қўйилмаслиги сабаби шунда. Шоирлар шеърда акс этадиган туйғуларини мавзунинг йўналишига солиб, улардаги табиий порлоқлик ва жозибани йўқотгилари келмайди. Мумтоз шеърият намуналарига от қўйилмаслиги шу билан изоҳланади. Аксарият замонавий лирик яратиқларнинг номланмаслиги сабаби ҳам, бизнингча, шунда.

Алишер Назар – шеърларини номлашга уста. Буни, эҳтимол, поэтик туйғуларига йўналиш беришга моҳирлик дейиш тўғрироқ бўлар. Шоир "Яшашнинг йўли" тарзида номлаган аччиқ киноя-га тўла аламангиз шеърда кўзга ташланиб қолмаслик, элқатори кун ўтказиш учун ўзининг ўзлигини, шахслигини синдириб яшашга маҳкум кимса ҳолатини ***"Бошингни кўтарма токи бошқалар, Кўрмасин сендаги бу мағрур бошни"*** сатрларида акс эттиради. Бундай одамнинг руҳий олами ***"Совуқ болишларга юзингни босма, Жилмайишни ўрган оғир бўлса ҳам"*** сингари киноявий ифодалар орқали манзаралаштирилади. Шеърнинг якунловчи бандидаги:

Саволлар бермагил, саволлардан қўрқ,
Аччиқ жавобларнинг баридан воз кеч.
Ҳаёт – шу, йўллари равонмас, бироқ
Кўзни юмиб юрсанг, қоқилмайсан ҳеч!

тўхтами воситасида номаълум суҳбатдошга берилган "доно маслаҳат" битикнинг таъсир даражасини оширган. Шоир поэтик ниятига эришишда парадоксал тафаккур йўсинидан ўринли фойдалана билган.

Яъни атрофга очиқ назар қараб эмас, балки юмуқ кўз билан юрган қоқилмайди! Тасвир оқимининг муайян бир йўналишга солингани таъсирчанликни таъминлаган.

"Ҳақиқат" шеърида *"Занглаб ётар ичимда бир сўз, Ёвқур баҳодирлар қиличи мисол"* тасвири орқали ўта таҳликали руҳий ҳолат ифода этилган. Айтилмагани учун ишлатилмаган қилич каби занглаб ётган ҳақ сўз юки сабаб лирик қаҳрамоннинг: *"Елкам оғирлашиб боради, бироқ Уйғотиб қўйишдан қўрқаман уни"* тарзидаги иқрор шеърда акс этган фожиа кўламини кенгайтиради. Шеърда қаҳрамоннинг боши борлиги айтилмай билдирилади. Қандайдир мудроқ яратиқ сабаб унинг елкаси *"оғирлашиб боради"*. Лирик қаҳрамон ана шу мудроқ мавжудликни уйғотиб қўйишдан қўрқади. Бундай кимсанинг бир умр ўзидан айрилиб яшашга маҳкум экани шеърда *"Ўзимга паналаб кетиб борурман, Ўнгларимни мудом тушларга йўйиб... Ва яна ҳеч қачон оғзимни очмай, Тишларимни тишимга қўйиб"* сатрлари орқали бутун фожиаси билан акс этади. Муҳими шундаки, шеърда одатдаги "лирик қаҳрамон"нинг шунчаки лаҳзалик руҳий ҳолати тасвирланмаган, балки чоғдошлар маънавий қиёфасидаги турғун бир иллат аёвсиз ифодасини топган.

Алишернинг деярли барча шеърларига оғир ахлоқий-маънавий юк ортилган бўлади. Унинг битганларида инжиқ руҳиятнинг инжа ҳолати ифодаси эмас, балки масъул юракнинг оғриқли иқрорлари акс этади. Шоир битикларида ахлоқсизлик одоб, мослашув яшовчанлик, хиёнат садоқат ўрнида қабул қилинаётган замонда асл инсоний туйғуларни қўмсаш, бу сезимларнинг ҳаммада бўлишини исташ ҳолатлари акс этган.

Алишер Назар изтироб, соғинч, ёлғизлик сингари мавҳум туйғуларни таъсирли ифодалар орқали

моддийлаштира билади. Унинг: ***"Шом қуйилиб, аста чўкар кўнгилга, Тош ота бошлайди кўкда юлдузлар"*** тарзида бошланадиган "Изтироб" шеъри Ницшенинг: ***"Дунёда менинг тасаввурларимдан бўлак ҳеч нарса йўқ"***, – деган ғалати қаноатига ғоят мос келади. Яъни одам борлиқни боридай эмас, балки айни дамда ўзига кўринаётгани ёхуд туюлганидай идрок этади. Нафақат фикр ва туйғу ҳақиқати, балки борлиқни кўриш ва ундан таъсирланиш ҳақиқати ҳам одамнинг ҳолату кайфиятига қараб хилма-хил бўлади. Лирик қаҳрамон айнан изтироб чекаётгани учун ҳам шом қуйилиб унинг кўнглига чўккандай бўлади. Маълумки, шом – қоронғулик. Унинг кўнгилга қуйилиши кўнгилнида қоронғулаштиради. Бир-бир потраётган юлдузлар хушбахт одамга тун чаманзорида чечаклар очилиши бўлиб туюлиши шаксиз эди. Кўнглига ***"шом қуйилган"*** шоирга эса отилаётган тош бўлиб кўринади.

Чайқалар, тўлғонар, мавжланар кеча,
Юраккача борар туннинг титроғи.
Гўё кўзларига санчилмоқчидай,
Кўкда ялтирайди ойнинг ўроғи.

Одамнинг қаноатлари унинг туйғулари каби омонат. У ўз ҳолати ва кайфиятидан келиб чиқиб, оқни қора тарзида қабул қилиши мумкин ва бу табиий. Дилгир ҳолати боис кўкда ялтираётган ой ўроғи (ҳилол) унинг кўзига санчилмоқчидай таассурот қолдиради. Шеър тасвирнинг умумий руҳига монанд йўсинда: ***"Қуёш чиқиб келар, тонг отмас сира"*** тарзида якунланади. Кўнгилнинг ёришмаётгани ҳолати лирика тили билан шундай ифода этилади. Зотан, кўнгилга қуёш чиқмас экан, тонг отмайди.

Поэтик тасвир тажрибасида ёлғизлик борасида муайян қараш шаклланган: кўпчилик унга интилади. Чунки ёлғизликдагина ўзи билан қолиш имкони

туғилади. Ўзига хос назарга эга шоир сифатида Алишер "Ёлғизлик" шеърида ёлғизликнинг бошқалар кўрмаган қиррасини кутилмаган йўсинда тасвирлайди: ***"Ёлғизликдан жуда қўрқаман, Ёлғизликда адолат йўқдир. Кўзларингга тикилиб туриб, Ҳақиқатни айтар бирма-бир"***. Муаллиф яна парадоксал фикрлаш йўсинидан фойдаланади. Яъни ҳақиқатни бирма-бир айтишни адолат йўқлиги тарзида изоҳлайди.Шоир ёлғизлик ҳақида ахборот бериб ўтирмай, унинг ички моҳиятини кўрсатишга уринади. Кўрсатгандаям шунчаки мавҳум йўсинда эмас, балки мубҳам ёлғизлик оғушидаги инсон ҳолати орқали моддийлаштиради: ***"Ҳеч нарсадан тўлмайди кўнглинг, Юрагингни нимадир ўртар. Юзларингда синиқ табассум Кулгуларинг йиғидан баттар"***. Шеър қай йўсин кутилмаганда бошланган бўлса, шундай фавқулодда тугалланади:

Ёлғиз қолган одамга қийин,
Енгиб бўлмас сукунат юкин.
Ёлғиз қолган одам, ҳаттоки,
Сен ҳақингда ўйлаши мумкин.

Бу сатрларда ёлғизлик қўйнидаги одам ҳолати тасвирланиш ўрнига унинг иқрори акс эттирилгандай бўлади. Шоирни эса ёлғиз каснинг сукунат юкини кўтара олмай, у ҳақда ўйлаб қолиши "чўчитади". Фожеий ҳолат ифодасининг авж нуқтасини сезилар-сезилмас юмор билан уйғунлаштириб тасвирлаш – Алишер Назар лирикасининг ўзига хос қирраси.

А. Назар ўз битикларида воқеаларни тасвирламайди. Унинг шеърларида кўпроқ руҳий ҳолат ва оний кайфиятнинг ғоят ўзгарувчан ҳамда ўткинчи манзаралари акс этади. Одам воқеалар фонида эмас, балки борлиқ одамнинг руҳий ҳолат ва кайфияти фонида тасвирланади. Борлиқнинг муайян ҳолати турли интеллектуал даража ва руҳий кайфиятдаги

одамга тамомила ўзгача кўриниши ва таъсир кўрсатиши шоир битикларида яққол акс этади.

Алишер – изтироб ва ўй оғушидаги одам ҳолатини тасвирлашга моҳир. Номсиз бир шеъридаги: "***Дардларингни ёрмоқ истайсан, Ёрилмас у – пишмаган яра. Симиллаган оғриқли кеча Кириб борар ичингга, қара. Вужудингга санчилади ел, Сен сесканиб тушасан ногоҳ***" сатрларида номаълум изтироблар исканжасидаги кишининг руҳий ҳолати ўта рангин ифода этилган. Дардлари ёрилмас ярага айланган одам вужудига ел ҳам игнадай санчилиши тасвирга ишонарлилик бағишлаган.

Алишер жонлантириш, ташхис санъатлари ёрдамида лирик қаҳрамон руҳиятидаги сезилмас ўзгаришларнида қабариқ бера олади: "***Билмам, қачон ўтдинг бу йўлдан, Оғрийди қалбимда оёқ изларинг***". Бу тасвирда юракни билдирмай забт этган фотиҳ музаффариятининг оғриқли оқибати ифода этилган.

Шоир "Кўнгил" шеърида ғоят аламангиз, оғир руҳий ҳолатни ўта енгил йўсинда ифодалаш орқали кучли бадиий эффектга эришган:

Сотилади... кўнгил бор,
Ҳали тирик, ўлмаган.
Фақат у меҳрга зор,
Бирор марта кулмаган.
Бир жойида доғи бор,
Шундан нархи баланддир...

Меҳрга зор, бирор марта кулмаган, лекин ҳали тирик, кераксизлиги учун кўнгилнинг сотилиши, бир жойида доғи борлиги унинг нархини баланд қилиши йўсинидаги аралаш, хаотик тасвир бу ифодаларга собит интизом ва таъсирчанлик бахш этади. Шеърда тилга олинган иллатлар фазилатга эврилади. Битикнинг ўйноқи ва енгил оҳанги руҳий фожианинг залворини оширади.

"Куз" шеърида шоир тасвир объектининг ташқи жиҳатларини унинг ички ҳолати билан уйғунлаштириш орқали поэтик маънони кучайтиришга эришган: "***Мағрур бошларин силкиб, Шовуллайди тераклар. Пойимда ётар беҳол Ловуллаган юраклар***". Бу сатрларда кузда йўқликка кетаётган табиат унсурлари ҳолатини тасвирлаш орқали ўзининг умр кузаги тўғрисида оғир ўйларга толган замондош ҳолати акс этади. Теракларнинг кузги оловранг япроқларининг ловуллаган юракларга менгзалиши бир вақтнинг ўзида ҳам ташқи ўхшашлик, ҳам мағрур бош эгалари юраги кундалик тирикчилик оёғи остида қолишини кўрсатишдай функционал яқинликни ифодалаш имконини берган. Шоир умрнинг беаёв ва шафқатсизлигини куз образи орқали ғоят таъсирли ҳамда оригинал акс эттиради: "***Куз бешафқат, беаёв Ғорат этар барини. Теграмда ўйнар шамол Вақтнинг синиқларини***".

Алишер шеърларида ўта нозик руҳий ҳолатлар манзарасини чизишни хуш кўради. "Бир одам" шеърида умри беғалва, беташвиш ўтаётган кимсанинг армонли руҳияти акс этади. Одатда, одамлар душмани кўплигидан хуноб бўлиб, ёзғириб юришади. Ушбу шеър қаҳрамони эса душмани йўқлиги, унга ҳеч ким қарши эмаслиги, ҳасад қилмаётгани, ўтаётган карвонига итлар ҳуриб ташланмаётгани, душмандан қутулишни ўйлаб узун кечалар ўй суришга мажбур бўлмаётгани, юрагида санчиқ йўғидан қийналади. Кимгадир, негадир қарши бориш, тўсиқларга йўлиқиш ва уларни енгиб ўтиш, бу йўлда қийинчиликларга учраш ҳам инсоний умр деб аталмиш кечимнинг безаги экани шу йўсин яширин тарзда акс этади. Шеър ўзига хос ҳазиломуз шаклда тугалланади:

Алам қилар унга шуниси,
Ўтиб борар беғалва, бесас.
Курашгиси келар унинг ҳам
Лек арзирли ғаним топилмас.

Алишернинг лирик шеърларида руҳият ташқи безак эмас, балки ички моҳият сифатида намоён бўлади. У тасвир асносида ҳодисадан кўра ҳолат ва кайфиятни теранроқ акс эттиради. Буни қўлингиздаги китобчага кирган шеърларни ўқиш асносида ўзингиз ҳам пайқайсиз деб ўйлайман.

Алишер Назар битикларининг фазилатлари борасида янаям кўпроқ ёзишим мумкин эди. Лекин бир пайтлар у мен билан қилган суҳбатда айтган: ***"...сўнгги пайтларда бадиий асарлар ва уларнинг ижодкорлари ҳақида фикр билдирганда, бироз муболағага ва юзхотирликка берилаётгандексиз..."***, – деган эътирози ёдимга тушиб қолди ва унинг китобидаги сўзбошини қисқароқ қилақолдим.

2014 йил 25 июн – 11 июл.

ҲАРАКАТДАГИ КАЙФИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

Хатти-ҳаракат ва ўзини тутишлари бошқачароқ бу йигитни беш-олти йилдан бери танийман. Атай биламан деб айтмаяпман. Негаки, биров ҳақидаги билимдан омонат нарса йўқ. Насрулла Эргашга ўхшаш ҳолату кайфияти ҳар дақиқада ўзгариши мумкин бўлган одамларни-ку асло билиб бўлмас. Насрулла билан университетда ишлаётганимда учрашганмиз. У жуда кўп ўқийдиган аълочи талабалардан эмасди. Интизомли ва домлаларнинг кўнглини топа оладиганлар сирасига ҳам кирмасди. Доим изтироб чекаётгандай ёхуд киноя қилаётгандай норозиланиброқ юрарди. Ўқтин-ўқтин кутилмаган ва қалтис савол бериб қолар, аммо жавобларимдан мамнун бўлганини ҳеч сезган эмасман. Негадир, шу йигит ҳам шеър ёзса керак деб ўйлардим. Лекин, чин гап, у пайтлар бу йигитнинг ижодига сира қизиқиб кўрмаганман.

Куни кеча Насрулла шу китобнинг қўлёзмасини менга олиб келди. Олиб келганда ҳам жуда қисқа фурсат ичида сўзбоши ёзиб беришим кераклигини айтди. Ҳа, айнан, айтди. Илтимос қилмади, менинг вақтим бор-йўқлиги билан қизиқмади ҳам. Сездим: ҳақиқий ижодкор учун илк китоб – узоқ кутилган фарзанд каби ардоқли. Тўнғични юзага чиқаришда унча-мунча истиҳолага бориб ўтирилмаслигини тушунса бўлади. Ҳолбуки, уддабурон ёзгичлар боғчадалигида, мундайроқлари мактабда ўқиб юрганида нечталаб китоб чиқаришни эплаётган ҳозирги даврда шунча йилдан бери шеър ёзиб юрган йигитнинг китоб чиқармаганига ҳам ташаккур билдириш керакдай ўзи.

Қўлёзмани, ўзингиз ўйлаганингиздай, бир қадар оғриниброқ олиб қолдим. Вақтим йўқлигини айтиб, рад этишга қанчалик шайланмай, ишониб келган одамни ноумид қайтаролмадим. Ва... қўлёзма билан танишгач, қайтармаганимдан қувондим. Чунки... чунки Насрулланинг кўпчилик шеърлари юракнинг туб-тубидан чиққан самимий иқрорлар, чинакам ҳайратлар, астойдил тазарруларнинг бадиий ифодаси эди.

Кейинги йилларда ўзбек шеъриятида бир қатор шоирларнинг ўз ичига, ўз кўнглига бекиниши, атроф олам ва ундаги одамларни текшириш, уларга йўл кўрсатишдан кўра, ўз руҳиятини теранроқ ўрганишга кўпроқ эътибор қаратаётгани кузатилмоқда. Насрулла Эргаш ҳам шу йўсиндаги ижодкорлардан экан.

Унинг шоирлик қисмати борасида келган тўхтами чинакам ижод фожиага эшлигини таъкидлаши билан анъанавий, аммо ифоданинг бошқачалиги билан ўзига хосдир:

ДЎСТИМ МЕНГА ҚИЛАР ХИЁНАТ,
ташлаб кетар содиқ севгилим
ёки халқим тушунмас мени...
Энг гўзал шеър ёзмоғим учун.

Ёзилажак энг гўзал шеър эвазига қурбон қилиниши керак бўладиган нарсаларнинг қиммати нақадар юксаклигига эътибор қилинг. Шоир энг гўзал шеър кунларнинг бирида, илҳом келганида ўз-ўзидан яралиб қолмаслигини, балки ундан, албатта, улкан қурбонликлар талаб қилишини билиб турибди. Аммо у бу қисматдан қочиб қутулолмаслигини ҳам англайди, қочмоқчи ҳам бўлмайди. Чунки шоирлик унинг ўзлиги, ўзликдан эса қочиб қутулиш мумкин эмас.

Китобчадаги бир қатор шеърларда инсоний самимият қайта-қайта тилга олинади. Насрулла Эргаш, ҳатто, ҳайқирилиш кераклигига кўпчилик кў-

никиб қолган ватан, озодлик ҳақида ҳам кўнгилдан чиқариб, самимий ёзиш кераклигини шундай тасвирлайди:

Дўстларим, Ватанга мақтов керакмас,
энг баланд пардада сўзламанг атай.
Билсангиз, жимгина янграб юракда,
тилга кўчмаган сўз – мен учун Ватан.

Ёш шоир ватанни фақат жуғрофий-ҳуқуқий тушунча деб билмайди. Ватан бошпана мақомидаги маскандан юракка кўчиб, одамнинг ичидаги руҳоний-маънавий тушунчага ингандагина чинакам қадриятга айланишини теран ҳис этади ва таъсирли ифодалайди. Унинг назарида, ватанини кўнглига жойлаган одамдан ҳеч ким, ҳеч қандай куч уни тортиб ололмайди. Шунинг учун ҳам "Иосиф Бродскийга" деган бағишлов шеърида улкан ишонч билан ёзади:

СЕН ВАТАННИ ТАРК ЭТСАНГ БИР ЗУМ,
у сен билан – айро қололмас.
Ҳеч қайси ёв, ҳеч қайси тузум
уни сендан тортиб ололмас.

Насрулла бор нарсани боридай айтишни шоирлик санамагани боис имкон қадар мажоз билан фикрлашга, ўқирманга ҳамма нарсани айтиб қўймай, кайфияту изтиробларини англаб етишда уни ўзига шерик қилишга интилади. Шу боис унинг поэтик битиклари бир қадар фикрий зўриқиш билан қабул этилганда бор жозибасини намоён қилади. Буни бир учлик мисолида яққол кўриш мумкин:

Муҳаббатнинг ранги қизил, деб айтдим –
юрагимнинг қони бўялган
лабингга қараб.

Тўғри, оригинал ўхшатишга қурилган бу кичик шеърда кичик айбғина ҳам йўқ эмас, яъни поэтик

образ яхши топилгани ҳолда ифодада ноаниқликка йўл қўйилган. Ҳозирги ҳолида гўё юракнинг қони лабга бўялгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, шоир лабнинг қизиллиги унинг ошиқ юрак қонига бўялганидан эканини айтмоқчи. Лекин поэтик топилдиқнинг ўзига хослиги шеърга ўзгача жозиба бахш этган. Шоирнинг бошқа бир учлигида жавобсиз севги ***"ЛАБЛАРИМДАН УЧГАН БЎСАЛАР қайтиб келди ёмғирда ивиб, лабларингдан топмай қўналға"*** тарзида оригинал ифода этилган.

Китобга кирган кўпчилик шеърлар – уч-тўрт қатор, ҳатто, икки сатрдан иборат жуда қисқа битиклар. Қисқалик аксар ҳолатларда шеърларнинг тагмаъноли бўлишига олиб келган. Озлиги сабаб сўзларга сиғмаган поэтик маъно унинг ортига яширилган. Шеърхон битикни синчиклаб қайта ўқигандагина тагмаънони англаши мумкин. Бир замонлар Чиндаги *"сяоши"*, Япониядаги 17 бўғинли учлик бўлмиш *"хойку"* ва 31 бўғинли бешлик *"танка"* янглиғ шеърий шаклларга ишқибозлик кейинчалик Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Азим Суюн, Тоҳир Қаҳҳор, Абдунаби Бойқўзи, Фарида Афрўз, Фахриёр сингари ижодкорлар томонидан ўзбек поэтик сўзининг талабларига уйғунлаштирилиб, шаклий қолипга солинмаган кичик шеърий жанрнинг юзага келишига сабаб бўлганди. Насрулла Эргаш ана шу устозларининг анъаналарини давом эттиргани ҳолда қисқаликда ўзига хосликни намоён эта билди. Агар устозлар ўз кичик шеърларида поэтик ҳикмат айтиш ёхуд кайфият манзарасини чизишга уринган бўлсалар, Насрулла кайфиятнинг ҳаракатини, руҳиятдаги оний ўзгаришларни ифодалашга диққат қаратади. Ёш шоир қадр топмаган севгига йўлиққан ошиқ ҳолатини шундай ифодалайди:

БАҲОР КЕЛГАНИДА
униб чиқар юрак қизғалдоқ,
узилмоққа қўлларинг кутар...

Шеърда баҳор севгини, қизғалдоқдай униб чиққан ва ҳар дақиқада ёр томонидан узилишини кутаётган юрак эса ишққа мубталоликнинг юксак даражасини рамзлайди.

Бошқа бир учлик шеър: ***"ЮРАК – ҚИЗИЛ АКВАРИУМ; қуйилган кўз ёш... типирчилар ташна балиқлар"*** сингари мутлақо кутилмаган рамз-образлардан иборат. Ўқирман қофиясиз учликдаги ҳар бир рамзни ўзи очиши керак бўлади. Ошиқ юракнинг қонга тўлгани қизил аквариум, ундаги қон шунчаки қон эмас, балки ошиқнинг қонли кўз ёшлари, типирчилаётган ташна балиқлар эса унинг умидлари, ҳадиклари эканини туймоқ учун тасаввурни зўриқтириш керак бўлади. Насрулла шеърларида инсоний туйғуларни бутунлай ўзгача йўсинда ифодалашга интилсада, азалий қадриятларгада эҳтиром билан ёндашади. Буни бир шеърининг: ***"Мен ҳақимда ошиқларга айтиб беринг – ишқ йўлида ўлмаганлар ошиқ эмас!"*** дай оташин сатрлар билан тугаганидан ҳам билса бўлади.

Насрулла Эргаш кўпинча Рауф Парфи услубига таассуб қилиб, аксар ҳолларда шеърнинг биринчи қаторини сарлавҳага айлантиришни хуш кўради. Лекин баъзан устозидан фарқ қилиб, ёш шоир биринчи сатрни худди сарлавҳа каби ёки охирги қаторни хулоса сингари алоҳида ёзади ва шу билан мисрага ўзгача маъно юклаб, таъсир кучини оширишга эришади. Буни олдин келтирилган битиклар ёки қуйидаги шеър мисолида кўриш мумкин:

ЙИҒИ
Шаффоф ва юмалоқ ёмғирнинг шакли.
Тикиламан: осмон ҳам синиқ;
кўзларимдан оқа бошлайди
рангин бир товуш...

Кўз ёши ва ёмғир томчиларини мувозий тасвирлаш жуда қадимдан келади. Лекин кўзёшда осмон

синиқларидан оқаётган рангин товушлик хусусиятини кўра олиш ўзига хос назарли шоирнинг топилдиғи. Ва муҳими, йиғига бевосита алоқаси йўқдай бу тасвирларга алоҳида ажратиб кўрсатилган сарлавҳа ўзгача маъно бахш этиб турибди.

Биз китобдаги шеърлар орасидан эътибор ва эътирофга лойиқларига кўпроқ тўхталдик. Ҳар тўкисда бир айб деганларидек, ушбу китобчада ҳам қиёмига етмаган ифодалар, тўлиқ очилмаган образлар, шоирнинг ўзи учун туюмли ва тушунарли, аммо ўқирманга англамсиз тасвирлар йўқ эмас. Умид қиламизки, Насрулла Эргаш кейинги битганларида бу хил камчиликларга йўл қўймайди.

Хуллас, "***исмингни шаробдай ичаман қуйиб***", "***о, жимжит мусиқа – кўзим ёшлари***" йўсинидаги кутилмаган ташбиҳлари билан ёдга муҳрланиб қоладиган сатрлар битган шоир Насрулла Эргашнинг шеърлари ўқирманнинг тасаввур оламини кенгайтириб, уни ўз руҳияти қатламларига синчковроқ назар билан қарашга ундайди дейиш мумкин.

2014 йил 15 декабр

ЧИГАЛ РУҲИЯТНИНГ БЕТАКРОР ТАСВИРИ

Бадиий адабиёт аслан ҳаёт манзараларининг ҳар хиллигини турфа йўсинда кўрсатишга йўналтирилган санъат туридир. Чинакам адабиёт ҳамиша хилма-хил услубда битилган асарлардан иборат бўлади. Ўтган асрда кўпчилик ижодкорларни ёзганларидан таниш мумкин эди, бугун ёзганига қараб таниб олса бўладиган ёзувчилар тобора камайиб бораётир. Агар бир вақтлар Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир, Зулфия каби шоирларнинг кўпчилик шеърларини илк сатрлари, нари борса, биринчи бандини ўқибоқ муаллифи кимлигини айтиш, табиат тасвири ёхуд тугундан бошланганига қараб, бирор насрий битикнинг Ойбек ё Абдулла Қаҳҳор қаламига мансублигини чамалаш мумкин бўлса, бугунги кунда бундай ижодкорлар деярли учрамайди. Негаки, бугунги ёзувчилар нафақат ўзгалар, балки ўзларинида такрорлаб қўймасликка атай уринишмоқда. Олдинлари ўз услубига эга бўлиш ижодий марра ҳисобланган бўлса, ҳозирда кўпчилик ёзувчи-шоирлар атай услуби шаклланиб қолмаслигига интилмоқда. Улар ўқирманга ҳар сафар тамомила янги ижодкор сифатида номаълум қирралари билан кўринишни исташади. Чунки бугунги санъаткор ҳар қандай бир хилликни адабиёт учун ютқизиқ ҳисоблайди. Асл санъат манфаатларидан келиб чиқилса, адабиётимизда хилма-хил услубий йўналишда қалам тебратаётган ижодкорларнинг кўпайиб бораётганидан қувонмоқ керак.

Таниқли ёзувчи Асад Дилмурод навбатдаги асарининг олдингисига имкон қадар ўхшамаслигига

уринадиган, демакки, ижодида қатъий услуб шаклланиб қолмаслиги учун ҳаракат қиладиган адиблардан. Ёзувчининг тарихга айланган одамлар руҳиятини бадиий тадқиқ этишга бағишлаган ҳикоя, қисса ва романлари ифода тарзига кўра бир-бирига деярли ўхшамайди. Асад Дилмурод ёзувчининг барча асарлари бир хил услубда ёзилмаслиги, балки ҳар бир асар ўзининг бетакрор ифода йўсини билан туғилиши керак деб ҳисоблайдиган ижодкорлар сирасига киради. У адиб бадиий услубнинг шаклланиши унинг ифода йўсини эстетик қолипга тушганини англатади деб билади. Унингча, оламда бир-бирига тўлиқ ўхшайдиган иккита одам бўлмас экан, турли даврларда яшаган турфа хил одамлар руҳияти акс этган асарларнинг, бир киши томонидан бўлсада, шаклланган, демакки, муайян қолипга солинган йўсинда тасвирланиши ютуқ ҳисобланмаслиги керак.

Маълумки, А. Дилмурод кўпроқ тарих тўғрисида ёзади. Лекин у бутун диққатини тарихдаги воқеаларни эмас, балки шу воқеаларда қатнашган одамларнинг кўнгил ҳолатлари, кайфиятлари ва руҳиятларидаги тўлғанишларни тасвирлашга қаратади. Чунки қанчалик аҳамиятли бўлмасин, воқеалар ўткинчи ва бир-бирига ўхшаш, кўнгил ҳолатлари-ю руҳий тўлғанишлар эса бетакрордир. Ёзувчининг ижодий манерасига эътибор қилган киши унинг битганларида кўпинча ўтмиш билан бугун, реаллик билан рўё, борлиқ билан хаёлот аралаш келганини кўради. Аслида кўпчилик одам шундай яшайди. Фақат буни билмайди ёки унга жиддий эътибор қилмайди. Одам бугуни билангина яшай олмайди, унинг бир оёғи ҳамиша ўтмишда бўлади. Шунингдек, ҳар қандай одам реал ҳаётдан кўра ўзининг хаёлот олами билан кўпроқ бирга бўлади. Фақат биз хаёлотимизни ҳисобга олмасликка, унга эътибор бермасликка одатланиб қолганмиз, холос.

Асад Дилмурод битикларида бугунини тарихи, ҳаётини хаёлидан айри кўрмайдиган шахслар кўпроқ тасвирланади. Қўлингиздаги китобга кирган асарларда ҳам ана шундай шахсларнинг руҳий олами, изтироб ва қувончлари акс этган. Китобдаги роман ва ҳикояларда истеъдодга эга шахсларнинг Яратган ҳамда ўзга одамлар олдидаги масъулияти ва ана шу масъулиятга муносабатларга мутаносиб равишдаги чигалдан-чигал қисматлари тасвирланади. Муаллиф талқинида истеъдодли шахс шунчаки бошқалардан қобилиятлироқ ҳунарманд эмас, балки истеъдодли эканининг ўзи билан эзгулик йўлида курашиш қисматига айланган зотдир. Мабодо, бу шахснинг тана истаклари ғолиб келиб, шу қисматдан юз ўгирса, нафақат ўзи, балки бутун қавми учун қиёмат қўпиши кўрсатилади. Бу битикларда фақат эзгулик ва гўзалликкина кишининг кўнглини тозалаш орқали унинг кўзини тўйдириши, кўз тўймагунча, нафсга ором йўқлиги акс этган. Ушбу адабий яратиқларда эзгулик ва гўзаллик одамнинг одамийлиги билан елкама-елка бўлиб нафсга қарши омонсиз курашганликлари тасвирланган.

Ўқирманлар орасида: "Икки марта ўқиб бўлмайдиган асар бир марта ўқишга ҳам арзимайди", – деганга ўхшаш гап юради. Ушбу китобдан жой олган "Ранг ва меҳвар" романи билан танишиш жараёнида қаҳрамонлар руҳиятида юз берган ўта чигал кечинмаларни туйиш, тушуниш ва изоҳлаш учун ўқирман битикни қайта-қайта ўқишига тўғри келади. Негаки, ушбу битик бадиий асар ҳақида бизда шаклланган одатий тушунча ва тасаввурлардан жиддий фарқ қилади. Рўё билан реаллик, хаёлот билан ҳаёт аралаш тасвир этилган ушбу роман ўқирмандан интеллектуал зўриқиш ва руҳоний йиғноқликни талаб этади. Шундай қилингандагина муаллифнинг тасвир концепциясини илғаш, тасвирдаги боши-кети йўқ қурамадай туюладиган чигалликларнинг борар

манзилини англаш, персонажларнинг табиатлари тўғрисида муайян тўхтамга келиш мумкин бўлади.

Маълумки, миллат аҳлининг бадиий диди турфалашгани унинг маънавий-интеллектуал савияси юксалганидан далолат беради. Индивиднинг шахсга айланиши, аввалambор, унинг ўзига хос бадиий-эстетик дидга эгалигида юз кўрсатади. Бугунги ўзбек адабиётида қилинаётган турли-туман ижодий тажрибаларни миллий дид юксалиши ва турфаланишининг натижаси дейиш мумкин. Кескинроқ бўлсада, айтиш керакки, эндиликда ҳамма ёппасига ўқийдиган асар ёзиб бўлмайди. Энди ҳамманинг бир нарсага қизиқиши мумкин эмас. Бундай босқич адабиётимизнинг тарихида қолди. Диди ҳар хил бўлган миллатнинг адабиётида турфалик етакчилик қилиши табиийдир.

Асад Дилмуроднинг романи ўзига хос стилистикаси, ифода услубидаги бетакрор мураккаблик билан ажралиб туради. Асар бошдан-оёқ ички бир мусиқага қурилган. Ана шу мусиқани илғаб олмаган ўқирман, аввало, уни ўқиёлмайди, ўқиса ҳам муаллиф бадиий концепциясини, тасвирдан кўзда тутилган ниятни англаб етмайди. Чунки асарда тасвирланган тимсолларнинг шахсиятига хос жиҳатлар ва ёзувчининг бош мақсади ана шу мусиқийлик замирига жойланган. Муаллиф персонажларнинг қолипга тушмас ҳамда чигалдан чигал руҳият ва хаёлоти оқимидаги ўзига хосликларни сўзлар мусиқаси орқали беришга эришган. Романда акс эттирилган айрим қаҳрамонлар рангнинг товушини эшитганлари каби мусиқанинг ранги ва ундаги товланишларни кўра оладиларки, буларда ёлғон йўқ, балки учқур хаёлот самарасигина бор, холос.

Роман стилистикасида муаллифнинг йиғиқ содда гапдан мутлақо фойдаланилмаганини кўриш мумкин. Асарда ҳатто, ёйиқ содда гап ҳам жуда сийрак учрайди. Фақат қўшма, қўшма бўлганда ҳам, мурак-

каб эргашган қўшма гаплардан иборат ифода йўсини асардаги тимсоллар руҳияти тасвирига ўзгача сертқатламлик, кўлам, залвор бағишлайди. Чунки тасвир объектининг ўзи содда эмас: серқатлам ва ўта чигал. Бунга сабаб асарда воқелик, воқеликдан ҳам кўра тасвирга олинган одамларнинг руҳий ҳолатлари санъаткорнинг, санъаткор бўлганда ҳам ғоят катта истеъдод эгаси бўлган рассомнинг нигоҳи билан кўрилади, унинг учу қуйруғини топиш мушкул ўйлари воситасида ифода этилади. Асарнинг бошидан охирига қадар барча қаратқичли бирикмалар деярли белгисиз, яъни қоидадагидай "тун**нинг** қоқ ўртасида" эмас, "тун қоқ ўртаси", "барча**нинг** белини" эмас, "барча белини", "осмон**нинг** бир парчаси" ўрнига "осмон бир парчаси" тарзида қўлланади. Бу ҳол мавҳум руҳий ҳолатлар тасвиридаги мубҳамлик даражасини янада кучайтириб, ўқирманни асар билан танишиш асносида ифода замиридаги маънони англаб олиш учун ҳушёр бўлиб туришга ундайди.

Ушбу романдаги ифода йўсини, яъни услубидаги яна бир ўзига хослик алоҳида таъкидланишга лойиқ. Ҳали адабиётимиз тарихида диалогдан мутлақо фойдаланилмасдан ёзилган роман бўлмаган эди. Эътибор бериб қаралса, "Ранглар ва меҳвар"да бирорта ҳам диалог қўлланилмагани кўринади. Бу ҳолат ёзувчи елкасига оғир меҳнат ва улкан масъулият юклайди. Зеро, у тасвир борасида қаҳрамонлари қилишлари керак бўлган барча юмушни ўз бўйнига олади. Ҳар бир персонажининг бутун борлиғини, ичу ташини ўзи тасвирилаши лозим бўлади. Ёзувчи ана шундай мураккаб ишни маромига етказиб уддалаган.

Тасвир йўсини ўта мураккаб бўлган ушбу асарда ўзбек сўзининг бадиий жилваси ва ифода имкониятлари нечоғлик кенглиги яққол намоён бўлган. Романнинг кўп ўринларида адибнинг ифода тар-

зи ўқирманга нафақат сўзларни эшитиш, балки уларнинг рангини кўриш имконини ҳам берган-дай бўлади: *"Жилға бўёқлари тиниқлашиб жимирлади, бежирим чорчўпга тортилган узун ва энли матони қоплаган ҳайбатли сурмаранг чўққилар, фалак бўйлаб сокин юзаётган тўлин ой, замин белида қалашиқ ғадир-будир тошлар ва патталаган томирларни ювиб оқаётган зилол сув ифодалари лов-лов ёниб ойдин шулъа таратмоқда"* ёхуд *"...хиёл карахт жисми руҳини чулғаган мавжларда чўкиб-чўкмай оқиб борарди"* каби.

Айтиш мумкинки, романда фабула йўқ, яъни асарда персонажлар бошидан ўтган воқеалар тасвирланмаган, балки қачондир бўлиб ўтган ёки бўладиган воқеаларнинг тимсоллар руҳиятидаги излари ретроспектив йўсинда акс эттирилган. Қаҳрамонлар кеча, бугун, эртага сингари алоҳида уч ўлчамга эга оламда эмас, балки буларнинг бари аралашиб-қоришиб кетган ва кечадан бугунга, реалликдан тушга ўтиб кетилаверадиган аралаш ўлчамли дунё оғушида акс эттирилади. Бу ҳолнинг формал мантиқ талабига бўйсуниши керак бўлган фабула бағрига сиғмаслиги табиий. Шу тариқа ушбу бадиий яратиқда тасвирланган оламдан кўра тасвир олами устуворлик қилишига эришилган. Ёзувчи персонажларнинг нима қилганини кўрсатишга қараганда, уларнинг руҳиятида нималар кечганини, янаям аниқроғи, уларнинг бош қаҳрамон тасаввуридаги изларини ифодалашга кўпроқ диққат қаратади.

Роман ифода интизоми ва қурилиш архитектоникасига кўра айрим ўринларда Ф. Кафканинг машҳур "Жараён" асарига ўхшаб кетсада, унинг сюжет чизиғи модернчи издошиникиданда сертугун ва чигалроқ. Негаки, "Жараён"да одатий мантиққа сиғмайдиган бўлсада, воқеаларнинг қандайдир

тартиби, мунтазамлиги бор. Асар қаҳрамони Йозеф К. ана шулар оғушида тасвирланади. "Ранг ва меҳвар"да эса руҳий ҳолат воқеаларнинг натижаси сифатида эмас, ўзаро қоришиб кетган хаёлот ва реалликнинг сабаби тарзида кўрсатилган. Ёзувчи тафсилотлар тасвирини бермайди, ҳаётий реаллик ифодасининг ишонарли чиқишига эътибор қаратмайди, айни вақтда ҳар бир персонаж руҳиятидаги ўзгачалик ва бетакрорликни акс этиради. Айни шу жиҳат ижодида эзгу маънавий қадриятларга хиёнат қилмасликка, энг қалтис дамларда ҳам ***"...камина учун барисидан кўнгил фуқароси бўлиш афзал"*** дейишга ўзида куч топа олган истеъдодли санъаткор Комрон Вали тимсолини ўз атрофидаги нафсига қул бўлган фойдахўр кимсалардан айрича хусусиятларига эга баланд шахс сифатида тасвир этиш имконини берган.

Бугун бор нарсани боридай кўрсатиш, бор гапни боридай айтиш санъат ҳисобланмайди. Бугунги чинакам ижодкор борлиқ манзараларидан маъжоз қидиради ва топади. Бундай санъаткор ўзини атроф-теваракдаги нарса-ҳодисалардан мажоз топиб, унга ишора қилишга, ўқирманларни эса ўша ишорани тушуниб, унинг замиридаги маънони илғашга одалантиришга интилади. Асад Дилмурод фақат сўзга мажозий маъно юклабгина қолмай, воқеаларни ҳам мажоз оғушида кўрсатишга уринади. Зеро, кўра олган кўзга кулли олам мажоздан иборат. Одатда, ҳар бир одамнинг ҳаёти мистика билан реалликнинг, инсонийлик билан илоҳийликнинг аралашувида кечади. Фақат буни барча пайқай олмайди, холос. Адабиётга шу ҳолатни кўчириш борлиқнинг бадиий ифодасига ўзига хос кўрк бағишлайди. Лотин Америкаси адибларининг мистик реализми бу қадар урф бўлиб, кенг ёйилишининг сабаби улар оламни шу уйғунликда, ғайб билан модда дунёсининг қоришиқлигини табиий ҳол сифатида тасвирлай олганликларидадир.

Мажозни англаш ўқирмандан муаллифга ижодий шериклик ва муайян эстетик ҳозирликни талаб қилади. Муаллифни англашга интилмаган ўқирман қаҳрамонларни тушуна олмайди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари сабабини илғаёлмайди. "Ранг ва меҳвар" янглиғ нафақат тили, балки воқеалари ҳам мажоздан иборат бўлган асарни шунчаки ўқиб бўлмайди. Тасвир замиридаги маънони илғаш учун муаллиф дунёсига кўчиш, унинг сезимлари сувланган қайноқларни топиш керак бўлади. Шундагина асардаги оддий рўзғорий мантиққа сиғмайдиган тасвирлар алоҳида бадиий маъно касб этади. Асардаги Комрон Валининг тийиқсиз ичкиликбозлиги ёки чилимхўрлиги тасвири шунчаки қаҳрамоннинг ароқхўр ёхуд гиёҳвандлигини кўрсатиш натижаси эмас, балки аслан тоза кўнгил эгаси бўлган шахснинг ўз нафси билан аёвсиз курашининг қанчалар оғир кечаётганини англатувчи манзаралардир. Комрон ерда юрган гунокор бир одам сифатида нафсдан осонгина юз ўгириб кетолмайди, яъни ичади, чекади ҳам, лекин у нафснинг қулига айланиб, унинг етовида юрмайди ҳам. Ҳал қилувчи лаҳзаларда нафсига қарши жиҳод қила олади.

Ушбу китобга кирган романда ҳам, ҳикояларда ҳам истеъдод эгаларининг ижтимоий-инсоний миссияси борасида муаллифнинг теран ўйлари, собит тўхтамлари акс этади. Китобдаги барча битикларда истеъдод эгасининг қора ердан кўра тоза кўкка яқинроқ бўлиши кераклигига урғу берилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам чин истеъдод эгаси, асл санъаткор кучга ва нафсга хушомад қилмаслиги, уларнинг югурдаги бўлмаслиги кераклиги тасвирланади. Куч ҳамиша ака-ука Носир ва Пўлат Охунлар сингари қудратга, нафс эса доим Санам сингари жозибаю маккорликка эга бўлади, лекин чинакам саъаткор илоҳий истеъдоди сабаб уларга бўйин эгмаслиги, Яратган томонидан омонатга берилган истеъдод-

нинг хўрланишига йўл қўймаслиги лозим. Романнинг "Ранг ва меҳвар" дейилиши замирида ҳам улкан маъно ётибди. Яъни ранг ва мўйқалам эгаси Комрон сингари истеъдод эгалари Ерни тутиб турган ўқ меҳвардир. Улар куч ва нафсга енгилсалар, Ер ўз ўқидан чиқиб кетади.

Синчиклаб ўқилса, романдаги ҳар бир тасвир замирида салмоқли маъно борлиги аён бўлади. Чунончи, Комрон Вали яратмоқчи бўлган "Тошқин" асари рассом чизишга уринган шунчаки бир мавзу эмас. Нафсга берилиш, зўравонлик ва адолатсизликка кўникиш ҳар бир одам ва оқибат-натижада бутун жамият аъзолари ичида шундай дард уммонини пайдо қиладики, у қачондир ўз қирғоқларини бузиб, тийиқсиз бир қудратга айланиб, оламни босади. Чунки тобора кўпайиб, сиғмай бораётган бу оғриқли дардни мангу ичда сақлаб бўлмайди. Романда ана шу манзара тасвирига тегишли ҳолат жуда гўзал ва таъсирли ифода этилган.

Тўлиғича мураккаб рамз ва сирли ишоралар асосига қурилган, ўқирманни ҳар бир ифода устида ўйлашга мажбур этадиган "Ранг ва меҳвар" романи ҳеч қачон қаримас ва ўлмасдай туюлувчи нафс тимсоли бўлмиш Санам, зўравонлик рамзи Тўра ва Носир, олчоқлик тимсоли Азлар Ниёз, суллоҳ Шодмон Чўтирий, устомон Тарвуз домла, Зокир Ғиёсий сингари қора кучлар қанчалик қудратли, ақлли, интизомли ва уюшган бўлмасинлар, истеъдодли рассом Комрон, олижаноб Вали бахши, нафс қутқуларига учмайдиган тоймас ижодкор Мерган, соддадил Нафиса, покиза Роҳат отин сингари шахслар сиймосида намоён бўлган эзгуликдан енгилиши асосан бош қаҳрамон Комрон Вали руҳиятида кечган омонсиз олишув тасвири асносида кўрсатилгани билан диққатга лойиқдир.

Китобдан ўрин олган "Хуфтон", "Хаёл чўғланиши", "Нарвон" ва бошқа ҳикояларни "Ранг ва меҳвар"

романи билан уйғунлаштириб турадиган жиҳат шундаки, уларда ҳам истеъдод кишиларининг эзгулик ва виждон олдидаги жавобгарлиги айнан шундай шахслар кўз қараши орқали акс эттирилади. А. Дилмурод барча битикларида ҳам бир хилликдан қочишга уринади. Лекин у яхши билади ва тўғри ҳисобга оладики, ҳар хилликнинг ўзигина бадиий яратиқ учун фазилат бўлолмайди. Бадиий асар бошқача бўлгани сабабли эмас, балки бадийяти юксак эканлиги билан қадр топади.

Ҳар тўкисда бир айб деганларидай, китобга кирган асарларда ҳамиша ҳам ўзини оқлайвермайдиган такрорлар, сунъий мураккаблаштирилган оҳанжамали ифодалар, бадиий тасвирдан кўра ҳақоратга ёвуқлашиб кетадиган яланғоч жумлалар, азбаройи мусиқийликка эришиш илинжида "қора ёлқин" дейиш ўрнига "сиёҳи ёлқин" тарзидаги сунъийроқ изофали бирикмаларга ружу қўйиш каби ҳолатлар, "чағир кўз" бирикмаси "чоғир кўз", қирчанғи маъносидаги "чўбир от" бирикмаси "чўгир от" тарзида нотўғри қўлланган ўринлар, "киндикдош дўст" шаклидаги томири номаълум "кашфиёт"ларга ҳам йўл қўйилганки, улар китобнинг ўқилишини бир қадар оғирлаштириб, тасвир аниқлигига путур етказган.

Чин бадиий асар ҳамиша сирлидир. Сирларнинг калитини топишга эса назарнинг ўткирлиги, тафаккур теранлиги, хаёлот учқурлиги ёрдам беради. Умид қиламизки, тафаккури теран ва хаёлоти учқур ўзбек ўқирманлари ёзувчи Асад Дилмуроднинг янги китобидаги ҳар бир битикни синчковлик билан ўқиб, улардаги бадиий ўзига хослик ва жозибани илғаб оладилар. Ўзига хос ва сирли адабий ҳодисалар билан учрашувингиз қутли бўлсин!

2015 йил 15 январ

БАДИИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Тақдирнинг ишлари қизиқ. У одамни ўзи ҳеч кутмаган, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмаган йўллардан юргизади. Баъзан яқиним деб юрганлардан узоқлаштириб, баъзида борлиги кўнглининг кўчасидан ҳам ўтмаган кишилар билан ялакат мағиздай ажралмас қилиб қўяди. Олам ва одамга қарашлари ҳамда ифода йўсинидаги ўзига хослиги билан анча танилиб қолган ёзувчи Луқмон Бўрихонни жуда кеч танидим. Луқмон билан илк бор кўришганимда у ўнлаб ҳикоя, бир қисса чиқарган, ҳатто, "Жазирамадаги одамлар" романини ёзиб, қўлёзмасини кимга ўқитишни билмай юрган каттагина ижодкор эди.

2004 йилнинг кузи эди, шекилли. Қайсидир курсдаги сабоқдан толиқиброқ чиқсам, икки йигит кутиб турган экан. Узунроқ бўйлисини танигандай бўлдим: шеърлари сурати билан яқинда "ЎзАС"да чиққан ва битиклари самимияти ҳамда кутилмаган ташбиҳларга бойлиги туфайли менга жуда ёқиб қолган Алишер Назар. Ёнидаги бўйи ўртадан пастроқ, аммо худди курашчи полвонлар каби гирдиғумдан келган, елкадор, тароққа бўй бермас сочлари тикрайган, турқи тароватидан саҳронинг боласи экани шундоққина билиниб турган қорача йигитни Алишер менга таништирди: ёзувчи Луқмон Бўрихон! Ёзувчи инимизнинг табиат зеб беришга унчалик ҳам ҳафсала қилмаган дағалгина юзидаги қизларники янглиғ катта қуралай кўзлари киши эътиборини ўзига тортарди. У ниманидир илтимос қилмоқчидай қимтинибгина турарди.

Алишер киришимлигина йигит экан, икковимизни таништириб, Луқмон бошқачароқ роман ёзганини, уни менга ўқитиб фикримни билмоқчилигини айтди. Ҳали қўлёзмани ўқиш у ёқда турсин, қўлимга

ҳам олмасимдан олдин, уни чоп қилишга қарши эмаслигим ҳақида олдиндан тайёрлаб келинган хатга қўл ҳам қўйдириб олди. Бу қоғоз нашриётдаги ишларни бошлаб юборишга асос бўладиган шунчаки вақтинчалик расмий қоғоз эмиш. Негадир, мен Алишерга ишониб, одатимга қарши, ўқимаган асар ҳақидаги ёзмаган фикримга қўл қўйиб бердим. Шунча иш битгунча бир оғиз ҳам гап қўшмай турган романнавис оғамиз қўлёзмани бергач: "Илтимос, илтимос, ўқиб фикрингизни айтсангиз!" – деди. Мен: "Фикримни ўзларингиз ёзиб қўйибсизлар-ку?!" – дея пичинг қилгандай бўлдим.

Гарчи, юз амри иссиқлигидан шаштини қайтармай, йигитлар тайёрлаб келган қоғозга қўл қўйиб берган бўлсам ҳам бундан бироз малолландим, оғриндим. Шу боис қўлёзмага ҳам ёқтирмайроқ қарадим. Бунинг устига, роман сифатсиз қоғозга жуда майда шрифтда терилган экан. Уйга боргач, унга шунчаки бир кўз ташлаб қўйдим, асар: "***Ашур қамоқдан чиқибди***" жумласи билан бошланган экан. Романнинг ҳеч қандай кириш-пиришу адабий-ташкилий тайёргарликларсиз, тўғридан-тўғри бошланиб кетавергани қизиқтирди, шекилли, ўқишга тушиб кетибман. Мен табиатан анча тез ўқийман, лекин сифатсиз қоғозга майда ҳарфларда ёзилган уч юз ўттиз беш бетлик романни ишдан қайтгач бошлаб, эрталабгача тугатиб қўйганимга ўзим ҳам ҳайрон қолгандим. Асар менинг ёзувчи ҳақидаги илк нохуш таассуротларимнигина эмас, балки умуман, ўзбек романчилиги борасидаги қарашларимни ҳам ўзгартиб юборди. Асар юзасидан ўзимда туғилган фикрларни ёзишга тутиндим ва бир неча кун ичида бир интервалда роппа-роса ўн етти қоғозлик "фикр билдир"ибман.

Мени Луқмоннинг романдаги бадиий концепцияси ҳаёт ва одамга ёндашиш тарзи, уни кўриш, кўрсатиш ва муносабат уйғотиш йўсини ҳайратга солганди. Ёзувчининг кулиб-кулиб ўқиладиган, осонгина

ёзилгандай тасаввур қолдирадиган асари одам, жамият ва адабиёт муносабатлари борасида миллий илмда шаклланган фикрий қолипларни синдириши жиҳатидан тенгсиз бир бадиий ҳодиса эди. Луқмон Бўрихон асари орқали олам ва одамга ёндашиш бўйича бизда мавжуд бўлган стереотипларни бузиб юборган эди. Энг муҳими, шундай оғир юмуш ҳеч бир зўриқилмай, миннатсиз, енгилгина бажарилганди. Файласуфликнинг кўчасидан ҳам ўтмаган персонажлар тақдири акс эттирилган бу асар ўзўзидан миллатнинг фалсафий қарашлар тизимига кучли таъсир кўрсатиш қудратига эга эди.

Романда бутун кучини чиндан яхши бўлишга эмас, балки яхши бўлиб кўринишга сарфлайдиган, ўзга у ёқда турсин ўзинида тушунишга уринмайдиган, ўлиб-тирилиб одамларда тузук таассурот қолдиришгагина уринадиган мунофиқ кишиларга хос хатти-ҳаракат ва тутумларнинг инсонлар тақдирида чуқур ва ёқимсиз излар қолдиргани ишонарли акс эттирилган. Одамнинг табиий майл ва хоҳишлари инкор қилиниб, кимларнингдир истаги, қандайдир сиёсий ва мафкуравий манфаатлар учун одамлардан қаҳрамонлар ясаш, инсонни ўз табиатига монанд, истагига мувофиқ яшашга қўймаслик, унинг турмуш тарзига зуғум ўтказиш ёмон оқибатларга олиб келиши "Жазирамадаги одамлар"да самимият билан тасвир этилган эди. Миллионлаб одамлар чўлларнинг ўзлаштирилиши инсоннинг табиатга қилган марҳамати, уни гўзаллаштириш, янада яхшилаш сари қўйилган қадам деб ҳисоблаб турган бир вақтда ёзувчи бу асарида, қандай ният билан амалга оширилмасин, чўлнинг чўл, кўлнинг кўл, тоғнинг тоғлигига дахл қилиш зулм экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини бир қатор персонажлар тақдири ҳамда 41-совхоз ҳолати билан мувозий тарзда акс эттиради. Аслида Луқмон асарида атай ижтимоий муаммо кўтармайди, бал-

ки одам тақдирини акс эттиради. Одам эса ҳамиша ижтимоий муаммолар оғушидадир.

Мени бир ўқирман сифатида романнинг тили ҳам ўзига мафтун этганди. Йўқ, Луқмон қандайдир бир алоҳида бадиий тил кашф қилгани йўқ эди. Шунчаки асардаги ҳар бир персонажнинг ўз тилини топа билганди. Муаллифнинг тили ҳам шу қадар равон, шу қадар жозибали, шу қадар аниқ эдики, ўзбек тилининг ифода имкониятлари бунчалик кенглигидан юраклар ҳаприқиб кетарди. Бир қарашда, ёзувчи асарда танлаб ўтирмай, дуч келган сўзни ишлатиб кетаверганга ўхшайди. Лекин Луқмон ўткир мантиқий тафаккурга эгалиги ҳамда миллий тил бойлигидан яхши хабардорлиги туфайли сўзлар доимо ўз ўрнида ишлатилган ва топиб айтилган бўлиб чиққанди. Романдаги ва кейинги аксар битикларидаги ана шу жиҳатлар туфайли биз Луқмон билан жуда яқинлашиб кетдик.

Луқмон Бўрихон ўзининг "Темир йўл", "Занжирбанд шер" сингари кейинроқ ёзган романларида миллат ижтимоий ҳаётининг ўзга қатламларида яшаган одамларнинг тутумлари ва руҳиятини ҳам эпик кўламда акс эттиришга ҳаракат қилди.

Романчилик бобида қандай натижаларга эришган бўлмасин, Луқмон Бўрихон – ўқирманларга кўпроқ қиссанавис сифатида танилган ёзувчи. Унинг қаламига мансуб "Хизр кўрган йигит", "Қидирувдаги қиз", "Сирли муаллим", "Бир томчи ёш", "Қуёш ҳали ботмаган" сингари қиссалар ўткир сюжети, бетакрор инсоний тақдирлар акс эттирилгани, тилининг жозибадорлиги, тасвирнинг самимияти, энг муҳими, қаҳрамонлар руҳиятининг соф ўзбекча ифодалангани билан ўқирманларни ўзига ром этади. Унинг қиссаларига хос бир умумий жиҳат шундан иборатки, уларда воқеа-ҳодисалар тасвиридан кўра руҳият ифодасига эътибор устуворлик қилади. Луқмон қиссаларида одамни воқеалар фонида

эмас, балки воқеаларни одам руҳий дунёси фонида кўрсатишга уринади. Гарчи, қиссанинг жанр табиати воқеалар тасвири етакчи мақомда бўлишини тақозо этсада, ёзувчи қаҳрамонлар руҳиятидаги энг нозик ва чигал ўзгаришларни тасвирлагани ҳолда ўқирманларни қизиқтира билади.

Луқмон Бўрихоннинг "Хизр кўрган йигит" қиссасида ҳар бирининг кўнгил дунёси ўн саккиз минг оламаро боғланишлардан чигалроқ бўлган чоғдошларимиз руҳиятидаги тинимсиз ўзгаришлар, уларнинг табиатидаги баъзан тадрижий йўсинда, баъзан кутилмаганда юз берадиган янгиланиш жараёнлари ғоят таъсирли тарзда акс эттирилган. Одам деган мукаррам номга муносиб бўлиб яшашнинг доим қўлласа бўладиган рецепти ҳам, кўрсатмаси ҳам йўқлиги, ҳар бир инсон ўз одамийлик оламини ўзи учун ўзи яратиб олиши лозимлиги жонли инсоний тақдирлар мисолида ёдда қоладиган тарзда кўрсатилган. Бу қиссадаги бирор персонаж йўл-йўлакай тасвирланган эмас. Уларнинг ҳар бири ўз шахслик концепциясига эга бўлиб, асарда салмоқли бадиий-эстетик функция бажаради.

Ушбу қиссада инсонлараро муносабатлар ғоят чигал ва тушунарсизлиги, баъзан ёмонлик замирида эзгулик, яхшилик ортида эса ёвузлик бўлиши мумкин экани Қоржов, Маржона, Санжар сингари бир-биридан кардинал фарқ қиладиган тимсоллар воситасида акс эттирилган. Ёзувчи ҳеч кимга ақл ўргатмайди, яшашнинг тўғри йўлини кўрсатишга уринмайди, балки тирик одамларнинг жонли чизгиларини бериш билан ўқирманларда эзгу маънавий сифатлар шаклланишига таъсир кўрсатади. Қоржовнинг сунъийлик ва сохталикдан йироқ чин эркакча табиати мард ҳамда тантилиги керагидан ортиқча эркин, тантиқ ва калондимоғ, лекин руҳи тоза қиз бўлган Маржонани ўзига ром этиши, беихтиёр қизнинг иффатини бузиб қўйган бу содда ва тўпори йигитнинг аслида атрофидаги силлиқ

кимсаларга қараганда анча тоза эканини англаб етиш қизга осон бўлмагани қиссада жуда таъсирли йўсинда тасвир этилади. Муаллиф асарида инсон концепцияси борасида ўзига хос йўл тутади ва бу борада мавжуд бўлган стериотипларни дадил ислоҳ қилади.

Адибнинг "Бир томчи ёш" қиссасида манглайида туғма даҳолик белгиси бор, лекин атрофидагилар томонидан пайқалмаган, тирикчилик ташвишлари туфайли ижоди ҳам, шахсияти ҳам хароб бўлган рассом тақдири акс эттирилган. Ижодкорнинг фожиали қисмати адабиётимиздаги жуда кўп асарларга мавзу бўлган. Уларда фожиа кўпинча талантнинг тан олинмаслиги, қабул қилинмаслигидан келиб чиққани акс эттириларди. Лукмон Бўрихон қиссасида эса даҳонинг фожиаси атрофдагилар томонидан тан олиниш у ёқда турсин, пайқалмаган, англанмаганидан юзага келгани тасвирланади. Муаллиф қаҳрамонининг ғоят талантли эканини қуруқ таъкидламайди, балки ундаги бу жиҳатни унинг бошқаларга ўхшамайдиган қирраларини кўрсатиш орқали урғулайди. Қиссада қаҳрамон руҳий ҳолатидаги ўзгачалик: ***"Ногоҳ унинг кўзи ҳовуз тубидаги кўлмакда балқиб турган юлдузларга тушди. Исқирт бир кўлмакда балқиб турган юлдузлар! Тун! Қоп-қора, мотамсаро дарахтзор! Кўрганлари Бахтиёрга сирли бир ҳикматлар сўйларди, фикратига сирли бир ишоралар қиларди. Унинг юрагида таниш, жуда таниш тўлқин кўтарилди. Лаззатли бир изтироб бутун шуурига силқиб кирди"*** тарзида акс эттирилади. Уни бундай транс ҳолатга солган манзаранинг ёнидаги йўлдошларига мутлақо таъсир қилмагани тасвири эса қаҳрамон табиатидаги ўзгачаликни бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган.

Ёзувчи табиат манзараларини одам ва унинг кайфиятидан айро кўрмайди. Руҳий кайфият билан та-

биат манзараси уйғунлашган ўринларда муаллиф ўзбек сўзининг бор ифода имкониятини кўз-кўзлагандай бўлади: "***Куз офтоби ҳорғин ва ўйчан йилтиллаб турарди. Гўё ундан нур ўрнига занг ёғилаётгандек, дов-далалар сарғиш-қизғиш тусга қоришиб маҳзун ястаниб ётарди. Хазонлар шитирлаб-шивирлаб, ҳавода бир зум муаллақ қотган кўйи оҳиста ер бағирлайди***". Қиссаларда Луқмон кўпсўзликдан, батафсилликдан қочиб, персонажлар руҳиятидаги инжа ҳолатлар ва чигал кайфият манзараларини акс эттиришга қўл келадиган тасвирларнигина қўллайди. Айни шу жиҳат муаллифга сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган ҳолатларнида тасвирлай олиш имконини беради. Қуйидаги ифодага эътибор қилинг: "***Унда ранглар ингроғи баралла тараларди. Унда абадият, мангу дард, мангу савол ғужанак бўлиб ётарди. Бу асар кўрган кўздан бир томчигина ёш талаб қиларди***". Қисса қаҳрамони учун ўзининг ҳаётиданда қиммат бўлган тасвирий санъат асари ҳақида ўқирманда ўзгача йўсинда тасаввур уйғотиш имконсиз эди. Луқмоннинг ёзувчи сифатидаги маҳорати айнан имконсиз туюлган ҳолатни тасвирлай олишга имкон топа билганида намоён бўлади.

Луқмоннинг асарлари кўпинча ўртаси, баъзан эса ҳатто, охиридан ҳам бошланиб кетаверади. Чунончи, "Жазирамадаги одамлар" "***Ашур қамоқдан чиқибди***" деб бошланса, "Бир томчи ёш" қиссаси "***Бу гал ҳам қарз ундира олмади***", "Қуёш ҳали ботмаган" асари "***Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик***" тарзида ибтидо олади.

"Қуёш ҳали ботмаган" қиссасида "***Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик***" тарзидаги бошланма, айрим луғавий ўзгаришлар билан асар давомида ўн саккиз марта такрорланади. Бу қайтариқлар қисса қаҳрамонларининг ҳаётни, атрофидаги одамларни,

охир-оқибатда ўзларини англаш даражаларидаги тадрижий босқичларни акс эттиради. Маълумки, ҳеч қайси одамнинг ҳаёти бир хилда қуйидан юқори сари йўналган тарзда кечмайди. Одамнинг ҳаёти юксалиш ва энишлар, ўзиб кетиш ва ортда қолишлар, топиш ва йўқотишлардан иборат бўлади. Абсал полвонни таниш-танимаслик қисса қаҳрамонлари руҳиятидаги ана шу маънавий бекатларни акс эттирадиган ўзига хос манзиллардир. Ўсмир Норсоат тилидан: "***Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик***" тарзидаги иқрор тўрт марта қайтарилади. Ўспирин Норсоат эса: "***Биз Абсал полвонни танидик***", – дейди икки бора. Тўғри йўлдан кетаётган кўнгли тоза йигит Норсоат: "***Биз Абсал полвонни танидик, билдик***", – деб биргина марта айта олади. Айни вақтда тирикчиликнинг адоқсиз ва ғирром ташвишларига ўралашиб, ўзлигидан йироқлашган қаҳрамон: "***Биз Абсал полвондан узоқлашган эдик***", – дея икки бор иқрор бўлишга мажбур эди. Сўнг у: "***Биз Абсал полвонни унутдик***", – дейди биргина бор яқин ўтган замон шаклида. Воқеаларнинг кейинги ривожи уни ўтган замон ҳикоя феъли йўсинида: "***Биз Абсал полвонни унутган эдик***", – деб тўрт марта айтишга мажбур қилади. Одамийликнинг ўлчови бўлмиш кишиларга ҳам умр мангуга бериб қўйилмагани қаҳрамоннинг: "***Биз Абсал полвонни мангу йўқотиб қўйдик***", – дея уч бора билдирган таассуфида намоён бўлади. Асар бир-бирини, аслида ҳар бири ўз-ўзини ҳам топган Норсоат ва Давронларнинг: "***Биз Абсал полвонни яна қайта топиб олган эдик***" тарзидаги ҳаётбахш ҳайқириқлари билан тугайди.

Қиссадаги тасвир шу қадар жонли ва юқумлики, ўқирман беихтиёр ўзини қаҳрамонлар акс эттирилаётган вазиятга тушиб қолгандай, улар билан бирга яшаётгандай ҳис қилади. Тасвирнинг самимияти ўқирманни ўз измида маҳкам тутади: "***Орадан қан-***

ча вақт ўтди, билмадим, бир пайт... Даврон дик этиб ўрнидан турди. Қўлларини белига тираб, қад кериб, юз-кўзи алланечук ёлқинланиб бир зум биз томон тикилиб турди ва... одатдагидек, маҳкам сиқилган муштини боши узра баланд кўтарди. Биз ҳам, одатдагидек, қўлларимизни қиличдек ҳавога сермадик.

- Қуёш ҳали ботмаган!

Баббаравар ҳайқиришимиздан иссиқдан мудраб турган қишлоқ бир чўчиб тушгандай бўлди".

Қиссада бир-бирига ҳам дўст, ҳам рақиб бўлмиш икки ўсмир, ўспирин, йигитнинг ғоят ўхшаш ва айни вақтда, ўта фарқли шахсиятига хос жиҳатлар жуда нозик акс эттирилади. Дунёнинг адолати шундаки, одам атрофидан ўзи қидирган, кўришни излаган нарсани топади ва кўради. Оламда барчага мутлақо бирдай таъсир кўрсатадиган нарса-ҳодисанинг ўзи йўқ. Чунончи, Абсал ва Аҳмад полвонларнинг курашидан Даврон бошқача, Норсоат ўзгача нарса кўриши асарда шундай тасвирланади: *"Қойил, – дерди Даврон кўзлари чақнаб, – ҳақиқий полвонлар экан. Аммо мен ғалати бир ҳислар оғушида эдим. Назаримда, устозлар бир-бири билан эмас, икковлашиб қандайдир кўзга кўринмас, куч-қудратли рақиб билан олишгандек туюлди. Бу ҳақда анча пайтгача ўйлаб юрдим. Кейинчалик Аҳмад полвон ҳам худди устозимиз каби одамови, хилватнишин, моҳир дўмбирачи эканлигини билдиму, таассуротларим тўғрилигига яна бир карра ишондим"*. Ёзувчи машҳур полвонлар олишувидан Даврон фақат қудратли жисмоний кучларнинг тўқнашувини, Норсоат эса эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни илғаганини шу тарзда ифода этади. Асар қаҳрамонлари табиатидаги бу айирма уларнинг тақдир йўлларинида тайин этганлиги асарда жуда ишонарли кўрсатилган.

Биламизки, Луқмон Бўрихон барча асарларида ҳам табиат тасвиридан персонажлар руҳий ҳолатини кўрсатиш йўлида усталик билан фойдалана олади. "Қуёш ҳали ботмаган" қиссасида ёзувчининг бу борадаги маҳорати янада ёрқинроқ намоён бўлган. Жумладан, қиссада рашкдан ўртаниб юрган Норсоатнинг кўзига қишлоқ кечасининг: "***Қоп-қора осмон тоқида тўлин ой ўйчан ва хомуш термулиб турар, кеч кузнинг салқин эпкинидан довдарахтларнинг қовжироқ барглари хазин шитирлар, ойнинг зардобтус ёғдуларига бурканиб ётган кўча-кўй, экинзорлар ҳорғин ва паришон мудрар эди***" тарзида кўриниши тасвирланади. Бир пасдан сўнг суюклисининг сўзсиз иқрорини эшитган йигитнинг назарида энди тун: "***Ўша тун, ўша нурли, файзли кеча тўлин ой ҳамроҳим, сирдошим бўлди. Унинг заррин ёғдуларидан арқон эшиб, арғимчоқ учдим, қишлоқ биқинидаги пайкал бўйида мажнунона кезиниб юрдим***" кўринишида намоён бўлади. Сал кун ўтиб, курашда ғиромлик билан Давронни йиқитган Норсоат кўзига "***Қоп-қора осмоннинг бир чеккасида занглаган темир баркашдай тўлин ой кўрин***"гани тасвирланади. Ёки уяту виждон азоби оловида қовриладётган йигит назарида ойнинг ҳолати "***Мен кўзларимни кўкка опқочдим. Милтиллаган юлдузлар гўё ҳуркиб, уялиб ғуж-ғуж тўпланиб олгандек эди. Сап-сариқ тўлин ой баттар сарғайиб, сўлиб, беҳол бўзариб турарди***" тарзида кўриниши ортиқча тасвирларсиз ҳам қаҳрамоннинг кўнгил ҳолатини илғаш имконини беради.

"Қуёш ҳали ботмаган" қиссасида ҳар бир персонажга унинг ўз имкони даражасида бадиий юк ортилгани, образларни ғояни ифодалаш воситасига айлантирмай, уларга ҳаётдаги жонли одамдай муносабатда бўлингани асарнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Бош қаҳрамон Норсоат кучи

етмаслигини аниқ билгани, аммо курашмасликнинг иложи йўқлиги сабаб Даврон билан олишув чоғида ғирром қилиб, рақибини йиқитади. Буни у азбаройи Танзиладан айрилиб қолмаслик учун қилади. Курашда ғирром йўл тутиб, жондай дўстига хиёнат қилгани туфайли у ўзини кечиролмайди. Дўстга қилинган хиёнат унинг маънавий таназзулига сабаб бўлади. Ўз хиёнатини кечиролмаган йигит охири қизга Давронни ғирром билан ютганини айтганида, қиз: *"Нима, мен ғирромчиликка арзимайманми?"* – дея муносабат билдиради. Шу ва шунга ўхшаш ўринларда Луқмон Бўрихоннинг ёзувчи сифатидаги концептуал ўзига хослиги намоён бўлади. Қабул қилинган қолипларга кўра Танзила хиёнаткор йигитдан юз ўгириши, жуда бўлмаганда, уни ғадаблаб, рақибидан кечирим сўратиши керак эди. Суюкли қизни истаганидай эмас, балки унинг табиатидан келиб чиқиб тасвирлаш қиссанинг таъсир кучини чандон орттиради.

Қиссада ўзидаги кибрни енгиб, недир бир муқаддас ва эзгу туйғуга қул бўлабилиш ҳар қандай енгишу сийловлардан муҳимроқ экани инсоний тақдирлар мисолида жуда таъсирли акс эттирилган.

"Қуёш ҳали ботмаган" қиссасининг тили ғоят таъсирли ва ширали экани билан ҳам эътиборни тортади. Ёзувчи асарда ота тилимизнинг бадиий жозибаси ва кўркам ифода имкониятлари чексиз эканини кўрсата билган: *"Сибизғанинг авжли-мавжли оҳу фиғони еру кўкни тутди. Хаёллару, туйғуларни ортидан мастона эргаштириб, бир нажот, бир таскин, бир паноҳ излаб гирёна чарх урар, гўё излаганини тополмай, саҳро саробларига қоришиб, сарғайган дала-даштни баттар сарғайтириб, олис уфқларга сингиб кетар эди. Узоқ-яқиндаги экин пайкаллари сувсираб эмас, сибизға бўғзидан отилаётган бўзлов, дарду ҳасрат ҳовуридан қоп-қорайиб кетгандай, кунботардаги*

тап-тақир қир-тепаликлар бағридан кўтарилган қуюн сибизғанинг аччиқ-аччиқ нолаларидан маст у мустағриқ бўлиб, жазава билан кўкка ўрлаб бораётгандай туюлади". Хуллас, шу каби жиҳатлар қиссанинг кўркам асар сифатидаги савияси юксалишига хизмат қилган.

Айтилганидек, Луқмон Бўрихон моҳир ҳикоянавис ҳам. Ушбу китобдан ёзувчининг бир қатор ҳикоялари ҳам ўрин олган. Унинг "Ялангоёқ" ҳикояси бир қарашда арзимасдай туюладиган кулгили (курьёз) ҳолат тасвирига қурилган. Асарнинг бошидан охирига қадар муаллифнинг ҳам тасвирланган воқеа, ҳам унда қатнашган тимсолларга кинояли назари сезилиб туради. Маълумки, адабиёт тарихида йўқолган нарса тўғрисида анча-мунча ёзилган. Чеховнинг "Шинел", Ғ. Ғуломнинг "Афанди ўлмайдиган бўлди" ҳикоялари бу жўндаги асарларнинг бадиий юксакларидан. "Ялангоёқ" ана шу хил асарлар орасида йўқолиб кетмайдиган битиклардан.

Ҳикоянинг қаҳрамони Ҳалим ўзига ғоят қадрли бўлган қимматбаҳо туфлисини йўқотиб қўяди. Бу – турмушда учраши мумкин бўлган оддий воқеа. Бундай ҳодисалардан салмоқли ижтимоий маъно чиқариб ҳам бўлмайдигандай туюлади. Лекин санъаткорнинг маҳорати айнан ана шундай оддий ҳодисалардан чўнг маъно чиқарабилишда кўринади. Ҳикоя сўнгида туфлининг йўқолмагани, балки йўловчиларнинг молу жонини қўриқлашга масъул бўлган назоратчи ҳамда милиционерлар томонидан ўғирланган маълум бўлади. Бировнинг ҳақидан қўрқмаслик, омонатга хиёнат қилиш, ўзгага дардкаш бўлолмаслик сингари иллатлар одамлар орасига нақадар кенг ёйилгани Ҳалимнинг купедошлари тимсолида маҳорат билан кўрсатиб берилади. Туфлисини йўқотган йигит ҳолатининг "***У минг бир хаёл билан ювинишни ҳам унутиб яна ўз бўлмаси ёнида пайдо бўлганини сезмай қолди***"

тарзидаги ифодаланиши асарнинг бадиий таъсир кучини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, бу йил ярим асрлик ҳаёт йўлини босиб ўтган таниқли ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг қўлингиздаги китобидан ўрин олган ҳар бир асар сизни ғаройиб тақдирли, руҳият дунёси хилма-хил тирик одамлар билан учраштириб, уларнинг дарду қувончлари, фикру ўйлари билан ошно қилади. Бу тимсоллар билан учрашув ҳамда уларнинг ўзига хос тақдир йўли билан танишув, шубҳа йўққи, ўқирман руҳий оламида тозариш юз беришига хизмат қилади. Бадиий камолот йўлида ишонч билан кетаётган санъаткорга ижодий парвозлар ёр бўлишини тилаймиз.

2015 йил 12 апрел

ЙИРИК ТУЙҒУЛАР ИФОДАСИ

Ўтган асрнинг 70–90-йилларида ўзбек шеъриятида йирик туйғулар, улкан инсоний ва ижтимоий муаммолар дадил кўтарилиб чиқилар ҳамда ҳайқириқ орқали эсдан чиқмайдиган йўсинда образли қилиб ифода этиларди. Бу хил шеърларда образларнинг қабариқ, ифодаларнинг кутилмаган бўлишига алоҳида эътибор қилинарди. ***"Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини", "Охири ўлдирар мени ҳаяжон..." "Ёрилган ярадан чечаклар ўсди"*** сингари ёдга михланиб қоладиган ўтли ифодалар кенг ёйилган ва ўша давр ўқирманлари шунга кўникканди. Янги асрга келиб миллий шеъриятимизда ифода хийла майинлашгандай бўлди. Чунки шоирлар поэтик назарларини кўпроқ ўз ичларига қарата бошладилар. Табиийки, бундай ҳолда йирик туйғулар тасвири ва уларнинг бўртиқ ифодалари ўз-ўзидан камаяди. Бир қисм шеърхонлар ҳайқириқ шеърларни қўмсаб қолган, жарангдор ва порлоқ поэтик образларни соғинганди. Бугунги кунда Ҳалима Худойберди, Шодмонқул Салом, Ҳалима Аҳмад, Зебо Мирза сингари шоирларгина аҳён-аҳёнда ана шундай қабариқ образли шеърлар ёзиб қолишига кўникилган ва уларнинг шундай битиклари орзиқиб кутиларди.

Кутилмаганда жиззахлик Моҳинур Исмоилова деган ёш шоиранинг бир даста шеърлардан иборат тўплами қўлимга тушиб қолди. Қарангки, нотаниш бу талаба қизнинг битикларида юқорида тилга олинган ижодкорларникига ўхшаш порлоқ ташбиҳлар, бўртиқ образлар, қабариқ ифодалар анчагина бўлиб, улар ўрнида қўлланилгани билан эътиборни тортади.

Шоира қизимизнинг: *"Онам ўтин қалаган ўчоқ, Оловидан тутанди юрак. Анов отам елкалаган тоғ Бугун менинг кўнглимдай юксак"* сингари ўзаро солиштириб бўлмайдиган миқёсларни чоғиштириш орқали таъсирчан поэтик образлар яратилган сатрларга дуч келдим. Ота ва она тимсоллари билан воситаланган тоғ ҳамда олов тафсиллари шеърга ўзгача жозиба, бетакрорлик берган. Шу шеърнинг сўнгги бандидаги ифода Моҳинурнинг поэтик назари анча ўткир ва ўзига хос эканини кўрсатади:

Гарчи кўз ёш тўкдим жуда кўп
Қор қоқиндим йилда тўрт фасл.
Мен кўнгилга зид борганим йўқ
Мен кўнгилни қилмадим басир.

Гарчи, шеърда "басир" сўзи асл арабий маъносига терс қўлланган бўлсада, тўртликда эзгуликнинг йўли ҳамиша чигал ва машаққатли экани ёдда қоладиган йўсинда ифода этилган.

Ёш шоиранинг туйғулари – йирик. Шу боис бўртиқ образлар қўллайди, ифодалар ҳам қабариқ ва кўзу шуурга дафъатан уриладиган. Моҳинур бир шеърида ҳеч тап тортмай: *"Она, қуёшни уйғотиб юбор, Осмонни елкалаб толманг, отажон"*, – дейди. У белгилаган ҳаётий мўлжаллар ҳам кўламли. Ёш шоира одамнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, тутуми, сўзи инсон деган мукаррам номга лойиқ бўлишини истайди. Шунинг учун ҳам "Даъват" шеърида башариятни *"Осмону заминни ҳайратга бўяб"* яшашга чақиради:

Эй Одам, бир сўз айт, ҳаводай кескир,
Осмону заминни бўя ҳайратга.
Майли чиқаёзсин дунёнинг эси,
Соҳир сўз ташлаб кет, Адабиётга!

Шоирани шунчаки яшаш, шунчаки тириклик асло қониқтирмайди. Дунёнинг эсини оғдириб, ҳайратдан адабиётгача бўлган узун ва шонли йўлни босиб ўтишга чақирилган бу сатрлар ўз руҳи ҳамда ифода тарзи билан дарҳол улуғ шоира Ҳалима Худойбердининг бундан қирқ йиллар олдин ёзилган "Шунчаки" шеърини ёдга солади.

Қисқагина "Чақмоқ" шеърида ёш шоиранинг ижодий кредоси акс этган дейиш мумкин. Унда оламдаги катта-кичик барча ҳодисаларга бевосита дахлдор кўнгил ҳолатлари фавқулодда тафсиллар воситасида тасвир этилган:

Чап кўксимга
Қулади осмон.
Чақмоқ чақди,
Сачради яшин
Ва шу лаҳза ёндириб кетди
Юрагимнинг оппоқ жойларин...

Одам фақат шундай ҳолатга тушгандагина шеърга ёвуқлашади. Юрагига осмон қуламаган, чақмоқ чақиб, кўнглидаги оппоқ жойларни яшин уриб қонталаш қилмаган кишининг чин шеърга иши тушмайди. Фақат шундай ҳолатгина одамни узлуксиз изтироблар оғушида ушлаб туради. Фақат қутулиб бўлмас азоблар туфайлигина шеър дунёга келиши мумкин. Шундай аҳволдалигидан бўлса керак, Моҳинур: "Шаҳарга мактуб" шеърида: "***Менинг эса шеър айтгим келар, Ахир ёниб кетяпти кўксим***", – дейди. Шеър ёзсагина изтироблар исканжасидаги одам унинг зуғумидан халос бўлади. Моҳинур ўз битиклари олдига катта вазифа қўйиб, дейди: "***Аммо шеър-чи, қалбларда бўрон Кўтармаса, ундан нима наф?***" Бошқа бир шеърида комил ишонч билан: "***Қуламайди тоғларим, Елкамни тираб қўйдим***", – деб ёзади бамайлихотир. Киши беихти-

ёр унинг туйғулари йириклигига тан бергани каби ифодалари чинлигига ҳам ишонади.

Ёқимли жиҳати шундаки, кўп шеърларида Моҳинур ўзи ичдан биладиган, уни руҳий мувозанатдан чиқарган нарсалар ҳақида қалам суради. Чунончи, ғалатироқ тарзда "Уччаноқ 2" деб номланган бир шеърида ёзади:

Биз томонда, одатда,
Гул ўстирар бўй қизлар.
Отаси берганига
Тўй бўлади, тўй қизлар

Ҳеч бир ғайриоддийлиги йўқ, ўйноқи йўсинда айтилган соддагина бу сатрлар қатига кўпчилик ўзбек қизларининг қисмати жо бўлгани диққатни тортади.

Моҳинур ўзи билан атрофидаги олам ўртасида улкан ва бузилмас гармония борлигини туйиб турганидан бўлса керак, шеърларида теварак-атрофига доир кутилмаган ташбиҳлар келтиради: "***Қуёш ёнаяпти кўксим рангида***", – дейди шоира бир шеърида. Бу тасвир қуёшнинг ёрқинлиги билан бирга ёниб турган қонталаш юракни ҳам шеърхон кўз олдига келтиради. "***Мен – йўлини топмаган бўрон***", – дейди бошқа бир шеърида. Бу сатрлар орқали шоира ўзининг тинчим билмас табиати ва ҳамиша безовта руҳиятига хос белгиларни англатади. Шоира экстрим ҳолатдаги одам руҳият чизгиларини фавқулодда йўсинда ифодалай олади: "***Кўзларим чинқириб юборди бирдан, Яшнашга уринди юрагим ғоят***".

М. Исмоиловнинг "Монолог" шеърида унинг пўртанали сезги дунёси янада бўртиқ акс эттирилади:

О, муҳаббат, майли ёндир,
Лабимда кулсин гулхан.
Тишларимдан сизган қондир,
Кўзларимдан ўқ ўтган.

Шоира севги ўтида ёниб, лабида гулхан кулиши, тишларидан қон сизиши, кўзларидан ўқ ўтиши сингари азобларга тайёр. Фақат у чин ва пок муҳаббат истайди. У ўзига қўйган ғоят юксак талабларни суюклисига ҳам бутунисича тегишли ҳисоблайдики, бундай синовга дош берадиган шахс қандай сифатларга эга бўлсайкин...

Моҳинур шеърларида ҳар бир нарса-ҳодисани ўзига энг мувофиқ келадиган муқобилига қиёслай олиши билан ўқирман эътиборини қозонади. Чунончи, отаси ўлимига муносабатини: "***Дунё кетди дунёдан, Осмон қолди, ер қолди***",- тарзида ифодалайди. Ота қизи учун дунё эди. У дунёдан кетди. Энди дунёда дунё қолмади, шунчаки осмону ергина қолди, холос. Ҳувиллаб ётган дунёда иложсиз қолган фарзанд ҳолатини бундан бўрттириброқ бериш қийиндир. Моҳинур онасига бағишлаб шеърлар ёзолмаётганини: "***Меҳрим сўздан устун келдими, Меҳрингиз шеърдан устун келдими, Сизга атаб шеър ёзолмадим...***" йўсинидаги иқрор билан ифодалайди. Бу сатрларнинг унчалар сайқалланмаган ва тарашланмагани туйғулар самимиятини акс эттиришга хизмат қилиши билан ўзгача қимматга эга. "Акамга хат" шеърида шоира рамз тили билан ёзади: "***Яшилланиб бораман тинмай, Чора излаб сарғаймасликка***". Яшаш учун курашнинг ҳаётбахш хусусияти шу тариқа оригинал йўсинда ифода этилади.

Шоира ўз шеърларида йирик туйғуларни акс эттиришга уринган учун ҳам мақсадига муносиб сўзлар қўллашга интилади:

... Қасамёд этаман: қаламим синсин,
Энг буюк юракни чизолмасам боз.
Фақат хавотирим:
Қалбингиз чизсам,
Ёниб кетмасмикан бечора қоғоз?

Қоғозни ёндирар даражадаги туйғулар тасвири шеърхон кўнглини забт этади ва шаксиз, унинг туйғулари тозаришига ҳам хизмат қилади.

Шеърларига қараганда, асли тоғ қизи бўлган ва гўзал табиат қўйнида ўсган Моҳинур битикларида табиат манзараларини меҳр билан чизади. Лекин манзара чизиш – унинг учун мақсад эмас, балки лирик қаҳрамон руҳият оламидаги тўлғамларни тасвирлаш йўлидаги восита. Табиат қўйнида ва унинг ҳодисаларига қиёсан тасвирлангандагина одам руҳиятига хос асл жиҳатларни яққол акс эттириш мумкин бўлади. Шоиранинг кузак манзаралари тасвирига бағишланган бир шеъри шу жиҳатдан диққатга лойиқдир. Унда куз манзаралари, оғочларнинг олтин япроқлари, ҳавода кезган ёпишқоқ мезонлар одам руҳиятида ҳам эврилишлар ясаши мумкинлиги қуйидагича акс эттирилади:

Тахирлик қилмайди ҳатто муҳаббат,
Хазон шивирлари юққан юракка.
Бир исмни айтиб йиғлайсан абад,
Ахир юрак якка, ахир ишқ якка.

Оловнинг тилида ёниш мумкин жим,
Шарт эмас кўнглингга кирмоғи барча.
Ахир жуда бахтли яшамоқ мумкин,
Шунчаки кузакни қучоқлаганча...

Табиат ўйчанлиги, хазонлар шивири жой олган кўнгилга муҳаббат майи тахирлик қилмаслиги, тириклик ва яшнаб-яшариш билан хайрлашилаётган кузакда бир юракдан жой олган битта муҳаббат эгаси исмини айтиб йиғлаш мумкинлиги, кузнинг олтин олови тилида жим ёниш, шу паллага етиб келганликнинг шукронаси билан ўзини бахтли санаш мумкинлиги сингари чигал ва мубҳам ҳолатлар самимий ва таъсирли акс эттирилган.

Моҳинур бир шеърида: "***Мен икки дунёдан юриб ўтяпман, Энг сўнгги манзилим сенинг кўнглингда***", – деб ёзади. Гарчи, бу мурожаат суюкли ёрга қаратилган бўлсада, биз ўқирманлар ёш шоирага шеърхонлар кўнглини забт этиш сари бораётган йўлингиз оқ бўлсин деймиз...

2015 йил 2 июн.

ОДАМИЙЛИК ДАРЁСИ ҚАРҚИНИ

Болалиги ва ёшлиги кечган макон ҳар қандай одамнинг ҳаётида ҳам катта ўрин тутади. Униб-ўсган жой кишининг нафақат хотираси, балки табиатида бир умр ўчмайдиган из қолдиради. Бундай из, айниқса, ижодкор шахсиятларда чуқурроқ бўлади. Улғайган макон санъаткор учун фақат вужудини етилтирган жуғрофий маскангина эмас, балки шахсиятига хос сифатларни шакллантирган маънавий қайноқ ҳам саналади. Шу сабаб барча санъаткорлар илк бор олам ва одамлар билан танишган, дунё ва ундаги нарса-ҳодисалар тўғрисида дастлабки тасаввурлари юзага келган маконга кўзга кўринмас иплар орқали боғланган бўлади. Шундан бўлса керак, ўткир сюжетли қисса, ҳикоя ва романлари билан ўқирманлар эътиборини қозониб келаётган ёзувчи Абдуқаюм Йўлдош ҳам умрининг асосий қисми кечган ва ҳамон кечмоқда бўлган Сирдарё ҳамда унинг одамларини кўплаб асарларида бот-бот тасвирлаб келарди. Ижоди гуллаган даврда "Дарё" отлиғ роман ёзиб, фарзандлик муҳаббатини йирик жанрдаги асари орқали билдирибди. Лекин бу битик муаллифнинг униб-ўсган юртига ёлғиз эътирофидангина иборат эмас, балки унда ёзувчини безовта қилган, ўйлантириб юрган қатор ижтимоий-маънавий муаммолар инсоний тақдирлар орқали акс эттирилган.

Роман "Дарё" деб номланган бўлсада, унда Сирдарёнинг турфа табиати тасвир қилиниб қолмай, кўпроқ дарёга қай даражададир тегишли бўлган одамларнинг чигалдан-чигал ва бетакрор қисматлари акс эттирилган. "***Инсон бир дарё кабидир,***

сатҳи кўриниб туради, тубида не бўронлар қўпар, не пўртаналар тошар, сўзламас, жимгина оқарда кетар...", – дейди ҳазрат Румий. Ёзувчи дарёга дахлдор одамлар руҳияти ва ўзаро муносабатларида сиртдан кўзга ташланмайдиган пўртанаю бўронларни бор кўлами билан акс эттиришга уринган. Абдуқаюмнинг кўпчилик асарлари сингари киши руҳиятини қамраб оладиган тезкор сюжет асосига қурилган "Дарё" романи ҳам шавқ билан ўқилади. Бунга асар сюжети ривожидаги қарқин (суръат), ёзувчи тилининг жозибадорлиги ҳамда роман вужудига сингдириб юборилган адоқсиз дардчил юмор туфайли эришилган.

Ёзувчининг дарё тимсолидан воқеалар кечадиган жуғрофий маконгина эмас, балки асар ритмикасини белгилаш воситаси сифатида ҳам фойдалана билгани унга, айниқса, ўзгача жозиба бахш этган. Бутун асар давомида дарёга хос долға, қудрат, кўлам, кенглик, сокинлик сингари жиҳатлар бадиий тасвир талабига мувофиқ ўрни билан бирма-бир намоён бўлади. Бошқача айтганда, тўхтовсиз оқаётган дарёга хос турлича маром битикнинг ички мусиқасини ташкил этади.

"Дарё" романидаги Рустам, Дилобар, Толян, Тош тимсолларини ўзбек адабиёти учун том маънодаги янгилик бўлган персонажлар дейиш мумкин. Адабиётимизда нафс қутқусига учган кимсалар жуда кўп тасвирланган. Лекин кўпинча бундай тимсоллар тасвирида ўзига хослик, бетакрорлик, уларни ёвузлик сари ундаган омиллар табиийлиги етарлича кўрсатилмасди. Ушбу романдаги ҳар бир тимсол ўзига хос қайтарилмас жонли одам сифатида тасвирлангани боис уларнинг тутумлари ўқирманни ишонтирибгина қолмай, ўз тақдирларига шерик ҳам қилади.

Болалар уйида вояга етгани, ҳеч кимдан меҳр кўрмай ўсгани сабаб ҳаётдан норози, одамлардан

аламзада, нафси етовида ҳаром-хариш йўлларда юриб бедаво СПИД касалига йўлиққан Тожибой (Толян)нинг: *"Нима учун энди мен айни кучга тўлган, навқирон ёшимда индамасдан ўлиб кетаверишим керак экан? Нима учун? Йўқ, мен ўнтаси, йигирматаси, ўттизтаси, юзтасини ўзим билан олиб кетаман! Мен сиғмаган ҳаётда уларгаям ўрин йўқ!"* тарзидаги иддаосида унинг жоҳил ва ёвуз қиёфаси намоён бўлади. Мутлақо гуноҳсиз одамларга ўз касалини атай юқтириши, ёзиқсиз кишиларни ўлимга маҳкум этиб, қотиллик билан аламдан чиқишга уриниши унинг табиатидаги ёвузлик даражасини намоён қилади.

Романдаги асосий тимсоллардан бири Дилшодга узоқ вақт давомида ўта садоқатли дўст бўлиб кўринишнинг уддасидан чиқадиган сиртдан соддаваш, аслида устомон ва хиёнаткор Мансур ҳам аламзада ва норози. Лекин унинг норозилиги ва аламзадалиги сувланадиган қайноқ ҳам, буларнинг миқёси ҳам ўзгача. Асарда тасвирланишича у: *"Ақлини таниганидан бери ичкиликка муккасидан кетган отасидан фақат сўкиш, ҳақорат эшитадиган, уйда эр-хотининг адоғи йўқ жанжалларидан, бундай пайтларда бир-бирларига айтадиган энг разил, энг ифлос, энг тубан... қарғиш-иддаоларидан безиб қолган, алалоқибат буларнинг ҳаммасини ташлаб, олис-олисларга кетаман, янгича ҳаёт бошлайман дея аҳд қилиб юрган..."* омадсиз йигит. Мансур – мунофиқ, омадсиз, аламзада, кинчи (ҳасадгўй), хиёнаткор, аммо қотил эмас. Шу сабаб энг яқин ва беғараз дўсти Дилшодни сота олгани ҳолда уни ота олмайди. Ҳа, отмайди эмас, айнан, ота олмайди! Негаки, унинг шахсиятини ташкил этган ёвузлик сифатлари тўқимасида қотиллик хужайраси йўқ ва бу ҳол асарда жуда ишонарли кўрсатилади. Мансур Дилшоднинг мустақил бошлаган ишини барбод қилиб, унинг отасидан йигирма беш

минг доллар ундириб, ***"...ўзини осмон санаб юрган одамнинг*** (яъни Дилшоднинг – Қ.Й) ***ер билан битта бўлишини..."*** кўриб завқланмоқчи бўлган олчоқ кимса эди. Бу нияти амалга ошмай қолгач, гувоҳни йўқотиш учун Дилшодни отиб ташлаш керак бўлганда, Мансур бу ишни қилолмайди. Кўринадики, ёзувчи асарида иштирок этган ҳар бир персонажнинг руҳий-амалий имкониятини ғоят аниқ ҳисобга ола билади.

Миллий адабиётимизда ёвуз кимсалар кўпинча кўринишдан ҳам хунук ва ёқимсиз қилиб кўрсатилар эди. Халқимиз орасидаги: "Туси яхшидан тугилма" нақлига бадиий тасвирда ҳам кўпинча амал қилинарди. Абдуқаюм романда ўзгача йўлдан боради: у устомон ва шафқатсиз Рустамни ташқаридан ғоят бежирим, келишган, истеъдодли одам сифатида кўрсатади. Юзсиз, шаллақи ва тубан Дилобарни эса ҳар қандай қалтис ҳолатда ҳам ўзини йўқотмайдиган, совуққон, топқир, ақлли, ғоят гўзал қиз сифатида тасвирлайди. Шунингдек, товламачи Тош, "бир нималик" бўлиб қолиш илинжида ҳар йўлга юришга ҳозир қўрқоқ ва очкўз Самад, Қаҳҳор сингари персонажларнинг руҳий дунёси ва хатти-ҳаракатлари ҳам ўта табиий, ишонарли акс эттирилган. Бу кимсалар қанчалик ақлли, уддали, топқир ва шафқатсиз бўлишмасин, уларни ҳаракатга ундайдиган омиллар иллатли ҳамда кўзлаган мақсадлари тубан бўлгани сабаб қисматлари мағлублик экани битикда ғоят ҳаётий ва табиий тасвир этилган.

Гарчи бутун асар миқёсида персонажлар тилини индивидуаллаштиришга етарлича эътибор қилинган деб бўлмасада, ёзувчининг ифода йўсини жозибали эканини алоҳида қайд этиш лозим. Асарда ўзбек сўзининг ҳар қандай нозик ва ингичка ҳаётий вазият ёки руҳоний ҳолатни борки мураккаблиги билан ифодалай олиш қудрати тўла намоён бўлган. Гулноз билан Файзулла, Муқаддам билан Дониёр,

Ноила билан Дилшод, Тоҳир билан Бердиқул тақдирларидаги чигалликлар тасвири, уларнинг ўзаро муносабатларидаги дардчил юмор аралашган чегарасиз пичинг ва кесатиқ акс эттирилган ўринларда бу жиҳат, айниқса, бўртиб кўзга ташланади. Турғунбой, Ўктабр ва Сарсенбой ота сингари тимсоллар ҳам бадиий сўз ёғдуси билан ичдан нурлантирилгани боис ўқирман ёдида қолади. Ҳатто, биргина лавҳада кўринадиган Маликахон, Муштарий (Муҳтарам), фирибгар Тошнинг аёли, унинг уч ўғли, икки жўраси, истеъдодсиз актриса Роҳатой сингари тимсоллар ҳам шахсиятларидаги ўзига хослик кўрсатилган ҳолда тасвирлангани сабаб ўқирман хотирасига муҳрланади.

"Дарё"даги воқеалар ягона бош қаҳрамон атрофида кечади. Лекин бу бош қаҳрамон бошқа асарлардаги янглиғ бирор шахс эмас, балки Сирдарёнинг ўзи дейиш мумкин. Муаллиф тасвирга тортган тимсоллар қилмишу ҳаракатларининг қандайлигига қараб бош қаҳрамон – дарё турланиб-тусланади: гоҳ кечиримли ва сокин, гоҳ итоаткор ва покловчи, гоҳ долғали ва ғазабнок, гоҳ қутурган ва тажовузкор ҳолатда намоён бўлади. Дарёга муносабат романдаги ҳар бир персонажнинг шахсиятидаги эзгулик ёхуд ёвузликни билдирувчи лакмус қоғоз вазифасини бажаради. Асарда ҳаётнинг ўзидаги каби кўпчилик одам дарёга ҳеч нарса бермагани ҳолда ундан имкон қадар кўпроқ юлиб олишга интилиши ҳаққоний акс эттирилади. Айни вақтда дарё ва унинг бағридаги бойликларнинг мангулигини таъминлаш йўлида, демакки, эзгуликнинг тантанаси учун жонини тиккан шахслар ҳам борлиги ҳаётий тасвирланади. Романдаги қарорида собит, дарё ва унинг бойликларини сақлаш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инспектор Тоҳир ана шундай жонкуяр шахсдир.

Маълумки, эзгулик осонлик билан амалга ошмайди. У кўнгил хотиржамлигидан бошқа нарса

бермагани ҳолда ҳамиша кишидан катта қурбонликлар талаб қиладиган аъмолдир. Эзгулик қилиш осон ва қулай бўлганида ҳамма ҳам яхшилик қуршовида умр кечирган бўларди. Романда ўйлаб иш қиладиган, фикрида собит, қатъиятли Тоҳир учун эзгу амаллар қилиш қанчалар қимматга тушгани кўрсатилар экан, унинг бу йўлга бирданига ўз-ўзидан келиб қолмагани бутун мураккаблиги билан кўрсатилади. Ёзувчи бу жараённи батафсил тасвирлаб ўтирмай, констататив динамика усулидан фойдаланиб иш кўради: ***"Тоҳир... аста-секинлик билан, заррама-зарра, томчима-томчи... қалбидаги мутеликка монанд туйғуни ситиб чиқара бошлади... Ў, осон кечмади бу жараён, осон кечмади! Эҳ-ҳе, бунинг эвазига не-не қора кунлар тушмади бошига, не-не қарғишларга учрамади, не-не яқин жигарлари, қондош хешлари юз ўгириб кетишмади ундан! Ҳатто ёлғиз опаси... Алкаш эри ов ман этилган мавсумда бир қайиқ балиқ билан қўлга тушиб қолганида аввал оёқлари шишиб кетган опанинг ўзи эланиб келди... кейин... кимлар ақл ўргатишган, ноаён!.. ...ягона бойлиги – болали сигирини етаклаб... Йиғлади... Ранги қорайиб кетган укасини кўндиролмаслигини англагач... кўз ёшларига кўмилганча судралиб қайтиб кетди... Жиянларнинг-ку, ҳалигача Тоҳирни кўрарга кўзлари, отарга ўқлари йўқ..."***. Инспектор шахсиятига хос етакчи хусусиятлар муаллифнинг ана шу тавсифида яққол намоён бўлади. Аслида ҳам пўлат оловда тобланган янглиғ одам ҳам қийинчиликларда синалади. Эзгулик йўлидаги қийинчиликларга чидаш бериб, манфаат учун эътиқодига хиёнат қилмаган кишиларгина бундай синовлардан ўта олади. Тоҳирнинг ана шундай шахс экани бутун асар давомидаги турли воқеалар тасвири мобайнида аёнлашиб боради.

Тоҳирнинг шахсий ҳаётда омади келмаган: у севган қиз бошқага турмушга чиқади, кўнгилсиз бўл-

сада, уйланиб фарзанд кўрган, меҳрибонлик қилган аёли Жамила бировни қутқараман, деб дарёга чўкиб кетади. Энг ёмони, ўзи хаёлига ҳам келтирмаган ва истамаган ҳолда Жамилани севган Бердиқулнинг ҳаётини синдириб, унинг қаттол душманига айланади. Ҳалол бўлгани, фойда эмас, бурчни ўйлагани боис бири икки бўлмайди, боши ташвишлардан чиқмайди. Лекин у эътиқодига хиёнат қилмайди, ҳалоллигича қолабилади. Ўлим келганда ҳам ҳақ йўлидан қайтмайди. Айни вақтда у – ғоят кўнгилчан ва меҳрибон одам ҳам. Тоҳир фақат дарёнинг, яъни эзгуликнинг душманларигагина аёвсиз. Унинг: *"Катта дарёга муҳаббатнинг ёнида ҳамиша инсонга муҳаббат учун ундан ҳам каттароқ жой қоларкан..."*, – деган тўхтамида шахсиятига хос фазилатларни ҳаракатга келтириб турган одамий одамларга адоқсиз муҳаббатдай маънавий асос акс этган. Тоҳир дарёни қанчалик севса, унинг ёлғизгина ўғли Дилмурод онасини ютиб кетгани учун дарёни шунча ёмон кўриши билан ота ҳаётининг фожиавийлик даражасини янада оширади. Қаҳрамонга хос бу жиҳатлар романда ўта таъсирли ифодасини топган.

Асарда Абдуқаюм Йўлдошнинг инсон концепцияси ғоят ўзига хос йўсинда намоён бўлган. У бадиий тасвирда ҳар битта персонаж шахсияти ғоят хилма-хил маънавий иплардан тўқилган рангин мато эканидан келиб чиққан ҳолда иш кўради. Шу сабаб тимсоллар тасвирида турфа ранглардан маҳорат билан фойдаланади. Ўрни келганда қайд этиш керакки, ҳозирги ўзбек адабиётида инсонга шундай концептуал ёндашув тобора ёйилиб бормоқда.

Ёзувчи бир-икки енгил чизги билан бирор тимсолга хос асл қиррани яққол кўрсатиш маҳоратига эга. Чунончи, Рустам уюштирган туҳмат сабаб Тоҳир милицияга тушиб қолганда ўз нафси ва манфаатидан бўлак ташвиши йўқ бош инспектор Рав-

шаннинг: *"Бизда бегуноҳларга дело очишмайди"*, – деган гапи унинг ёнидагиларга бефарқ, ҳақни ноҳақдан ажратишга уринмайдиган ғариб ички оламини яққол кўрсатса, *"Кескин гапиришга ўтдими, бу Меҳри холанинг таслим бўла бошлагани аломати эди..."* ёхуд *"Ичкаридан чиқиб келган Меҳри хола аввал Одинага, кейин Шарофатга қараб "уят" дегандай бетини чимчилади"* тасвирлари ўзбек кайвониси табиатига хос бетакрор маънавий сифатларни акс эттиради. Ёзувчи тимсолларни деярли ҳеч қачон батафсил тавсифлаб ўтирмайди, балки хатти-ҳаракатлариорқали уларнинг табиатини кўрсатиб беришга уринади. Табиийки, бу ҳол тасвирнинг таъсир кучини оширади.

Қўлингиздаги романда одам деб аталмиш яратиқнинг ўта чалкаш ва мураккаб ички дунёси, ундаги чигал руҳий олами, англаш ҳам, изоҳлаш ҳам мушкул қисмати бутун мураккаблиги билан акс эттирилади. Бир-бирини қаттиқ суйганларидан бола кўрмаётган бўлсаларда, ажралишни хаёлларига ҳам келтирмайдиган Дониёр ва Муқаддам; оилали Дониёрга кўнгил қўйгани боис бошқа одамга теголмай ўтириб қолган покиза Гўзалой; врачликдай касбни бойлик орттириш воситасига айлантирган уятсиз ва бузуқ Камол; ориятчил, ҳар қандай вазиятда ҳам гапида турадиган, аммо қайсар, жанжалкаш, шафқатсиз, ҳалолни ҳаромдан ажратавермайдиган, баъзан жоҳиллиги ёвузликка айланиб кетадиган Бердиқул; қилни қирқ ёрадиган даражада синчков терговчи Жавлон, қорнидан ўзга ташвиши йўқ Ҳамроқул, барча оналардай жонкуяр ва куюнчак Ҳикоятхон, барча оналардан ҳам фидойироқ Солиҳа эна, инсон кўнглига доир юксак туйғулардан хабарсиз, қуруқ ва зерикарли, лекин ўз ишининг устаси бўлмиш оқловчи Файзулла, Тоҳирни суйгани ҳолда ўқирманга номаълум сабабларга кўра шу зерикарли Файзуллага турмушга чиққан Гулноза, азбаройи

ёшлигида Тоҳир кўнгил қўйгани учун Гулнозани ҳамон ёмон кўрадиган Зуҳра, янглиш коммунистик эътиқодга садоқати сабаб ҳаёти тушунарсиз издан кетган Ўктабр чол, унга фақат бой тадбиркорнинг ўғли деб қарашларидан уялиб, бойликка ҳам, муҳаббатга ҳам ўзи эришишга уринадиган Дилшод, Дилшодни ёқтиргани ҳолда уни пичинг ва қочириқлари билан қийнаб ҳузурланадиган Ноила, боринғки, романдаги деярли барча тимсоллар ечилиши ўта қийин ҳаётий ва айниқса, руҳий изтироблар оғушида кўрсатилади.

Айниқса, романдаги Бердиқул образи ўзининг чигал тақдири, маънавий қиёфасини ташкил этган ахлоқий сифатларнинг аралаш-қуралашлиги, тақдирининг фожиавийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай кишиларга баҳо бериш ғоят мушкул, уларни тушуниш имконсиз. Асарда кайфиятининг етовида юрганидан исталган дақиқада қарорини ўзгартириши мумкин бўлган, эзгу мақсадга эзгу воситалар билан бориш кераклигини тан олмайдиган беқарор шахснинг қонсиз фожиаси ёзувчи томонидан бутун мураккаблиги билан кўрсатилади. Бердиқулнинг маънавий олами ўзаро келиштириб бўлмайдиган турли хулқий тўқималардан ташкил топган. У – дадил, сўзидан қайтмайдиган, адолатпарвар, қасд қилган ниятига эришмаса тинчимайдиган йигит. Аммо ўзгани тинглаш ва тушунишга уринмаслик ҳамда ўжарлик бу шахснинг энг катта нуқсонидир. Шу сабаб Бердиқулнинг қисқагина умри адоқсиз ғалвалар ичида кечади.

Ёзувчи Бердиқул табиатидаги ҳар бир товланишни мантиқий ва руҳий жиҳатдан чуқур асослашга эришган. Тимсол ички динамизмининг ҳар бир босқичи теран ҳис этилгани образ тасвирининг максимал даражада ҳаётий ва таъсирли чиқишини таъминлаган. Асарнинг бошида ҳеч қандай гап-сўзсиз Тоҳирга ташланиб, уни калтакламоқчи бўлга-

нида Бердиқул ўзини суюклиси учун курашаётган ошиқ ҳисоблайди. Лекин суюклини севишгина етарли бўлмай, унга севилиш ҳам кераклигини ҳисобга олмаган йигит Тоҳир билан Жамиланинг тўйи куни маст бўлиб жанжал чиқарганда ва оқсоқолларнинг ишораси билан йигитлар уни молхонага қамаб қўйишганда, у суйганидан айрилган жабрдийда эди. Аламидан маст бўлиб, бировларни уриб майиб қилиб қамалиб кетганида эса аламзадага эврилганди. Қамоқдан чиққач, унга атай бирор ёмонлик қилмаган Тоҳирга панд бериш учун Самад ва Қаҳҳор сингари қонунбузар кимсаларни ҳимоя қилиб, инспекторнинг қайиғига ўт қўйганида у чинакам жиноятчи бўлади. Рустамнинг тарафига ўтиб, Тоҳир мени уриб оғир ярадор қилди деб, ёзиқсиз инспекторга туҳмат қилиб касалхонага ётиб олганида у жиноятчидан ҳам баттар ёвуз кимсага айланади. Бу персонаж табиатидаги мутлақо қарама-қарши жиҳатлар унинг гўё Тоҳир етказган жароҳат учун милицияга шикоят қилмаслик эвазига Гулнозадан пора ундириш ниятида айтган: ***"Ўзингни ўйламасанг, яқинларингни ўйларкансан. Онангни... Шунақа гаплар. Лекин мен бу гапларни сизнинг раҳмингизни келтириш учун айтмадим. Сиз ҳозир мени сотиб олишга уриняпсиз. Мен бўлса ўзимни қимматроқ сотишга ҳаракат қиляпман. Бу бизнес, холос. Айтиб қўяй, савдомиз келишса-келишмаса, то бу дунёда тирик эканман, мени бебахт қилган, фариштадай қизнинг умрига зомин бўлган Тоҳирни тинч қўймайман"***, – деган гапларида яққол намоён бўлади.

Шахс руҳияти мантиғига зуғум қилмаган адиб кўп ўринларда Бердиқулда ҳеч қачон йитмайдиган инсоний сифатлар ҳам борлигини кўрсатишдан қочмайди. Бердиқул иши битмаган бўлсада, сўзида туриб, ҳайдовчи йигитга қўчқорини бериб юбориши; Самадга олганидан кўпроқ пул қайтариши; онасини

операция қилдиришга астойдил уриниши; Тошнинг абгор аҳволини кўриб, ўзини чув туширган бўлсада, жазоламагани; Рустамнинг асл мақсадини билгач, Дилшоднинг ўрнига уни ўлдириши, хиёнаткор Мансурни жазоламоқчи бўлган ўринлар тасвирида табиатидаги эзгу жиҳатлар бўртиб кўринади. Бердиқулга ўхшаш табиатга эга кишиларнинг эртанги кунини башорат қилиб бўлмайди. Чунки уларнинг тутумлари мантиққа эмас, балки кайфиятга боғлиқ бўлади. Кайфият эса ўзгарувчан ва тушунарсиздир. Бердиқул сингари ижтимоий-маънавий мезонларни тан олмайдиган шахслар – ҳар қандай жамиятга бегона. Унинг айнан эшкаксиз қайиққа чиқиб, дарё оқими бўйлаб кетиши ҳам рамзий маънога эга. Улар ҳаёт дарёсида эшкаксиз қайиқдаги йўловчи каби оқим ихтиёрида юришга маҳкум шахслардир.

Абдуқаюм Йўлдош романда ҳар бир персонаж руҳиятига хос қирраларни маҳорат билан тасвирлай олган. Чунончи, меҳрибон ва самимий қиз Гўзалойнинг янгалари унинг қариқизлигини ғийбат қилишаётганини тасодифан эшитиб қолгандаги ҳолатининг: ***"Эшикдан отилиб чиққанча энтикиб-энтикиб нафас олаётган, вужуди терак баргидай дир-дир титраётган қизнинг мижжаларига аламнинг аччиқ ёшлари қалқиб чиқди..."*** тарзидаги тасвири аниқ ва таъсирчанлиги билан диққатга лойиқ. Шафқатсиз, тезоб, ўрни келса, талончилигу қотилликдан ҳам қайтмайдиган Бердиқулнинг онаси саратон касалига йўлиққанини билгандаги ҳолатининг: ***"Бердиқул маст одамдай гандираклаб хонадан чиқди, дарвоза томон юрмоқчи бўлди, аммо бунинг ўрнига бўм-бўш молхонага кирди-ю, пичан устига қулади. У ёқасини маҳкам тишлаганча титраб-қақшаб, овозини чиқармасликка уринган ҳолда гавдаси силкиниб-силкиниб бўзлаб юборди: Энажон... энажон..."*** йўсинидаги ифодаси тасвирида онасини чинакам

суйган ўғил руҳияти ҳаққоний кўрсатилган. Сулув хотинини ўринсиз қизғанаверадиган, ўта рашкчи Дониёр руҳий ҳолатининг: *"Кўнгил – душман. Айниқса, хотининг чиройли бўлса... Бўлмаса неча марта ўзини тергашга уринди, "Рашк – ишончни ҳақорат қилади. Ана, Отелло ҳам ишончсизлик қурбони бўлган" ёинки "Ишонолмаслик – ўзлари ишончдан маҳрум кимсаларга теккан касаллик", қабилидаги ҳикматли гапларни... ёдлашга, ...уларга амал қилишга уриниб кўрди. Аммо воқелик игнаси теккан заҳоти буларнинг ҳаммаси совун пуфагидай "пақ" этиб ёрилади-ю, яна ҳаммаси бошидан бошланади..."* шаклидаги тасвири шу персонаж хатти-ҳаракатларини англаш калитига айланади. Асарнинг бошқа бир ўрнидаги *"Эрини кўрган Муқаддам адойи тамом бўлди: ранги қув ўчиб, бутун вужуди қалтираб кетди"* шаклидаги тасвирда, негадир, хўжайини олдида ҳамиша ўзини айбдор сезадиган ўзбек аёли табиати ёрқин намоён бўлади. Ёхуд ҳиссиз майдакаш эрига кўнгилсиз, имкон топса, ундан ажралмоқчи бўлган Гулнознинг қизига: *"Ошни тирик қилма, аданг ётиш олдидан газ сув ичса, кечаси безовта бўлади"* тарзидаги гапи ўзбек аёлига хос бўлган азалий жонкуярлик, ҳатто, ёқтирмасада, болаларининг отасига бўлган аёвли муносабатнинг ғоят теран илдизларга эгалигини кўрсатиши жиҳатидан тенгсиздир.

Асарнинг кўп ўринларида А. Йўлдош тилнинг ифода имкониятларидан ғоят усталик билан фойдаланиши кўзга ташланади. Дилобар билан Жавлон, Муқаддам билан Дониёр, Дилшод билан Ноила, Ўктабр чол билан Турғунбой ота муносабатлари тасвирида ўзбек тилининг киноя, пичинг, кесатиқ сингари сифатларга, чуқур тагмаъноларга эга экани бор бўйича кўринади. Қуйидаги суҳбат тасвири фикримизга далил бўла олади:

"Муқаддамнинг эси чиқиб кетди:

– Вой ўлай! Нима бўлди? Муштлашдингизми?

Дониёр ...юзини яширди:

– Йўқ. Йиқилиб тушдим.

– Кўриб турибман, жуда муваффақиятли йиқилибсиз. ...Ўзиям аввал роса мўлжаллаб туриб, кейин йиқилгансиз шекилли, а?"

Кўп йиллик азобли кутишлардан сўнг эндигина юкли бўлган нурдай пок Муқаддамнинг Толян тажовузидан кейин ўзини ўлдирмоқчи бўлгандаги ҳолатининг: *"Туйқусдан сумкадаги қўл телефони жиринглаб қолди. Чўчиб кетган Муқаддам атрофга аланглади ва ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўлларини буюк бир меҳр билан қорнига қўйганча, аччиқ кўз ёшларига ғарқ бўлган кўйи буюк муҳаббат билан шивирлади:*

– Дадаси... дадажониси... Болам... болажоним...

Жувон мана шу ҳолида, қўлларини қорнига қўйган кўйи, узлуксиз жиринглаётган телефонини ҳам эшитмай, дувиллаб оқаётган кўз ёшларини артмасдан бир-бир босганча негадир бирдан бўтана тус олган дарё қаърига кириб бораверди, бораверди... Оқар сув аввал Муқаддамнинг тиззасигача келди, кейин кўкрагигача... Ногоҳ шиддат билан оқаётган сув ости оқими жувоннинг оёқларига урилди. Муқаддам тойиб йиқилди ва ҳеч бир қаршилик кўрсатмасдан, аста-секинлик билан чўкаверди... Дарё икки жонни ўз бағрига олди..." Бу тасвирдаги ҳар бир сўзгина эмас, балки тиниш белгилари ҳам бегуноҳ ўлимга маҳкум этилган одам фожиасини барча қирралари билан кўрсатишга хизмат қилдирилган. Чунончи, дарёнинг *"бирдан бўтана тус олган"*и ҳам бежиз таъкидланмаган. Ҳаётнинг адолатсизлиги, одамларнинг чегарасиз ёвузлиги тиниқ сувли дарёнинг бўталашувига сабаб бўлади. Бундай лойқалик ўқирман руҳиятигада кўчади.

Ёзувчининг ушбу романни ёзишдан кўзда тутган бош нияти Турғунбой отанинг Дилмуродга айтган

қуйидаги гапларида намоён бўлган дейиш мумкин: *"Она дарё минг, миллион йиллардан бери тўхтамай оқяпти. Худо хоҳласа яна минг, миллион йиллар тўхтамай оқади. Биз йўқ эдик, Дарё бор эди. Биз келдик, Дарё бор. Биз ўтамиз, Дарё қолади. Дарёмиз худди ҳаёт каби абадий. У неча-неча минглаб, юз минглаб инсонларга жон бахш этди, сувга зорларнинг ташналигини қондирди, саҳроларни гулистонга айлантирди, яна бағрида айнан сен, мен учун балиқларни парваришлайди, уларни бизга тақдим қилади. Дарё бизнинг беминнат онамиздай меҳрибон, ғамхўр. Шунинг учун биз уни Она дарё деб атаймиз. У тириклик ибтидоси. Унинг интиҳоси йўқ"*. Кўринадики, бу ўринда дарё – ҳаёт мангулиги ва эзгулик барқарорлигининг тимсоли. Дарё истиқбол сари элтувчи тинимсиз ҳаракатнинг рамзи сифатида барча хайрли юмушларга хамиртурушлик вазифасини бажарадиган омил. Одамга хос асл жиҳатлар унга муносабат йўсинида намоён бўлади. Ҳаётга, одамга, эзгуликка муҳаббат дарёга меҳр кўрсатишдан бошланади.

Шунингдек, асарда одам даврни яратгани янглиғ давр ҳам одамнинг нафақат турмуш йўсини, балки руҳият дунёсигада таъсир кўрсатгани Турғунбой отанинг қизи Гулноза билан, Гулнозанинг эри Файзулла билан, Малика, Муштарий ва Ноилаларнинг Дилшод билан, Муҳиддинбойнинг Аббос билан муносабатлари тасвирида яққол намоён бўлган. Бу шахсларнинг муносабат йўсинлари нафақат ярим аср, балки ўн беш-йигирма йил олдин ҳам ўзбеклар учун нотабиийгина эмас, балки уят саналарди. Яъни она ҳаёт бўла туриб, ота қизининг куёвига кўнгилсизлиги ҳақида сўзлашмасди; қанчалик ўктам бўлмасин, аёл қачондир севган кишиси учун эридан сўроқсиз миниб юрган машинасини сотиб, пулини сарф қилолмасди; ўзбек қизлари куёвликка талабгор йигитлар билан бунчалар эркин муноса-

батда бўлишмасди; уйдаги бўй қизнинг отаси дўсти билан бўлсада, уни эрга бериш борасида асардаги каби очиқ гаплашолмасди ва ҳк. Бугун эса, уларга биз қандай баҳо беришимиз, яъни маъқуллаш ёки инкор қилишимиздан қатъи назар, бундай тафаккур тарзи ва руҳият йўсини миллий миқёс касб этиб бормоқдаки, романда айни жиҳат ёрқин акс этганини таъкидлаш лозим. Асарнинг мақташга лойиқ яна бир қанча жиҳатлари борки, улар ўқиш асносида англаб олинишига умид қиламиз.

Айтиш керакки, шунча ютуқлари билан бир қаторда романда ўқирманни унчалик қониқтирмайдиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, деярли барча персонажларнинг руҳият олами индивидуаллаштирилгани ҳолда уларнинг тилига ўзига хослик беришга етарлича эътибор қилинмаган. Деярли барча қаҳрамонларнинг тили муаллиф тилидан сезиларли фарқ қилмайди. Шунингдек, Тошкентда врачликка ўқиган Гулнозанинг отаси ва Ўктабр ота касал бўлиб қолгандаги ҳолати тасвири профессионал тиббиётчининг тутумига мутлақо ўхшамайди. Айниқса, Тоҳирга туҳмат қилаётган Бердиқулнинг жароҳати қанчалик даражада эканини врач сифатида аниқлашга уринмагани ҳам тимсол табиатига мувофиқ эмасдай. Ўктабр чолнинг отаси Мэлс Мэлсович тарзида номлангани ҳам ишончсизроқ чиққан. Ёзувчи ёлғон эътиқодга эргашишнинг суяк суришини, миллат тозалигига эътиборсизликнинг ёмон оқибатларини кучайтириб кўрсатиш ниятида сохталикка йўл қўйгандай. Негаки, 1940 йилда уч ёшларда бўлган Ўктабр чолнинг отаси Мэлс деб аталганига ишониш мумкиндир, лекин унинг отасининг ҳам оти Мэлс бўлиши мантиққа унчалар мувофиқ келмайди. Зеро, нафақат XIX аср охирлари, балки XX юзйилликнинг 30-йилларигача ҳам бу тўртала "доҳий" ўзбекларга деярли нотаниш эди.

Нима бўлганда ҳам Абдуқаюм Йўлдошнинг "Дарё" романи муаллифнинг улкан истеъдоди, қайноқ меҳри, заҳматли меҳнати натижасида дунёга келган бадиий жиҳатдан бақувват, қизиқарли ва ўқишли асардир. Унда дарёли юртда яшашга лойиқ чинакам одам бўлиш учун одам бўлиб туғилишнинг ўзигина етарли эмаслиги, балки ҳар бир шахс одамийлик учун курашнинг азобли ва мушкул йўлини босиб ўтиши кераклиги маҳорат билан таъсирли тасвирлаб берилган.

2015 йил 25 октябр–22 декабр.

КЎНГИЛДАГИ ИЗЛАР ТАСВИРИ

Одамзотнинг ҳаёти – кўп қизиқ кечим. Сиртдан қараганда, унда тасодиф ва тушунарсизлик ҳукмрондай. Синчиклаброқ назар ташланса, ҳаётнинг ҳар бир пучмоғида қатъий интизом, аниқ ҳисоб-китоб ва адолат борлиги сезилади. Бу интизом ва адолатни одам қандай яшаса, шундай тақдирга эга бўлишида кўриш мумкин: ўзи учунгина яшаган одамнинг умри ўзи билан тугайди; бошқалар билан бирга ва улар учун ҳаёт кечирган зотнинг умри ўзидан кейин ҳам давом этаверади. Инсон умрининг давомийлиги яшалган йилларга эмас, бу йилларнинг самарасига, одамлар кўнглида қолдирган эзгу изларга боғлиқ бўлади. Бировларнинг яшаётгани билинмайди ҳам, эслай дейилса, ёдга олгулик нарса топилмайди. Бировлар ҳақида эса айтиб тамом қилиб бўлмайди. Қўлингиздаги китобнинг қаҳрамони таниқли ёзувчи Носир Фозилов фазилатларини айтиб адо қилиб бўлмайдиган одамлар сирасидан.

"***Ғира-шира шомдан оппоқ тонггача ёки таниқли ёзувчи Носир Фозилов сурати ва сийратига чизгилар***" тарзида шоирона номланган ушбу китобда бирор бир илинжу мўлжалсиз атрофидаги одамларга яхшилик қиладиган, қилган эзгулигидан манфаат кутишни хаёлига ҳам келтирмай яшаётган бағрикенг одам ва истеъдодли адиб тўғрисида турли ёшдаги замондошларнинг иқрорлари жой олган. Китобнинг жуғрофий қамрови кенг: унда ўзбегу қорақалпоқ адибларидан ташқари, поёнсиз Қозоғистон юртининг бир қатор шоир, ёзувчи ва олимлари ҳамда чексиз Россия ижодкорларининг юрак сўзла-

ри ҳам акс этган. Тўпламдаги муаллифлар таркиби ҳам хилма-хил: Носир аканинг узоқ умр йўлини босиб ўтган Уйғун, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов сингари устозларидан тортиб, унинг меҳрини туйган боласи қатори ёшларнингда дил сўзлари акс этган.

Истеъдод ва шахсият уйғунлиги – камдан кам одамларга насиб этадиган неъмат. Тўплам қаҳрамони айни шундай камёб одамлардан экани китобдан жой олган мақолаларда бот-бот айтилади. Кўпчилик кўнгил изҳорларида Носир аканинг одамийлик сифатлари ҳаётий мисолларда кўрсатилади. Бу – табиий ҳол. Негаки, одам ҳақида гапираётган одамлар, биринчи навбатда, ундаги одамийлик сифатларини эсга олади. Қаҳрамон шоир Эркин Воҳидов: ***"Адабий муҳит, менинг назаримда, бир улкан ёниб турган гулханки, унинг атрофида ижодкорлар ўз топганини бу гулханга ташлаб, уни гуркиратади. ...Олтмишинчи йилларда... бир тўда ёш ижодкорларга шундай оташкорларнинг биттаси Носир Фозилов хонадони эди. Носир Фозилов катта уй қилган эмас, катта бойлик орттирган эмас, лекин унинг уйи ҳаммамизга бир ижодхона бўлган. Сиғардик. Носир ака ўзлари шеър ёзмаганлар, лекин шоирларнинг хаммаси ўша ерда йиғиларди"***, – деб ёзар экан, оғамизнинг табиатидаги уюштирувчилик, бағрикенглик сифатларини таъкидлайди. Носир аканинг кўнглидаги меҳр олови унинг атрофига ижодкорлар тўпланишига сабаб бўлган. Э. Воҳидов Носир Фозиловнинг бағрикенглиги шоир-ёзувчилар бошини қўшиб, даврадагилар ижоди гуллашига туртки бўлгани ҳақида ёзади: ***"У даврани гуллатган инсон. Биз ҳаммамиз у кишидан қарз олганмиз, аммо биротамиз ҳам қайтариб бермаганмиз"***. Аёнки, бу ўринда маънавий қарздорлик туйғуси ҳақида гап боради. Носир аканинг ўзи эса, кимнидир қарздор

қилганини ҳам, қарзлари қайтарилиши кераклигини ўйламаган ҳам.

Кўнгли очиқ инсон Йўлдош Сулаймон Носир оға шахсиятидаги ғоят муҳим бир қирра тўғрисида: "***Шундай ёзувчилар борки, ўзининг асарларига қараганда бошқаларнинг асарларини чиқаришга кўпроқ эътибор беради. Носир Фозилов шундай фидойи ижодкорлардан***", – деб ёзади.

Н. Фозиловнинг юртдоши таниқли ёзувчи Саъдулла Сиёев ўз мақоласида ҳали кимлигини ҳам билмаган бошловчи ижодкорга устоз қандай эътибор кўрсатганини қуйидагича эслайди: "***Радиода ишлардим. Битта-яримта ҳикоя машқ қилиб юрардим. У киши радиодан бир ҳикоямни эшитиб қолибди. Суриштириб, мени топтирди. Носир ака "Шарқ юлдузи" журналида ишлар экан. Бордим. Икки оғиз гаплашди. Сўнг ҳикоямни мақтади. Айниқса, тили маъқул эмиш. Хуллас, Носир аканинг хайрихоҳлиги туфайли "Шарқ юлдузи"да бир йўла икки ҳикоям босилиб чиқди***". Мақола муаллифи ҳажвчи ёзувчи сифатида мутойиба йўсинида бир-икки чизги билан устоз табиатига хос жиҳатларга ишора ҳам қилиб кетади: "***Тилига кўпроқ асал, озроқ қалампир боғлаб олган ана шу Носир оғамиз бугун адабиётимиз оқсоқоллари орасида ўзининг ажойиб фазилатлари билан ажралиб турибди***". Дарҳақиқат, босган қадамига эзгулик уруғларини сочиб юрадиган Носир ака ўрни билан юракларни ўртаб юборадиган аччиқ гапларни ҳам айта билади.

Шахсиятидаги адоқсиз эзгуликка интилиш туйғуси туфайли устознинг ижодкорлар ардоғига сазовор бўлганини С. Сиёев нимкулги билан қуйидагича ифодалайди: "***Носир аканинг биттагина расмий унвони бор: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Норасмий унвонлари эса, бир талай: наке, сарбола, қозоқнинг ўзбеги, ўзбекнинг***

қозоғи, олтин кўприк". Қарангки, эзгуликка қаратилган интилиш сийланмай, қадр топмай қолмас экан, оғамизнинг Саъдулла ака санаган расмий унвонлари қаторига "Ўзбекистон республикаси давлат мукофоти"дай мўътабар сийлиқ ҳам қўшилди.

Болаларнинг суюкли шоири, пародиячи ижодкор Турсунбой Адашбоев ўз эсдалигида, гапни чўзиб ўтирмай, ушбу китоб қаҳрамони шахсиятига хос қирраларни кўрсатиши жиҳатидан тенгсиз қимматга эга бўлган бир хат матнини келтиради. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида бир ёш ёзувчи "Гулхан" журналига қисса юборади. Журналдагилар болалар насрининг катта вакили сифатида Н. Фозиловдан ушбу асарни ўқиб, фикр айтишини сўрашади. Орадан кўп ўтмай, "Гулхан"нинг бош муҳаррири оғамиздан хат олади. Т. Адашбоев ўша хат матнини келтиради: *"Муҳтарам бош муҳаррир! Мендан бухоролик ёш ёзувчи Вали Бобомуродовнинг "Ёлғизидан ёдгори" қиссасини кўриб беришимни илтимос қилган эдингиз. Мен мазкур қиссани ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. ...Ёдингизда бўлса, бундан бир неча ой муқаддам ўзимнинг "Шум боланинг набиралари" номли қиссамни редакцияга тақдим этгандим. Журналнинг ижодий ходимлари уни ўқиб, маъқуллаган эдилар. "Гулхан" журналининг ҳажми бир йилда икки-учта қисса эълон қилиш имкониятига эга эмас. Мен Вали Бобомуродовнинг бу асарини мамнуният билан таҳрир қилиб, Сизларга жўнатяпман. Имкони бўлса, менинг қиссам ўрнига ёш дўстимизнинг мазкур асарини босишларингизни илтимос қиламан. Носир Фозилов*". Баъзан бир одамни билиш учун бир умр етмайди, баъзан биргина хатти-ҳаракат одам шахсиятига хос барча қирраларни нурлантириб юборади. Нотаниш ёш ёзувчининг асарини ўқиб, таҳрир қилиб, босишга тавсия этиб, булар ҳам камдай, ўз асари ўрнига чиқаришларини сўрашдай

валломатлик қилиш учун одам қанчалик бағрикенг бўлиши кераклиги кишини ўйга толдиради.

Таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Муродбой Низанов "Бизларни Носир оға кашф этди" мақоласида Тошкентда ҳеч ким танимайдиган ёш ёзувчи Сайловбой Жумағулов билан ўзига Носир Фозилов қанчалар меҳр кўрсатганини тасвирлаб бўлиб, деганларини тубандагича хулосалайди: "***Яхшилик қилиб, шундан ўзи завқланиб, болаларча қувонадиган одамни биринчи кўришим***". Носир ака бу икки ёш ёзувчининг китобини чиқаришдай инжиқ ва югур-югур талаб қиладиган юмушнинг барча ташвишларини бўйнига олганини шундай эслайди: "***Муштум кутубхонаси" сериясида устоз Саид Аҳмаднинг сўзбошиси билан икковимизнинг китобларимиз чоп этилди. Биз у редакцияга борганимиз ҳам йўқ, китоб қўлёзмасини топширишни ҳам, режага киритишни ҳам, сурат чиздиришни ҳам – ҳамма-ҳаммасини Носир оғанинг ўзи бажарган, биз фақат китобимиз чиққанидан кейин билганмиз, холос***". Ўзига алоқаси йўқ бунча ишни қилиш учун Н. Фозилов қанча вақт, куч ва асаб сарфлаганини китоб чиқарганлар тасаввур қилади. Улкан меҳр билан қилинган шу каби чин иқрорлар қаҳрамонимиз одамийлик мартабасининг нечоғлик юксак эканини кўрсатишга хизмат қилади.

Носир ака – Музаффар Аҳмаднинг "Икки дўст достони" асарининг персонажларидан бири. Достонда унинг тилидан айтилган: "***Эй-й, шоир-ей... Аслида ўлим нима? Ўлим – мен сенга айтсам: бу ҳам яшашнинг бир тури***" тўхтамида оғамиз табиатига хос одамий фалсафа бўртиқ акс этган. Носир аканинг одамийлик кўлами шоир Музаффар Аҳмадга юқоридаги достоннинг сюжетини совға қилгани, бугина эмас, достонни бир неча марта ўқиб, пишитишга ҳисса қўшгани сингари ҳолатларда ҳам ёрқин кўринади.

Ёзувчи ва таржимон Меҳмон Исломқулов ўз битигини "Маслаҳат текин" деб номлар экан, буни изоҳлаш ўрнига: *"Дўст-ёрларга ёрдам қилиш, уларнинг юришмай қолган ишларини юриштириб юбориш ва нашриётларда, таҳририятларда уларнинг асарларини чоп эттириб, қалам ҳақларини олиб бериш каби беминнат ишларни қилишни нима деб атасак экан?"* тарзида савол қўяди. Жавоби ичида бўлган бу савол муаллифнинг оғадан кўрган яхшиликларининг самимий эътирофи бўлиб жаранглайди.

Қизиғи шундаки, эсдаликларнинг кўпчилик муаллифлари, ақлли ва инсофли одамлар сифатида, уларга эзгулик қилиш Носир оға учун осон бўлмаганини ҳам билишади, буни таъкидлашади ҳам. Жумладан, шоир Йўлдош Сулаймон бир шеърий икрорида: *"Ўзгани ўткирлаб, чархлаган сари Эт ташлаб-эт ташлаб кичраяр ўзи! Бу ўша чарх эмас, Носир Фозилдир"*, – деб ёзадида, навбатдаги мактубларидан бирида яна: *"Азиз Носир ака! Ҳалиги газетани юборяпман. Уйғун акамга бериб қўярсиз! Ҳайронман, ҳаётнинг қаерига қўл узатманг, Сизнинг қўлингизни ушлашга тўғри келади"*, – дея навбатдаги юмушни оғасининг елкасига ортади-қўяди.

Носир Фозиловни қуршаб турган ёзувчилар муҳитига унчалик яқин бўлмасам-да, ҳатто мен ҳам Носир оғамнинг беғараз одамийлигига таниғ бўлганман. Икки мингинчи йилларнинг бошларида бўлса керак, оқсоқол қўнғироқ қилиб, бир Туркистонга бориб келмаймизми деб қолди. Мен бироз ҳайрон қолдим. Чунки ўзимча устоз билан сафарга чиқадиган даражада яқин эмасман деб ўйлардим. Лекин рози бўлдим. Тилшунос олим Зиёдулла Ҳамидовнинг машинасида учовлон олдин Туркистонга Носир аканинг қариндошлариникига, сўнг Туркистондаги қозоқ-турк университетига бордик. Бу

сафардан кузатилган асосий мақсад шунда маълум бўлди. Устоз қозоқ-турк университетидаги ўзбек гуруҳларини сақлаб қолиш, уларнинг ҳеч бўлмаса, тилшунослик ва адабиётшуносликка доир фанларни она тилларида ўқишларини йўлга қўйиш ўйида сафарга чиққан эканлар. Биз танимайдиган кимлар биландир учрашдилар. Охирида Қулбек Эргўбек деган сап-сариқ профессор йигитни топдирдилар. Қулбек университет президентининг ўринбосари экан. Унга ўзбек гуруҳларида адабиёт, тил фанларини ўқитадиган мутахассисларни Ўзбекистондан чақириш кераклигини айтдилар. Қулбек кўнгандай ҳам бўлди. Устоз бизнинг хизматимизни таклиф қилди. Афсуски, университетда ишламоқчи бўлган ходим Ўзбекистон рўйхатидан чиқиш кераклиги сабабли бу масала ижобий ҳал бўлмади. Лекин ёши бир жойга бориб қолган оқсоқол одамнинг ўзига мутлақо алоқаси бўлмаган муаммони ҳал этиш учун шунча овора бўлгани таҳсинга лойиқдир.

Китобга мақолалари кирган муаллифлар орасида энг ёши бўлмиш Юсуф Абдуллаев Носир оғамизнинг меҳмондўстлиги, қўли очиқлигини сал чапанилик билан: "***Носир аканикида чўзма лағмон-у, шилпилдоқ еб катта шоир, ёзувчи бўлиб кетганлар қанча***", – дея ифода этади.

Қўлингиздаги китобдан ёзувчи Комил Авазнинг бир олимона хати ҳам ўрин олган. Унда мактуб эгаси Носир акадан ақлнинг ўн даражаси ҳақида маълумот беришни сўрайди. Оғамизнинг жавобида ўзига ишонган одамнинг табиати кўринади. Н. Фозилов хатга жавобан қилган эслатмасида ёзади: "***Бу чуқур маъноли ва ажиб талқинга муҳтож мактубга жавоб беришим учун яна бир карра ҳаёт дорилфунунида таҳсил олишим, Комилжон баҳра олган илоҳий дарслардан хабардор бўлишим учун яна камида чорак аср умргузаронлик қилишим керакка ўхшайди. Саломатлигим бовар қилма-***

гани туфайли бу ишнинг уддасидан чиқолмаслигимга кўзим етиб, минг хижолат билан Комилжондан узр сўрадим". Бу мардона иқрорда оқсоқол адибга хос ҳалоллик, зўраки билағонлик қилишга уринмаслик фазилатлари яққол намоён бўлади.

Ушбу китобга кирган кўпчилик мақолаларда Носир Фозилов табиатидаги ўзига хос топқирлик тез-тез тилга олинган. Майда манфаатларга ўралашиб қолмаган, маиший қулайликларга юқорироқдан қарай биладиган эркин руҳли одамларнинг тили узун, сўзлари кескир, фикрлари чақмоқдай бўлади. Халқ орасида эскидан: "Бош кесмоқ – бор, тил кесмоқ – йўқ", – деган мақол юради. Унда тўғри гапни айтишга тўсиқ қўйиб бўлмаслиги акс этади. Ҳар қандай сўз, нутқ моддийлашган фикрдир. Сўзнинг ўзига хослиги фикрнинг бетакрорлигидан келиб чиқади. Носир ака қолипларга амал қилмай, эркин фикрлагани учун ҳам ҳаётий вазиятларда, муомала-муносабатда ғоят топқир киши сифатида ном қозонган.

Қозоқ профессори Қулбек Эргўбек "Меҳрибон оға" битигида устознинг эзгуликка эш топқирлигига ғоят таъсирли бир мисол келтиради. Қозоқ ёзувчиси Собит Муқонов ўлими муносабати билан уюштирилган йиғинда Н. Фозилов сўзлаган нутқни хотирлаб ёзади: ***"Собит Муқоновнинг вафоти ҳақидаги шум хабарни эшитиши биланоқ Носир оға Ғафур Ғуломнинг қабрига борган, улуғ шоирга дўстининг вафот этганини айтиб, қозоқ дўстининг қабрига бир ҳовуч тупроқ олиб кетиш учун ижозат сўраган ҳақида юракларни ларзага келтирувчи сўзларни айтганида, йиғламаган одам қолмади. Халтага солинган тупроқни ўғли Арслон олиб, отасининг бошига қўйди... Шунда ўзга республикалардан келган делегацияларнинг аъзолари: "Э аттанг, бунақа қилиш нега бизнинг эсимизга келмади экан-а", деб афсусла-***

ниб қолишди. Ҳақиқатдан ҳам бошқа республикалар адибларининг қўлидан келмайдиган мардлик эди-да, бу. Қўлидан келмайди деганим – биринчидан, уларда қиёматлик дўст санарлик Ғафур Ғуломдай шоири йўқ, иккинчидан, дафъатан мана шундай йўл топа оладиган Носир Фозиловдай зийрак адиблари йўқ эди уларнинг". Бу сўзларда ўзбек ва қозоқнинг икки буюк санъаткори орасидаги мустаҳкам дўстлик иплари билан бирга шу яқинликни таъсирли йўсинда юзага чиқара олган Носир оғанинг топқирлиги алоҳида таъкидланган.

Йирик ҳажвчи ёзувчи Неъмат Аминов ўз мақоласида Носир Фозиловнинг дастхат ёзиш борасидаги топқирлигини акс эттиради. Ғабит Мусреповнинг "Қозоқ солдати" романини таржима қилиб, чиқарган оғамиз устозига: "***Ўзбек адабиётининг генерали Абдулла Қаҳҳорга! "Қозоқ солдати"ни ағдариб ташлаган ўзбек адабиёти солдати Носир Фозиловдан***" деб ёзилган дастхатли китоб беради. Икки гапдан иборат бу битикда А. Қаҳҳорнинг миллий адабиётдаги мавқеи ва таржимоннинг унга эҳтиромми, шунингдек, аслида "***Қозоқ солдати" асарини таржима қилган***" маъносидаги "***Қозоқ солдати"ни ағдариб ташлаган***" бирикмасидан келиб чиқадиган сўз ўйини, булардан ташқари, таржимоннинг ўзини камтарлик билан "***ўзбек адабиёти солдати***" деб аташидан пайдо бўладиган кулгу Носир аканинг қанчалик топқирлигини англатувчи далиллардир.

Н. Аминов қорақалпоқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмоновнинг "Чангалзор пайғамбарининг сири" деган китобини Носир ака таржима қилганини, таржима китоб бўлиб чиққач, қувониб кетган Ўрозбой ўз китобига дастхат ёзиб беринг деб Носир акани ҳол-жонига қўймагани ва устоз кўп ўйлаб ўтирмай, "***Қорақалпоқнинг Ўроз ёзувчисига ўзбекнинг***

хўроз таржимонидан деб ёзиб берганини тасвирлар экан оғамиздаги беқиёс ҳозиржавоблик ва топқирликни таъкидлайди.

Музаффар Аҳмаднинг "Лақаб ҳам керакмас" деб аталган ҳангомасида ҳам устознинг дастхат ёзиш борасидаги топқирлиги акс этган. Чунончи, кунларнинг бирида Носир аканикида ўтирган узун бўйли, озғин шоир, драматург ва таржимон Машраб Бобоев устоздан янги чиққан бир китобига "хўроз" деган сўз қатнашган дастхат ёзиб беришни сўрайди. Илтимос дарҳол қондирилади, китобни очиб қарашса, унда ***"Ё Машрабо! Бўйи дароз, ўйи хўроз укамизга Носир акангдан эсдалик"***, – деб ёзилган экан... Шунга ўхшаган ҳолатлар тасвири оғамизнинг фикрий топқирлигидан ташқари, унга ҳар қандай вазиятда ҳам юмор туйғуси йўлдошлигини кўрсатиши билан характерлидир.

Теварак-атрофига эзгулик кўзи билан қарайдиган одам кулгига эш бўлади. У дунёдан ёруғлик истайди, нур кўради ва сояли ҳолатлардан кула билади. Носир ака оламга ёруғ назар билан қараганн учун ҳам кулгини қадрлайди. М. Аҳмад "Икки дўст достони" асарида устознинг шундай сўзларини келтиради: ***"Ғафур аканинг шўхликларини эшитгансан-а? Жуда ҳозиржавоб, давраларнинг гули бўлиб кетадиган одам эди! Бир гап билан даврани ўн кулдирарди! Шунақа чечан! Йўқ, мен Ғафур акачалик билимдон, хушчақчақ, гапга уста одамни кўрган эмасман! Ундай десак, Собит оға ҳам бу бобда Ғафур акадан қолишмасди"***. Кўринадики, Носир акадаги топқирлик, сўзга усталик, аввало, табиатида бор бўлса, иккинчидан, улуғ устозларидан ўтган. Устоз фитратидаги бу жиҳатни, ҳатто, рус ёзувчиси Александр Зирин ҳам "Чарчама, ҳорма дўстим" битигида шундай қайд этади: ***"...унинг нутқи шу қадар образли, чиройли, мағзи тўқ нутққи, юмор ва ҳазилга шу қадар бойки,***

эшитиб ҳайрон қоласиз: ёпирай... муғомбирона илжайиб турадиган бу одам шунча гапни... қаердан топади-а?!"

Носир аканинг ёқимли шумликларидан бири ҳақида Юсуф Абдуллаев шундай ҳикоя қилади: ***"Мурод оға устоз билан поездда узоқ сафарга чиқишган экан. Устоз пастда, Муродбой тепадаги ўриндиқда ҳангомалашиб кетишибди.***

- Сиз ростданам адабиётларни боғлаб турувчи мустаҳкам кўприксиз, – дебди юқоридан пастга қараб Муродбой.

Носир ака... ёлғондакам жаҳл қилибди:

- Кўприк деб ҳадеб устимдан босиб ўтаверасанми?

Мурод оға шошиб қолибди:

- Узр, устоз, узр.

- Устоз, устоз, дейсан-у, тепамга чиқиб, ялпайиб ётиб олганинг нимаси?"

Носир аканинг шунақа топиб айтилган гаплари, ичакузди латифалари, беозор киноялари қўлингиздаги китобга кирган эсдаликларда кўп тилга олинади.

Ўрни келиб қолди, Носир аканинг топқир ва ҳозиржавоблигига ўзим ҳам таниғ бўлганман. Яна бир ҳолатни айтайин 2010 йилнинг кузаги эди, шекилли. Миртемир домланинг 100 йиллигини нишонлаш учун Иқонга бориладиган бўлди. Носир Фозилов, Наим Каримов, Турсунбой Адашбоев, Тўлан Низом, Мирза Турсунов, Муборак Фозиловалардан иборат ўзбекистонликлар Туркистонга бордик. Иқонда халқ сайлига айланиб кетган жуда катта йиғин бўлди. Туркистон ҳокими – ёшгина қозоқ йигит Носир аканинг топқирлиги, қозоқчани улардан ўтказиб сўйлаганидан эриб кетди, чамаси, Миртемир юбилейи ҳақида гапира туриб: ***"Бугун фақат Миртемирнинг юз йиллигини эмас, балки Носир оғанинг саксон йиллигини ҳам нишонлаймиз. Оғага***

аталган от ташқарида турибди. Йиғилишдан кейин миниб кетади", – деди. Шунда Носир ака ўтирган жойида: ***"Ҳой тўхтачи, чироғим! Сенга неча марта айтаман: чўнтакка сиғмайдиган нарсани совға қилма, божхона ўтказмайди, барибир деб!"*** – дея барчани кулдирди.

Ўзи сўзамол ва ҳозиржавоб Саид Аҳмаднинг: ***"Мен талантли укам Носир Фозиловга Жамбул умридек узоқ умр, Ойбекча донолик, Ғафур Ғуломга хос қувноқлик, Қаҳҳорча... сиқиқлик, Уйғунча нафислик ва кенглик тилайман"*** тарзидаги олқови замирида топқирлик ва ҳозиржавобликдай ноёб фазилатга эга инига оғаларча эътибор ва эҳтиром бор.

Ушбу китобдаги бир қатор битикларда Носир Фозиловнинг ёзувчилик маҳорати намоён бўлган жиҳатларга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, машҳур қозоқ ёзувчиси Абдулла Тожибоев, адабиётшунос олим, академик Раҳмонқул Бердибоевлар қаламига мансуб "Дўстлик элчиси" мақоласида Носир оғанинг "Устозлар даврасида" китобига: ***"Гапнинг дангалини айтсак, бир талай хотираларни ўқиганмиз, ўзимиз ҳам ёзганмиз. Бироқ уларнинг бирортаси Носир битганчалик ишонарли чиқмаган. Муаллиф ким тўғрисида ёзмасин, холис ва оқиллик билан ёндашиб, забардаст қалам аҳлларининг ички дунёсини, қувонч ҳамда изтиробларини рўйи-рост очиб беради"*** тарзида юқори баҳо беради. Кейинчалик шу китобнинг қайта ишлаб тўлдирилган нашрига Ўзбекистон республикаси давлат мукофоти берилгани бу қарашларнинг асосли эканига далолатдир.

Улуғ ёзувчи Одил Ёқубов мақоласида: ***"Носир Фозилов бадиий ижоднинг энг қийин "сирларидан" бири – битта-иккита ибора билан манзара яратa олиш сирини билади"***, – деган тезисни илгари сурадида, ўз фикрини адиб асаридан келтирилган

мана бу гўзал парча орқали исботлайди: *"Қуёш тикка кўтарилиб қолган. Жавзо. Кўланкаларимиз иссиққа дош беролмагандай борган сари бағримизга тиқилади... Эшаклар арава изи ўйиб ташлаган чуқур йўлда сап-сариқ мой тупроқни бир маромда тап-туп босиб, ялқовгина қадам ташлайди. Йўл четидаги шувоқ ва янтоқларнинг чангдан ранги билинмайди, саратонда сарғайиб занг босган симдай қовжираб қолган..."* Буюк ёзувчи асардаги энг таъсирчан, Носир Фозиловнинг ёзувчилик истеъдоди яққол бўй кўрсатган ўринни бехато топган. Чиндан ҳам бу гўзал парчадаги ҳар бир тафсил (детал)нинг ўз вазифаси бўлиб, тасвирнинг жонли, қабариқ ва ҳаётий чиқишига хизмат қилган.

Машҳур адабиётшунавчи академик Матёқуб Қўшжонов қаламига мансуб мақолада Носир оғанинг ёзувчилик маҳорати қирралари тадқиқ этилар экан, адибнинг тасвир йўсинидаги ўзига хослик, яъни кичик ҳаётий лавҳа қатига улкан маъно юклаш санъати билгичлик билан кўрсатилади: *"Абдулла Қаҳҳор ҳаётига оид арзимас кўринадиган лавҳалар Носир Фозилов қалами орқали ёзувчининг ҳаётга қараш принципларини кўрсатадиган манба сифатида кўзга ташланади. Шайхзода, Миртемир ҳаётларига тегишли қатор лавҳалар ҳам шу йўналишда ифодаланади"*. Сўзни ўринли қўллаш орқали бадиий мўъжизалар яратилгани академик томонидан: *"Адиблар ҳаётидан олинган баъзи ҳаётий воқеалар Носир Фозилов қалами орқали алоҳида маънодор асар даражасига кўтарилади"*, – деб баҳоланади.

Адабиётшунос Суннатулла Аҳмедов "Нурли хотиралар жилоси" деб номланган мақоласида ёзувчи асарларидаги бетакрор жиҳатларни синчковлик билан кўрсатиб берган: *"Носир Фозилов хотиралари биз ўқиб юрган одатдаги ёдномалардан фарқ қи-*

лади, улар ишлатилавериб сийқаси чиққан схемалардан холи. Хотиралар мазмуни бу асарлар муайян ижодий эҳтиёж – шунчаки у ёки бу ёзувчи билан танишлигини билдириш ёхуд ўзини ҳам халойиққа бироз таништириб қўйиш ниятида эмас, балки ёзмаса бўлмайдиган, маънавий талаб туфайли яратилганини кўрсатиб турибди". Олимнинг бу фикри адиб асарларининг нафақат эстетик, балки маънавий илдизларни кўрсатиши билан ҳам қиммат касб этади.

Адиб ёш ёзувчи Ю. Абдуллаев билан қилган суҳбатида ўзининг ижодий принципини баён қилиб: "***... айрим қаламкашлар китоб ўқиб, китоб ёзяптилар. Ҳаётни чуқур ўрганмасдан ёзилган асарнинг умри узоқ бўлмайди***", – дейди. Устознинг бу гапи ўзининг ижодида исботини топган бадиий-эстетик тамойил экани билан диққатга моликдир.

"Ғира-шира шомдан оппоқ тонггача" китобидан ўрин олган бир қатор битикларда Носир Фозиловнинг қардош, бовурдош адиблар ва адабиётларни бир-бирига яқинлаштириш борасидаги хизматлари қайд этилган.

Абдулла Тожибоев билан Раҳмонқул Бердибоевларнинг мақоласида Носир аканинг қозоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш борасидаги ишларига у: "***...қон-қардош қозоқ ва ўзбек халқларининг азалий дўстлигини қизиқарли ҳикоялар орқали оддий китобхонга етказади. Бу жиҳатдан ҳам у ўз бурчига содиқ қолгани ҳолда, қозоқ адабиётининг Ўзбекистондаги чинакам элчиси эканлигини исботлайди***" тарзида юксак баҳо берилади.

Қозоқ шоири Сирбой Мавлонов ўзининг Носир акага бўлган эҳтиромини қуйидаги ҳазил сатрлар орқали ифода этади: "***Она сути-ла кирган Икки тилнинг бол, ёғи. Тошкентда қалам сурган Туркистоннинг қозоғи***". Шу-да: яхши одамни ҳамма

ўзиники қилгиси келади. Ёмонни эса барча ўзидан узоқлаштиришга интилади.

Носир Фозиловнинг ўрнига "сарбола" мартабасига чиқмоқчи бўлган профессор Қулбек Эргўбек ўзининг чин инилик туйғуларини: ***"...биз қозоқлар Носир оғамиз билан йўлларимиз айро тушиб қолишидан қўрқамиз"***, – дея умумлаштиради.

Саид Аҳмаднинг қозоқлар орасида Носир Фозиловнинг юксак обрўга эгалиги тўғрисидаги ҳавас силқиб турган иқрори яхшилик фақат яхшилик келтириши, меҳрдан меҳр туғилиши ифодалангани билан эътиборга сазовордир: ***"Ёзувчилар союзида бўлсин, нашриёт ё редакцияларда бўлсин, ёзувчилар, шоирлар уни ҳурматлаб уйларига таклиф қилишар, яна нималар ёзганини суриштиришар эди. Ўлжас Сулаймонов, Абдижамил Нурпеисов, Анвар Олимжонов, Жубан Мўлдағалиев каби етук шоир ва адиблар уни қанчалик ҳурмат қилишларини кўриб ҳавасим келди"***.

Азиз ўқирман! Қўлингиздаги китобдан ўрин олган ҳар бир битикда Носир аканинг юрагида эзгулик ўти ёниши, бу ўтнинг ҳарорати ёзувчи оғамизнинг битган асарлари, тутумлари, гап-сўзлари ва ҳатто рангу рўйида ҳам акс этгани бетакрор йўсинда тасвирланганки, уларни ўқиш Носир оға Фозиловнинг сувrати ва сийратидаги муҳим қирралар билан таништиради. Бу танишув, шубҳасиз, сизда эзгу таассурот қолдиргай!

2016 йил 31 январ-11 феврал

ЗУЛМ ЧАНГАЛИДАГИ ТАҚДИРЛАР

Салкам бир асрлик тарихга эга ўзбек романчилигида образларнинг хатти-ҳаракат ва тақдирлари илдизини кўрсатиш борасида уч етакчи тенденция кўзга ташланади. Биринчи тамойилга таяниб яратилган асарларда қаҳрамонлар ижт...оий асосланганлик (социал детерменизм) муносабатлари фонида тасвирланади. Бунда ҳар бир қаҳрамоннинг хатти-ҳаракат ва тутумлари ижтимоий шароитдан келиб чиққан бўлишига, жамиятдаги вазият персонажларнинг ўзгача йўл тутиш имкони қолдирмаганини тасвирлашга эътибор қилинади. Иккинчи тур романларда эса образларнинг хатти-ҳаракатлари ижтимоий шароитдан кўра уларнинг шахсияти, руҳий ҳолати ва кайфиятига кўпроқ боғлиқ эканини кўрсатиш устувор бўлади. Учинчи тамойил бўйича яратилган романларда юқоридаги икки ҳолат аралаш намоён бўлади. Зеро, одам бирор жамият бағрида яшар экан, ундан ташқарида бўла олмагани сингари муайян шароитда ҳаёт кечираётган бир қанча одамнинг ҳар бири ўзининг шахслик сифатларидан келиб чиқиб тамомила турлича ҳаёт кечиради, турфа қисматга эга бўлади.

Ёзувчи Қамчибек Кенжанинг "Палахмон тошлари" романини учинчи тамойил асосида яратилган асарлар сирасига киритиш мумкин. Унда тасвирга тортилган ҳар бир тимсол ижтимоий шароитнинг таъсиридан холи бўлмагани ҳолда ўз табиатидан келиб чиқиб, ҳаётда фақат ўзи танлаган йўлдан юрадиган, шу сабаб фақат ўзига хос тақдирга эга бўладиган шахслар сифатида тасвирланади.

Романнинг фабуласи ўтган асрнинг 50-йилларидаги ўзбек қишлоқлари ҳамда бир қатор чет эллар-

даги юртдошлар ҳаётида юз берган муҳим воқеаларни қамраб олган. Ёзувчи воқеаларни кўрсатишга андармон бўлиб, одамлар руҳияти, кайфияти ва қисмати тасвиридан чалғиб кетмай, фабуладаги ҳаётий унсурларни роман сюжетининг таркибига пухта сингдира билган.

Асарда қадду қомати, куч-қудрати, хатти-ҳаракати ва тутумлари билан ҳам ота-онаси, ҳам қишлоқдошларида катта умидлар уйғотган Бекназарнинг чигал тақдири бутун мураккаблиги билан акс эттирилган. Тенгдошларидан кучлироқ ва ориятли Бекназарнинг ўспиринликдаги илк севгиси рад этилгандаги ҳолати асарда жуда ишонарли ҳамда табиий тасвирланган. Шунингдек, унинг ўша даврдаги кўпчилик йигитлар сингари кўрмаган-билмаган қизга уйланиш сабаби ҳам асосли кўрсатилган. Романда ўзбек ўтбоши (оила)ларида кичик ўғилларнинг алоҳида статусга эгалиги миллий руҳиятимиздан келиб чиққан ҳолда ўта тўғри акс эттирилган: ***"Ота учун ҳамма фарзанд бирдай азиз, лекин нимагадир кенжа ўғил бўлакчароқ, юракка яқинроқ бўлади чоғи. Ўзбекларда айнан ана шуниси ота-она билан бирга яшайди, падари бузруквор унга суянч сифатида қарайди..."***.

Муаллиф иймон-эътиқодли, ҳалол йигитнинг бегона бўй қиз билан сўзлашишга иймангандаги ҳолатини: ***"Бекназар пиёлани индамай, ғўраша панжалари қизнинг латиф бармоқларига тегиб кетишидан авайланиб олди"*** тарзида жуда ишонарли ва таъсирли чизган. Ёзувчи бу тасвирда Бекназарнинг эзгу ниятли йигит, айни вақтда вужуди ва руҳияти авжи балоғатга етган, кўзга яқин қизга бефарқ бўлолмайдиган ҳолатда эканини нозик акс эттира билган. Шунингдек, Бекназарнинг ўзи ёқтириб қолган қиз ҳақидаги: ***"Агар биронтаси билан юрганининг ҳиди чиқса... Ундан айрилиш қанчалик қийин бўлмасин, барибир воз кечиш***

керак. Нега? Ким билан, қандай кимса билан дон олишувдийкин, ўша кимсанинг қўллари сочларини силаганда не ҳолга тушувдийкин, дея бир умр эзилиб, ўз пешонасига ўзи тавқи лаънатни тақиллатиб яшашдан кўра, айрилиқ азобига, армон изтиробларига чидаш ўнғайроқ бўлса керак",- йўсинидаги ўйлари тасвири асл ўзбек йигити руҳиятидаги чин миллий туйғуларни акс эттирганлиги билан аҳамиятли. Унда қаллиғининг фақат бугунига эмас ўтмишига ҳам уйланадиган ўзбек йигити психологияси ёркин намоён бўлади.

Қ. Кенжа асар бош қаҳрамони тимсолида водий ёшлари руҳиятига хос бўлган қирраларни: ***"Бекназар шундоқ пойгакка, оқсоқолнинг рўпарасига чўккалади. Отахоннинг қистовларига икки қўлини кўксига қўйиб, хижолат бўлманг, яхши ўрнашдим, деб унамади"*** тарзида жуда ҳаётий кўрсатган. Бу тасвир ортиқча изоҳларсиз персонаж табиатидаги одоб, камтарлик, тавозе сингари жиҳатларни ҳам кўрсатишга хизмат қилади. Романда Бекназар ва Фазилат муносабатларидаги романтик ҳолатлар, ёшларнинг юксак туйғулар қанотидаги парвози, севишганларнинг адоқсиз суҳбатларидаги соддалик ва қувлик, навозиш, араз, иддао, эркалик сингари жиҳатларнинг уйғунлашиб кетгани жуда ишонарли ва табиий тасвирлангани асарнинг таъсир кучини оширган.

Романда одамнинг одам ва олам ҳодисалари ҳақидаги нуқтаи назари, қарашлари вазиятдан келиб чиқиб мутлақо ўзгариб кетиши мумкинлиги ғоят ишонарли кўрсатилган. Жумладан, Бекназарнинг ўсмир Алишернинг отасига муносабатига олдин ва унинг касалмандлигини билгандан кейинги муносабати ер билан осмонча фарқ қилади ҳамда бу ўқирманда эътироз туғдирмайди. Олдин у ўсмирнинг инжиқликларига ижирғаниб, нафрат билан қараган бўлса, унинг оғир касал эканини билгани-

дан кейин йигитчани ҳеч оғринмай, опичлаб юргани тасвирида сунъийлик йўқ.

Ёзувчининг образни тасвирлашдаги маҳорати тасвир меъёрини бузмаслиги, тимсолнинг табиатига мос келмайдиган сифатларни унга зўрлаб ёпиштирмаслигида намоён бўлади. Чунончи, романнинг бош қаҳрамони Бекназарни ақлли, ҳалол, ишчан, орли йигит сифатида тасвирлар экан, унинг ўқимишли эмаслиги, ўзининг бурчи ва ҳақ-ҳуқуқини биладиган даражада билим эгалламаган оддий одам эканини ҳам ҳаққоний кўрсатади. Асарнинг бир неча ўрнидаги лавҳаларда унинг айни шу жиҳатдан ғўрлиги ўзини сездириб туришига урғу берилган. Шунингдек, йигитнинг тезоблиги, ўзининг жисмоний қудратига ортиқча баҳо бериши ҳолатлари ҳам романда ҳаққоний кўрсатилгани тимсол тасвирининг ҳаётийлигини таъминлаган.

Бекназар Михат ва унинг тарафдорлари билан бўлган тўқнашувда ҳам, ҳатто суюклисини зўрлик билан эгаллаб олмоқчи бўлган ёқимсиз Зийнатбей билан бўлган олишувда ҳам ўзини, ҳеч бўлмаса, жисмоний бақувват киши сифатида ҳам кўрсата олмайди. Адиб Бекназарни сутдай оқ, унинг рақибларини эса кўмирдай қора қилиб тасвирлашдай жўн йўлдан бормагани сабаб асарнинг таъсир кучи, табиийлиги ортган.

Одатда, кўпчилик асарларда севги йўлида курашаётган образ қаҳрамонлик кўрсатиши, номард рақибини мардларча маҳв этиши тасвирланарди. Қўлингиздаги романда ўзгача манзара чизилади: "***Бекназарнинг нафас олиши қийинлашди, жон ҳалпида думбасини ердан кўтариб, устидаги бесўнақай жасадни ағдариб юборишга уринди, лекин эплолмади – жасад сигирнинг ўлигидай зил-замбил эди. Бекназар катта хатога йўл қўйган – ўз кучини кўпу ғанимникини кам чамалаган эди***". Мана шу ҳаққоний тасвир бош қаҳра-

моннинг кейинги тақдирини белгилайдиган йўл тутишга, яъни кучи етмагач, рақибига пичоқ тортиб юборишга мажбур бўлганини далиллайди.

Инсон ҳаёти мутлақо қадрсиз бўлган совет замонида бекордан бекорга юртидан кетишга мажбур бўлган йигит тақдирини кўрсатишга бағишланган асарда бошдан-оёқ турли сабаблар билан Ватандан йироқда юришга мажбур бўлган турли кишиларнинг аянчли ва мураккаб қисматлари акс эттирилади. Бу жиҳатдан Истанбулдаги "Ўзбеклар такяси"да яшаб, вафот этган Ҳожи бобо айтган: "***Ҳар қандай яра битади, илло, ватан жароҳати тузалмайди – уни кўнгил йиғисидаги намак ўйиб, янгилаб қўяверади, ичингиз тинмай йиғлайди – буни ўзингиз ҳам ҳар доим сезавермайсиз, бу куйдирги ўла-ўлгунча азоб беради, юрак-бағрингизни кундан-кунга нимталаб, илвиратиб бораверади, охири сизни адои тамом қилади***" сўзларида асарнинг етакчи руҳи ифода этилган дейиш мумкин.

Ватан соғинчи, уни қўмсашнинг чегарасиз ҳасратли юки романдаги Ҳожи ота қисмати мисолида ғоят таъсирли акс эттирилган. Ватангадоликда умрини якунлаётган чол юртдоши Сабоҳиддин Раҳматга ўлса, қабрга юзини Ватанга қаратиб қўйишни ёзма васият қилади. Бор бойлигини бир ҳовуч юрт тупроғини олдиришга сарфлагани сабабли чол такяда яшашга мажбур бўлади. У қабрга ўша бир сиқим тупроқ билан кўмилишини, юрт исини мангу туйиб ётишни ихтиёр қилган эди. Ўлгандан сўнг Ҳожи отани кўмишаётганда Сабо Раҳмат марҳумнинг сўнгги истагини бажармоқчи бўлса, такя хизматчиси юрт тупроғини чолнинг эски-туски нарсаларига қўшиб ахлатга ташлаб юборгани маълум бўлади. Ҳатто, ўликка ҳам ватан кераклигининг шу йўсиндаги фожеий тасвири ўқирманга кучли таъсир кўрсатади, албатта.

Романда ўзбек тилининг ифода имкониятларидан маҳорат билан фойдаланилган ўринлар анча-

гина. Жумладан, табиат манзараси жуда усталик билан таъсирли чизилган: *"Ғарбда чўғдай қизил, тандирнинг оғзидай офтоб гўё бир ёни билан заминни ёриб кириб кетмоқда эди"* тарзидаги ифода тасвирнинг бадиийлигини таъминлашдан ташқари, тимсолнинг руҳиятига хос жиҳатни бериши билан ҳам қимматлидир. Табиатнинг қуйидаги шоирона тасвири эса образларнинг кайфиятини ҳам акс эттириши билан диққатга лойиқ: *"Найзалари жонсиз ва ўтмас қуёш ҳамон суст ҳаракатланарди. Секин-аста кўк хиралашиб, кулранг тусга кира бошлади. Энди офтобнинг доираси ҳам кичрайиб, туссизланиб борарди. Тушга яқин кун ботишдан келаётган бўлак-бўлак қораматир булутлар довон осмонини ярим-ёрти қоплади, ёмғир бир оз томчиладию, машриқ сари силжиётган булутлар ўтиб кетгач, кўк юзи яна ёришди, йўловчиларнинг қоронғи кўнглига ҳам ёруғлик тушди"*. Пейзажнинг бу тасвири ўз ҳолича келтирилмай, образлар руҳиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ йўсинда кўрсатилгани табиат тасвири зиммасига ҳам эстетик юк ортиш имконини берган.

Асарда бир-икки енгилгина чизги ёрдамида миллатнинг руҳиятини акс эттирадиган бетакрор хусусиятларнинг маънавий-ахлоқий қирралари билгичлик билан кўрсатилган. *"У маҳалларда савдолашиш деган гап ё ҳунармандниг, ё иш эгасининг эсига келмас, ҳар ким кўнглидан чиқарганини, атаганини берарди. Уста ҳам туз-намагингизга рози бўлинг деб кетаверарди"* йўсинидаги ифода XX асрнинг 50-йилларида яшаган ўзбеклар психологиясидаги етакчи хусусиятларни аниқ акс эттириши, одамлараро муносабатлардаги беғаразлик, самимият ва соддаликни кўрсатиши жиҳатидан бетакрордир. Ёзувчи ўтган асрнинг 50-йилларида умр кечирган кўпчилик одамларга хос бошқа бир оммавий психологиянинг ижтимоий асосини ҳам

жуда ҳаққоний кўрсата олган. Чунончи, Бекназарлар ўтбоши (оила)сининг ўртача яшаши сабабини ғоят ўзига хос тарзда изоҳлаб ёзади: "***Улар ўртаҳол яшашарди. Чунки анча йиллар бурун юрт бойларининг мол-дунёлари тортиб олиниб, ўзлари ...олис, совуқ юртларга бадарға этилиб, туғилиб ўсган гўшаларидан излари батамом қуритилгач, биров бойишни ҳавас қилмай қўйган. Ҳамма бир амаллаб кун ўтказиш нияти билангина яшар, ҳеч ким катта даромад келтирадиган ...ишлар кетидан қувмасди***".

Романда ўзи ўйламаган ҳолда Бекназарнинг бошига тушган бутун кўргиликларга, йигит ҳаётининг тамомила издан чиқиб кетишига сабаб бўлган Фазилат тимсоли ҳам анча ҳаётий ишланган. Гўзал бир бўй қиз сифатида ўктам, шаддод, лекин турмушнинг кутилмаган синовларига мутлақо тайёр бўлмаган, қаллобликлар олдида чорасиз ва ожиза санамнинг эркалигу нозлари, зулм ва адолатсизликка ўз имкони даражасида қаршилик кўрсатган, лекин турмушнинг юклари зуғуми остида осонгина синишга маҳкум қизнинг руҳияти ёрқин бўёқларда чизилган. Муҳими, муаллиф образни етовида олиб юрмайди, унга ўз табиатига мос келадиган ишлар қилдиради.

Асардаги Бегмат сор ва Осман, Сабо Раҳмат, Зейнулбей, Михат, Тавфиқ, Ҳикмат, Хонгул, Фароғат тимсоллари ҳам пухта ишланган. Бу тимсолларга хос шахслик белгилари эсда қоларли йўсинда тасвирланган. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлаш тарзларидаги ўзига хослик табиий акс эттирилган. Айниқса, Сабо Раҳмат тимсоли меҳр билан чизилган. Унинг уйдагилар, суҳбатдошлари, Зайнулбейга ўхшаш юзсиз кимсалар, турк терговчи билан фикрий олишувлари тасвирида жасоратли юрак, олижаноб кўнгил ва теран ақл эгаси бўлган шахс тийнати ишонарли кўрсатилган. Унинг Зайнулбей билан

тўқнашувларидаги шиддатли фикрий драматизм ўқирманни тўлиқ қамраб олади.

Қўлингиздаги роман композицияси ҳам анча пухта қурилган. Унда тасвирга олинган ҳар бир тимсолнинг муайян бадиий вазифа бажаришига эришилган. Бу даъвони етакчи тимсоллардан ташқари, болакай Алишер, такя хизматчиси Жавдар, Ҳожи ота, Раҳима, Қаноат опа, Фароғат, Шарифа опа сингари эпизодик образларга ортилган эстетик юкка нисбатан ҳам айтиш мумкин. Асардаги бирор тимсол бадиий вазифасиз қолдирилмагани, уларнинг ҳар бири бош қаҳрамон Бекназарнинг тақдирида муайян ўрин тутгани асар қисмларининг йиғноқ ва тасвирнинг қизиқарли бўлишига хизмат қилган.

Романга ўнлаб шева сўзлари киритилгани ҳам унинг фазилатларидан биридир. Бадиий нутқ тажрибасида қўлланмаган бу сўзлар асар персонажлари нутқига ўзига хослик бағишлаб, тилимизни бойитишдан ташқари, муайян вазиятдаги образ руҳиятини энг мувофиқ йўсинда ифода этишга хизмат қилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Китобдаги "шиғаш", "учқаштириш", "буюқ", "монтиш", "ўдалаш", "хоббонилик", "сабзиш", "қўрамас", "хўппоз", "ишиғи... қайтгач", "устана", "ўгиниш", "чоршаф", "манғиш", "зўпидинлик", "майламлик" сингари персонажлар нутқида қўлланган шевага оид сўзлар бу тимсоллар тилини индивидуаллаштирган.

Қўлингиздаги китобдаги диққатга лойиқ яна бир жиҳат унда жой номлари ва уларнинг рельефи муаллиф томонидан худди ҳозир кўриб турилгандай жуда аниқ чизилганидир. Қирғизистон, Қашқар, Покистон, Эрон, Туркиядаги турли жойлар тасвири ўта аниқлиги билан ўқирманни ром этади. Ёзувчининг тасвир маҳорати туфайли жуғрофий маконлар ўқирманга эшиттирилибгина қолмай, кўрсатиб ҳам қўйилади.

Юқорида айтилганлар билан биргаликда китобда айрим камчиликлар ҳам бор. Чунончи, муал-

лифнинг тили айрим ўринларда персонажларникига қараганда оғир ва қуруқ бўлиб қолган. Романнинг баъзи ўринларида ёзувчи газета услубига ўтиб кетади. Баъзан тасвирда акс эттириш, кўрсатишдан кўра ахборот бериш устуворлик қилиш ҳоллари учраб туради. Шунингдек, "такя" сўзининг гоҳ "такия", гоҳ "такя", "такка" тарзида ёзилиши, керак бўлмаган ўринда персонаж тилидан "жафозашт", "аламзашт" каби бегона сўзларнинг қўлланиши сингари ҳолатлар ҳам тасвирнинг умумий маромига салбий таъсир қилган. Лекин умуман олганда, халқимиз вакилларининг ўтган кунлари ҳақида дард билан битилган "Палахмон тошлари" романи ўқирманларга завқ ва маърифий билимлар берадиган ўзига хос бадиий яратиқдир.

2016 йил 2-8 март

УМИД ЁҒДУСИ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт томонидан "Насримиз умидлари" туркумининг ташкил этилгани ғоят жўяли иш бўпти. Негаки, келажаги улуғвор бўлишини истаган миллат эртанинг умид уруғини бугун экиши керак. Ёш ёзувчи Нурилла Чорининг битиклари "Насримиз умидлари" туркумида чоп этилиши ҳам асло тасодифий эмас. Негаки, унинг битганлари ўқиганларни бефарқ қолдирмайди. Тўғри, Нурилланинг ҳикоялари ўткир ва қизиқарли сюжет асосига қурилмаган бўлади. Аммо уларнинг ифодасидаги ўзига хослик, бетакрор ёрқин маҳаллий колорит ҳамиша ўқирман эътиборини ўзига тортади.

Нурилла Чорининг тасвир йўсини халқона содда, лекин асло жўн эмас. Ёш ёзувчининг тасвирлаганларини туймоқ ва тушунмоқ учун ўтмишга қайтмоқ, боболар амал қилиб яшаган маънавий илдизларни билмоқ керак бўлади. Бироқ ўтмиш дегани фақат ортда эмас, балки олдинда ҳамдир. Миллат амал қилиб келган маънавий улгулар бир ўлчамли бўлиб, кеча, бугун, эртага каби уч замоний оралиқда тусланмайди. Негаки, эзгу маънавият ҳали одамларнинг кўнгил дунёси тана истакларидан юксакда бўлган паллаларда қарор топади ва шу ҳолича мангу қолади. Одам келажакдан ўз ўрнини топмоғи учун ўтмишда шаклланган маънавий қадриятларни ўзлаштириши керак бўлади. Нурилланинг битикларида кўпинча ана шундай тўзимас маънавий сифатлар акс эттирилади.

Ёш ёзувчи ўз битикларини табиат манзарасини бериб ё тасвирга доир маълумотлар келтириб, бадиий даромад қилиб ўтирмай, дангал бошлайве-

ради. Мисол учун "Ташвиши йўқ одамлар" ҳикояси ***"Бозирган чавандоз доғда қолди"*** деб бошланса, "Бўрон тинган кеча" асари ***"Ҳу-ув, у давронлар бошқача эди. Ҳар мардумнинг дили тили билан бир эди"***, "Қизғалдоқ" ҳикояси эса ***"Турдихолнинг эри аскарликка кетди-ю, қайтмади"*** тарзида бошланади. Асар воқелигига бирданига олиб кирилган ўқирманнинг диққатини сусайтмаслик учун муаллиф тасвирга шиддат беришга уринади. Бунга эришиш ниятида персонажларни тасвир майдонига чиқариб, уларнинг ўзларини намоён этишларига имкон яратади.

Ёш ёзувчининг кўпчилик қаҳрамонлари каби "Ташвиши йўқ одамлар" ҳикоясидаги Бозирган чавандоз ҳам кўнгил одами. У тушунилишни, кўнгил истаклари топилишини хоҳлайди. Нурилла буларни айтиб ўтирмай, образни кўрсатиш, унинг феъли ва руҳияти манзарасини чизиш билан кифояланади. Худди қаҳрамони сингари ёзувчи ҳам уни тушунишларини, ниятларини пайқаб етишларини истайди.

Ҳикояда кўнглидаги юксак туйғулари яқинлари томонидан илғанмагани, ўзидаги қадим боболардан ўтиб келаётган жўмардликнинг изсосарлиги йўқлиги сабаб изтироб чекаётган, урпоқларидан аразлаётган сўққабош ўзбек оқсоқоли руҳияти акс эттирилган. Ҳикоянинг ***"Улар ўпкасини боса олмасди"*** тарзида бобо ва невара ҳолатининг уйғунлашиб кетгани тасвири билан тугашигина ўқирман кўнглида умид уйғотгандай бўлади.

"Бўрон тинган кеча" ҳикоясида акс этган воқеалар моҳияти турмуш йўсинигина эмас, балки руҳий дунёси ҳам урбанизациялашиб бораётган бугунги одамлар учун деярли тушунарсиз. Унда қишлоқ полвонларининг ори, қишлоқнинг шаънини ўйлаб яшайдиган, бутун ҳаётини ўзига мутлақо фойда келтирмайдиган шундай юксак туйғуларга мувофиқ ўтказаётган кишилар ички дунёси, тутумлари

акс этади. Ҳикоядаги тўққизинчи қизини ўғил санаб, унинг шарафига кўпкари бераётган, кураш ўтказаётган Тошкентбой мирохўр, тўйга келганлардан уйига қўноқ олишга интилиб: *"Менга меҳмон беринг, бошқасини билмайман. Меҳмонсиз ўтовдан чиқмайман"*, – дея баковул билан жанжаллашаётган йигит, тоғанинг ўғли экани боис мулла Ўроққа қўл кўтара олмаган Шоймардон полвон сингариларнинг тутумини бугунги чала урбанизациялашган ўқирманнинг ички дунёси туя олмаслиги аниқ. Лекин бу қадриятлардан воз кечиб, уларни унутиб яшаб бўладими? Бундай тирикликни ҳаёт дейиш мумкинми? Бу дунё айвонида айнан ўзбек бўлиб яшамоқчи бўлган киши Нурилла Чори тасвирлаётган тимсоллар руҳий оламини англашга уринишга маҳкум. Акс ҳолда, акс ҳолда... бу ёғини хаёл қилишга ҳам қўрқасан киши.

Ҳикояда ифода жиҳатидан диққатга лойиқ ўринлар анчагина: *"Пешин... пешиннинг пешинлигини билиш-да қийин пайт... Этагини йиғмаган кўздан қаҳрланган қиш қиличини қибладан туриб яланғочлаган"* сингари сиртдан мавҳумдай туюлгувчи тасвир аслида ғоят аниқ. Муаллиф нутқидаги жозиба *"Қишлоқда қанча ўчоқ бўлса, ҳаммасига ўт қаланяпти. Бу билан улар мирохўрнинг тўйи, деб Тангрининг кўҳна иморатини қизитмоққа урингандай. Хуфтон кирди. Ойсиз, юлдузсиз, қор оқартган бир кеча"* янглиғ тасвирларда ёркин намоён бўлган. Ёш ёзувчининг ҳикояларидаги *"Алам-дан ўкирганини эшитган кекса тоғларнинг оппоқ сочлари тўкилиб кетди"*, *"Ит подани айланиб чопа бошлаганида юлдузлар кўлларга, дарёлар ва ариқларга, ирмоқларга, ҳатто булоқнинг кўзига тўкилиб қолган, ой бўлса Кулмат подачи, подаси, ити ва унга қавмдош бўлмишларга этагидан жой берган тоғнинг бошида сочини тарарди"*, *"Ой Кулмат подачининг йўлини сочлари*

билан супурмай қўйганида юлдузлар ердан йироқлаб кетди сингари ифодалар ўқирманни ўзига жалб этиб, бадиий тасвирга ўзгача жозиба бахш этади.

Китобдаги "Парвоз" сценарийси Нурилла ижодидаги ўзга бир қиррани кўрсатади. Унда муаллиф бугунги ёшларнинг интилишлари, орзу-ўйлари, эзгу амаллари ва тутумларини адабий тил имкониятлари доирасида ифода этиш қобилиятини намойиш этган. Муаллиф тенгдошлари руҳиятидаги ёркин ва сояли қирраларни табиий акс эттиришга интилган ва бунга эришган.

Китобдан ўрин олган "Адабиётнинг ор-номуси" мақоласида Нурилла Чори синчи сифатида ўзига тенгдош ижодкорлар асарларидаги ахлоқсиз манзаралар, бадииятга хизмат қилмай, ўқирманлар ҳирсини қўзғашга қаратилган яланғоч тасвирлар хусусида жўяли қарашлар баён этади.

"Йўл қараётган киши" публицистик мақоласида эса муаллифнинг мақоланавислик салоҳияти бўй кўрсатади.

Айтиш керакки, қўлингиздаги китобга кирган асарларда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Маълумки, ҳар қандай гўзаллик табиийликдан сувланади. Атайинлик – гўзалликнинг кушандаси. Бадиий тасвирдаги ҳар қандай ўзига хослик, новаторлик ҳам табиийлиги билан гўзалдир. Сўзимиз бошида Нурилланинг бадиий тасвирда маҳаллий колоритни беришга анча моҳирлигини айтгандик. Лекин баъзи ҳолларда маҳаллий колоритни беришга маҳлиёлик оқибатида тасвир хиралашиб қолади. Чунончи, Бозиргон чавандоз ёки Бухор мулланинг тутумлари, ёхуд Шоймардон полвоннинг мулла Ўроқ билан курашишни истамаслиги сабаби колоритли чийратма тасвир туфайли ўша ерлардан бўлмаган кишиларга тушунилиши ўта оғир кечади. Ахир бадиий асар бирор минтақада яшовчилар учунгина

ёзилмайди-ку?! Колоритга ортиқча маҳлиёлик баъзан ўз-ўзини қайтаришга ҳам олиб келади. Ўз-ўзини такрорлаш эса ўзгани такрорлашдан кўпам фарқ қилмайди.

Шунингдек, "Ташвиши йўқ одамлар" ҳикоясидаги Авазнинг тутумлари, унинг "Сабизимдиям жийбераман, отам-отам ҳам дийбераман!" тарзидаги ўжарлиги шунчаки кулги туғдириш учун қилинган ўринсиз инжиқликдай таассурот қолдиради. Йигитчанинг даъвоси ўта оғир, бинобарин, тутуми ҳам шунга яраша бўлмоғи керак эди. Нурилланинг битикларида шевага доир сўзларнинг муаллиф нутқида кўплаб қўлланиши мутлақо ўзини оқламайди. Баъзан муаллифнинг нутқи персонажникидан фарқ қилмай қолади. "Қизғалдоқ" ҳикоясидаги: ***"Аёл қушдай бўлади. Қушдайгина бўлмайди, аёл асли зоти қуш бўлади. Учса, қўнар жойини билмай манзил-маконсиз қолади"*** ифодаси персонаж Эшпул нутқида қўлланганда жўяли бўларди, аммо муаллиф нутқида ишлатилгани сабаб ўринсиз чиққан. Шунингдек, бир одамнинг ўйлаётгандаги кинетик нутқи билан сўйлаётгандаги реал нутқи ўзгача бўлиши керак. Ёш ёзувчи кўпинча шуни ҳисобга олмайди. Унинг тимсоллари ўйлаётганда ҳам сўйлаётгандагидай фикрлайдилар. Ўйлаш билан сўйлаш фарқ қилгани сингари уларнинг ёзувдаги моддийлашувида ҳам айирма бўлиши керак.

Кўрсатилган камчиликлар қўлингиздаги китобнинг қимматини йўққа чиқармайди. Умидли носирнинг кейинги асарларида қайтарилмаслиги тилангани учун ҳам нуқсонлар батафсилроқ айтилди. Ёш ёзувчи Нурилла Чоридан адабиётда ҳодиса бўлиб қоладиган асарлар кутса бўлади.

2016 йил 15 май.

ҚАРДОШНИНГ МЕҲРЛИ НАЗАРИ[1]

Туркий халқлар томонидан неча минг йиллар давомида яратиб келинган адабий обидалар дунё тамаддуни тараққиётига улкан таъсир кўрсатган. Бу адабий ёдгорликларнинг маъно-мазмунидан хабардор бўлиш ҳар қандай одамнинг маънавий-интеллектуал камолотида муҳим ўрин тутади. Айниқса, қардошлик негизида юзага келган илмий тадқиқотлар мазкур бадиий ижоднинг асл моҳиятдан узоқлашмаган ҳолда англатиши нуқтаи назаридан ўта муҳим амалий аҳамият касб этади. Озарбайжонлик таниқли олима, профессор Олмос Улвийнинг қўлингиздаги китоби турли даврларда яшаб ижод қилган ўзбек сўз санъаткорларининг асарларига хос хусусиятларни тадқиқ этишга бағишланган билан эътиборга лойиқдир.

Олмос хоним муайян ўзбек ижодкори ёки унинг бирор асари ҳақида фикр юритганда, ўзининг илмий позициясини қатъий белгилаб олишга уринади. Бу ҳол олимга тадқиқ жараёнида холислик ва аниқлик чегарасини бузмаслик ҳамда асардаги ўзбекка хос миллий жиҳатларни назардан қочирмаслик имконини беради. Китобдан ўрин олган битиклар олимнинг изланиш доираси кенглигини кўрсатади. Хилма-хил фактларга бой илмий мақолалар ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқид тарихи ва бадиий ижод кечимига ўзига хос илмий ёндашув самараси ўлароқ юзага келган.

Китобнинг "Навоий мероси Озарбайжонда" мақоласи билан бошланиши бежиз эмас. Тили, дини, ўтмиши, миллий руҳи, адабий-маънавий илдизла-

[1] Мақола Сирдарё ЎТАНОВА билан шерикликда ёзилган.

ри муштарак ўзбек ва озар халқларининг нафақат сўз санъати тарихи, балки маънавий этник қиёфаси шаклланишида Низомий ва Навоий сиймолари алоҳида мақомга эгадир. Улар нафақат бу икки халқ, балки бутун туркий дунё маданиятига кучли таъсир кўрсатган шахсиятлардир. Шу боис Алишер Навоий ижодиётига қизиқиш, унинг асарларини тадқиқ этиб, бадииятидан баҳраманд бўлиш Озарбайжонда адабиётшуносликнинг алоҳида тармоғига айланган. Олима озар ўлкасида XX аср бошларида мумтоз адабиёт вакилларини ўрганишнинг сезиларли кучайиб, янгича ўзанга ўтганлигини мазкур юз йилликда юртда содир бўлган чуқур ижтимоий-сиёсий, моддий-техникавий, маданий-маърифий ўзгаришлар билан изоҳлайди. Китоб муаллифи Озарбайжон ойдинлари орасида XX асрнинг дастлабки чорагида Алишер Навоий ҳаёт ва ижод йўлини ўрганиш ҳамда асарлари билан танишишга бўлган амалий интилиш ҳақида: ***"1902 йилдаёқ Боғчасаройда Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асари И. Ғаспиралининг сўзбошиси билан Озарбайжон тилида китоб ҳолида нашр этилганди. "Дабистон" журналида (1907) эса "Таражуми аҳволи Алишери Навоий" сарлавҳали мақола эълон қилинган. "Озарбайжон адабиёти жамияти" нашриёти 1926 йилда "Навоий" номли илмий тадқиқотини, Бакир Чўпонзоданинг "Навоий – тилшунос", 1925 йилда Али Нозимийнинг "Навоий ва биз" каби мақолалари чоп этилганди"***, – деб ёзади. Айниқса, О. Улвийнинг Озарбайжонда 1989 йилдаёқ "Навоий энциклопедик луғати" яратилгани ҳақида берган маълумот ўзбек ўқирманларини ғоят қизиқтиради. Келтирилган бундай маълумотларнинг кенг ўзбек китобхонлари учун жиддий янгилик экани кўриниб турибди.

Олима Алишер Навоийнинг туркий халқлар маънавий ҳаётидаги тенгсиз ўрнини озар адабиётшуно-

си Салмон Мумтоз қаламига тегишли "Навоийнинг адабиётимизга таъсири" мақоласида билдирилган: ***"Умумтурк адабиётида тўрт нафар буюк шахс борки, улар ҳақида мақолалар ёзиш билан кифояланиб бўлмайди, балки катта-катта китоблар ёзиш керак. Тарихий нуқтаи назардан ва мамлакатлар бўйича уларни қуйидагича келтирамиз: туркистонлик Хожа Аҳмад Яссавий, озарбайжонлик Насимий, туркистонлик Мир Алишер Навоий ва озарбайжонлик Муҳаммад Фузулий"***, - тарзидаги фикрини келтириш билан яна бир бор таъкидлайди. Олмос Улвийнинг Навоий ва Фузулий девонларининг бир жилдда китоб қилинган нусхалари кўп учраши, бунинг бадиий-эстетик сабаблари ҳамда бу куллиётларнинг илмий ва тарихий қиммати ҳақидаги фикр-қарашлари оҳорли экани билан диққатни тортади.

Олиманинг Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Бобур сингари ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутувчи ижодкорлар бадиий ҳамда илмий меросининг Озарбайжон адабиётшунослиги призмаси орқали текширилган тадқиқий мақолалари салмоқли илмий қиммат касб этади. Муаллиф туркий адабиётнинг бу ажойиб икки намояндаси ижоди Озарбайжонда мунтазам ва атрофлича ўрганиб келингани ҳақида анчагина янги маълумотларни тақдим этган.

Китобдан ўрин олган "Тилшунос ва шарқшунос олим Холид Саидхўжаев" номли мақола ўзбек ўқирманлари учун, айниқса, қизиқарли. Унда бутун умрини педагогик ва илмий фаолиятга бағишлаб, озарбайжон шарқшунослик ва филология илми тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган, ўтмишда яратилган бир қанча қимматбаҳо илмий асарларни нашрга тайёрлаган ўзбек ўғлони Холид Саидхўжаевнинг ҳаёти ва илмий-ижодий мероси тўғрисида анча кенг ва қизиқарли маълумотлар берилган.

Озарбайжонда яшаб фаолият кўрсатган ўзбек олимининг ўн тўртта фундаментал илмий асари мавжудлиги, хусусан, "Ўрхун китобларининг изоҳли тадқиқи", "Девони луғотит турк" асари матнинг изоҳли, илмий таржимаси", "Туркий тилнинг синтаксиси", "Чиғатой адабиёти ҳақида маърузалар" каби тадқиқотларининг ўзгача илмий аҳамиятга эга экани кўрсатиб берилган. Китобда олимнинг бошқа туркий халқларда бўлгани каби араб алифбосидан лотин ёзувига ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, I Боку қурултойини ташкиллаштириш ва фаолиятининг самарали бўлишидаги жонбозликлари ҳақида атрофлича тўхталинган. Маҳмуд Кошғарий XI асрда араб тилида яратган "Девони луғотит турк" асарининг олим томонидан 1925 йилдаёқ таржима этилиб, изоҳлари билан нашрга тайёрланиши умумтуркий халқлар тилшунослиги тарихида ўзига хос воқеа эди. Ўзбекистонда бу тенгсиз асар таржимаси Солиҳ Муталлибов томонидан 1960 йилда, Холид Саидхўжаевдан қарийб қирқ йилдан кейин амалга оширилиб, нашр этилганлиги ҳисобга олинса, ўзбек олими фаолиятининг аҳамиятини тасаввур қилиш мумкин.

Қўлингиздаги китобдан жой олган бир қатор тадқиқотлар ҳозирги ўзбек адабиётига тегишли бадиий ҳодисаларнинг тадқиқига бағишланган. Ўзаро сўзлашув жараёнида бирор оғиз ўзбекча гапирмайдиган Олмос хонимнинг замонавий ўзбек шеърияти намуналарини теран тушуниб илмий таҳлил қилгани кишини ажаблантиради. Олиманинг ***"Хосият Рустам – юксак туркий шеъриятимизнинг куртак ёзган новдаси"*** номли мақоласи ўрганилаётган бадиий объектнинг ўзи янглиғ табиий бир йўсинда, ҳеч бир зўриқишларсиз, ортиқча бўрттиришларга ўрин берилмасдан равон ёзилгани билан ажралиб туради. Мақола сарлавҳасининг ўзиёқ ўқирманда қизиқиш уйғотади. Ҳақиқатан, Хосият Рустам – мус-

тақиллик даври ўзбек шеъриятининг парвози юксак, поэтик мавжи жозибали бўлган вакилларидан бири. Мақоладан Хосиятнинг ёниқ мисраларига жо бўлган ёлқин тадқиқотчи Олмос хонимга ҳам кўчгани кўринади: *"**XXI аср ўзбек поэзиясига истеъдодли, кўнглига шеър нақшланган, қалби поэзия юкини кўтарган, юраги нағмага тўлиқ бир қиз қадам қўйибди. Худди минг йиллардан буён яшнаб турган бақувват дарахтнинг янги новда чиқарган яшил бутоғи каби ўзидан аввалги адабий анъаналар ўзагидан озиқланган бу қизнинг янги бир қадамлар билан одимлаётганига инондим**"*.

Муаллифнинг кузатишларидан маълум бўладики, у матнга ёндашганда қамровни кенг олади: унинг қарашларида олимлик мантиғи шоирона қалб ҳамда аёллик нафосати билан уйғунлашиб кетади. Шу боис Олмос Улвий шоиранинг энг таъсирчан ва ўзига хос мисраларидаги яширин гўзалликни синчковлик билан топиб, таҳлил қилади. Шоиранинг:

Ўйласам – нафасим тушар ичимга,
Ваҳима ичида қолади жоним.
Ватан, бораяпман шоирлигимга,
Мен кетсам – боламнинг не кечар ҳоли?

Болам деб бағримга босдим майсани,
Қақраган қирларга
Талпиндим ёниб:
Эртага боламни йиғлатмайсанми,
Кетса бўладими Сенга ишониб?!

сатрларини таҳлил қилиш орқали олима қуйидаги умумлашма фикрга келади: *"**Шоирлар ҳаёт ҳақиқатларига шундай бир фалсафий тўн бичадиларки, дунёнинг маъно юкини ўша ерда кўриш ҳеч ҳам мушкул бўлмайди. Буларни фақат шоир-***

лар кўра билади, айта олади. Улар ўз фалсафий фикрлари остида бутун дунёнинг юкини тортадилар. Хосият фалсафий қарашларининг моҳиятида инсон бахти жилваланади, ҳаёт ҳақиқатларининг жами нақшлари рангли халқа билан бирга боғланади". Бу фикрни биргина Хосият Рустам ижоди эмас, балки бугунги ўзбек шеърияти юзасидан чиқарилган умумий хулоса, дейиш мумкин.

Олмос хонимнинг "Ишқ талқини", "Зулфия лирикаси ва Озарбайжон", "Ишқ – тишим ўтмаган сура" каби мақолалари олиманинг ўзбек лирикасини теран ҳис этишга қодир, сўзнинг ифодасидан ҳайратланиш баробарида асар композициясига илмий ёндаша биладиган қалам эгаси эканини кўрсатади. О. Улвий табиат ҳодисалари билан инсон руҳияти жилваларини ажиб бир йўсинда уйғунлаштира оладиган шоира Ўктамойнинг:

Оғочлар бағрида сизар яшил қон,
Барглар ўйин тушиб айтишар ўлан.
Вужудим зангори нурларга тўлди,
Япроқлар тилида сўзлаш мен билан

сатрларини таҳлил қилар экан, ***"Шеър – кўнгилнинг таржимони. Шеър – кўнгилнинг кўзёши. Аввал шеър қалбнинг армон яралаб кетган жойини тирнайди, кейин яна ўзи малҳам қўяди"***, – тарзида ғоят шоирона илмий тўхтамга келади. Озарбайжонлик олима ўзбек шоираси Ўктамой лирикасидаги бош хусусиятни бехато кўра олгани учун ҳам: ***"Ижодкор кўнгил одами, шу важданми шоира қайта-қайта кўнгилга мурожаат қиларкан, ...фақат у ердангина излаганини топа олишини теран ҳис этади. У бир вақтнинг ўзида ҳам кўнгли борлигидан шодланади, ҳам шу кўнгил ту-***

файли қанча азоб, изтироблар чекади", – деган хулосага келади.

Сергайрат ва толмас озар олимаси Олмос хонимнинг республикамиздаги қатор газета ва журналларнинг мухбирлари, таниқли журналистлари билан қилган суҳбатлари ҳам китобдан ўрин олган. Шубҳасиз, бу суҳбатлар ҳам китобхонни завқлантиради, биздан жуғрофий маънода анча узоқда бўлган мамлакатда яшаётган бўлсада, кўнгли юртимизга боғланиб қолган ижодкорни унга яқинлаштиради.

Китоб билан танишиш натижасида ўзбек ўқирмани ўз адабиётига ўзганинг кўзи билан қарабгина қолмай, унда озарбайжон халқи ва унинг адабиётига қизиқиш ҳам уйғонади. Олмос Улвий тимсолида ўзбек халқини ўзиникидай севадиган ҳалол ва зукко олимани кўради. Алқисса, Олмос хонимнинг ўз сўзларини бироз ўзгартириб айтганда, ***"Бадиий асарни таҳлил қилиш уни тушуниш эмас, балки унинг дунёсидан бир лавҳа очиш"***дир. Қўлингиздаги китоб Сиз азизларнинг қалбингизда ҳам янги бир бадиий-эстетик дунё очишига ишонамиз.

2016 йил 15 июн

КЎНГИЛ ОСМОНИГА ҚЎЙИЛГАН НАРВОН

Ушбу китоб таниқли шоир Яҳё Тоғанинг болаларга атаб ёзган асарларидан ташкил топган. Мен болалар адабиёти бўйича мутахассис эмаслигим боис бу йўналишнинг ички қонуниятларини етарлича билмайман. Лекин китобга кирган шеърлардаги ифода самимийлиги, тасвир объектига меҳр, сўзга бўлган ҳурмат ва деярли ҳар бир катта-кичик битикда болаларга хос юмор борлиги ёш ўқирманларда яхши таассурот қолдиради, деб ўйлайман.

Маълумки, болалар – хаёлот кишилари. Улар рангсиз, серташвиш ва зерикарли реалликни гўзал хаёлотга осонгина алмаштира олиш қобилиятига эга. Муаллиф болалар каби хаёлпарастлик салоҳиятига эгалиги сабаблидир, эҳтимол, лочинни қарчиғайнинг жияни, ғозни ўрдакнинг амакиси, деб тасвирлай олади. Мен эса Экзюперининг "Кичкина шаҳзодаси"да айтилган *"ҳамма нарса тушунтириб берилиши керак бўлган зерикарли катта одам"* сифатида шоир нега шундай деяётганини қандайдир йўл билан мантиқан асосласа, яхши бўларди, деб ўйлайвераман.

Китобдаги кўпчилик шеърлар топишмоқ характеридаги битиклардир. Лекин улар одатдаги шеърий жумбоқлардан сўнгги сатрда жавоби айтилиши билан ажралиб туради. Шоир поэтик топишмоқларида номи аталиши керак бўлган парранда, дарранда, жонлиқлар ва ўсимликларнинг белгиларини изчиллик билан тасвирлашдан ташқари, шеър ички оҳангини шундай қурадики, жавоб шеърхоннинг оғзига ўз-ўзидан келади. Масалан, анор олдин қалъага ўхшатилиб, таърифи келтирилади:

Бу қандай
Қалъа эрур,
Эли ғамга қорилган?
Зиё истаб,
Истаб нур
Деворлари ёрилган?

Кейинги бандда бу ҳолатнинг сабаби изоҳланиб, топишмоқ жавоби топилади:

Алам тўла
Бу маскан,
Қуёшга,
Меҳрга зор...
Терисига сиғмасдан
Ёрилиб кетар
А Н О Р!

Пиёзга бағишланган жумбоқда бу ўсимликка хос бўлган аччиқлиги билан кўзга ёш келтириш белгиси топишмоқни топиш калитига айлангандай бўлади:

Ҳар таомда
Ўрни бор,
Ўзин
Айлагай ниёз.
Йиғлатмай қўймас
Зинҳор,
Тиғ урсанг тихир
П И Ё З!

Шоирнинг шеърий топишмоқларида тасвир объекти ҳақида шунчаки ахборот берилиб қолмай, ифодага салмоқли ҳаётий-мантиқий ва рамзий маъно ҳам юкланади. Жумладан, бодринг тўғрисидаги топишмоқ-шеърда бу ҳол яққол кўзга ташланади:

Ҳар неки
Хиром этсанг,
Ёшлигингда
Бор қадринг.
Тузлашар
Пишиб кетсанг,
Шуни унутма,
БОДРИНГ!

Бу шеърда тагмаъно яққол кўриниб турибди. Бундай битиклар ёш бўғинларни ҳам шеърий сўз устида ўйлашга, оғоч ортида ўрмон бўлиши кераклиги тўғрисида фикрлаб кўришга ундайди.

Айрим ҳолларда шоир сарлавҳадан ҳам тагмаънога ишора сифатида фойдаланади. "Карам" шеърида тасвир объектига хос энг муҳим жиҳат жуда ўринли топилган:

Ўзи
Ўранар аранг,
Ўз япроғига
КАРАМ!

Айрим шеърларида шоир болаларга мўлжалдагидан оғирроқ фикрий юк ортишдан чўчимайди. Чунки у ўз ўқирманларининг фикрчанлигига ишонади. Шу сабаб уларга худди катталардай ишонч билан муносабатда бўлади. Зеро, бугуннинг саволларига бугуннинг болалари бугуннинг ўзида жўяли жавоб топишлари керак. Яҳё Тоға одамнинг кўнгил пучмоқларига етиб бориш, олис сайёраларга етиб боришдан қийинроқ экани ҳақида бир шеърида:

Олис сайёралар бир қадам
Бўлиб қолди бугун инсонга.
Бироқ...
Нарвон қўёлмадик ҳали ҳам
Кўнгил деб аталган осмонга

деб ёзар экан, эртанинг эгалари кўнгил юксакликларига ҳам етиб бора олишларига ишонади.

Кундалик алоқа-аралашувда сўз бир шартли белгигинадир, холос. Белгини эса бошқаси билан алмаштириш мумкин. Аммо бадиий матн таркибидаги сўз бетакрор эстетик бутунлик. Унга тегиниб бўлмайди. Ана шу бадиий бутунлик келажакнинг бутун шахси маънавиятини шакллантиришнинг энг таъсирчан воситасидир.

Енгил тилда болаларни атроф-олам ва ундаги нарса-ҳодисалар билан поэтик йўсинда таништириш ниятида яратилган ушбу китоб ана шундай восита бўлади деб умид қилиш мумкин.

2016 йил 04 декабр

ЭНАДАРЁ ТЎЛҚИНЛАРИ

Ҳаёт Шодмон шеърлари ҳақида кўп ёзганман. Ундан ҳам кўпроқ гапиргандирман. Шу вақтга қадар барча китоби менинг сўзларим билан чиқиб келяпти. Бир қарасам, айтадиганим қолмагандай. Яна бир қарасам, ҳали кўп гап айтишим мумкиндай ва керакдай. Шу сафарги китоби менинг сўзимсиз чиқишини жуда истагандим. Ноқулай ахир. Шоир қўймади. Қўймасликка жўялигина асоси ҳам бор – китоб халқ шоири, халқимизнинг чин шоири Ҳалима Худойбердиевага тортиқ экан! Йўқ, гап сизу мен ўйлагандай, китобни чиқариб, уни Ҳалимахонимга тортиқ қилиш ҳақида эмас, балки навбатдаги шеър китобининг ўзини бошлича шоир опасига бағишламоқчи экан. Одатда, шоирлар яқин кўрган одамларига битта, борингки, бир нечта шеър бағишлашарди. Ҳаёт ижодида ҳам Ҳалимахоним тилга олинган "Бахши боланг", "Кенглик", "Сирдарё", "Гўзал Зомин" сингари ўнга яқин битик борлигини билардим. Шоирнинг: "***Чанқовузи Ҳалимани сайратган эл***" мисраси эларо машҳурлигидан ҳам хабарим бор, албатта. Лекин бутун бошли китобни ичидаги борлиқ шеърлари билан бировга тортиқ этиш учун фақат Ҳаёт Шодмон бўлиш керак. Бундай жўмардликнинг олдида ҳар қандай сабаб фақат баҳона бўлиб қолаверади. Хуллас, Ҳаёт Шодмон ва унинг навбатдаги китоби тўғрисида яна ёзишимга тўғри келди.

Ҳаёт Шодмон – дунё молига қизиқмайдиган дарвеш шоир. Унинг бор топгани – яқинларига муҳаббат билан лиммо-лим тоза кўнгли ва руҳий қалдироқларга тўла самимий шеърлари. Шу боис Ҳаёт Ўзбекистон халқ шоири, онасига ўхшаб кетадиган опаси Ҳалима Худойбердиева туғилганининг ет-

миш йиллига кейинги йилларда яратган шеърлари тўпланган китобни тўла бағишлабди. Қадим боболар айтмоқчи: "Қут бўлсин!"

Шоир тортиқ китобни рамзий қилиб "Энадарё" деб атабди. Биз сирдарёликлар "дарё" сўзини эшитибоқ ғайриихтиёрий тарзда Сирдарёни хаёлга келтираверамиз. Ҳаёт Шодмон ҳам сирдарёлик ва шу дарё куйчиси, лекин у шоир бўлгани боис "энадарё" сўзининг маъносини янада кенгайтириб, унинг қамровига буюк шоиримиз Ҳалимахонни ҳам сиғдирибди. Чексизликлар қўйнида туғилиб ўсган хаёлга сиғмас даражадаги йирик туйғуларнинг оташин куйчиси бўлган сирдарёлик улуғ шоира кўп ҳолларда "Туркистон онаси" деб улуғланар эди. Энди бунинг ёнига "Энадарё" ҳам қўшилди. Ва, ва бу атовда асло сунъийлик, зўриқиш йўқ. Чиндан ҳам Ҳалима Худойбердиева – оташин ва руҳли кўркам сўзи билан кўнгил кенгликларига тириклик сувини келтира олган шеърият дарёси! Шунингдек, туркий боболар бир замонлар улуғ бир ўзанни Энасой деб аташгани ҳам белгили.

Ҳаёт Шодмон Ҳалима опасига ўктам бир инидай тутади ўзини. Бот-бот хабар олади. Кайфияту ҳолати билан иши бўлмай, олдига бораверади. Тортиниб ўтирмайди ҳам. Бу ҳолни ўзи: "***бу нурли чеҳра, ёруғ сиймода битмас-туганмас болалик армонларимни – онамни кўргандек бўлаверaман. Сира бегонасирамай қора тортишимнинг маъниси ҳам шу***", – деб иничасига изоҳлайди. Шундай руҳий яқинлик бўлгани сабаб бу борада Ҳаётни кўп тергайвермайман. Қариндошлар орасига тушиб бўладими?

"***Дарё ҳаёт мисоли: сиртдан сокин кўринган сув қаърида не-не пўртаналар, не-не гирдоблар, не-не шиддатли оқимлар яширин. Дарё бизнинг беминнат онамиздай меҳрибон, ғамхўр. Шунинг учун биз уни Она Дарё деб атаймиз. У тириклик ибтидоси. Унинг интиҳоси йўқ...***", деб ёзади сир-

дарёлик бошқа бир йирик ёзувчи Абдуқаюм Йўлдош. Ҳалима Худойбердиева шеърлари ҳам Ўрта Осиёдаги 3018 чақиримлик энг узун дарё сингари мангу яшайдиган, тинмай тўлқинланиб, руҳият оламини яшнатиб, миллат аҳлининг кўнглига ифтихору ғурур сезимларини жойлаб оқаётир ва ҳамиша оққусидир. Сирдаёда Ҳалима, Ҳалимада Сирдарё шу тариқа намоён бўлади.

Азиз ўқирман! "Энадарё" китобидан жой олган шеърлар ўнакай бағишловлардан иборат эмас. Унда кўнгил манзаралари, руҳият иқлимлари акс этган битиклар бир дунё. Шоир энадарёсини бор бўйича ташқаридан ичкарига – юрагига кўчиргани сабаб унинг дарёга бўлган айрича меҳри сизу бизга ҳам юқади. Ҳаёт дарёни одамга айлантириб юборади:

Кипригимдан тутиб мўйқалам
Қароғимга чизилар сурат:
Юрагимдан оқиб ўтади
Азим, жўшқин, бир буюк қудрат.

"Келдим! – дейман ҳайқириб,-келдим!"
Кезлашмоқлик қувончли айём:
"Билдим! – дейди,- бовурим, билдим!"
Бағир босар Сир – Энадарём!..

Шоир Сирдарёни онасидай севади. Ҳалима Худойбердиевани эса ана шу онадарёнинг тимсоли билади. Дарёни одамдай кўрган шоир дарёдан одамга хос сифатларни топади ҳам. Одамга ёвуқлик дарёни ўқирмангада яқинлаштириб, суюкли қилади.

Бошқа бир шеърида Ҳаёт Шодмон дарёдаги одамлик белгиларини янада бўрттириб кўрсатади. Шеърда дарёнинг шахслантирилиши, яъни унинг инсонга хос ўйчанлик, қувноқлик сифатларига эгалиги, дилида ранж борлиги, армони сирлилиги, кўнгил каби кенгликларга зорлиги сингари ҳаққоний белгиларга эга қилиб кўрсатилиши тасвирнинг таъсир даражасини неча бор орттиради:

Авжида мавж,
Тотли ўйга ёргина ўзан,
Санглоқда ганж,
Дилида ранж боргина ўзан,
Вужудида
Армони Сир,
Ҳоли сув кетиб
Тош дийдалар
Оралайди торгина ўзан,
Кўнгил каби
Кенгликларга зоргина ўзан...

Ҳаёт Шодмон кундалик тирикчилигимизда қўлланиладиган жайдари сўзлар ёрдамида гўзаллик ярата олиш салоҳиятига эгалиги билан ўқирманлар юрагини забт этади. Шоир кўркам сўзга бўлган меҳрини: "***Юрагимни Кўрпа қилиб, Ёпиб олган сўзларимни Эркалайман, Кўнгил ийиб***" йўсинида ёддан чиқмайдиган қилиб тасвирлайди.

"Шоирлик" деб аталган шеърида Ҳаёт Шодмон шоирлик миссиясини "ҳақни ҳақли", "бахтни бахтли" кўрмоқ йўлида курашишдан иборат деб билишини ғоят таъсирли тарзда ифода этади:

Шоирлик на исён ва на итоат,
Ҳақни ҳақли кўрмоқ иддаосидир.
Соҳир туйғулари билмас қаноат,
Бахтни бахтли кўрмоқ муддаосидир

Ўзбекнинг улуғ шоираси юбилейига тортиқ сифатида битилган "Энадарё" китобининг чин эгаси Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиевага мустаҳкам соғлик, узоқ умр, Сирдарё тўлқинларидай мавжли илҳом тилаган ҳолда ушбу тўпламдан жой олган шеърлар ўқирманлар руҳият оламига таъсир қилиб, уларнинг кўнгил иқлимларини ёғдулашидан умид қиламиз.

2017 йил 26 январ.

СЎНГСЎЗЛАР

ЁНАР СЎЗ АЛАНГАСИ

Бир вақтлари шундай бир шеърни ўқиган эдим:

Қоқ тушда туш кўрар аёл.
Ўтлоқзор. Қучоқ очган тун.
Қучоқ очган...
Қучоқ оч...
Қучоқ...
Куч...
Уйғотиб юборар аёлни
Лабларида эриган қуёш.
Қарар. Туш. Сокинлик.
Шошиб кўзларини юмади аёл.

Аёл кишининг ҳеч кимга, ҳеч қачон айтилмас ҳолатининг нодир ифодаси бўмиш ушбу шеър, унинг бутун жозибасини ўзида мужассам қилган учгина сўздан иборат битта гап – "Қучоқ очган тун"нинг беш хил оҳангга солиниши, жумладаги сўзлар сони камайган сари тасвир кучининг таъсири ортиб бориши хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолди. Фавқулодда гўзал бу шеър шоир Азиз Саид қаламига мансуб эди. Мени шеърда акс этган туйғулар оҳангдорлиги ва салмоғи, сезимларнинг янгилиги, ҳиссиётнинг қуюқлиги, ифоданинг том янгичалиги танг қолдирди.

Одамларнинг фикри ва хатти-ҳаракатларида умумийлик камроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг туйғуларида, кечинмаларида ўзаро ўхшаш жиҳатлар жуда кўп бўлади. Шу боисдан ҳам чинакам инсоний ҳиссиётни маҳорат билан акс эттирган бадиий асарлар эскирмайди. Ҳатто, уларни тўлиқ тушунмаган киши ҳам қандайдир нурли туйғуни ҳис этади.

Асл бадиий асар туйғулар тасвири асосига қурилади, одамнинг сезимларини кашф этишга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир ижодкор одамнинг ҳақиқий бепоён олами – унинг ўзи. Бу чексиз олам ҳақида айтиб адо қилиш мумкин эмас, лекин безовта қалбли истеъдод эгаларининг бу борада айтадиганлари жуда кўп.

Ижодкор сифатида ўзига хос нигоҳ ва ифода тарзида эга бўлган Азиз Саид шеърларига сиғмаган қарашларини, қофияга бўй бермаган, оҳангга тушмаган фикрларини, мантиқий мезонлар билан ўлчаниши лозим бўлган кузатишларини адабий мақолалар тарзида баён қилишга жазм этибди. Шоирнинг танқидчилиги худди бастакорнинг қўшиқ айтгани ёки қўшиқчининг куй басталагани каби ҳамиша киши диққатини тортади.

Азиз бадиий адабиёт ҳақида ягона хулосани, мутлақ ҳақиқатни айтиш мумкин эмаслигини билгани боис адабий мақолалардан иборат "Ғойибдан дўст билан суҳбатлар" китобини суҳбат шаклида битган. Негаки, суҳбат гурунг қатнашчиларининг шахсий мулоҳазалари, фараз ва тахминлари ифодаси бўлади. Чинакам бадиий асар мавжудлигининг ўзи билан муносабатдир. Чунки аввалбошдан муносабатнинг ифодаси сифатида туғилади. Шу боис бадиий адабиёт ҳақидаги ҳар қандай тўғри фикрнинг ҳам камида икки жиҳати, терс қирраси мавжуд бўлаверади.

Маълумки, асл адабиёт кайфиятни ифодалайди. Кайфият эса – ўзгарувчан. Ҳатто бир кишининг ўзи айни бир асар ҳақида ўрни билан бир неча хил, ҳатто, бир-бирига зид фикрлар айтиши мумкин ва буни бетайинлик деб қарамаслик керак. Чунки илмий ҳақиқатлардан фарқ қиларок бадиий ҳақиқатлар кўп қиёфалидир, саноқсиздир. Инсофли одам ўз фикри ва сезимлиларининг раддига ҳам бир қадар

асос топа олади. Азиз Саид қаламига мансуб адабий мақолалар айни шу ҳолатнинг ифодаси тарзида вужудга келган, ўз-ўзи билан, ўз кўнгли, туйғулари, қарашлари билан очиқ суҳбат асносида туғилган.

Ғойибдан дўст, менинг назаримда, муаллифга мухолиф ҳам, рақиб ҳам, мубоҳис ҳам эмас. У, гарчи, фикрларида кескинлик, баъзан муросасизлик оҳанглари сезилса-да, аслида ҳалол ва ройишли суҳбатдош. Ҳатто уни муаллифнинг ўзи, тўғрироғи, кўнгли дейиш ҳам мумкин. Шу сабаб "Ғойибдан дўст билан суҳбатлар" китоби шоирнинг ўз кўнгли билан дардлашувидир. Айнан ўтлиғ кўнгил билан тиллашгани боис китобчага киритилган кўпчилик мақолалар ёниқ сўз алангасидан тафт олиб туради.

Илмдаги асосий масала саволни тўғри қўя билишдир. Шу вақтгача бизда илмда саволга жавоб бериш муҳим деб келинди. Ва жавоб битта бўлиши лозим деб ўйланилди. Ҳолбуки, савол тўғри қўйилса, ечим қачондир, албатта топилади. Ва у биттадан кўп бўлиши ҳам мумкин. Азизнинг мақолаларидаги кишига хуш келадиган, миллий эстетик тафаккуримиздаги илғор қарашларни акс эттирадиган жиҳат санъат ҳодисасидан, биринчи навбатда, санъат қидирилганидир. У мақолаларида бадиий матннинг ўзи билан иш кўришни ёқтиради, асардан келтириб чиқариладиган ижтимоий хулосаларни, сиёсий мулоҳазаларни эмас, балки бадиий кашфиётларни топишга қизиқади. Муаллифнинг: ***"Ҳеч қайси шоир ҳеч қачон халқнинг дилини қаламга олмайди, шоир ўзини қоғозга туширади"***,- тарзидаги бир қадар кескин қаноати бугунги яшараётган бадиий тафаккурнинг меваси бўлган фикрдир.

"Халқнинг дилини акс эттириш" деган сунъий тушунчадан қутилиш фурсати келганга ўхшайди. Дил ҳар битта одамда алоҳида бўлгани учун ҳам дил саналади. Одамларни қиёфасизлантириб, оломонга айлантиришнинг йўли ҳам уларни ўз юрагидан

маҳрум қилиб, ўрнига халқ қалби деган ёлғон тушунчани сингдиришдан бошланади. Бадиий сўзга халқнинг эмас, айнан алоҳида одамнинг кўнглини акс эттириш нуқтаи назаридан ёндашилса, бадиий асар мавзусига эмас, балки ифода тарзига кўра баҳоланилса, эстетик ҳодисаларнинг қийматини аниқлашда хатоликлардан, жўнликлардан сақланиш мумкин бўлади.

Адабиётшунослик анча вақт мобайнида бадиий асардан ўткир фикр қидириб келди, китобхон ҳам шу ҳолатга кўниктирилди. Ҳатто ижодкорлар ҳам бадиий матнда ижтимоий салмоққа эга ғоя бўлиши лозимлигига одатлантирилди. Миллий адабиётшунослигимиз бадиий ҳодисадан ёрқин фикр эмас, биринчи навбатда, ёрқин образ қидириш лозимлигига секинлик билан бўлса-да ўрганиб бораётир. ***"Афсуски, ҳозирга қадар ўзбек шеърхонлари туйғу эмас, фикр қабул қилишга ўргатилди, диди эса гўзалликка эмас, тароватсизликка мослаштирилди. У яланғоч гаплардан завқланадиган бўлиб қолди***", – деб ёзади муаллиф. Бу шунчаки кескин ташбиҳ эмас, балки миллий шеъриятимиз, дидимиз соғломлигига билимдонлик билан қўйилган илмий ташхисдир.

Азизнинг қаламига мансуб мақолалар аксар ана шундай қарашларнинг ифодаси ўлароқ туғилган. Шу хил фикрлар туфайли нафосатшунос олимларимиз ҳам қизғалдоқнинг дириллаб турган майин гулкосаси, булбулнинг нафис сайроғи, дарахтларнинг ғалати чайқалиши, тоғларнинг сокин виқори, қорларнинг беғараз оқлиги, булоқнинг мақсадсиз жилдираши ўз ҳолича гўзал ва гўзал бўлганлигининг ўзи гўзал эканлигига қийналиброқ бўлса-да кўникиб бормоқдалар. Бадиий асар ҳам ижодкор шууридан, руҳиятидан ана шу гўзалликлар янглиғ табиий равишда, ўз-ўзидан ситилиб чиқадики, адабиётшунослик илмининг вазифаси ана шу гўзалликлар қонуниятларини кашф этишдан иборатдир.

Вужуд ва руҳ ўртасидаги беаёв зиддиятни ҳамиша ҳис этадиган Азиз Саид ушбу китобида бадиий асарга руҳ товланишлари теранлигига қараб баҳо бериш лозимлигига эътибор қаратади. Ижод муаллиф шахсиятининг намоён бўлиш тарзи эканлигини Абдували Қутбиддиндай ўзига хос ва англами оғир шоирнинг қатор асарлари таҳлили орқали асослайди. Шунинг учун ҳам шеърият таҳлилида "лирик қаҳрамон" деб аталувчи чучмал ва ножинс тушунчадан фойдаланишни ўринсиз ҳисоблайди. Юрак қони билан шеър битган дилпора ижодкор қандайдир лирик қаҳрамоннинг эмас, фақат ўзининг дардларини достон қилади деб билади.

Азиз Саид таниқли шоир Муҳаммад Юсуф асарлари баҳонасида замонавий ўзбек шеъриятининг кучли ва ожиз жиҳатлари борасида ғоят асосли ва холис фикр юритади. Муҳими, бу фикрлар шунчаки бир шоирнинг инжиқ истаклари эмас, балки шеършунослик билан профессионал тарзда шуғулланган мутахассиснинг асосли қарашлари эканлиги сезилиб туради. Унинг фикрлари ўқувчига бирданига маъқул келақолмайди. Уни ўйлаб кўришга, далилларни чоғиштиришга, ўзича бир қарорга келишга ундайди ва айни шу жиҳатлари билан қимматлидир.

"Қайдадир мени ҳам тушунган дил бор" мақоласида: ***"...халқ муҳаббати.. нисбий мезон. Шеърнинг даражаси, шоирнинг қудрати фақат шулар билан ўлчанмайди. Санъатнинг, юксак адабиётнинг шеърни баҳолайдиган мезонлари бор"***, – деб ёзади муаллиф. Чинданда, узоқ йиллар мобайнида санъат асарлари масъулияти ҳам мутахассислар қолиб, халқ зиммасига юклаб келинди. Халққа ёки тўғрироғи кўпчиликка ёққани учунгина айрим битиклар санъат дурдонаси ҳисобланилди. Азиз Саиднинг Чўлпон қаламига мансуб "Ёркиной" драмаси хусусидаги бир қадар кескин фикрлари ҳам самоқдорлиги, қарашларининг оҳорли эканли билан

эътибор тортади. У асарга ким ёзганига эмас, балки қандай ёзилганлигига қараб баҳо бериш лозим деб билади. "Ёрқиной"нинг заиф ўринларини билимдонлик билан асослаб беради.

Ички эҳтиёж билан, дард билан битилмаган асарни долзарб мавзу ҳам, ўткир фикр ҳам, адабиёт назарияси талабларига оғишмай риоя этиш ҳам ўқишли қилолмаслигини жуда ишонарли далиллайди. Шунинг учун ҳам: *"...бадиий асар ҳеч қандай қонуниятга, тартиботга бўйсунмайди. Бирор қонуниятга амал қилиб яратилган асар – ўлик асар"*, – деб хулоса чиқаради. Дарҳақиқат, ҳар қандай асл бадиий асар мавжуд тартиботларни бузароқ майдонга келади ва шуниси билан диққатни жалб этади. Одатдаги қолипларга мувофиқ яратилган асарлар киши эътиборини тортолмайди. Бундай асарлар ўзига хосликдан маҳрум бўлади. Чунки у саноат асосида ишлаб чиқариш мумкин бўлган минглаб нусхадаги бир товарга айланади.

Азизнинг "Адабиёт – шафқатсизлик" мақоласи санъаткор билан давр ўртасидаги муносабат тадқиқига бағишланган. Муаллиф бу масалада ҳам ўзига хос йўлдан боради. У ижодкорга даврнинг ҳосиласи сифатида қарамайди. Даврни сабаб, ижодкорни оқибат санамайди. Балки санъаткор даврнинг руҳини яратувчилардан бўлиши керак деб ҳисоблайди. Азиз Саид ёлғон пафосни, сунъий умидбахшликни севмайди. Ёқимсиз бўлса-да, рост демакликни афзал билади. Шу боис: *"Жамият қалб билан эмас, қорин билан яшай бошлаяпти"*, – деб ёзғиради. Келажакда ҳам осмондан чалпак ёғилмаслигини, ишлар ўз-ўзидан ўнгланиб кетмаслигини яхши билади. Санъат ҳамиша катта қурбон талаб этишини таъкидлайди: *"Ҳақиқий санъат – санъатнинг фаҳмига етиладиган жамиятдагина тараққий этади, қадр топади"*, – деб ёзади у. Ҳақиқатан, санъат ўзига нисбатан шафқатсиз, лекин ижтимоий

ҳимояга ўта муҳтож бўлган ҳодисадир. Шу боис уни ўз ҳолига ташлаб қўйган миллат охир-оқибат маънавий таназзулга юз тутиши тайин.

"Фикрлаётган суратлар" туркуми Азиз Саиднинг мусаввир назарига ҳам эгалигидан далолатдир. У Бахтиёр Тўраев расмларига хос жиҳатларни унинг ижодидаги бир қанча асарларни тадқиқ этиш асносида жуда ишонарли ва билимдонлик билан очиб беради.

Азиз Саид китобидаги бирор сўзни шунчаки ёзмаган ва ҳеч бир ўринда ўзига хиёнат қилмаган. У шеърларининг бирида: ***"...бўғзимда бир сўз ёнмоқда"***, – деб ёзганди. Ушбу китобчадаги кўпчилик битиклар кўнгилдан чиққан ёниқ сўзларнинг алангаси билан мунаввар бўлган порлоқ фикрлар ифодасидир.

2001 йил

УМИДНИНГ УЛҒАЙИШИ

Саломат шу вақтга қадар, асосан, ҳикоячи сифатида танилган ижодкор эди. Унинг "Қайтиш", "Элат" сингари ҳикоялари тасвирнинг залвори, сўзларга ортилган ҳиссий юкнинг босими жиҳатидан эътиборни тортадиган асарлардир. Адибанинг саккиз ҳикоядан иборат "Элат" деб аталмиш насрий мозаикаси тасвир услуби, тил хусусиятлари, инсон кўнгли ва амалига ёндашув тарзига кўра алоҳида ажралиб туради. Бизнинг адабиётимизда шу вақтга қадар мозаика ҳикоя яратилгани йўқ эди. Саломат Вафо шундай тажрибага қўл уришдан чўчимади ва муваффақиятга эришди.

Адиба сўзнинг залворини яхши билади. Уни тўдага от қўшган чавандоздай аямай ва жойида ишлатолади. "Элат" ҳикоясида: ***"Кўрпача, супа, гужумлар... ҳаммаси мавжуд... онам йўқ"***, – деб ёзади Саломат. Солиштирилаётган нарсаларнинг умрзоқлиги, аҳамияти ва қиммати ўртасидаги фарқ эндигина онасидан айрилган одам назари билан ғоят моддий ҳамда ишонарли манзаралантирилган. Туғилган қишлоғига анчадан буён бормаган одамнинг бегоналашув ҳолати ҳам ҳикояда жуда аниқ ва ўйчиллик билан: ***"Элатнинг файзи кетган, тенгдошларим қариган, ҳамма ёқни гугурт қутисидай бир хил уйлар босиб кетганди. Ичимдаги ётлик билан ташқаридаги ётлик учрашар, умидсизликка туширар, ўзимни жуда бир азиз инсондан айрилганимни ҳис этардим. Мен у олис шаҳарда ким бўлсам-да, ўзим туғилиб ўсган Мо-***

ноқда ҳеч ким эмас эдим", – дея тасвирланади. Шу кичиккина парчада туғилган маконига, демакки, ўзи ва ўзлигига бегона одам, унинг нелардандир хижил кўнгил ҳолати ёрқин акс этган.

Ҳикояда қаҳрамон туйғулари фақат унинг ўйлари тарзидагина берилмаган, балки бу ўйларнинг туғилишига сабаб бўлган муҳит тасвири билан уйғунлаштириб юборилган. Асарда онаси кўмилган қабрни излаётган фарзанд ҳолати: "***Чор-атрофни тўзғоқлар қоплаган, бор-будидан айрилган кул рангидаги қамишлар, юлғундан тортиб, катта-кичик қабрларгача бир рангга – ўлик сукунат рангига қўшилиб кетган эди. Атрофга оғир жимлик чўккан, бу ер дунёдан айириб, бўлиб, мажбурлаб босиб олинган, мангу ўлим салтанатига ўхшарди. Мен тобора ичкариларканман, ўлимнинг мангу хўрсиниқ ва ичикишларини равшанроқ эшитар, аллақандай ҳадик билан одим ташлардим***",- тарзида ифодаланади. Бу тасвир асносида қаҳрамоннинг кейинги чигал ўйлари, мубҳам изтироблари, адоқсиз иштибоҳларига руҳий асос яратилган. Онасидан айрилган киши кўзига оламнинг "***ўлик сукунат ранги***"да кўриниши ўқувчини ишонтиради. Маҳорат билан қилинган тасвир ҳолатни рангга айлантира билади.

"Элат" ҳикоялар туркумида фақат ичгандагина тили ечилиб кетадиган Пирим бува, никоҳ тўйи куни ҳалокатга учраган Отаназар, тириклигида ҳамманинг меҳри, эътибори ва эътирофида бўлган, кутилмаганда вафот этгач, тамомила унутилган Оводон, бевақт вафот этган болачаларнинг мунғайган, кичик қабрчалари, тириклигида инсонларга эмас, балки итларга меҳр кўргазган ва ўлгач қабри ҳам шу махлуқларга макон бўлган Нойила тотор, оти кимлиги номаълум раис, ёши қирқдан ошганда сурнай чалишни ўрганиб, гўрида "масза қилиб сурнай чалиб ётган" Шариф сурнайчи сингариларнинг

қабрлари шунчаки гўристондаги қўйиндилар эмас. Уларнинг бадиий ва маънавий миссияси каттароқ. Улар онасининг таъзиясига, яъни асл инсоний бурчини бажаришга кечиккан қаҳрамоннинг одамликка етиб боргунча, босиб ўтиши зарур бўлган синов манзилларидир.

Бу қабрларда ётган одамларга хос барча яхши-ёмон сифатлар ҳикоячида ҳам у ёки бу даражада бор эдики, бу манзилларни босиб ўтмай туриб, она вужуди билан муборак этилган муқаддас масканга етиб бўлмасди. Бизнингча, шу сабаб ҳам ҳикояда она қабрини топиш атай қийинлаштириб тасвирланган бўлса керак. "Элат" насрий мозаикасининг "11868. 14478" тарзида номланган қисмидаги: "***Бешикларни нега ташлаб кетишди, ул бағри куюк ота-она шу тахлит – фарзанд доғини унутмоқчи бўлганми? ...Не бўлганда ҳам бешик ва қабрнинг ёнма-ён ётувида, инсон умрининг ибтидоси ва интиҳоси акс этмиш совуқ фалсафа бор эди. Ҳақиқат ўзининг узун умри мобайнида биринчи марта шу ерда, қабристонда рўй-рост, юз фойиз ҳақиқат мақомида акс этмиш эди. Фақат ўлимгина ҳақиқат эди***" сингари тасвирлар ҳикоядан пайдо бўладиган бадиий маънонинг салмоғини орттиради, қаҳрамон ҳолатини туйиш имконини беради.

Адиба ҳикоя мобайнида сўзни жуда моҳирлик билан ишлата олишини кўрсатади. Чунончи, бир ўринда: "***Унинг эшигидаги ҳар бир нарсага, ҳатто қари толга ҳам ҳавасим келарди***", бошқа жойда эса: "***Мени бу расм ёмон этди...***" тарзидаги жумларнинг ўзи билан қўшимча изоҳлар бериб ўтирмай, ҳам хабар бериш, ҳам туйғуларни ифодалашнинг уддасидан чиқади.

Аёл зотики бор ҳамиша унутилишдан, назарга олинмасликдан, эътибордан қолишдан қўрқиб яшайди. Саломат Вафонинг "Унутилган аёл" ҳико-

яси қаҳрамони ҳам айни шу кўркув туфайли Яратган томонидан унга юкланган асосий миссия – бола кўришдан бўйин товлаган, чиройли қоматини сақлаш, бировларнинг эътиборини қозониш, бола боқиш ташвишларига ўралашиб қолмаслик учун танасию руҳига пайваста бўлиб кетган янги вужуддан ўзини холи қилган аёл. Ҳикояда бу жараённи кечираётган аёл фожиаси жуда таъсирли акс эттирилган. Миллий адабиётимизда аборт патологияси ҳақида ёзилса, эҳтимол, ёзилгандир, аммо унинг психологияси ҳалигача эстетик объектга айланганича йўқ эди. Бўйидаги юкини олдирган, кўнгли ҳам қурсоғидай бўм-бўш бўлиб қолган аёл ҳолати: ***"Назаримда, куз тушган чўлнинг ўртасида ётардим, осмонда юлдузлар чаман бўлиб очилган, вужудим шу чўл каби, дунё каби қадимий ва бўш эди, қонга ботган кўйлакларим ҳилпирар, мангу шамоллар ҳукмрон эди бу ерда. Олис-олислардан шамоллар уйғониб келар, қулоғимга аллақандай қадимий саслар урилар, назаримда чўлми, осмонми оҳ чекиб, теграмда айланар, чапак чалар, садр тушарди"*** тарзида тасвирланади. Бу тасвирнинг айнан шу хилдалиги сабабини англамоқ учун ўқувчи ўз хаёлотини салгина зўриқтириши, қаҳрамон ҳолатига киришга жиллагина уриниб кўриши кифоя қилади. Шу ҳикояда: ***"Гўдакнинг тана бўлаклари менинг қонимга чўмилган, тоғоранинг қай бурчидадир қон қусиб ётарди"*** тарзидаги тасвир учрайди. Қотил ва мақтул ҳақида бизнинг адабиётимизда ҳозирча бундан ўтказиб ҳеч ким айтолган эмас.

Саломатнинг ҳикоялари деярли ҳамиша, фавқулодда хусусиятларга эга одамлар ҳақида ёки оддий кишиларнинг фавқулодда жиҳатлари тўғрисида бўлади. Қизиғи шундаки, ҳатто бу ҳикоя қаҳрамонларининг оддий, элқатори эканликлари ҳам фавқулодда даражададир. Жинниси роса жинни, шал-

лақиси жуда шаллақи, ландавури ўта бўшанг ва бқ. Лекин уларда муаллифнинг тийрак ва безовта нигоҳи, одам кўнглининг нозик товланишларини куюнчаклик билан илғаш ҳамда берабилиш маҳорати сезилиб туради. Бу ҳол ўқувчиларда адиба ижодининг баланд парвозига умид уйғотади.

Саломат Вафонинг ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб роман яратганлиги ана шу умиднинг улғайганидан далолатдир. Адибанинг бу романида биздан неча минг йил олдин яшаган одамлар ҳамда ўша замонлардаёқ тубанлик ва юксаклик, гўзаллик ва хунуклик, яхшилик ва ёмонлик сингари сифатлар уларнинг ҳам қарама-қарши, ҳам бир-бирини тақозо этувчи жиҳатлари бўлганлиги акс этган. Асарда Саломат шахсиятига, унинг тасвир йўсинига хос белгилар яққол кўриниб турганлиги киши эътиборини тортади.

Ўзбекларнинг андиша, парда, имо-ишоралар асосида таркиб топган бадиий дидига Саломат Вафонинг романи бир қадар очиқлиги, нозикроқ ишқий-ҳирсий тафсилотларнинг пардасиз акс этганлиги, айрим тасвирларнинг ўрганмаган одамнинг ғашига тегар даражадаги яланғочлиги билан авжи саратонда гулдираган момоқалдироқдай таъсир қилади. Бундай асарнинг қиз бола томонидан яратилгани ўқувчини янада ғижинтириши мумкин. Саломат буларни атай ҳисобга олмаган. Чунки унинг учун китобхоннинг кўнглини топишдан кўра, тасвир ҳақиқатига, тимсоллар табиатига хиёнат қилмаслик муҳимроқ эди.

Романда қадим аждодларнинг ҳам ўзимиздай бир одам, бизлар каби орзу-ўйлари, армону андуҳлари бор кишилар эканлиги ғоят таъсирли кўрсатилган. Асарда дунё, шон-шуҳрат, ҳокимият, бойлик, ҳукмфармолик учун барча ўлиб-тирилишлар, куйиб-ёнишлар, охир-оқибат, беҳуда эканини бошидан ўтказгачгина англаган кишилар тимсоли жуда ишо-

нарли ва юқумли қилиб тасвирланган. Қарангки, айни бадхоҳликлар, минг йилларни ўтказиб, бугун ҳам давом этмоқда...

Адиба тасвиридаги қудратли ва ожиз Самиранда Йилдирим, шафқатсиз малика Фаластрийа, дуркун Йўлсултон, жодугар Оқбош, ҳал қилувчи вақтда унга ишонганларга хиёнат қилган Сафо Бургутли, меҳрибон Бейбарсхон, жўмард Страк, ваҳший тўбалилар, маккора Кунсулув сингари образлар кишининг шуурига бутун даҳшати, қабариқлиги, тушунуксиз фожиалари билан ўрнашиб қоладики, бу ёзувчининг тасвир услубидаги самимият ва ифоданинг бўртиқлиги натижасида содир бўлади. Агар Саломат ҳам миллий адабиётимизда анъана бўлган йўлдан бориб, тасвирни силлиқлаганда, фавқулодда ҳолатларни андавалаб кўрсатганда, ҳозиргидай қабариқ ва қай бир ери биландир китобхонга тегиб кетадиган, уни ҳоли-жонига қўймай руҳиятини безовта этадиган қуйма образлар ўрнига силлиқ ва эсда қолмайдиган қиёфасиз тимсоллар юзага келган бўларди. Ёзувчи қаҳрамонларининг ҳар бирини алоҳида тирик инсон, ўз ёндашуви, қиёфаси, жасурлиги ёки хиёнат тарзига эга одам сифатида кўради ва шу ҳолатни ўқувчига ҳам кўчиради.

Асар сюжетининг биздан замон ва тамойиллар йўсинига кўра ҳаддан ташқари узоқ ва фавқулодда воқеалар тизимидан иборатлиги, асл мақсадларини, чин туйғуларини пардалашни ҳали унчалик билмайдиган, бировларга ўзининг ёқимли жиҳатларинигина кўрсатиш лозимлигини керагича уддалай олмагани учун бизга асло ўхшамайдиган одамларнинг қаҳрамон қилиб олингани ҳам уларнинг, аслида, йигирма биринчи асрда яшаётган кишилар сингари инсонлар эканини инкор этмайди. Эрларсиз жамиятда, ўзлари ўрнатган ойинлар билан яшаб, ҳеч кимга бўйин эгишни истамаган мағрур амазўнларнинг вужуд истаги, кўнгил туғёнлари, руҳ

пўртаналари туфайли жунбушга келган ҳолатлари, шодлик ва қувончлари, афсус ва надоматлари, айниқса, Йўлсултон, Самиранда, малика Фаластрийа, Оқбош тимсолларида жуда ишонарли кўрсатилган. Асарда бу образларнинг руҳий ҳолатлари ифодаси мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ойдай чиройли, лекин қаҳратондай совуқ, мағрур, аёвсиз, маккор, қаҳрли ва иродали маликанинг шунчаки бир эркак қулнинг жисми илинжида, вужуднинг оддий бир талаби олдида чўк тушиши, айни вақтда, ниятига эришгач, ҳеч иккиланмай, ҳозиргина қовушган маҳбубини ўлимга йўллай олиши тасвири китобхон шуурига ўйилиб қолиши билан эътиборга лойиқдир.

Романда Саломат Вафо амазўнларни фақат ватанни, озодликни, шону шуҳратни, ўрнатилган одатларга амал қилишнигина ўйлайдиган кўк фаришталари тарзида эмас, балки оддийгина одам, баъзан нафснинг, баъзан вужуднинг, баъзан кўнгилнинг истаги билан иш тутадиган, ҳамиша баланд туйғулар, юксак мақсадлар учун эмас, балки жисмнинг оддий ва оний лаззатлари йўлида ҳам қадам босадиган бандалар сифатида кўрсатадики, бу адибанинг бадиий жасорати ва тасвир маҳоратидан далолатдир. Романнинг сюжет ривожи ёзувчи томонидан майда чизиқларига қадар олдиндан пухта ўйлаб олинмагани, режага солинмагани асарнинг табиийлигини, бинобарин, таъсир кучини оширган. Негаки, инсон ҳаёти, тақдири ҳеч қачон у режалагандай, интилгандай, мўлжаллагандай бўлмайди. Балки инсон ҳаётидаги тақдир ўйинлари, кутилмаган бурилишлар, хаёлга келмаган таҳрирлар билан мутлақо ўзгача йўсинда кечадики, асардаги Самиранда тақдири айни шу жиҳати билан ўқувчига ардоқли ва диққатга моликдир.

Одамда ҳамма замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам ё эзгулик ёхуд ёвузлик қилиш имконияти

мавжуд бўлади. Одам айни шу айрилишда қай бир йўлни танлашига қараб, Яратганнинг олдида, ўзгалар назарида муайян баҳога эга бўлади. Шунинг учун ҳам асардаги малика, Оқбош, Кунсулув, тўбалар сардори, Сафо, Табғоч сингари тимсоллар тасвирланган ўринлар кишининг вужудини музлатиб юборар даражада таъсир кўрсатиш қудратига эга. Айни вақтда, жамият ҳеч қачон эзгу ўйли, эзгу сўзли ва эзгу амалли кишиларсиз қолмаганлигини кўрсатувчи ўринлар романнинг ўқувчиларида бундан-буён ҳам яхшилик ва яхшилар қирилиб битмаслигига ишонч уйғотиши билан қимматлидир. Асарда шундай фавқулодда тасвирлар берилганки, кимдир ожизлиги билан кучли, кимдир эса қудрати билан ожиз эканлиги ўқувчини танг қолдиради, унинг маънавий оламини, руҳият дунёсини, сезимлар тизимини остин-устун қилиб юборади.

Романнинг диққатга сазовор яна бир жиҳати унинг тилидир. Саломат Вафо сўзни унчалар авайламайдиган, тасвирга олинадиган одамни пуфлаб, чангу ғуборлардан тозалаб ўтирмайдиган ёзувчилардан. Шунинг учун ҳам унинг қаламидан чиққан тимсоллар бир қадар совуқроқ, бир мунча ёқимсизроқ бўлса-да, (эҳтимол, айнан шу сабабдир) кишининг эсида узоқ сақланиб қолади. Ўзбек аёли томонидан яратилган бу роман биз асоссиз унутиб юборган юзларча туркий сўзларни тирилтирилгани билан ҳам кишида илиқ таассурот уйғотади. Ифоданинг туркийлиги, тасвирнинг ўша даврга мувофиқ берилиши, кийимлар, анжомлар, буюмлар шунчаки ташқи бадиий безак эмас, балки ўша давр кишилари руҳиятига жуда таъсирли ва ишонарли тарзда дўнганлиги асарнинг қимматини оширган. Одамхўр итлар, қанотли от, Довондан келтирилган тулпор, қашқирлар, буғролар ҳамласи каби фавқулодда ва реаллигини туйиш қийин ҳолатлар тасвири ҳам табиий даҳшати билан киши баданини жунжиктириб юборади.

Рости гап, бу асарни маза қилиб ўқиб, дам олиш мумкин эмас. Аслида, Саломатнинг бирор бир асари ётиб олиб, роҳатланиб ўқилмаган. Янги роман ҳам ўқувчининг туйғуларини, унинг олам, одам, аёл ҳақидаги тасаввуру ўйларини остин-устун қиладиган тарзда битилганки, шубҳасиз, булар ёзувчининг ютуғидир. Ёзувчи сўзни саралаб, сайқаллаб, танлаб ўтирмайди, балки бетийиқ туйғуларни, руҳий пўртаналарни, тошиб кетган асов дарё каби қирғоқларини аёвсиз ювиб бораётган ҳиссий жунбушларни ўзи туйганидай тасвирлашдан чўчимайдики, бу ҳол Саломат Вафо услубидаги ўзига хосликни кўрсатади.

Ушбу романда бир қатор камчиликлар ҳам борки, уларни ҳисобга олиш романнинг таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади. Адиба бевосита асар матни ичида қайсидир тарихий воқеа ҳақида қаердадир ўқиган ёки эшитган маълумотларини келтириб, бу ахборотни тасвирга қўшиб кетадики, бу ҳол бадиият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Негаки, бу йўл ўқувчини қизиқарли ва фавқулодда бадиий хаёлот очунидан жўнгина ахборот оламига, реаллик дунёсига олиб тушади. Бадиий асар учун у ёки бу ҳодисанинг қачондир содир бўлгани ва унинг кимлар томонидандир тасдиқланганидан кўра, балки воқеани хаёлида яратиб, бадиятга эвирган, унинг чинлигига ўқувчиларни ишонтирган адибанинг тасвири қимматлироқдир. Чинакам адабиёт учун ҳаётда бўлганлик ёхуд воқеликка ўхшаб кетиш асосий кўрсаткич ҳисобланмайди.

Романда фақат аёллардан иборат амазўнларнинг эркакларсиз қаердан пайдо бўлиб қолгани йўл-йўлакай бўлсада изоҳлаб кетилса, тасвир ютган бўларди. Шунингдек, амазўнлар айни ҳаёт тарзига қандай зарурият туфайли келганликлари баёни ҳам асарнинг таъсир даражасини оширган бўларди. Бирон-бир росмана озод эркак йўқ жойда маликанинг иниси Табғочнинг эмин-эркин юриши ва унга

амазўнлар муносабати кўрсатилмаганлиги ҳам унчалик ўринли эмас.

Адиба асар бадийяти учун деярли ҳеч нарса бермайдиган пардасиз натуралистик тасвирлар (ойбоши кўриш, амазўнларнинг кўкраклари битта эканлиги борасидаги ортиқча қайтариқлар, Табғочнинг ҳаммомдаги қизларни томоша қилиши, унинг ечинаётган қирққизларни кузатиши лавҳалари, "эмчак", "хотинлар иштонининг ичи", "нозик жойи ачишди", "нозик жойи қичишди" сингари пардасиз ифодалар ҳамда ишрат саҳналари ботишчасига очиқ тасвирланган ўринлар)дан воз кечганда ҳам роман бадийяти унчалик зарар кўрмасди.

Нима бўлганда ҳам ўзбекнинг қизи ўз ижодкор жинсдошлари орасида биринчилардан бўлиб ғоятда қизиқарли сюжетга, жуда ўзига хос тилга эга чин маънодаги роман яратиб, ўқувчиларнинг ҳукмига ҳавола қилди. У билан танишиб, адибанинг кўнгил ройишларидан хабардор бўлиш ўқувчи руҳиятининг бойишига хизмат қилади. "Тилсим салтанати" романи Саломатнинг тароватли бадиий чечакзоридаги сара гуллардан бўлади деб умид қиламиз.

2003 йил 6 июл

КИНОЯ БАҒРИДАГИ УМИД

Биз яшаётган кунлар миллатлар ҳаётида яқинлашув, давлатлараро сиёсатда глобаллашув, илм ва эстетикада универсаллашув жараёни бораётганлиги билан характерланади. Олам торайиб, одамнинг мулоқот имкониятлари кенгайиши дунё аҳлини бир-бирига яқинлаштирди. Бу ҳол очуннинг турли бурчакларида ҳаёт кечираётган, яшаш шароити бир-биридан тамомила фарқ қилувчи кишиларнинг ўй ва сезимларида умумийликнинг кўпайиб боришига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги адабиётда воқеликни тасвирлашга қараганда, инсон руҳиятини тафтиш қилишга кўпроқ эътибор берилаётир. Бугунги адиблар учун ҳаётий реаллик бирламчи аҳамият касб этмайди. Унга бадиий реалликни таъминлаш воситаси дебгина қаралади. Бугун бадиий асар рўй берган қизиқарли воқеалар тасвиридан эмас, балки инсон кўнгли тўлғамларининг микротаҳлилидан иборатдир. Ҳар бир инсон олам ва одамиятни ўзини англар даражадагина англай олади. Шунинг учун бугунги адабиётда одамдан ташқаридаги воқеаларга эмас, инсон руҳиятида содир бўлаётган жараёнларга кўпроқ эътибор қаратилаётир.

Қатор ҳикоя ва қиссалари билан ўқирманлар эътиборини қозонган ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг "Жазирамадаги одамлар" романи ана шу йўналишда битилган асардир. Ёзувчининг илк романида ижтимоий муаммолар эмас, алоҳида одамларнинг кечинмаю сезимларини тасвирлаш етакчилик қилади. Адиб ушбу асарида ўзи яратган бадиий воқеликни ўқувчига туйдиришга, уни англамли қилишга ури-

нади. Дунё замонавий эстетик тафаккурининг йирик вакили Ортега-и-Гассет: "***Санъат санъаткор бўлишдан ортиқроқ нарсани орзу қилган ҳар қандай кишидан шафқатсиз ўч олади***", – деган эди. Луқмон асосий эътиборини романининг санъат асари бўлишига қаратади.

Ёзувчи романда қаҳрамонлар руҳиятидаги яширин жиҳатларни бадиий тадқиқ этишга алоҳида эътибор беради. Унинг бу тасвир йўсини айримларда: "***...қалб кечинмаларини тадқиқ этишга йўналтирилган асарлар кишиларни буюк ишлар сари руҳлантириш ўрнига, ўз ички оламига чекиниб яшашга даъват қилмаяптимикан?***[1]"- тарзида эътироз уйғотиши мумкин. Муаллиф одамларни адабий қаҳрамонлардан таъсирланиб, "буюк ишлар сари руҳ"ланадиган даражада жўн деб билмайди. У ўқувчиларига бошқарилиши, етакланиши лозим бўлган гўл тўда дея қарамайди. Одам айнан "ўз ички оламига чекиниб яша"гандагина Ҳаққа яқинроқ бўлишини билади. Луқмон ёзувчининг жамият аъзоларига устозлик даъво қилишини одамларга нисбатан нописандлик деб билади. Луқмон Бўрихоннинг кулиб-кулиб ўқиладиган, осонгина ёзилгандай тасаввур қолдирадиган романи миллий адабиётшуносликда шўро даврида шаклланган фикрий қолипларни синдириши жиҳатидан тенгсиз бир эстетик ҳодисадир.

Асарда моҳиятга қилинган ҳар қандай зуғум акс таъсирсиз қолмаслигини чўл ва унда яшаётган инсонлар ҳаёти мисолида таъсирли акс эттиради. Бир миллат аҳлини бошқаларни эргаштирадиганлар ва кимларгадир эргашадиганларга, жонини фидо этгувчилар ва фидойиларни бошқариб, уларга таҳсин айтгувчиларга ажратиш ҳар бир алоҳида инсон ҳаётида чуқур оғриқли излар қолдириши романда алоҳида кишилар тақдири орқали ишонарли кўр-

[1] "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 2004 йил 4-сон.

сатилади. Кимларнингдир истаги, қандайдир сиёсий ёхуд мафкуравий манфаатлар учун одамлардан қаҳрамонлар ясаш, инсонни ўз табиатига монанд, истагига мувофиқ яшашга қўймаслик, унинг турмуш тарзига тазйиқ ўтказиш изсиз кетмаслиги "Жазирамадаги одамлар"да катта самимият билан тасвир этилган.

Луқмон Бўрихон романида инсон ва унинг ҳаёти кўпроқ киноявий-пародик йўсинда идрок этилган. Ижодкор универсал фикрлай бошлаганда, одам ва оламга киноявий ёндашув устуворлик қилади. Одам ёки миллат дунёга чиқиб, ўзгаларга яқинлашаётганда, киноявий тасвир адабий ифоданинг асосий воситасига айланади. Негаки, бундай вақтда эстетик тафаккур воз кечилаётган миллий қадриятлардан бир қадар зада, ўзлаштирилаётган бегона қадриятларга эса бир мунча ёт бўлади. Инсон ҳам, миллат ҳам бир сифатдан бошқасига оғриқсиз, осонгина ўтиб кетолмайди. Шунда ижодкор шахс ўзи ва олам ҳолатига киноявий назар билан қарашга, камчиликларга муросасиз бўлиб, ошириброқ тасвирлашга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам: "Киноя метанутқнинг ўйини, баённинг квадратидир[1]", – дейди янги романчилик назариётчиси италялик ёзувчи Умберто Эко.

Инсон эркин бўлса, ҳазилга мойиллик ортади, унинг доимо амал қилиб юрган қадриятлари тизимида кескин ўзгаришлар рўй берса, киноя ва пичинг кучаяди. Шу боис олдинлари Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам сингари айрим адиблар ижодида етакчилик қилган киноявий усул эндиликда А. Йўлдошев, Т. Рустамов, Л. Бўрихон, С. Ўнар сингари кўплаб ёзарманларнинг ижодий қиёфасини белгилайдиган жиҳатга айланди.

"Жазирамадаги одамлар" романи бошдан-оёқ киноя қурилган, ифодада пичинг етакчилик қи-

[1] "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 2004 йил 4-сон.

лади. Бу ҳолни асарнинг барча қаҳрамонлари тасвирида ҳам кўриш мумкин: *"Ашир икки шериги билан чорпоя томондан даврага тушди! Тана ҳароратининг ошиши касалликни билдиргандай, Аширнинг даврага оёқ қўюви ҳам тўй базмининг тинч, "маданий" қисми хотима топганидан дарак берарди"*. Ёзувчи шу ифоданинг ўзи билан ортиқча таърифу тавсифларсиз ҳеч кимдан тап тортмайдиган безори йигитнинг жангари табиатини очабилган. Асарда тасвирнинг шу йўсини етакчилик қилади.

Романда табиат ҳам, одам ҳам ўз моҳиятига мувофиқ мавжуд бўлиши лозимлигини, уларга қилинган зўрлик, зуғум, албатта, қандайдир даражадаги фожиага олиб келиши бир қур қаҳрамонлар тақдири мисолида акс эттирилган. Роман воқеалари бўлиб ўтадиган 41-ширкат хўжалигининг ерлари, аслида, чўл эди. Унга сув келтириб, экин экиш даштнинг табиатига қилинган зуғумдир. Шу боис ўзлаштирилган ерки бор маълум вақт ўтгандан сўнг унга қилинган зўрликка қаршилик кўрсата бошлайди. Чўлнинг одамга қилган исёни асарда хўжалик етакчиси Чинор тилидан: *"Шўрлаб кетаяпмиз, Эргаш, чўл қаршилик кўрсатаяпти... тағин уч-тўрт йилдан сўнг ҳосил олиш нари турсин, уруғ ҳам унмай қолади..."* тарзида ифода этилган. Унинг жўраси ва суҳбатдоши Эргашнинг бу борадаги фикри янада кескинроқ: *"...ҳа, чўл қаршилик кўрсатаяпти, – деб гапида давом этди отам ичкиликдан қизарган кўзларини бир нуқтага қадаб.– Чўлнинг бўстон бўлгиси келмаяпти, тамом. Уни ҳеч қачон енголмаймиз. У... барибир, қачонлардир ясама боғу чаманларни ямлаб ютади, чўл... барибир аслига – чўллигига қайтади"*. Романнинг бош бадиий концепцияси қаҳрамонларнинг шу сўзларига жо бўлган. Яъни одам ўз табиатига мувофиқ яшаши лозим. Инсон ёлғиз ғоялар билан ёки ғоялар учун-

гина ҳаёт кечира олмайди. Одамда тан ва руҳ борлиги, унинг ҳаёти ўшаларнинг истакларига мувофиқ кечиши лозимлиги романда ўзига хос тимсоллар ҳаёти тасвири асносида таъсирчан акс эттирилган.

Асарда билвосита тасвир усулидан жуда маҳорат билан фойдаланилган. Деярли барча ўринларда бир тимсолнинг бирор амали ёки гапи бошқа бир тимсолнинг табиатини очишга хизмат қилдирилган. Романда бевосита тасвир йўқ даражада. Чунки киноявий ёндашув ҳамиша ёт назарни талаб этади. Асар бош қаҳрамони Лолахон ҳам фақат ўзгалар назари орқали кўрсатилади. У кўпроқ ҳикоячи бола, гоҳ романнинг бошқа персонажлари кўзи билан кўрилади. Бу услубий йўл Лолахонда ўз ҳаёти билан яшаш, ўз сезимларини билдириш имкони бўлмагани, у ўзгалар назари учун, ўзгалар хоҳлаганидай яшашга маҳкум этилганлигини бадиий ифода этишда қўл келган.

Роман қаҳрамони Лолахон – гўзаллиги ва мулойимлигини ҳисобга олмаганда, оддийгина одам. Унинг жисми ва руҳида ҳам ўзгалардаги сингари хоҳиш-истаклар бор. Лекин шахсий ҳаётнинг атай ижтимоий мақомга эга қилинганлиги, инсонлар орасидаги муносабатларнинг сунъий ва мантиққа зидлиги, бева қолган ёшгина аёлнинг табиий эҳтиёжлари ҳисобга олинмай, ўзгалар томонидан зўрлик билан садоқат тимсолига айлантирилгани уни халокатга олиб боради. Кўнгли ҳаёт ишқи ва яшаш завқига, жисми ёшига муносиб лаззатларга ташна бўлган гўзал бир жувон нодонларча қарор топдирилган сохта қадриятларнинг қурбонига айланиши асарда таъсирли кўрсатилган. Лолахон мақтанчоқ ва ёлғон обрўга ўч Ашир томонидан ўлдирилмаганда ҳам, у барибир бундай сохта ҳаётда, мунофиқ кишида узоқ яшай олмаслиги, фожиа ўзгача бир тарзда рўй бериши романда сезилиб туради. Асарда бўрлаб иазбудага айлантирилган ёш аёл қисмати мунгли бир қўшиқдай куйланган.

Асар билан танишиш жараёнида ўқувчи Лолахонни қишлоқнинг эркагу аёлига муҳтарам қилган омил нимада эканлиги ҳақида бош қотиради. Келинчакнинг одоби, самимияти асарда жуда нозик тасвир этилган. У бирорта фавқулодда иш кўрсатмайди. Фақат ҳар кимни борича қабул қилади, тўғри муносабатда бўлади. Келинчакдаги майин самимият, ҳатто, "бировга осонликча тишининг оқини кўрсатмайдиган Абдулла бадқовоқ"ни ҳам ром этиши асарда ишонарли жуда кўратилади: ***"Абдулла бадқовоқ... гўё устки кийимларини йўлакда қолдирадиган жанобдек, бутун кибру ҳавосию тунд башарасини бўсағадаёқ сидириб ташлаб, узоқ жим юрганидан дағал тортган товушда салом-аликни ҳам нася қилиб, "Бизнинг эрка келин қани?", "Қани, энажоним", – дея илжаярди"***. Шу ўринларда муаллиф одам кўнглини руҳшуносларга хос синчковлик билан нозик кўра олиш салоҳиятини намойиш этган.

Лолахоннинг хатти-ҳаракати, қилиқлари романда ғоят эсда қоларли ва ўзига хос йўсинда тасвир этилган. Чунончи, келинчакнинг Ўроқ ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни эшитгандаги ҳолати таъсирли ифодаланган: ***"Шу орада Лолахон янгамга кўзим тушиб қолди! У совуқ шамол учириб кетган хас каби титраб-қақшаб ошхона бўсағасида ўтирар, қоп-қора кўзларидаги жиққа-жиққа ёш қоп-қора косада қайнаб-тошаётган симобдай ёноқларига чилп-чилп оқиб тушарди"***.

Ҳикоячи Лолахоннинг ҳам одам эканлигини, унинг ҳам эл қатори ўйнаб-кулгиси, одамларнинг гапига қўшилгиси келишини сезиб туради. Буни асардаги: ***"Назаримда, мен ҳалигина Ҳасан-Ҳусанларнинг қийқиришиб ўйнашаётганларидан ичим қизиб, уйдан отилиб чиққанимдай, Лолахон келин ҳам хотинларнинг шўх-шодон ҳангомалари қулоғига чалиниб, икки-уч оғиз чув-чув-***

лашиш учун кириб келгандек эди" тарзидаги тасвирдан билиш мумкин. Лекин атрофдаги одамлар ёш беванинг ўзлари сингари одам эканлигини тан олмай, уни вафодор бева учун китобларда ишлаб чиқилган ахлоқий мезонлар билан яшашга мажбур этиши, бу иш улкан эҳтиром ва муҳаббат билан қилингани учун ҳам Лолахоннинг бўйсунишдан ўзга иложи қолмаслиги асарда таъсирли кўрсатилади.

Муллиф эл қатори жўнгина яшашни ўзларининггина ҳақи билиб, бошқага кўтариш мумкин бўлмаган юк ортишдан хижолат чекмайдиган кимсалар қиёфасини маҳорат билан тасвир этади. Одамга тилда қилинадиган ёлғон меҳрибонлик эмас, чинакам дардкашлик, кўнгил ва тан маҳрамлиги зарурлигини англамаслик келтирган андуҳ азоби роман замирига жойлагани қуйидаги тасвирдан яққол англашилади: *"Лолахон янгам қош-қабоқлари алланечук ясама қайғудан уюлиб, ўзига чинакам иззат-икромлар кўрсатганча тек қотган хотинларга хурка-хурка кўз ташлаб оларкан, гўё ана шу қош-қабоқлар уюмини ҳатлаб ўтолмаётгандай, калишини ечиб тўшамчига чиқишга ботинолмай турарди"*. Одамларнинг керагидан ортиқ жонга тегадиган, яшашга қўймайдиган меҳрибончилиги туфайли Лолахон тортган улкан руҳий азоблар асарда ғоят усталик билан кўрсатилган.

Ҳеч бир иложсиз қолган Лолахоннинг эндигина товуши дўриллаб бораётган ўспирин туйғуларига жавоб қилиши, унинг инжиқлигу эркаликларини кўтариб, ўзини чалғитишга уриниши романда жуда таъсирли тасвир этилади. Ёшгина бева аёлнинг ўспиринга: *"Сиз аразчисиз, ёлғончи, номардсиз..."* тарзидаги иддаоси туфайли унинг руҳиятида юз берган ғалаён романда: *"Мен унинг нозу тантиғликка лиммо-лим шикоятларини ажиб бир мусиқа тинглаётган шинавандадек жону дилим билан ютоқиб-ютоқиб, ҳузурланиб-ҳузурланиб*

эшитардим" тарзида ифода этилади. Лоланинг бу қилиқлари шунчаки ўспирин Самадни эркалашдан кўра, ўз вужудидаги сарфланмай ётган туйғулар жунбушини сиртга чиқаришга ўхшайди. Шу боис бу тасвирларни ўспириннинг болалик хаёллари эмас, буюк ва тенг бўлмаган муҳаббат чизгилари дейиш маъқулроқдир. Ботишда бу йўлда кўп ёзилади. Чунки уларда инсон ҳаёти ва руҳиятининг ҳар бир қирраси бадиий тадқиқ этилиши мумкин ҳамда зарур деб ҳисобланади. Бизда эса худди шу романда тасвирлангани каби ёлғон одоб сақланиши зарурлиги боис, инсон кўкайини ўртаб юборадиган, уни бир умр тарк этмайдиган, ўзгаларнингда тақдирига таъсир кўрсатган ҳолатлар ҳақида атай ёзилмайди. Шу тариқа инсон умрининг энг муҳим ва ҳал қилувчи босқичидаги бетакрор кўнгил жилвалари, юксалишу вайронликлар бадиий тадқиқ этилмайди.

Асарнинг диққатга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, у кўпчиликда қишлоқ аҳли, айниқса, унинг меҳнаткаш қатлами ёппасига ғоят содда ва самимий бўлади деган янглиш хаёлий-экзотик тасаввурга таҳрир киритади. Луқмон Бўрихон овлоқ қишлоқ одамларининг дунёдаги барча одамлар сингари хилма-хил: бирда қув, бирда довдир, бирда мунофиқ, бирда олижаноб кишилар эканлиги, уларни ёппасига содда ва самимий одамлар, деб қараш янглиш эканлигини асардаги тимсоллар тасвири асносида жуда ишонарли кўрсатади. Асарда оддий қишлоқ одамларининг ҳам мураккаб ва чигал табиатли шахслар эканлиги, ҳатто, Сафармурод чавандоз, Улаш агроном, Ашир, Тоғай тоға каби довдироқ тимсолларнинг ҳам, ўрни келса, шайтонга дарс бера оладиган шумликлари ғоят билгичлик билан кўрсатилган. Аширнинг чоғи келса, зўрлигини ишга солиши, чоғи келмайдиган пайтларда, ҳалок бўлган қаҳрамон акасини ўйлайвериб адои тамом бўлган жигар қиёфасига кириши, ўз ютқизиғини

ҳам ғалабага айлантирадиган даражадаги қувлиги, ҳатто мағлубиятидан ҳам шуҳратини ошириш йўлида фойдалана олиши, меҳмон қизларга ўзини кўрсатиш учун бор пулини сарфлаши, айни вақтда, ўғирлик қилишдан ҳам ҳазар қилмаслиги, унинг ҳар битта хатти-ҳаракати хўжакўрсинга, ўзгаларни қойил қолдиришга қаратилганлиги асарда ишонарли кўрсатиб берилган.

Асарда Ашир тимсолига катта эътибор берилгани, романнинг у ҳақдаги хабар билан бошланиб, ўша тўғридаги ахборот билан тугагани бежиз эмас. Чунки унда миллатга хос анчагина номатлуб белгилар намоён бўлади. Унинг хўжакўрсин ҳаёт тарзи, ёлғон фидойиликлари, бировлар учун қилинган сохта жасоратлар, ўзгалар назари учун ўз шахслигини ўзгартириб юборишгада тайёрлиги ана шундай жиҳатлардир. Романнинг қуйидаги ўринларида бу персонаж моҳияти тўла кўринади: *"Ашир... нақшинкор ханжарни боши узра аввал азот кўтарибди, сўнг эҳтиром билан лабларига босибди. Ҳовлидагилар аллақачон йиғи-сиғини бас қилиб, ғамбода аскар томон бақрайиб қолишган экан!*

– Эй, қавми қориндош!– дебди Ашир бўғиқ ва титроқли товушда.– Мен қасам ичдим! Эртами-кечми акажонимнинг қонини тўкканлар шу ханжардан ўлим топади. Акажонимнинг руҳи покини хўрлаганлар ҳам мендан омонлик кутмасин! Йигитлик қасамим шу!..." Ҳамма нарсани намойиш учун қиладиган, томоша кўрсатиб яшаган, кўрсатган томошаси ўзига ҳам, ўзгалар тақдирига ҳам тузалмас жароҳатлар етказган, аммо айни шу намойишкорлиги, сохталиги боис одамлар эҳтиромига сазовор бўлган бахтсиз ва шахсий қиёфадан маҳрум йигит тимсоли маҳорат билан кўрсатилган. Романнинг бошқа бир ўрнида осон шон-шуҳратга ўч Ашир ўзидан кучлироқ рақиб билан олишиб ундан йиқилганда, ўзини акасини ўйлаб ҳушидан кетган

қилиб кўрсатиши ҳолати асарда шундай акс эттирилади: *"Мен беихтиёр дўстларимдан кўзимни олиб қочдим. Қароқларим қоп-қора осмонга қадалди. Назаримда, қоп-қора осмонда ғуж-ғуж юлдузлармас, бир силтовда тиззалаб қолган Аширнинг кўзларидан сачраб кетган учқунлар айёрона жимирларди"*.

Аширнинг адиб томонидан турли ракурсларда тасвирланган хўжакўрсин ва сохталикка асосланган ҳаёт тарзи, ғалати шахсияти унинг қанчалар "содда ва самимий" эканлигини ортиқча изоҳларсиз ҳам кўрсатиб туради. Ёзувчи роман тимсоллари тасвирида одамнинг ўта мураккаб яратиқ эканлигини ҳамиша назарда тутади. Жумладан, қишлоқнинг "содда ва самимий" қизларидан бири Шабнам олдин Ўроқ, кейин Шербек билан висол лаззатларидан баҳраманд бўлади. Қизнинг ғалати табиати унинг мактубларини эгаларига етказиб турадиган Самад томонидан: *"Шербекнинг галдаги оташин мактубини чапдастлик билан Шабнамга етказгандим. Шу сабаб бўлса керак, у бутун томоша давомида, гўё, чўнтагига хат эмас, нақ Шербекнинг ўзини жойлаб олгандай, хотиржам сақич чайнаб, кунма-кун етилиб келаётган қад-қоматидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини истаётган каби экран ёруғига атай ўзини солиб, ўриндиққа ўтирмай тик турганди"* тарзида акс эттирилади.

Вақти келиб, Шабнамнинг Шербекни ҳам қўйиб, учинчи бир нотаниш йигитга турмушга чиқиб кетиши, шу ҳолига кайвонилик қилиб, яқиндагина ўзи искалашиб юрган Ўроқнинг беваси Лолага севги ва садоқат тимсоли сифатида топиниш одатини бошлаб бериши тоза кўнгилли ҳикоячи бола қалбида иштибоҳ уйғотади. Чинакамига яхши бўлиш эмас, балки бошқаларга яхши бўлиб кўриниш ғамини ейдиган, самимий бўлолмайдиган, бутун кучини

одамларда яхши таассурот қолдиришга сарфлайдиган мунофиқ кишиларга хос бу қадамларнинг бола кўнглидаги излари романда ишонарли акс эттирилган. Шабнам эр қилиб кетгач, Шербекнинг ҳеч қайғуриб ўтирмай, унинг синглиси Шабада билан "чин севги"ни давом эттиравергани боланинг тоза муҳаббат ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилади. Романда қишлоқ қизларининг китобларда тасвирланганидай содда ва алданган ожизалар тарзида эмас, балки севгини сақичдай алиштирувчи Шабнам тимсолида кўрсатилгани ҳаёт ҳақиқати нуқтаи назаридан ҳам, бадиий чинлик маъносида ҳам ўзини оқлаган.

Яратганнинг қудрати шундаки, ҳар бир одамни фақат ўзига тегишли мижозу феъл билан тақдирлаган. Шу боис бир хил ҳолат ҳаммада ҳар хил муносабат уйғотади. Ёш адиб бу ҳолни романда жуда катта маҳорат билан акс эттирган. Айни бир ҳолат ёки ҳодисага турли одамларнинг турлича муносабат билдиришилари, уларга кўрсатган таъсир ўзига хос бўлиши сабаблари жуда асосли ифода этилган. Асарда Сафармурод чавандоз билан Улаш аграномнинг қилмишларига аёллари муносабатининг: ***"Эрининг саёқ юришлари тўғрисида эшитган Тошбиби янга хаёлчан, бўшанг қиёфаси баттар паришонлашиб, гўё қизиқ бир чўпчак тинглагандай, шунчаки илжайиб қўйиб, қўни-қўшниларининг ҳафсаласини пир қилди. Бироқ шаддодгина Зумрад опа эса эри – аграном-шоирнинг ўрнига ҳам, икки ҳисса уят оловида қоврилиб: "Вой... ўлай, вой... шўрим қурсин", – дея кўз ёшга зўр берди"*** тарзида тасвирланиши улар табиатидаги ўзига хос жиҳатларини яққол намоён этган. Мана шу хилдаги тасвирлар туфайли роман бир зарб билан, бир оҳангда ёзилгандай таассурот уйғотади. Тўғри танланган киноявий оҳанг асарнинг кўповозли (полифоник) бўлишига монелик қилмаган. Яъни

асардаги қаҳрамонлар бир қиёфали эмас, уларнинг ҳар бири ҳам кутилмаган жиҳатлар, башорат қилиб бўлмайдиган тутумларга эгадир. Муаллиф персонажларини гўё бир мусиқа билан турли рақсларга ўйнатгандай, уларни киноявий йўсинда, кулгили ҳолатларда тасвирлагани ҳолда табиатларидаги фожиали қирраларини ҳам, жиддий ўйларини ҳам тўкис бера билган.

Романда тортинчоқ, бўшанг ўзбек аёлининг баланд инсоний сифатлари маҳорат билан тасвирланган: ***"...ўша кеч Сафармурод ака ҳам уйига дағдаға билан кириб борган экан! "Кетаман,– дебди у ҳам аллақачон бир уйқуни урган Тошбиби янгани аранг уйғотиб.– Шаҳарга кетаман... У ёқда эпподиром деган жойда чавандозлик қиламан, еганим олдимда, емаганим кетимда бўлади... Не-не бойваччаларнинг болалари мендай устозга зориқиб ўтирибди...". Эрининг дийдиёларини уйқусираб эшитган Тошбиби янга, "Ҳозир жўнайсизми?", – дея сўрабди хаёлчан бўшашиб. Чавандоз хотинининг муқаррар дод-вой солиб, "кетманг"лаб оёқлари остига йиқилишини кутган, шекилли, кутилмаган сўров анча-мунча ғулдиратиб қўйибди: "Йў-ўқ... ҳа... йўқ... умуман". Эридан аниқ-тиниқ жавоб ололмаса-да Тошбиби янга тағин ўсмоқчилаб сўрабди: "Қайси кийимларингизни тайёрлай?..."***. Мана шу суҳбатда ювош ва айни вақтда, мағрур ўзбек аёлининг қиёфаси яққол кўринади. Лекин у – ортидан кимларнидир эргаштирувчи, ҳаммани ўзи сингари бўлишга ундовчи замона қаҳрамони эмас, балки аждодларнинг қадимий туйғуларини ўзида сақлай олган бетакрор шахс.

Тошбиби янгаларга айнан ожизлик ярашади. Айни шу жиҳат уларни қудратли қилади. Бундай аёллар хўжаси билан масала талашмайди, бал-

ки итоатининг чексизлиги билан эрларни итоат қилдиради: *"–Ахир, бизни ташлаб шаҳарга кетаяпсиз-ку?! Довруғи достон бир чавандоз эрим бор эди, охири куни шаҳарлик байталларни минишга қолиб, ўзини шарманда қилди, бизни уятга қўйди, улоқиб шаҳарга кетиб қолди, деб эслаб юраман-да.*

–Тишлаб-тишлаб олаяпсан-а, Биби?!

–Йўқ, байтал тишлаган жойга туз сепаяпман..." Ҳеч қачон аччиқланмайдиган, мулойим табиатли Тошбибининг нишонга хатосиз урадиган бу гаплари ўзбек аёлининг дунёдаги ҳеч бир миллат аёлига ўхшамайдиган феълини кўрсатиши жиҳатидан ҳам, тилимизнинг ифода имкониятларини намойиш этиши жиҳатидан ҳам тенгсиздир.

Одам турли вазиятларда ўз менлигининг турли қирраларини кўрсатади. Романдаги асосий ҳикоячи Самад ҳам ўрнига қараб, ўқувчи кўз ўнгида гоҳ содда ва ишонувчан, гоҳ муғамбир ва қув ўсмир тарзида намоён бўлади. Боланинг янги келинчак Лолахонга ихтиёридан ташқарида, ўз-ўзидан тийиқсиз меҳр қўйгандаги ҳолати асарда ишонарли тасвирланади: *"Янгам бир қўли билан сочларимни силаганча юзимдан енгилгина ўпиб қўйди. Кўз олдим бир мастона чайқалиб кетди. Ҳовли... уй... ёнимдагилар бир лаҳза узо-о-оқ–узоқларга чекинди, Ўроқнинг ...жаврашлари олис-олислардан ғўнғиллаб эшитилгандай бўлди"*. Эртаклардагидай сирли ҳаётни орзу қиладиган ёшдаги Самаднинг юрагига тушган сеҳрли туйғунинг айни шу хилдаги тасвирланиши ўқувчини ишонтиради. Асарда кўнгли гўзалликка ташна, аммо тароватсиз шароитда яшашга маҳкум ўсмирнинг руҳий ҳолати ҳаққоний берилган. Лола келин Самаднинг эзгулик, муҳаббат ҳақидаги бола тасаввурининг моддийлашган кўриниши эди. Оламни қутқариши мумкин бўлган гўзалликнинг юқумлилиги, унинг ҳамиша индивидуал

табиатга эгалиги асарда ишонарли тасвир этилган. Бола шаҳарлик янгасини нега севиб қолгани сабабини билмайди. Бундай ҳолларда сабаб йўқлигининг ўзи ҳам сабабдир.

Самад Лолахон янгасини Ўроқнинг борида қанчалар яхши кўрган ва уни куёвидан қизғанган бўлса, эри ҳалок бўлгач ҳам шундай суйиши, ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган бу сирли туйғу сабаб тортган азоблар ўспиринга роҳат бериши романда жуда ишонарли кўрсатилган. Лолахон бева қолгач, янгасини ўз отасидан, қариндоши шоир Шунқор Ҳобилдан қизғаниши, бева аёлнинг уларга мойиллигини туйганда ўртаниблар кетиши ғоят таъсирли ифода этилган. Товонидан ўт чақнайдиган, тиниб-тинчимас, топқир болакайнинг умидсиз ва истиқболсиз севгиси кишида ғаройиб таассурот қолдиради. Лола Самад учун шунчаки гўзал бир аёл эмас, балки муҳаббатнинг, эзгуликнинг, олижаноблигининг тимсоли эди. Бола бу аёл тимсолида тенгсиз бир маънавий идеалини кўрди дейиш мумкин. Унинг Лолахон ўлдирилгач ҳам бунга ишонмай, унинг қайлардадир тирик юрганига умид боғлаши шундан далолатдир. Чунки умиднинг ўлиши, эзгуликнинг хазон бўлиши мумкин эмас.

Муаллифнинг маҳорати шундаки, у ҳикоячини фақат олижаноб, ўзгаларга яхшиликлар қилгувчи бола сифатида тасвирламайди: ***"Ўша баҳорнинг адоқларида Ўроқ, Шербек ва яна уч нафар тақирбош бирин-кетин жўнаб кетишган, ўринлари ҳувуллаб, не-не юракларга оғир бир ғашлик чўккан ўша дилгир кунлар, негадир менинг димоғим чоғ, вақтим хуш эди!"*** Бу тасвирда Самаднинг, ҳали англаб-англамай, ўзганинг бахтсизлигидан бахт топишга уриниши ҳаққоний акс эттирилган. Манфаати ўзганикига зид келган одамнинг чигал ҳолати жуда ишонарли тасвирланган. Ёзувчи Самаддаги ўзганинг қайғусидан ўзига қувонч топиш илинжи

анча чуқур илдизга эгалигини таъкидлаброқ баён этади. Бу ҳол ҳикоячи тимсолининг ҳаётийлигини оширишга, унинг бир томонлама чучмал, нуқул ижобий чиқиб қолмаслигига омил бўлади: *"...менинг кўнглимга қувонч қалдирғочи анча илгари... Ўроқ бир дунё ғам-ғуссага андармон турган пайт, сездирмай учиб кирган экан!"*

Тасвир ҳақиқати қаҳрамон табиати ҳақиқатини юзага чиқаради. Шунинг учун ҳам ўсмирликдан ўспиринликка ўтаётган Самаднинг ҳолати ўқувчига тушунарли ва юқумлидир. Йигитчанинг Лолахон уни ўпгандаги ҳолати тасвири ҳаққоний ва таъсирли экани билан эсда қолади: *"Мен ўтли ўпичданми ё ўпиш учун эгилган вужуднинг алланечук ширин ҳидиданми, ҳарқалай, маст эдим! Бутун борлиғимга ҳали менга нотаниш бир тотли титроқ инди.*

Негадир тобора торайиб бораётгандай туюлаётган шимимнинг почасини, кўйлагимнинг этагини, зимдан тортқилаб-тортқилаб кўйдим. Назаримда, хона, мен ўтирган стул оҳиста-оҳиста чайқалар эди.

Ҳа, ҳа, мен ҳаддимдан ошдим! Ўша ёзнинг ўша илк қайноқ кунларида илк марта қайноқ аёл кўлларидан ўпич олдим. Ҳа, ҳа, Лолахон янгамнинг лўппи, силлиқ кафтларига юз-кўзимни суртиб, лабларимни босдим. Йўқ, йўқ, мен бир парча оловга лаб қўйган эканман ўшанда. Ўшанда бир парча олов юз-кўзларимни куйдириб ўтди, бир парча олов бутун вужудимга қоришиб кетди. Шу-шу ўша ёз беаёв ёнишлар ичида қолдим". Бизнинг адабиётимизда ўсмир ё ўспириннинг бу хилдаги ҳолати тасвирланган асар шу кунгача йўқ эди. Чунки бизда шаклланган қарашларга кўра, бу хилдаги туйғуларни тасвирлашни маъқул эмасди. Лекин инсон ҳаётининг энг мураккаб босқичи бўлмиш бу даврда бундай туйғуга йўлиқмаган, унинг тотли

изтиробларини чекмаган одам кам бўлади. Буни бадиий тадқиқ этиш, унинг сирли ва тушунуксиз қирраларини тасвирлаш ҳам муҳим, ҳам ўта мушкул эди. Лукмон Бўрихон бунинг уддасидан чиқа олди.

Романнинг тасвир йўсинига доир асосий хусусият шундан иборатки, ҳар бир қаҳрамон ўз табиатига мос ўй ўйлайди, гап гапиради, иш қилади. Асарда қаҳрамонлар табиатига зарра қадар зуғум ўтказилмайди. Киноялн оҳанг персонажлар характери табиийлигини таъминлашда қўл келган. Адиб Ўроқ образи тасвирида ҳам тасвир маромини бузмайди. Романнинг бирор бир ўрнида Ўроқда алоҳидалик, фавқулоддалик борлигига ишора қилинмайди. Ўроқнинг ўқишга ҳаваси зўр эмас: ҳеч иккиланиб ўтирмай, кундузгидан сиртқи бўлимга ўтиб кетади. Билими ҳам кучли эмас: Чинор директорнинг шўрга қарши дори ҳақидаги саволига эплаб жавоб қилолмайди. Агрономликка ҳам астойдил меҳр қўймаган: ишига боришдан кўра, аёли ва ўғилчаси билан бўлишни яхшироқ кўради. Ҳарбийга бориб, қаҳрамонлик кўрсатиш хаёлида ҳам йўқ: хизматга бормаслик учун барча чораларни қилиб кўради. Ҳатто аскарликка юбормасликларини ўтиниб кўзёши тўккани сабаб туман ҳарбий комиссари уни жазолаб, атай нотинч жойга хизматга жўнатади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Ўроқ айни шу қўрқоқлиги сабаб қалтис жойга тушганидан қаҳрамонга айланади. Муаллиф қўрқоқдан қандай қилиб қаҳрамон чиққанини алоҳида тасвирламайди. Чунки инсоннинг ёзуғи унинг ўзига боғлиқ эмаслигини яхши англайди. Романда Ўроқнинг қай ҳолатда, нима учун ҳалок бўлгани ҳам аниқ кўрсатилмайди. Чунки асар учун Ўроқнинг қандай ҳалок бўлганлиги эмас, балки йигит ҳалокати тирик қолганлар тақдирига қандай таъсир кўрсатганлиги муҳим эди.

"Жазирамадаги одамлар" романи доим куюнчаклик қилиб юрадиган олимларимиздан бири

ҳозирги адабиёт олдига: *"Эл-юрт учун жонини фидо қиладиган, халқнинг оғирини елкасига оладиган фидойи қаҳрамонлар образи бугунги кунда яратилмаяпти ҳисоб... Ҳозир "айни вақтида яратилган" асарлар, "замонамиз қаҳрамони" образи етишмаяпти. Бугунги кунда кишиларга ибрат бўладиган, одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар жуда-жуда зарур"*, – деб қўйган талабларга ўзига хос жавоб бўлди. XX асрнинг бошларида пролетариатнинг "доҳийси" В. Ленин ёзувчи М. Горькийнинг "Она" романини "айни вақтида яратилган асар", – дея алқаганди. "Жазирамадаги одамлар" асари тўлиғича "одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар" ва қаҳрамонларга эргашишга шай турган оломон қисматини кўрсатишга бағишланган. Шу маънода, бу роман адабиётшунослар учун тадқиқ материалигина бўлиб қолмай, ўзига хос эстетик ёндашув улгиси ҳам дейиш мумкин.

Луқмон одамларнинг қандайдир адабий қаҳрамон ортидан қайсидир бир манзилгача эргашиб боришлари мумкинлигини тасаввур ҳам этолмайди. Одамларга бу хилда беписанд қараш инсонга мафкура ҳукмронлик қиладиган авторитар тузумлардагина мумкин эди. Бугунги кунда "замонамиз қаҳрамони" ҳақида гапириш анча ноқулай. Чунки бирор асардаги адабий қаҳрамоннинг ўз фикрига эга жонли одамга йўлбошчи бўлиши мумкинлигини тасаввур этиб бўлмайди.

Дидактик йўналишдаги асарларнинг прагматик мақсадларга хизмат қилиши мумкин эканини инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, ҳеч қайси замонда ҳам чин бадиий адабиёт инсонга қандай яшашни ўргатиш учун ёзилмайди. Замонамиз қаҳрамони тушунчасини илк бор қўллаган М. Лермонтов бизнинг замона шундайки, фақат ўзини ўйлайдиган, кўнгли тилаган нарсага эришиш учунгина яшайдиган худ-

бин ва мақсадсиз "ошиқча" кимсаларни қаҳрамон деб билади тарзида бу атамага киноявий маъно юклаганди. Ёзувчи замона қаҳрамони – Печориннинг ёлғиз ва бемақсадлигига алоҳида урғу берганди. Унинг на бир издоши, на бир дўсти бор эди. Уни хушламас ва унга эргашмас эдилар. Эргашгандада, ёвузлигию эзгулиги билан бетакрор бу шахсга етиб бўлмасди. Аслида ҳам қандайдир бир адабий персонажнинг замона қаҳрамони бўлиши мумкин эмас. Аввало, ҳар қандай образ – бадиий тўқима. Иккинчидан, одамлар кимга эргашсак тузук экан деб, шайланиб туришгани ҳам йўқ. Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти, кўзлаган марралари бор. Бинобарин, ҳеч бир одам бадиий персонажга эргашмайди. Кимгадир эргашиш юксалишнинг йўли бўлолмаслигини одамлар яхши билишади.

Асардаги асосий тимсоллардан бири – ҳикоячининг отаси Эргаш, роман персонажларидан бири айтмоқчи, "бутун одам". Унинг қандай одамлиги талабалигида домласининг ахлоқсизлигига исён сифатида ўқишни ташлаб келишиданоқ маълум бўлади. Эргаш дунёга очиқ кўз ва теран ўй билан қарайди. Шунинг учун ҳам бева қолган Лоланинг, аввало, одам эканлигини, ундан садоқат маъбудаси ясаш ўрнига, кечиктирмай турмушга бериш тўғрироқ бўлишини англайди. Одам кўнглини, унинг орзу ўйларини илғашга уринган боис бева аёлни қаҳрамон жангчининг садоқатли ёри тимсоли сифатида асрашдан кўра, Лолахон қалбидаги оддий туйғуларни ҳисобга олиш лозим деб билади.

Айни вақтда, ёзувчи сунъий равишда ундан одамийликнинг нуқсонсиз тимсолини ясашга уринмайди. Эргашни фазилату камчиликлари билан рўй-рост кўрсатишга интилади. Шу боис унинг директорни кўндириш эвазига ферма мудиридан қўчқор олиши, яширинча ерёнғоқ экиб, фойда кўриши, аёлларга муносабати, ичкиликка яқинлиги син-

гари жиҳатлар шу шахс табиатига хос қирралар экани кўрсатилган. Эргаш – ўз қарашларига эга шахс. У соғлом ва аниқ фикрлагани сабаб кам янглишади. Унинг бу хусусияти музей очишдан, мактабга Ўроқнинг номини бердириб, унга ҳайкал ўрнаттиришдан хўжалик етакчиси Чинор қандай мақсадни кўзлаганлигини аниқ билишида, бева Лолахоннинг истаги нимадалигини туйишида, Чинорнинг Қундуз муаллимага муносабатига берган баҳосида, чўлнинг келажаги борасидаги гапларида яққол намоён бўлади.

Асарда меҳнаткаш, тўғри, лекин бир қадар довдир, лақма Сафармурод чавандоз тимсоли ҳам ўта жонли ва таъсирчан ишланган. Чавандознинг ҳамиша жўралар кулгисига сабаб бўладиган ҳовликмалиги, доим чув тушиб юриши, айни вақтда, ўзини дўстлари: Эргаш мироб билан Чинор директордан асло кам санамаслиги, вақти келса, уларга дашном беришга уриниши романда бу персонажнинг тийнатини намоён этувчи хусусият сифатида ишонарли тасвир этилган. Романда отсиз чавандознинг ўзига кераксиз қамчисини музейга беришни истамаслиги, не бир қистовлар билан бергандан кейин яна қайтариб олиши каби ўринларда Сафармурод чавандоз табиати яхши очилган. Чунки ўзбек эркаги бош кийим, қурол-аслаҳа ва от абзални бировга бергиси келмайди.

Асарнинг киноявий йўналиши худди тақдирнинг пичинги сингари оқсоқ директорнинг Чинор деб аталиши, оғзидан от тушмайдиган, номига "чавандоз" сўзи қўшиб айтиладиган Сафамуродда отнинг йўқлиги, хўжаликдаги имони бутун ёлғизгина шахс Абдулла бадқавоқнинг ҳеч кимга ёқмаслиги, орсиз ва сохтакор Аширнинг қишлоқ ор-номуси ҳисобланиши, уч йигитнинг ўртасида эрмак бўлган Шабнамнинг эл-юрт олдида, олдинги "севгилиси" Ўроқ ҳайкали қошида, унинг бахтсиз беваси Лолахонга

садоқат аёл бўлиш ҳақида қасам ичиши каби лавҳалар тасвирида тўла намоён бўлади.

Луқмон асарда устомон ва доғули сохтакор кимсаларнинг эл-юрт "виждони"га айланиши билан Абдулла бадқавоқ сингари асл кишиларнинг қадр топмаслиги, кўпчилик унинг шахсини баҳолай оладиган даражага етмаганлигини улкан бир маҳзунлик билан акс эттиради. Чунки Абдулла ҳеч нарсани киши кўрсин учун қилмайди. Ҳар бир айтган гапи ва босган қадами ички мантиққа, соғлом фикрга, имону инсофга таянган бўлади. Ишнинг кўзини билгани, тиниб-тинчимагани учун тўқ яшайди. Тўқ яшагани, бировга қарам бўлмагани учун ўзини ҳурмат қилади. Ўзини ҳурмат қилган ва ҳаммага ўхшамаганларни эса, ўша "ҳамма" уни ёқтирмайди.

Адиб қаёққадир кетгани боис Ўроқни кўмиш маросимига кечикиб келган Абдуллага қишлоқ аҳлининг муносабати тасвири орқали "ҳамма"нинг руҳиятини усталик билан ифодалаган: ***"Барча унинг қиёфасида удумларга нописанд калондимоғни, меҳр-оқибатсиз қариндошни кўрар, бундан беҳад ғазабланишар, тажанглашар эди. Ҳамманинг назарида Абдулла бадқовоқ ўша машъум кунда атайин кечикиб келганди, кечиккани гўргаку-я, атайин ўз жигарини бўзлаб йўқламаганди, бўзламагани гўргаку-я, атайин пиёзнинг даромадини санаш дардида уйига чопқиллаганди, чопқиллагани гўргаку-я, қариндошларнинг қистовидан жаҳли чиқиб, машинасини атайин туман марказига елдириб кетганди, елдириб кетгани гўргаку-я, атайин ҳарбий комиссариат Аширни чақириш илтимосини рад этди, дея ўзича баҳона тўқиб келганди. Хуллас ҳамманинг назарида Абдулла ака ичи қора, манман, турқи совуқ нусха эди!"*** Мана шу ўринларда кўпчиликнинг фикри одам ҳақидаги ҳақиқатни ифода этолмасиги тўлатўкис намоён бўлади. Бу одамнинг ўзгаларга ўхша-

майдиган самимий инсонлиги қуйидаги тасвирдан кўринади: *"...ўшанда Абдулла ака дарвоза ёнида гўё бировникига киришга чўчиётган бегона каби хийла вақт саросималаниб қолган, жиққа-жиққа ёш айланаётган кўзлари чала эриган муз парчаларидай хира ва совуқ йилтиллаганча оёқлари остига қадалганди"*. Адиб жигарининг ўлими маросимига кириб келаётган Абдулла руҳиятини усталик билан ифодалаган. Асарда ёзувчининг одам психологиясини яхши билиши кўриниб туради. У ким қайси жиҳати билан кўрсатилса, табиати тўла намоён бўлишини аниқ тасаввур қилади. Абдулла ака сингари кўнгил ва ақл киши аза ва тўй каби стандартга туширилган маросимларда қийналади. Чунки у стандартга тушолмайди, бирор ҳаракатни хўжакўрсин учун қилолмайди. Бир умр ўзгалар кўзи учун яшаб юрган кишиларга қолипга тушиб қолган ишларни қилиш осон, носатандарт тутумли кишиларнинг ҳолати эса тушунарсиз. Абдулла бадқовоқ одам бировлар назари учун яшамаслиги керак деб ҳисоблайди. Аммо ўзбекнинг маиший ахлоқи ва турмуш тарзи ҳар бир одамдан унга ҳеч қачон қаноту қуйруқ бўлмайдиган кимсалар кўзи учун яшашни талаб қилади.

Романда Абдулланинг ўғли ҳалок бўлган акаси Файзулла билан кўришуви саҳнаси билгичлик билан ёзилган. Абдулланинг ўкириб йиғламаганида, ўкиролмаганида бировга ўхшамаган шахснинг ўкириги яшириниб ётибди: *"У ниҳоят кўрдай пайпасланиб ичкари кирди ва довдирай-довдирай чорпоя томон, қорасатин тўни устидан қўш белбоғ боғлаб, бир неча яқинлари қуршовида таёқ суянганча турган оғаси ёққа юринди. Файзулла ака эртадан бери бўзлай-бўзлай чарчаб қолганиданми, ё укасининг урф-одатларни ошкора бузганидан хафа бўлдими, ишқилиб шилқ-шилқ бурун тортганича истамайгина ўзини жига-*

рининг бағрига берди. Абдулла бадқовоқ эса уни минг йиллар кўрмай соғинган сингари маҳкам қучоқлаб олди, шундагина гўё қаттиқ сиқувдан жон жойи жазиллагандай Файзулла ака, чинакамига бўғиқ товушда ҳўнграб юборди. Абдулла бадқовоқ акасини бағрига баттар босган кўйи шафтоли данагидай бўртиб чиққан кекирдагини ғилт-ғилт ўйноқлатиб, қачондан бери нақ бўғзигача бостириб келган, теваракдагилар қачондан бери отилиб чиқишини илҳақ-илҳақ кутиб ётган ўкирикни, негадир зўр базўр, изига қайтарарди". Бир қараганда, жўнгина бу тасвир катта юк бадиий ташиб, ўта салмоқли эстетик вазифа бажарган. У Абдулла шахсиятига хос жиҳатларни кўрсатиш билан бир вақтда унинг атрофидаги томошаталаблар табиатини ҳам намоён қилган.

Асарда катта-кичик ҳар бир тимсол ўзига яраша бадиий юк ташийди. Ўроқнинг онаси Хосият опанинг турли вазиятлардаги ҳолати тасвири кишида кучли қизиқиш уйғотади. Қишлоқнинг соддагина аёли фарзандларининг бахти кулган кунлари гулдай очилиб, яшариб кетганлиги, шаҳарча шевада гапира бошлагани, ўғли ҳалок бўлган кунларда эсидан айрилгандай бўлиб қолиши ҳолатлари жуда ишонарли ва таъсирли тасвир этилган.

Ҳеч бир жиҳати билан ўзгалардан ажралиб турмайдиган, имкон қадар кўзга ташланмасликка интиладиган Файзулла ака руҳиятидаги ботиний ва зоҳирий эврилишлар романда жуда моддий қилиб кўрсатилган. Омадёрлик, хотиржамлик, ўзига ишонч кишини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлиги асарда ўзининг гўзал ифодасини топган. Бўшашибгина юрадиган Файзулла аканинг вақти келиб маъшуқа орттирадиган даражада ўзгариши романда киноя пичинг билан жуда таъсирли акс эттирилган.

Ажабланарлиси шундаки, ўзгаларнинг ҳолатини тушунишга ожиз одамлар ўзлари ҳақида астойдил қайғуришади. Шунинг учун ҳам ёш Лолахонни тур-

мушга бериш ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамаган Файзулла ака Хосият опанинг ўлимидан сўнг ҳеч бир хижолат чекмай уйланиши тасвири унинг характер хусусиятига мосдир. Романда шу тахлит фақат ўзига қулай бўлишинигина ўйлайдиган, ўзгалар ҳолатини туя олмайдиган кимсалар руҳияти яхши тасвирланган. Ёзувчининг ютуғи шундаки, у бундай кишиларнинг хатти-ҳаракатига баҳо бермайди, улардан ёзғирмайди ёки маломат қилмайди. Бу орқали ўз қарашларини ўқувчиларга тиқиштирмайди.

Одатда, жабр тортган кишилар тасвирида майин ранглардан кўп фойдаланиларди. Чунки ҳар бир одам тортаётган жабрининг ўзи биланоқ бошқаларни ҳамдардга айлантиради. Миллий адабиётимизда чуқур илдиз отган шу анъанани Луқмон илк бор бузишга журъат этади. У улкан бахтсизлик комига тушган Хосият опани ҳам, Файзулла акани ҳам табиатига мос тарздагина кўрсатиш йўлидан боради. Тақдирнинг кутилмаган сийловига ҳам, ногоҳ синовига ҳам дуч келган бу кишиларнинг Лолахон ҳолатини тушунадиган даражада сезгир, унинг табиий истакларига майл билдира оладиган даражада инсофли эмасликлари асарда борича кўрсатилади.

Файзулла аканинг одамни тушунмаслиги ва танимаслиги романда бир-икки лавҳада маҳорат билан чизилади. Файзулла аканинг одам танимаслиги Лолахоннинг ***"...қориндор, сергўшт қошу қабоғи орасида кўмилиб кетган кўзлари туссиз, оппоқ, сийрак сочли хум калласига омонатгина дўппи илган, олтмиш ёшлар атрофидаги"*** ўгай отасига муносабатида яққол кўринади: ***"Ўшанда Файзулла ака, энг яқин, энг сирдош биродарига ҳасрат қилгандай негадир қудасининг қучоғига ҳўнграб отилганди. У ҳатто ўз туғишган иниси Абдулла бадқовоқнингда бағрига бунчалар жонсараклик билан ташланмаганди"***. Мана шу парча билвоси-

та тасвир усулининг энг самарли кўринишларидандир. Ўгай отанинг қандай одам экани ўқувчига Лолахонга онаси ёзган хат орқали маълум эди. Ёмони шундаки, шундайлар кўпчиликнинг меҳрини осон қозонишади. Ўкириб "йиғлагани" сабаб кўпчилик бу туссиз кимсани Абдулла бадковоқдан афзал кўради. Ёзувчи жуда кичик бир детал ёрдамида "одамгарчилиги зўр" ўгай отанинг асл қиёфасини очолган. У шундай қиёмат бир шароитда уйидан ёнига қора чой ва шоколад солиб олишни унутмаган. Демак, куёвининг ўлими уни мутлақо безовта қилмаган.

Бадиий ҳақиқат кўпинча ҳаёт ҳақиқатидан кучлироқ бўлади. Қандолатлар ғоят камёб муҳитда ўсган қишлоқ боласи Самад Лолахоннинг ўгай отаси берган конфетни еёлмагани тасвирида рамзий маъно бор. Чунки шундай хабарни эшитгандан сўнг чой, конфет сингари кўнгил эрмаклари бўлмиш кераксиз нарсаларни ғамлашни ўйлай олган одам берган нарсани еса, ўқувчининг Самад ҳақидаги тасаввури хиралашган бўларди. Аммо бола сифатида ҳикоячи шоколаддан юз ўгиролмасди ҳам. Ёзувчи бу ҳолатдан чиқишнинг энг тўғри йўлини топган: ҳикоячининг Лола билан онаси суҳбатини яширинча тинглаётиб шоколадни эритиб қўйиши уни ўқувчининг номарғуб муносабатидан қутқариб қолади.

Асарнинг бош концепцияси романдан олинган қуйидаги парчада акс этган дейиш мумкин. "***– Нега ўйинни буздинг? Сен қаҳрамонларча ўлишинг керак эди-ку?!– дея алам билан қичқирдим мен.***

– Ўлишни хоҳламайман, – деб тўнғиллади Тўлқин хаёлчан хас чайнаркан.– Қаҳрамон бўлиб, орден-медаллар тақиб уйга қайтишни истайман...

Алам ўтида қоврилаётган Ҳужжатуллахон ҳам киноялиҳиринглади:

– Ай... ай... Яна нимани хоҳлайдилар?

– Яна... мени қаноргатиқиб ўзларинг тушликни поққос туширишларингни хоҳламайман...

– Қаҳрамон бўлгандан кейин чидайсан-да,– дея чинқирди Дурбек.

Тўлқин ҳамон хаёлчан хас чайнаган куйи тўнғиллади:

– Менга унақа қаҳрамонлик керакмас.

– Яна нима хоҳлайдилар?– деб тағин киноялиҳирингладиХужжатуллохон.

Тўлқин ўтирган жойига чалқанча ётди-да, гўё илиқ ҳавони қучаётгандай қулочларини кенг ёйиб ҳайқирди:

– Абдулла акадай бой, зўр одам бўлмоқчиман!"

Тўлқиннинг болаларча иқрорида романнинг мағзи акс этган. Ҳа, чиндан ҳам чинакам одам қаҳрамонларча ўлишга эмас, қаҳрамонларча яшашга, яшаганда ҳам оёқни зўрға судраб хору зор бўлиб эмас, балки Абдулладай тўлиб-тошиб, зорликни билмай, инсонларча ҳаёт кечиришга лойиқ.

Адабиётдан ҳам, адибдан ҳам одамни фидо бўлувчи, қурбон тарзида кўрсатишни талаб қилавермай, бу дунёда яйраб яшай оладиган кишиларни тасвирлаш имконини бериш керак. Бирор бир одамдан юксак идеаллар учун фидо бўлишни талаб этиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Ватан шу ватанда яшаётган кишилардан азиз бўлмаслиги, бу икки тушунча бир-бирига қарши қўйилмаслиги, қаҳрамонлик фидо бўлиш билан ёндош тасаввур этилмаслиги лозим. Ватан ўғлонлари унинг учун ўлиш эмас, балки яшашлари зарурлигини тасвирлаш пайти етди.

Олдинлари алоҳида бир одамнинг кўпчиликка муносиб бўлиши кераклигига урғу берилар ва ҳамиша кўпчилик қандайдир юксакликда тасаввур этиларди. "Жазирамадаги одамлар" романида миллий адабиётимизда илк бор кўпчилик ҳам алоҳида бир инсонни тушунишга уриниши лозимлиги тасвирланган. Бу ҳол одатий ёндашув тарзини бузиб, руҳий қадриятлар тизимига ўзгаришлар киритган. Одам

ва унинг қадри ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаган қуйидаги лавҳада кўпчиликнинг руҳияти ва моҳияти яхши акс этган дейиш мумкин: *"Базм дастурхонига қараб бўлмасди. Ивирсиб ётган бўш шишалар, идиш-товоқлар, томган-тўкилган овқат қолдиқларию мева-чева пўчоқлари кўнгилларни беҳузур қиларди. Кимдир папирос қолдиғини чайқала-чайқала ҳозиргина емак еган идиши ичига босиб ўчирар, тағин аллаким носвой юқи теккан лаб-лунжини энгашганча дастурхонга ишқалаб артар, ҳувв, томошалар бошида ўйинчи қизга "бир ойлик насибаси"ни қистириб юборган ўша йўғон нусха стол тагига энгашганча қусиб ётарди"*. Бу шафқатсиз тасвирда кўпчиликнинг ҳолати, унинг маънавий тубанлашуви қай даражага етиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кўпчиликнинг ҳақ ёки ноҳақликни баҳолашга ожизлиги роман якунида яққол акс этган. Омма учун моҳият эмас, балки ташқи жиҳат муҳимлиги Аширнинг қилмиши ва Лолахон ҳалокатига муносабатда аниқ кўзга ташланади. Умрини томоша кўрсатишга, сохта обрў орттиришга, намойишкорона яшашга бағишлаган, бадмаст чиранчоқлиги туфайли бегуноҳ Лоланинг ўлимига сабаб бўлган Ашир қишлоқдошлари назарида оила номусининг фидойи қўриқчисига айланади. Бутун бошли қишлоқ аҳли Аширнинг муғамбирлигини, сохтакорлигини пайқамайди. Ўз томошаларининг қурбонига айланган йигит кўпчилик деб аталмиш тўданинг истакларига қул бўлиб ҳам ўз умрини, ҳам айбсиз Лолахон ҳаётини хазон қилади. Асарда мана шу ҳолат тагида улкан андуҳ яширинган киноя билан ифода этилади: *"Ўша тун Аширнинг қўлига кишан солинса-да, бироқ довруғи, шон-шуҳрати озод ва эркин қолган экан! Эл-улус ҳануз-ҳануз уни ор-номус ҳимоячиси тимсолида улуғлашар, оила шаъни учун, марҳум акасининг пок хотираси учун ўзини ба-*

лоларга мағрур ва мардона йўлиқтиргани ҳақида мутаассир бўлиб гапиришаркан".

Кўпчиликнинг оломонлиги шундаки, кечагина соясига салом бериб, олдида кулиб гапириш ноқулай деб ҳисоблаганлари бегуноҳ Лолахонни бемалол бузуққа чиқаришади: *"Улар олис шаҳардан пайт пойлаб келган аллақандай ўйнаши билан Лолахон хашак ғарами устида айни ялаб-юлқашаётган пайт қўққис Ашир полвон сезиб қолгани ҳақида, номард эркакнинг девор оша қочганию қасоскор кўл орқасидан отган паншаха хиёнаткор урғочига санчилгани ҳақида... теша тегмаган миш-мишларни тўқиб чиқаришган экан. "Ҳақ рост, ҳақ рост,– дермиш улар бир-бирига гап маъқуллатиб.– Осмонда паристалар бор. Ана шу паристаларнинг каромати билан бошқа бировга отилган паншаха бурилибгина анови ер юткурнинг қорнига қадалган-да! Худойжоннинг ўзи қилмишига яраша жазолаган-да, қора босгурни..."*

Романда асл билан сохтанинг фарқига бормагани ҳолда қозилик қилишни хуш кўрадиган оломон қиёфаси киноялй йўсинда беқиёс улкан изтироб билан тасвирланган. Оломоннинг беқарор ва бетайинлиги асар сўнгида қамоқдан қайтган Аширнинг айнан уни бир замонлар кўтар-кўтар қилиб, қишлоқнинг "виждони" даражасига чиқарган Сафармурод чавандозга йўлиққани ва унинг ўз "кумир"ини танимаслиги тасвирида яна бир марта кўрсатилган.

Асарда инсон руҳияти маҳорат билан акс эттирилган. Ўроқнинг тобути келтирилган вақтда *"Файзулла ака ва Хосият холаларнинг ўққа учган мусичалардек илкис чайқалиб темир тобут устига қулаш"*лари, Файзулла аканинг *"...ич-ичини қўпориб келаётган ўкирикни қувиб чиқаролмаётгандек юз-кўзлари тириша-буриша ўзини отиб ерга ур"*иши, *"...унинг каппа-каппа очила-*

ётган оғзидан на ингроқ, на қичқириққа ўхшаш "А-а... у-у-увв... а-а...!", – деган товуш чиқиши, умрида бировнинг юзига тик қарамаган Хосият опанинг: ***"А-а-ай,– дея ўкирди у масъул ходимнинг оппоқ ёқаларига беаёв чанг соларкан.– Сен боламни топиб бер! Мунча Ватанлаб қолдинг, нега ўзинг ўлмайсан Ватан учун... Нималар деб валдираяпсан-а?! Болажоним ҳали ўзининг уйини ҳам тузук танимасди, а, қанақа Ватан?! Сенлар бошига етдилари-и-инг..."***, – дейиши инсон руҳиятидаги кутилмаган бурилишларни акс эттириши жиҳатидан тенгсиз чизгилардир.

Фарзанди ўлганига ҳануз ишонмай юрган Хосият опанинг мактаб ҳовлисига Ўроқнинг бюсти ўрнатилганини кўриб: ***"Ахх, сизла-ар,– деб пичирлади у қуруқшоқ лабларини қимтиб-қимтиб.– Охири... боламнинг бошини опкелдингиз-а-а..."***, – дейишида она руҳиятидаги энг нозик сезимлар маҳорат билан ифодалангани кўринади. Романда онанинг ўғли ҳалокатига ишонмаслиги жуда ишонарли тасвирланган. Умидвор она шундай ўйлайди. Унга ўғлининг қаҳрамонларча ҳалок бўлганидан қочоқ бўлса-да, тирик юриши афзалдир.

Романда пейзаждан ғоят усталик билан фойдаланилган. Ф. Ницшенинг: ***"Дунёда нарсалар ҳақидаги тасаввурлардан бошқа ҳеч нарса йўқ"***, – деган фикри ҳақ эканлиги ушбу романда яққол намоён бўлган. Айни бир ҳолат ҳикоячи шахснинг кайфиятига қараб тамомила қарама-қарши таассурот уйғотади. Ҳикоячи Самадга аммаси бир лавҳанинг ўзида гоҳ олижаноб ва ёқимли, гоҳ ялмоғиз ва ёсуман бўлиб кўринади. Дунёда тасаввурлардан бўлак нарса йўқлиги Лолахоннинг буқа таҳдидидан чўчиб, ўзини беихтиёр Эргашнинг бағрига отгани ва бундан роҳатланганини кўрган ҳикоячи ҳолати мисолида ҳам кўриш мумкин: ***"Муздек шамол қўл-оёқларимдан силтаб-силтаб тортқилаб ўзи билан***

тентишга ундагандай бўларди. Тунд, бадқовоқ осмонга, баҳайбат буқалардек судракланаётган булутларга қараб, узо-о-оқ–узоқ увуллагим келарди тарзида ифода этилади.

Иложсиз ўспиринга осмон бадқовоқ, булутлар ҳозиргина Лолахонни отаси бағрига отилишга мажбур этган буқалардек баҳайбат ва бадбашара кўриниши, унинг ожизликдан увлашга тайёрлиги асарда жуда ишонарли кўрсатилган. Муаллиф табиатни катта маҳорат билан тасвирлар экан, ундан персонажлар руҳий ҳолатини ифодалашда усталик билан фойдаланади: ***"Жазирама тобора забтига оларди. Қуюқ япроқлари қораймтир тусга кирган дов-дарахтлар ҳам лоҳас мудраётгандек эди. Аллақайдадир зериккан мусича "ку-ку-ку"лаб ўз жуфтини чорларди"***. Мусичанинг оддий эмас, балки "зериккан" экани, "жуфтини чорлаши" ёлғизлик, ёлғонлар, зуғумлар, тушунмасликлардан зериккан бева аёл ҳолатига уйғун келади. Кичкинагина бир тамсил тимсолнинг моҳиятини очишга катта хизмат қилади.

Пейзаждан ўринли фойдаланиш асарнинг ўқишлилигини оширган. Асосан, тафсилотларга, воқеалар ривожидаги ички шиддатга таянадиган романга бу хил тасвир тоза руҳ, енгил ҳаётий эпкин олиб киради. Айни вақтда, кейинги тасвирларга сабаб, олдингиларига оқибат вазифасини бажаради. Луқмон тимсоллар ҳолатини табиат манзараси билан уйғун беришни хуш кўради. У одам хуш кайфиятда бўлса, олам унга гўзал кўринишини, нохуш бўлса, қизғалдоқ ҳам тикандай туюлишини жуда ишонарли тасвирлайди: ***"Ўша йили қиш анчайин совуқ ва серёғин келди. Посёлкамиз кулранг бир туман ичида ҳорғин ва ўйчан бўзарганди"***.

Луқмон Бўрихон романда шевадаги сўзлардан ҳам ўринли фойдаланган. Бу асар туфайли адабий тил юртимизнинг айрим минтақаларида қадим-

дан ишлатилиб келинган **"яшовраб"**, **"сирри"**, **"зарилман"**, **"ҳовор"**, **"қўшхона"**, **"тизинглаш"**, **"қашшанг"** **"сўнариб"**, **"кўлик"**, **"боди"**, **"бодичилик"**, **"кайпанг"**, **"гурри"**, **"гапчиноз"**, **"қашқатаёқ"**, **"ўр"** каби сўзлар билан бойиди. Асарда улар персонажларнинг айни ҳолатдаги руҳиятини аниқ ифода этишга хизмат қилган.

Ҳар қандай катта ишда бўлгани каби завқ билан ёзилган ушбу романда ҳам айрим камчиликлар учрайди. Чунончи, ёзувчи ўзи хуш кўрган "яшовраган", "туйқус" каби сўзларни ўринли-ўринсиз қўллайверади. Айрим муваффақиятли ташбиҳлар ҳам қайта-қайта ишлатилаверади. Шунингдек, "айвон" маъносида **"тераска"**, "лат еган" маъносида **"латланган"** сўзларини қўллаш ҳам унчалик ўринли бўлмаган. Сафармурод чавандознинг довдирлиги тасвирида ҳам мантиқ бузилиши ҳоллари учрайди.

Фақат жисмигина эмас, балки кўнгли ва фикри ҳам жазирамада қолиб жизғанак бўлган бир қишлоқ кишилари мисолида миллат турмуш тарзи ва миллий руҳиятдаги камчиликлар киноявий йўсинда акс эттирилган романнинг: ***"Ишқилиб шу тонг, шу оппоқ, бокира тонг чин бўлсин..."*** тарзида тугалланишида эзгуликка умид, инсон табиатининг тозарувига ишонч бор. Нурсиз ва заволли ҳаёт ҳақида ички бир қаноат билан ёзилган бу ёруғ асарда эртанги кунга умид сезилиб туради. Чунки ундаги киноя масхаралашга эмас, балки тозартиришга йўналтирилгандир.

2004 йил 12 октябр

МОҲИЯТ РЕАЛЛИГИ ИФОДАСИ

Романлар тасвир йўсинига кўра, очиқ ва ёпиқ сингари икки катта турга бўлинади. Очиқ ёки экстенсив романларда одамнинг тақдири, хатти-ҳаракатлари, фаолияти ижтимоий турмуш билан алоқадорликда, унинг оқибати ўлароқ бадиий детерменизм қоидаларига мувофиқ тасвир этилади. Бундай романларда одамнинг ижтимоий мавжудотлигига кўпроқ эътибор қаратилиб, унинг тақдири, кечинма ва ўйлари ижтимоий моҳиятининг иловаси сифатида кўрсатилади. Айни вақтда, алоҳида бир одамнинг ҳаёти, ўйлари, изтироблари, кечинмаларига чуқур эътибор бериладиган, ана шу шахсиятнинг ички жиҳатларини акс эттиришни тасвир фокусига олган ёпиқ ёхуд интенсив романлар ҳам мавжуд.

Инсон руҳиятининг ўзи улкан олам эканлиги англаб етилгач ва руҳиятни акс эттириш усуллари эгалланган, ўзида ҳам экстенсив, ҳам интенсив роман хусусиятларини мужассамлаштирган асарлар вужудга келди. Яъни романчи асарида одамнинг ижтимоий қимматини унинг руҳияти, ички дунёси ва ўйларининг бадиий манзарасини чизиш орқали кўрсатадиган бўлди. Бир романда бу икки хусусиятнинг аралаш қўлланилиши дунё адабиётида кенг ёйилиб, бадийяти юксак қатор асарларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Кейинги вақтда ўзбек адабиётида ҳам очиқ ва ёпиқ романларга хос қирралар бирваракайига намоён бўлган асарлар кўпайиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Қатор битиклари билан китобхонлар эътиборини қозонган ёзувчи Асад Дилмуроднинг "Паҳлавон Муҳаммад" романи ана шу икки жиҳатни умумлаштирган асар экани билан диққатни

тортади. *"Маълумки, бадиий асар мазмуни кўп қатламли ҳодиса бўлиб, улардан иккитаси – актуал ва туб эстетик қатламлар универсал характерга эга,* – деб ёзади таниқли адабиётшунос Дилмурод Қуронов. – *Актуал қатлам дейилганда асарнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти тушуниладики, у бевосита асар яратилган даврнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларига қаритилади. Туб эстетик қатлам эса асар яратилган давргагина қаратилган эмас – у давр контекстидан айро ҳолда ҳам тушунилаверади. Одатда, актуал қатлам юзада бўлади, шу боис ҳам баъзан асар яратилган даврда ўқувчиларнинг туб эстетик қатламни илғаб олишларига, уни муносиб баҳолай олишларига халал бериши ҳам мумкин".* Ушбу романнинг моҳиятидаги олим айтган долзарб қатлам кўзга яққол ташланиб турмайди. Дабдурустдан, бу китобнинг нима учун ёзилганлигини англаб олиш анчагина мушкул туюлади. Чунки муаллиф асарида узоқ тарихда яшаб ўтган инсоннинг бошидан ўтганларни ҳикоя қилиш орқали бугунги одамларнинг маънавий дунёсига назар ташлашга уринган. Кўриниб турганидек, роман тарих мавзусида. Лекин ёзувчини ўтмиш эмас, бугун, аждодлар эмас, чоғдошлар кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун ҳам кўлимиздаги китобни "тарихий" аниқловчиси билан зийнатлашга шошилмаган маъқулдай туюлади.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ҳозир тарихга эстетик муносабат тарзи ҳам муайян эврилиш жараёнини бошидан кечираётир. Чунончи, бир замонлар тарихий мавзудаги асарлар учун ўтмишда нима бўлганлигини тасвирлашнинг ўзи муҳим ҳисобланган бўлса, эндиликда ўтмишдаги бўлмишлар инсон сезимларида қандай из қолдирганлигини кўрсатиш заруррок саналади. Шу маънода, адабиётшунос А. Алимбековнинг: *"Тарихий сиймоларга бир инсон сифатида қараш, уларнинг кўнгил эврилишла-*

рини беришга ҳаракат қилиш ижобийдир"[1], – деган фикри диққатга лойиқ.

"Паҳлавон Муҳаммад" романи тарих ва тарихдаги шахсларга янгича ёндашиш маҳсули эканлиги, унда одам тарихга қилинган илова эмас, балки ўз қисматини ўз шаънига яраша ўташи мумкин бўлган яратиқ сифатида кўрсатилгани билан эътиборни тортади. Яъни бу асарда тарих воситасида одам эмас, балки одам орқали тарих акс эттирилади. Яна ҳам аниқроқ айтиладиган бўлса, ёзувчи учун ҳаётнинг реаллиги эмас, балки маънавий моҳиятнинг реаллиги муҳимроқ саналади. Боисики, адиб ўз романида тасвирга олинган ҳар бир тимсолнинг маънавий дунёси моҳиятини акс эттиришга, ички олами шундайлигининг сабабини англатишга эътибор қаратади.

Замондошлари томонидан битилган қайдлар Паҳлавон Муҳаммаднинг шахсияти тўғрисида муайян тасаввур беради. Биргина Алишер Навоий уни тўрт асарида тилга олади. Чунончи, "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарини улуғ курашчи, сўфий ва шоир Паҳлавон Муҳаммаднинг вафоти муносабати билан ёзган бўлса, "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида унинг ижодига махсус тўхталади. Шунингдек, "Вақфия" ва "Соқийнома" асарларида ҳам буюк дўстини тилга олади. Бу тенгсиз инсон ва паҳлавон курашчи ҳақида Зайниддин Восифий "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида ҳам ёзган. Асад Дилмурод бу битиклардан яхши хабардор, айримларидан романда фойдаланган ҳам. Лекин у асарида Паҳлавон Муҳаммад ҳаётининг изчил тарихини ёзишга эмас, балки унинг шахсиятига хос сезим ва кечинмалар ҳамда унга инсон ва курашчи сифатида тенгсиз куч-қудрат берган руҳоний омилларни кўрсатишга интилган. Қўлингиздаги романда қадим ўтмишда

[1] Алимбеков А. "Тарих жозибаси". "Моҳият" газетаси, 2003 йил, 30 декабр.

яшаб ўтган бобомизнинг ёрқин шахсияти хотирада муҳрланиб қоладиган даражада тасвирланганлиги ***"...ҳаётий фактдан узоқлашилгани сари унинг моҳияти ҳам очилиб, аниқлашиб боради"***[1], – деган қарашнинг тўғрилигини кўрсатади.

"Паҳлавон Муҳаммад" романининг ютуғи сифатида, биринчи навбатда, унда персонажлар руҳияти яхши чизилганини таъкидлаш керак. Зеро, руҳият тасвири пухталиги бадииятнинг асосий ўлчовидир. Асарда деярли ҳар бир персонажнинг ўйлаш, сўйлаш ва ҳаракат қилиш йўсини бетакрор бўлишига эришилган. Шунинг учун ҳам асардаги тимсоллар бир-бири билан адаштирилмайди.

Романда Паҳлавон Муҳаммад шахсига хос инсоний сифатлар: буюк истеъдод, босиқлик, ҳалимлик, кечиримлилик, синиқлик, кўзи тўқлик, қўли очиқлик, садоқат, чексиз жисмоний қудрат, таваккалчилик, адоқсиз инсоний ғурур жуда ишонарли, таъсирли ва ширали тасвирланган. Муҳими шундаки, кўнгил кишиси ва ҳақиқат йўлчиси бўлмиш Паҳлавон асарда эзгу фазилатларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки жонли одам сифатида акс эттирилган. Унинг бир умр ўзида ўзини топмоқчи бўлган, бу йўлда хатолар қилган, қийналган, рақибларидан кўра ўз нафсига қарши курашга кўпроқ куч сарфлаган шахс эканлиги эсда қоларли ифода этилган.

Ҳазрати Навоий Паҳлавон Муҳаммад тўғрисида: ***"...қирқ йил бир менингдек худрой ва бесарупой ...киши била мусоҳиблик қилғайки, хотирга келмаски, андин хотирға ғуборе ўлтирмиш бўлғай ва кўнгилга етмаски, ҳаргиз андин кўнгилга озоре етмиш бўлғай, балки андоқ нисбат қилмиш бўлғайким, кундан кунга муҳаббат риштаси маҳкамроқ... бўлмиш бўлғай..."***[2], – деб ёзади. Қирқ йиллик ошначилик давомида хотирларига ғубор

[1] Қуронов Д. Чўлпон насри доэтикаси. –Т.: "Шарқ", 2004. 108-бет.

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. – Т.: "Фан", 1999. 114-бет.

қўндирмай, кўнгилларига озор етказмай, кундан кун бир-бирларига бўлган муҳаббати ортиб борган бу улуғ зотларнинг инсоний қиёфасини чизиш, уларнинг шахсиятидаги етакчи қирраларни кўрсатиш асар муаллифининг бош мақсади эди. Адиб Паҳлавон Муҳаммадни Алишер Навоий, Ҳасан Ардашер, Ҳусайн Бойқаро сингари улкан шахсларга яқин қилган омилларни бош қаҳрамоннинг ўйлари, хатти-ҳаракатлари, тутумлари орқали акс эттирган. Адиб Паҳлавоннинг ўз қадрини биладиган, лекин ғурурини бошқаларга сездирмайдиган одам, дўсти учун ҳар қандай оғирликни бўйнига ола биладиган жўмард шахс, тингловчининг кўнглига ботмайдиган сўзни топиб гапира оладиган суҳбатдош эканлигини ишонарли тасвирлай билган.

Алишер Навоий томонидан Абусаид деган полвон киши Муҳаммаднинг тоғаси эканлиги, айнан у Паҳлавонга кураш сирларини ўргатиб, камолотга етказганлиги битилган. Аммо Асад Дилмурод романда Абусаидни бош қаҳрамоннинг отаси сифатида тасвирлайди. Ёзувчи Паҳлавон Муҳаммаднинг отасига муносиб ўғлон эканини кўрсатиш орқали ундаги инсонлик ва курашчилик фазилатларининг наслий-генетик илдизлари қанчалар теранлигини таъкидлаш учун Зайниддин Восифий берган маълумотга таяниб иш кўради. Айтиш керакки, бу йўл асар воқеалари орасидаги сабабий боғланишларни таъминлашда қўл келган. Шу сабаб ўз бадиий реаллигини ярата олган адибни тарихий ҳақиқатга амал қилмаганликда айблаб бўлмайди.

Буюк Навоий "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарида: ***"Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадогача ва аҳлуллоҳдин яҳуд ва торсоғача Паҳлавонни севмас киши йўқ эрди"***[1], – дея маълумот беради. Романда ана шу тарихий ҳақиқат

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. – Т.: "Фан", 1999. 113-бет.

маромида акс эттирилган. Паҳлавонни тантилиги, ҳалоллиги, билими, чексиз истеъдоди, одамийлиги, қўли очиқлиги барчага бирдайлиги каби фазилатларга эга бўлгани боис кўпчилик яхши кўриши ҳаётий лавҳаларда ишонарли тасвирланган. Машҳад мадрасаси толиби Алишернинг соғлиғини тиклаш, унинг ўқишга доир харажатларини қоплаш учун на кучи ва на тинчини аяган, подшоҳ томонидан берилган улкан сийловни ўйлаб ўтирмай муҳтожларга тарқатиб юборган ва бу иши учун жабр кўрган, ўз ҳисобидан юзлаб бева-бечорани боққан Паҳлавон Муҳаммаднинг шахсиятидаги ёқимли фазилатлар таъсирли бадиий лавҳаларда акс эттирилган. Аммо беғараз одамнинг бегидир муносабатлари унинг ўзи учун ҳамиша ҳам эзгулик бўлиб қайтмагани асарда Аҳмад Пирий, Хожа Маждиддин, Хожа Афзалиддин, Хожа Низомулмулк, Хадичабегим каби тимсолларга дахлдор лавҳаларда бутун чигаллиги билан кўрсатиб берилган.

Паҳлавон тўғрилиги, ҳалоллиги, тенгсиз кучу қудрат ҳамда истеъдодга эгалиги, яхши одамлиги билан, ўзи истамагани ва билмагани ҳолда, кимларгадир халақит берганлиги, шу боис катта душманлар орттирганлиги асарда ҳар жиҳатдан асослаб берилган. Эзгу амаллар қилишдан ўзга нияти бўлмаган Паҳлавонни сиёсатга доир нопок ўйинларга аралаштиришга уринган кимсалар қиёфаси романда ишонарли ҳаётий ва таъсирли бадиий лавҳаларда акс эттирилган.

Асарда Паҳлавон сингари жисми қудратли, лекин кўнгли ҳимоясиз зотларга нафақат ёвлари, балки яқинлари ҳам билиб-билмай ниш уришлари мумкинлиги жуда таъсирли ифодаланган. Чунончи, Шайхим Сухайлий, мавлоно Султонали сингари улфатларининг баъзан ўйлаб-ўйламай айтган гаплари Паҳлавон юрагида жуда чуқур яра пайдо қилиши, унинг дарвозасиз қалбига яқинлари от-

ган тошлар берган оғриқ романда таъсирли ва нозик тасвирланган. Паҳлавоннинг султон Ҳусайнга эҳтиромидан ғаши келган Муҳаммад Молонийнинг: ***"Оғам, сиз унча-мунча одам эмас, ер юзидаги жамийки жавонмардлар султонисиз. Шундай экан шоҳ ҳам, гадо ҳам қошингизда қуллуқ қилмоғи лозим. Сиз эса нуқул Султон Ҳусайн соясига кўрпача тўшайсиз. Наҳотки, бул машғулотдин зерикмадингиз?"*** – дея уни ўз қадрини билмасликда айблаши, бунинг Паҳлавонга қаттиқ таъсир қилиши романда теран акс эттирилган. Дўстнинг асоссиз айблови улуғ курашчи юрагини ўрташи таъсирли кўрсатилган.

Асарда Паҳлавон шахсиятига хос энг муҳим хусусият унинг эрк кишиси эканлиги, ундаги бу сифат отасидан ўтганлиги, Навоий, Ардашер сингари улуғ сиймолар билан яқинлик, сўфийликнинг мақомотини эгаллашга интилиш унинг табиатидаги бу қиррани янада кучайтирганлиги бадиий асосланган. Инсон эркига тажовуз қилинган ўринларда чидаб туролмаслиги бош қаҳрамон томонидан қиличидан қон томган султон Абусаид Мирзога қарата айтилган: ***"Фаҳми ожизимча, четданки амр бўларкан, қаламнинг орқаси тутадур, негаки, у ўз оламига подшоҳ эрур"*** сўзларида яққол намоён бўлган. Романда Паҳлавоннинг ўз кўнглига қараб иш қиладиган, замон зўрларининг истаклари билан ҳамиша ҳам ҳисоблашавермайдиган шахс эканлиги жозибали акс эттирилган.

Суймли оти Лочинни Султон Ҳусайн сўраганида ҳам бермаганлигида бош қаҳрамон табиатига хос муҳим жиҳатлардан бири кўринади. У ўз яқинини ҳаммадан, ҳатто султондан ҳам асрай билади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, отини шоҳга бермаганига қарамай, Паҳлавон Муҳаммад ўқувчида қизғанчиқ киши сифатида таассурот қолдирмайди. Аксинча, унинг одамданда содиқ отга муносиб

эга эканлиги англашилади. Шунчалигига қарамай, жонидан ортиқ кўрган Зулфизарини сақлаб қололмагани тасвири Паҳлавоннинг ҳам ғаддор қисмат олдида ожизлигини акс эттириб, уни ўқувчига янада яқинлаштиради. Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг озарлик Ғиёсиддин Деҳдорга эҳтироми Паҳлавоннинг ғашини келтиргани тасвирида унинг ҳам кўп қатори одам экани яхши кўрсатилган. Ўз дўстларини Деҳдордан қизғаниши сабаб кўнгли инжиган Паҳлавон Хожа Маждиддиннинг қутқуси билан шоҳ базмини ташлаб, сайис Тайфурнинг ўтиришига кетиб қолгани учун Бойқаро томонидан сазойи қилинган ўринлар тасвири ўқувчида кучли таассурот уйғотади. Бундай қалтис вазиятда унинг ҳеч кимдан ёзғирмай, ўз аҳволига ўзинигина айбдор билиб: ***"Иш тушуптур, эй кўнгул, мардона бўл, нетмак керак?"*** – тарзида ўзига қилган хитоби қаҳрамон шахсиятидаги эзгу қирраларни нурлантириб юборган. Бу лавҳада инсоний ғурури баланд шахснинг қадри султон берган жазо билан ерга урилмай, аксинча, юксалгани акс этган. Шу тариқа, ўз хатосига холис баҳо бера оладиган ва ҳамиша ҳар қандай оғир синовга тайёр шахснинг бетакрор ички дунёси бутун таровати билан намоён этилган.

Муаллиф Паҳлавон Муҳаммаднинг курашдаги ҳадсиз ютуқлари омили унинг жисмоний кучидан кўра, юксак руҳоний оламида эканини ишонарли тасвирлайди. У бир умр отаси Абдусаид полвоннинг: ***"Олишсанг, ўзингда сочилма, ўзингда йиғил..."*** – тарзидаги ўгитига амал қилгани, ҳал қилувчи дамларда ўзидаги энг яширин руҳий қувват зарраларини эзгу ният йўлида бир нуқтага йиға билгани боис доим зафар ёр бўлгани асарда таъсирли кўрсатилган. Муҳаммадга берилган Паҳлавон лақаби дўстларининг шунчаки сийлови бўлмай, балки унинг зот сифати экани тарихий битикларда ҳам акс этган. Жумладан, ҳазрати Навоий ёзади: ***". .ул, агарчи***

куч ва забардастликда замонининг мунфариди *(ёлғизи, тенгсизи – Қ. Й)* ***эркондур... бу тойифадин бу ўтган тўрт-беш юз йил, балки минг йилда анингдек ҳеч ёд бермайдур ва нақл қилмайдур***"[1]. Кўринадики, тарихий битиклар Паҳлавон Муҳаммаднинг тенгсиз курашчи бўлганини кўрсатади. Ёзувчида қаҳрамонни турли олишувлар ичида тасвирлаб, ўқувчини қизиқтириш имкони бор эди. Лекин А. Дилмурод бундай осон йўлдан бормайди. У Паҳлавон шахсининг моҳиятини очишга, уни ҳалол ғалабага эришадиган, бир зум тиним билмагани ҳолда роҳат кўрмаганидан афсусланмайдиган, яхшилик қилган одамидан ёмонлик қайтганда ҳам "аттанг" демайдиган кишилигини таъминлаган руҳоний омилларни тадқиқ этади.

Романда Паҳлавон Муҳаммаднинг Молоний билан олишуви саҳнаси маҳорат билан тасвирланган. Унда худдики, омаднинг табиати сингари одамнинг табиати ҳам беқарор эканлиги, инсондаги собит ва ўзгармасдай туюлган жиҳатлар, вақти келса, уни бутунлай тарк этиши мумкинлиги ғоят ишонарли кўрсатилган. Бу саҳнада ҳамиша ғолиб, қудратли, ўзига ишонган ва бундан бир қадар кибр пайдо қилган Паҳлавоннинг Молоний олдида ожиз бир гўдак ҳолига тушиб, майдондан қочгани ва бир умр бу шармандалик сабабини тушунолмай ўтиб кетгани эсда қоларли тарзда тасвир этилган. Асарда Паҳлавоннинг ўз феълида уч бера бошлаган кибр билан нописандлик ўша мағлубиятининг сабаби деб ўйлаши асоссиз эмаслиги нозик ифода этилган.

Паҳлавоннинг Али Рустоий билан бўладиган жанг олдидаги ҳолати асарда таъсирли берилган. Унинг курашчилар жисмига эмас, балки руҳига кўпроқ эътибор бериши ва ишониши ўринли кўр-

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. – Т.: "Фан", 1999. 105-бет.

сатилган. Паҳлавоннинг шоҳга ўз қарашини ўтказишдаги қатъийлиги тасвири романда ишонарли акс эттирилган: ***"Жияним ортимда кимлар қолаётганини билишга ҳақим борлигидин огоҳ этди, олампаноҳ, – аҳду қарори қатъийлашганини англатишга уринди Паҳлавон. – Ростдан ҳам бунга ҳақим бўлса керак, токи эрта гўримда тинч ётайин!"*** Шу тарзда фақат ўзига эмас, ўзгаларга ҳам ишониш Паҳлавонга қувват бериши, бу ишонч бошқаларга юққанда эзгу ўйлар амалга ошуви ёдда қоладиган йўсинда акс этган.

Паҳлавоннинг Салим калта билан муносабати тасвирида унинг шахсиятидаги чапанилик, тўпорилик сингари қирралар намоён бўлган. Моҳинурнинг отаси Амир Бурҳониддинга Дарвеш Муҳаммад орқали қийғир бериб юбориши ва совғага муносабатига қараб, йигитни куёв қилиш-қилмаслигини аниқлагани унинг инсон руҳиятини пухта биладиган топқир аллома ҳам эканини кўрсатади.

Паҳлавон Муҳаммаднинг Зулфизар ҳақидаги ўйлари, суйгулисидан айрилиқ туфайли тортган изтироблари тасвири асарда таъсирли берилган. Ўлди деб ўйлаб юрган суюклиси тирик эканини кўргандаги ҳолати тасвири кишини ҳаяжонга солади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у ортиқча тавсифларсиз персонажларга ўз саъжияларини намоён қилиш имконини беради. Натижада, ўқувчи муаллиф аралашувисиз ҳам персонажлар кўнглида кечаётган руҳий пўртаналардан хабардор бўлади.

Ёзувчи асарда персонажнинг айни дамдаги руҳий ҳолати унинг атроф-муҳит хақидаги тасаввурини тамомила ўзгартириб юбориши мумкинлигини жуда ишонарли тасвирлайди. Жумладан, тутинган ўғли Аҳмад Пирий банди этилган зиндон сари бораётган Паҳлавон Муҳаммад назарида пойтахт ва Ихтиёриддин қалъасининг қуйидаги тароватсиз кўриниши таъсирчанлиги билан эътиборни тор-

тади: *"Гўё ҳар кўча, ҳар хиёбон, ҳар муюлишда жаҳаннам қаъридан қувилган шарпалар изғиб юрар, гўё ҳар девор орти ёки ковакда ўрнашган хиёнат ўйиқ кўзларини бақрайтириб пойлоқчилик қилар эди. Олисдан Ихтиёриддин қалъаси кунгиралари кўзга ташланганда чор атрофни тағин ҳам маҳобатлироқ хавотир чулғагандек туюлди"*. Бу тасвирда оёғи тортмасада, оқпадар ўғли ва ўзининг номаълум тақдири сари қадам босишга мажбур кўнгилчан одам сезимлари яққол акс этган.

Паҳлавон Муҳаммаднинг ўз эътиқоди ва орномуси тикилган олишувини кузатаётгандаги ҳолати тасвирида қаҳрамоннинг дам сайин ўзгариб турган руҳиятидаги таранглик маҳорат билан тасвирланган: *"Паҳлавон гоҳ ўтириб, гоҳ туриб оқ яктагу оқ шалворда майдон гирдидан шошилмай ҳалқа солиб айланаётган Дарвеш Муҳаммадни қизиқсиниб кузата бошлади. Тўғриси, жияни Али Рустоий қаршисида анчайин пўк ва чувак туюлди.*

Кейин у кўзларига ишонмай қолди. Негаки, Дарвеш Муҳаммад ерни уч қайта ўпиб тургандан кейин бошқа одамга айланди: боқиши тик – ўтли, ўмровлари қоядек чўнг, ҳар елкаси бир одам сиғадиган даражада кенг, пайлари таранг, мушаклари сандонда пешланган каби бўртиқ!" Ушбу тасвирда руҳоний қудратнинг жисмоний кучга эврилиши жуда пухта ифода этилган.

Асарда Паҳлавон Муҳаммаднинг султон Абулқосим Бобирга чексиз муҳаббати, у берган олтин камарни ҳаётиданда ортиқроқ авайлаши бот-бот тилга олинган. Бу лавҳа тасвири унчалик тушунарли эмаслиги билан ўқувчи кўнглида иштибоҳ уйғотиши мумкин эди. Ёзувчи томонидан бу ҳолнинг ҳаётий асоси сезилмайдиган қилиб кўрсатилгани, яъни Бобир Мирзо курашчини доим қўллаб-қувватлагани, ҳурмат кўрсатгани, қиммати тенгсиз олтин

камар берганидан ташқари, Паҳлавон яратган "Сегоҳ"ни тинглаб туриб жон таслим қилгани кўнгил ва санъат кишиси бўлмиш Паҳлавон Муҳаммаднинг ёдидан асло чиқмаслиги тасвири кишида қониқиш пайдо қилади.

Асад Дилмурод асарда биргина чизги билан бир неча персонажнинг табиатини акс эттира олиш маҳоратини намойиш этган. Чунончи, қуйидаги тасвир шу жиҳати билан диққатга лойиқ: ***"Қарич-ма-қарич силжиб, ахийри издиҳом пешига бориб қолган Дарвеш Муҳаммад... ғашлиги ортгандан ортиб Паҳлавонга қарагач, беихтиёр яна ҳайрат бармоғини тишлади, ҳозиргина баковул эълон қилган хабарни эшитмаган каби тоғаси хотиржам эди"***. Бу лавҳада орқали ёш полвоннинг тезоб ва чидамсизлиги ифодалангани каби тажрибали Паҳлавоннинг руҳиятида кечаётган улкан ғалаённида сездирмайдиган даражадаги саботи ҳам маҳорат билан кўрсатилган.

Асад Дилмурод – ҳозирги тил билан айтганда, "экстрим" ҳолатларни тасвирлашга моҳир ёзувчи. Бутун романда биргина ўринда кўриниб, унда ҳам кўнгил сўраган Паҳлавон Муҳаммадни қаттиқ қарғагани тасвирланган Ҳожар бону образи шундай ҳолатда акс эттирилгани боис эсдан чиқмайди. Айни тасвир йўсини тутинган отаси Паҳлавон Муҳаммадни олишувга чорлаган моҳир курашчи ва нобакор ўғил Аҳмад Пирийга Дарвеш Муҳаммаднинг муносабати акс этган ўринлар тасвирида ҳам кўринади. Унинг тоғасига айтган: ***"...покиза белбоғингизга кир қўл тегиши кўнглимга оғир ботадур, – бўш келмади Дарвеш Муҳаммад, – бу иснод олдини олиш учун фақирга ваколат бергайсиз, мабодо йиқилсам, навбат ўзингизга..."*** тарзидаги сўзлари экстремал ҳолат драматизмини ёркин ифодалаши, персонаж шахсиятидаги сифатларни бўрттириб кўрсатиши жиҳатидан диққатга лойиқдир.

Адиб усталик билан Дарвешнинг майдонталаблиги манзараси тасвири орқали бирваракайига бир неча бадиий вазифани бажарган: тоға кўнглидаги ҳадик-хавотир, Содиқ баковулдаги холислик, оммaнинг томошаталаблигини тўкис ифодалаган.

Дарвеш Муҳаммаднинг тоғаси Паҳлавон билан қилган бир суҳбати тасвири миллий жозибаси билаи ўқувчини тонг қолдиради: *-"Мулла, сўйла-чи, нима йўқотибсен Кулолон маҳалласида? -Нима йўқотардим, -кўзларини, яширди йигит. -Жоме мачитига қатнаймен. Биласиз-ку. -Локин мачит қолиб, чорбоғда ўқийсенму намозни?"* Бу гурунг том ўзбекча эканлиги билан диққатни тортади. Суҳбатнинг руҳи ҳам, ифода йўсини ҳам тоза миллийдир. Унда суйган қизи билан орасидаги муносабатни катталардан имкон қадар яширишга уринган йигит тимсолига хос жиҳатлар гўзал ифода этилган.

Романда Дарвеш Муҳаммад шахсига хос белгилар ёрқин тасвир этилган ўринлар жуда кўп. Жумладан, унинг тоғаси ўрнига Али Рустоийга қарши курашга чиқмоқчи эканлигини билдириб айтган: *"Мендек шогирд турганда сиздек устоз майдонда жон койитишини ножойиз санадим. Иззатингизни билинг, мен ҳам иззатимни билай, токи чархнинг истеъмолда бўлган русумларига путур етмасун!"* – гапидаги чин одамийлик ўқувчини ром этади. Айни вақтда, ўзбекнинг устозга ва яқин кишисига бўлган чексиз эҳтироми ифода қилинади. Ёзувчи ғалабанинг калити жисмоний куч, ўрганилган усуллардагина эмас, балки инсон руҳининг пок ва юксаклигида ҳам эканини ўқувчига сездирмайгина сингдириб боради.

Асар муаллифи Дарвеш Муҳаммад табиатини тасвирлашда ўз концепциясида собит туради. Бу йигитнинг босган қадамидан кутилмаганлик кутилади. Чунки у ҳаммага ўхшаб ўйламаганидек, ҳам-

ма қатори яшай ҳам билмайди. Оғишмай амал қиладиган ўз маънавий ўлчамларига эга бўлгани учун ҳам Дарвеш шоҳнинг тортиғини ашаддий рақиби Рустоийга беради. Ҳолбуки, одатга кўра, бундай қилиш ҳукмдорга нописандлик саналади. Аммо мард Ҳусайн Бойқаро унинг тантилигини тушунади. Романдаги тасвирлар замирига Дарвеш Муҳаммад ўз хоҳиш-истакларидан баланд тура билгани учун ҳам қудратли ҳарифларини енга олгани усталик билан сингдирилган. У тоғасига хиёнат қилган Аҳмад Пирийни жинидан ёмон кўрганидан майдонда унга қарши чиқиб, ғолиб келади. Лекин, агар Аҳмад салтанатга хиёнатда айбланиб, қатл этилса, Паҳлавон Муҳаммад азоб чекишини ўйлаб, Султон Ҳусайндан рақибининг жонини сўраб олади. Шу ҳолатлар акс этган ўринларда Дарвешнинг қандай одам экани ўз-ўзидан яққол англашилади. Бу тасвирларда адибнинг қалами ғоят равон йўрғалайди. Йигитнинг жасорати нафақат бошқаларни, ҳатто жўмардлиги билан ҳамиша ҳаммани қойил қилиб келган Паҳлавонни ҳам танг қолдиргани асарда жуда ишонарли тасвирланган.

Асад Дилмурод – оммавий саҳналарни тасвирлашнинг ҳадисини олган адиб. У қайирма ретроспекция усули билан бир ҳолатнинг турлича таъсирини, демакки, ҳар хил манзарасини чиза билади. Ҳам салтанатнинг, ҳам элнинг, ҳам Паҳлавон ва ҳам Дарвеш Муҳаммаднинг тақдири бирваракайига ҳал бўлаётган ғоят қалтис дамда Алишер Навоийнинг ёш ўғлонга ишониб, шоҳ қарорини ўзгартиргани лавҳаси тасвирга драматик таранглик беришдан ташқари, вазият чинлигини ҳам таъминлаган. ***"...Паҳлавон мийиғида кулганча ҳамон қовоғидан қор ёғаётган Султон Ҳусайн сари ўгирилди. Ўз навбатида, хоқон бу ёғини нима қилдик маъносида Амир Алишерга ҳадик билан кўз қирини ташлади. Ўша заҳоти Мир сира иккиланмай, ду-***

ойи фотиҳага кафт очди". Биргина шу тасвирда ўта қалтис вазиятда Навоийнинг кўнгли тоза паҳлавон йигитга ишончи, айни вақтда, унинг султон олдида тенгсиз эътиборга эгалиги каби жиҳатлар моҳирлик билан кўрсатилган.

Ёзувчи Али Рустоий билан Дарвеш Муҳаммад олишуви жараёни тасвирида бир йўла ҳам жумбишга келган оломонни, ҳам салтанат шаънидан хавотирдаги ҳукмдорни, ҳам курашчи билан шоҳ орасига тушган Навоийни, ҳам дўсту душманларни, ҳам улуғ Паҳлавон руҳиятидаги ҳар сонияда рўй бераётган ўзгаришларни бутун нозиклиги билан тасвирлай оладики, бу асар жозибасини кучайтириб, таъсир қудратини сезиларли оширади. Яна бир жиҳат диққатга лойиқки, Дарвеш Муҳаммадни улкан енгиш билан табриклаётган ҳар бир кишини адиб ўзига хос тил ва ҳолат билан таъминлай билган. Бу тасвирларда муаллиф четда турган кузатувчи эмас, балки омонсиз олишувнинг қатнашчисига айланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, романда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳасан Ардашер тимсоллари жуда нозик ва теран ишланган. Айниқса, Навоий сиймоси асарда ёддан чиқмайдиган қилиб тасвирланган ўринлар кўп. Романда буюк шоир ҳақида ахборотлар берилмаган, балки унинг шахсияти қабариқ чизгиларда ичдан кўрсатилган. Алишер Навоийнинг талабалик давридаги кечинмалари ҳам, балоғат ёшидаги руҳияти ҳам жуда нозик ва билгичлик билан тасвир этилган. Чунончи, унинг кўнгли ўта нозиклиги, сабоқдошларининг шунчаки гапи ҳам юрагини вайрон этиши мумкинлиги ишонарли ҳаётий лавҳаларда акс этган. Ёш шоирнинг ***"Ҳар қаён боқсам, юзимга ул қуёшдин нур эрур"*** ғазалини Паҳлавон Муҳаммад Насимийники деб ҳазиллашганидаги ҳолати ички комизми ва сиртқи драматизми билан жуда таъсирли кўрсатилган. На-

воий ўзининг "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарида ҳам бу воқеани чиройли тасвирлаган, лекин Асад Дилмурод бу ҳодисани бадиий тафсилотлар билан тўлдиргани ҳамда шоир руҳий изтиробларини кўрсатолгани учун унинг таъсир даражаси бир неча баробар ортган.

Йигит Алишернинг Султон Абусаид Мирзо иродасига қарши бора олгани, уни мадҳ этишдан ҳам, унинг номидан Ҳусайн Бойқаро олдига элчи бўлиб боришдан ҳам бош тортгани буюк шоирнинг саъжиясидан келиб чиққан ҳолда жуда ишонарли акс эттирилган. Шоирнинг бу хатти-ҳаракатлари ёзувчи иродасининг эмас, балки ўз табиатининг маҳсули сифатида намоён бўлгани шоёни таҳсиндир.

Романда Навоий шахсиятининг янги қирраларини очишда асардаги: *"Бугун эрталаб пойтахт қалби ҳисобланмиш муаззам арк қандай қўриқланаётганини тафтиш қилишга қарор берган Султон Ҳусайн ҳарбий юмушларга аралашишни унча ёқтирмайдиган Амир Алишердан ҳамроҳлик қилишни сўради. Мана энди шоири даврон анчайин тажанг шоҳ изидан қадам-бақадам эргашиб юрибди..."* тасвири муҳим ўрин тутади. Бу ифода орқали ўқувчи ортиқча зўриқишсиз ҳарбий юмушлардан завқ олмайдиган кўнгил кишиси руҳиятини англаб олади. Қуйидаги тасвир шоир табиатидаги кўпчилик ижодкорга хос хонанишинлик ва ёлғизликка интилиш туйғусини янада яққолроқ намоён этган: *"Амир Алишер ёзги қароргоҳи саналмиш Козургоҳ сари жўнашни мўлжаллаб ижозат сўраганда, шаҳаншоҳ астойдил ранжиди, шундай оғир кечган кундан кейин у билан баҳамжиҳат жонон суҳбат қурмаса, кўнгли жойига тушмаслигини куйиб-пишиб қайд этди. Қўйингки, шоир одатдагидек тонгга қадар давом этиши эҳтимолдан холи бўлмаган базми жамшидда иштирок этишга розилик берди"*.

Асардаги ушбу тасвир эса имконият ҳамиша ҳам саодат бўлавермаслигини, баъзан ортиқча имконият имконсизликдан ёмонроқ эканини англатиши, ўзи учун кишанга айланган ана шундай имконлардан Навоий кўп озор чекканини табиий йўсинда акс эттирганлиги билан диққатга лойиқ: *"Асли шаҳаншоҳ ёки аркони давлат ҳуш-хаёлини банд қилган ов билан боғлиқ, урҳо-ур гашти Мир учун анчайин бегона... ...Бунақа сертўполон юришларга хос ҳурликдан кўра, довот ва қоғоз узра кечадиган... уқубат минг бора маъқулроқ! Иложини қилиб ёлғиз қолсаю ўзи билан ўзи жон ютиб, жон чекиб савашса! Ё қалам, ё китоб билан кечаю кундуз ҳасратлашса!"* Ёзувчи улуғ Навоийнинг ярадор кийикчани асраб қолиш учун султонга ёлғон гапириб, унинг ёзғиришларига ҳам қулоқ осмай, уйга қайтиши тасвири орқали буюк мутафаккир шахсига хос жиҳатларни жуда жозибали акс эттиради.

Навоий шахсиятига хос етуклик, бутунлик очиқ таъкид йўсинида эмас, балки жонли манзараларда табиий йўсинда акс эттирилганлиги ушбу китобнинг ютуғини таъминлаган омиллардан дейиш мумкин. Базмдан ижозатсиз кетиб қолган Паҳлавон шоҳ томонидан сазойи қилинаётганини кўрган шоир тутган йўл тасвирида унинг жасур одам, кимга қачон нима дейишни биладиган етук арбоб, ҳар қандай қалтис онда дўстига содиқ қолабиладиган инсон экани тўла намоён бўлган: *"Олампаноҳ, Яратган эгам шоҳидки, биз қиёматлик дўст тутинган кунда ҳар шодлигу ҳар ғурбатни бўлишмак учун қасам ичган эдик, – деди Амир Алишер жадал отдан тушиб тавозе сақлаган ҳолда. – Жумлаи мўмин ҳавас қилгулик саодат фақат ул кишига тегишли бўлиб қолмасун, малол олмай буюрингки, шу хил либосдин яна келтирсунлар, камина ҳам андоғ ясанайда, қадрдоним билан бирга бориб сайисхонангизни супурай!"* Агар му-

аллиф бу сўзлар ўрнига Алишер Навоийнинг ғазабланган ёки султонга ўгит қилгани, ёхуд дунёнинг адолатсизлиги борасида фалсафий ўй сургани тасвирини берганда, табиийликка путур етган ва асар кўп нарса йўқотган бўларди.

Муаллиф одамдаги руҳий эврилишлар ҳеч кутилмаган лаҳзада, тўсатдан кечиши мумкинлигини айни лавҳада султон Ҳусайннинг сезимлари орқали моҳирлик билан акс эттирган. Яқин одамига жазода ҳаддидан ошганлигини сезиб қолган шоҳнинг Навоийга қарата биргина оғиз: *"Афу этгайсиз, амирим!"* – деган нидосида унинг юрагида содир бўлган кечинмалар силсиласи намоён бўлади. Романда ҳукмдорнинг бу ҳолати: *"Ажабо, Султон Ҳусайн бўзладими, ёлбордими ёки буюрди? На Амир Алишер, на Паҳлавон, на халойиқ англаб улгурди. Тилла қошли эгарда хоқон яшин чалгандек ўтирарди. Ҳалигина қиёфасида тантана қилаётган ажаб шодумонлик ўрнини недир саросима эгаллаган эди. Ниҳоят, у Паҳлавон ва Тайфур қўлидан гавҳару ёқут қадалган юганни секин тортиб олди, ҳеч кимга, ҳатто, Амир Алишерга ҳам қарамай, елиб кетди. Анча жойга борганда, бирдан оқ бедов бошини ортга бурди ва изма-из келаётган хос мулозими Жоний Мавлага деди:*

– Номимни ўртага тикиб узрхоҳлик қилгайсен, токи тезроқ устидаги либосни ечсун!" тарзида ифода этилган. Буюк шоирнинг доно гапларидан сўнг ҳукмдорлик кибри сабаб содиқ дўстига зуғум ўтказганини бирдан англаб қолган султоннинг ҳолати билгичлик билан ифода этилган. Агар Ҳусайн Бойқаронинг бошқа одамга нисбатан шундай йўл тутгани тасвирланса, унинг хатти-ҳаракати ўқувчида шубҳа уйғотарди. Навоий султон учун ҳамма қатори одам эмас! Асарда Алишер Навоий, Паҳлавон Муҳаммад ва Султон Ҳусайн сингари ўзгача одамийлик мактабини ўтаган зотлар орасидаги муносабат-

ларнинг чинлиги кишида гумон туғдирмайдиган қилиб тасвир этилган.

Романда одамнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи унинг фикрлаш ва таъсирланиш тарзига ҳам таъсир ўтказиши ёрқин акс этганлиги диққатга сазовор. Чунончи, анча ёшга бориб қолган Паҳлавон Муҳаммадни ироқлик Али Рустоий курашга чорлагани ўзаро мусоҳиб ва маслакдош бўлишларига қарамай, султон ўзгача, Навоий бошқача, Паҳлавони олам бўлакча қабул этгани асарда кўзга ташланмайдиган қилиб акс эттирилган. Ҳукмдорнинг: ***"...Ироқ ҳукмдори устимизга лашкар тортмаптур, хос полвонини гиж-гижлаптур, – деди Султон Ҳусайн, важоҳати аллатовур бузилиб. – Молу давлатимиз ва еримиз эмас, кўнглимиз кўрғонига кўзини ола қиладур"***, – тарзидаги сўзлари унинг бу чорловни шунчаки ўйин эмас, сиёсий аҳамиятга эга акт сифатида қабул қилганини кўрсатади. Айни вақтда, буюк Навоийни салтанатнинг шаъни билан биргаликда Паҳлавон оғасининг саломатлигию кўнгил ҳолати безовта этгани тасвирланади. Ёзувчи Паҳлавон Муҳаммаднинг кўнглидан кечганларни тасвирлаб ўтирмайди-да, унинг пешонада борини кўришга тайёрлигини тасвирлайди. Паҳлавон Муҳаммад кўнглининг синиқлиги руҳи ва шахсиятининг бутунлиги ифодаси маҳсули экани шу тариқа акс эттирилади.

Романда Ҳусайн Бойқарога хос сезимлар ҳам анча нозик берилган. Чунончи, унинг барча кўнгил кишилари сингари ўзини тафтиш қилишга, қилмишларини изоҳлашга уринган тасвирланади. Шунинг учун ҳам Навоий билан ёлғиз қолганида: ***"Амирим, оғринмангу сиз мудом Бадиуззамон Мирзога ортиқча баҳо бергансиз, кўрдингизму қанчалар у такаббур?! – Бир жойда кўним тополмай тутақди Султон Ҳусайн. – Иззатимизни ер қилиб, Ҳиротдин бош олиб кетгани етмай,***

бетимга қаро суйкашдин ҳам тийилмабдир. Наҳотки, фақир шунчалик тошбағир бўлсам?!" – дейишида унинг, аввало, ўзини тушунишга уринаётган одамлиги сезилади. Шунингдек, ҳукмдорнинг бу сўзларида Алишерга бўлган муҳаббат ҳам, уни аяш ҳам, айни вақтда, ўз ҳақиқатларини билдириш истаги ҳам жамлангани ёзувчининг ютуғидир. Адиб султоннинг: ***"...Бўғзимга қадар ғурбатга кўмилганим боис ёз охирлаб қолганини сезмабмен. Бу кетишда фақат ёз эмас, умр охирлаганини ҳам билмай қолсам керак. Қани бир ғайрат қилиб, диққинафас кошоналарни тарк этсак, ёввойи ҳаёт гуркираган хилватгоҳларга улоқиб кетсак, баҳонада ҳам дил, ҳам оёқ чигилини ёзсак!.."*** – тарзидаги армони ифодасида унинг қанчалар кўнгил одами эканини ёрқин кўрсата билган. Асарда Султон Ҳусайн Хадичабегимнинг ёвуз қилмишларини фош этиш учун қилган мунозарада енгилиши, аёлнинг ўткир ақли, маккорлиги, топқирлиги, айни вақтда, улкан салтанатни титратган шоҳнинг қўйнидаги илон олдида ожиз эканлиги сингари чигал ҳолатлар ишонарли тасвирланади.

Асарда чекланмагандай туюлувчи имконият аслида ҳукмдордаги одамийликни чеклаб ташлаши ҳамишалик қисмат эканлиги теран акс этган. Сиртдан ҳамма нарсага қурби етадигандек туюлгувчи султоннинг қаламравидаги Молонийга, қўйнидаги Хадичабегимга, ўз ўғилларига, ишонганларим деб ёнига тортган аъёнларига ҳамиша ҳам гапи ўтавермаслиги, Алишер Навоий, Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад сингари беғараз одамлар билангина кўнгил очиши мумкинлиги романда жуда таъсирли акс эттирилган.

Асарда айрим эпизодик персонажлар ҳам эсда қоладиган қилиб тасвирланган. Жумладан, Дарвеш Муҳаммад курашиб топган ўн беш минг тангани уйига ўт тушган нотаниш кампирга берганини эши-

тиб, онаси Гулсадаф астойдил куйингани жуда ишонарли ва ҳаққоний кўрсатилган. Агар муаллиф бир ўзи ёлғиз ўғилни улғайтирган бева аёлни ҳам акаси ёки ўғли сингари саховатпеша қилиб кўрсатганда, тасвир нотабиий бўларди. Чунки саховатпешалик бағри бутун одамга хос бўлиб, қашшоқ беванинг бағри бутун эмаслиги эса аён ҳақиқатдир.

Ёзувчининг миллат вакилига хос хусусиятни нозик ҳис этиши асарнинг кўп ўринларида яққол сезилиб туради. Жумладан, Амир Бурҳониддин қизининг Дарвеш Муҳаммад билан аҳдлашганидан хабардор бўлганидаги ҳолати романда жуда ҳаққоний тасвирланган. Бундай вақтда ҳар қандай ўзбек эркаги ноқулай аҳволга тушади. Шунинг учун ҳам амирнинг бу гапни айтган Паҳлавон билан суҳбати қовушмагани тасвири чин.

Ёзувчининг ютуғи шундаки, унинг қаламидан чиққан яхши фазилатли одамларнинг ҳар бири ўзича яхши бўлганидек, ёмон сифатли одамларнинг ҳар бири ҳам ўзича ёмондир. Романдаги деярли ҳар бир тимсолни муаллиф ўзига хос жонли шахс сифатида кўз олдига келтира ва тасвирлай билган. Бу ҳол асарнинг таъсир кучини, ўқишлилик даражасини оширган.

А. Дилмурод коллектив саҳналарни маҳорат билан тасвирлай билади. Муҳими шундаки, адиб жамоа орасида қиёфаси йўқолмайдиган шахслар билан кўпчиликка қўшилиб кетиб оломонни шакллантиришга мойил одамларни бир-биридан нозик фарқлайди. Бу буюк Навоий хонадонидаги суҳбат, Чоғарий майхонасидаги базм, полвонлар олишуви тасвирларида яққол кўзга ташланади. Ёзувчи бу ҳолатлардаги ўнлаб қатнашчиларнинг ҳар бирини ўзига хос қиёфадан ташқари, айрича овоз ва сўзлаш тарзи билан ҳам таъминлай билгани романнинг таъсир кучини оширган. Шунингдек, кураш жараёни акс эттирилганда, оломоннинг ҳамиша фақат

ғолибни олқишлаши, мағлуб ким бўлганидан қатъи назар зумда таҳқир ва унутилишга маҳкум экани маҳорат билан кўрсатилади. А. Дилмурод енгил бир чизги билан оломон орасидаги айрим томошачиларнинг қиёфасидаги ўзига хосликни бера олади.

Адиб асарида Султон Абусаид Мирзо ҳукмронлиги замонида адолат ва ҳақиқатнинг юзига оёқ қўйилгани, бу ҳол фақат одамларнинг турмуш тарзигагина эмас, балки феълига ҳам ёмон таъсир кўрсатганлигини ишонарли тасвирлайди. Ҳукмдор юргизган нотўғри сиёсат арбоблардан тортиб, бешикдаги боланинг ҳаётига қадар беистисно салбий таъсир кўрсатиши романдаги тимсоллар тақдири мисолида ишонарли акс эттирилган.

Бизнинг назаримизда, катта меҳнат, жиддий изланиш ва улкан муҳаббат самараси ўлароқ юзага келган ушбу романда маромига етмаган ўринлар борлиги унинг умумий савиясига бир қадар салбий таъсир қилади. Асарда Паҳлавон Муҳаммад, Муҳаммад Молоний, Аҳмад Пирий, Дарвеш Муҳаммад сингари тўрт тимсолнинг тақдир йўллари тасвири бош қаҳрамон қиёфасини тўла очишга бир қадар хизмат қилган бўлса-да, пировард натижада, ҳар бири ўз холича алоҳида сюжет чизиғини ташкил этган. Бу тимсоллар ўртасидаги боғлиқлик кучайтирилиши, уларнинг бир-бирига алоқадорлиги мантиқан асосланиши зарур эди. Бу образларнинг тақдири ўртасида етарлича сабаб-оқибат боғлиқлиги топилмагани учун ҳам уларнинг ҳар бирининг тақдири ифодаси бош қаҳрамонникидан айрича тугун ва ечимга эга бўлиб қолганки, бу ҳол тасвир йиғноқлигига салбий таъсир кўрсатган.

Роман муаллифи тилида баъзан сунъийлик, ўринсиз кўтаринкилик кўзга ташланади: ***"...у нафс лашкари қатли ом айлаган адолат охир-оқибат қаддини тиклаб олишидан нақадар умидвор,***

билмаски, ўша лашкар ҳеч қачон бунга имкон бермас, ҳатто давру давронни ҳам жиловлашга қодир!" Фикрни фалсафийрок ва чиройлирок ифодалашга атай уринилган ўринларда, албатта, сунъий санъатпардозлик юзага келади. Бундай пайтда тасвир тиниқлиги хира тортади. Асарда баъзан ифоданинг таранглиги йўқолиб, тасвир салқи бўлиб қолган ўринлар ҳам учрайди.

Паҳлавон Муҳаммад ижодидан намуналар бериш тамойили аниқ тайин қилинмагани ҳам ўқувчини чалғитади. Ёзувчи Паҳлавонни туркча битикларни ёқтирадиган ижодкор сифатида талқин қилади. Навоий гувоҳлик берадики, у асарларини фақат форсийда битган. Ёзувчи романда ўрни билан улардан мисоллар келтиради. Лекин мисолларни беришда бир хилликни сақламайди. Гоҳ олдин форсчаси берилиб, сўнг матн остида ўзбекча таржима келтирилади, гоҳ таржима асарга чиқарилиб, саҳифа тагида асли берилади. Бизнингча, бош қаҳрамон ижоди намуналаридан фойдаланишда бир хилликка риоя этилса, фойдали бўлади.

Ўзбек ёзувчиларининг анчагина қисмида тарихий асарларнинг тили, албатта, тарихий архаик бўлиши керак деган нотўғри ақида бор. Аслида, тарихий асар ҳам бугуннинг одами томонидан ҳозирги ва келажакдаги ўқувчилар учун ёзилар экан, унинг имкон қадар тушунарли бўлишига интилиш мақсадга мувофиқдир. Айрим тарихий ёхуд ўтмиш мавзусидаги асарлар бугунги ва эртанги кун кишилари эмас, балки ўтмишдаги аждодлар учун ёзилганга ўхшайди. Ўтмиш ҳақидаги битикларда қадимги тушунчалар эмас, образларнинг одатий муомала-муносабатлари ҳам шунчалар архаиклаштириладики, бу хил асарни тушуниш учун махсус луғат лозим бўлади. Ҳолбуки, бугунги ўқувчи учун ўтмишдаги одамлар қайси сўзларни қандай қўллагани ҳақидаги лингвистик аниқликдан кўра, уларнинг сезимла-

ри, туйғуларидаги бетакрорлик ифодасини туйиш муҳимроқдир. Бу ҳолат нафақат қаҳрамонлар, балки муаллифлар нутқида ҳам кўринаётгани, айниқса, ташвиш туғдиради. "Паҳлавон Муҳаммад"да ҳам архаизмга ишқибозлик, персонажларнинг сўзлаш йўсинини ўн бешинчи асрдаги деб хаёл қилинган шаклга келтиришга зўр бериш кўзга ташланадики, бу ҳол қизиқарли ёзилган ва шавқ билан ўқиладиган асарнинг тушунилишини бир қадар қийинлаштиради

2006 йил 8 январь

МИЛЛИЙ ХОТИРАНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Одам ўзи дунёга қандай келганини айтиб беролмагани каби бутун одамзоднинг қандай яралганини ҳам билолмайди. Чунки тарихнинг бошига тўлиғича қайтиб бўлмайди. Одамзот табиатан номаълумга маълумлик киритишга, ноаниқни аниқлашга интилаверади. Тарих тафаккур ва кайфият аҳлини ҳамиша ўзига чорлаб турадиган гулбадандир. Шунинг учун ўзини танимоқчи бўлган одам ҳамиша ўтмишини билишга интилиб яшайди.

Бугунни туймоқ ва тушунмоқ учун кечани "титкилаш"ни хуш кўрадиган кишилар орасида санъаткорлар алоҳида ажралиб туради. Негаки, илм тарихда нима бўлгани билан қизиқади. Ижодкорни эса тарихдаги жараёнларнинг қандай кечгани кўпроқ жалб этади. Бу ҳол боис олим ўз назарини тарихий воқеаларга, санъаткор эса ўша воқеаларни амалга оширган одамларга қаратади.

Одам кечада бугуннинг куртагини кўргани сабабли ўтмишга қизиқади. Миллат аҳлидаги ана шундай қизиқувчанликни қондиришда тарихий мавзуларда ижод қилувчи санъаткорларнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти эгаси шоир, ёзувчи, таржимон, адабиётшунос, публицист ва жамоат арбоби Муҳаммад Али ана шундай ижодкорлардан бири.

Тарихдан ўзи ҳақли бўлган ўринни эгаллаш ҳар бир миллатнинг миллатлигини кўрсатадиган омил бўлганидек, тарихдан ўз ҳақини ундириб ола билиш ҳам этноснинг интеллектуал даражасини билдирадиган белгидир. Чинакам адибнинг истеъдоди табиий равишда ўз миллатининг тарихий ўр-

нини тайин қилиш ва тарихдан ўз ҳақини ажратиб олишга йўналтирилади. Шу ҳолат унинг битикларига ижтимоий салмоқ бағишлайди. Ижодий умри маҳсулининг асосий қисмини кўп жилдлик ҳолида ўқувчилар назаридан ўтказмоққа тутинган адиб Муҳаммад Алининг болаликдаги шеърларидан тортиб энг сўнгги романига қадар ўзининг, бинобарин, халқининг ҳақини "даъво" қилишга бағишланган дейиш мумкин. Бир пайтлар ёзилган: "***Яна келдим, эй Тарих бобо, Сендан яна талаб қилурман. Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво Ҳақиқатнинг йўли билурман***" сатрлари адиб ижодининг лейтмотивидир. Тарих билан бўйлашгани боис Муҳаммад Алининг ижоди миллатдошларимиз руҳияти ва сезимларигагина эмас, тафаккур ҳамда эътиқод тарзига ҳам чуқур таъсир кўрсатиб келмоқда. Миллат аҳлининг ўтмишдаги кайфият ва руҳиятини адиб бадиий яратиқларининг умумий бош қаҳрамони деса бўлади. Тарих Муҳаммад Али учун ўтмиш эмас, бугундир. Унинг асарларида персонажлар ўтмишда юз берган воқеаларнинг шунчаки ижрочилари эмас, балки адибга туйғудош бўлган жонли одамлар каби тасвирланади.

Муҳаммад Али ижодидаги тарихга мойиллик ўзига хос илдизга эга. Бўлажак адиб болалигидан кўп китоб ўқир, оламга ҳайрат билан боқиб, ундан тенгдошларига сезилмайдиган диққатга лойиқ жиҳатлар топар ва ҳаётдан кўра хаёл оғушида яшарди. У ҳар бир нарсанинг тагига етишга интиладиган бола эди. Шоирнинг "Бекинмачоқ" шеърида-ги: "***Паккада қолардим мен эса ҳар гал, Мен излаб топишни яхши кўрардим***" мисралари ижодкор табиатига хос бош хусусият – изланувчанликни акс эттирган. Муҳаммад Алининг мустақил меҳнат фаолиятини шағал корхонасида тошсараловчиликдан бошлагани ҳам бежиз эмасди. Ёзувчи бутун ижодий умри давомида тарихда юз берган воқеалар ва улар-

ни амалга оширган одамларни саралаб, улар орасидан миллатнинг асл руҳиятини ифода қиладиганларини топишга интилиб яшаб келмоқда.

Бўлажак адиб болаликда кўркам сўзга ошуфта муҳитда ўсди. Унинг энаси Хосият биби қишлоққа танилган отинойи эди. Қулоқ сифатида анча йиллар Украинага сургун қилинган оилада, юртдан узоқда яшаганига қарамай, исломий эътиқодига гард юқтирмаган, ўқимишли кайвони тўнғич ўғил невараси Муҳаммад Алига айрича меҳр қўйган, уни ёнидан жилдирмас, отинойининг турли маросимларда ўқиладиган китобларини кўтариб юриш бўлажак шоирнинг зиммасида эди. Энасининг овози сирли, у ўқийдиган китоблардаги сўзлар тушунарсиз, аммо сеҳрли эди. Уларни неча бор тинглаганига қарамай, ҳар сафар ёш Муҳаммад Алининг йиғлагиси келарди.

Отаси, шошилмай, салмоқлаб гапирадиган қорувли Аҳмадбой, ўттизинчи йилларда колхоз раиси сифатида Катта Фарғона каналини қазиш илғорларидан бўлиб, Тамарахоним эътиборини қозонган жўмард ва танти одам эди. Ишлаб дам оладиган отаси хаёлпараст Муҳаммад Алининг назарида, энаси айтиб берган эртак ва достонлардаги баҳодирларга ўхшаб кетарди. Отаси мақолсиз сўзламас, ҳар гапида яширин лутф бўларди. У шаънини ғоят баланд тутар, боболарининг кечмишлари билан фахрланар, улар ҳақида сўзлаб беришни яхши кўрарди. Кейинчалик ёзувчи "Абадий соғинчлар" асарида бу ҳақда: "***Отам тарихдан ҳикоя ва қиссаларга уста эдилар, аждодлардан турфа ҳикоялар сўйлаб берардилар. У ҳикоя ва қиссаларнинг кўплари менга кейин асарлар ёзишимда қўл келди***",– деб ёзади. Шу боис бўлажак санъаткорга ўтмиш бугундан кўра сирлироқ, қизиқарлироқ, аҳамиятлироқ туюларди. Бунинг устига, табиатидаги изланишга мойиллик ҳам унинг ижодини тарихга ёвуқлаштирганди.

Кўпчилик ёзувчилар сингари Муҳаммад Али ҳам ижодини жамоатчи мухбирликдан бошлаган. Қишлоғи ва мактабидаги янгиликлар, ўтаётган турли-туман тадбирлар унинг хабарлари учун мавзу эди. Айниқса, тўғрисўз ва максималист ўспирин камчиликларга муросасиз эди. Даврнинг ҳаётида эса камчилик деганлари тўлиб-тошиб ётарди. Бинобарин, Муҳаммад Али хабарлари учун материал етиб ортарди. Бўлажак адибнинг ҳақпарастлиги шунчалик эдики, кунларнинг бирида отаси бошчилик қилган бригададаги ўт босган пайкал тўғрисида туман газетасига танқидий мақола ёзиб юборди. Мақола чиққач ҳам отаси ҳақиқатни байроқ қилиб қалам сурган ўғлига индамади, шаштини қайтаргиси келмади.

Муҳаммад Али ўн ёшидан шеърлар ёзар, уларнинг кўпчилиги туман, вилоят ва республика матбуотида чиқиб ҳам турарди. У шеър ёзибгина қолмай, унинг моҳиятини англашга ҳам уринадиган ижодкор бўлгани учун кейинчалик "Рамаяна оҳангларида" туркумидаги шеърларидан бирида: ***„Шеър яралди дунёда илк бор, Илк бор оҳанг шаклга кирди"*** мисраларинияратди. Бу сатрлар чинакам поэзиянинг моҳиятини акс эттириши жиҳатидан бетакрор аҳамиятга эгадир. Унда асл шеъриятнинг мояси бетакрор шакл ва ўзига хос оҳанг экани ўта нозик илғанган.

Муҳаммад Али шеъриятни кўнгил эрмаги деб билмайди. У истеъдодини бошлича Ватан равнақига хизмат қилдириш керак, деб ҳисоблайди. Санъаткор шеърларига кўнгил инжаликлари ифодаси деб эмас, балки ватан ва миллат дардлари деб қарайди. Шоир: ***„Шеърият бир олтин сарой, Ватан – сарой бекаси"***,- мисраларида ўз ниятини очиқ ифода этади. У тарихдан тарихни эмас, ватан ва миллатни қидиради. Шу боис адибнинг битганларида Ватан шунчаки адабий тимсол эмас, балки кўнгилга кўч-

ган туйғу сифатида намоён бўлади. Шоир шеърларидан бирида: *„Битта тушунчадир уй ила Ватан!"*– деб отамаконни ўқувчига яқинлаштирса, Спитаменга бағишланган туркумидаги бошқа бир асарида: *„Ватанни севишга топингиз бардош, „Севаман!" деб сотиб юрманг гап"*,- дея шеърхонни фаолиятга ундайди.

Муҳаммад Алининг ижоди Ватан ишқидан туғилган, Ватан руҳига йўғрилган ва бошдан-оёқ ватансеварлик туйғусини куйлашга бағишланган. Лекин шоирнинг ватансуярлиги хитоблардан иборат ялтироқ ва қуруқ чақириқ эмас. Унинг ватансеварлиги, миллатпарварлиги ватан ва миллат тарихини билишдан, миллий хотирага эгаликдан келиб чиқади. Зеро, севмоқ билмоқни, билмоқ изланмоқни тақозо этади.

Хотира оғочнинг илдизи кабидир. Илдизнинг мустаҳкамлиги оғочнинг миқёсини, салобатини, маҳкамлиги ва ҳосилдорлигини таъминлайди. Шу боис Муҳаммад Али шеърларида ҳам тарихга кўп мурожаат қилади. Тарихнинг қоронғи саҳифаларини бадиият нури билан ёритади. Шоир миллий хотиранинг йўқолишидан чўчийди. Шу сабабдан ҳам: *„Вайрон бўлган хотира – ўлим!"*- деб ёзади у. Адиб Ватанга бўлган бугунги муҳаббатнинг илдизини кечаги кундан излаш лозим деб билади. Ватан тарихини билмай, унга кўр-кўрона қўйилган кўнгил омонат, ўзгарувчан бўлади деб ҳисоблагани сабаб халқнинг шонли ўтмишини ҳарорат билан тасвирлайди.

Шоир Муҳаммад Али дунёни ўзича кўради, ўзигагина хос йўсинда ифодалайди. Шу боис унинг битганларида: *„Тугилган мушт каби Кўкка ўқталиб, Барг ёзмоқ пайида Каллакланган тут"*, *„Канал ёқасида шовуллар мағрур, Осмонга санчилган мирзатераклар"*, *„Томларда „лов" этди Лолақизғалдоқ"*, *„Ғазабдан ғижирлар йўллар-*

нинг тоши", „Аламимни жарликларга солгандим тўкиб, Жарлик баттар чўкиб кетди, яна ҳам чўкиб" каби жонлантирилган ташбиҳлар тасвир аниқлигини ошириш билан биргаликда ҳиссий муносабатни ҳам ифодалашга хизмат қилади. Шоир қўллаган кутилмаган ташбиҳлар, ёрқин тимсоллар унинг шеъриятига тароват бағишлайди, уларни ўқишли қилади.

Муҳаммад Алини ижодкор сифатида тарихнинг сирли ва номаълум воқеалари, қачонлардир яшаган улуғ одамларнинг фикру ўйлари ўзига кўпроқ чорларди. Шу тариқа, у бора-бора бугундан кўра ўтмиш тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолди. Ёзувчи тарих қаърини қидириб, шаъни баланд, мақсадлари улуғвор бўлган одамларни, уларнинг сирли тақдири ва кайфиятини тасвирлашга интилди.

Бугунни кеча орқали кўришга уринадиган Муҳаммад Али ўтмишни ҳозирдай эъзозлайди. Шоир юртини ардоқловчи фарзанд сифатида миллатнинг бугуни кечасидан, эртаси бугунидан келиб чиқишини яхши билади. Шу боис озодлик учун кураш руҳи ёлқинланиб турган „Спитамен" шеърий туркуми, „Машраб" достони, „Боқий дунё" шеърий романи дунёга келди. Муҳаммад Алининг тарихий мавзуларни қаламга олиши ва тадқиқ этишида диққатга молик бир жиҳат бор. У ўтмишдаги воқеаларни эмас, балки биринчи навбатда, аждодларимизнинг ёвқур, мардона ва танти руҳий оламини, маънавий дунёсини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам адиб қаламидан чиққан боболарнинг сезимлари бугунги ва эртанги ўзбекка ҳам англашилар-ли бўлаверади. Аждодлардан мерос гўзал инсоний туйғуларни тасвирлаш, улар ёрдамида бугуннинг одамини шакллантиришга уриниш адибнинг „Сарбадорлар", "Улуғ салтанат" романларига ҳам хосдир. Бундан салкам етти юз йилча олдин рўй берган воқеалар тасвирланган бу романларда мард-

лик ўшанда ҳам эзгулик экани, хиёнат ўшанда ҳам жирканчлиги, севги ўшанда ҳам ҳаётбахшлиги акс эттирилган. Бу романларнинг қаҳрамонлари бўлмиш тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар, аксар ҳолларда, китобхон томонидан фақат билиб қўя қолинмайди, балки уларнинг кўнгил сезимлари ҳис этиладики, бу адибнинг ижодий ютуғидир.

Тарихнинг сабоқ бўларли ҳодисаларини қаламга олиш ва уни ўқувчи ҳиссиёти ҳамда тафаккурига таъсир этадиган тарзда тасвирлаш жиҳатидан шоирнинг „Гумбаздаги нур" достони алоҳида ажралиб туради. Достон яратилган 1967 йилда дунё тарихини боши-кети йўқ ғавғолар сари буриб юборган Октябрь тўнтаришига эллик йил тўлганди. Шу ҳақда ёзиб сиёсий бонус олиш мумкин бўлган бир дамда миллий тарихга мурожаат этиб, Темур шахси тўғрисида ҳайрат ва эҳтиром билан қалам суриш ҳукмрон мафкурага қарши бориш эди, аслида. Муаллиф тарихни бузиб кўрсатувчи, чиркин ўтмишни қўмсайдиган миллатчи сифатида маломатга қолиш хавфи олдида турарди. Адибнинг юртга муҳаббати, миллий хотирага эҳтироми ва ёшлик самимияти шахсий хотиржамликдан устун келди. Шоир "Гумбаздаги нур" достонида тарих ҳақиқатига хиёнат қилмасликка куч топиб, миллат ва ватан тарихининг шонли манзараларини ёрқин акс эттирди.

Достонда Темур даврида ижтимоий, сиёсий, ҳарбий ва маданий мавқеига кўра очуннинг бошкентига айланган Самарқанд шундай тасвирланади: "***...Миноралар кўк баланд деган Лофчиларнинг оғзига урар. Мадрасалар мўйсафидсимон Рўпарангда ўқишар дуо... Буюк пойтахт яшарди гўё Фароғатнинг тўшагида маст***". Бу тасвирлар шаҳарни шонли Туркистоннинг тимсолига айлантиради. Эътибор қилган киши бу мисраларда шаҳарнинг манзарасидан кўра, унга шоирнинг муносабати ифодасини бериш муҳимроқлигини пай-

қайди. Юқоридаги сатрларда муаллифнинг миллий тарихдан ифтихори, шу миллатга мансублигидан туйган ғурури акс этган.

Асарда валиаҳд Муҳаммад Султон вафоти тасвири орқали Амир Темурнинг инсонлик сифатлари акс эттирилади. Достонда не-не подшоларни зир титратган соҳибқироннинг тақдир ҳукми олдидаги ожизлиги таъсирли кўрсатилган. Қисматнинг қудрати Темурбекдай жаҳонгирни ҳам ўз исканжасига олиши, унинг кўзларидан ҳам алам ёшларини тўкдира олиши маҳорат билан акс эттирилган. Асарда жаҳонгир суюкли невараси вафотидан қаттиқ қайғуга чўмган бобогина эмас, балки Муҳаммад Султоннинг тирилиб келиши учун тахтидан воз кечишга тайёр жўмард ҳукмдор сифатида ҳам намоён бўлади:

О, чораси бўлсайди агар,
Агар келса тирилиб ўғлон,
Ростланса гар тақдири хато,
Амир Темур, фотиҳ, ўшал он
Тахтидан ҳам кечарди, ҳатто!

Амир Темурга дунёни қонга ботирган каллакесар тарзидагина қаралган советлар замонида унга бундай юксак инсоний туйғулар хослигини тасвирлаш катта ижодий жасорат эди. Шоир бу билан кифояланиб қолмай, соҳибқирон табиатида бузғунчилик эмас, балки яратувчилик майли устунлигини ***"Наҳот қаҳру гумонлар аро Гулдан нозик кўнгил яшайдир? Ки юрт аро, майдонлар аро Нафосатни кўрмакка шайдир?"*** сатрларида ифода қилади. Асарда тарих олдидаги миссияси сабаб қонлар тўкишга мажбур бўлган Темурдай жангари зотнинг гўзалликни нозик ҳис этиши, пойтахтини ақлни лол қолдирадиган иморатлар билан безаши унинг шахсиятидаги ажиб бир мукаммалликдан нишона экани ишонарли акс этади. Шоир юрт майдонлари-

да нафосатни кўра олган жаҳонгирнинг нафис туйғуларини ўта билгичлик билан тасвирлайди.

Достонда Амир Темур тимсоли ҳам, қанчалик шонли бўлмасин ўтмиш ҳам идеаллаштирилмайди. Асарда ҳаётнинг йўриғи ва инсон қисмати бутун мураккаблиги билан акс эттирилгани боис оғир меҳнат ва мўъжизакор санъатлари билан тенгсиз обидалар яратган меъморларнинг аччиқ турмуши борича кўрсатилади. Қўли гул, ҳунарда тенги йўқ меъмор бировларга гўзал бино қуради, лекин жўнгина тандирга ёлчимаган унинг хотини нонни қўшнисиникида ёпишга мажбур. Ўзгаларга кошоналар тиклаган меъморларнинг ўз кулбалари вайрона ҳолида. Шоир ҳаётнинг адоқсиз аччиқ-чучуклардан иборатлигини, улар оғушида яшашга маҳкумлик қисмат эканлигини ***"Йигитларнинг қараши кескир, Қайтаради қилич дамин ҳам. Фақатгина собит ва эски: Лабда кулгу, кўзда қотган нам..."*** тарзида нозик ифода этади. Асарда қурувчи йигитлар нигоҳидаги ёвқурликнинг қиличдан ўткирлиги кутилмаган йўсинда ифодаланган бўлса, инсон ҳаётида ғам билан қувончнинг ёнма-ён юриши лабдаги кулги ва кўздаги ёшга жуда чиройли менгзалган. Ана шу тасвирлар асарнинг ўқишлилигини кескин оширган. Чунончи,асардаги: ***"Чопар зоти – худди замона! Чақмоқдай тез у минган тулпор!"*** каби тасвирий топилмалар киши эътиборини тортади. Маълумки, нурнинг тезлиги билан ўтгувчи замон асло тиним билмайди. Чопарлар Темур салтанатининг қудратини ифода қилади. Чопарлар югуриклигининг тезкор замонга ўхшатилиши бадиий тасвир таъсирчанлигини оширган. Ҳолбуки, ҳаётий мантиқ нуқтаи назаридан бу тасвир у қадар тўғри эмас. Негаки, аниқ нарса мавҳум тушунчага ўхшатилган. Лекин бадииятнинг мантиғи шоирдан чопарни замонга солиштиришни талаб этган ва бу ҳол ифода ишонарлилигини оширган.

Достонда гўзал Самарқанд иморатларининг кўркү салобати кўз илғамас бир маҳорат билан акс эттирилади:

Қаранг, гумбаз қобирғалари,
Бир-бирига вазмин нур ташир.
Қодир қисмат йўлидай бари
Бир нуқтага бориб бирлашур.

Асарда бирор тасвир фақат ахборот вазифасини бажариш билан кифояланмайди. Юқоридаги мисраларда поэтик динамика, тўхтовсиз ички ҳаракат сезилиб туради. Унда пастдан юқорига қараб бирлашиб борадиган гумбаз қобирғалари ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдаланади, уларда жилваланаётган нур кўзга кўрингандай бўлади. Маҳорат билан битилган асарда ҳар бир тасвир бадиий эффект беради.

Достонда Темурнинг тарих олдида буюк хизматлар қилгани ҳолда тарихнинг Амир Темур олдида қарздор бўлиб қолгани ишонарли акс эттирилган. Буюк жаҳонгирнинг амал кишиси экани, тинимсиз фаолият кўрсатган одам эса, хатолар қилиши мумкинлиги таъсирли кўрсатилади.

Шоирнинг сўзни тасвир талабига мувофиқ тарзда маҳорат билан қўллай олиши асарнинг жозиба кучини оширган. Ўзларидан ном эмас обидалар қолдирган меъморлар қисмати акс этган:

Сиздан на бир қолибди хабар,
Сиздан на бир қолибди исм.
Ўн икки жон – йўқолган гавҳар,
Ўн икки жон – очилмас тилсим...

сатрларида шоир маҳорати тўлиқ бўй кўрсатади. Отлари "ошкоралар аро яширин" қолган, аммо қилган ишлари абадиятдан ўрин олган шахсларнинг фожиали ва ибратли тақдири ифодаси ўқувчини ларзага солади. Шоир қурувчилар изсиз йўқ бўлиб кетмага-

нини, улардаги яратувчилик иштиёқи авлодларга мерос қолганини таъсирли акс эттиради. Достонда инсон ва тарих муаммоси бадиий ҳал этилган. Асар ўқувчида оддий одам тарих олдида қандай қимматга эга, у унутилишгагина маҳкумми, келажак авлод эслаши учун инсон қандай яшаши керак каби саволлар уйғотади.

Шоир "Гумбаздаги нур" достонини яратишда биографик усулдан ҳам ўринли фойдаланган. Муҳаммад Алининг "Абадий соғинчлар" китобида қайд этилишича, шоирнинг отаси Аҳмад полвон Катта Фарғона каналини қазишда қатнашганларнинг илғорларидан бири бўлган. Дунёга машҳур қўшиқчи Тамарахоним унинг ҳалол меҳнатига қойил қолганидан рўмолини бериб кетган. Маълумки, ўша даврларда томошалар кўпинча очиқ майдонда ўтказилар, санъаткорларни доира бўлиб ўраб олган томошачи эркакларнинг ҳар бири ўша давр бадиий этикетига кўра, ўз олдига белбоғини ёзиб қўйган ҳолда ўтирар, раққоса ўйини давомида кимнинг белбоғига тиззалаб муқом қилса, бу ўша одам учун энг олий сийлов ҳисобланарди. Айтилишича, Аҳмад Бекназар ўғли қурилишда катта обрўга эга бўлганидан ялла айтиб рақс тушаётган Тамарахоним нафақат унинг белбоғига тиззалайди, балки ўз бошидаги рўмолини совға қилади. Бу ҳаётий ҳодиса достонда гўзал бадиий ифодасини топган. Достонда девкор ва содда чапани йигитнинг табиати жуда жонли тасвирланган. Ўқувчи тимсолнинг нафасини туйиб, ҳаракатларини кўриб тургандай бўлади. Чунки ифода сохтакорлик, зўракилик, атайинликдан бутунлай холи ва табиий.

Шунингдек, асарда омма руҳиятининг поэтик манзарасини яратиш борасида ҳам ютуқларга эришилган. Юзидаги чангини қувонч ёшлари билан ювган, қулникиданда оғир меҳнатининг самарасини каналдан қаҳ-қаҳ уриб келаётган сув оҳангида

кўрган омманинг феъли сезилар-сезилмас енгил чизиқлар ёрдамида эсда қоладиган қилиб тасвир этилган. Тўғри, бу тасвирларда муайян қиёфа чизиб берилмаган. Аммо муайянликнинг йўқлиги, ҳар бир ўқувчига тасаввурини ишга солиш имконини беради. Чунки достон ритмикасида омманинг ҳаракат динамикаси яққол сезилиб туради.

"Гумбаздаги нур" достони ватанни муқаддас қилган миллат ва халқи қиёфасини сақлаб қолабилган шахсиятлар ҳақидаги битикдир. Асарда шоирнинг халққа чексиз эҳтироми оташин мисраларда баён этилган. Чунончи, у қуйидаги мисралар орқали ватан ва халқ ҳақида гап сотиш ўрнига, унга хизмат қилишни эътиқод деб биладиган оташин фарзандлар кераклигини акс эттиради: ***"Халқим! Нокас эрур ул фарзанд, Гар сени деб бўлмаса фидо!"***

Тарих шундай бир сирли феноменки, унга меҳр қўйиб, яқинлашган одам қайтиб унинг бағридан чиқиб кетолмайди. Муҳаммад Али ижодий тақдирида ҳам айни ҳолат содир бўлди. Адибнинг бутун ижодий умри тарих билан боғланиб келмоқда. Шоир "Машраб" достонида ***"хаёл деган шунқорга қўл бериб, уч юз йил ортига"*** қайтиб, икки ёш ўртасидаги покиза муҳаббат фожиасини кўрсатади. "Боқий дунё" шеърий романида: ***"Дўстим, сенга айтар гапим бор, Эрмак учун ёзмайман асло. Рўпарамда турар барқарор Курашлардан боқий бу дунё"***,– дея ўз ижодий кредосини баён этган шоир нисбатан яқин ўтмиш ҳодисалари ва унинг иштирокчиларига тарихий-ахлоқий баҳо беради. Бу асарида у воқелик ва одам табиатини эпик йўсинда бадиий тадқиқ эта олиш салоҳиятини намойиш қилди. ***"Бир томчи ёш ва бир қатра қон Пайдо қилур минг битта достон"***,– деган ақидадаги шоир озодлик йўлида кўз ёшидан денгиз, қонидан дарё яратган халқи кўнглидаги энг боқий туйғу бўлмиш эрк учун жон берган кишилар тимсолини яратди. Шеърий роман-

да адибнинг воқеалар замирида одам қисмати ва инсоний туйғулар қатида воқеаларни юзага келтирувчи мояни кўра билиши намоён бўлди.

Роман жанри тасвир кўламининг кенглиги, халқ ҳаётининг муайян даври ва унда яшаган кишилар табиатини ҳар томонлама тадқиқ қила олиш имкониятига эгалиги, мураккаб характерлар, инсоний тақдирларни ифода этишга қодирлиги жиҳатидан ҳар қандай давр ва миллат адабиётининг қиёфасини белгилашини англаб етган адиб тарихни романик тафаккур элагидан ўтказишга бел боғлади. Кейинги йилларда ўзбек романчилиги тараққиётида теран ички силжишлар содир бўлаётир. Бу ҳол миллий романчиликда ҳаёт ҳодисаларини тасвирлашдан кўра, инсоний туйғулар ифодасига эътиборнинг кучайганлигида намоён бўлмоқда.

1984 – 1989 йиллар орасида ёзган икки китобдан иборат "Сарбадорлар" романи шу вақтга қадар ҳаётнинг эпик қатламларини ҳам шеърий шаклда ифодалаб келган Муҳаммад Алининг насрий йўсинда битилган биринчи бадиий асари бўлди. Роман сўзбошисида академик М. Қўшжонов таъкидлаганидек, ***"...баъзи бир такрорларга, чўзиқликларга, бадиият талабига жавоб бермайдиган бир бет-ярим бет баённарга..."*** дуч келиш мумкинлигига қарамай, бу йирик асарда самимийлик устувордир. Унда тарихий тимсолларга нисбатан тўқима образларнинг таъсирчан ва ишонарли тасвирланганлиги илк бор насрда қалам сураётган ижодкорнинг тарихий шахслар ифодасига эркин ёндашишдан ҳадиксираши натижаси эди.

Романдаги Шерўғлон, Ширинбика, Жалойирбек, Жаҳонбика, бир оз китобийроқ бўлсада, Ахий Жаббор сингари тимсоллар тасвири ўқувчини ўзига ром этади. Тасвир мароми қай сари бораётгани ўқувчидан усталик билан сир тутилган ўринларида воқеаларнинг кутилмаган йўсиндаги ривожи асарнинг таъсир кучини оширади.

Ёзувчи қўл урган мавзу табиати ва тасвир кўлами миқёсидан келиб чиқиб, неча ўнлаб тақдирларни ҳаётий бир фокус атрофига йиғиб кўрсатишни уддалай олган. Адиб романда боболарни эзилган, ожиз, бетадбир қул эмас, ҳақиқатни қарор топдира оладиган бек сифатида тасвирлайди. Бу ҳол тасвирнинг бир қадар романтик, кўтаринки, қўлланиладиган сўзларнингда бир қадар китобий бўлишини тақозо этган. Ёзувчи узоқ тарихда рўй берган ҳодиса бўлмиш сарбадорлар ҳаракатини қайд этишнигина эмас, балки оддий талабаси ва пахта титувчиси мамлакат барпо этиб, юрт сўраб, адолат ўрнатишга қодир миллатнинг тарихий кайфиятини ифодалашни ҳам ният қилган. Романда ёзувчининг бир умрлик муҳаббати нишони бўлмиш Амир Темур сиймоси атрофлича тасвирланмади. Зеро, сарбадорлар тақдирига бағишланган асарда Темур сиймосини батафсил бадиий тадқиқ этиш бадиий мантиқни бузган бўларди.

Муҳаммад Алининг тўрт китобдан иборат бўлиши кўзда тутилган, ҳозир икки китоби чоп этилиб, давлат мукофотига эришган "Улуғ салтанат" тетралогиясида соҳибқирон Амир Темур ҳамда ўғиллари тақдирининг турли қирралари ифода қилинган. Асарда Амир Темур мураккаб инсоний характерга эга бетакрор феномен сифатида талқин этилган. Бу шахс истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб то шу бугунга қадар илмий-тарихий, маърифий-маънавий ва бадиий-эстетик жабҳаларда улуғлаб келинади. Аммо булар Амир Темур шахсини тўла англаш ва ардоқлаш учун кифоя қилмаётгандай эди. Чунки уларда соҳибқироннинг жаҳонгирлик, саркардалик, донишмандлик сингари сифатларига урғу берилади-ю, унинг ички олами, ўзига хос инсоний сифатлари, оддий одам тарзидаги кўриниши сояда қолиб келарди.

Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" асарида бу улуғ шахсият илк бор солиҳ фарзанд, жонкуяр ини, оқибатли оға, меҳрибон ота, севимли эркак сингари қирралари билан намоён бўлди. Ёзувчи китобхонни Амир Темурнинг ички оламига олиб киради ва унга соҳибқироннинг ҳамма каби ҳис-туйғуга эга, ушалмаган орзулари, туганмас оилавий муаммолари бор оддий инсон эканлигини кўрсатишга уринади. Муҳаммад Али романларида соҳибқироннинг биз кўниккан ҳеч хато қилмайдиган идеал қиёфаси ўрнини баъзан қудратли, баъзида ожиз қоладиган оддий бир инсон тасвири эгаллади. Ўқувчи бошқа темурномаларда соҳибқироннинг ҳарбий салоҳиятидан фахрланган бўлса, энди уни тирик инсон тарзида кўра бошлади. Муҳаммад Али жаҳонгирнинг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки оилавий-маиший тузуклари ҳам таҳсинга сазовор эканлигини кўрсатди. Романда акс этган тарихий ҳақиқатлар муаллифнинг тасвирий топилмалари билан уйғунлашиб, гўзал бадиий эффект ҳосил қилган.

Муҳаммад Али тарихий ҳодисаларга бадиий ёндашибгина қолмай, ўша воқеаларга бугуннинг нуқсини юқтира олган, баъзи ўринларда эса уларда бевосита иштирок этиб, таъсир ҳам кўрсатган. "Улуғ салтанат"ни ўқиётган китобхон тарихий воқелардан хабардор бўлибгина қолмайди, балки асар қаҳрамонлари билан биргаликда тарихни яшаб ўтади. У салтанат ҳақида Амир Темур билан бирга қайғуради, яқинларини йўқотганда адоқсиз изтироб чекади, Бибихоним суҳбатидан кўнгли ёришади, жаҳонгир сиймосида ўз қадрдонини кўргандай бўлади. Давлатни бошқариш имтиёз эмас, шахсий истак ва имкониятларини чеклашга мажбур қиладиган оғир қисмат эканлигини англаб етади. Адиб Амир Темурни умри оғир синовларда ўтаётган, ҳамиша ҳукмдорлик ва одамлик ўртасидаги кураш шароитида яшашга маҳкум банда сифатида кўрса-

тади. Шу боис баъзан ўқувчига улуғ салтанат эгасининг шунчалар кўп изтироб чекиши ғалати туюлиши ҳам мумкин. Шу тариқа, китобхон Амир Темурнинг жаҳонгирдан олдин инсон эканини туяди.

Муҳаммад Али Амир Темур ҳаётида рўй берган тарихий воқеаларни кўрсатишдан кўра, унинг тарихни ўзгартиришга қодир туйғулари, одамни тушуниш сари бошлайдиган сезимлари тасвирига кўпроқ эътибор қаратади. Романда жаҳонгирнинг Бибихоним билан ички суҳбатлари ғоят дилга яқин ва самимий акс эттирилган. Улуғ хонимнинг соҳибқирон оёқларини уқалаш лавҳаси эса унинг биринчи маликаликдан аввал буюк танмаҳрамини тушунадиган, унга хизмат қилолганидан масрур бўладиган дилбар аёл эканини кўрсатиши билан хотирада муҳрланиб қолади.

Амир Темурнинг улуғ салтанатни барпо этиш ҳамда пойдор қилиш йўлидаги интилишлари ўзбек адабиётида қатор тарихий ва ижтимоий омилларга боғлиқ тарзда кўп тасвирланган. Муҳаммад Али ўз асарида шу интилишни соҳибқирон сезимларига таянган ҳолда ҳиссий-руҳий жиҳатдан далиллайди. Бунга асарда узоқ ўтмишда яшаб ўтган улуғ одамни ҳаракатга келтирган етакчи кучнинг тўғри белгилаб олинганлиги сабаб бўлади. Амир Темур даври мамлакат ва халқ ҳаётининг тарихий бурилиш палласи эди. Адиб ана шу тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, улардан керакли сабоқларни чиқариш бугун учун табиий зарурият эканлигини яхши англагани ҳолда асарида фақат давлатчилик муаммоларини кўрсатиш йўлидан бормай, ҳаётий масалаларни эзгулик ва разолат орасидаги доимий кураш фонида акс эттиради. Бу кураш жараёнида тимсолларнинг ўзлиги, сезгилари намоён бўлади. Шу боис ҳам "Улуғ салтанат" романида тарихий воқеалар кўлами эмас, балки муаллифнинг муайян ҳодиса ва одамлар ҳақидаги қарашлари салмоғи ҳал

қилувчи аҳамиятга эга. Бундай концепция асарга улкан эпик миқёс бахш этган. Адиб парокандаликка барҳам берилиб, кучли салтанат бунёд этилган тарихий шароитни шахс драмаси орқали кўрсатган. Амир Темур ўзи эришган зафарлари фонида эмас, ички олами билан намоён этилган. Гарчи, асар "Улуғ салтанат" тарзида номлансада, салтанатни улуғ қилган омил уни ташкил этган ва тепасида турган шахснинг буюклиги эканлиги ишонарли кўрсатилган. Чунки аслида майда одамни салтанат ҳам улуғ қилолмайди!!!.

Романнинг сюжет чизиғи, воқеалар баёнида кўпинча тарихий хронологияга эмас, балки образ мантиғига риоя этилган. Шунинг учун ҳам асарда ёзувчи хаёлий суҳбат, туш мотиви сингари бадиий воситалардан унумли фойдаланган. Романни ўқиган киши муаллифнинг Қуръони карим, Ҳадиси шарифдан тортиб, "Темур тузуклари" ва буюк соҳибқирон ҳаёти ҳамда фаолиятига доир турли илмий, фалсафий, диний, тарихий ва биографик манбаларни чуқур ўрганганлигига гувоҳ бўлади. Бу адибнинг тасвирга катта масъулият билан ёндашганлигини кўрсатади.

Муҳаммад Али асар қаҳрамонларига уларнинг табиати мантиғидан келиб чиқиб, турли ракурсларда ёндашади. Жумладан, Амир Темур табиатидаги инсоний хислатларни бадиий вазиятга мувофиқ тарзда кўрсатади. Юрт ва халқ тақдирини зиммасига олган кишининг ҳам ўз шахсий-интим ҳаёти, яширин дарди, руҳий-ҳиссий олами, қувончу изтироблари борлигини тасвирлайди. Айнан мана шу ҳолат роман қаҳрамонларига инсоний жозиба бағишлайди. Романнинг аксар қаҳрамонлари тасвирида лирик асос устувор, айрим ҳодисалар баёнида эса фантастика ва мистикага мойиллик ҳам сезилади. "Улуғ салтанат" шоирона жўшқинлик билан битилган асар бўлганлиги учун ҳам воқеалар тасвирида

романтик кўтаринкилик, характерларни далиллашда субъектив ёндашув, ҳаёт ҳодисаларини поэтик йўсинда идрок этиш кўзга ташланади.

Асар марказида турган Амир Темур ўз даври ахлоқини тажассум этувчи ёрқин миллий характер эканлиги билан ажралиб туради. Романда эл тинчлиги, мамлакат яхлитлиги, адолат ва ҳақиқат тантанаси борасидаги адоқсиз ижтимоий ташвишларни шахсий ҳаёти ила уйғунлаштира олган жаҳонгир сиймоси ишонарли тасвирланган. Муҳаммад Али қаламида Амир Темур эл-юрт фидойиси бўлиш билан бирга атрофидаги минглаб бошқа одамлардаги каби туйғуларга эга бир инсон ҳамдир. Адиб соҳибқиронни улуғворлик ва етуклик пиллапояларидан юксалтирган омилларни унинг ўзига хос табиатида, билганларини қўллай олиш иқтидорида, ниҳоятда кечиримли, сабр-бардошли эканида, улус дардини ўзининг шахсий ишига айлантира олганлигида ва мақсади йўлида оғишмай ҳаракат қила билганлигида, рақибларини дўстга айлантиришга йўл топа олганлигида, сўзи билан иши бирлигида, ҳар бир юмушга атрофлича мулоҳаза қилиб, астойдил киришишида, ҳамиша замонасининг оқил ва ойдинлари фикрига таянганида кўради.

Табиий истеъдодини ички интизом ва миллатнинг ижтимоий дарди билан омухта қилган адиб шу вақтга қадар ўнлаб публицистик мақолалар яратган. Унинг мустамлака исканжаси ҳали жуда мустаҳкам бўлган 1988 йилда яратилган биргина „Ўз-ўзингни англаб ет" эссеси миллат аҳлининг ўзини таниш жараёнини бир неча йилга тезлатди деб бемалол айтиш мумкин. Унда ўзбекнинг қандай миллатлиги, уни қўшни халқлар билан терс қилиб қўйиш кимларга керак экани тарихий далиллар асосида, синчковлик ва жасорат билан кўрсатиб берилган.

Адибнинг „Ошиқ бўлмай ҳақ дийдорин кўрса бўлмас" китобида халқ тарихи турли ғаразли ху-

руж ва жоҳилона менсимасликлардан ҳимоя қилинган қатор публицистик мақолалар жой олган. Улар халқимизнинг ўзлигини англаши жараёнида муҳим илмий-маърифий аҳамият касб этди. Муҳаммад Алининг "Ҳақиқатдан чекинма, тарих", "Сарбадорлар – халқ курашчилари", "Тарих мангу давомли сабоқдир", "Нима сабабдан Туркистон тарихини ўрганиш керак", "Нажот ўзликни англашда" каби мақолалари миллат аҳлида тарихий хотирани уйғотиши, миллий ғурурни шакллантириши жиҳатидан улкан аҳамиятга эгадир.

Ёзувчининг "Мен кўрган Америка" саёҳатномаси тасвирнинг оҳори, бегона юрт ва ўзгача турмуш тарзидан уйғонган ҳайратнинг вазминлиги билан ажралиб туради. Адибнинг синчков нигоҳи океан ортидаги сирли диёрнинг асосий жиҳатини бехато кўради. Вашингтон университети профессори Муҳаммад Али қанча йиллардан бери Америкага бориб келаётган бўлсада, ўзга юртнинг камолига суқлик, ялтоқилик билан қарамайди. Балки, таги кўрган миллатнинг ойдин бир ўғлони сифатида у ердаги яхши-ёмон ҳолатларга холис баҳо бера билади. Ёзувчи ҳар бир америкалик учун ўзидан ортиқ қадрият йўқлигини, ҳар қандай иш, хатти-ҳаракат менга бундан қандай фойда бор деган нуқтаи назардан ўлчанишини айтар экан, қуйидаги гўзал далилни келтиради: Америкада "мен" маъносини англатувчи биргина ҳарфдан иборат "*I*" сўзи гапнинг қаерида келишидан қатъи назар катта ёзиладики, бу ҳолат юрт аҳлининг қанчалар ўз шахсига маҳлиёлигини билдиради.

Муҳаммад Али "Абадий соғинчлар" номли роман-хроникасида: ***"...ватандошларимиз ҳеч қачон ўз хоҳишлари билан юртни тарк этиб кетмаган эканлар"***,– деган қаноатдан келиб чиқиб, турли сабаблар билан ватанидан кетишга мажбур бўлиб, ўзга юртларда яшаган ўзбеклар тақдири ҳақида қалам суради. Бу романда шунчаки бир оила аъзола-

рининг бошидан ўтган саргузаштлар акс эттирилмаган, балки ўзбек деб аталувчи этносга хос эзгу маънавий-руҳий фазилатлар бир ўтбоши мисолида тасвирланган. Асарнинг қаҳрамонларидан бири ўз юртидан кетишга мажбур бўлган миллатдошимиз Саид Акрамхон Тўранинг ўттиз саккиз йил давомида Афғонистон мамлакатининг бош вазири бўлиб тургани, бошқа бир юртдошимиз Саид Маҳмудхон Тўранинг эса куфрона ишлари учун подшо Омонуллохоннинг амакиси Файз Муҳаммадхон Зикриёни маҳкамага топшириб, устидан ўлим ҳукми чиқарилишига эришган, исломни бузишга уринган саккиз миссионерни тошбўрон қилдирган ҳақпараст ва адолатпеша одам эканлиги ҳамда унинг авлодлари бошидан ўтган синовлар тасвири асносида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Махдуми Аъзам, мавлоно Лутфулла Чустий каби табаррук зотлар ҳаётидан ибратли лавҳалар келтирилади ва улар ажиб бир уйғунликка эга бўлиб, асарнинг ўқишлилигини таъминлайди. Айниқса, китобнинг "***Ватан бизга ўзимиздан кўра азизроқдир***", – деган қаноат билан тугаши ўқувчиларга ўзгача таъсир кўрсатади.

Муҳаммад Али таниқли шоир ва ёзувчи, публицистгина эмас, балки жиддий таржимашунос олим ҳам. У назарий билимларини таржима амалиётига муваффақиятли қўллашга эришган ўгирмандир. Муҳаммад Али кўп йиллардан буён моҳир таржимон сифатида жаҳон адабиётининг сара асарлари билан ўзбек ўқувчиларини ошно қилишга астойдил ҳаракат қилиб келаётир. Унинг таржимасидаги "Рамаяна" эпоси эндиликда фақат ҳиндларнинг эмас, ўзбекларнинг ҳам бадиий мулкига айланди. "Шаҳриёр", "Маспошшо" сингари қорақалпоқ халқ достонлари ҳам Муҳаммад Али томонидан ўзбек тилига ағдарилган. Шунингдек,қардош шоир Бердақнинг асарлари адиб қалами туфайли ўзбек хонадонларига кириб борди. Инглиз шоири Роберт

Бёрнсдан у қилган таржималар худди асли ўзбекчада ёзилгандай таассурот қолдиради. Муҳаммад Али туфайли очуннинг Катулл, Хоқоний Ширвоний, Румий, Шиллер, Махтумқули, Абай, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Тҳакур, Туманян, Табидзе, Леонидзе, Ҳамзатов, Лойиқ каби турли-туман шоирлари шеърлари ўзбекларнинг кўнгил мулкига айланган.

Муҳаммад Али бадиий ижодни илмий тадқиқот, педагогик ва ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб бора олган серқирра истеъдод эгалари сирасига киради. Филология фанлари номзоди, Вашингтон университетининг профессори, Ўзбекистон Миллий университетида қатор йиллар маъруза ўқиган таниқли олим Муҳаммад Алининг бадиий асарлари дунёдаги йигирма беш тилга таржима қилинган. Адибнинг ўзбек адабиёти ривожи ҳамда миллат маънавияти юксалишига қўшган ҳиссаси ҳисобга олиниб, унга 1992 йилда "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" унвони берилди. 2007 йилда эса "Улуғ салтанат" тетралогиясининг дастлабки икки китоби учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотига эга бўлди.

Муҳтарам ўқувчи! Ушбу сўз бир қадар чўзилиб кетган бўлсада, совриндор адиб Муҳаммад Алининг "Шарқ" нашриётидан чиқарилаётган кўпжилдлигига киритиладиган барча асарларнинг моҳиятини тўлиқ акс эттиришдан ожиз. Бадиий яратиқнинг чин баҳосини синчков ўқувчи беради. Таниқли ёзувчининг асарлари билан қайта учрашувингиз хайрли бўлсин.

2008 йил 26 феврал

ЁЛҚИНЛИ ТУЙҒУЛАР ТАСВИРИ

Публицистика адабиётга журналистик хусусият берганидай, журналистикага бадиийлик сифати бағишлайди. Шунинг учун яқингача ҳам публицистика журналистика ва адабиётга бирдай тегишли ҳисобланар эди. Зеро, бадиий адабиётга деярли ҳамиша ижтимоий маъно юкланганидан, табиий равишда, публицистик йўналишга ҳам эга бўлади. Энг қадим замонлардаги эртагу қўшиқлар ҳам шунчаки бадиий таъбни қондиришдан кўра, ижодкор инсоннинг дардини бўлишиш эҳтиёжи туфайли яратилган. Очиқ-ошкора тарғибий йўналишдаги "Қисаси Рабғузий", "Иброҳим Адҳам", "Шоҳ Машраб" каби битиклар-ку биринчи навбатда публицистикага ёвуқдир. Маърифатчилар, айниқса, жадидларнинг асарлари, аввало, ижтимоий маъноси, яъни публицистик руҳи билан эътиборни тортарди.

Кейинги йигирма йил ичида азалдан адабиёт билан журналистикани бир-бирига боғлаб турадиган публицистика адабиётдан бир қадар йироқлашиб, соф журналистик йўналиш сифатида қараладиган бўлди. Чунки совет даври адабиёти бошлича ижтимоий ва тарафкаш адабиёт эди. Коммунистик мафкура ҳар бир асарнинг очиқ публицистик йўналишда бўлишини талаб этарди. Алоҳида бир одамнинг руҳиятини англамоқчи бўлган ўқувчига бу адабиёт яланғоч ижтимоий ғояни тиқиштирар, бадииятдан кўра публицистик руҳ кучли бўлишини талаб этарди. Бу ҳол китобхонни публицистикадан бездириб, одамларни ижтимоий йўналишдаги битикларни ўқимайдиган қилиб қўйди. Шу тариқа публицистика бадиий адабиётдан йироқлашиб,

журналистиканинг тармоғига айланди. Аммо ҳар қандай ҳодисанинг асл баҳосини берадиган ҳакам бўлмиш вақт бугуннинг одами руҳияти учун ҳам ижтимоий ёндашув зарурлигини кўрсатди ва публицистик битиклар аста-секинлик билан яна бадиийлик касб этиб бормоқда. Негаки, одамнинг туйғулари ижтимоий муаммо-муносабатлар оғушида яққолроқ намоён бўлади.

Ҳароратли мақолалари билан танилган журналист ва ҳассос шоир Абдухолиқ Абдураззоқовнинг "Сиз отамни танийсиз" китоби бадиийлик белгиларига эга бўлган янгича мақоланависликнинг намунасидир. Гап ушбу асардаги ҳар бир мақола,худди достонлардагидек, шеър билан бирга келганида эмас. Ҳамма гап муаллифнинг ижтимоий ҳодиса ҳамда ҳаётий фактлар замиридаги эстетик моҳиятни тўғри топа олгани ва бадиий таъсирли ифода эта билганидадир.

Тўрт бўлимдан иборат китобнинг "Она ватан, онажон Ватан" бўлимидан жой олган шу номдаги мақолада юртга кўр-кўрона ва мутаасибларча фидойилик ҳали чин муҳаббат эмаслиги, уни чинакамига севиш учун билиш зарурлиги, ватанга манқуртнинг содиқлигидан унинг ўтмиши ва ҳозирини биладиган онгли фуқаронинг севгиси муҳимроқлиги таъсирли йўсинда баён этилади.

Битикларига жозиба бахш этиш учун муаллиф мақолаларда таъсирли образлар, эсда қоладиган сифатлашлар қўллайди. "Тилак" мақоласидаги: ***"Ёнилғи-энергия мустақиллигидан, автомобилсозлик, машинасозлик мустақиллигидан фикр, тафаккур мустақиллиги сари улкан эврилиш юз бермоқда"*** тарзидаги ифода публицистнинг ўз фикрини ёдда қоладиган тарзда ифодалаш намунасидир. Унда миллат руҳияти ва ижтимоий тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар нозик илғаб олинган.

Шоирнинг публицистик асарлари тўплами бўлмиш ушбу китоб ўзига хос жанр хусусиятларига эга.

Ундан жой олган ҳар бир мақоланинг ё боши, ёки охири ёхуд ўртасида, албатта, шеър келади. Шеърлар мақолаларга жозиба бахш этади. Ундаги фикрий тўлғамларга ҳиссий тус бериб, тасвирга ранг киритади. Айрим ҳолатларда шеърий мисралар ҳикмат каби жаранглайди. "***Йўллар қурган йўлда қолмас***",– дейди шоир "Ватан менимдир" мақоласидаги шеърда. Бу шунчаки чақириқ эмас, кўнгил изҳоридай таассурот қолдиради.

Ҳар қандай публицистик асарнинг муҳим ўзига хос хусусияти унда муаллиф ниятининг очиқ баён этилишидир. Муаллифнинг мақсади тўла тушунарли бўлиши, ўзгача талқинга имкон бермаслиги керак. Соф бадиий асарнинг ўқувчи томонидан истаганча талқин қилиниши мумкин. Аммо публицист ўз нуқтаи назарини ўқувчига ўтказиши шарт. Асар шу ниятда ёзилади. А. Абдураззоқов кўпгина мақолаларида китобхонга ўз позициясини ўтказишга эришади. Қизиғи шундаки, кўпчилик публицистлар "халқнинг тили учида турган" гапни унинг номидан гапиришга уринишади. Ҳолбуки, унга халқ номидан гапириш ваколати берилган эмас. Абдухолиқнинг мақоланавис ёзувчи сифатидаги ўзига хослиги шундаки, у фақат ўзининг номидан, ўз кўнглини безовта қилган нарса-ҳодисалар тўғрисида ёзади. Даврининг илғор одами, миллатнинг ойдин вакили сифатида унинг кўнгли халқиникига пайвастадир.

Шунинг учун ҳам "Мустақиллик одимлари" мақоласида юртимизда қурилаётган йўлларнинг аҳамиятига тўхталар экан, "***Қадим йўлга оёқ чўзса илдизлар, Қалб осмонга бошин тираб йўл излар***" мисралари эгаманлик туйғуларидан тўлиққан шахс кўнглининг чин изҳори ўлароқ ўқувчи юрагига таъсир қилади. Бу сатрлардаги поэтик образлар теранлиги билан китобхон шуурини ром қилади. Янги қурилаётган темир йўл худди илдиздай бўлиб томир ёймоқда, лекин у шунчаки ерга эмас, балки

"қадим йўлга оёқ чўзмоқ"да, чунки қадим тарихда ҳам миллат ўз йўлига эга бўлиб келган. Ўтмишдаги шоннинг тикланиши муаллиф қалбини осмон қадар юксалтиб, бошини кўкка тираш имконини беради.

Ҳамиша баҳс руҳига эгалик ҳам публицистик асарларга хос жиҳатдир. Публицист ҳар доим ўзгача қарашдаги қандайдир мухолиф билан тортишаётган йўсинда қалам суради. Бу ижодкорнинг тенденциозлиги туфайли эмас, балки жанрнинг талабидир. Публицист холис бўлолмайди. У ниманидир ёқлаб, нима ёхуд кимгадир қарши туришга мажбур. Шунинг учун ҳам қўлингиздаги китобдаги ҳар бир мақола ва деярли кўпчилик шеърларда қандайдир мухолиф билан баҳслашиш, унинг қарашларини рад этишга уриниш бор. Кўп ўринларда муаллиф ўқувчини ўз фикрига ишонтириб, уни ўзига тарафдор қилиб олади, яъни баҳсни ўз фойдасига ҳал қилади.

Китобнинг "Ўзбекистонни тинч қўйинг" бўлимига кирган мақолаларда муаллиф четдан туриб юртимизга тош отаётган, туҳмат қилаётган мухолифлар билан баҳсга киришиб, қамровни кенгроқ олади. А. Абдураззоқов "Ўзбекистоннитинчқўйинг" мақоласида журналистика назариётчиси Д. Рэндаллнинг "Универсал журналистика" китобидаги: ***"Ёмон журналистика воқеаларни нохолислик билан бирон-бир қора ниятни кўзлаб"*** ёритиши борасидаги қарашига таяниб: ***"Дунёнинг ҳамма нуқталарида виждон журналистикаси учун эшиклар кенг очиб қўйилади деб ишонамиз"***,– дейди. У "виждон журналистикаси" атамаси билан журналистик фаолиятнинг маънавий жиҳати борасида янги тушунча киритди. Мақола сўнгида келтирилган шеърнинг:

Дунё жуда торайиб қолган,
Ҳеч қаерга сиғмайсан бугун.
Кенгфеъллигинг қайга йўқолган?
Юрагингда юракдай тугун

сатрлари нохолис кимсаларга берилган кескин саволдай янграйди

Муаллиф "Ният" мақоласини ***"Зангор қирларда бир тўп бола варрак учирмоқда. Уларнинг шўхликлари осмонга сиғмайди. Уларнинг қувончи ҳатто осмонни ҳам гуллатиб юборган"*** тарзидаги шоирона тасвир билан бошлайди. Бундай сокин муқаддимадан сўнг гапнинг Андижон воқеаларига кўчиши ифода мароминнинг ўзи билан долғали кўнгилсизликнинг бутун кўламини ўқувчига сездиради.

"Ҳуқуқий тафаккур кўклами" мақоласида ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини ўзи қозонишга ўрганиши лозимлиги йиғилишда сўзга чиқиб, туман катталарини муаммони ҳал қилишга мажбур этган аёл мисолида жуда таъсирли акс эттирилган. "Ҳаёт" мақоласида эса муаллиф ахборот глобаллашган замонда мамлакат чегараларидан ёт ва зарарли ғояларни ўтказмаслик қийинлигини қайд этар экан, *"кўнгил чегараларини мустаҳкамлаш"*га чақиради. У халқни биқиқликка даъват этмайди, лекин ўзликни англаш, қадимий миллий қадриятларга таяниш ёт ғоя ва қадриятлардан сақланишнинг энг самарали йўли эканини таъкидлайди.

А. Абдураззоқовнинг публицистик услубига хос асосий белги шундаки, у мақолаларида турли ҳодиса ва ҳолатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, ўзаро солиштириб тасвирлайди. Ҳар қандай одам ва ҳодиса моҳияти солиштирилганда ёркин очилишига ишонган муаллиф тасвирда шу усулдан унумли фойдаланади.

Қўлингиздаги китоб бежизга "Сиз отамни танийсиз" деб номланмаган. Маълумки, ўзбекда отанинг мақоми юксак, масъулияти улкан. Бизда отанинг қандайлиги, кўпинча, бола келажагини белгилайди, тақдирини тайин этади. Муаллиф назарида, отанинг қандайлиги нафақат оиланинг, балки бутун

жамиятнинг қиёфасини белгилайди. Тўпламдан жой олган ҳар бир мақолада отанинг бола шахси ва жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Улар шунчаки мулоҳазалар эмас, балки синчков ёзувчининг катта-кичик ҳаётий лавҳалардан чиқарган хулосаларидир. Бу йўналишдаги асарлар китобнинг "Оталар, оналар ва болалар" номли учинчи бўлимидан жой олган.

"Ота ибрати ҳақида сўз" мақоласида ҳали йигит ёшида касалланиб қолган ўғли Ҳумоюнга жонини бахшида қилиб шам каби сўнган буюк Бобур ҳамда ўт ичида қолган уйдаги қизини қутқараман деб ёниб кетган замондошимиз ҳақидаги воқеаларни келтирар экан, муаллиф улар билан Ширин шаҳрида яшовчи Абдужаббор ҳожи ва қамайлик профессор Жуманазар Бекназаровлар ўртасида ўхшашлик кўради. Гарчи, кейинги икки шахс фавқулодда қаҳрамонлик қилмаган бўлсаларда, уларнинг оталарча одамий тутумлари болалари учун намуна мактаби бўлганини жуда ишонарли кўрсатиб беради.

Синчков нигоҳга эга муаллиф кичик тафсилдан катта маъно топа олади. Номи китобга чиқарилган мақоласида ёзувчи суҳбатдошига фахр билан: "Сиз отамни танийсиз", – деб айта оладиган ва бировга бундай деёлмайдиган фарзандлар руҳий ҳолатини солиштириш асносида бугунги ўзбек ҳаётидаги улкан бир муаммо – оиладаги мавқеи пасайиб, ҳатто, йўқолиб бораётган оталар масаласига эътибор тортади.

А. Абдураззоқовнинг мақолаларида ҳиссийлик кучли. Бу табиий ҳам. Чунки публицист ўқувчини ўз фикрига ишонтириш, позициясига оғдириш учун унинг нафақат тафаккури, балки туйғуларига ҳам таъсир кўрсатиши керак. "Сиз отамни танийсиз" мақоласидан кейин берилган ва муаллифнинг ўз отасига бағишланган шеър ҳиссиётнинг кучли ифодаси бўлганлиги билан ёдда қолади. Шоир шеърда

отанинг ўзига эмас, балки у яратган анорзорга мурожаат қилиб, кўнглини бўшатади:

Эй анорзор, боғбонинг қани?
Излаб келдим атай кўргани.
Ўксик кўнглим борар ўртаниб,
Эй анорзор, боғбонинг қани?

Шоир образли фикрлайди. Шу боис ҳам ота яратган анорзорда юриб, оғочларга: ***"Туятишлар, қорақайинлар, Шохи тикон, бағри м[illegible]инлар"***,– дея мурожаатда ҳам анорга хос энг муҳим жиҳатлар, ҳам отанинг соҳибкорлиги ифодасини топган. Тасвирнинг самимияти шеърий мурожаатнинг айрим ўринларини поэтик муножот даражасига чиқаради:

Дунё асли мункиллаган чол,
Излари – гул, манзили – завол.
Ҳар бир дарахт – жавобсиз савол,
Оҳ, анорзор, боғбонинг қани?

Бу сатрлар ифода эмоционаллиги, ҳар бир поэтик образ ва ташбиҳнинг ўринли қўлланилганлиги, ҳар бир тасвирга салмоқли бадиий юк ортилганилиги билан эътиборни тортади. Ҳатто, "эй" ундовининг "оҳ"га айланишида ҳам поэтик маъно борлиги муаллифнинг шоирлик истеъдодини кўрсатади.

"Дивандаги эр" мақоласида жонининг тинчини ўйлаб, эркаклик ори, йигитлик шаънидан кечиб, хотинига қарам бўлиб ўтирган, болалар таъминоти ва тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган кимсалар ҳақида алам билан қалам сурилади. Ўғил болаларимизда йигитлик, эркаклик, эрлик туйғуларини ўз вақтида шакллантириш учун мактабда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, эркак ўқитувчиларни кўпайтириш, ҳарбий хизматни миллий менталитетга мувофиқ ташкил этиш каби муҳим муаммоларни кўтаради.

Китобнинг "Жаҳон ўзбекча куйламоқда" бўлимидан жой олган "Ёнимиздаги одам" мақоласида кичик ҳаётий деталларга таянган ҳолда бир-биримизга эътиборлироқ бўлиш, аяброқ муомала қилиш муаммоси қаламга олинади. Муаллиф аксар мақолаларида ҳикмат билан сўзлайди. Чунончи, "Прагматиклар даври" мақоласида ёзади: "***...ҳадеб ёзғираверишкишини мискин ва ҳокисоргина эмас, балки аламзада ва баттолга айлантириши ҳеч гап эмас***",– дейди. Сўнг ўз фикрини: "***Зеро, мискинлик инсон қонидаги шиддат ва ғайратни қирқади. Аламзада одам феълида эса ўр-қирни билмайдиган бетизгин сел ёки ваҳший ҳайвоннинг телба тўлғаниши яшайди***",– хулосаси билан асослайди.

"Яхшилик" мақоласида "***Яхшиликни йўлларга эккил, Биров билмас, биров билади. Яхшиликни дилларга эккил, Эрта бир кун мева қилади***" каби сатрлар орқали чўнг ҳаётий ҳикматни таъсирли йўсинда ифода этади.

"Жаҳон ўзбекча куйламоқда" суҳбат-мақоласида машҳур бастакор Анор Назаровнинг шахсияти, кўнгил кечинмалари, руҳий тўлғамлари теран очилган. Айниқса, композиторга бағишлаб ёзилган шеър қаҳрамон руҳиятини ёрқин акс эттириши билан эътирофга лойиқдир:

Ташқарида ёғаётир қор,
Қаҳ-қаҳ уриб қиш қасирлайди.
"Қайлардасан, азизим, баҳор?"
Тутқич бермай оҳанглар дайдир.

Бу сатрларда қасирлаган қиш қўйнидан кўклами оҳанг қидирган бастакорнинг кўнгил ҳолати тасирли ифода этилган. Унинг баҳорий гўзалликни кўнглидан топганлиги "***Кўчалардан топилмай макон, Соҳир ҳислар қалбга қувилар***" мисраларида акс этади. Гўзаллик ярата оладиган санъаткорнинг таъсирчан ва ҳимоясиз қалби "***Юрагимни ғи-***

жимламанг, бас, Йўқотишлар йўқолиб кетсин каби инжа сатрларда яққол кўринади. Шеърнинг ***"Гулга тўлиб борар ҳамма ёқ, Гуллаб кетар, ҳатто, қаҳратон"*** шаклидаги сўнгги мисралари бир қанча товушларни гўзал йўсинда уйғунлаштирган мусиқий-руҳий аккорд бўлиб янграган. Унда яратган мусиқаси билан қаҳратоннида гуллатган ижодкор руҳияти ўз ифодасини топган.

"Раҳмат сенга, юрак!" мақоласи ичида келган "Қорхат" шеъридаги ***"Қорхат – элчи, биламизки, элчиларга ўлим йўқдир, Изҳори ишқ айлагали бундан бошқа йўлим йўқдир"*** ёки ***"Қўшиқнинг энг қайноғини, жаранглаган торни севдим"*** сатрлари оламнинг гўзаллигини, одамнинг азизлигини туйиб тепаётган юракка хос сифатларни маҳорат ила акс эттириш намуналаридир.

"Айбсиз – Парвардигор", – деганларидай, қўлингиздаги китоб ҳам камчиликлардан холи эмас. Бир китобда "Тилак" сарлавҳали икки мақоланинг борлиги, шеърларнинг ҳаммаси ҳам мақолалар билан уйғунлашиб кетавермаганлиги, айрим шеърларда зўракилик сезилиши шундай нуқсонлардир. Айтилган камчиликлар китобнинг қимматини пасайтира олмайди. Истиқлолни мустаҳкамлаётган замондошлар кайфияти акс этган ҳароратли публицистик мақолаларни тафаккур мустақиллигига интилган ижодкор руҳияти ифодаси бўмиш таъсирчан ижтимоий шеърлар билан ажиб йўсинда уйғунлаштириш натижаси бўлган ушбу китоб адабий ҳаётимиздан ўз ўрнини топади деб умид қиламиз.

2008 йил 27 июл

МАЙИН ИСЁН ОҲАНГЛАРИ

Замонавий адабиётнинг маданий қатламларни текширишга ўтганлиги, биринчи навбатда,ижодкорлармиллий тилдаги сўзларни ўз асл маъноларида қўллашдан кўра уларга ўзлари истаган маънони юклашга интилаётганида кўринмоқда. Шоира Ўктамойнинг "Сирдон" китоби ўзида миллий адабиётимиз моҳиятидаги сўнгги эврилишларни акс эттирганлиги билан катта аҳамиятга эгадир.

Одамни билиш, унинг кўнгил кечинмаларини илғаш, руҳиятида бўлаётган ғалаёнларни идрок этиш ўта мушкул юмушдир. Чинакам ижодкор ана шундай ғоят чигал ва тушунарсиз руҳий ҳолатлар манзарасини ўзга кишининг сезимларига ҳам таъсир этадиган даражада чизиш масъулиятини ўз зиммасига олади. Одамда кайфият ва туйғуларда беқарор, ўзгарувчан нарса йўқ. Асл ижодкор ана шу тинимсиз ўзгарувчан ҳолатларни муайян шаклга солиб, моддийлаштиради. Айни вақтда ундаги сезимлар динамикаси, ўзгаришлар доимийлиги ва ҳаракат ҳовурини сақлаб қолади.

Ўктамой – ҳаммага таниш бўлган нарсаларнинг барчага ҳам маълум бўлмаган жиҳатларини кўрадиган шоира. Унинг шеърларида инсон туйғуларининг ғоят сирли ва тушуниксиз товланишлари тасвир этилади. Оламни кўнгил кўзи билан кўрган шоира уни фақат тафаккур кучи билан эмас, балки кўнгли илғамлари воситасида изоҳлайди. Кўнгил ҳолатлари эса қайтарилмасдир. Шунинг учун ҳам унинг битганларида бошқа ҳеч ким кўрмаган ҳолатлар ўзга ҳеч кимга ўхшамаган йўсинда тасвирланади:

Сиз келдингиз, эриди қорлар,
Қарғаларнинг саслари тинди.
Куйган шохча – киприк устига,
Соғинчимнинг қушлари қўнди.

Шеърда образлар ғоят моддий, аммо уларга шоира юклаган рамзлар моддий тимсолларнинг одатий моҳиятини ўзгартириб, уларга қўшимча маъно юклайди. Ёрнинг келиши кўнгилдаги соғинч қорларини эритиб, ҳижрон қишида пайдо бўладиган шубҳа қарғаларининг ёқимсиз саслариии тиндирди. Маъшуқанинг узун ва қоп-қора киприклари шунчаки киприк эмас, балки ошиқнинг йўлига қарайвериб, уни ўйлайвериб, куйиб кетган севги оғочининг куюк шохчасидир. Одатда, куюк шохга қушлар қўнмайди. Лекин қўнди. Демак, маъшуқанинг кўнглига ҳам кўкламинди.

Ўктамой майин фикрлайди, майин озорланади, майин изтироб чекади, майин исён қилади ва дағал сезимларнидамайингина ифода этади. ***"Қарғаларнинг саслари тинди"***,– деб ёзади шоира. Одатда, қарғанинг товушига нисбатан "сас" сўзи ишлатилмайди. Лекин Ўктамой унинг совуқ қағиллашини ҳам беозор ифодалагиси келганидан, сас сўзини қўллайди. Шоира очунни образли кўради. Шу боис унинг битикларида нозик ишораларга кўп ўрин беради. Маълумки, овоз чиқариб, ҳаммага билдириб ишора қилинмайди. Шоира: ***"Соғинчимнинг қушлари қўнди"*** ташбиҳи кўнгил ҳолатини ифодалашдан ташқари, киприкларига илинган севинч ёшларини ҳам кўзда тутади. Интиқлик билан кутилган висол онлари ҳижрон жафосида ўртанган ҳар бир инсоннинг кўзларида ёш пайдо қилиши табиий. Шоира ана шу инжа ҳолатни қамровдор образлар воситасида ва силсилали тасвирлай билади.

Шоира тасаввур қилиш ҳам ўта мушкул бўлган руҳий тўлғамларни кўз билан кўрса бўладиган йў-

синда моддийлаштириб чизишга интилади. Чунончи, бир шеърида ададсиз соғинчни шундай тасвирлайди:

Жиловлолмай қолгум бир куни,
Тоқатларим бир-бир йиқади.
Ўзанини бузиб бир дарё,
Кўзларимдан тошиб чиқади.

Чин шоирагина миқдор, миқёс, кўлам, ҳажм билан ўлчаб бўлмайдиган соғинч туйғусини кўз ёши дарёси тимсолида бера олади.

Асл шоирлик одатий нарса-ҳодисаларнинг ҳеч ким пайқамаган, пайқаган бўлсада, ифода эта олмаган жиҳатларни кўриб, кўрсата олишда намоён бўлади. Ўктамой баъзан ўта мавҳум тушунча ёки ҳолатни ҳаммага маълум нарсага ўхшатса, баъзан поэтик эффект учун ҳаммага таниш ҳолат-ҳодисани ҳаётда кўриш мумкин бўлмаган ғоят мавҳум нарсага қиёслайди. Бундай қиёс тасвирни конкретлаштирмасада, ўқувчини ўйлантириши билан бадиий инкишофга йўл очади.

Бундай ҳолатни шоиранинг кўплаб шеърларида учратиш мумкин. Жавобсиз севги сабаб ўзини алдаб, бутун орзу аъмолларини ёлғонга қуришга мажбур бўлган кўнгил одамининг руҳияти ҳижрон чархида пишитилиши бор гап. Чунки ёлғонга қурилган бир ёқлама севгида ҳижрондан бўлак нарса бўлмайди. Унда умидгада асос йўқ. Андуҳ денгизида ғарқ бўлиб кетмаслик учун хору хасларга осилиб яшашга маҳкум:

Ёлғон мени бўздай тўқийди,
Ҳижронларда пишитади чарх.
Осилганча хору хасларга,
Андуҳларга бўлаяпман ғарқ.

Дунёга келганки банда ҳеч қачон насибасиз қолмаган. Аммо лирик қаҳрамон чекига тушган насиба андуҳ чеккулик: "***Ҳаёт менга илингани ғам, Ишқ – бу тишим ўтмаган сура***". Бу сатрларда ҳаёт ҳақиқати эмас, вазият, кайфият ҳақиқати, ҳиссиётлар жилваси акс этган. Ҳижрон оғушидаги маъшуқага бутун умри ҳажр азобидан иборат бўлиб туюлиши табиий.

Ҳижрон азобида қолган шоира тақдир ҳукмига кўниккан ҳалим қалб эгаси. Лирик қаҳрамон андуҳлар қаърига чўккан бўлсада, умидни бир дам ўзидан йироқ кетказмайди. У ишқнинг нималигини билмоқчи, қандай йўл тутса, ёркинроқ тақдирга эга бўлиш мумкинлигини аниқламоқчи бўлади. Лекин илоҳий сураларни бирор банда охирига қадар изоҳлай олмагани каби ишқ моҳиятига ҳам унинг тиши ўтмайди. Шоира ожиз ҳолатга тушиб тўлғанаётган одам руҳиятини чизади. Лекин бу одам сезимларида иддао, инкор йўқ. У – курашувчи, инкор этувчи эмас. У – кўникувчи ва шу кўникувчилиги баробарида эзгулик кутгувчи одам.

Маълумки, осмон йироқ ва юксак бўлгани учун унинг бағрида қандай жараёнлар кечаётгани одамга маълум эмас. Аммо қуёш чиқиши, туман тушиши, қор-ёмғир ёғиши унинг сирларини, маълум даражада, ошкор қилади. Шу боис шоиранинг: "***Томчилар осмоннинг очилган сири***" тарзидаги фавқулодда чиройли тасвири ҳаёт ҳақиқатининг ифодасидай туюлади. Бир қарашда ушбу мисра мавжуд ҳаётий ҳодисани шунчаки таъкидлаш вазифасинигина бажараётганга ўхшайди. Лекин шоира бу сатр зимасидаги поэтик функцияни кейинги мисраларга юклаб, тасвир таъсирчанлигини оширишга эришади: "***Осмонимга сирлар сиғмай кетяпти, Ёмғирлар тилида сўзлаш мен билан***". Маъшуқанинг кўнгил осмонидаги сирларни илғаш учун ошиқдан илинжу истаклар натижаси бўлган ёмғирлар

– кўзёшлар тилида сўзлашиш талаб этилади. Зеро, бир руҳий ҳолатдаги одамларгина бир-бирини англай олади.

Ўктамой ўзбекнинг руҳий дунёси ва турмуш йўсинини ичдан биладиган бир аёл ва истеъдодли шоира сифатида халқнинг турғун ибораларидан ғоят усталик билан фойдаланади. Шоиранинг: ***"Бахт турибди остонамизда, Жиним, нега суймайсан уни? Бахтсиздирман жинлар туфайли"*** сатрларида сўзлашув тилида кўп қўлланиладиган "Жиним суймайди" ибораси воситасида ўзгача бир руҳий ҳолат ғоят маҳорат билан акс эттирилган. Унда инсон кўнгли товланишларидаги тушунарсизлик, кутилмаганлик усталик билан кўрсатилган. Аксар шеърларда вазиятнинг қурбони сифатида кўринадиган лирик қаҳрамон бу мисраларда ўз бахтининг кушандаси тарзида тасвирланади. Лекин у бу ҳолатида ҳам чорасиз. Олдинги шеърларида ошиқ раъйига қарши боролмаган бўлса, энди ўз кўнглига терс қадам босолмайди.

Халқ орасида: ***"Дард – меҳмон"***,– деган ибора юради. Шоирага ўз кўнгли тубидаги ғуборлар манзарасини чизишда ана шу фразеологизм жуда қўл келади:

Уйи куйса нетар, мен чеккан дарднинг
Минг йилдирки ётар шўр остонамда.
Минг йилки йўлатмас ҳуррамлик – ётни
Дарахтлар кўк кийиб яшар мотамда.
Юрагим азобдан қонлар қусади...

Ҳар қандай меҳмон қачондир кетгани каби инсонга ёпишган дард ҳам охири арийди. Лекин муҳаббат дарди минг йилдирки шоирани тарк этмайди. Ўктамой ўз кайфияти ҳолатларини табиатга моҳирлик билан кўчиради: оғочларнинг кўклиги уларнинг ўсаётганидан эмас, балки минг йилдан буён кетмаётган меҳмон бўлмиш дарднинг бўсағага ҳам

йўлатмай қўйгани қувончга мотам тутганидан. Элда меҳмон саналмиш дарднинг тезда кетмагани қаҳрамонга минг йилдай узун бўлиб туюлиши асосли!!!.

"Кипригим шохида" деб бошланувчи шеър Ўктамойнинг шоира сифатидаги ифода имкониятлари алоҳида намоён бўлгани билан диққатга сазовордир. У маълум сўзни салгина ўзгарган шаклда қўллаш билан сўзнинг бадиий таъсир даражасини оширади:

Севдигим,
Қалбингиз шафоатидан,
Бағримда саргашта
Майсалар унур.

Шоира "севгилим" сўзини атайлаб *"севдигим"* тарзида ишлатади. Қоидага кўра "севгилим" шаклида қўллаганда, сўзнинг таъсир кучи кескин пасайган бўларди. Негаки, *"севдигим"* сўзининг ритмик шиддатиёқ севикли инсоннинг "қалб шафоати" маъшуқа бағрида майса ундургидай кучга эгалигини билдиргандай бўлади.

Ўктамой – кўнгил ҳолатларидан ҳикмат топадиган, тортган азобларидан кўламли хулосалар чиқарадиган шоира. Шунинг учун ҳам унинг: ***"Кўнгил —томиб тугаган кўз ёш, Вафо – ёши қайтган ўйинчи"*** каби қаноатларида атайинлик, сунъийлик йўқ. Унинг битганларида инсон кўнгли, унинг руҳий ҳолатлари тасвирини бериш бирламчи ўрин тутади. Баъзи шеърларида шоира табиат манзарасини чизаётгандай бўлиб туюлади. Лекин аслида у кўнгил ҳолатини манзаралаштираётган бўлади. Руҳият тасвирида аниқликка интилиш шоирани табиат унсурларига мурожаат қилишга ундайди. Ўктамойнинг шеърларидаги: ***"Сизни бир кўрайин деб, юрагим оқиб кетди", "Ўрмондек туташган қошлар ичинда", "Мен куз эдим, уйғониш фасли", "Девлар тўсиб турар қуёшни"*** каби кутилмаган ташбиҳлар

ҳам тасвирдаги ўзгачалик, ҳам табиат орқали одамни ифодалаш хусусиятига эгалиги билан диққатни тортади. Бу мисралардаги табиат кўринишлари мудом шоира кайфияти, кўнгил ҳолатини ифодалашга бўйсундирилгани билан алоҳида эстетик қиймат касб этади.

Ўктамой кўнгил тебранишларини ўта нозик илғайдиган, руҳий тўлғамларнинг босқичлар силсиласини акс эттира оладиган шоирадир. Унинг шундай шеърлари борки, уларда инсон руҳиятида кечган оний бир кайфиятнинг ҳар бир қўналғаси маҳорат билан кўрсатиб берилади. Кайфият манзараси ёрқин бўлиши учун у нафақат жонсиз яратиқларни, балки сўзнинг ўзинида жонлантиради: ***"Бесабр соғинчдан сачради бир сўз: "Малагим" – ҳуш садо жаранглаб учди. Садо йўлин тўсиб ташна малаклар Унинг қўлларидан сув ичди. Токи менга етиб келгунча бу сас, Бошин айлантириб кетар шаббода. Ҳушин олиб кетар маккор парилар, Жийданинг гуллари тутади бода. Чўлларда адашиб йўлин топгунча, Афгор майсаларим кўзи кўкарди"***. Суюкли одам томонидан айтилган биргина сўз туфайли таъсирчан одам кўнглида содир бўлган руҳий инқилоб силсиласи ўта назокат ва билгичлик билан таъсирли кўрсатиб берилган. Ошиқ томонидан айтилган бу сўз маъшуқага етиб келгунча малаклар унинг қўлидан сув ичгани, шабода унинг бошини айлантиргани, жийданинг кишини маст қилувчи гуллари бода тутгани, шу сўз етиб келишини кутиб, ҳатто, майсаларнинг кўзи кўкаргани улкан маҳорат билан тасвирланган.

Оний бир ҳолатнинг шунчалар босқичли ва батафсил тасвиридан кейин келадиган поэтик эпилог мутлақо кутилмаганлиги билан ўқувчини эсанкиратиб қўяди: ***"Ўртамиз бир қадам, ул кайвоний сўз Ҳануз мени топиб келолгани йўқ"***. Ўзбекнинг ҳаёт тарзи ва фикрлаш йўсини шоира руҳиятига сингиб

кетган. Бизнингча, у ҳамма шеърларидаги каби бу битигида ҳам қўллаган образларни бир-бир назардан ўтказиб, сўнг мисраларга тизмаган. Балки, бир ўзбек сифатида ўз миллатининг таъсирланиш стихиясини ҳам ўзлаштирган шоирага бу тимсоллар табиий равишда ўз-ўзидан қуйилиб келган.

Ўктамой – кўнгли чинакамига тўлиб кетганида, дардлари юрагига сиғмай оғзидан олов кўринганда қўлига қалам оладиган, аммо изтироб оташидан қовжираган туйғуларини ҳам ортиқча ваҳималарсиз, майинлик билан қоғозга туширишга интиладиган шоира. Халқ эпосларида тез-тез: "***Куйган алвон-алвон сўзлар***",– дейилади. Чинданда, астойдил куйган одам ҳикмат билан сўзлайди, ҳикмат билан бўзлайди. Шоира шеърларидаги: "***Кўнгил – тилларимни куйдирган оғу***", "***Севги деганлари шодлик-мас, қайғу!***", "***Тўлиб тўкилади сабр косаси***", "***Кўмирга айланиб қолди нигоҳлар, Шохларда сарғаяр гўзал гуноҳлар***", "***Осмоннинг кўз ёши – турна тизилар***", "***Соғинчларим – каллакланган тут***", "***Анор йиғлаб юрак ёрди азонларга***" каби қанотли иборалар учраши унинг астойдил куйиш билан биргаликда, куйган кўнгил товланишларини ифодалаш маҳоратини эгаллагани натижаси ҳамдир.

Ўктамойнинг поэтик талқинида муҳаббат лаззат, севиш роҳат эмас. У – ҳамиша азоб, доимо синов. Кўпинча эса, азобли синовдир. Шоира ўзининг бу қаноатини жавобли муҳаббат тасвирланган"Қаршимда бир гулхан" шеърида ёлқинли мисралар воситасида ўта таъсирчан акс эттиради. Ўктамой ғоят топиб айтганидек, муҳаббатда ҳаёт бор, лекин нажот йўқ. Чин севги эгаси азобдан роҳатланиб, роҳатдан азобланишдай чорасизликка маҳкум:

Учқунлар сачрайди нафасларидан,
Нозик бармоқларим куйдираётир.
Авраб нигоҳимни беаёв, асов
Кучоғига босиб ўлдираётир.

Аланга олади бу қалтис ўйин
Ёпаман кўнглимнинг дарчаларини.
Дарча ёруғидан киради сизиб,
Не қилай, у гулхан парчаларини?
Бир ўтки жонфизо ҳаётбахш оғу,
Борсам тахтим куяр, бормасам бахтим.
Унда ҳаёт бору унда йўқ нажот...

Ўктамойнинг одамни бефарқ қолдирмайдиган, уни ўзига эргаштирадиган майин шеърий исёнлари ўқувчилар кўнглини ром этиб, ўзидаги ўхшаш туйғулар ҳақида ўйлашга ундайди.

Чинакам ижодкор руҳият олами билан ўз кўнгил дунёси сари ёлғиз кетиб бораётган йўловчи. Йўл машаққатли, манзил узоқ, мақсадга етишиш учун матонат ва чидам талаб этилади. Ўктамой ана шу машаққатларни енгиб ўта оладиган истеъдод эгасидир.

2009 йил 16 феврал

ҲУЖЖАТ ҲАҚИҚАТИДАН ТАСВИР ҲАҚИҚАТИГА

Очун адабиётида тўлиғича ҳужжатлар асосига қурилган ёхуд соф бадиий тасвир орасида турли ҳужжатлардан мисоллар келтириб яратилган битиклар жуда кўп. Бизда мисолни доим Кунботишдан излашга ўрганилгани учун Кунчиқиш, жумладан, ўзбек насри аввал бошдан ҳужжатга асосланганига эътибор ҳам берилмайди. Ахир, "Қисаси Рабғузий"да тасвирланган ҳар бир қисса тўлиғича Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдек муқаддас ҳужжатларга таянмаганми? Ёки "Бобурнома" мисолида ҳам бадиийлик билан ҳужжатлилик уйғунлашиб кетгани яққол кўзга ташланади. Мумтоз адабиётнинг иқтидорли тадқиқотчилари Мунис ва Огаҳийлар томонидан яратилган "Фирдавс ул-иқбол", "Риёз уд-давла", "Зубдат ут-таворих", "Жомеъ ул-воқеоти султоний", "Гулшани давлат", "Шоҳид ул-иқбол" каби асарларга фақат жамият тарихининг муайян даврини илмий тадқиқ этишга бағишланган битик сифатида ёндашиб бўлмаслигини, уларни биринчи навбатда бадиий асар сифатида баҳолаш кераклигини исботлаб беришди[1].

Ёш филология доктори Нафас Шодмонов ўтмишда муайян даражадаги тарихий воқелик, яъни ҳужжатга таяниб яратилган эсада, аммо тўлиғича тарихий аниқликни бўйнига олмайдиган асарларни "***бадиий-тарихий наср***" деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайди[2]. Замонавий ўзбек на-

[1] Шодмонов Н. Огаҳийнинг сўнгги насрий асари. Огаҳийнинг "Шоҳиду-л-иқбол" асарига сўзбоши. –Т.: "Муҳаррир", 2009. 16- бет.

[2] Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. –Т.: "Ёш гвардия", 1987.

срида, худди дунё адабиётида бўлганидек, бу жанрдаги асарлар ***ҳужжатли наср*** деб юритиладики, бизнингча, ушбу атама бу хилдаги асарлар моҳиятига кўпроқ мувофиқ келади.

Айтиш керакки, ҳужжатли наср ҳам давр ўзгаришига мувофиқ равишда сезиларли тадрижий янгиланишларни бошидан кечирди. Чунончи, агар илк ҳужжатли наср учун муайян ҳужжат, ҳаётий материал ёки маълумот асосан туртки вазифасини ўтаган бўлса, эндиликда маърифий йўналишдаги бу тур асарларда ҳужжат ва тарихий далилларнинг миқдорий салмоғи ҳам, тасвирдаги ўрни ҳам ортиб бормоқда. Агар олдинги ҳужжатли насрда ҳаётий маълумот ёки далилий ашё шунчаки тилга олиниб, қайд этилиб, улар бадиий образлар табиатини очишга хизмат қилдирилган бўлса, эндиликда ҳужжатли прозада худди илмий асарларда бўлгани каби ҳужжатлардан иқтибос олиш, мисоллар келтириш тобора кенг ёйилиб бормоқда. Бу ҳол, айниқса, олим ва ёзувчи Пирмат Шермуҳаммедов қаламига мансуб асарларда яққол кўзга ташланади.

Оврупонинг О. Бальзак, П. Мериме, А. Моруа сингари адиблари асарларида бутун-бутун тарихий ҳужжатлардан кўчирмалар келтириш, тасвирланаётган қаҳрамонларига қай даражададир алоқадор бўлган тарихий воқеаларга изоҳ бериб, уларнинг икир-чикирларигача тўхталиш азалдан бор эди. Лекин бу муаллифлар учун қаҳрамонларининг тарихийлигидан кўра, шахслигини таъминлаган омилларни бадиий тасвирлаш бирламчи аҳамият касб этгани сабабли уларда ҳужжатлилик ёрдамчи мавқеда бўлган. Абдулла Қаҳҳорнинг "Олтин юлдуз", "Дардакдан чиққан қаҳрамон", Миркарим Осимнинг тарихий шахсларга бағишланган туркум асарлари ва ҳужжатли насрнинг бошқа бир қатор намуналари учун ҳужжатлилик фон вазифасини

ўтаб, персонажларнинг табиатига хос жиҳатларни бадиий тасвирлашга эътибор устуворлик қилган.

Пирмат Шермуҳаммедов томонидан турли тарихий, илмий, адабий ҳужжатлар асосида яратилган маърифий асарларда эса қаҳрамонларнинг табиатига хос хусусиятларни бадиий акс эттиришдан кўра, персонажлар ижтимоий фаолиятининг моҳияти ва миқёсини кўрсатишга кўпроқ аҳамият қаратилади. П. Шермуҳаммедов ўз битикларида ҳужжатли прозанинг барча талабларига ҳамиша тўла риоя қилади деб бўлмайди. Зеро, дунёдаги бирор асар ҳам азбаройи адабий канонларга мувофиқ келтириш учунгина ёзилмайди ва шунинг учун ҳам асарнинг жанр хусусиятини белгилашда муаллифнинг бадиий-эстетик нияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Миллий тарих учун муҳим қиммат касб этган шахслар тўғрисида тўлиғича ҳужжатларга таяниб, улардан иқтибослар келтириб асар яратиш тажрибасини ўзбек адабиётида, адашмасам, академик Азиз Қаюмов домла бошлаб берди. Олимнинг "Ажойиб кишилар ҳаётидан" туркумидаги "Абу Раҳон Беруний" ва "Абу Али ибн Сино" қиссалари ўзбек адабиётидаги шундай хусусиятларга эга бўлганилк асарлар эди. Машҳур тарихчи Бўрибой Аҳмедов домланинг "Амир Темур" романи тўлиғича ҳужжатлар асосига қурилган ва улардан мисоллар келтиргани учун ҳам Темур шахсиятига хос жиҳатларни бадиий акс эттиришдан кўра, унинг саркарда ва ҳукмдор сифатидаги фаолияти қамровини кўрсатишга қаратилгани билан ажралиб турадиган ҳужжатли асар бўлди. Ундан бир йил олдин П. Шермуҳаммедовнинг "Буюк Хоразмий" номли мўъжаз ҳужжатли романи чоп этилган эди.

Хуллас, бугунга келиб ўзбек адабиётида ҳужжатли прозанинг профессионал илм кишилари томонидан яратилгани боис "***олимлар насри***" деб номлаш мумкин бўлган ўзига хос бир кўриниши юзага кел-

ди. Бу асарлар аввал бошдан ўқувчиларининг кўнгли, руҳи, сезимларига қараганда кўпроқ даражада тафаккурига таъсир кўрсатиш ниятида ёзилганидан уларда турли-туман илмий, тарихий, маърифий ҳужжатларга таяниш устуворлик қилади. Демак, ҳужжатларга асосланиб яратилган, бадиий образ тасвиридан кўра илмий-маърифий маълумотларни бериш бирламчи ўрин тутадиган, айни вақтда тасвирда бадиийлик унсурларидан мўл-кўл фойдаланилган асарлар сираси юзага келди. Бундай битиклар битта-иккита эмас, балки кўплабдир.

Кўринадики, янги эстетик ҳодиса пайдо бўлди. Энди ана шу ҳодиса замиридаги қонуниятни топиш ва бу ижодий ҳодисага доир тенденциялар хусусида фикрлашиш лозим бўлади. Истиқлолдан кейинги йилларда биргина Пирмат Шермуҳаммедовнинг "Буюк Хоразмий" (1994), "Хоразм маликаси ёхуд Амир Темурнинг келини" (2006), "Мирзо Улуғбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси" (2008), "Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати" (2009), "Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси" (2010) сингари асарларнинг дунёга келишиёқ ушбу маърифий-эстетик ҳодисаларни илмий изоҳлаб, бу йўсиндаги битикларга маърифий ва бадиий баҳо бериш хусусида ўйлаб кўришни тақозо қилади.

Ҳар қандай ҳужжатли насрий асар қаршисида унинг компилятив битик бўлиб қолиш хатари туради. Чунки ҳужжатли проза муаллифи турли манбалардан йиғилган ҳужжатларга таянади ва улар билан иш кўради. Агар у ҳужжатларни бадиий мақсадига бўйсундира олмай, уларнинг етовига тушиб қолса, турли ҳужжатлардаги маълумотлар бир-бирига қуралган, яъни компиляция қилинган битик дунёга келиб қолиши мумкин.

Ҳужжатли наср тарихий шахс, тарихий ҳодиса ёки ижтимоий воқеликни тўлиғича ёки қисман ҳуж-

жатли материалларга таянган ҳолда бадиий тадқиқ этишга қаратилади. Кўринадики, бадиий асарлик ҳужжатли наср учун ҳам энг асосий ва бирламчи белгидир. Айни вақтда, у соф бадиий насрдан бадиий тўқиманинг минимал ҳолатда экани, таянилган ҳужжат ва тарихий маълумотларнинг катта ижтимоий қимматга эгалиги, қаҳрамонлар табиатидаги ўзига хос белгиларни кўрсатиш бирламчи вазифа саналмаслиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳужжатларга бадиият нуқтаи назаридан ёндашилгани, ҳаётий далиллар тарихий истиқболда кўрсатилгани, қаҳрамонларнинг кейинчалик нечоғлик машҳур бўлганлиги тасвирининг берилиши ҳужжатли насрни журналистикадаги мақола ва очерк, фандаги илмий тадқиқот ҳамда бадиий адабиётдаги тарихий насрдан фарқлаб туради. Ҳужжатли насрда персонажлар ифодасига бадиий тасвир талаби асосида ёндашилсада, ҳужжатларга суяниш, унинг теран илмий талқинини бериш ва фақат мавжуд материаллар доирасида бадиий тадқиқ этиш лозим бўлганидан ундан тарихий ва илмий аниқлик талаб этилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ҳужжатли насрга хос хусусиятлар, унинг жанрий белгилари, тасвир тамойиллари, мавзу йўналиши, ифода воситалари каби бир қатор назарий масалалар миллий адабиёттанув томонидан илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Юқоридаги тўхтамларни ўзбек ҳужжатли насри ҳақидаги илк илмий кузатишлар дейиш мумкин.

Пирмат Шермуҳаммедов ўзи яратган ҳужжатли насрий асарлар жанрини "рўмон-бадеа", "бадеа-роман", "илмий-маърифий роман", "илмий-маърифий қисса" тарзида белгилайди. Аслида ҳужжатли насрнинг бу намуналарининг барчасини яратишда ҳам деярли бир хил тамойилларига амал этилган бўлиб, тасвирда ҳужжатларга таяниш етакчилик қилади. Бир хил эстетик тамойиллар асосида яратилган би-

тикларнинг жанри турли ҳолатларда турлича номланганининг ўзи адабиётшунослик илмида ҳужжатли насрга хос жанрий белгилар ҳали етарлича тайин этилмаганини кўрсатади. Албатта, бирор асарнинг қайси жанрга мансублигини, биринчи навбатда, ёзувчининг ижодий нияти белгилайди. Аммо муаллиф жанрга хос белгиларни ҳамиша ҳам тўғри тайин эта олмаслиги, бу эса ўқувчиларни чалғитиши мумкин. Шунинг учун ҳужжатли насрнинг жанрий мансублигини тўғри белгилаш адабиёт учун анчагина катта аҳамият касб этади.

"***Маълумки, мумтоз адабиётимизда ...йирик насрий эпик асарлар асосан бир жанрда тилга олинади. Бу қиссадир***", – деб ёзади Огаҳийнинг бадиий-тарихий асарлари тадқиқи билан шуғулланган олим Нафас Шодмонов. Тадқиқотчи шу типдаги, яъни қисса жанридаги асарларни ички хусусиятларига кўра тасниф қилиш юзасидан тавсия бериб: "***...ривоя қисса, мемуар қисса каби истилоҳлар билан юритиш ...қулайлик касб этади. Композицион тузилиши жиҳатидан яхлит, нисбатан мураккаб (тугун, кульминация, ечим каби композицион тизим мавжуд) сюжетга эга эпик асарларни ривоя қисса, воқеалар хронологик тартибда, кўрган-кечирилганлар асосида, эсдаликлар шаклида ёзилган асарларни мемуар қисса, деб аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз***"[1], – деган хулосага келади. Қиссанинг турларига хос белгиларга доир бу қарашларга тўлиқ қўшилмаслик мумкиндир, аммо қисса ҳужжатли насрнинг асосий жанри эканлиги борасидаги фикрни тўла маъқуллаш керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, қатъий айтиш мумкинки, ҳужжатли наср роман жанрида бўлиши мумкин эмас. Сабаби роман фактлар, воқеа-ҳодисалар билан эмас, асосан, одам-

[1] Шодмонов Н. Огаҳийнинг сўнгги насрий асари. Огаҳийнинг "Шоҳиду-л-иқбол" асарига сўзбоши. –Т.: "Муҳаррир", 2009. 22- бет.

нинг ички олами билан шуғулланади, улкан олим В. Белинский таъкидлаганидек, ***"роман индивиднинг эпоси"*** сифатида тасвир марказига олинган қаҳрамонлар табиати ва руҳиятига хос индивидуал жиҳатларнинг батафсил бадиий тадқиқини тақозо этади. Яъни романда атрофдаги воқеликдан кўра, адабий тимсолнинг руҳиятида кечаётган жараёнларни кўрсатишга кўпроқ диққат қаратиладики, ҳужжатли наср учун бу жиҳат асосий белги бўлолмайди.

Ҳужжатли прозада асосий эътибор қаҳрамондан ташқаридаги нарсалар: материал ва ҳужжатларга қаратилиши лозим бўлади. Образли қилиб айтганда, ҳужжатли насрда сабаб оқибатдан келтириб чиқарилади. Шу асосларга таянган ҳолда, П. Шермуҳаммедов қаламига мансуб ҳужжатли наср намуналарининг жанрини "маърифий қисса" ёхуд "ҳужжатли қисса" тарзида белгилаш ҳақиқатга мувофиқ бўлади. Ўрни келганда, "роман" деб аташ билан бирор насрий асарнинг савияси кўтарилиб қолмаганидек, "қисса" дейилиши туфайли тушиб ҳам кетмаслигини таъкидлаш жоиз.

Пирмат Шермуҳаммедов ҳамиша тарихнинг ғоят сирли, бундан жуда кўп замонлар олдин юз берган воқеаларини бадиий тадқиқ этишни хуш кўради. Аммо аёнки, ундай даврларга доир ҳужжатли маълумотлар жуда ҳам кам. Айни жиҳат ушбу муаллиф ҳужжатли насрига хос яна бир белгинитайин этади: асл ҳақиқатни ойдинлаштирувчи ҳужжатларнинг камлиги ёзувчи хаёлоти ва бадиий тўқимадан кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Айни вақтда ёзувчи тасвир фокусидаги тарихий шахсни уни қуршаб турган воқеликни кўрсатувчи ҳужжатлардан узмаган ҳолда текширишни истайди. Натижада, ижодкор олдида ўз хаёлотини бир ҳужжатдаги маълумот билан бошқасини боғлаш, мувофиқлаштириш мақсадига йўналтириш зарурияти пайдо бўлади.

Пирмат Шермуҳаммедовнинг ҳужжатли прозасига махсус бўлган яна бир хусусият шуки, унинг асарларидаги тарихий шахслар нафақат Туркистон, балки жаҳон тарихида қанчалар машҳур ва қомусий билимга эга даҳо кишилар бўлмасин, улар ҳамиша ватанга интилган, уни қўмсаган, жаҳоний шону шавкат ва шоҳона мулку давлатдан кўра отамакон бағрида нафақат яшашни, балки ўлишнида саодат деб билган, кўпинча шунга эришолмаганидан армонда кетган зотлар сифатида тасвирланади. Беруний ҳам, Замахшарий ҳам, Хоразмий ҳамбир умр на бойлик, на шуҳрат, на мартабага эришиш истагида бўлишади. Улар фақат отмакондан айроликдан азоб тортадилар, холос.

Профессор П. Шермуҳаммедов қаламига мансуб маърифий қиссаларга тегишли бўлган яна бир қирра, менинг назаримда, уларнинг номланишида ҳамиша парцелляцияга амал қилинганидир. Парцелляция асарнинг "Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати" тарзида икки бўлиб номланиши ва номнинг бир қисми иккинчисига изоҳ вазифасини ўташини англатадиган тушунчадир. Парцелляция йўсинида номлаш муаллифнинг шунчаки бошқачароқ кўринишга уринишидан иборат истак бўлиб қолмай, бадиий тасвирда асосий эътибор нимага қаратилганига ишора қилиш орқали ўқувчини муайян бадиий мақсадни илғаб олиш сари йўналтиради ҳам.

П. Шермуҳаммедовнинг ҳужжатли прозасига тегишли яна бир хусусият шундан иборатки, адиб давр нуқтаи назаридан бир замон ва яқин маконда умр кечирган тарихий шахсларни бир-бирига дахлдор қилишга, уларни учраштириб, тарихий шахсиятларни бир-бирларининг назари билан кўрсатишга уринади. Шу боис ҳужжатли насрий битикларида Замахшарийни Низомулмулк, Ғаззолий, Умар Хайём; Хоразмийни Бухорий, Фарғоний каби чоғдошла-

рига йўлиқтиради. Бунинг учун бадиий ва ҳаётий сабаблар топа билади. Муаллиф йирик шахсга хос жиҳатлар ўзга бир йирик шахсият нуқтаи назари билан ҳам кузатилса, тасвир асосли, эстетик тўхтамлар юк босадиган бўлишини кўзда тутади.

Шунингдек, маърифий қиссалар сўнгида бу асарларга қаҳрамон бўлган тарихий шахсларнинг ҳикматли айтимларини келтириш ҳамда бу буюк зотлар тўғрисида дунёга машҳур кишилар томонидан билдирилган фикрларни тўплаб бериш тажрибаси ҳам П. Шермуҳаммедовнинг ҳужжатли насрига мансуб тағин бир белгидир.

Ёзувчи П. Шермуҳаммедов ҳужжатли наср турида, бадиий-тарихий йўналишда, маърифий қисса жанрида бешта асар яратиб, муайян тажриба тўплагач, 1994 йилда ёзган "Буюк Хоразмий" рўмон-бадиасини тубдан қайта ишлаб, "Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили" номли маърифий қиссага айлантирди. Бошданоқ айтиш керакки, янги асарнинг бадиий тўқимадан фойдаланган ўринларида муаллифнинг қалами равон йўрғалайди. Асарнинг бошланиш қисмида ҳам, турли-туман ҳужжатларни бир-бирига боғлаш мақсадида келтирилган бадиий тўқималарда ҳам табиат ва муҳит тасвири ўта жонли, силлиқ ва гўзал берилган. Улар олис ўтмишдаги ҳаётий ҳолат ёхуд шароитнинг статик тасвири эмас, балки жонли одам кайфиятининг динамикасини акс эттиришга қаратилади. Бу хил тасвирлар билан танишган ўқувчида муаллиф ҳужжатли прозадан кўра, соф бадиий насрда ижод қилса, кўпроқ муваффақиятга эришарди деганга ўхшаш ўй пайдо бўлади.

Ҳужжатлилик, қаҳрамоннинг руҳиятидан кўра унинг илмий ёки ижтимоий хизматларини кўрсатишга бирламчи аҳамият қаратиш мажбурияти ёзувчини бир қадар чеклаб қўяди. Негаки, ҳужжатли насрда ёзувчи, хоҳласа-хоҳламаса, адабий қаҳрамонга ташвиқот объекти сифатида караши лозим

бўлади. Эътиборини қаҳрамонларининг олимлиги ёки илмий фаолиятини кўрсатишга йўналтирган муаллиф, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, персонажларининг одамлигини кўрсатишдан бир қадар чалғийди. Баъзан образларга инсоний тус бермоқ илинжида уларга бадиий бўёқ теккизади. Маълумки, кейин суртилган бўёқ ҳамиша билиниб туради. Бунинг устига, адабиётнинг вазифаси тенгсиз қомусий олимни ҳам унинг бетакрор ва ўхшаши йўқ одамлиги орқали кўрсатиб беришдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқроқ ҳисобланади. Ҳужжат ана шу жойда ёзувчига ҳалақит бергандай бўлади.

Шундан бўлса керак, "Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили" қиссасининг бадиий тўқимадан фойдаланилган деярли барча қисми таъсирли ва гўзал чиққанини, ҳужжатларга мурожаат қилинган жуда кўп ўринлар илмий очерк ёхуд тадқиқий эссега ўхшаб қуруқроқ бўлиб қолганини кўриш мумкин. Асардаги ўт-ўланлар, мева-чевалар, емак турлари, табиат, қушлар, атроф-муҳит тасвири беихтиёр одамни ўзига ром этади. Китоб енгил ўқиладиган тарзда ёзилган, тиниқ тасвирлар, гўзал бадиий ифодалар анчагина.

Ёзувчининг бошқа маърифий асарларида тарихнинг шахсиятга кўчган манзарасини чизишдан кўра, илмий ҳодисанинг тарихи, мазмуни ва қамровини кўрсатишга уриниш устувор бўларди. Пирмат Шермуҳаммедов ҳужжатли насрининг деярли барча бош қаҳрамонлари илму фандан бўлак нарса билан иши йўқ фанатлар сифатида тасвирланар, уларда на бошпана, на оила, на фарзанд борлигига урғу бериларди. "Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили" асарида улуғ олим уй-жойли, оилали, бола-чақали, тириклигидаёқ очун таниган, суҳбатига ташна бўлганлар саноқсиз аллома, ҳукмдор саройида эътиборга эга амалдор, айни вақтда ғурбатдан, ватан соғинчидан озурдажон инсон, юртига қай-

тиш орзусини на аёли ва на фарзандларига зўрлаб тиқиштиришни истамайдиган, айни мана шу сабаб фожиаси янада кўламли бир шахс сифатида кўрсатилганининг ўзидаёқ муаллифнинг тасвирлаш тамойилларида муайян ижобий силжишлар бўлаётгани кўринади.

Ушбу асар адибнинг 1994 йилда босилиб чиққан "Буюк Хоразмий" рўмон-бадиаси билан солиштирилганда, муаллифнинг ҳужжатларни саралаш, уларни текшириш, маъно чиқариш, тўхтамга келиш борасида жиддий тадрижий йўлни босиб ўтгани сезилади. Агар рўмон Муҳаммаднинг туғилиши билан бошланган бўлса, "Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили" маърифий қиссаси кекса олимнинг ҳамишалик армони бўлмиш ота юрт Хоразм сари сўнгги йўлга тушиши билан бошланади. Алломанинг онаси, яқинлари, шогирду сафдошлари тимсоллари тасвири ҳам тамомила янги тамойиллар асосида амалга оширилган. Чунки муаллиф кўпдан-кўп янги манбалардан фойдаланган, олдин билмаган ҳужжатлар билан танишган, энг муҳими, асарнинг яратилиш сабаби, яъни мумтоз адабиётда айтилганидек, "сабаби таълиф" ҳақидаги самимий иқрорни киритганки, бу киритма битикка ўзгача самимият бағишлаган.

Қиссадаги чинакам бадиият намунаси бўлган: ***"Куз фаслининг сўнгги кунлари... Ҳаво нам. Ўрикларнинг барглари қизариб, терак япроқлари сарғайган. Майсалар шудринг билан қопланган. Дайди шамол хазонлар билан ўйнашади...Боғдоднинг жануб қисмида жойлашган Қатраббул қўрғони... Ҳамиша меҳмонлар билан гавжум бўлиб турадиган кенг саҳнли, тош деворлар билан ўралган ҳовли бугун сукунатга чўмган. Токчаларда ёнган шамчироқларнинг шуълалари Шероз гиламларининг нақшлари билан ўйнашиб, турли манзаралар ясайди"*** тасвирлари тасаввур-

ни конкретлаштирибгина қолмай, бадиий ҳолатни ўқувчи кўз ўнгида жонлаштира олиши билан ҳам қимматга эга чизгилардир.

Асарда тенгсиз муҳаддис Бухорийнинг сийрати ва оламдаги энг тўғри ҳадисларни йиға олгани сабаби "***Менинг қизиқишимни сезган дарвеш: Кимдан эшитганимни билмоқчи бўлсанг, ўша мударрис билан таништириб қўяман, – деди. Мен рози бўлдим. Дарвеш билан Шомга жўнадик. Излай-излай ниҳоят қидирганимиз мадраса мударрисини топдик. У зот илтимосимизни ерда қолдирмай, ўша ҳадисни такрор ва такрор айтиб берди. Кейин мен бу ҳадисни шу маънодаги бошқа ҳадислар билан чоғиштириб, унинг асл ҳадис эканлигига ишонч ҳосил қилдим***" тасвиридан яққол билинади. Биргина ҳадиснинг тўғрилигини аниқлаш учун мутлақо нотаниш дарвешга эргашиб, ҳеч бир озорланмай, Кўфадан Шомга жўнай олган одамгина ўз соҳасининг энг билимдонига айланиши шу тасвирда ишонарли акс эттирилган.

Ёзувчи кўп ўринларда манзара тасвирини берар экан, унинг зиммасига қўшимча эстетик ва ҳаётий юк ортади. Чунончи, "***Адоқсиз қум барханлари узра қип-қизил қуёш уфққа аста бош қўймоқда. Қум зарралари олмосдай ялтираётган барханлар бир муддат сукутга чўмгандай. Енгил, шўх, дайди шамол сочилиб кетган булутларни ҳайдайди. Равшанки, эртанги кун тиниқ бўлади***" тасвири ҳавонинг айни дамдаги ҳолатини кўрсатишдан ташқари, эртанинг қандай бўлишини ҳам аниқ акс эттиришга хизмат қилади. Бу тасвир эртасига карвон машаққатли йўлни давом эттириши кераклигига нозик ишора ҳам.

Қиссада Хоразмийнинг ўз вақтида жуда машҳур бўлган, аммо бугунга қадар етиб келмаган "Тарих китоби" асари тўғрисида турли даврдаги олимларнинг қарашлари заррама-зарра йиғилган ўринлар

бадиий вазифасидан ташқари катта маърифий аҳамият ҳам касб этади. Тўпланган ва шарҳланган бу каби маълумотлар Хоразмий даҳосининг нақадар юксаклигини кўрсатишга хизмат қилади.

Асарнинг еттинчи фаслида ака-ука Фазл ибн Сахл ва Ҳасан ибн Сахллар қисмати яхши тасвирланган. Уларнинг оқилликлари ҳам, шафқатсизликлари ҳам, найранглари ҳам, ал-Маъмуннинг Фазллардан қутулиш борасидаги ўта совуққонлик билан кўрган тадбири ҳам этни жунжиктирар даражада маҳорат билан тасвирланган.

Хоразмийнинг "Ал-жабр ва ал-муқобала" китоби юзасидан талабалар билан қилган савол-жавоблари акс этган ҳажм жиҳатидан каттагина тасвир ҳам бадиий-маърифий аҳамияти, ҳам аллома асарининг амалий қимматини кўрсатиши жиҳатидан муҳим ўрин тутади.

Ислом динига ўтказдирилган Санад ибн Али билан Бузис Фирузан деган шахсларнинг бир-бирини чандиши тасвири жуда топқирлик билан самимий ва персонажлар шахсиятини очишга хизмат қиладиган тарзда амалга оширилган. Шунингдек, асардаги: ***"Бир тутам қиш кунининг тафтсиз қуёши пешин бошланиши билан миноралар орқасига яширинади ва бирпасда намозшом бостириб келади. Қоронғи эрта тушгани боисми, фонуслар хира ёритаётган кўчаларда ҳаммани ер ютгандек жим-житлик ҳукмрон. Аммо бу сукунат ташқаридан қарагандагина шундай туюлади. "Байт ул-ҳикма"нинг ичкарисида эса ҳамиша ҳаёт қайнайди"*** тарзидаги жонли тасвир қиссага ўзгача тароват бағишлаши жиҳатидан ҳам, "байт ул-ҳикма" олимларининг қайноқ илмий ҳаётини ихчам йўсинда кўрсатиши нуқтаи назаридан ҳам муваффақиятли чиққан.

Мусофирликдаги Хоразмийнинг қирқ минг дирҳамга юртидан келган қулларни сотиб олиб

озод қилиши, унинг бу ишига Фарғонийнинг муносабати акс этган ўринлардаҳо юртдошларнинг ўша вазиятдаги руҳий ҳолати, имконияти ва кайфиятига тўла мувофиқ экани билан аҳамиятлидир.

Қиссадаги ***"...Ойдин тун. Яқин-атрофда миноралар ва гумбазлар шамойили кўзга ташланади. Кўчаларда тунги қоровуллар шақилдоқларини шақиллатиб юришибди. Майин шабада эсади, ҳар замонда итларнинг вовиллагани, карвонсаройдаги отларнинг кишнагани эшитилиб қолади"*** тасвири аниқ ва таъсирчанлиги билан асарга бадиий жозиба бахш этган.

Асарда сарой хаттоти Абдуллоҳ ибн Аҳмад билан унинг тўғри кўнгил ўғли Беҳзод муносабатлари линиясидан яхши фойдаланилган. Ҳақ гапни айтиш зарурияти, уни айтгандан кейин масъулиятига чидаш кераклиги, тўғрилик ҳамиша ҳам эзгуликка хизмат қилавермаслиги, гуноҳ билан унга бериладиган жазо ўзаро мутаносиб бўлмаган ҳолатларда кўп бахтсизликлар келтириб чиқариши мумкинлиги шу фаслда анча таъсирли кўрсатилган.

"Жигарранг каптар" деб аталган ўн учинчи фасл ҳам ибрат сифатида, ҳам аллома табиатидаги тийиқсиз қизиқувчанликни кўрсатиши жиҳатидан муваффақиятли чиққан. Ундаги каптарлар тутуми ҳақида Умар каптарбоз берган маълумотларнинг Хоразмийга кучли таъсир қилиб, астойдил қизиқтириб қўйиши ишонарли тасвирланган. Чиндан ҳам агар улуғ аллома, ҳатто, каптарлар табиатидаги жиҳатларга ҳам қизиқадиган одам бўлмаганда, бунчалар кўпқиррали олим бўлолмас эди. У – ҳамиша, ҳаммадан ўрганишга тайёр ва ўргана биладиган одам. Шу боис ўз ишининг устаси бўлмиш каптарбоздан ҳам ҳеч бир иккиланмай ниманидир ўргана олиши тасвириаллома қиёфасига қилинган жуда яхши чизгидир.

Ислом динини ғараз билан номига қабул қилиб, ҳар қадамда унга зарба бериш пайида юрган Рўзбеҳхон табиатидаги иллатларнинг манбаси борасида муаллиф тилидан берилган: *"Абдуллоҳ кўнглида зардуштийлигича қолган, ҳар бир ишида "саҳройи арабларни" ерга уриб, форсларни осмонга кўтарар, бадавлат ва истеъдодли бўлгани учун кибру ҳавога, ғурурга берилган эди"* тасвири оддий ахборотга ўхшаб кетсада, унда шахснинг бузилиши омили топқирлик билан ишонарли кўрсатилган. Чиндан ҳам баъзи кишиларнинг нотўғри йўлга киришларига, кўпинча,айнан истеъдод сабаб бўлади. Чунки бундай кимсалар истеъдодимни ўзим яратганман, бунда ўзимдан бўлак ҳеч кимнинг хизмати йўқ деб қарашга мойил бўлишади. Бундайлар истеъдод Яратган томондан берилган неъмат ва айни вақтда синов эканлигини тан олгилари келмайди. Бу ҳол уларда кибр ва манманлик пайдо қилади. Рўзбеҳхоннинг фожиали тақдири айнан шундай якун топишида мантиқ бор. У тириклай ёндирилган тандирдаги ўтҳаётий оловдан кўра, кўпроқ манманлик, кибр оташи бўлган дейиш мумкин. Қиссадаги: *"Сарой табиблари қадимги китобга қараб, халифа учун қимматли иксирни тайёрлаб бердилар. Аммо халифа ал-Восиқ узоқ яшамади. Чунки тақдирида бу йўқ эди"* ифодаси ҳам нишонга бехато тегиши, ҳам ихчамлиги билан асарга зийнат бўлган.

Бир оз детективнамо йўсиндаги "Ҳазарлар ўлкасида" деб номланган ўн бешинчи фасл ҳазарларнинг ўзига хос эътиқоди ва маънавий-ахлоқий белгиларини кўрсатиши жиҳатидан мақтовга лойиқ. Чўпоннинг юзи очиқ хотинига араб амалдори Аббос ибн Мухторнинг муносабати тасвири ҳам жуда жонли ва таъсирчан чиққан. Айниқса, асардаги: *"Аъёнлар ва уруғ бошлиқлари асосий масала бир четда қолиб, элчиларнинг тақдири хусусида қизғин*

баҳсга берилиб кетишди. Ўртага ташланган таклифлар бири-биридан даҳшатли эди: бағдодликларнинг бор-йўғини тортиб олиб, ўзларини нонсиз-сувсиз қолдириш, қул қилиб хазарларга олиб бориб, асир ўғизларга алмашиш ва ҳоказо..." тасвири ҳаққонийлиги ва ҳазарларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасини кўрсатиши билан эсда қолади ҳамда фожиали вазият тасвирига озгина юмористик руҳ беради.

Айтиш керакки, қиссада аксар тўқима персонажларнинг табиати, уларнинг феълу хўйлари анча теран очилган. Жумладан, асардаги *"Абдумалик дув қизариб кетди. Сўнг бошини мағрур кўтарди: "Узр, устоз. Тўғри, мен камбағалман, ортиқча чақам йўқ. Фалакиёт хусусидаги баъзи фикрларим боис мени Гурганждан қувғин этишган. Шундан буён олам кезаман... Фақат сиз мени недир тиланиб келибди, деган хаёлга борманг. Худога шукр, тўрт мучам бут, бир қорним бўлса бурда нонга ҳам тўяди. Мен фақат бир нарсани сўрамоқчийдим. Нечун одамлар илмдан бунчалар чўчишади? Нечун улар ўзлари тушунмаган нарсани инкор этадилар? Нечун?"* тасвирида буюк қомусий олимнинг ёш юртдошига хос инсоний хусусиятлар яхши очилган. Абдумаликнинг қизариб кетиши ҳам, бошини мағрур кўтариши ҳам, айтган гаплари ҳам жонли одамга хос. Тасвир бошидаги айни шу ифодалар тасвир охирида *"Абдумалик туйқусдан эгилиб, устози қўлига лабини босди ва ҳужрадан чопиб чиқиб кетди"* тарзидаги ҳолатнинг юзага келишигамантиқий-руҳий хамиртуруш вазифасини бажарди. Чиндан ғурурли одамгина ўзи эътиқод қўйган кишисини шундай суя олади.

Қисса муаллифи Хоразмийни кўпроқ ҳужжатларга таянган ҳолда кўрсатишга интилади. Аммо баъзан бу таомилга риоя қилмай, тасаввурига эрк бериб: *"Аллома умрида биринчи бор булутларни оёғи остида кўрди. Бу тушунтириш қийин бўл-*

ган ажабтовур ҳолат эди. Баайни борлиқнинг турмуш икир-чикирларига ўралашган танаси пастда қолган-у, юксакда фақат унинг абадий руҳи учиб юргандай... каби тасвирлар ёрдамида алломанинг ҳам жонли одам, оддий кишилар каби сезимларга эга шахс эканини кўрсатади.

"Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили" асари бир қатор фазилатларга эгалиги билан ўзбек ҳужжатли насрининг яхши намуналари қаторидан жой олишига умид қилган ҳолда, асарда бир қатор тасвирий, ифодавий камчиликларга йўл қўйилганидан кўз юмиб бўлмаслигини ҳам таъкидлаш лозим.

Асар қўлёзмасида ифода ноаниқ, сўз нотўғри қўлланилган ҳолатлар бот-бот учрайди. Масалан, қиссада шундай тасвир бор: "***Хонадон соҳиби – оппоқ соқоли кўксини қоплаган, текис ва силлиқ мийиқли Муҳаммад Хоразмий ҳорғин ва ғамгин ўйга толган***". Диққат қилинса, битта жумлада бир неча ноаниқликка йўл қўйилгани сезилади. Биринчидан, ёзувчи "***текис ва силлиқ мийиқли***" тасвири орқали қаҳрамоннинг чиройли мурти (мўйлови)ни тасвирламоқчи бўлган, аммо ифодага кўра лабининг икки четини тасвирлаган. Чунки мийиқ билан мурт бошқа-бошқа нарсалардир. Иккинчидан, *"ҳорғин ва ғамгин"* уюшиқ сўзларига *"ўй"* сўзи умумлаштирувчи бўлиб келолмайди. Ўйни ҳорғин дейиш мантиқан тўғри эмас.

Шунингдек, пухта ўйланмагани сабабли бирор қаҳрамон ёки ҳодисани улуғлаш ниятида берилган тасвир уни камситишга хизмат қилган ўринлар ҳам бор. Қўлёзманинг 22- бетидаги: "***Адабиётчи ва тарихчи олим Маҳкам Маҳмудовнинг аниқлашича, Рабғузий асарининг бошланишида "Қисасул анбиё" китоби ўтган асрларда араб тилида ёзилгани, сўнгра подшоҳ фармони билан у эски туркий тилга таржима қилингани айтилади. Носируддин Рабғузий эса арабча "Қисасул анбиё"***

муаллифи кимлигини айтмайди. М. Маҳмудовнинг фикрича, бу асарнинг арабчаси Абул-Ҳасан Кисоий ва Абу Мансур ас-Саолибийлар томонидан ёзилган. Кисоий асарининг тўлиқ номи "Қисасул анбиё ва авлиё вал-охират" деб номланади" йўсинидаги тасвир асарга нима учун киритилгани номаълум. Бу маълумотлар, биринчидан, "Қисас..."нинг қадрини туширишга, унинг оригинал асар эканини шубҳа остига қўйишгагина хизмат қилади. Иккинчидан, "Қисаси Рабғузий"нинг арабчадан таржима қилингани ҳақида ишончли маълумот ҳеч қаерда учрамайди. Учинчидан, эҳтимол, М. Маҳмудов бирор манбадан топса-топгандир, аммо уни Хоразмий ҳақидаги асарда қайд этиш Маҳкам аканинг билимдонлигини кўрсатишдан бошқа нима беради? Тўртинчидан, қўлёзмада арабча "Қисас" ***"Абул-Ҳасан Кисоий ва Абу Мансур ас-Саолибийлар томонидан ёзилган"***, – дейилгани ҳолда кейинги жумлада ***"Кисоий асарининг тўлиқ номи "Қисасул анбиё ва авлиё вал-охират" деб номланади"*** тарзидаги маълумот келтирилади. Бу маълумот ўқувчида асар ўзи бир кишиникимиди ёки икки кишиники деган иштибоҳ уйғотади. Бешинчидан, ***"..тўлиқ номи "Қисасул анбиё ва авлиё вал-охират" деб номланади"*** ифодаси анчагина ғализ.

Қиссанинг 24- бетидаги ***"VII асрда Бобил подшоҳи Навоҳодонасор (Абу Райҳон Беруний бу подшоҳни "Бухтун-наср" деб атайди) мамлакатнинг ҳарбий қудратини ошириб, Ассурияни, Финикияни (ҳозирги Сурия ва Ливан) ва Исроил давлатини – Қуддусни – Байтул-муқаддасни босиб олади. У босиб олинган мамлакатларидан жуда кўп ҳунарманд усталарни Бобилга чақиради"*** тасвирида тарихий ҳақиқатга мос келмайдиган ўрин бор. 1947 йилга қадар Ер юзида Исроил деган давлат бўлмаган. Жафокаш фаластинликларнинг тинимсиз кураши ва бутун араб дунёсининг норо-

зилиги ҳам шунда. Олдин фақат Фаластин деган давлат бор эди. СССР билан АҚШ томонидан фашистларга зуғум, арабларга зўрлик қиларок, йўқ жойдан Исроил деган давлат юзага келтирилган. Тўғри, Қуддус шаҳри ҳамиша бор бўлиб, унда араблар ва яҳудийлар аралаш яшашган. Иерусалим деган атамани, биз мусулмонлар, ишлатмаганимиз маъқул. Чунки бу ном ҳам яҳудийлар томонидан бировнинг шаҳрига қўйиб олинган ном.

Асарнинг Бобил боғлари ва мамлакатига доир маълумотлар келтирилган тасвирнинг бадиий асоси кўрсатилмаган. Шунча маълумотни келтиришга Хоразмийга дахлдор ишончли ҳаётий сабаб топиш лозим эди. Баъзан муаллиф тасвирда чалғишга йўл қўяди. Чунончи, ***"Муҳаммад Хоразмий хаёллар оғушида нотаниш отлиқнинг ғойиб бўлганини ҳам сезмай қолди"*** тасвири тушунарсиз. Чунки шу тасвирдан олдин ҳам, кейин ҳам бирор отлиқ ҳақида ҳеч нарса айтилмаганди.

Асарнинг "Кутилмаган учрашув" фаслида Бухорий тилидан берилган: ***"...шу кунга қадар бир минг саксонта уламо, шунингдек, деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар ва ҳатто дарвешлардан бир минг саксондан ортиқ ҳадислар ёзиб олдим"*** тасвирида нега айнан шу рақамлар келтирилаётгани тушунарли эмас. Бухорий ҳазратларининг олти юз минг ҳадис йиққани, шулардан тенг ярмини ёд билгани маълум-ку, юқоридаги рақам нега келтирилган?

Асарда Бухорий тилидан айтилган: ***"Ана шу тушим ҳам мени "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ"ни ёзишга илҳомлантирди. Лекин китобни битаётиб, бир саҳиҳ менда шубҳа уйғотди"*** фикри ўқирманда шубҳа уйғотади. Зеро, маълумки, "саҳиҳ" дегани ишонарли дегани. Ишонарли ҳадис нега шубҳа уйғотсин? Демак, ҳадиснинг ё саҳиҳлиги, ё шубҳа уйғотгани нотўғри.

Асарнинг ҳамма ўрнида аллома отасини форсчасига *"падар"* деб эслайди. Нега? Хоразмчасига эслаганда колоритлироқ бўларди.

Китобдаги ***"Устоз Сулаймон ибн Исмоилнинг ҳикояларига қараганда бир пайтлар хоразмликлар ерни парвариш қилиш, суғориш ишларида ҳам донг таратган эканлар"*** тасвир гўё, Хоразмийнинг даврига келиб хоразмликлар ер ва сув ишларида нўноқ бўлиб қолгандай таассурот уйғотади. Улар ҳозир ҳам энг уста деҳқонлар. Кейин, ***"ерни парвариш қилиш"*** ифодаси унча ўринли эмас, эҳтимол, ***"ерга ишлов бериш"*** ёки ***"экинни парвариш қилиш"*** дейилса, маъқул бўларди.

Қиссадаги: ***"...улар*** (қуллар – Қ. Й)***га бозорда зарур бўладиган 10–15 та форсий сўзлар мажбурий суратда ўргатилар ҳамда уларга қаерликсан деб сўралганда, эронликман деб жавоб беришларини алоҳида таъкид этишган. Акс ҳолда уларни ўлдириш билан қўрқитишарди"*** тасвири услубан ғализлигидан ташқари, мантиқан ҳам ишонарли эмас. Нега қул зотики бор ўзини эронликман дейиши керак? Эронликман деб 15 сўзни ўргангани билан оларманларни алдаб бўлармиди? Қиссадаги Робия шомлик-ку? Форс бўлмаса ҳам Хоразмий уни сотиб олди-ку? Бу билан қулларни асосан эрониклар олиши кўрсатилмоқчими ёки қулдорлар фақат форслар эди дейилмоқчими, ёхуд форс маданияти ҳукмронлиги таъкидланмоқчими? Қуллар учун форс бўлиш шунчалик мартабамиди? Кейин, шу тасвирнинг ифода йўсини ҳам, гап бўлакларининг ўзаро мослиги ҳам кўнгилдагидай эмас.

Асарда Али ибн Мусо деб аталмиш образ ҳақида: ***"Халифанинг куёви ва фарзанди Али ибн Мусо ҳақиқий аҳволдан хабардор эди"*** тарзида маълумот берилган. Бир одам қандай қилиб Маъмунга ҳам фарзанд, ҳам куёв бўлиши мумкинлиги изоҳланма-

ган. Бу гап нега айтилаётгани ҳам тушунарли эмас.

Китобда *"Улар орасида, айниқса, Ўрта Осиёлик олимлар алоҳида ажралиб туради"* шаклидаги ифода кўп учрайди. Тарих тўғрисида сўзланаётганда "ўртаосиёлик" атамаси ўрнига "туркистонлик"ни ишлатиш маъқул. Чунки ўтмишимизда "ўртаосиёлик" атамаси мутлақо бўлмаган. Буни бизга нисбатан ўрислар қўллашган, эндиликда аввалгидан баттар тушунарсиз қилиб, арабчалаштириб, "Марказий Осиё" дейилаётгани ҳам тўғри эмас.

Асардаги *"...Ҳунайн ибн Исҳоқ тенги йўқ таржимон ва тилмоч. Аллома Хоразмий бу фидойи инсон билан ўттиз йил елкама-елка туриб, бирга хизмат қилди"* тасвири газета хабарининг услубига ўхшаб қолган.

Асарда "Даққиюнус" иборасининг *""Юнус (пайғамбар) даври" дегани ва бу билан жуда узоқ ва мавҳум вақт назарда тутилган"* тарзида изоҳланиши жуда шубҳали. Аслида, бу сўз айнан ўша қайсар Дуклитёниснинг арабча айтилиши бўлиши керак. Ғорда уч юз йил ухлашгани борасидаги ривоят қизиқарли ва ибратли. Аммо кўп манбалардан маълум бу ривоятни қиссада беришдан мурод аниқ эмасдай.

Н. Низомиддинов китобидан олинган *"Исломнинг Шимолий Ҳиндистондаги тарихи ҳам, деярли, жанубий вилоятлардаги каби мусулмон ҳарбий юришларидан муқаддам бошланган (яъни, VII асрнинг иккинчи ярмидан)"* парчада катта мантиқсизлик бор. Нима биров Ҳиндистон тарихи мусулмон юришларидан кейин бошланган деяптими? *"VII асрнинг иккинчи ярми"* гача ҳиндлар ёки уларнинг тарихи йўқмиди? Кейин қаердан келиб қолди?

Асарни тугалланиши сал бадиийроқ йўсинда бўлгани тузук эди. Бадиий асарни илмий мақоладан олинган кўчирма билан тугатиш ғалати. Тугалла-

ма ўқувчида кайфият уйғотиши, буюк алломанинг ватанга талпиниш сабабларини туйдириши мақсадга мувофиқ.

Ёзувчи Пирмат Шермуҳаммедовнинг "Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили" маърифий қиссаси қаерда бўлмасин, улкан истеъдод ва тинимсиз меҳнат одамни улуғлашини ҳамда инсон ўзга маконларда нақадар улуғланмасин, ўзининг сўнгги манзили Ватанибўлишига интилаверишини ўқувчилар руҳиятига сингдиришга хизмат қиладиган асар экани билан катта аҳамият касб этади.

2010 йил 1 август

ТУЙҒУ ВА ТАФАККУР УЙҒУНЛАШУВИ

Ўзбек адабиёти қирғоқсиз уммонга ўхшайди. Уммонни бир назар билан қамраб олиб бўлмаганидек, бизнинг адабиётимизга мансуб ижодкор ва асарларни ҳам тўлиғича билиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётида ҳамиша ҳали яхши ўрганилмаган, етарлича тадқиқ қилинмаган ижодкор ва асарлар истаганча топилаверади. Мен Минҳожиддин Мирзонинг "Гуллаш пайти келди, боғларим" китоби қўлёзмаси билан таниша туриб, гарчи, тез-тез эшитиб, унда-мунда ўқиб юрган бўлсамда, Минҳожиддин Мирзо деган ўзига хос шоирни яхши билмаслигимни, бинобарин, кўп яхши шеърлардан вақтида баҳраманд бўлолмай қолганимни англадим.

Қўлингиздаги китобни шоирнинг салкам ўттиз йил орасида яратган асарларидан тузилган поэтик гулдаста дейиш мумкин. Унга турли йилларда ёзилган шеърлардан ташқари, тарихда ўтган шонли боболар ҳаёти ва руҳиятини акс эттиришга бағишланган "Қайғу гули", "Соҳибқирон ёғдуси", "Соғинч салтанати", "Темурийлар", "Хайрлашув" сингари достонлар ҳам кирган.

Шоирнинг бир тўртлигида унинг ижодий кредоси лўнда ифода этилганини кўриш мумкин:

Дилим қуёшидан ёришсин юзим,
Ўзимники бўлсин кулгум ҳам бўзим.
Руҳимга бегона ҳисга талпинма,
Қалбимдан хабар бер, қалбимдан, сўзим.

Шоир кулгисининг ҳам, бўзловининг ҳам фақат ўзиники бўлишига, айтган ҳар бир сўзиқалбидан чиқишига уринади. Зеро юракдан чиққан сўзгина ўзга юракларга таъсир кўрсата олади. Китобга кирган битиклар билан синчиклаб танишган ўқирман муаллифнинг қалб иқрори ижобатини туйгандай бўлади. Ҳар бир шеърида Минҳожиддин ўз сўзини ўзига хос йўсинда айтишга уринганини кўради.

Ҳар қандай асл шеър шоир шахсининг изтиробидан туғилиши аён бўлсада, чин шоир фақат ўз изтиробларига ўралашиб қололмайди. Чунки шоир изтироблари унинг турмушига доир етишмовчиликлардан эмас, балки ўзидан қониқмаслик, улкан ишлар қилолмаганидан озурдалик сингари кўламдор ижтимоий қониқмасликлардан келиб чиқади. Минҳожиддиннинг "Тўхтагил, ёшлигим" шеърида ўзининг элу юрт олдидаги бурчини ўташга тутинган шоир руҳияти таъсирли акс этган:

Тўхтагил, ёшлигим,
Бир зум шошмагил.
Бу кўнглим ўксимай етсин ниятга,
Фурсат бер, юрагим чўғи ўчмасдан
Бир қўшиқ қолдирай абадиятга.

Шоир оташли юракдан чиққан ва мангуликка ярайдиган қўшиқ қолдиришни орзулайди. Кўринадики, шоир улкан ва тоза ният қилади. Абадиятга қоладиган қўшиқ ёшлик туйғулари ва юрак қўридангина пайдо бўлишини кўзда тутгани учун ҳам ёшликдан "бир зум шошмас"ликни ўтинади.

Минҳожиддин шеърларининг лирик қаҳрамони – фаол замондошимиз. У кўзланган ҳар қандай манзилга тинимсиз интилибгина етиш мумкинлигини билади. Интилмай, курашмай, машаққатларни енгиб ўтишга уринмай яшашни умр ҳисобламайди. Мушкулликлар чангалзоридан ўтиш кераклигини билгани боис муҳаббат йўлидан юришга журъат

қилмаган, унинг машаққатли синовларига дош беролмаслигидан чўчиган шахснинг ўз умри олдидаги ҳолатини жуда таъсирли йўсинда ифодалайди:

Имиллаб ўтади кунлар ҳам атай,
Офтобнинг тафтини сезмадинг, умрим!
Энди мен... энди мен... қандай овутай,
Мендан воз кечганча кетаётган умрим?!

Шахснинг воқеа-ҳодисалар гирдобида бўлишини истамай яшалган умри қуёшнинг ҳароратини сезмай кечирилган кунларга менгзалар экан, бундай умр ўз эгасидан ҳисоб сўраганида, унга жўяли жавоб бериш мумкин эмаслиги, бу эса кечирилган ҳаётни йўққа чиқариши ғоят мантиқли тасвир этилади. Шеърнинг сўнгги байтида шоир фақат ўзини аягани сабаб севгисиз кечган нурсиз умрига энди раҳм этмасликка аҳд қилади:

Энди тун жодуси мени азоблар,
Ҳижронлар оғуси томар кўзимга.
Муҳаббат нелигин тушунмай ўтган,
Мен раҳм қилмайман энди ўзимга.
Мен раҳм қилмайман кибор кўнглимга...

Шоир шахс руҳияти азобу изтироблар орқали тозаланиши ва тобланишини билгани сабаб ўзини аяган "кибор" кўнглига энди раҳм қилмаслигини таъсирли таъкидлайди.

Шоирнинг "Баҳор, кўнглим сеники" шеърида лирик қаҳрамоннинг ўзида тирик ва безовта кўнгил бўлишини чинакамига тилаши оригинал ва таъсирли ифода этилган:

Баҳор, кўнглим сеники, унга ишқ сол, олов сол,
Кўнгилдан чиққан оҳлар капалакка айланар.
Юрагимдан чекинган туйғуларим, ҳисларим,
Қалбимнинг шохларида куртак каби жойланар.

Шоир ошиқ кўнглига кўкламий ишқ олови тушиб, унинг ҳароратидан чекилган оҳлар эзгулик капалакларига айланиши, ёнаётган юракдан чиққан оташ туйғулар эса қалбга куртак каби жойланишини жонлантириб таъсирли ифода этади.

Китобга кирган шеърлар билан танишиш асносида шоир туйғулари ифодаси жуда майин, ҳозирги шеъриятимизда кенг ёйилиб бораётган ҳиссий чегара билмаслик унга ёт экани маълум бўлди. Минҳожиддин сезимларини назорат қилади, жиловда тутади, уларнинг тошқинлаб кетаверишига йўл қўймайди. Шу туфайли бўлса керак, унинг битганларида ифода назокати етакчилик қилади. Бу ҳолни шоир "Кўнгил томчилари" туркумига кирган шеърларидан бирида жуда чиройли изоҳлайди ҳам. Ҳасбиҳол кўринишидаги бу сатрлар Минҳожиддин шеъриятининг моҳиятини теранроқ англашга хизмат қилади:

Мен ўт эдим,
Ёмғирлар ёғди.
Томчиларчун гўё мен сўндим.
Бугунчалик уфққа бош қўйиб,
Эрта эса қуёшдай ёниб,
Тонгни кутиб олмоққа
Кўндим.

Кўринадики, шоир ижод маҳсулидаги сокинлик ва майинлик замирига эртага ёруғ тонгни қуёшдай ёниб кутиб олишга қилинган жазм яшириб қўйилган. Бу ҳол шоир битганларига ўзгачароқ назар ташлаш кераклигини тақозо этади.

"Ёмғирли кечалар" шеърида ҳижрон азобида қоврилаётган шоирнинг изтироблари қанчалик кучли бўлмасин, у туйғуларини эзиб ёғаётган ёмғир фонида жуда майин ва самимий акс эттиради:

Ёмғир ёғар ғунчаларга томчилаб,
Шамол эсар юрагимни қамчилаб,

Ҳеч ким келмас менга саодат тилаб.
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ёмғирли кечалар.

Ташқарида қалтираган япроқлар,
Юрагимга солиб кетар титроқлар,
Ёритолмас кўнглим ёнган чақмоқлар,
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ёмғирли кечалар.

Шоир ўз руҳий ҳолатини табиат манзараси кўриниши билан уйғун кўрсатиш орқали ҳолат тасвирининг таъсирини оширади, айни вақтда изтиробли туйғуларнинг чегарадан чиқиб кетишига йўл қўймайди.

Минҳожиддин Мирзо сўзни нозик ҳис қилади. Шу сабаб сўз билан маъно мутаносиблигига эришишга алоҳида эътибор қаратади. Унинг битикларида сўзлар кўпмаънолилиги, руҳий ҳолат жилваси маҳорат билан берилади. "Кўнгил ўкинчи" шеъридаги: ***"Ойдай қилиб берган эди дунё сени, Ойсиз эрса осмон унга боқмоқ нечун?!"*** сатрларида ошиқ дарди ўта нозик мантиқий ишора орқали юқумли ифода этилган. Чинданда, осмон ой билан гўзал бўлганидай шоирнинг ойдай суюклиси сабаб бу олам ҳам ёқимли эди. Ойдай суюкли ёр лирик қаҳрамондан узоқлашгач, осмон гўё ойсиз қолди. Ойсиз осмонга боқишда маъно бўлмагани каби қаҳрамон учун бу дунёда яшашнинг ҳам маъноси йўқ. Кам сўз қатига кўп маъно юклай олиш шеърнинг таъсир қувватини оширган.

Минҳожиддин Мирзо руҳий ҳолатнинг ғоят нозик поэтик манзарасини ишонарли чиза олади. "Сув узра ой аксланар" шеърида шоир маъшуқасининг келишини кутаётган ошиқ руҳий ҳолатини табиатнинг бетакрор гўзал манзараси билан санъаткорона уйғунлаштиради:

Сокин кеча, ойдин тун,
Майсазорлар шитирлар.
Юрак тўрдаги оҳу
Ўзин уриб питирлар.

Кечанинг сокинлиги, туннинг ойдинлиги ошиқ юрагининг тўрга тушган оҳудай титроғига қарши қўйиб тасвирланиши шеърхонга лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Иккинчи тўртликда суюклининг келиши тасвири ҳам ўта жозибали ва ғоят ўзбекона ифода этилган: "***Чигирткалар жим қолар, Келар қадам товуши. Фариштадай нозанин Қўлларида ковуши***". Ушбу манзара ҳаётий ва миллий эканлиги билан шеърхонни ром этади. Бошқалар билиб қолмаслиги учун ковушини қўлларига олган бўлсада, кеча сокинлиги боис ошиққа қадам товушларини эшитилишининг бундай тасвири ҳам йигит, ҳам суюкли қиз руҳий ҳолатидаги таранг бетоқатликни ўқирманлар кўз олдига аниқ келтириб қўяди.

Шоирнинг айрилиқ манзаралари чизилган шеърларида ҳамиша табиат тунд ва хунук ҳолатда тасвирланган бўлса, учрашув туни акс этган ушбу шеърда атроф-жавонибнинг кўриниши ғоят мароқли чизилади:

Сув узра ой аксланар,
Ухламайди балиқлар.
Висол суратин кўриб,
Қиқирлайди ариқлар.

Зеро, бизни қуршаб турган атроф олам ўзгармасдай статик кўринишда туюлсада, моҳиятан динамиклик хусусиятига эга. Яъни одам ўзини ўраб турган оламни боридай эмас, балки кайфиятига қараб кўринганидай идрок этади. Ушбу ҳақиқат Минҳожиддин шеърларида жуда нозик ҳисобга

олингани унинг битикларига ўзгача жозиба бахш этади.

Умидбахшлик, эзгулик уфуриб турган юқоридаги шеър етти бўғинли бўлгани учун ҳам ўйноқи ва енгил оҳангга эга. Шоир баъзан ғоят оғир ва иложсиз ҳолатга тушиб қолган лирик қаҳрамон руҳиятини бўрттириб кўрсатиш учун ҳам атай шундай енгил ифода йўсинидан фойдаланади. Акс эттирилаётган руҳий ҳолат билан ифода тарзидаги бу хил номувофиқлик шеърга ўзгача таъсирчанлик бағишлайди. Жумладан, "Эй соқий" шеъридаги қуйидаги бандда шу ҳолни кўриш мумкин:

Эй соқий, кел бодангни
Менга бергил, мен ичай.
Мендан кечди бир гулюз,
Бер, мен ҳам ўздин кечай.

Айтилганидек, одатда Минҳожиддин – тасвир одобига риоя қиладиган шоир. У битганларида ҳам туйғулар етовида юришни эмас, балки туйғуларини бошқариб боришни яхши кўради. Лекин бу шеърида Бобур айтганидай: "***Бизни унутқонни унутмоқ керак***", – дейиладиган ҳолатга тушиб қолган. Фақат фарқ шундаки, Бобур уни "унутқон" ёрдан кечмоққа аҳд қилса, Минҳожиддиннинг тортинчоқ ва фидойи қаҳрамони ўзидан кечишга жазм этади. Бу шеърда ошиқни мувозанатдан чиқарган айрилиқ азобининг оғирлиги ифоданинг енгил ва ўйноқилиги фонида ажиб ўзгачалик касб этган.

"Висол соғинчи" шеърий туркумида ҳам шунга яқинроқ ҳолат кўзга ташланади. Унда тўққиз бўғинли шеър шаклидан фойдаланилади. Бу поэтик шакл ёр висолини қўмсаган ва учрашув умиди бўлмаган ошиқнинг оғир руҳий ҳолати ва поэтик ифода йўсинидаги енгиллик ўртасидаги зидлик орқали фожиа даражасини кучайтириб тасвирлаш имконини беради:

Лабларимда исминг капалак,
Кўзимдаги гулларим – сиёҳ.
Бағримдаги ўксик жон ҳалак.
Вужудимда ғунчалайди оҳ.

Бу сатрлар бошданоёқ рамзлар орқали ифода этилган. Ошиқ лабларида суюкли исмининг капалаклиги бу жониворнинг қўнимсизлиги, тинмай учиб-қўнавериши орқали маъшуқанинг оти ёр тилидан тушмаслигини, дам-бадам такрорланишини; ёр кўзидаги гулларнинг қоралиги ҳижрон боис кўзёшларнинг қора қонга айланганини; ҳар дақиқада танани тарк этишга тайёр ўксик жоннинг ҳалаклиги ва вужудда оҳнинг ғунчалаши дарднинг тўхтовсиз кўпайиб боришини англатади.

Туркумнинг тўртинчи бўлимида ошиқни шундай ҳолатга солган маъшуқа қуйидагича тавсифланади:

Насимларми – нафис нафасинг,
Гиёҳларми – назаринг гули.
Баҳорларми – энтиккан сасинг,
Менким – ишқнинг ожиз булбули.

Бу сатрларга жойланган маънодан ташқари, ифоданинг инжалиги, шеърда аллитерация, поэтик изоҳ кабиларнинг ўринли қўлланиши уларга айрича жозиба ва таъсирчанлик бахш этган.

Минҳожиддин шеърларининг лирик қаҳрамони – ўта таъсирчан ва нозик шахсият эгаси. Ана шу нозик кўнгил қатларидан жуда улкан ва порлоқ туйғулар жой олган. Бу туйғулар пўртанасига унча-мунча қудрат дош беролмайди. Шунинг учун ҳам шоир шабадани шахслаштириб, дейди:

Шивирлама менга, шаббода,
Қўзғатма дил япроқларини.
Кўтаролмас энди вужудим,
Бу юракнинг титроқларини.

Шивирлама менга, шаббода,
Сўнган чўғни қўзғаб нетасан.
Қўйгил энди ўз ҳолимга, қўй,
Дардим айтсам, ёниб кетасан.

Бу сатрларда шоирни чулғаган туйғулар бутун кўлами ва залвори билан акс этган. Шабаданинг шивирлаш даражасидаги майинлиги билан шоир юрагини ўртаган дардлар довулининг қудрати ўртасидаги қарама-қаршиликнинг сезилмас йўсинда тасвирланиши шеър жозибасини орттирган. Юрак титроқларининг вужуд кўтаролмайдиган даражадаги залвори ҳамда дарднинг айтилса, оламни ёндирар даражадаги ҳарорати тасвири шеърга ўзгача бетакрорлик бахш этган.

Шоирнинг бошқа бир шеърида акс эттирилган руҳий ҳолат унинг Ерга мурожаати орқали кучли муболаға воситасида ғоят таъсирли ифода этилган: "***Дардимга шерик бўлма, Магар елкангга ортсанг Бедор кўнглим юкини, Тоғларинг чўкиб кетар***". Бу сатрлар орқали шоир ўта долғали ҳолатларни ҳам майин тасвирлай олиш салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

Шоир кўплаб шеърларида оригинал ташбиҳлар қўллаб, бадиий топилдиқ саналишга арзийдиган образли ифодалар яратади. Буни "***Бинафша дил ифорлари учиб кетар, Юракдаги яшилликни кўмади қор***" сингари қатламли тасвирлар билан келган шеърлар мисолида яққол кўриш мумкин. Умид бинафшаларини айрилиқ шамоли учириб кетиши, юракдаги севги майсаларини лоқайдлик қори кўмиши жуда ўзига хос ва оригинал ифодасини топган. "***Туннинг саватидан тўкилар юлдуз***" сингари бадиий савияси юқори шеърий сатрларда эса ўзбек поэтик тилининг имкониятлари адоқсиз экани намоён бўлади.

Шоирнинг икки қисмдан иборат "Биз ҳам севган эдик" шеърида ижод тажрибасида анча кам учрайдиган бир ҳолат кўзга ташланади. Маълумки, анъанага кўра, умуман, адабиёт, хусусан, шеъриятда жонли ва жонсиз нарса-ҳодисаларга одамга хос хусусиятлар тақилиб, жонлантириш, шахслантириш (ташхис) сингари санъатлар юзага келтириларди. Минҳожиддин Мирзо эса бунинг тескарисини қилиб, одамга тегишли хусусиятларни нарсаларга кўчириш йўли билан тасвирнинг ўзгача таъсирчанлигига эришади. Шеърда изтироб ва умидсизлик исканжасидаги ошиқ руҳий ҳолати шундай ифодаланади:

Бу очунда гуллаш нима унутди дил,
Кўп соғиндим ғунчаларнинг кулгусини.
Кечам соғинч, бугун, ҳатто, эртам соғинч.
Эшитаман ёлғиз ялпиз йиғисини!!!.

...Мажруҳ кўнгил гўё яшин урган дарахт,
Танасида чумоли – дард ўрмалайди.
Ғам лашкари эрур гўё кеча-кундуз
Адо бўлган бу вужудни пармалайди.

Бу мисралардаги дилнинг гуллашни унутгани, яъни меҳру эътибордан йироқлиги; ғунчалар кулгусини соғингани, демакки, унга қувонч бегоналиги; ёлғиз ялпиз йиғисини эшитиши, яъники юрак фақат изтироб чекаётгани; яшин урган дарахтга айланган кўнгилнинг дардлари чумолидай саноқсизлиги; ғам лашкари вужудни пармалаши тасвирларида одамга хос белгиларнинг табиатдаги нарсаларга кўчирилгани туфайли ифода ўзгача таъсирчанликка эга бўлган.

Минҳожиддин шеърларида имкон қадар образли фикрлашга, сезим ва кечинмалар тўғрисида ахборот бериш эмас, балки уларни таъсирли йўсинда манзаралаштиришга интилади. Мисол учун, умид-

сиз севги домидаги ошиққа шу вақтгача эзгу йўлдош бўлиб келган тунга доир манзаралар айрилиқ тунида қанчалар ёқимсиз кўриниши қуйидагича акс эттирилади:

Туннинг сочларида ялтирар юлдуз,
Умидсиз дунёнинг умиди каби.
Кўнгил куз, чор тараф хазоняпроқ, куз,
Титрайди қуриган атиргул лаби.

Шоир илҳом онидаги интуитция кучи билан бири бошқасини тақозо этадиган поэтик образлар занжирини яратади. Туннинг сочларида юлдуз ялтираши шунчаки унинг тунда чиқиши сабаблигина эмас, балки ошиқнинг умид юлдузидай ожиз ва хира деган таассурот уйғотиш учун тилга олинади. Ошиқ кўнглига чор тарафни хазоняпроққа тўлдирган кузнинг кириб келиши ва унинг қуриган яланғоч атиргулдай титраши янглиғ мантиқий изчилликка эга тасвирлар шоир ҳолатининг фожиавий манзарасини бўрттириб кўрсатиши билан аҳамиятлидир.

Китобдаги кўплаб шеърларда олам мураккаб ва чигал, ана шу оламда яшаётган одам руҳияти эса ундан кўра чигалу мураккаброқ экани инжа бир йўсинда тасвир этилади:

Боқсам тўйиб юзингга нурли қуёш кўринди,
Кўнглим очсам, кўнглинг йўқ, юрагинг тош кўринди.
Англолмадим бир ҳолни нечун кетаман десам,
Киприкларинг яширган кўзингда ёш кўринди.

Маълумки, миллий шеъриятимизда маъшуқаларни маккора ва озорижон қилиб тасвирлаш анъанаси бор. Юқоридаги тўртликнинг илк икки қаторида ҳам ўшандай тасвир йўсини кўзга ташланади. Суюкли санамнинг юзи қуёшдай гўзал ва ҳароратли, лекин ошиққа нисбатан кўнгли йўқ, кўнгил ўрнида тош кўринади. Аммо кейинги икки сатрда замоннинг нуқси кўзга ташланади. Яъниким, бизнинг

бечора ошиқ умид йўқлигидан қўл силтаб кетаман деса, санамнинг киприклар яширган кўзларида ёш кўриниши сабабини ҳеч англай олмайди. Бу ўринда тажоҳили ориф санъатини қўллаш жуда ўринли бўлган.

Ўзбек шеърхонларига жуда кўп йиллар мобайнида қофияга солинган мафкуравий чақириқлар шеър сифатида тақдим этилгани учун ҳам ўқирманлар шу хилдаги асарлардан безиб қолган эдилар. Лекин ижтимоий муаммолар ҳам шоирнинг ўз дардига айлантирилиб таъсирли ифода шаклини топилса, салмоқли эстетик қиммат касб этиши мумкин. Ушбу китобда ижтимоий йўналишдаги шеърлар анчагина. Уларнинг айримлари ўйноқи оҳанги, жозибали ва оригинал ташбиҳларга бойлиги билан эътиборни тортади. Шоир "Озодлик нафаси" шеърида ёзади:

Сано айтиб ётган гиёҳлар,
Эй, топталиб чўккан тоғларим.
Энди қадни тиклангиз дейман
Гуллаш пайти келди, боғларим!

Ушбу шеърий сатрларда ҳам чақириқ борлиги кўриниб турибди. Лекин бу ялонғоч чақириқ эмас, балки кишининг туйғуларига таъсир этадиган йўсинда қилинган ундовдир. Озодликнинг нафаси келиши шоирга гиёҳларни ўсишга, тоғларни қаддини тиклашга, боғларни эса гуллашга ундаш имконини беради. Қуллик нафақат башар, балки табиатнинг ҳам юксалишига тўсиқ бўлади.

Қўлингиздаги китобда тўртлик шаклидаги шеърларга катта ўрин берилган. Одатда, тўртликларда шоирнинг олам, одам, ҳаёт тўғрисидаги кузатишлари умумлаштирилади. Шу боис уларда фалсафий оҳанг, ўйчиллик етакчи бўлади. Муаллиф ўз тўртликлари тўғрисида: "***Улар атайин ёзилмаган, балки ҳаётимнинг турли лаҳзаларида юрагимни куйдириб ўтган туйғулар, армонлар, ҳижронлар, соғинч ва изтироблар, ҳайратлар гулханидан сачраган илтижо учқунларидир***", – дейди.

Тўртликларидан бирида шоир ўз умрининг ўткинчилиги ҳақидаги ҳазин ўйларини маънога ғоят мос келадиган оҳангда ифода этишга эришади:

Хазонлар қўшиғин куйлаётир куз.
Оламга видосин сўйлаётир куз.
Тунлар хўрсиниғин эшитган билар
Ўтган баҳорларни ўйлаётир куз.

Тўртликда ташхис санъатидан фойдаланган ҳолда куз шахслантирилади: у худди одам каби ўтган умри тўғрисида ўй суради, олам билан видолашади. Кузнинг шу даражада шахслантирилгани хазонлар қўшиғини куйлаши, оламга видосини сўйлаши, ўтган баҳорларни ўйлаб, тунлар хўрсиниши сингари ҳолатларнинг ўта юқумли ва ишонарли тасвир этилишига имкон берган.

Бошқа бир шеърида инсоннинг қувончу қайғуси ҳар доим ёнма-ён экани кутилмаган йўсинда акс эттирилади:

Деразамни чертади ёмғир,
Юрагимда маҳзун-маҳзун куй.
Томчи сўзин тинглаб ўтирар,
Кеча қуёш мўралаган уй.

Жўнгина туюладиган бу тўрт мисра замирида теран маъно бор. Унда одамнинг умрида қувонч билан қайғу, ёруғ билан қоронғу, яхши билан ёмон, ютуқ билан ютқизиқ доимо бирга юриши ўз ифодасини топган. Бу хил битикларда шоирнинг фалсафий сийрати намоён бўлади: "***Инсон умри гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд, Ёруғлиғу тун-ла ўтаркан. Муҳаббат ҳам баҳорий турна, Хазонрезни сезса кетаркан***". Бу тўртликда ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати жуда туюмли йўсинда акс эттирилган.

Афсуски, қўлингиздаги китобга кирган барча битиклар ҳам юксак санъат намуналари эмас. Айрим шеърларда чақириқ характеридаги ялтироқ декла-

ратив мисралар ҳам, вазн бузуқликлари ҳам, ўринсиз прозаизм унсурлари ҳам учраб туради. Лекин энг муҳими, китобга кирган бадиий яратиқларнинг катта қисмида шоир юрагининг ҳарорати, самимият ва ифода инжалиги устуворлик қилади. Бу ҳол ўқирманда Минҳожиддин Мирзо ўз шеърларининг бирида билдирган ишонч бежиз эмас деган қаноат уйғотади:

Бекор совурмадим мунис йилларни,
Таскин бор: эртамдан сал кўнгил тўқдир.
Тонгга ошно этдим қанча дилларни.
Йилларнинг олдида гуноҳим йўқдир.

Дилларни тонгга ошно этадиган шеърият билан ошнолик хайрли бўлсин!

2015 йил 31 май.

МИЛЛИЙ РУҲ СУВРАТЛАРИ

Бирор ҳодисани тушуниш ва баҳолаш учун унинг моҳиятини англаб етиш керак бўлади. Моҳияти англаб етилмаган ҳодиса салмоғи ва аҳамияти қандайлигидан қатъи назар, ўзининг ҳақиқий баҳосини олмаслиги мумкин. Айниқса, моддий ўлчовларга бўй бермайдиган улкан адабий ҳодисаларнинг моҳиятини англаш ва изоҳлаш жуда мушкул юмушдир. Адабиёттанув илми учун Абдулла Ориф феномени – тушунтириш мушкул бўлган шундай муаммо. Буфеноменга хос бир кўп жиҳатларҳали етарлича ўрганилган эмас. Бетакрор талантнинг моҳиятини тушуниш, унинг фақат ўзига хос бадиятидаги ингичка соҳирликни илмий мантиқнинг универсал тилига кўчириш ўта мушкул экани ҳам бунга сабабдир. Чунки мантиқ қонуниятга таянади, қонуният эса такрорни тақозо қилади. Кўпинча ҳодисага хос ўртоқ жиҳатлар такрор ва қолипда намоён бўлади. Чинакам бадиият маҳсули бўлган Абдулла Ориф шеърияти қолипларга сиғмас бетакрор ҳодиса ўлароқ қонуниятга осонлик билан бўй бермайди.

Бундай бетакрор ҳодисани тўлиқ изоҳлаш осмонни қучмоқ, уммонни бўйсундирмоқ, тоғни қопга жойламоқ сингари қилиб бўлмайдиган ишдир. Бироқ кўкка учиш, уммонда сузиш, тоғни кезиш зарур бўлганидек, қайтарилмас поэтик ҳодисани ҳам текширишга улкан эҳтиёж бор. Негаки, текширмаслик билмасликни, билмаслик туймасликни, туймаслик эса, руҳан ғарибликни келтириб чиқаради. Шу сабабдан ҳам миллат руҳиятига улкан таъсир кўрсат-

ган шоир Абдулла Ориф ижоди моҳиятини англаш ва имконимиз қадар изоҳлашга уринишимизни ўқирманлар тушунишар, деб умид қиламиз.

МИЛЛИЙ РУҲИЯТ МЕЪМОРИ

Абдулла Орифнинг барча асарларида даврнинг изи кўриниб турсада, бу изларнинг нима учун айнан шу тарзда поэтик ифода топгани сабабини илмий изоҳлаб бериш ўта қийин. Унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган йўсинда фикрлайдиган, ҳаёт ҳодисаларидан ўзга замондошларига қараганда бошқача таъсирланадиган ва уни бўлакча тасвирлайдиган шоир экани бу юмушни янада мушкуллаштиради.

Абдулла Орифнинг шеърияти озод ва покиза кўнгилнинг гоҳ майин, гоҳ нолакор, гоҳ ўтли, гоҳ мунгли манзараларини, баъзан бу ҳолатларнинг барчасини бирваракайига оҳангдор ва мусиқий ўзбек сўзи орқали ифодалаш натижаси ўлароқ дунёга келади. Шеър ёзиш сиёсий юмуш саналган даврларда ҳам у одамнинг руҳиятини тадқиқ этиб, туйғуларини тасвирлади. Абдулла Ориф шеърият майдонига қадам қўйган даврда одамнинг кимлиги унинг ижтимоий мавқеи билан ўлчаниб, қандайлиги қайси ижтимоий синфга мансуб эканига қараб баҳоланарди. Шахс жамиятга қарши қўйилар, негаки, омманинг истак, интилиш ва манфаатлари алоҳида одамникидан солиштириб бўлмайдиган даражада юқори саналарди. Адабиёт учун конкрет шахснинг кўнгли манзараларини тасвирлаш муҳим саналмасди. Шундай бир шароитда Абдулла Ориф қиёфасиз оммани эмас, алоҳида одам – шахснинг руҳий оламини тадқиқ этишга тутинди. У миллий шеъриятда бутун жамиятнинг тартибу қонуниятларини билиш ва тасвирлашдан кўра, биргина одамнинг кўнгил ҳолатини тушуниш ҳамда ифодалаш муҳим ва мушкул эканини туйган илк ижодкор бўлди. Конкрет

одамга яқинлашиб, унинг кўнгил ҳолатларини ифодалаш шоир шеъриятига ўзгача самимийлик, дардчиллик бахш этди ва ўқирманга ғоят яқинлаштирди. Маълумки, алоҳида одам доим дардманд, серташвиш ва тушунилишга муҳтождир.

Шеър кўпинча дард ифодасидир. Камдан кам ҳолларда қувончдан шеър туғилади. Шу сабаб шеърни қайғунинг ўз фарзанди, қувончнинг ўгай боласи дейиш мумкин. Коммунистик мафкура эса ана шу ўгай болага эътиборни кучайтириб, ғам тасвирини тақиқлаб, социалистик турмушнинг хушёқар жиҳатларини акс эттиришни талаб қиларди. Шундай шароитда мафкуравий шеърият қобиқларини парчалаб, алоҳида одамнинг кўнгил ҳолатини тасвирлайдиган, лирикани юракка яқинлаштирадиган ижодкорга улкан эҳтиёж бор эди. Акс ҳолда халқ руҳиятига зўрлик ва зуғум билан сингдирилаётган ноинсоний сифатлар миллатнинг маънавиятини мажруҳ қилиб, ўзлигидан айириши мумкин эди.

Абдулла Ориф шеърияти ўзбек лирикасига кўнгил дардлари сувратлари, орзу-армонлар фожиаси, руҳий изтироблар манзарасини олиб кирди. Шоир ўтмишда шонли боболари дунё билан бўйлашган, бугун олам ва одамни тоза кўрмоқ қайғусида яшаётган ўзбекнинг ўтли нолаларини шеърга солди. У қуруқшаган ўзбек шеъриятига ўйчил ғам ва ғамчил ўй олиб кириб, одамнинг ички дардларини, чигал руҳиятини ифода қилди. Дардчил одамнинг кўнгил ҳолати тўғрисида ҳайқирилмайди, дард ҳақида кўзда ёш билан сўзланади. Шу сабаб шоир шеърларига ҳайқириқ эмас, ҳазинлик, мунг хос эди. Зеро, одамни одамдан йироқлаштирадиган ҳайқириқ дардлашаётган кишига ярашмайди. Янги замон адабиётида илкинчи бўлиб Абдулла Ориф ўта ингичка туйғулар, исмсиз дардларни шеърга солди. Ҳасратзада, озурдажон кўнгил мавжлари, комиллиқдан "юлдузлар қадар йироқ" кишилар борлигидан таъсирчан юракда қолган озорлар бу шеъриятнинг манбаси эди.

Совет даврида ғоят кенг ёйилган даъваткор шеърият қулоққа урилсада, кўнгилга инмас эди. А. Орифнинг аламангиз ва мунгли сатрлари ўзбекнинг кўнгли тўридан жой олди. Ҳайқирик битикилар қулоқ пардаларини зўриқтирган бўлса, шоирнинг сокин ва самимий шеърлари кўнгил кўзига тушган пардаларни йиртиб, дилдаги зангларни кўчирди. Бу битиклар билан ошно бўлган шеърхон бехосдан ўзида ҳам нозик ҳислар, ингичка сезимлар борлигини, руҳиятининг қай бир пучмоқларида тоза туйғулар мавж ураётганини пайқаб қолди. Яродор қалбнинг нидолари ўлароқ янграган ўша майин шеърлар туфайли миллий руҳият инқироздан сақлаб қолинди.

Коммунистик мафкура ёлғонни жамиятнинг ахлоқи даражасига кўтариб, одамларнинг сезимларигада тазйиқ ўтказмоқчи бўлаётган бир пайтда А. Орифнинг кўнгилларга чуқур кириб борадиган дардчил шеърияти ўзбекни сезимларнинг қуруқшаб қолиши ва туйғулар таназзулидан асрай билди. Ўз туйғуларини ***"Қайдадир гулшандан ахтариб висол Ел кезар, тоғларнинг гўзал арвоҳи. Шоирнинг дилрабо байтлари мисол Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи"*** тарзида ўта таъсирли, майин ва ўзбекча ифодалай олган шоир миллатнинг ички дунёсига теран кириб бориши табиий эди. Олдин ишлатилмайдиган йўсинда қўлланган том ўзбекча сўзлар руҳиятни осон забт этди. Ушбу поэтик ифодалар шеърхонлар қалбини, демакки, унинг инсоний моҳиятини эзгулаштириб, гўзал сезимлар ҳосил қилди.

Одатда ҳар бир давр ўзида пайдо бўлган улкан муаммоларни ҳал қиладиган даҳоларни яратади дейишади. Бизнингча, Абдулла Ориф деган самимий ва бетакрор поэтик ҳодисани у яшаган давр яратмади, билъакс бу феномен чоғдошларнинг руҳий олами, туйғулар тизими ва тафаккур тарзига кардинал таъсир кўрсатиш орқали ўз даврини ярат-

ди. Тўғри, шоирнинг шеърлари ижтимоий тузумни ўзгартириб юбормади. Лекин бу бадиий яратиқлар одам руҳиятига хос асл жиҳатларни сездириш орқали одамни мафкуранинг сохта қутқуларига берилиб кетишдан сақлаб қолди. Абдулла Орифнинг дилбар ва самимий шеърлари расмий идораларда тўла ҳукмрон бўлган ёлғон мафкуранинг миллат руҳиятига ҳам эгалик қилишига тўсиқ бўлди.

Чин истеъдодга даврнинг тазйиқу чекловлари тўсқинлик қилолмайди. Истеъдод даврдан, вазиятдан марҳамат кутмаслиги, ҳар қандай тўсиқни енга олиши билан истеъдоддир. Ўта ноқулай шароитда ҳам кўнглидагисини юзага чиқара олиш истеъдоднинг илк белгиси саналади. Ҳар битта ўзбекнинг ички оламига теран кириб боргани учун ҳам мустақилликкача бўлган даврда яшаган ўзбекларнинг фикрловчи қисми маънавий оламини Абдулла Ориф шеърияти шакллантирган деб айтса бўлади. Шунинг учун ҳам кўнгил кўзи очиқ ўзбекки бор ўша вақтда истисносиз бу шоир шеърлари билан ошно эди.

Абдулла Ориф шеърларидаги беадад самимият, туйғулар чинлиги кишини ўзига асир қилади. Шоирнинг битганлари ўй, ҳиссиёт ва кайфиятнинг қуйма манзараларидир. Инсон туйғулари товланишини ўта чуқур билган ҳамда таъсирли ифода эта олган шоир шеърларидаги айрим чизгиларнинг ўзиёқ шеърхонда поэтик кайфият ҳосил қилади: *"Асаблар тупроққа чўккан эди тиз"* ёки *"Йироқ-йироқлардан мунгли ва узун Турналар товушин тинглардим фақат"* ёхуд *"Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана, Менинг орзуларим, менинг ўйларим"* ёинки *"Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида Салқин туман ичра бўзарар тонглар, Қуёшнинг эринчак ёғдуларида Нафис ялтирайди барги хазонлар"* ё бўлмаса *"Қаро сочларингда оппоқ аланга"* сингари сатрлар чин инсоний сезимларнинг яхлит, таъсирчан ва ўхшашсиз ифодаси экани билан дилни ром этади.

Абдулла Ориф шеърияти ёмонликка муросасиз шахснинг ёлқинли иқрорларидир. Инсонга улкан муҳаббат туйган шоир уни комил кўрмоқ истайди. Одамга адоқсиз нуқсону иллатлар хослиги ва, энг ёмони, у бу иллатлардан қутулишга ошиқмаётгани шоир руҳиятини қиймалайди. Шу боис у коинот саркори дейилмиш ҳазрати одамдан ёзғиради. Шоир шеърларида муросасизлик ҳисси кучли экани инсонни нуқсонлардан холи кўриш истагидан. Нафратини одамга эмас, балки ундаги иллатларга қаратган шоир ёзади: ***"Йўқ, маймундан тарқамаган дердим одамзод"***. Аммо инсондаги адоқсиз нуқсонлар шоирни умидсизлантириб, одамзот қабоҳат бобида нечоғлик "камолот"га эришганини кўрсатаверади. Бу ҳол улкан муҳаббат соҳиби бўлмиш шоирда доимо мунг, баъзан қаҳр уйғотади.

Абдулла Ориф шеърияти самимият ифодаси экани сабаб кўнгилларни ром этиб, юракларга сингиб кетади. Шоир самимияти унинг ўз дунёси, руҳияти, кайфияти, ҳиссиётини тафтиш қилиши ва ўзини англашга астойдил уринишида намоён бўлади. Саратондаги эпкиндай сезилмас ҳодисаларданда кучли даражада таъсирланадиган безовта қалб эгаси қилиб яратилган шоир ўзини руҳий мувозанатдан чиқарган ҳолатларни илғамоқ ва чизмоққа тутинади. Шоир ҳар битта замондоши қалбида нелар кечаётганини билгиси, туйгиси ва ифодалагиси келади. Атроф жавонибда оммавий бахт ҳақида тинимсиз жаҳ урилаётган бир вақтда ҳар бир алоҳида одамнинг қалбидаги дардни чуқур туйиб, яққол акс эттирарди.

Образларнинг теран халқчил томирларга эгалиги Абдулла Ориф шеъриятини миллат руҳининг сувратларига айлантирди. Энг чигал руҳий ҳолатларни ҳам ғоят улкан назокат ва юксак жозиба билан аниқ ва таъсирли ифодалай билиш шоир шеърларига ўзгача тароват бахш этади. Бунинг учун

санъаткор учқунда аланга, қатим нурда қуёш, томчида уммонни кўра биладиган қудратли ижодий тасаввурга ва туйганини сўз билан моддийлаштириш қудратига эга бўлиши керак.

Поэтик ифоданинг аниқ ва туйғуларга таъсир қўрсатадиган бўлиши жиҳатидан Абдулла Ориф шеърияти миллий адабиётдаги тенгсиз ҳодисадир. Шоирнинг: ***"Оёқланган қўзидай довдирар елда майса, Кўм-кўк мовий осмонда кезиб юрар оқ булут"*** сатрларидаги ташбиҳлар пухта ҳаётий асосга эгалиги ҳамда чексиз ҳиссий қудрати билан кишини ҳайратга солади. Елда силкинаётган кўкламий майса ҳолатининг эндигина оёқ босмоқчи бўлиб довдираётган қўзичоққа ўхшатилиши халқ турмушини билгангина эмас, ичдан туйган кишининг қўлидан келадиган ишдир. Шу жойнинг ўзида биргина чизги билан кўклам осмонини ҳам ёркин суратлантира олиш учун эса улкан истеъдод керак бўлади.

Кўз олдига келтириш мушкул, ифодалаш деярли мумкин бўлмаган мавҳум сезимларни моддийлаштириш борасида Абдулла Ориф тенгсиз маҳоратга эгадир: ***"Ёрилмаган ярадай севги!"*** – дейди бир шеърида. Қулоққа чалинишидан бўлак моддийлиги йўқ туйғуни бунданда ортиқ туйимли қилиб тасвирлаш мумкин эмас.

Белгилики, инсоннинг руҳий ҳолати ва кайфиятини манзаралаштириш учун улкан истеъдод лозим. Бу жиҳатдан А. Ориф таланти тенгсиз қудратга эга:

Қалдироқ гумбурлар юксак тоғларда,
Чилтор қилларидай таралар ёмғир.
Шамол шовуллайди қадим боғларда,
Буюк кўҳна дунё кўпчийди оғир.

Жаҳон шеърияти хазинасидан ҳам тоғлардаги қалдироқ гумбури, ёмғирнинг чилтор қилларидай

таралиши, шамолнинг қадим боғлардаги шовури, эртанги кунни туғмоққа шайланаётган оғироёқ дунёнинг хамир каби оғир кўпчиши каби миқёсли ва серқатлам ҳолатларни сабаб-оқибат алоқалари ҳамда мантиқий изчилликни сақлаган ҳолда шу қадар таъсирли чизиб берган бошқа бир шеърни топиш қийин. Шеърда ифода изчиллиги, тасвир кетма-кетлиги фақат маъно жиҳатидангина эмас, балки ҳаракат ва оҳанг жиҳатидан ҳам уйғунлаштирилгани битикнинг бадиий таъсир даражасини неча карра оширган.

Абдулла Ориф ўз шеърларида чуқур инсоний изтироблар, самимий туйғулар, ҳиссиётнинг камалакдай товланишларини акс эттириш орқали миллатнинг кўнгил дардларини ифода қилади. Жумладан, атрофидаги иллатга ботган ва хиёнаткор кимсалар боис кўзига олам нурсиз кўриниб, олти ойдан буён шеър ёзолмаётган ижод кишисининг ҳасратли туйғулари акс этган машҳур "Сароб" шеърида одамларни тушунмоқчи, ҳаётнинг маъносини англамоқчи бўлган шахс кечинмалари улкан дард билан тасвирланади:

Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,
Олти ойким ўзгаларга тилайман омад.
Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада
Истеъдодим сўнганидан қилар каромат.
Ниманидир ахтараман – шеърдан ҳам улуғ,
Ниманидир ахтараман – ондан азизроқ.
Дунё ўзи бепоён-ку, рангларга тўлуғ,
Бироқ менинг кўзларимдан ранглар ҳам йироқ.

Одам атроф оламни боридай эмас, ўз кайфиятига мутаносиб кўради. Кўзига оламнинг ҳар бир жилваси шеър бўлиб туюладиган шоир учун олти ойдан буён шеър ёзмаслик – оғир кўргулик. Бундай ҳолга тушган одамга дунёнинг ёқимли кўриниши мумкин эмас. Шоир шундай аҳволдаги шахс руҳий ҳолатини

тенгсиз маҳорат билан акс эттиради. Зеро, дўстман деб юрганлар "истеъдоди сўнганидан каромат" қиладиган шароитда кишининг кўзига олам рангсиз ва совуқ кўриниб, унда бирор ёқимли чизги кўзга ташланмаслиги табиийдир.

Дунёдан эзгулик, одамлардан тозалик излаган шоир қидирганларининг болаликда қолиб кетган армонларгина эканидан изтиробга тушади: "***Кўз олдимда киприкдайин тизилар йиллар, Ҳар бирига маржон бўлар аччиқ унларим. Хира туман орасида чўғдай милтиллар Жайрон қувиб жайрон янглиғ ўтган кунларим***". Бу мисралардан адоқсиз ғам уфуриб турибди. Ўтган умри ҳақидаги хаёлга ғарқ бўлган ўйчан йигитнинг оламга сиғмас дардли туйғулари теран акс этган бу шеър яралганида шоир бор-йўғи йигирма беш ёшда эди. Аммо у ўтган кунлари ҳақида жуда узоқ умр кўрган оқсоқолдай фикр юритиб, "киприкдайин тизилган йиллар"га "аччиқ унлари" маржон бўлганини тилга олади.

Ҳаётни фаровон, инсонни комил кўришни истаган шоир одамзотнинг разолатга ботиб бораётганига таниғ бўлганидан чексиз ғамгаботади. Шоир ўз омадсизлигидан эмас, дунёнинг кемтиклиги, одамларда иллат кўплигидан дард чекади. Шеърнинг кейинги мисраларидан шоир дардларининг илдизлари янада теран, кўлами катта экани англашилади. Барчага муҳаббату оқибат кўрсатган лирик қаҳрамон одамлардан ҳам поклик, тўғрилик, мусаффолик, меҳру муҳаббат кутади. Кўнгил дарвозасини ҳаммага очиб қўйган шоир садоқатига хиёнат, ишончига алдов, муҳаббатига нафрат билан тўлов қайтарган кимсалар сабаб кўнглида пайдо бўлган аччиқ армонларни: "***Қуюндайин чарх урардик доим тўзонда, Чанг нелигин билмас эдик ўшанда ҳали. Онамизни ўйлар эдик инсон деганда, Аммо она танҳолигин билмасдик ҳали***", – дея ифода этади. Шеърий парчанинг дастлабки мисраларида

болаликнинг беғубор онлари, оламни ғуборсиз санаб, "чанг нелигин билмай" кечирилган болалик акс этган бўлса, ***"Онамизни ўйлар эдик инсон деганда"*** сатрида шоирнинг одамларга бўлган беғараз ишончи ифодаланади. Сўнгги қаторда эса дунёга ишонч тўла кўз билан боққан лирик қаҳрамоннинг она каби беғараз эзгу зот кам эканини билмаслиги акс этади.

Шеърда нафақат ўзгалар, балки ўзини ҳам тушунмоқчи бўлган инсон руҳияти акс этади. Одамлардан эзгулик келмаётганини кўргани боис шоир назарига ёруғ ранглар ташланавермайди. Юксак ғоялар сароб, нурли келажак ҳақидаги гаплар пуч эканини англаш уни умидсизликка туширгандай бўлади. Лекин лирик қаҳрамоннинг тоза кўнгли оламда халқ, Ватан сингари юксак ва ўлмас тушунчалару улар олдида ўталиши керак бўлган бурч каби мангу туйғулар борлигини ҳис этади. Шоир ёшликдаги тоза туйғуларидан айрилсада, умидсизланиб дунёга қўл силтамайди. Лекин шеърнинг энг умидбахш ўринларида ҳам дунёнинг кемтиклиги, одамнинг нокомиллиги туфайли шоирни ўраб олган мунг сезилиб туради:

Хазон тўла боғчаларга бораман тағин,
Яна ўзни хаёл ила шеърга ташлайман.
Тўниб қолган юрагимга бериб бир таскин,
Яна қувноқ қўшиқларни куйлай бошлайман.

"Қувноқ қўшиқларни куйлай бошла"ган одам кайфиятидаги эзгинлик муҳри ўқирман эътибори-ни тортади. Шеърда қўлланган ***"Хазон тўла боғчаларга бор"***иш, ***"Тўниб қолган юраги"***га таскин бериш каби ташбиҳларда фикрчан одамнинг самимий туйғулари акс этган. Бу шеър тоза ҳиссиётли одамнинг покиза кўнглидаги оташин туйғулар ифодасидир: ***"Инжиқ руҳим май истайди гоҳи-гоҳида,***

Фақат унинг оғушида топаман ором. Хаёлларим сархуш бўлиб кезган чоғида У беармон кунларимга қайтаман тамом". Улкан дард ифодаси бўлмиш бу самимий шеърда қаҳрамонни майга ошно қилаётган сабабларга эътибор қилинсагина, муаллифнинг поэтик нияти англаб етилади.

Одамлар учун минг оташда куйган шоир, ўз навбатида, одамлардан ҳам таъмасиз муҳаббат кутади:

Таъна қилмай ахир севгим мукофотини
Инсон учун минг оташда куяр эдим мен
О, қанчалар севар эдим инсон зотини,
Қандай буюк муҳаббат-ла севар эдим мен.
Бугун тўниб, атрофимга қарайман секин,
Ўт беролмас қалбга энди у ёшлик дамлар.
Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин
Нечун кўпдир ҳалигача разил одамлар.

Шоирнинг аччиқ иқрори замиридаги самимият ўқирманни ўзига ром этиб, ҳиссиётини безовта қилади. Бу безовталик, қониқмаслик шеърхоннида ўзини тафтиш қилишга ундайди. Тафтиш эса покланиш йўлидаги илк қадамдир.

Бетакрор маҳорат билан ёзилган ушбу шеърда одам деган ҳодисанинг ўта сирли экани, улар ўртасидаги муносабатларнинг чигал ҳамда тушунарсизлиги таъсирчан ифода этилган. Шоирнинг санъаткорлиги шундаки, у ҳодисаларнинг бошқалар ҳам кўриб турган, аммо пайқамаган жиҳатларини ўзига хос тарзда акс эттиради. Асл шоирнинг истеъдоди – ундаги нигоҳнинг ўткирлиги, туйғунинг нозиклиги, ҳиссиётнинг теранлиги, ифоданинг аниқлигига эришишдан иборат. Кўкламда ўрик ғўраларини барча кўрган, аммо фақат чин шоиргина унда ҳам ҳаёт бардавомлиги нишонасини, ҳам ўзбек аёлига хос тенгсиз андишани кўра ва кўрсата билади: "***Дилбар келинчакнинг кўксида ғулу Зардоли шохига ташлар кўз қирин***". Шоирнинг маҳорати бу ўрин-

да мим даражасига кўтарилади: у айтмайди, ишора билан англатади. У имлаб кўрсатган жойда ўзбек қизининг туғма андишаси, минглаб йиллик миллий маданияти бўйкўрсатади. Қанчалик ғўра егиси келмасин, буни бошқаларга билдирмаслик учун фикру зикрини банд қилган ўрикка очиқ қарамай, кўз қирини ташлаш фақат ўзбек келинчагига хос миллий хусусият бўлганидек, фақат Абдулла Ориф бу ҳолатда умр давомийлиги борлигини кўра ва кўрсата билган миллий шоирдир.

Шеъриятга қайғунинг йўлдошлиги ҳақида кўп ёзилади, лекин уни ўқирман кўз олдига яққол келтириб қўйиш жуда кам шоирнинг қўлидан келади. Қувонч тўғрисида ҳам кам битилмаган, бироқ шодликни моддийлаштириш ҳам камдан кам ижодкорга насиб этган. Абдулла Орифнинг бетакрор истеъдоди айни шу қийиндан-қийин икки юмушни биргина байтда бажарганида яққол кўринади: ***"Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам Тошқинлар киради қалбимга маним"***. Ғамни кўз олдига келтириб бўлмайди, лекин қизғалдоқнинг гулбарги ҳар биримизга яқин. Уни енгил бир ҳаракат билан учириб юбориш мумкинлигини ҳамма билади. Шоир қалбидан қизғалдоқ япроғидек учириб юборилган ғам ўрнига *тошқин* кирмоқда. Шодлик тилга олингани йўқ, лекин инсон кўнглидаги тошқин унга улкан қувонч ёр бўлгани белгисидир. Чинакам улкан санъаткоргина буни шу йўсин ифодалай билади.

Абдулла Ориф – ўхшаши йўқ бадиий манзаралар шуурига яхлит ҳолда қуйилиб келадиган ижодкор. Бу даврдаги кўпчилик шеърларида поэтик манзаралар тасвирида чок мутлақо йўқлиги кишида шоир тасвир учун сўз изламай, осонгина ёзаверадигандай таассурот қолдиради. Бу шоир тасвир имкониятининг мўл-кўллигидан далолатдир. Қуйидаги тасвирнинг таъсир қудратига эътибор қилайлик:

Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,
Офтоб ҳам юксалди – тик келар қуёш.

Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кифтин,
Безавол майса ҳам силкитади бош.
Тарновлар бўғзида лола ҳам кўркам,
Тераклар учида изғир мавжудот.
Ҳаттоки, туйғусиз чирик хазон ҳам
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот.
Ҳовлиқма жилғалар чопар безга,
Қушлар қий-чувига тўлмиш дала, боғ...

Бу мисралардаги ҳар бир тамсил ўз ўрнида, ҳар бир ташбиҳ образнинг моҳиятини очишга тўлиқ йўналтирилган, ҳар бир ифода моҳиятни яққолроқ англатишга хизмат қилади. Бу қадар ҳаётий, бу қадар соддаваш, бунчалар батафсил ва бу чоғлиқ юксак эстетик энергияси бор поэтик тасвирга эришмоқ учун шоир шеърий маҳоратнинг баланд чўққиларини забт этган бўлиши керак.

Абдулла Ориф ижодининг дастлабки босқичидаёқ: ***"Мени чорлаётир олий бир жамол"***, – дея хитоб қилганди. Эҳтимол, ёш шоир ўша маҳалдаёқ Аллоҳ жамолини кўзда тутгандир. Балки, шеъриятнинг гўзал чўққиларини забт этмоқни истагандир. Бу тўғрида қатъий фикр айтиш қийин. Аммо унинг ўзбек бадиий сўзининг ифода имкониятларини орттиргани, исмсиз туйғуларга ном қўя билгани, ифодалаш мушкул руҳий ҳолатлар манзарасини чиза олгани билан нафақат миллий шеърият, балки миллий турмушимизда ҳам ўхшаши йўқ ҳодиса бўлиб қолганига шубҳа йўқ. Бундан буён наинки барча ўзбек шоирлари, балки бутун ўзбек миллати Абдулла Ориф таъсиридан холи бўлолмайди. Негаки, унинг ижоди миллий шеъриятнинг йўналишини белгилабгина қолмай, миллий руҳиятнинг таркибини ҳам тайин этди. Ўзбекнинг руҳиятини тасвирламоққа жазм қилган ижодкорки бор Абдулла Ориф феноменига дуч келавергани, ундан таъсирланавергани янглиғ ўзбек сифатида шаклланаётган одамки бор,

улуғ шоир қайноқларидан билиб-билмай сувланаверади. Чунки унинг битикларида акс этган туйғулар миллий руҳиятимизнинг таркибий унсурларига айланган.

ҲИКМАТ ЖИЛВАЛАРИ

Эгаманликдан сўнг ўзбек миллати ўз тараққиётининг шахслашиш босқичига кирди ва бу даврда одамлар диди ҳамда қизиқишларининг хилма-хиллиги кучайди. Ахборот олиш манбалари кўпайиб, одамнинг хабардорлик имконияти турфалашгани сари бадиий адабиёт олдингидай жамият аъзоларининг диққат марказидаги ҳодиса бўлмай қолди. Бу ҳол кўпчиликда жамият адабиётдан йироқлашди деган хавотир уйғотди. Аслида ҳам одамларнинг бадиий адабиётга муносабатида бир қадар совуққонлик пайдо бўлди. Лекин одамлар адабиётдан бутунлай юз ўгириб кетмадилар, балки ўқишнинг турфа усул ва имкониятларидан фойдаланила бошланди. Дидлар ҳар хиллашди, эндиликда бировга жуда маъқул келган нарса бошқа бировга мутлақо ёқмаслиги оддий ҳолга айланди. Ҳозир ҳам давом этаётган бу босқич адабиёт учун чинакам синов даври бўлди. Хайриятки, Абдулла Ориф шеърияти мана шу синовлардан ҳам шараф билан ўтиб, улус руҳият ва тафаккурига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда.

Азалдан ҳикматга мойил шеърлар битиб келган Абдулла Ориф ижодининг эгаманликдан кейинги даврида буюк Ялавочнинг: "***Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат***" ҳадисларида айтилганидек, ўзининг умр йўлида кўрган-кечирган ва кузатганларидан ҳикмат чиқаришга кўпроқ эътибор қаратди. Жамият ҳаётида кескин ижтимоий-сиёсий курашлар кечган бу йилларда шоир ўз битикларида одам деб аталмиш ўта мураккаб яратиқнинг чексиз олам оғу-

шидаги чигал ҳаётининг саноқсиз қирраларини акс эттирди. Олам ҳодисаларига кўпни кўрган донишманд назари билан қарайдиган мутафаккир шоир атроф оламдаги ҳар бир нарса-ҳодисадан ибрат ё ҳикмат топиб, эсдан чиқмайдиган йўсинда поэтик акс эттиради. Шоир "Бойқаро" деб номланган шеърда томоғига тиқилган сўнгакдан азоб тортаётган шоҳнинг ҳолатини акс эттириш асносида, ёмонлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди деган тўхтамга жуда табиий йўсинда келади:

Эшитган дўст албат қон ютган,
На ғанимлар бундан ризодир.
Бу – султоннинг ўзи қатл этган
Набираси Мўмин Мирзодир.

Тасвирда муҳимни номуҳимдан бехато ажрата олгани боис Абдулла Ориф султон Бойқаро томоғига сўнгак қаёқдан, қай ҳолда тиқилганига, унинг қандай азоб тортаётганини тасвирлашга тўхталиб ўтирмайди. Шоир ҳаётда учраб турадиган оддий ҳақиқатдан ўта таъсирли ҳаётий-поэтик хулоса чиқара олган.

Шоирнинг "Имон" отлиқ бошқа бир битиги ҳозир тўхталганимиз шеърнинг мантиқий давомига ўхшайди. Одамнинг барча тутумлари моҳияти ундаги имон кучига боғлиқ экани акс этган шеър: "***Ҳеч ким "бас" демайди бойликка тўйиб, Йўқсил ҳам чидайди, ёнмайди куйиб. Бир жуфт шеър айтишни бўйнимга қўйиб, Оламда йўқ эдим, Ўзи бор қилди***" тарзида бошланади. Шеърнинг илк бандидаёқ шоирга сўз айтиш Яратган томонидан белгиланган қисмат экани юқоридагидай таъсирли йўсинда ифодаланади. Банданинг ўз тақдиридан ташқарида бўлолмаслиги, борлигу йўқлик, истеъдоду иқтидор фақат Аллоҳнинг марҳамати экани собит бир ҳақиқат сифатида тасвирланади. Битикда ҳар бир шахс ўз имону виждони олдида масъул экани, одам-

нинг имкону қудрати қанчалик бўлмасин, қилмиши учун жавоб беришга маҳкумлиги ўта таъсирли йўсинда акс эттирилади:

Ёвузлик ҳар ённи этса ҳам хароб,
Бир куни қайдадир бергайдир жавоб.
Эзгулик седана донидек ноёб,
Бўй сочиб, ўзидан умидвор қилди.

Шеърнинг бу бандида ёвузлик ва эзгулик ғоят эсда қоларлик йўсинда қарама-қарши қўйилиб, ёвузликнинг миқёси "ҳар ённи" хароб этадиган, эзгуликники эса "седана донидек ноёб" бўлишига қарамай, кейингисининг ғалабаси тайин эканига умид акс этади. Шеърда седананинг қўлга илинмас даражадаги майда донидек бўлсада эсзгулик "ҳар ённи хароб" этган ёвузликка нисбатан қудратли экани ғоят ўзига хос тарзда ифодаланган.

Тасвирнинг ҳажмини эмас, балки қамровини кенгайтиришга уринган шоир седананинг бетакрор исидан ҳам ўринли бир бадиий тафсил сифатида фойдаланади. Шеърнинг сўнгги бандида Яратганнинг ихтиёрисиз тикан кирмаслигига, ёвузлик қачондир енгилиб, эзгулик енгишига ишонган имони бут кишининг некбин қаноати ифода этилади:

Ер юзи бўлгайдир шаксиз фаровон,
Инсонга қайтгайдир диёнат, виждон.
Шоир келажакка келтириб имон,
Шу шеърни ёзмоққа ихтиёр қилди.

Шеър кишида умид ва эзгулик тантанасига ишонч уйғотиши, кўнгилда ёруғ туйғулар ҳосил қилиши билан диққатни тортади. Битикнинг қофияланиш тартибидаги ўзига хослик ҳам эътиборга лойиқ. Ўнта тўртликдан иборат бу шеър бандлари а-а-а-б, в-в-в-б, г-г-г-б, д-д-д-б, е-е-е-б ва ҳк. тарзида қофияланган сабаб ўзгача бир мусиқийлик, ёқимли оҳанг касб этади.

Абдулла Орифнинг эгаманликдан кейинги ижодига мансуб кўпчилик битикларида кўнгил дахл қилиб бўлмайдиган муқаддас маъволиги, унга қилинган зуғум танага қилинган зулмдан оғирроқ экани тасвирланади. Чунончи, "Инсон ғурури" шеърида юксак маънавий фазилатлар кўнгилда етилишидан келиб чиқиб, уни топташ ёвузлик экани кескинлик билан "***Ким инсон қалбига кирса берухсат, Ҳаттоки, ҳайвондан ваҳшийроқ эрур***" тарзидаги тўхтам шаклида ифода этилади.

Мутафаккир шоир ўз битикларида қаламга олинган нарса-ҳодисанинг моҳияти ва сабабини кўрсатишга алоҳида эътибор бергани ҳолда кўпинча оқибатни батафсил тасвирлаб ўтирмайди. У сабабнинг моҳияти табиий равишда оқибатнинг қандайлигини белгилашини кўзда тутади. Шу боис шеърларида ҳамма нарсани ипидан игнасига қадар айтиб қўймайди. Ўқирманнинг закоси ва топқирлигига ишонганидан кўп ўринларда ишора билан кифояланади. Жумладан, "Соғуний" шеърида "*Зулмки, устувор бўлдими агар, Энди ҳамроҳингдир ўкинч ва ҳасрат*" сатрларига бутун шеърнинг моҳиятини жойлагани ҳолда бу хулосани изоҳлашни ортиқча санайди. Шеърда улуғ аллома ва арбоб тортган азоблар санаб ўтирилмай, миллат озодлиги йўлида фидо бўлган шахснинг руҳи улуснинг бундан буёнги тутумлари қандайлигининг сергак кузатувчиси бўлиб қолажаги тасвирига урғу беради. Бу ҳол ўқирманни ўзида ҳазрат Соғуний руҳини инжитмайдиган сифатлар бўлиши кераклигини ҳис эттиришга олиб келади.

Шоирни инсон қисматига доир ечимсиз муаммолар адоқсиз ўйга толдиради. Шу сабаб "Шеърият" деб аталган битикдаги "***Гоҳ ўйлаб қоламан, киммиз ўзи биз, Соҳиби давронми, фалакнинг қули?***" йўсинидаги савол унинг доимий йўлдоши эканида ажабланарли жиҳат йўқ. Шоир эзгу ўй ва эзгу амалли одамлар даврнинг эгалари бўлишини орзулайди,

лекин оламнинг ғаддор ўзгармас тартиби уни оғир мулоҳазалар оғушига ташлайди:

Эл-юртнинг қалбида пинҳон оҳу зор
Шеър бўлиб ўзидан бергайдир хабар.
Ана, Машраб учун қурилган у дор
Бузилмай турибди шу кунга қадар.

Ўзини инсон ва инсониятдан, инсону инсониятни ўзидан айро кўрмаган шоир "***Эл-юртнинг қалбида пинҳон оҳу зор Шеър бўлиб ўзидан бергайдир хабар***" тарзида шеърнинг буюк миссияси ожизларга мадад беришдан иборатлигини ифодалайди. Шеърда талмеҳ санъатидан фойдаланиб, Машрабнинг бугун ҳам қайтарилиши мумкин бўлган қисматини эсга солиш орқали ўзгача таъсирчанликка эришилган. Битикда шоир ва шеър қисматининг замонлар оша ҳам ўзгармай қолгани, булар тақдиридаги фожиавий давомийлик алоҳида таъкидларсиз ўқирманга сездирилади. Абдулла Ориф бошқа жуда кўп битикларида ҳам шеърнинг қиммати-ю шоирнинг вазифаси ва тақдири тўғрисидаги фикру туйғуларини акс эттиради. Чунончи, бир шеърида келган биргина "***Шоир деганлари шаҳиддир хунсиз***" сатри орқали шоир ижодкор зиммасидаги юкнинг нақадар оғирлигини бутун залвори билан бера олган.

Ушбу китобга кирган деярли барча шеърларида Абдулла Ориф одамга одамдай яшаш насиб этишига доир чин истакларини ифодалайди. "Ибодат" шеърида яшашнинг ғоят мушкул, адоқсиз синову қийноқлар оғушида кечиши тасвирланади. Лекин инсон учун азоблар ичра бўлсада тириклик дунёдаги барча нарсадан афзал тортиқ экани ва буни тасвирлаш асл ижодкорнинг Яратганга хуш келадиган юмуши бўлиши кераклигини "***Дунёда неъмат йўқ ҳаётдан азиз, Сен унга бағишла ўлмас сатрингни***" мисраларида ифода этади. Дунёнинг адолатсизлиги, одамларнинг бир-бирига зуғуми туфайли

киши, ҳатто, ўлганидан кейин ҳам хотиржам бўлолмаслигини тасвирлаш орқали шеърда ҳаётий фожианинг даражаси бор кўлами билан кўрсатилади:

Ҳали тугамайди бу аччиқ қисмат,
Кимдир ном талашиб ақлдан озар.
Энг мудҳиш томони, ўтмай сал фурсат
Сени маҳв этганлар хотира ёзар.

Одамга хос қилвирликларни энг майда жиҳатларигача кўра билган шоир айнан шу одамнинг ўлимига сабаб бўлган каслар марҳумнинг энг яқинлари сифатида хотиралар ёзишидай иккиюзламачиликни ҳаётнинг "мудҳиш томони" ҳисоблайди. Бундай вазиятларда кишига ёмонликнинг чегараси йўқдай, уни бартараф этиш имконсиздай туюлади. Шунинг учун ҳам шоир шеърни умидбахш юмор билан: "***Яхшиси, ўлмасдан яшамоқлик шарт***", – дея тугаллайди.

Қизиғи шундаки ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери давом этаётган ижодий умри мобайнида мудом минглаб йиллик анъаналар бағрида туриб порлоқ поэтик кашфиётлар қилиб келаётган Абдулла Ориф 2012 йилда илк бор шаклий изланишларга жазм этиб, "Ранглар ва оҳанглар" деб аталган қофиясиз шеърлар туркумини яратди. У ижодий умри давомида биринчи марта қофия ва оҳангдошликка асосланмаган учлик бандлардан иборат шеърлар ёзди. Бу учлик бандларда икки жиҳат уйғунлашгани кўзга ташланади: учликлар бутун бир шеърни ташкил этувчи унсурлар; айни вақтда ҳар бир учлик муайян ички мустақилликка эга шеър ҳам.

Қофияга боғланиб қолмаслик натижасида шоир мисралар воситасида уйқаш оҳанг эмас, уйғун руҳ яратиш имконига эга бўлган. Қофиянинг йўқлиги эса муаллиф зиммасига шеърни қулоққа эшитиладиган ташқи оҳанг эмас, балки кўнгил торларига уриладиган ички зарб билан таъминлаш вазифаси-

ни юклаган. Шеърда қофия, оҳангдошлик сингари ташқи атрибутларга боғланиб қолмаслик шоирга миқёсли фикрлаш ва кўнглидан кечган сезимларни батафсил ифодалаш имконини беради "Ранглар ва оҳанглар" шеъридаги:

Оқ денгиздан оқ шамоллар эссалар,
Қизилидан келса алвон шаббода,
Қора денгиздан-чи, тим қора насим.

Оқ танли кишидан оқлик уфурса,
Сарғимтил қавмдан заҳил эпкинлар,
Қоралардан эса сиёҳранг тутун.

Не ҳол юз берарди рубъи маскунда,
Ким ҳам кўз юмарди бу манзарадан?
Яхшиям шамолнинг ранглари йўқдир.

Шеърнинг кейинги мисраларида ҳаёт бу хаёлий манзарадаги каби жўн эмаслигини тасвирлаб, нарса-ҳодисаларнинг ташига эмас, ички моҳиятга назар ташлагандагина уларни англаш мумкинлигини қайд этган шоир шеърни "***Қара, наъматакнинг қуруқ шохида Бир қуш сайраб турар саҳардан то кеч, Сергак бўлолсайдик ўша қуш каби***" тарзида якунлайди. Сиртдан парокандадай туюлгувчи бу мисраларни қофия ҳам, оҳанг ҳам, ҳатто, маъно ҳам эмас, ички поэтик руҳгина ўзаро бирлаштириб туради.

"Уйғунлик" шеърида олам ҳодисалари ва одамга шоирнинг фалсафий муносабати яққол кўринади. Очун ҳодисалари орасидаги ички мутаносиблик ҳақида ўйлаган шоир: "***Олам уйғунликдан иборат асли, Бўшлиқ деганлари йўқдир мутлақо, Маконни нимадир тўлдириб турар. Сувсиз идишда ҳам зангор ҳаво бор, Қоп-қаро коинот бағрида эса, Вақт яшар, жисмсиз руҳлар кезади***" тарзидаги тўхтамга келади. Хорезматик фикрлайдиган шоир

уйғунликни хилма-хиллик ва ўзига хосликнинг бирлигида кўради. Ҳар битта одамга ўз миллати бетимсол, тили тансиқ, ватани муқаддас туйилиши сабабини уйғунлик туйғуси билан изоҳлайди.

"Баҳор чоғи, меҳр билан қуёш чарақлар, Булутлар ҳам момиққина ўрдакчалардай. Бирданига ёмғир қуяр. Нақадар роҳат!" учлиги билан бошланган "Миллат" шеърида эса айни шу жиҳатга тамомила ўзгача ракурсда ёндашилади. Барчаси ҳам муайян даражада воқеабандликка қурилган бу шеърларда шоир қиссадан ҳисса чиқариб, ўгитбозлик қилмайди. Муаллиф ҳамма гапни ўзи айтиб қўймай, уларни шеърхоннинг хаёлан давом эттиришига имкон бергани учун ҳам ушбу учлик битиклар кишига тугалланмай қолгандай туюлади. Сиртдан қараганда япон хайкулари ва хитой сяошиларига бир қадар ўхшаб кетадиган учлик бандлардан иборат бу шеърлар ички мантиқий изчиллик маҳсули экани билан улардан кескин фарқ қилади.

Тафаккур ва тасаввур қудратига битилган мадҳия дейиш мумкин бўлган "Фикр" саккизлигида шоирнинг некбинлик туйғуси юксак даражага етади. Ушбу шеърда фикр йўлдош бўлгандагина одам чинакам инсон бўлиши мумкинлиги ўйлаётгани учун ҳам кимсасиз саҳрода ёлғизлигини сезмаётган шахс ҳолатининг ёркин тасвири орқали акс эттирилади:

Атроф саҳро, йўқ бирор жонзот,
Булут босган, димиққан ҳаво.
Лекин қайнар фикримда ҳаёт,
Теварагим гавжумдир гўё.

Шеърда фикр кишисининг ҳаёт ва вазиятни ўз измига сола билиши, унинг борлиқ етовига тушиб қолмаслиги таъсирли тасвирланган. Иккинчи тўртликда айни шу одамнинг фикрламаётгандаги ҳолати антитеза тарзида келтирилади: ***"Атроф бозор, одамга тўлган, Булут ҳам йўқ, очиқдир ҳаво. Ле-***

кин фикрим тўхтаган, ўлган, Мен ёлғизман бутқул, мутлақо".

Шеър шундай тугайди, унда қиссадан ҳисса чиқарилмаган, муайян тўхтамга келинмаган. Шеърхоннинг фикрлаб, ўзига ижодий шерик бўлишига ишонган шоир бу юмушларни унга қолдиради. Шеърдаги "саҳро" ва "бозор", "булут босган" ва "булут ҳам йўқ", "димиққан ҳаво" ва "очиқдир ҳаво", "Лекин қайнар фикримда ҳаёт" ва "Лекин фикрим тўхтаган, ўлган", "Теварагим гавжумдир гўё" ва "Мен ёлғизман бутқул, мутлақо" сингари ифодаларнинг мазмунан ўзаро том қарама-қарши экани ўқирманни шоир ниятини англаб етишга йўналтиради. Шеърхон ўйлайдиган кишигина чин маънодаги тирик одам экани, ўйламаслик ёхуд фикрлай олмаслик кишини ўликка тенг қилиб қўйишини теран ҳис этади. Бошдан-оёқ мантиқий тазодга қурилгани шеърнинг таъсир кучини оширган.

Юмор – Абдулла Ориф ижодига доимий йўлдош. Шоирнинг юмори ҳамиша дард, мунг билан қоришиқ келгани, ғамдан туғилгани, киноя, пичинг, коса тагида нимкоса сингари белгиларга эгалигидан фақат кулги уйғотиш билан чекланмайди. Бундай хусусият шоир ижодининг турли даврларида битилган "Ҳангома", "Турмуш ташвишлари", "Тулки фалсафаси", "Ади-бади ҳақида ривоят", "Маймуният", "Танишлар", "Тарбия", "Шарқ ҳикояси" янглиғ кўплаб шеърларида яққол кўзга ташланади. Чунончи, "Мухбир" шеърида шоир унга юрт ҳаётини бўяб-бежаб кўрсатмоқчи бўлган мухбирдан норозилигини киноя йўли билан ифодалайди:

Таништирма менга осмонни,
Икки кўзим ҳозирча очиқ.
Пеш қилмагин ҳа деб бўстонни,
Кўрдим: гуллар ғоят ярашиқ.

Шеърнинг кейинги бандида мухбир ифтихор билан таништирмоқчи бўлаётган самолёт гувил-

лаши, булоқ шилдироғи, қушлар сайроғи, юлдузу ойнинг чиройи унга янгилик эмаслигини қайд этар экан шоир пичинг билан қилинган бу романтик саноқлардан сўнг ҳеч кутилмаганда: "***Мен биламан, қайдадир дала Ва неча бош чўпоннинг моли***", – дейди. Улуснинг тириклиги ва тирикчилигини ташқаридан эмас, балки ичдан биладиган эл одамигина бундай қаноатга кела билади. Зеро, мухбирнинг саноғидагилар ташқи жиҳатлар бўлса, шоирнинг айтганлари моҳиятни англатади. Шоир ўзини элдан айро кўрмагани боис ҳам комил ишонч билан: "***Ватанимда учраган ҳар тош, Кўринади ўтдек кўзимга. Меникидир шу ер, шу қуёш, Таништирма мени ўзимга***", – дея олади. Шеърда ҳаётга юзаки муносабатда бўлиб, унинг сиртидаги жиҳатларнигина кўрадиган мухбир образи енгил киноя билан тасвирланади.

Абдулла Ориф "Август" шеърида отамакон соғинчи туфайли пайдо бўлган ғоят нозик ва ингичка туйғуларини ҳеч кимникига ўхшамаган йўсинда ифодалашга эришади. Унда мусофир юртлардаги ўғлоннинг руҳиятига мос умид ва гумон, илинж ва хавотир ўта таъсирли акс этган:

Мен бугун мусофир, саргашта сайёҳ,
Балки қумлоқларга сингмиш сўзларим.
Сен ҳам соғиндингми, эй она даргоҳ,
Мени кутгайсизми, хумор кўзларим?

Шоир элу юртга деган сўзларининг эгаларига етиб бормай, "қумлоқларга сингиб" кетишидан хавотирланади. Она юрт соғинчи билан яшаётган ўғлон уни ҳам соғинганликлари ва кутаётганликларини билгиси келади. Бундай табиий туйғулар самимий ифода тарзи билан ўқирман юрагига таъсир этади. Шеърнинг кейинги бандида Абдулла Орифнинг маҳорат ханжари ўзгача ярақлаб кетади: "***Ватандан йироқда кечди кўп дамлар, Байтларим***

ўхшади кўприкларимга. Дўрмон боғларида тоза шабнамлар, Қўниб турган каби киприкларимга". Бу мисраларда юртдан минглаб чақирим наридаги шоирнинг шеърлари ватанга ташланган кўприк бўлишини исташидай табиий ҳол ўзининг гўзал ифодасини топган. Ҳам ота юртнинг, ҳам ижоднинг тимсолига айланган Дўрмон боғларидаги тоза шабнамларнинг киприкларга "қўниб турган каби" бўлиши ҳам ҳаётий-мантиқий, ҳам ифода нуқтаи назаридан ҳаққоний ва гўзалдир. Зеро, киприкларга қўнган бу шабнам тасвири шунчаки бир поэтик образ эмас, балки соғинчдан кўзига ёш олган шоир руҳиятининг ифодаси экани билан ҳам жозибалидир.

Шоирнинг "Ватан меҳри" шеърида соғинч ва меҳрга ташналик туйғуси янада шахсийроқ ва бўртиқроқ акс эттирилади. Шеърда дардга чалинган инсон руҳияти юқумли ифода қилинган: ***"Хасталикка йўлиқдим Ватанимдан йироқда, Вайрон бўлди минг карра шундоқ ҳам вайрон кўнглим"***. Шеърда шоир учун ватан туйғуси – мубҳам ва мавҳум сезим эмас, балки синглиси Бибисора сиймосида конкретлашган, шахслашган ҳиссиёт. Бегона юртларда ожиз қолган оғага сингилнинг муҳаббати ватан ва юртдошлар меҳридай хусусият касб этади. Шоир баландпарвоз осмоний ифодалардан қочади, юксак инсоний сезимларни одамга яқинлаштиради, оламни, жумладан, ватаннида муайян одам сиймосида идрок этади. Шу сабаб қуйидаги ғоят ички ҳолатлар ифодаси ҳам шахсий туйғуларга ўралашиб қолиш эмас, балки умуминсоний кечинмалар намунаси ўлароқ қабул этилади:

Эллик йил айро тушган икки жигарбанд мисол
Ака-сингил йиғлашдик, елкаларга қўйиб бош.
Шу лаҳза онам руҳи чарх урарди, эҳтимол,
Балки отам арвоҳи тиларди бизга бардош.

Қондошларнинг ўзаро яқинлик ва меҳру оқибати ҳар қандай миллатга мансуб ота-она учун ҳам хо-

тиржамлик асосидир. Шу жиҳат юқоридаги ифодаларга умуминсонийлик бағишлайди.

Ватаннинг меҳрини олиб келган сингил баҳона шеърнинг лирик қаҳрамони ўзининг ватандаги ҳаёт йўлларини ёдга олади. Ундаги адашувлар, қийналишу абгорликлар, хиёнату алдовлар бир-бир кўз олдига келгандай бўлади. Шоирнинг бу шеърида "Сароб"даги каби аёвсиз инкор, ёвқур норозилик сезилмайди. Лирик қаҳрамон энди одамлардаги иллатларга хотиржам қарай билади. Шу сабаб шеърда Абдулла Орифга хос юмористик ёндашув намоён бўлади. Битикнинг бир бандида шоирнинг ҳаётга нимкулги ва нимтанқид муносабати акс этган: "***Донишмандлар ҳаётни аслида синов дейди, Бу ҳикматни ҳар инсон ўзича англар бироқ. Тирикликда собит бир мантиқ бўлса қанийди, Бўрилар қолиб кетиб, қўйни синашар кўпроқ***". Бу сатрларда ҳаёт синовларининг золиму зўравон бўрилар ўрнига жабрдийда қўйлар бошидан аримаслигидан ҳазиломуз ёзғирик ифодаланган.

Шеърнинг бошқа бир бандида, умуман, одам, хусусан, инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган даҳолар билан ўткинчи машҳурлар қадрини солиштириш асносида тирикликдаги улкан адолатсизлик киноялы оҳангда акс эттирилади:

Ким бўлибман аҳир мен, меҳрга зорқу башар,
Чулғаб олмиш оламни зўравонлик ва ақча.
Оддий бир тўптепарга қиёслаб кўрсанг агар,
Гомер ва Толстойнинг нархи бўларкан қанча?!!!!

Бу тасвирлар ҳаққонийлиги, долзарблиги ва афсуски, эскирмаслиги билан ўқирманга кучли таъсир кўрсатади. Ўта мунгли бошланган ҳасратзада битикнинг умидбахш кўтаринки оҳангларда тугалланиши шеърхон кўнглига ёруғлик солади: "***Соғайиб, сафингизда юрарман ҳали мен ҳам, Ошно бўлиб шеър деган абадий бир сеҳрга. Ёлғиз Худога солдим, гар бировдан етса ғам. Лекин мудом тал-***

пиндим инсоний бир меҳрга". Шоир соғайиб, "шеър деган абадий бир сеҳрга" ошно бўлиб юришдай эзгу ниятини билдириш қаторида ўзига жабр қилганларни ҳам "Худога сол"ганини айтиб, бир умр инсоний меҳрга интилиб яшаганини қайд этади.

"Янги аср мўъжизалари" шеърида Абдулла Ориф оламга мутафаккир назари билан қараб, бугунни изоҳлаб, келажакни башорат қиладиган файласуф тимсолида намоён бўлади. Шеърнинг дастлабки бандларида шоир бугунги ҳаётга хос жиҳатларга муносабат билдирар экан, ўтмишни қўмсаб, қайтмас ёшликни бефойда соғиниш туйғулари исканжасига тушиб қолмайди. У тараққиёт янада тезлашиб, инсон еру кўкни измига солишига ишончини: ***"Хотиринг жам бўлсин, энди одамзод Қайта кириб олмас эски ғорига. Агарда Аллоҳим айласа имдод, Бергай осмонларни ихтиёрига"*** тарзида ифода қилади. Шоир аср мўъжизалари олдинлари одамиятга чексиздай туюлган оламни кичрайтириб, ерни "Қуванинг анорича" ҳолатга келтирганини, лекин бу ҳол ҳеч кимга уни оёқости қилиш ҳуқуқини бермаслигини таъкидлайди:

Башарнинг мулкидир замин, ҳойнаҳой,
Кимгадир аталган томорқа эмас.
Хонангга сиғмайди қуёш билан ой,
Харобот узра ҳам порлайверар, бас.

Бу сатрларда шоирнинг чегара билмас хаёлоти, йилдиримдан чопқирроқ тафаккур қарқин (суръат)и яққол намоён бўлади. Унда кўнгли ва кўзи тор, оламга фақат менчилик айвонидан назар ташлайдиган, ҳар бир хатти-ҳаракатини манфаатга қаратган кимса тутумларига муносабат бетакрор йўсинда акс этган.

Китобдаги кўплаб шеърларда шоирнинг тазарруси ифода топган. Тазарру ва афсус – чинакам одам ҳамда ҳақгўй ижодкорнинг доимий йўлдоши. Негаки, одам хато қилиш ва афсус чекиб, тазарру ай-

тишга маҳкум яратиқ. Дунё дунё бўлиб, тазарру қилишга эҳтиёжи бўлмаган одамни кўрмаган. Фақат яшамаган кимсаларгина тазарруга муҳтожлик туймайдилар. Бир одам, шоир, арбобдай тўла ҳаёт кечирган Абдулла Орифнинг ўйчил бир одам сифатида афсуслар чекиб, тазарру қилишга лойиқ ишлари ҳам бор. Бу ҳол тазарру шеърлари шоирнинг ожизлиги эмас, қудрати ифодаларидир дейишга имкон беради. Жумладан, шоир Усмон Азимга бағишланган "Бахшиёна" шеърида чоғдошлари орасида кенг ёйилган иллатларга тўхталиб, уларни тузатишга беҳуда сарфлаган умрига ачиниб, буюк андуҳ билан шундай дейди:

Усмон шоир, умрим ўтди,
Энди нетай,
Пайти келди, пушаймоним
Баён этай.
Энг яхшиси, Бойсун тоғдан
Бирор ғор топ,
Чорифимни судраб унга
Кириб кетай.

Чорасизликнинг бу қадар чиройли поэтик ифодаси шеърнинг таъсир кучини оширади.

Инсон руҳиятининг буюк меъмори бўлган шоир тўдага, оломонга айланган одамларга ҳадик билан қарайди. Тўдада одам ўз шахслик қиёфасидан айрилиб, бошвоқсиз йиртқичга айланиши мумкинлигидан хавотирланган шоир ўз туйғуларини: "***Бир ҳисни яшириб ахир нетаман, Тўдани кўрганда қўрқиб кетаман***", – дея ғоят эсда қоладиган йўсинда тасвирлайди.

Теран афсус туйғуси шоирнинг етти бандлик "Ўкинч" шеърида ғоят кўламли ва таъсирли ифода этилган. Шеърнинг "***Бир вақтлар туғилган жойим бор эди, Учсам қўнадиган ишончли ошён. Мен учун ҳамиша ифтихор эди, Бугун бегонадир мен-***

га у макон" тарзидаги илк бандиёқ улкан ҳасрат ифодаси ўлароқ шеърхон руҳиятига кучли таъсир қилади. Айни вақтда у ўқирманда бир қатор саволлар юзага келишига ҳам сабаб бўлади. Бир вақтлар туғилган жойнинг бугун лирик қаҳрамонга бегона бўлиб қолиши дафъатан тушунарли эмас. Буни англаш ва туйиш учун шеърхон ақлан ва руҳан зўриқиши лозим бўлади. Маълумки, ҳар қандай макон, ҳатто ватан ҳам одам билан мукаррам. Бир вақтлар, яъни ота-она ва бошқа яқинлар ҳаёт бўлиб, шоир ўзини кўкдаги бургутдай ҳис этиб юрган дамларда у туғилган макон ишончли ошён эди. Бугун у шоирга бегона. Бу бегоналикка "муҳаббат, ҳурмат, оқибат" манбаси бўлган меҳр улашгувчи яқинлар дунёдан ўтиб, уларнинг мунғайган қабрларигина қолгани сабаб. Эгаларининг ўтиши уларга хос эзгу туйғуларнингда йитишига олиб келгани шеърда ғоят таъсирли ифода этилади:

Меҳр ила муҳаббат, ҳурмат, оқибат,
Билмадим, қайгадир бўлмишлар ғойиб.
Тепалик бағрида кўринар фақат,
Отам ва онамнинг қабри мунғайиб.

Шеърдан шоирнинг мақсади – ўз дардини айтиб ҳасрат қилиш эмас. Мустамлака юртда ҳавас қилиб бўлмайдиган йўсинда ҳаёт кечиришга мажбур бўлган лирик қаҳрамон бугунги озод юрт эгаси бўлмиш ёш чоғдошига катта ёшдагилар номидан: ***"Мен узоқ даврлар қароқчи бўлдим, Шу йўлда тобланди, ақл ва юрак. Ўзимдан ўтганин мен ўзим билдим, Сен нега қароқчи бўлмоғинг керак?"*** – дея савол қўйиб, одамий бўлиш мумкин бўлган шароитда одам бўлишга чақиради. Шеърнинг бир қадар автобиографик характерга эга бўлган кейинги бандида тасвир ўзгача таранглик ва таъсир касб этади:

Мен ёпиқ кўргонда яшадим қўрқиб,
Нажот деворига тирмашдим узоқ.

Сен нега дунёга қарайсан ҳуркиб,
Нега сен бўлишинг керакдир қўрқоқ?

Ушбу банддаги "ёпиқ қўрғон", "нажот девори" сингари тафсиллар рамзий маънога эга бўлиб, совет тузуми ва унинг мафкураси шоир ҳаёти ва ижодига ўтказган зуғумни англатади. Шоир риторик сўроқлар орқали ёш замондошини иллатлардан қутулишга чорлайди.

Шеърнинг кейинги бандида лирик қаҳрамонга қаратилган танқид тиғи яна ўткирлашиб: "***Қасамхўр дунёда кун кўрмоқ учун, Айтмаган ёлғоним қолмади бирор***", – дейилади. Навбатдаги бандда эса иқрорнинг аччиғи юқори нуқтасига етгандай бўлади: "***Дуч келган кимсага қилдим хушомад, Оёғин яладим мушукдай ҳатто. Эгилди бир замон тик бўлган қомат, Бу ҳолни сенга ҳеч кўрмасман раво***". Шеърнинг моҳияти сўнгги мисрада яққол намоён бўлади. Лирик қаҳрамон ёш замондошининг ўзига қисматдош бўлмаслигини тилайди. Бу тилак битикнинг якунловчи аккордида ҳадди аълосида ифода этилади:

Мен ҳаёт қўлида бўлдим ўйинчоқ,
Бахтсиз яшаб ўтдим, сен бахтсиз бўлма.

Шоир чоғдошини замонга мослашишга эмас, балки замонни ўзига мувофиқлаштириб эркин яшашга чорлайди.

Абдулла Орифнинг ушбу китобидаги аксар битиклар ўзининг бадиий-эстетик таъсир қудрати билан миллатнинг кўзи олдингидан ўткирроқ, туйғулари бой ва нозикроқ бўлишига хизмат қилади. Бу шеърлар ўқирманни оламга шоир назари билан қарайдиган, олдинлари илғамаган, илғасада англамаган ҳолату туйғуларни туйишга хизмат қилади.

2015 йил 25 август-21 сентябр

ОТАМАКОННИНГ ПОЭТИК МАНЗАРАЛАРИ

Олам ҳодисалари ва одамлар руҳий дунёсини ўзига хос поэтик кўз билан кўрадиган шоир Яҳё Тоғанинг "Ватан" китобидан унинг отаюртга муҳаббати бевосита акс этган бир қатор қасидалари ўрин олган. Қасида – жуда оғир жанр. Мумтоз адабиётда ҳам қасида битиш ғоят қийин адабий юмуш ҳисобланган. Қадимда шоирларнинг ижодий имконияти уларнинг қасидачилиги даражаси билан баҳоланган. Чунки қасида жанридаги битикда ҳаммага маълум нарса-ҳодиса тўғрисида ҳеч ким қилолмайдиган йўсинда ёзилиши керак бўлган.

Тўғри, Яҳё қасидага хос мумтоз талабларга риоя қилишни режаламаган, балки ўзини мувозанатдан чиқарган туйғуларини қониқиш ва шукрона йўсинида кўтаринкилик билан акс эттиришга уринган. Шу жиҳатдан қараладиган бўлса, китобдаги "Бахмалнома" ҳамда "Чиноз манзаралари" асарлари диққатни тортади.

Бу икки битикда ҳам шоир асарларига хос табиий юмор ёрдамида номлари сарлавҳага чиқарилган юртларнинг сара одамлари табиати шокирлик ва ифтихор билан тасвирланган. Ўз доирамизда "Довруғи мисли Римча" бўлган бу икки маскан табиати, ана шу табиат қўйнида дунёга келиб шаклланган одамлар аниқ шахслик белгилари билан тасвирланган. Ҳамиша ўзини юртдошлари олдида қарздор сезган шоир ижодида уларга хос эзгу сифатларни тўкис тасвирлай олмаганини шундай ифодалайди:

Қай хислати тилга олинмай
Қолиб кетса, чекмангиз озор.
Қофиялар ахтариб тинмай,
Топганим шу:
Борига бозор!

Ушбу китобга анча катта миқдорда таржима шеърлар ҳам киритилган. Қизиғи шундаки, шоирнинг ўзга тиллардан қилган деярли барча ўгирмалари ҳам ватан ҳақида. Китобдаги таржима шеърларда Яҳё Тоғанинг ўгирмачилик салоҳияти яққол намоён бўлган. Уларнинг катта кўпчилиги шундай ағдарилганки, гўё улар аслида ўзбекча ёзилгандай таассурот қолдиради. Дейлик, албан шоири Ндре Мъеданинг:

Ўз чодирим – азиз олачиқ,
Ўзим султон,
Кўланкам майдон.
Ўзга юртнинг тутуни аччиқ,
Зиёси зиён.

сингари сатрлари нафақат ифода тарзи, балки ўйланиш йўсини билан ҳам ўзбекча. Айни шоирнинг: ***"Мард тарк этмас ота маконин, Гарчи, зулм тоғ қадар бўлғай"*** шаклидаги хукм-хулосасининг ўзбекча эканини-ку айтмаса ҳам бўлади.

Албаниялик бошқа бир шоир Андон Зако Чаюпининг "Шуни унутмайликки" деган шеърида илгари сурилаётган бадиий ният, қўмсалаётган шонли қадриятлар ҳам ўзбекка жондай яқин:

Буқага бўйинтуруқ,
Отига тақа урган.
Уй, эшик, сарпо-суруқ,
Барчаси очиқ турган.

Марза билмаган дала,
Тўғон тушмаган сойга.

Одам ажратилмаган
Йўқсилга ёхуд бойга.

Аргентиналик шоир Бальдомеро Фернандес Морено қаламига мансуб "Қирқ саккиз балкон" шеъри ҳам Яҳё Тоға маҳорати туфайли тобора ўз қобиғига ўралиб бораётган бугунги одамни тушуна олмай қийналаётган ўзбекнинг ўйлари ифодасига айланиб кетган:

Бу уйнинг қирқ саккиз балкони бордир,
Қирқ саккиз балконда бирорта гул йўқ.
Наҳотки, шоирлар куйламас бунда,
Ишқ ўтида ёнмас, наҳотки, ёшлар?!
Наҳот, соғинмаса дафъатан тунда
Ёрларин сиймтан ул қаламқошлар?!

Панамалик шоир Рикардо Миронинг "Ота юрт" шеъри таржимасида ўзбек шоири ўз истеъдодининг бутун қудратини намойиш қилгандай бўлади:

Ватан бу – хотира, кечмишдан ёдгор,
Гўдак лабидаги қотмаган ширдоғ...
Эҳтимол, минг бора этилиб шудгор
Гуллаган, гувлаган, қувраган бир боғ.

Кездим кемаларда, қайиқда, солда,
Қайда бўлмай дилда жону жаҳоним.
Шунча ихчаммиди, ёки...ҳар ҳолда,
Кўксимга жо бўлди ота маконим.

Ватан кўнгилга жойлангандагина унинг асл қиммати англаб етилган бўлади. Уни ўзидан ташқаридаги тупроқ, жуғрофий маскан эмас, балки кўкси ичра уриб турган муштдай юрак ҳолида туя билган кишигина асл юртсуяр бўлади. Панамалик шоирнинг истеъдоди, ўзбек сўзининг ифода имкония-

ти, Яҳё Тоғанинг ўзганинг шеъри қатидаги поэтик моҳиятни англай ва юзага чиқара билиш салоҳияти сабаб гўзал бир шеър ўзимизникига айланди.

Китобда шу хилдаги асарлар анча кўп. Улар билан танишиш ўқирманларда миллий ғурур, ўзлигидан ифтихор, эртанги кунга ишонч туйғуларини уйғотади. Ватан манзараларининг поэтик ифодалари билан танишув ўқирманлар кўнглида ҳам ватансуярлик туйғуларини уйғотиб, уларда отамаконга муҳаббат пайдо қилиши, шубҳасиз.

2016 йил 07 декабр

ҚЎШИМЧА ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

Қозоқбой ЙЎЛДОШ

ОЧҚИЧСЎЗ

МУҲАРРИР: В. ИБРАГИМОВА
ТЕХНИК МУҲАРРИР: О. МУХТОРОВ
САҲИФАЛОВЧИ: Ҳ. САФАРАЛИЕВ
ДИЗАЙНЕР: Д. АКРАМОВ

Нашриёт лицензияси А1 № 231. 16.11.12.
Теришга 25.03.2019 да берилди.
Босишга рухсат 03.04.2019 да берилди.
Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. Офсет қоғози.
Офсет босма усулида босилди.
«Cambria» гарнитураси.
21,5 босма табоқ. Адади 1000 нусха.
Оригинал макет «ТАФАККУР» нашриётида тайёрланди.
«ТАФАККУР» нашриёти Зангиота тумани,
Бунёдкор МФЙ, Кўл 17-тор кўча, 9-уй.
Индекс: 111109
«ADAD PLUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тел: (71) 244-75-88. **Email:** tafakkurmaktub@mail.ru

ISBN: 978-9943-24-188-6